

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

АДАБИЙ-БАДИИЙ, ИЖТИМОИЙ-ПУБЛИЦИСТИК ЖУРНАЛ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
“МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ”
ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИ

Бош муҳаррир:

Озод ШАРАФИДДИНОВ

Тахрир ҳайъати:

Неъмат АМИНОВ
Муҳаммадали АҲМЕДОВ
Шароф БОШБЕКОВ
Жамолiddин БЎРОНОВ
Эркин ВОҲИДОВ
Одил ЁҚУБОВ
Неъматулла ИБРОҲИМОВ
Мурод МУҲАММАД ДЎСТ
Мирпўлат МИРЗО
(Бош муҳаррир муовини)
Абдулла ОРИПОВ
Файбулла САЛОМОВ
Жавлон УМАРБЕКОВ
Шоир УСМОНХЎЖАЕВ
Рустам ШОҒУЛОМОВ
Файзи ШОҲИСМОИЛ
(масъул котиб)
Саидбек ҲАСАНОВ

Ноябр '98

МУНДАРИЖА

НАСР

КНУТ ХАМСУН. <i>Виктория. Роман</i>	3
СИДНИ ШЕЛДОН. <i>Орзиқиб кутаман эртани. Роман. Давоми</i>	68
НИКОЛАЙ КРАСИЛЬНИКОВ. <i>Сирли сўқмоқлар. Ҳикоялар</i>	118

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

ВЛАДИМИР ВИСОЦКИЙ. <i>Уруғ сепинг еринг бағрига. Шеърлар</i>	62
Муҳими — гапирмоқ юракдагини. Ҳозирги замон япон шеъриятдан	130

МАНГУЛИККА ДАХЛДОР

Л. Н. ТОЛСТОЙ. <i>Шекспир ва драма тўғрисида</i>	139
--	-----

ТАРИХ ТИЛГА КИРГАНДА

БОЙМИРЗА ҲАЙИТ. <i>Миллий озодлик ҳаракатининг бешиги</i>	161
---	-----

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

АБДУЛҲАКИМ ЖУЗЖОНИЙ. <i>Фаробийнинг издошлари</i>	174
---	-----

САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ, ФАНТАСТИКА

КОЛЕ ОМОТОСО. <i>Фелла танлаган йўл</i>	177
---	-----

КИТОБХОН МИНБАРИ

ФАТХИДДИН НАСРИДДИНОВ. <i>Илм нуридан баҳрамандлик</i>	202
--	-----

СОЛНОМА

Туркманистонда маданий ҳаёт	205
-----------------------------------	-----

Кнут ХАМСУН

Виктория

Роман

I

Тегирмончининг ўгли хаёл суриб борарди. Бу ўн тўрт ёшлардаги яғриндор, офтоб ва шамолдан бадани қорайган ўсмир бола бўлиб, ҳар турли нарсаларни ўйлаб топишга жуда уста эди.

Ҳа, у катта бўлганида гугурт ясайдиган бўлади. Мана бу ҳунарымисан-ҳунар, жуда хавфли иш: доим қўлларингда олтингугурт юқи бўлади, шунинг учун, манман деган мард йигитлар ҳам сенга қўл кўтаришга журъат эта олмайди. Қолаверса, оғайниларинг ҳам, шундай қўрқинчли ҳунар билан шуғулланганинг учун сени иззат-ҳурмат қилишади.

У ўрмонга кириб бориб, таниш қушларнинг ҳолидан хабар олади. Бу ердаги ҳамма қушлар унинг эски қадрдонлари. У қайси қуш қаерга ин қурганини билади, уларнинг тилини тушунади ва ҳар турли овоз билан қушларга тақлид қила олади. У кўпинча отасининг тегирмонида тортилган ундан жажжи-жажжи бўғирсоқлар ясаб, улар билан қушларни боқади.

Йўлканинг икки чеккасида ўсган дарахтлар ҳам унинг қадрдон дўстлари. Баҳорда бу дарахтлардан у шира йиғади, қишда бўлса, уларга худди отадек ғамхўрлик қилиб, шохларига инган қорларни қоқади. Ҳатто энг баланд тепаликда жойлашган ташландиқ тош конидаги тошлар билан ҳам у қалин дўст: у тошларга ҳарфлар ўйиб ёзиб, уларни шундай жойлаштирар эдики, ўртадаги тошни, ўзича, ҳазрат, унинг атрофидагиларни эса қавмлар деб фарз қиларди. Хуллас, бу кўҳна тош кони не-не ғаройиб мўъжизаларни кўрмаган...

У йўлдан бурилиб тўғон бошига тушди. Тегирмон тоши гуриллаб айланар, унинг шовқини қулоқни қоматга келтирар эди. Лекин бола бу ерда бўлганида, ўзи билан ўзи овоз чиқариб гаплашишга одатланиб қолган эди. Унинг назарида, шаршара кўпигидан ҳосил бўлган ҳар битта марваридсимон томчининг ўз кечинмалари бордек ва уларнинг ҳар бири ўз бошидан кечган мўъжизаларни ҳикоя қилиб бера оладигандек туюларди. Тўғондан ошиб пастга тикка оқиб тушаётган дарё суви гўё қуритиш учун дорга осиб қўйилган ялтироқ ип толаларига ўшарди. Тўғондан пастдаги сувда балиқ сероб эди. Бола бу ердан кўпинча қармоқ ташлаб балиқ тутар эди.

Катта бўлганида у гаввос бўлади. Ҳа, албатта гаввос бўлади. У кема палубасидан тўғри денгиз қаърига сакрайди ва ўзини ғаройиботлар салтанатида кўра-

*Русчадан
Қодир
МИРМУҲАМЕДОВ
таржимаси*

Норвегия ёзувчиси Кнут Хамсун (1859—1952) ўзининг “Очлик”, “Мистериялар”, “Пан”, “Виктория” сингари психологик романида шахснинг тор манфаатпарастлик муҳитига қарши исёнини тасвирлайди. Унинг “Ер шарбати” романида деҳқон меҳнати тараннум этилади. К. Хамсун Нобель мукофоти совриндори (1920 й.).

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

ди: бу ердаги антиқа ўрмонларни долғалар тебратеди. Денгизнинг энг теран тубида эса, маржонлардан қурилган ажиб қаср бор. Қаср деразаси олдида турган шоҳ қизи уни имлаб чақиради: “Марҳамат, кираверин!”

Шу пайт кимдир уни чақириб, хаёлини бўлди. Ҳа, отаси чақираётган экан: — Юханнес! Сени Қасрга чақириб кетишди. Бойваччалар келишибди, уларни оролга олиб ўтармишсан.

Юханнес Қаср томон шахдам-шахдам юриб кетди. Бу тегирмончининг ўғлига дафъатан кўрсатилган лутф-марҳамат эди.

Заминдорнинг кўрғони ҳақиқатан ҳам мўъжазгина қасрга, ям-яшил дарахтлар ва ўтлоқлар ўртасида қад кўтарган ёлғиз афсонавий аркка ўхшарди. Оққа бўялган бу ёғоч уйнинг деразалари ярим доира шаклида бўлиб, қиялаб тушган томнинг у ер-бу ерида ҳам шундай деразалар бор эди. Қаср соҳибиникига шаҳардан меҳмонлар келганида доирасимон минора чўққисиди байроқ ҳилпирарди. Бу кўрғон эл оғзиди Қаср деб юритиларди. Унинг бир томони кетганча кўрфаз, иккинчи томонида қалин ўрмон бўлиб, узоқ-узоқда деҳқонларнинг кичик-кичик томорқалари кўринарди.

Юханнес бойваччалар билан сув бўйида учрашди ва уларнинг қайиққа жойлашиб ўтиришларига кўмаклашди. Бу меҳмонларни у кўпдан биларди — булар Қаср соҳибининг болалари ва уларнинг шаҳарлик дўстлари эди. Ҳаммалари кўнжи балад этик кийиб олишибди, шунинг учун оролга етиб боришганда, фақатгина Викторияни — у энди ўн ёшга тўлган қизалоқ эди — оёғига жажжи туфли кийганлиги сабабли, қайиқдан қуруқликка қўлда кўтариб ўтиш керак бўлди.

— Майлими сени кўтариб ўтказсам? — деб сўради Юханнес.

— Ўзим олиб ўтаман, — деди шаҳардан келган бойвачча йигит Отто. У ораста бўлиб, балоғатга етиб қолган эди. Викторияни шу қўлига кўтариб олди.

Отто уни соҳилдан анча наридаги дўнг ерга олиб бориб қўйди. Шунда Юханнес қизчанинг Оттога: “Раҳмат”, деганини эшитди. Кейин Отто унга буурди:

— Ҳей, отинг нима эди, сен шу ерда қайиққа қараб тур.

— Унинг исми Юханнес, — деди Виктория. — Тўғри, у қайиққа қараб тура-қолсин.

Юханнес соҳилда бир ўзи қолди. Бойваччалар қўлларига саватлар олишиб, қушларнинг тухумини йиғгани орол ичкарисига қараб юрдилар. Юханнес ўйла-ниб туриб қолди, у ҳам бойваччалар билан бирга боришни жуда-жуда хоҳларди — ахир қайиқни қирғоққа тортиб чиқариб қўйса бўлади-ку. Нима, қийин эканми? Ҳечам-де! Юханнес қайиқни азда-базда итариб, унинг тумшугини соҳилга чиқарди.

У бойваччаларнинг кулишиб, гангир-гунгир гаплашиб тобора узоқлашиб кетишаётганини эшитди. Ҳа, майли, бораверишсин. Ҳар ҳолда, униям бирга олиб кетишса, ҳеч ерлари ейилиб қолмасди. Уларга қушларнинг инларини кўрсатарди — ваҳший қушлар, одатда, тоғ оралиғидаги сирли кавакларга ин қуришарди. Бир марта у ўшанақа жойда оқсуварни ҳам кўрганди.

Юханнес қайиқни яна сувга итариб тушириб, орол ёқалаб суза бошлади. У анча нарига кетиб қолганида:

— Ҳей, қайт орқангга! Қушларни чўчитиб юборасан, — деб бақиритганини эшитди.

— Мен сизларга оқсуварнинг уясини кўрсатмоқчи эдим, — деди Юханнес, унинг овозида, “хоҳламайсизларми?” — деган савол оҳанги мавжуд эди. — Ё бўлмаса, олов ёқиб илонни инидан ҳайдаб чиқарамиз! — деб таклиф қилди у салдан кейин. — Менда гугурт бор.

Лекин ҳеч ким унга ҳеч нима деб жавоб қилмади. Юханнес қайиқни орқага буриб, яна бояги бандаргоҳга сузиб келди. Бу ерда у қайиқни қирғоққа тортиб чиқарди.

Ҳали катта бўлсин, у султондан битта оролни сотиб олади-да, унга ҳеч кимни қўймайди. Унинг салтанатини замбараклар билан жиҳозланган кема қўриқлаб туради. “Зоти олийлари, — дейишади унинг олдига югуриб келган қуллари, — бир кема сув ости қоясига урилиб чўкмоқда. Кема аҳли ёш-яланглар

экан. Улар ҳалок бўлишади”. — “Майли, ҳалок бўлаверишсин”, — дейди у. “Зоти олийлари, улар илтижо қилиб ёрдам сўрамоқдалар. Биз уларни қутқариб қолишимиз мумкин. Кемадагилар орасида оқ кўйлак кийган ёш бир аёл ҳам бор экан”. — “Қутқаринглар уларни!” — деб буюради у янгроқ овоз билан. Шунда у кўп йил давом этган айрилиқдан сўнг яна Қаср соҳибининг болалари билан учрашади. Витория унинг оёғига йиқилиб, ўлимдан қутқариб қолгани учун, унга миннатдорчилик изҳор этади. “Миннатдорчиликнинг ҳожати йўқ, мен фақат инсоний бурчимни бажардим, — деб жавоб қилади у. — Марҳамат, менинг салтанатимда бемалол ўйнанглар-қулинглар, сайр қилинглар”. Шундай деб у меҳмоннавозлик билан ўз қасрининг дарвозасини бойваччаларга очади ва бу меҳмонларга тилла идишларда турли ноз-неъматлар тортишни буюради, уч юзта қорабадан канизлар туни билан рақс тушиб, қўшиқ айтиб меҳмонларнинг дилини хушнуд этадилар. Эртаси куни бойваччалар жўнашга отланадилар, лекин Виктория улар билан кетишни хоҳламайди, юм-юм йиғлаб Юханнеснинг оёғига бош уради — ахир қиз уни севар эди-да. “Зоти олийлари, мени ҳайдаманг, шу ерда сизнинг канизақларингиздан бири бўлиб қолишимга ижозат беринг...”

Бундай ҳаяжонли хаёлдан ўзини йўқотиб қўяёзган Юханнес ҳушини йиғиб, шошганча орол ичкарасига йўл олди. Бўлди, масала ҳал, у Қаср соҳибининг болаларини қутқаради. Ким билсин — балки улар адашиб қолишгандир. Эҳтимол, Виктория қоя тошлар орасидаги кавакка тушиб кетиб, у ердан чиқа олмаётгандир? Ҳозир Юханнес бориб қўлини узатади-ю, дарров уни чуқурдан тортиб олади...

Лекин меҳмон йигитлар Юханнесни кўриб ҳайрон қолдилар. Ахир у қайиқни ташлаб келишга қандай журъат этди?

— Сен қайиқ учун бошинг билан жавоб берасан менга, — деди Отто.

— Сизларга малиназорни кўрсатайми — хоҳлайсизларми? — деди Юханнес.

Ҳеч ким индамади. Фақат Виктория:

— Малиназор? — деб сўради, — қаерда у?

Лекин шаҳарлик ёш бойвачча дарров гапга аралашиб деди:

— Ҳозир вақтимиз йўқ.

Юханнес яна лўқма ташлади:

— Мен яна чиганоқлар кўп жойниям биламан.

Яна жимлик.

— Уларнинг ичида марваридлари борми? — деб сўради Отто.

— Вой, ростданам марваридлари бўлса-я? — деб чинқириб юборди Виктория.

Йўқ, Юханнес бунга кафолат беролмайди. Лекин ўша чиганоқлар қирғоқдан анча нарида, денгизнинг қумлоқ тубида сочилиб ётибди; уларни олиш учун қайиқда сузиб бориб, кейин сувга шўнғиш керак бўлади.

Йигитлар бу даргумон таклифни масхара қилиб қулишди. Отто бўлса:

— Ўргилдим сендақа ғаввосдан! — деб ғижиниб қўйди.

Бу гапдан Юханнес ғазабланган бўлса ҳам, оғир нафас олиб ўзини босди.

— Хоҳласанглар, анави балаңд қояга чиқиб, каттакан бир тошни пастга думалагиб юбораман! — деб таклиф киритди у.

— Кейин нима бўлади?

— Ҳеч нима. Томоша қиласизлар.

Аммо бу таклиф ҳам бойваччаларга ёқмади, Юханнес изза бўлиб жим қолди. Сўнг у бойваччалардан бутунлай бошқа томонга, оролнинг нариги чеккасига қуш тухумларини қидиргани кетди.

Ниҳоят, ҳамма улфатлар қайиқ олдига йиғилишди. Қарашса, битта Юханнеснинг ўзи ҳаммаларидан кўпроқ тухум топиб келибди. У бир қалпоқ тухумни эҳтиётлаб кўтариб келди.

— Шунча тухумни қандай қилиб топдинг? — деб сўради ундан шаҳарлик Отто.

— Ахир мен қушларнинг қаерларга ин қўйганини биламан-да, — суюниб изохлади Юханнес. — Бу тухумларни сеникига қўшиб қўяман, Виктория.

— Йўқ, яқинлашма! — деб чинқирди Отто. — Ҳеч кераги йўқ!

Ҳамма ҳайрон бўлиб Оттога қаради.

— Қалпоғи тозами-йўқми, ким кафолат бера олади?

Юханнес ҳеч нима демади. Лекин ундаги шодиёна кайфият зумда сўнди. У орқасига ўтирилиб, қўлида бир қалпоқ тухум билан қоялар томон кета бошлади.

— Ўзи нима бўлди унга? Қаёққа кетяпти? — ҳайрон бўлиб сўради Отто.

Виктория эса ҳамқишлоғининг орқасидан югурар экан:

— Қаёққа, Юханнес? — деб қичқирди.

Тегирмончининг ўғли тўхтаб, оҳиста жавоб қилди:

— Тухумларни ин-инларига олиб бориб қўяман.

Икковлари бир-бирларига тикилганча жим бўлиб туриб қолишди.

— Мен тушликдан кейин тош конига бораман, — деди Юханнес. Виктория индамади.

— Сенга у ердаги ғорни кўрсатайми?

— Вой, кўрқаман, — деб чўчиб кетди қизча. — Ўзинг айтувдинг-ку, у ер жудаям қоронғи деб.

Шунда Юханнес, қанчалик дили оғриган бўлишига қарамай, жилмайди ва дадил овоз билан деди:

— Кўрқма, ахир мен ёнингда бўламан-ку.

Юханнес гўдаклик чоғидан бу кўҳна тош конида ўйнашни яхши кўрарди.

Унинг нималарнидир ясаётгани ва овоз чиқариб ўзи билан ўзи гаплашаётгани ҳатто пастдаги йўлдан эшитиларди; баъзан у ўзини дин пешвоси деб тасаввур қилиб ваъз айтарди.

Тош кони кўпдан бери қаровсиз эди, бу ердаги тошларни пўпанак босган бўлиб, уларнинг бир вақтлар портлатгич қўйиш учун бурғи билан ўйилган кавакларни энди кўринмай қолган эди. Коннинг энг чуқур ерида хуфия ғор бор эди; тегирмончининг ўғли бу ғорни ҳар хил тошлардан тозалаб, чиройли қилиб саришталлаган эди, — бу ерда, унинг тасаввурида, дунёда энг довиюрак қароқчилар гўдаси яшар ва у уларнинг сардори эди.

Мана, у кумуш кўнғироқчани чалади. Шу заҳоти бошига гавҳар тасмали қалпоқ кийган, зигирдаккина, пак-пакана одам югуриб киради. Бу унинг хизматкори. У икки букилиб таъзим қилади. “Малика Виктория келгани ҳамоно бу ерга бошлаб киринг”, — деб баралла овоз билан буюради Юханнес. Пакана одам яна боши ерга теккудек эгилади-да, чиқиб кетади. Юханнес юмшоқ диванда ястаниб ўтириб хаёлга берилади. Ташриф буюрган меҳмон қизни у албатта энг фахрли ўринга ўтқзади, сўнг уни кумуш ва олтин идишларга сузилган энг лаззатли, энг ноёб шоҳона таомлар билан меҳмон қилишни буюради; ғорни лов-лов ёниб турган гулхан шуъласи ёритади, ғорнинг тўрида вазмин зарварақ парда ортида пар тўшак тайёр; бу ерда ўн иккита рицарь маликанинг оромини кўриқлаб туради...

Юханнес сакраб ўрнидан туриб кетди, эмаклаб ғордан чиқди ва қулоқ сола бошлади. Пастдаги сўқмоқ йўлда хазон шитирлади.

— Виктория! — деб чақирди у.

— Менман! — деб жавоб қилди қизча.

Юханнес уни қарши олгани пастга югуриб тушди.

— Вой, кўрқиб кетяпман! — деди Виктория.

Бола елкасини учуриб деди:

— Нега кўрқасан? Мен ҳозир ўша ерда эдим. Тўғри ғордан тушиб келяпман.

Улар ғорга киришди. Юханнес қўли билан ишора қилиб, қизчага тош курсига ўтиришни таклиф қилди ва деди:

— Худди мана шу курсида дев ўтирган эди.

— Жим, бас, уёғини гапирма! Сен кўрқиб кетгандирсан, албатта?

— Йўқ.

— Сен, унинг кўзи битта, деган эдинг. Фақат тролларгина¹ бир кўзли бўлишади.

¹ Троль — Скандинавия мамлакатлари ривоятларида ғайритабиий қиёфадаги махлуқ — одатда одамларнинг кушандаси. (Тарж.)

Юханнес ўйланиб қолди.

— Йўқ, унинг кўзи иккита эди. Фақат битта кўзи кўрмас экан — буни унинг ўзи менга айтувди.

— Яна нималарни айтувди? Йўқ, керак эмас, гапирма!

— У мендан, хизматимга киришни хоҳлайсанми, деб сўради.

— Вой, худо сақласин! Сен рози бўлмагандирсан, албатта?

— Рози ҳам бўлганим йўқ, рад ҳам этмадим.

— Жинни бўпсан! Наҳотки бир умр ғор ичида қамалиб ётишни хоҳласанг?

— Ўзим ҳам билмайман. Ер юзида яшашнинг қизиғи қолмади.

Сукут.

— Шаҳарлик меҳмонлар келгандан бери сен доим ўшалар билансан, — деди Юханнес.

Сукут.

Юханнес яна деди:

— Мен уларнинг ҳаммасидан ҳам кучлироқман, сени мен бир зумда қирғоққа кўтариб олиб ўтган бўлардим. Умуман, мен сени бир соатгача ерга қўймай кўтариб туришим мумкин. Мана, қара!

У шундай деб қизчани кўлига кўтарди. Виктория унинг бўйнидан кучоқлаб олди.

— Бўлди, чарчадинг, ерга тушир.

Юханнес қизчани ерга қўйди.

— Лекин Отто ҳам кучли. У ҳатто катта йигитлар билан ҳам муштлашганмиш, — деди Виктория.

— Катта йигитлар билан?

— Ҳа. Шаҳарда.

Сукут. Юханнес ўйланиб қолди.

— Унақа бўлса, ортиқча гапнинг ҳожати йўқ, — деди у. — Энди нима қилишимни ўзим биламан.

— Нима қиласан?

— Девнинг хизматига кираман.

— Вой ўлмасам! Сен жинни бўлибсан! — деб чинқириб юборди Виктория.

— Ҳа, нима бўпти? Менга энди барибир. Бориб девга ёлланаман, вассалом! Виктория, бу мушкулотдан қандай қутилса бўларкин, деб ўйлай бошлади.

— Балки ўша дев энди бутунлай келмас.

— Келади, — деди Юханнес.

— Шу ергами? — деб шошқалоқлик билан сўради қизча.

— Шу ерга.

Виктория ўрнидан сакраб туриб, туйнук томон юра бошлади.

— Тезроқ кета қолайлик бу ердан!

— Шошиб нима қиламиз? — деди Юханнес, ваҳоланки ўзининг ҳам юраги така-пука бўла бошлаган эди. — Дев фақат кечаси келади. Роппа-роса ярим тунда.

Викториянинг кўнгли таскин топди, у яна тош курсига ўтирмақчи бўлди. Лекин энди Юханнес, ўзи кашф этган девнинг ваҳимасидан ҳеч қутулолмаётган эди, — ҳа, ғорда қолиш хатарли.

— Агар хоҳласанг, майли, кетамиз бу ердан, — деб таклиф қилди у. — Тепада битта тош бор, унга сенинг исминг ўйиб ёзилган. Ҳозир кўрсатаман сенга.

Улар ғордан эмаклаб чиқишди ва Юханнес айтган тошни топишди. Виктория мағрур ва бахтиёр. Бу ҳолдан таъсирланиб кетган Юханнес кўзида филт-филт ёш билан деди:

— Мен бу ердан жўнаб кетганимдан кейин сен шу тошга қараб, мени яхши сўзлар билан эслаб юрарсан.

— Албатта, — деб сўз берди Виктория. — Лекин сен яна қайтиб келасан-ку-а?

— Ким билсин. Балки келмасман.

Улар сўқмоқ йўлдан уйга қараб кета бошлашди. Юханнес ўпкаси тўлиб борарди.

— Ҳа, бўпти, бўлмаса, яхши қол! — деди Виктория.

— Майли, яна сал нарироққача кузатиб қўяқолай.

Тавба, шунчалик тошбағирми бу қизча? Дарровгина видолашди-қўйди-я! Бу ҳол Юханнесни қаттиқ ранжитди ва нафсониятига тегди. У бирдан таққа тўхтаб, ошкора жаҳл билан деди:

— Эсингда бўлсин, Виктория. Ҳеч ким ҳеч қачон сен билан менчалик яхши муносабатда бўлмайди. Ҳеч ким!

— Отто ҳам мен билан яхши, — деб эътироз билдирди қизча.

— Шунақа дегин! Бўлмаса ўша билан оғиз-бурун ўпишиб юравер, — деб жавоб қилди Юханнес.

Виктория индамай бир неча қадам нари кетди.

— Сен менинг ташвишимни қилма. Мен айшимни суриб мазза қилиб яшайман ҳали. Дев менга нималарни ваъда қилганини сен ҳали билмайсан.

— Билмайман. Нима ваъда қилган?

— Ярим подшоликни. Бу бир.

— Ростданми? Наҳотки ярим подшолик ваъда қилган бўлса?

— Яна шоҳ қизиниям... сийловига.

Виктория юришдан тўхтади.

— Мени алдаяпсан-а?

— Йўқ. Девнинг ваъдаси шу.

Сукут.

— Қизик, қанақайкин-а ўша шоҳ қизи? — деди Виктория паст овоз билан.

— Қанақа бўларди? Дунёда энг чиройли қиз бўлади-да. Буни ҳамма билади.

Виктория енгилди.

— Сен ўша шоҳ қизига уйланмоқчимисан? — деб сўради у.

— Бўлмасам-чи, — деди Юханнес. — Нега уйланмас эканман? — Лекин у Викториянинг қаттиқ хафа бўлганини кўриб илова қилди: — Ҳар ҳолда, эҳтимол, бир-икки марта тушарман ерга. Бир вақт топиб меҳмонга келиб кетарман.

— Келганигда уни ўзинг билан олиб келма, хўпми? — деб илтимос қилди Виктория. — Нима қиласан уни бу ерга олиб келиб?

— Кўрамиз. Балки ёлғиз ўзим келарман.

— Менга сўз бер!

— Хўп. Сўз бераман. Қизик, сенга барибир эмасми? Албатта, сенга бунинг ҳеч дахли йўқ.

— Нега ундай дейсан? — эътироз билдирди Виктория. — Турган гапки, у сени менчалик яхши кўрмайди.

Бу гапдан Юханнеснинг юраги ёқимли жимирлаб кетди. У беҳад бахтиёр... Уялганидан ўзини қўярга жой тополмай, бошини кўтариб Викториянинг юзига қарашга юраги дов бермай қолди. Кейин у ердан бир тол навдасини олди-да, пўстлогини шилиб ташлаб, у билан кафтига ураркан, айни чоғда бесаранжом қалбига далда бериш учун ҳуштак чала бошлади.

— Мен уйга борақолай энди, — деди у.

— Хайр... кўришгунча, — деди Виктория ва унга қўлини узатди.

II

Тегирмончининг ўғли шаҳарга жўнаб кетди. У узоқ вақт уйига қайтмади, ўша ерда мактабга қатнаб, ҳар хил фанларни таҳсил қила бошлади, ўсиб катта бўлди, кучга тўлди, мўйлаби сабза урди. Шаҳар узоқ эди, у ерга бориб келиш қиммат турарди; ҳар бир тийинни тежаб сарфлашга одатланган тегирмончи ўғлини анча йилгача қишин-ёзин шаҳарда қолдириб турди. Юханнес кун бўйи китобдан бош кўтармай мутолоа қилди.

Мана, у балоғатга етди, ёши ўн саккизга, кейин йигирмага тўлди.

Баҳор кунларидан бирида у пароходдан соҳилга тушди. Қаср минораси тепасида байроқ ҳилпираб турарди — байроқ Қаср соҳибининг ўғли Дитлеф шарафига кўтарилган эди. У ҳам Юханнес келган пароходда таътилга келган эди. Дитлефни қарши олгани бандаргоҳга каласка келди. Юханнес Қаср соҳибига, унинг хотинига ва Викторияга таъзим қилди. Ўҳ-хў, Викториянинг бўйи етиб

катта қиз бўлиб қолибди-ку! Лекин қиз Юханнеснинг саломини эътиборсиз қолдирди.

Юханнес яна салом бермоқчи бўлиб бошидан кепкасини олди. Шунда у Викториянинг ўз акасига савол берганини эшитди:

— Биз билан саломлашган йигит ким, Дитлеф?

— Танимадингми? Юханнес-ку, тегирмончининг ўғли, — деб жавоб қилди акаси.

Шунда Виктория яна йигит томонга ўтирибди, лекин Юханнес яна бир марта саломлашишни эп кўрмади — ноқулай билди. Каласка жўнаб кетди.

Юханнес ўз уйи томон йўл олди.

Ё тавба, уйлари намунча кичкина ва аломат! Юханнес эшикдан бошини эгиб кирди. Ота-онаси уни байрамона ноз-неъматлар билан қарши олди. У қаттиқ таъсирланиб кетди. Бу уй энг азиз ва мутаассир хотираларга тўла эди. Оққўнгил қариялар — отаси билан онаси уни навбатма-навбат кучоқлаб қутладилар.

Шу кунни кечкурун Юханнес теварак-атрофни сайр қилгани чиқиб кетди, у ҳамма ёқни айланиб чиқди, тегирмонда, тош конида, бир вақтлар балиқ тутган тўғон бошида бўлди. Ҳалитдан дарахт шохлари орасига ин қура бошлаган таниш қушларнинг чуғур-чуғурини маҳзун кайфиятда тинглади, у ҳатто, анча тескари бўлса ҳам, ўрмондаги чумоли уясини кўргани борди. Чумолилар ғойиб бўлибди, инлари ҳувиллаб ётибди. Юханнес инни кавлаб кўрди, лекин бу ерда ҳаётдан асар ҳам топмади. У Қаср соҳибига қарашли бу ўрмонда айланиб юриб, унинг анча сийраклашиб қолганини кўрди.

— Қалай, танидингми ўзинг туғилиб ўсган ерларни? — ҳазил аралаш сўради отаси. — Эски кадрдонларинг — қораялоқ қушларни учратдингми?

— Танидим, лекин ҳаммасинимас. Ўрмондаги дарахтларнинг кўпини кесипти.

— Ўрмон бизники эмас, унинг ўз эгаси бор, — деб жавоб қилди ота. — Бировларнинг дарахтини санаш бизга ярашмайди. Ҳар қандай одам ҳам пулга муҳтож бўлиши мумкин, Қаср соҳибига эса, ҳамиша кўп пул керак.

Кунлар — чароғон, қувончли кунлар, болаликнинг азиз хотираларига бой бўлган лаззатли дамлар — жонажон заминга, беғубор осмон остига, поёнсиз далалар ва юксак тоғлар бағрига чорловчи файзли лаҳзалар бирин-кетин қуваляшиб ўта бошладилар.

Юханнес Қасрга элтувчи йўлдан кетиб борарди. Эрталаб уни ари чақиб олди, юқори лаби шишиб кетди; агар йўлда қасрлик жаноблардан биронтасига рўпара келиб қолса, бош эгиб таъзим қилади-ю, дарров унинг ёнидан ўтиб кетади. Хайрият, у ҳеч кимни учратмади. Фақат Қасрга яқинлашганида, боғчада бир хонимни кўрди, унга эгилиб таъзим қилди-да, ўтиб кетаверди. Бу хоним Қаср бекаси эди. Юханнес Қаср ёнидан ўтаркан ҳатто ҳозир ҳам, худди бир вақтлардагидек юраги орзиқиб-орзиқиб тепа бошлаганини ҳис этди. Юханнес деразалари беҳисоб бу катта уйни ва Қасрнинг димоғдор, такаббур эгасини ҳануз иззат-эҳтиром қиларди.

У бандаргоҳ томонга бурилди.

Шу пайт у, кутилмаганда, Дитлеф билан Викторияни кўриб қолди. Юханнеснинг кўнгли ғашланди — ҳали улар, бу йигит атайлаб бизга рўпара келишга уриняпти, деб ўйлашмасайди! Устига-устига, бу ёқда лаби шишиб кетган. У, боравераймикин, деб ўйлаб қадамини секинлатди, кейин таваккал, деб кетаверди. У ака-сингилга анча узоқдан таъзим қилди ва то улар билан яқинлашгунча кепкасини қўлида ушлаб борди. Икковлари Юханнеснинг саломига индамай бош ирғатишди ва унинг ёнидан ўтиб ўз йўлларида аста-аста кетаверишди. Юханнеснинг ёнидан ўтаётганида, Виктория унга тикилиб қаради; қизнинг чеҳрасида бир зумлик аллақандай ўзгариш зоҳир бўлди.

Юханнес яна бандаргоҳ томон юриб кетди, лекин юрагига гулгула тушган эди, унинг қанчалик саросимада эканлиги оёқ олишидан ҳам сезилиб турарди. Буни қаранг-а, Викториянинг бўйи етиб қолибди, кап-катта қиз бўлибди, ҳусну latoфатини айтмайсизми! Қизнинг нафис бахмал қийқимини эслатувчи қош-

лари қаншарига келиб пайваста бўлаёзган, кўзлари учқундай чақнаб, тўқ кўк ранг касб этган эди.

Юханнес қайтишда, Қасрни анча четлаб, ўрмон ичидан ўтувчи сўқмоққа буриллиди. Шунда ҳеч ким унга, Қаср соҳибининг болаларини таъқиб қилипсан, деб таъна қила олмайди. У тепаликка чиқди, битта қулай харсанг тошни танлаб унга ўтирди. Қушлар жазавага тушиб, жўшқин эҳтирос билан сайрашар, ин қуриш учун тумшукларида хас-чўплар ташишар экан, чуғуллашиб бир-бирларини чақиришарди. Ҳаводан қора тупроқнинг, чириган ёғочнинг, энди очила бошлаган куртакларнинг чучмал ва муаттар ҳидлари анқирди.

Шу пайт мутлақо кутилмаганда, Юханнес яна Викторияни кўриб қолди — қиз қарама-қарши томондан тўғри у ўтирган тепалик томон юриб келарди.

Оббо! Юханнеснинг қалбини аянчли надомат қамраб олди — қанийди ҳозир ер ёрилса-ю, ер тагига кириб кета қолса! Бу сафар энди Виктория албатта, бу йигит мен билан учрашиш ниятида йўлимни пойлаяпти, деб ўйлайди. Қиз билан яна саломлашсинмикин ё йўқми? Балки уни пайқамагандек бўлиб ўтиравергани маъқулмикин? Бунинг устига, лаби шишиб кетгани ортиқча бўлди-да...

Лекин Виктория яқин келиши билан у дик этиб ўрнидан турди ва кепкасини бошидан олди. Виктория жилмайиб бош ирғатди.

— Хайрли оқшом. Яхши келдингизми? — деди у.

Юханнеснинг назарида қизнинг лаблари яна хиёлгина пирпирагандек бўлиб туюлди, аммо Виктория шу заҳоти ўзини тутиб олди.

— Ажаб, — деди йигит, — сени бу томонга келади, деб ўйламаган эдим.

— Тўғри, сиз қаёқданам билибсиз буни, — деди Виктория. — Негадир, бирданига шу сўқмоқдан юргим келиб қолди.

Ие, ие, ие! Юханнес уни “сан”лаб юборди-ку!

— Кўпга келдингизми? — деб сўради Виктория.

— Таътил тугагунча.

Юханнес гапиришга сўз топа олмай қийналарди, зеро Виктория, кутилмаганда, мутлақо бегона бўлиб қолган эди унга. Нега энди у дабдурустан келиб Юханнесни гапга тутдийкин?

— Дитлеф айтди, сизнинг қобилиятингиз зўр эмиш, Юханнес. Жудаям яхши таҳсил олаётганмишсиз. Унинг гапига қараганда, сиз шеър ҳам ёзармишсиз. Шу ростми?

Йигит истар-истамас қисқагина жавоб қайтарди:

— Бунинг ажабланадиган ери йўқ. Шеърни ҳамма ёзади.

Виктория ҳозир кетиб қолса керак, чунки у чурқ этмай қолди.

— Таассуфки, бутун мени ари чақиб олди, — деб яна Юханнес гапира бошлади ва лабини кўрсатди. — Лабимнинг шишиб кетгани шундан.

— Сиз кўпдан бери уйингизга келмай қўйдингиз, бу ернинг арилари сизни танишмаган.

Тавба, уни ари чақибди-ю, Викториянинг парвои фалак. Ҳа, тушунарли. Ана, қизил шамсиясини елкасига қўйиб, унинг тилла бандини чир-чир айлан-тириб турибди, бошқаларнинг ҳоли не кечаётгани билан иши йўқ. Ҳолбуки, мана шу басавлат, такаббур ойимқизни у неча-неча марталаб ўз қўлида кўтариб юрган эди.

— Ўзим ҳам таний олмай қолдим бу ернинг ариларини, — деди Юханнес. — Ваҳоланки, авваллари улар менинг дўстларим эди.

Бироқ Виктория бу гап билан унинг нима демоқчи бўлганини тушунмади ва шу сабабли унга жавоб қайтармади. Оҳ, нақадар чуқур эди Юханнес айтган бу гапнинг маъноси!

— Бу ерда кўп нарсалар ўзгариб кетибди. Ҳатто ўрмон ҳам — дарахтлари кесилиб сийраклашиб қолибди.

Қизнинг чеҳрасида сўлғинлик зоҳир бўлди.

— Унақа бўлса, бу ерда сизнинг шеър ёзишингиз учун илҳом ҳам келмаса керак, — деди у. — Қанийди, бир кун келиб сиз дафъатан менга шеър бағишла-сангиз! Йўғ-е, нималар деяпман ўзи? Мана, кўрдингизми, мен бунақа нарсаларга унча тушунмайман.

Бу гап йигитнинг дилига қаттиқ ботди ва индамай кўзини ерга тикди. Қиз ўзини назокатли қилиб кўрсатмоқчи-ю, лекин айна пайтда, унинг устидан кулмоқда, тумтароқ гапларни айтиб, уларнинг йигитда қандай таассурот уйғотишини кутмоқда. Йўқ, овора бўлади — Юханнес шунча йил мобайнида бир кунини ҳам бекор ўтказмади, у наинки қоғоз “булғаш” билан машғул бўлди, баъзи одамлардан кўра кўпроқ китоблар мутолаа қилди.

— Бўпти бўлмаса, яна кўришармиз. Хайр.

Йигит бошидан кепкасини олди ва қизга жавобан ҳеч нима демай жўнаб кетди.

О, Виктория! Юханнес ёзган шеърларнинг барчаси, ҳаттоки тунни таърифлаган шеъри ҳам, ботқоқ шуъласи ҳақидаги шеъри ҳам — ҳамма-ҳаммаси фақат сенга, ёлғиз сенга бағишланганлигини билсанг эди! Лекин афсуски ҳеч қачон билаолмайсан буни!

Якшанба куни Дитлеф, оролга борамиз, деб Юханнесни чақириб келди. “Яна қайиқни кўриқлаб ўтирарканман-да”, — деб ўйлади Юханнес, лекин боришга рози бўлди. Бугун якшанба бўлса ҳам, бандаргоҳда сайр қилувчилар сийрак эди. Кун сокин, кўкда офтоб порлаб турипти. Кейин бу сукунатни бирдан янгроқ мусиқа садоси бузди; мусиқа денгиз томондан, узоқдаги ороллардан эшитилаётган эди — почта пароходи теварак-атрофни айланиб, бандаргоҳ томон сузиб келаётган эди; мусиқа эса шу пароход палубасида чалинаётган эди.

Юханнес қайиқнинг арқонини ечиб, эшкаклар ёнига ўтирди. Бу чароғон кунда унинг кайфияти чоғ, кўнгли ийишга мойил эди, пароходдан келаётган мусиқа навоси эса, мусаффо ҳавода турфа ранг гуллар ва олтин бошоқлардан ажиб нақшлар тўқиётгандай эди.

Қизиқ, Дитлеф нима қилиб турибди ўзи? У негадир пароходдан ва ундаги йўловчилардан кўз узмаяпти... худди кимнидир кутаётгандай. “Нима, бу ерда ўтиравераманми? Соҳилга чиқаман”, — деб кўнглидан ўтказди Юханнес ва қайиқни орқага бурди.

Шу пайт пароход томонда унинг кўзига бир оқ нарса лип этиб кўринди, кўриндию шу заҳоти сувга нимадир шалоп этиб тушгандай бўлди. Пароходдаги одамларнинг жон-жаҳд билан бақирган, ҳайқирган овозлари эшитилди. Қирғоқда турганлар эса, кўзларини пароход томонга тикканча, оқ шарпа қаерга шўнғиганини қўллари билан кўрсатардилар. Мусиқа тинди. Юханнес дарҳол ёрдамга отилди. У ҳеч нарсани ўйламай ва иккиланмай, фақат туғма ҳиссиёт даъвати билан ҳаракат қила бошлади. У кемадаги онаизорнинг: “Менинг қизгинам, вой менинг нуридийдам!” — деб нола чекаётганини эшитмади. Ҳозир ҳеч ким унинг кўзига кўринмасди. У ўйлаб-нетиб ўтирмай, қайиқдан сувга калла ташлади.

Йигит шўнғиган ерда сув сатҳи ҳалқа-ҳалқа бўлиб ёйилди. У бир неча лаҳзагача сув бетида кўринмади — у қидираётган эди. Пароходда эса оҳу нолалар тинмасди.

Мана, ниҳоят у фалокат юз берган ердан бир неча газ нарироқдан шўнғиб чиқди. Одамлар қичқиршиб, унга бармоқлари билан кўрсатишарди: “У ерда эмас, бу ёқда, бу ёқда!”

Юханнес яна сувга шўнғиди.

Яна изтиробли кутиш, яна онанинг бетаскин, аянчли оҳ-фарёди; палубада турган бир эркак ўзини қўярга жой тополмай, жонҳолатда нола чекмоқда. Мана, яна бир одам камзули ва ботинкасини ечиб тўғри палубадан сувга калла ташлади. Бу — штурман. У қизча чўккан ерни жуда синчиклаб текшира бошлади, энди ҳамма шу одамга умид боғлаган эди.

Шу пайт, аввалги жойдан яна ҳам анча нарироқда Юханнеснинг боши кўринди. Унинг кепкаси йўқолган, яланг боши куёш шуъласидан худди тюленнинг калласи сингари ярақларди. У негадир жуда қийналиб сузмоқда: бемалол сузишига нимадир халақит қиларди — унинг бир қўли банд эди. Яна бир зумдан кейин у қўлидаги юкни оғзи билан тишлаб олди, бу юк — сувга чўккан қизалоқ эди. Ҳам соҳилдан, ҳам палубадан одамларнинг ҳайратомуз наъралари эшитилди, бу ҳайқириқларни штурман ҳам эшитди шекилли, сувдан бошини чиқариб, ҳар томонга олазарак бўлиб қаради.

Ниҳоят Юханнес тўлқин анча нарига оқизиб кетган қайиғига сузиб етиб олди; у қизчани қайиққа ётқизиб, ўзи ҳам унга чикди; бу урунишларнинг ҳаммасига бор-йўғи бир дақиқача вақт кетди. Соҳилда турганлар кўришди: Юханнес қизчанинг кўйлагини орқа томонидан йиртиб юборди, сўнг кўлига эшакларни олиб, жон-жаҳди билан пароход томон суза бошлади. Мана қизчани палубага кўтаришди, шунда пароходдаги одамларнинг “Ура!” деб ҳайқирганлари ҳамма ёқни ларзага келтирди.

— Қизалоқни анча наридан қидириш лозимлигини қаёқдан билдингиз? — деб савол беришди Юханнесга.

У жавоб қилди:

— Мен бу ерда, сув тагида кўп бўлганман. Сув остида оқим бор. Шуни билардим.

Бир жаноб оломон орасини ёриб, палуба четига келди, унинг ранги худди мурданидек оқарган, кўзларида филт-филт ёш, ўзи бесаранжом жилмаярди.

— Илтимос, палубага чиқинг! — деб қичқирди у. — Мен сизга миннатдорчилик изҳор этмоқчиман. Биз сизнинг олдингизда беҳад бурчдормиз. Ўтинамиз, фақат бир дақиқага чиқа қолинг!

Пароходдан арқон нарвон туширдилар, Юханнес палубага кўтарилди.

Лекин у ерда кўп туриб қолмади, ўз исмини, адресини айтди, бир аёл бу шалаббо бўлган йигитни бағрига босиб кучоқлади, ранги қув ўчган, саросимага тушган бир эркак соатини унга тақдим этди. Юханнес қаюгага кирди, бу ерда иккита одам сувдан олиб чиқилган қизалоқ тепасида парвона эди. “Қизча ҳадемай ҳушига келади, юраги бир текисда ура бошлади”, — дейишди улар.

Юханнес жабрланган қизчага — калта кўйлақчасининг орқа томони чок қилинган сариқ сочли қизалоққа назар ташлади. Кимдир Юханнеснинг бошига кепкасини кийдирди, кейин уни қайиғига кузатиб қўйишди.

У қандай қилиб қирғоққа келиб қолганини, қандай қилиб қайиқни сувдан чиқарганини ҳеч эслолмайди. Фақат одамларнинг бир марта “ура” деб ҳайқирганини ва пароход сузиб кета бошлаганида, палубада яна қувноқ мусиқа янраганини эшитди, холос.

Саодатли ҳиссиёт тўлқинлари унинг бутун вужудини лаззатбахш жимирлатиб ўтди, у лабларини товушсиз қимирлатганча жилмайди.

— Бугунги сайру саёҳатимиз сувга уриб кетди, — деди Дитлеф. Унинг авзойи бузуқ эди.

Бу ерга етиб келган Виктория акасига деди:

— Сен эсингни ебсан. Юханнес уйига бориб кийимини алмаштириши керак.

— Ҳечқиси йўқ, ёш бола эмас — ўн саккизга кирган!

Юханнес уйига жўнади. Унинг қулоғида ҳамон мусиқа садоси ва “ура”, деб ҳайқирган овозлар янгарди. У уйининг ёнидан ўтиб, ўрмон орқали тўғри эски тош конига борди. Бу ерда у офтобнинг тиғи тушган ерни танлади. Унинг кийимларидан пар чиқарди. У ўтирди. Лекин масъуд ва тийиқсиз ҳаяжон унинг бир ерда жим ўтиришига имкон бермади: бутун вужудини иқбол қамраб олган эди. Шунда у тиз чўкиб, қайноқ кўз ёшларини дув-дув тўкканча, шундай саодатли кунни раво кўрган тангрига шукроналар айтди. Боя Виктория соҳилда эди, у ҳам “ура” деб қичқирганини эшитган ва Юханнесга: “Уйингизга бориб, дарров кийимингизни алмаштиринг”, — деган эди.

Юханнес тош устига ўтирди ва қайта-қайта завқ-шавққа тўлиб кулди. Ҳа, Виктория унинг жасоратини ўз кўзи билан кўрди, қизчани қандай кутқарганини ғурур билан кузатиб турди. О, Виктория, Виктория! Мен ўзимни ҳамаша — ҳаётимнинг ҳар они, ҳар сониясида фақат сенга, ёлғиз сенгагина бағишлаганимни билармикинсан! Мен ҳар доим сенинг малайинг, сенинг қулинг бўлишга, йўлингда учраган ҳар қандай гов ва тўсиқларни барбод қилишга тайёрман. Кошки эди сенинг жажжигина туфлиларингни ўпсам, сен ўтирган каласкани от бўлиб тортсам, аёзли кунларда палёнлар билан — олтин палёнлар билан печангни ёқиб уйингни иситсам!

У ўтирилиб қаради. Ҳеч ким йўқ эди; ҳеч ким эшитмади унинг овозини. У ёлғиз. У қўлида қимматли совға — соатни ушлаб турарди. Соат чиқиллаб юраётган эди.

Э худо, шу берган хушбахт кунинг учун ўзинга шукур! У пўпанак босган тошларни, сочилиб ётган шох-шаббаларни қўли билан силади. Боя Виктория унга табассум қилмади, йўқ, унинг бунақа одати йўқ. У сув бўйида индамай тураркан, яноқлари хиёлгина қизғиш ранг касб этган эди. Агар Юханнес унга манави соатни ҳаёга этса, балки олармиди.

Куёш уфққа ёнбошлади, ҳавонинг тафти пасайди. Юханнес шундагина ша-лаббо эканлигини сезди ва уйига қушдек учди.

Қасрга шаҳардан меҳмонлар келишди, у ерда ўйин-кулги, вақтихушлик ав-жида эди. Бир ҳафтагача доира минора устида кечаю кундуз байроқ ҳилпираб турди.

Айни пичан ўрадиган пайт эди, аммо отлар хушкайф меҳмонлар билан банд бўлиб, пичан далада ўрилмай қолди. Баъзи ерларга мутлақо ўроқ тегмади, бат-рақлар меҳмонларга аравакашлик, қайиқчилик қилиш билан банд бўлдилар, пичан эса, ўрилмай қовжираб одойи тамом бўлди.

Қасрнинг жиннихонани эслатувчи меҳмонхонасида эса, мусиқа тинмасди...

Бунақа пайтларда кекса тегирмончи тегирмонни тўхтатар ва уйини тамба-лак оларди. У меҳмонларнинг хурмача қилиқларидан безор бўлган эди: шаҳар-лик меҳмонлар неча-неча марталаб шўх кайфиятда бостириб келишиб, ҳазил-хузил билан дон тўлдирилган қопларни эрмакка тилиб ташлашган... Тунлар илиқ ва ойдин — ахир кайфи ошган меҳмонлар шундай пайтларда жим ўтира олармиди Қасрда?.. Давлатманд камерҳер¹ ёшлигида бир марта бир тоғора чу-моли олиб келиб, тегирмон тоши устига тўкиб юборган эди. Энди у қариб чол бўлиб қолган, лекин бугунги кунда унинг ўғли Отто Қаср эгалариникига меҳ-мон бўлиб келиб туради: бу йигит найрангбозликда отасидан ҳам ўтиб кетган. Ҳар келганида албатта бирон ишқал чиқаради...

Мана, ўрмон томондан шўх қийқириқлар ва от туёқлари дўпири эшитилди. Қасрнинг ёш-яланг меҳмонлари кўп юурганидан терлаб кўпик бўлиб кетган отларни елдириб келишарди. Бу чавандозлар тегирмончининг уйи олдига ке-либ, қамчилари билан эшигини тақиллатишди. Эшик пастаккина бўлишига қарамай, улар уй ичига от миниб киришни хоҳлаб қолишди.

— Салом! Салом! — дейишди улар шовқин солишиб. — Сизникига меҳмон-га келдик.

Тегирмончи уларнинг бу ҳазилидан ноилож фақирона жилмайиб қўйди.

Шундан кейин йигитлар отларини боғлашди-да, бориб тегирмонни юрги-зиб юборишди.

— Ахир дўлда дон йўқ-ку! — деб чинқариб юборди тегирмончи. — Бунақада тегирмонни хароб қиласизлар!

Лекин тегирмон тошининг қалдир-қулдиридан ҳеч ким унинг ноласини эшитмади.

Шунда тегирмончи:

— Юханнес! — деб овозининг борича бақирди.

Юханнес тош конидан тушиб келди.

— Манавилар тегирмон тошларини дабдала қилишади! — деб қичқирди те-гирмончи меҳмонларни кўрсатиб.

Юханнес оғир-оғир қадам босиб, меҳмон йигитлар томон юра бошлади. Унинг ранги докадек оқариб кетган, чаккаларидаги томирлари бўртиб-бўртиб чиққан эди. У камерҳернинг ўғли Оттони бир қарашдаёқ таниди: у кадетлар кийимида эди; унинг ёнида яна иккита йигит бор эди. Улардан бири жилмайиб Юханнес билан саломлашди — унинг жанжаллашиш нияти йўқ эди.

Юханнес бақирмай, дўқ ҳам урмай, тўғри Оттонинг олдига бостириб бора-верди. Шу пайт кутилмаганда, ўрмон ичидан иккита сувора аёл от чоптириб чиқди; улардан бири Виктория эди, у эгнига чавандозлик либосини кийиб, отасининг оқ биясини минган эди. Виктория отдан тушмай, унинг жиловини тортиб, нима гап, дегандек ҳаммага бир-бир кўз югуртириб чиқди.

Юханнес шартта бурилиб тўғон бошига чиқди ва сувни бошқа томонга очиб юборди; гувиллаган овоз аста-секин тина бошлади, ниҳоят тегирмон тўхтади.

¹ Камерҳер — сарой мансабдори.

— Ҳей, тегма! — деб бақирди Отто. — Нега тегирмонни тўхтатдинг? Тегма, дедим мен сенга.

— Сен юргизувдингми тегирмонни? — деб сўради ундан Виктория.

— Ҳа, мен, — деди Отто кулиб. — Нега ишламай турибди?

— Негаки, дўлда дон йўқ, — деди Юханнес зўрга газабини босиб. — Тушунарлими? Дон йўқ.

— Дон йўқ экан. Эшитдингми? — деб такрорлади Виктория.

— Мен қаёқдан билибман? — деди Отто кулиб туриб. — Ундай бўлса, марҳамат қилиб айтинг-чи, нима учун дон йўқ? Нега дўлга дон тўкмагансизлар?

Оттонинг дўстларидан бири, можарога барҳам бериш ниятида, унинг сўзини бўлди:

— Бўлди энди. Қани, кетдик!

Улар отларга минишди. Йигитлардан бири кетаётиб Юханнесдан узр сўради.

Виктория энг кейин йўлга тушди. У сал нарига боргач, отини буриб қайтиб келди.

— Ўтинаман сиздан, биз учун отангиздан узр сўраб қўйинг, — деб илтимос қилди у.

— Кадетнинг ўзи кечирим сўраса бўларди, — деб жавоб қилди Юханнес.

— Ҳа, гапингиз тўғри, лекин ҳар ҳолда... У шунақа ҳазилкаш ўзи... Сизни кўрмаганимга анча бўлди шекилли, Юханнес?

Йигит жавоб қилди:

— Мен сизни якшанба куни бандаргоҳда кўрувдим.

— Ҳа-я, — деб гапни илиб кетди қиз. — Штурманга кўмаклашганингиз жуда яхши бўлди-да. Қизчани топдинглар, шекилли?

Йигитнинг дили ранжиб жавобни мухтасар қилди.

— Ҳа, топдик.

— Балки, — деб гапини давом эттирди Виктория, айтмоқчи бўлган гапи гўё энди хаёлига келгандай, — балки, уни бир ўзингиз топгандирсиз... Дарвоқе, бунинг аҳамияти йўқ... Узримизни отангизга айтиб кўярсиз, деган умиддаман. Хайрли тун.

Қиз жилмайганча бош ирғаб хайрлашди ва отининг жиловини силтаб, уни чоптириб кетди.

Виктория кўздан ғойиб бўлди. Шунда қаттиқ ҳаяжонланган ва таҳқирланган Юханнес ҳам ўрмонга қараб йўл олди. Ва дафъатан бир дарахт олдида ёлғиз турган Викторияни кўриб қолди. Қиз дарахтга суянганча юм-юм йиғларди.

Ие, у отдан йиқилиб тушдимикин? Балки бирон ери лат егандир?

Юханнес унга яқин бориб сўради:

— Сизга нима бўлди?

Қиз қўлларини чўзганча йигит томон юрди, унинг кўзлари чақмоқдек чақнарди. Лекин ярим йўлда бирдан таққа тўхтаб, қўлларини туширди ва жавоб қилди:

— Менга ҳеч нима бўлгани йўқ; отимни қўйиб юбориб, ўзим пиёда юргим келди... Юханнес, менга бундай қараманг. Боя, тўғон бошида турганингизда ҳам менга шунақа қараган эдингиз. Нима истайсиз мендан?

— Нима истайман? Тушунмадим гапингизга... — деди у қийналиб.

— Қўлингиз жуда ажойиб экан, — деди қиз ўз қўлини Юханнеснинг биллага кўяркан. — Билагингиз йўғон... офтобда қорайиб бугдойранг бўлибсиз...

Йигит Викториянинг қўлидан ушлашга чоғланди. Лекин у қўйлагининг узун этагини йиғмоқ баҳонасида қўлларини тортиб олиб деди:

— Йўқ, йўқ, менга ҳеч нима бўлгани йўқ. Шунчаки бир оз яёв юргим келди. Хайрли тун.

III

Юханнес яна шаҳарга жўнаб кетди. Яна узоқ давом этган меҳнат ва ширин орзулар, таҳсил ва шеър сатрлари билан тўлдирилган қизгин дамлар — кунлар ва ойлар бир-бирларини қувалашиб ўта бошладилар. Юханнесга бахт кулиб

боқди — у “форсийлар маликаси яхудий қиз” Эсфира ҳақида шеър ёзди ва бу шеърни чоп этдилар, ҳатто қалам ҳақи ҳам бердилар. Роҳиб Венд номидан ёзилган “Ишқий жаҳонгашталиқ” деб аталувчи бошқа бир шеъри уни элга машхур қилди.

Муҳаббат нима ўзи? Бу атиргул буталари орасидан эсиб ўтган шаббоданинг майин нафаси, йўқ — бу қонга қирмизи ранг бахш этгувчи жўшқин аланга. Муҳаббат — бу жаҳаннам мусиқаси, ҳатто қартайган қалблар ҳам уни эшитганда, ўзини тўхтатолмай, ўйинга тушиб кетадилар. У дасторгулга ўхшайди — тун бошланиши билан очилади ва худди айиқтовон гулидек, хиёлгина эсанг шаббода нафасидан гул барглари юмиб олади ва лекин қўл теккизсанг, сўлади-қолади.

Муҳаббат мана шунақа!

У одамни нобуд қилиши ҳам, жон ато этиб, унга ўз тамғасини яна қайтадан босиши ҳам мумкин; бугун у менга, эртага сенга, индинга эса, яна бошқа одамга лутф кўрсатади, сабабки, у қўнимсиздир. Лекин у сенга абадулабад ўчмайди-ган муҳрини босиши ва то сўнгги нафасинг чиққунгача зинҳор сўнмай ёниб туриши ҳам мумкин, зеро у боқийдир. Муҳаббат ана шунақа мураккаб жумбоқдир!

О, муҳаббат — бу юлдузлари чарақлаган, заминнинг ажиб атри димоққа урилган ёз кечаси... Лекин нечун у ёш йигитни хилват сўқмоқларга ундаб, ўз хужрасида ётган сўққабош чолнинг оромини ўғирлайди? Оҳ, муҳаббат, сен инсон қалбини ҳам чаманзор боғга, ҳам исқирт ахлатхонага, сирли ва нокерак қақир-қукурлар уйилиб ётган ҳам серҳашам, ҳам беҳаё боғчага айлантирасан!

Тақводор роҳибни қоронғи тунда бегона боғнинг танбаланган эшиги тагига пусиб келишга ва деразадан мўралаб тўшақда ётганларни ими-жимиди кузатишга мажбур этган шу муҳаббат эмасми? Роҳибаларни талвасага солувчи, қирол қизи — маликани ақдан оздирувчи шу муҳаббат эмасми? Шу муҳаббат даъвати билан қиролдек улуг зот бошини ерга теккунча эгади ва кўча чангини сочи билан супиради, ҳаёсиз сўзларни фўлдирайди, кулади, тилини чиқариб кимнидир масхара қилади.

Муҳаббат шунақа нарса!

Йўқ, у тамомила бошқача ҳам бўлади ва уни дунёда ҳеч бир нарса билан қиёс қилиб бўлмайди. Мана, баҳор тунни ерга инди ва йигит ўз қаршисида бир жуфт шаҳло кўзни кўрди. У бу кўзларга қараб тўймайди. Кейин у қизнинг дудоқларидан бўса олади, шу пайт у ўз қалбида иккита ажиб чирок: куёш билан юлдуз учрашганини ҳис этади. Қизнинг нозик қўллари йигитни ўз оғушига олади ва у шу ондан бошлаб дунёда нималар бўлаётганини кўрмайдиям, эшитмайдиям.

Муҳаббат — холиқ эгамнинг миясига биринчи бўлиб келган энг дастлабки калимадир. Тангри: “Мунавварлик бўлғай!” — деганида муҳаббат туғилган. Парвардигор яратган нарсаларнинг бари ҳам бирдай гўзал ва дилбар эди. Тангри уларнинг биронтасини ҳам фанога қайтармади. Шундан бери муҳаббат ер юзидаги жамики нарсаларнинг сарчашмаси ва ҳокимаси бўлиб қолди. Ва лекин, шуниси ҳам борки, муҳаббат йўлининг бошидан охиригача гуллар тўшалган ва қон тўкилган, қон тўкилган ва гуллар-тўшалган...

Сентябр кунларидан бири. Хилват кўча. Юханнес шу кўчада, худди ўз хонасида юргандек, у ёқдан бу ёққа юришни ёқтиради, чунки бу ерда биронта ҳам ўткинчи учрамайди. Кўчанинг икки томони кета-кетгунча боғ, боғда эса, сариқ ва қирмизи баргларга бурканган дарахтлар саф тортиб туришипти.

Ие, бу гадейтопмас кўчага Виктория қандай келиб қолди экан? Нима қилиб юрибди бу ерда? Юханнес янглишмади, бу ҳақиқатан ҳам Виктория эди; кеча кечқурун ҳам у деразадан кўчага қараганида шу қизни кўрган бўлса ажаб эмас.

Йигитнинг юраги гурс-гурс ура бошлади. У Викториянинг шаҳарда эканлигини биларди, бу ҳақда эшитган эди. Лекин, афсуски, Виктория мулоқотда бўладиган жамоа тегирмончининг ўғли учун бегона эди. Қолаверса, у Дитлеф билан ҳам ошначилик қилмасди.

Юханнес ўзини қўлга олди ва тўғри шу хонимнинг рўпарасига бораверди. Виктория уни танидимикин ё йўқми? У бошини адл тутганча, виқор билан ва хаёлга берилиб, ўз йўлидан оғмай келмоқда.

Йигит таъзим қилди.

— Яхшимисиз! — деди қиз оҳистагина.

Лекин унинг тўхташ нияти йўқ эди, шунинг учун Юханнес ҳам қизнинг ёнидан индамай ўтиб кетди. Ҳаяжонланганидан унинг тиззалари букилиб-букилиб борарди. Юханнес бу қисқагина кўчанинг нариги бошига боргач, одати бўйича, орқасига бурилди. “Мен кўзимни ерга тикиб, унга қарамасдан ёнидан ўтиб кетаман”, — деб ўйлади тегирмончининг ўғли. У ўн қадамча юрди ва бошини кўтариб қаради.

Қиз йўлдаги бир дўкон пештахтаси олдида тўхтаган эди.

Нима қилсин — биронта ён кўчага бурилиб кириб кетсинми? Нега Виктория бу ерда турипти? Ахир бу қашшоққина дўкончанинг кўримсизгина пештахтасида чиллаксимон тахланган қизил совунлар, бир банка қандайдир ёрма ҳамда истеъмолда бўлган почта маркаларидан бошқа ҳеч нима йўқ-ку.

Майли, яна ўн қадамча юриб борсин-да, кейин орқасига қайта қолар.

Шу пайт қиз бирдан Юханнесга ўгирилиб қаради ва унинг истиқболи сари юриб кела бошлади. У гўё бир нарсага дафъатан журъат этгандай, шахдам-шахдам юриб келди ва ҳансираганча саломлашди. Унинг табассуми ҳам қандайдир зўрма-зўраки эди.

— Салом! Таажжуб, сиз билан учрашаман, деб ҳеч ўйламаган эдим.

Ё кудратингдан, Юханнеснинг юрагига нима бўлди? Унинг юраги тепмас, балки дағ-дағ қалтирарди. У бир нима демоқчи бўлди, лекин айтолмади, фақат лабларини қимирлатди, холос. Қизнинг эгнидаги сариқ кўйлагидан, эҳтимолки, унинг нафасидан сезилар-сезилмас муаттар ҳид тараларди. Бу аснода у ҳали қизнинг чеҳрасини кузатишга улгурмаган эди, кўзига фақат унинг нозик елкаларигина ташланган, қизнинг шамсия бандини ушлаган узун ва нафис биллагинигина кўрганди. Бу унинг ўнг қўли эди. Бармоғида узук бор эди.

Аввалига йигит не ҳол юз берганини англамади, идрок эта олмади. Қизнинг қўли ғайри тавсиф гўзал эди — Юханнес шунигина кўрди.

— Мен бир ҳафтадан бери шаҳардаман, — деб гапини давом эттирди қиз. — Лекин сизни кўрмадим. Йўқ, бир марта кўчада кўриб қолувдим, узоқдан; кимдир сиз эканлигингизни айтувди... Жуда забардаст йигит бўлибсиз.

Юханнес гўлдираб деди:

— Сизнинг шаҳарда эканлигингизни билувдим. Бу ерда ҳали кўп бўласизми?

— Яна бир неча кун. Йўқ, кўп турмайман. Уйга қайтишим керак.

— Сиз билан учрашиш бахтига муяссар бўлганим учун миннатдорман сиздан, — деди йигит.

Орага сукунат чўкди.

— Очиғи, мен адашиб қолдим, — деди Виктория ниҳоят. — Мен камерҳерникида турибман. Бу кўча қаёққа олиб чиқади?

— Ижозат берсангиз, сизни кузатиб кўярдим.

Икковлари бирга юриб кетишди.

— Отто ҳозир уйдами? — деб сўради Юханнес, унинг миясига келган биринчи савол шу бўлди.

— Уйда, — деб қисқагина жавоб қилди қиз.

Бир неча эркак қайсиям бир дарвозадан пианино кўтариб чиқиб, йўлкани тўсиб қўйди. Виктория чўчиб, ўзини чапга олди ва шунда бир зумгагина ҳамроҳининг пинжиги кирди. Юханнес унга ўгирилиб қаради.

— Кечирасиз, — деди қиз.

Бу тўқнашув оқибатида йигитнинг бутун вужудига масъуд хушҳоллик малҳами ёйилди, қизнинг иссиқ нафаси бир лаҳзагина йигитнинг яноқларини ялаб ўтди.

— Мен бармоғингизда узук кўряпман, — деди Юханнес ва гўё лоқайд кайфиятда жилмайиб қўйди. — Сизни табрикласам бўладими?

Қиз нима деб жавоб қиларкин? Йигит нафасини ичига ютганча, нигоҳини Викториянинг жамолига қадади.

— Сиз-чи? — деб савол берди Виктория. — Сиз ҳали ҳам узукли бўлганингиз йўқми? Ҳа-я, дарвоқе... Кимдир айтувди менга.. Ҳозир сиз ҳақингизда кўп гапиришяпти, газеталардаям ёзишяпти.

— Ҳа, бир нечта шеърим босилиб чиқди, — деб жавоб қилди йигит. — Лекин сиз уларни ўқимаган чиқарсиз?

— Шеърларингиз бугун бошли китоб бўлиб чиқувди шекилли? Менинг назаримда...

— Ҳа, кичкинагина китобчам ҳам чоп этилувди.

Улар бир хиёбонга чиқишди. Викторияни, гарчи камерҳернинг уйида кутишадиган бўлса ҳам, у шошилмади, бир скамейкага бориб ўтирди. Юханнес унинг қаршисида тўхтади.

Шунда қиз бирдан қўлини йигитга узатиб деди:

— Сиз ҳам ўтиринг.

Юханнес ўтиргандан кейингина қиз унинг қўлини қўйиб юборди.

“Ҳозир айтсам-айтганим, кейин кеч бўлади!” — деб кўнглидан ўтказди йигит. У яна истеҳзо билан бепарво оҳангда гапирмоққа чоғланди, жилмайиб атрофга кўз ташлади. Ҳа, бўл, гапирсанг-чи! Бўш келма!

— Шунақаям бўладими? Никоҳ ўқитибсиз-у умрбод ён қўшнингиз бўлган менга бу ҳақда бир оғиз ҳам айтмабсиз-а!

Қиз ўйга толди.

— Бугун мен сиз билан бошқа масалада гаплашмоқчи эдим, — деди у.

Юханнес шу заҳоти жиддийлашди ва оҳиста деди:

— Мен шундоқ ҳам ҳамма гапга тушунганман.

Сукут.

У гапида давом этди:

— Мен доим билардим: қанчалик жонимни жабборга бермай, барибир, мен эмас... Мен, бор-йўғи, бир тегирмончининг ўғлиман, сиз эса... ҳай, нима ҳам қилардик... Ўзим ҳам ҳайронман, ҳозир сиз билан ёнма-ён ўтиришга, боз устига, бундай мавзуда суҳбат қуришга қандай журъат этдим экан? Менинг вазифам сизнинг қошингизда бош эгиб, аниқроғи, тиз чўкиб туриш эмасми? Шундай қилсам тўғри бўларди. Мен бўлсам ўтирибман... ёнингизда. Чамаси, бу — кўпдан бери уйимда яшамаганим асорати бўлса керак. Вақт мени хийла журъатли қилиб қўйганга ўхшайди. Биламан: энди мен гўдак бола эмасман, сиз, хоҳлаган тақдирингизда ҳам, мени қамата олмайсиз — буни ҳам яхши биламан. Шунинг учун ҳам ўзимни дадил тутаётгандирман балки. Фақат илтимос, мендан ранжиманг, келинг, яхшиси, гапирмай қўяқолай.

— Йўқ, гапиринг. Дилингиздаги ҳамма гапни айтинг.

— Айтаверайми? Дилимдаги гапларни-я? Бўпти. Ундай бўлса, бармоғингиздаги узук ҳам менга монетьлик қила олмайди.

— Ҳа, — деди қиз оҳистагина. — Сиз бу узукка парво қилманг.

— Ростданми? Парво қилмайми? Худо марҳаматини сиздан дариг тутмасин, Виктория, наҳотки шу рост бўлса? — У ирғиб ўрнидан турди ва энгашиб қизнинг чеҳрасига боқди. — Ростдан ҳам бу узукнинг аҳамияти йўқми?

— Ўтиринг.

Йигит яна ўтирди.

— Оҳ, билсангиз эди: мен шу ўтган вақт ичида ҳамиша фақат сизни ўйладим. Э худо! Менинг хаёлимга, бир он бўлса ҳам, бошқа фикр кирдимми? Мен кимни учратган, ким билан танишган бўлмай, бу оламда мен учун ёлғиз сиз мавжуд эдингиз! Ва мен доимо фақат бир нарсани: Виктория дунёда энг азиз, энг гўзал хилқат, у билан таниш эканлигимдан бахтиёрман, деб ўйлардим. Ўйлаганимда сизни доим *фрекен*¹ Виктория деб атардим. О, мен бошқаларга нисбатан ўзимни сиздан анча узоқда эканлигимни жуда яхши тушунардим, лекин сиз билан таниш эканлигим, сизнинг қаерда истиқомат қилишингизни билганлигимнинг ўзи мен учун ҳазилакам омад эмас эди. Эҳтимол, сиз мени аҳён-аҳёнда бўлса ҳам эслаб тургандирсиз-а? Ким билсин яна, балки ҳеч қачон хаёлингизга ҳам келтирмагандирсиз. Аммо мен кўпинча, кечқурунлари ўз хонамда

¹ Фрекен — оймқиз.

Ўтирганимда, эҳтимол ҳозир фрекен Виктория мени эслаётгандир, деб кўнглимдан ўтказардим. Шундай дамларда ўзимни энг саодатманд одам ҳисоблардим ва сизга бағишлаб шеърлар ёза бошлардим, фрекен Виктория; мен ҳамёнимдаги пулимнинг ҳаммасига сиз учун гуллар сотиб олиб, уйга олиб келар ва уларни сувга ўтказиб қўяр эдим. Билинги, мен ёзган шеърларнинг ҳаммаси сизга бағишланган. Фақат бир нечтаси мустасно, лекин улар ҳеч ерда чоп этилмаган. Назаримда, сиз менинг чоп этилган шеърларимни ҳам ўқимаган бўлсангиз керак. Ҳозир мен катта бир китоб ёзишга киришганман. Тангрига шукурлар бўлсинким, мен сиздан беҳад миннатдорман, зеро, сиз менинг ҳаётим мазмунисиз — бу мен учун улкан бахтдир. Мен ҳар он, ҳар дақиқа — кечаси ҳам, кундузи ҳам сизни эслатовчи бирон нимани эшитаман ё кўраман. Мен сизнинг исмингизни хонамнинг шифтига ёзиб қўйганман, ётиб олиб шу ёзувни ўқийман. Лекин уйимни йиғиштиргани келиб турадиган ходима қиз у ёзувни кўрмайди — мен уни фақат ўзим ўқийдиган қилиб, майда ҳарфлар билан ёзганман. Шунинг ўзи менга алоҳида қувонч бахш этади.

Қиз тескари ўтирилиб, қўйнидан бир варақ қоғоз олди.

— Мана, кўринг, — деди у энтикиб нафас оларкан, — мен буни газетадан қирқиб олудим. Яшириб нима қиламан — мен бу шеърни ҳар кеч қайта-қайта ўқийман. Буни биринчи марта менга дадам кўрсатувди, мен уни ўқиш учун дераза олдига бордим. “Қани у? Тополмаяпман”, — дедим газетани ёйиб. Лекин аслида, шеърингизни бир қарашдаёқ кўриб, шу заҳоти ўқиб чиққан эдим. Мен ўшианда ўзимни ғоят бахтиёр ҳис этгандим.

Газета варағига Виктория баданининг атри ўтириб қолган эди, у саҳифани ёйиб, шеърни Юханнесга кўрсатди. Бу унинг энг дастлабки шеърларидан — оқ от минган сувора қизга бағишланган битта тўртлик эди. Бу шоир қалбининг энг теран еридан отилиб чиққан одмигина, аммо пурэхтирос ишқ изҳори, жиловлаб бўлмайдиган шижоат эди. Юлдузлар оламга нур сочганидек, бу шеърнинг ҳар сатридан Юханнеснинг муҳаббати уфуриб турарди.

— Ҳа, — деди йигит, — буни мен ёзган эдим. Бунга анча бўлди: кечаси эди, мен шеър ёзаётган эдим, деразам ортида шамол терак шохларини қаттиқ шитирларди... Ие, яна яшириб қўйяпсизми? Раҳмат! Уни ёнингиздан қўймаганингиз учун... О! — деб пичирлади у юрагига ғулғула тушиб — овози базўр эшитилди. — Буни қаранг-а, сиз шундоққина менинг ёнимда ўтирибсиз, кўлим қўлингизга тегяпти, сиздан илиқлик уфурмоқда. Кўпинча мен ёлғиз ўтириб сизни ўйлаганимда, ҳаяжонланганимдан вужудим музлаб кетарди. Ҳозир бўлса, сизнинг илиқ ҳовурингиз менга ҳузур бағишламоқда. Мен охириги марта уйимга борганимда, сиз кўзимга ғоят дилбар бўлиб кўрингандингиз, лекин ҳозир яна ҳам очилиб, соҳибжамол бўлибсиз. Кўзларингиз, қошларингиз ёхуд табассумингиз — йўқ, таърифлашга тилим лол, ҳаммаси биргаликда, хуллас, сиз ўзингиз бошдан-оёқ — гўзаллар гўзалисиз!

Виктория табассум қилганча, йигитга ярим юмуқ қовоқлари остидан қаради, унинг узун-узун мужгонлари ортида теран кўк кўзлари порлаб турарди. Унинг яноқларига қон югурди, бутун вужудидан гўё нур таралаётгандек бўлди, у қўли билан ғайри ихтиёрий ҳаракат қилар экан, Юханнеснинг сўзини такрорлади:

— Раҳмат.

— Йўқ, менга миннатдорчилик билдирманг, Виктория, — деди йигит. Унинг бутун жону дили ҳозир шу дилбарга қаратилган эди... Қани энди, юрак ёзиб унга гапираверса, гапираверса... Юханнеснинг гаплари алмойи-алжойи, бошикетти йўқ жумлалар эди, у сармаст одамга ўхшарди. — Агар мени салгина бўлса ҳам қардласангиз, Виктория... Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, лекин, илтимос, ёлгондан бўлса ҳам, мен учун қардлисиз, деб айтинг. Ўтинаман сиздан! О, ана унда мен сўз бериб айтаманки, сиз учун кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жуда кўп машаққатли амалларни бажаришга ҳам тайёрман, бажараман ҳам. Кўлимдан қандай ишлар келишини сиз ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсиз. Баъзида мен вужудимда фойдаланилмай ётган кучлар заҳираси беада эканлигини ҳис қиламан. Кўпинча бу кучлар сиртта отилиб чиқмоқчи бўлиб мени безовта қилади, шунда мен кечалари ўрнимдан туриб кетиб, хонамда у ёқдан-бу ёққа тинмай

танда қўяман, чунки мен ҳар турли рўёлар қуршовига тушиб қоламан. Девор ортида қўшним яшайди, мен унинг ухлашига халал бераман, у деворни гурсиллатиб уради. Кейин тонг отар-отмас хонамга кириб, мени койийди. Лекин у билан неча пуллик ишим бор? Мен жуда кўпдан бери муттасил сизни орзу қилиб келаман, шу сабабли бўлса керак, сизни доим ўз ёнимда бордек ҳис этаман. Мен дераза олдига бориб қўшиқ куйлайман, тонг ёриша бошлайди, тераклар шовуллайди. “Хайрли тун!” — дейман мен шафаққа юзланиб. Лекин бу гапим, аслида, сизга қаратилган бўлади. Ҳозир Виктория ухлапти, деб ўйлайман, хайрли тун. Ё тангрим, меҳру шафқатингни ундан дариф тутма! Шу дуои хайрдан сўнг ўзим ухлагани ётаман. Ҳар кеча шу такрорланаверади. Барибир, мен ҳеч қачон сизнинг бу қадар гўзал эканлигингни тасаввур қилмаган эдим. Энди, сиз жўнаб кетганингиздан кейин, мен ҳамини мана шу сиймоингни эслаб юраман. Мен сизни мудом шу тарзда аниқ тасаввур қилажакман...

— Сиз уйингизга бормасизми?

— Йўқ. Мен ҳали ишимни тугатганим йўқ. Э, нима деяпман... бораман, албатта бораман. Ҳозир, десангиз, ҳозироқ жўнайман. Ҳали китобимни ёзиб тугатганим йўқ, лекин сиз айтган ҳар қандай ишни бажаришга тайёрман. Сиз ҳалиям баъзи-баъзида Қаср олдигаги боғчангизда сайр қиласизми? Кечкурунлари уйингиздан чиқасизми? Агар чиқсангиз, сизни кўриб саломлашган бўлардим — менинг бирдан-бир орзуим шу. Агар мен сиз учун манфур бўлмасам, агар мендан ҳазар қилмасангиз, озгина бўлса ҳам мени ҳурмат қилсангиз, айтинг... қалбимга қувонч бахш этинг... Биласизми, палма дарахтининг шундай бир нави бор, уни талипот палмаси дейишади. Ана шу дарахт бутун умри давомида фақат бир марта гуллар экан, ҳолбуки у етмиш йил яшаркан. Лекин фақат бир марта гуллар экан. Мана, менинг ҳам ҳозир гуллаб очилган пайтим. Ҳа, ҳа, мен пул топиб албатта уйимга бораман. Ҳамма ёзган асарларимни сотаман. Ҳозир катта бир китоб ёзипман, ўшани сотаман, эртагаёқ ёзган қисмларимни олиб бориб сотаман. Анча-мунча пул беришади. Сиз менинг уйга қайтиб боришимни хоҳлайсизми?

— Ҳа.

— Раҳмат, раҳмат сизга! Агар умидларим меъеридан ошиб кетган бўлса, мени афв этинг — биласизми, ушалмайдиган орзуларга умид боғлаш шундай ажиб соодатки... Бугун менинг ҳаётимда энг бахтли кун...

У бошидан шляпасини олиб ёнига қўйди.

Виктория атрофга назар ташлади, кўча бошида қандайдир бир хоним, ундан сал нарироқда — сават кўтарган яна бир аёл кўринди. Виктория безовталаниб соатига қаради.

— Кетмоқчимисиз? — деб сўради Юханнес. — Кетишингиз олдидан менга бирон нима денг, овозингни эшитай... Мен сизни севаман, мана, ниятимни очиқ айтдим сизга. Энди буёғи сизнинг жавобингизга боғлиқ... Мен батамом сизнинг ихтиёрингизданман... Жавоб беринг!

Сукут.

Йигит бошини ҳам қилди.

— Йўқ, гапирманг, — деб илтимос қилди у.

— Бу ерда эмас, — деди Виктория. — Мен сизга у ерда, уй олдига борганда жавоб айтаман.

Икковлари кўча бўйлаб юриб кетишди.

— Сизни анави ўзингиз қутқарган қизчага... қизга уйланармишсиз, деб эшитдим. Оти нимаиди?

— Камиллани айтмасизми?

— Ҳа. Камилла Сейерга. Сиз ўшанга уйланармишсизми?

— Ҳа-а, гап буёқда денг... Нега у ҳақда сўраб қолдингиз? У ҳали гўдак қизча-ку. Тўғри, мен уларнинг уйида бўлганман. У жуда бадавлат хонадон, худди сизларникига ўхшаган ҳақиқий қаср. Мен у ерда бир неча марта бўлдим. Лекин у қиз ҳали гўдак.

— У ўн бешга кирди. Мен уни кўрдим, у билан учрашдим ҳам... бир танишимизникида. У менга жудаям ёқди. Дилбар қиз!

— Мен унга уйланмоқчи эмасман, — деди Юханнес.

— Шунақа денг?

Йигит Викторияга қаради. Қизнинг чеҳрасида бир оний ўзгариш содир бўлди.

— Сиз нечун у қиз ҳақида гап очдингиз? Бу билан менинг эътиборимни бошқага қаратмоқчимисиз?

Виктория қадамни илдамлатар экан, Юханнеснинг саволини жавобсиз қолдирди. Мана, улар камерҳернинг уйига етиб боришди. Виктория йигитнинг қўлидан маҳкам ушлаб, уни пиллапоядан етаклаб чиқа бошлади.

— Мен ичкарига киришни истамайман, — деди йигит ҳайрон бўлиб.

Виктория эшик қўнғироғи тугмасини босди ва Юханнесга ўтирилди, у энтикиб-энтикиб нафас оларди.

— Мен сизни севаман, — деди қиз. — Эшитяпсизми? Сизни севаман.

Кейин бирдан йигитни шошганча пастга етаклади — уч-тўрт пиллапоя пастга тушгач, Юханнеснинг бўйнидан маҳкам кучоқлаб уни ўлди. Юханнес қизнинг бутун вужуди титраётганини ҳис этди.

— Мен сизни севаман, — деб такрорлади Виктория.

Зина бошида эшик очилди. Қиз Юханнеснинг кучоғидан бўшаб, зинадан юқорига чопқиллаб чиқа бошлади.

IV

Тун охираб қолган, тонг отмоқда, сентябрнинг оч зангори тонги.

Боғда тераклар оҳиста шитирлайди. Шу чоқ дераза ланг очилиб, у ерда турган одам қўшиқ айта бошлайди. У ҳали кийинмаган — эгнида камзури йўқ, бугун тунда у бахт шаробидан сармаст бўлган.

У бирдан ялт этиб орқасига ўтирилди — эшиги тақиллади. “Кираверинг”, деб чинқиради у. Хонага қўшниси киради.

— Хайрли тонг, — дейди у қўшнисига.

Қўшниси — ранги бўзарган, асабийлашган кекса одам, унинг қўлида чироқ, чунки тонг энди ғира-шира ёриша бошлаган пайт.

— Мен сизни охирги марта огоҳлантириб айтаманки, жаноб Меллер, жаноб Юханнес Меллер, сиз ўзингизни мутлақо ношоён тутмоқдасиз, адабсизлик қилмоқдасиз, — деб ғўлдирайди чол.

— Сиз ҳақсиз, — деб жавоб қилади Юханнес. — Мутлақо ҳақсиз. Биласизми, мен, бугун тунда, илҳомим келиб, баъзи нарсаларни ёздим; мана, ўзингиз кўринг, шуларнинг ҳаммасини шу бир кечада ёздим. Бу тун мен учун энг омадли тун бўлди. Мана, ёзиб тугатдим. Шу боис деразани очиб қўшиқ куйлай бошладим.

— Йўқ, сиз бақира бошлагингиз, — деб унинг гапига тузатиш киритади чол. — Шунақаям бўладими одам? Яна ярим тунда...

Юханнес столда ёйилиб ётган бир талай катта-кичик варақларни йиға бошлайди.

— Буни қаранг, — дейди у, — асарларим ҳеч қачон бу қадар осон ёзилмаган эди. Атрофимдаги ҳамма нарса, гўё чақмоқ чаққандек ёришиб кетди. Бир вақтлар мен, телеграф сими бўйлаб худди олов жилғаси каби югурган чақмоқни кўрган эдим. Бугун менинг вужудимда ҳам айнан мана шундай чақмоқ чақилгандай бўлди. Нима қилишим керак эди? Бугун тунда бошимдан нималар кечганини билсангиз, аминманки, мендан хафа бўлмайсиз. Мен мана бу ерда ўтириб ёза бошладим, бирон марта ҳам ўрнимдан турмадим, ҳамиша сиз ёдимда бўлдингиз, шу боис қилт этмай ўтирдим. Кейин дафъатан шундай пайт келдики, бутун борлиқ хаёлимдан фаромуш бўлди, ғайрату эҳтиросим ичимга сиғмай кетди; эҳтимол, ўшанда ўрнимдан туриб кетгандирман, балки ундан олдин ҳам, ярим тунда ўрнимдан турган, ҳатто уй ичида у ёқдан-бу ёққа юргандирман. Сабабки, мен беадад бахтиёр эдим.

— Йўқ, мен тунда ҳеч қандай шарпа эшитмадим, — дейди қўшни чол. — Лекин тонг отмасдан деразани ланг очиб, ҳамма ёқни бошга кўтариб бақириш — фирт беадаблик.

— Тўғри айтасиз. Албатта беадаблик бўлди. Лекин, нега бундай бўлганини сизга тушунтирдим-ку. Мен сизга айтсам, бу кеча мен учун ғайритабиий тун бўлди. Кеча менинг ҳаётимда жуда катта воқеа юз берди. Мен кўчада кетаётиб ўз бахтимни учратдим, эшитяпсизми — ўз қуёшимни, саодатимни учратдим. Ва у мени ўпди. Унинг лаблари, гул барги мисол, қирмизи рангда эди. Мен уни севаман, у менга бўса берди ва бу бўса мени сармаст қилди. Сизнинг ҳам қаттиқ ҳаяжонланиш оқибатида, бир калима сўз айта олмай лол қолган пайтингиз бўлганми? Кеча мен шундай аҳволга тушдим: бир оғиз ҳам сўз айта олмадим, юрагимнинг қаттиқ тепганидан, бутун вужудимни қалтироқ босди. Мен уйга югуриб келдим, келдиму шу заҳоти ухлаб кетдим; мана шу стулда ўтирганимча ухлаб қолдим. Мен оқшом пайтида уйғондим. Қалбимни беназир сурур қамраб олган эди ва... мен ёза бошладим. Нима ёздинг, денг. Мана ўша ёзганларим. Вужудимни шундай бир оламшумул, ғайритаваиф кайфият ўз оғушига олган эдики, мен ўзимни жаннатда деб ҳис этдим, руҳим қуёшдан нур эмган гул ғунчасидек очилди, шунда самовий фаришта менга қадаҳда май тутди, мен уни сипқордим: бу — сархуш этувчи ўткир май эди, мен уни ёқут қадаҳдан ичдим. Айтинг, шундай ҳолатда мен соатнинг жом чалганини эшитармидим? Чирогимнинг ўчиб қолганини сезармидим? Илоҳим, сиз менинг аҳволимга тушунинг-да! Шунда мен ҳамма бўлиб ўтган воқеаларни яна бошқатдан бошимдан кечирдим: мен яна ўз маъшуқам билан кўчада сайр қилдим ва ҳамма ўтган-кетганлар маҳлиё бўлиб унинг орқасидан қарашди. Биз сайрбоғга кирдик, у ерда бир қиролга рўпара келдик, мен, қувончим ичимга сиғмай, бошимдан шляпамни олиб, унга икки букилиб таъзим қилдим, қирол эса маҳбубам орқасидан қараб қолди, зеро маҳбубам ғоят хушқад ва хушчеҳра эди-да. Биз яна шаҳарга қайтдик, ҳамма мактаб болалари кўзларини менинг суюкли ёримдан ҳеч узолмадилар, сабабки у жуда навниҳол, боз устига, чиройли либослар кийиб ясанган эди. Биз бир қизил иморат олдига бориб қолдик ва унинг ичига кирдик. Мен маъшуқамга эргашиб зинадан чиқдим, сўнг унинг қаршисида тиз чўкмоқчи бўлдим. Лекин у мени маҳкам қучоқлаб ўпди. Бу воқеа кеча кечқурун юз берди, ҳа, куни кеча. Бугун тунда нималар ёзганимни билишни истайсизми? Мен шодлик ва бахт ҳақида жуда катта мадҳия ёздим. Назаримда, бахтим қаршимда ястаниб ётиб табассум қилаётгандай ва менга қўлларини узатаётгандай бўлиб туюлди.

— Бас, мен сиз билан валақлашиб ўтирмоқчи эмасман, — дейди ҳафсаласи пир бўлган қария жаҳл аралаш. — Лекин билиб қўйинг, сизни охириги марта оғохлантиряпман.

Чол эшик олдига борганида, Юханнес уни тўхтатиб дейди:

— Яна бир лаҳза сабр қилинг. О... кўрсангиз эди — ҳозир юзингизни офтоб шуъласи мунаввар қилгандай бўлди. Ҳа, ҳа, ҳозир менга ўгирилганингизда, қўлингиздаги чироқ пешонангизни худди қуёш нуридек ёритди. Шунда кўрдимки, сиз энди мендан хафа эмассиз. Тўғри, мен деразани очиб бақариб қўшиқ айтдим. Менда баъзан шунақа бўлиб туради. Ақлим гунг бўлган пайтларда. Ваҳоланки, сизнинг ухлаб ётганингиз ҳақида ўйлашим керак эди...

— Бутун шаҳар уйқуда ҳали.

— Бўлмасам-чи. Ҳали вақт эрта. Мен сизга бирон нима совға қилсам дедим. Мана шу нарсени мендан қабул қилиб ололмайсизми? Бу кумуш портсигарни менга бир қизча туҳфа этган эди, мен уни сувга чўкаётганида қутқариб қолганман. Марҳамат, олинг. Унга йигирмата сигарета сиғади. Хоҳламайсизми? Э-ҳа, сиз чекмайсиз! Балки ўрганарсиз... Эрталаб тонг отганда хонангизга кириб сиздан кечирим сўрасам майлими? Мен сизга бирон яхшилик қилсам, сиздан узр сўрасам дедим...

— Хайрли тун.

— Хайрли тун. Ҳозир ётаман. Сўз бераман сизга. Энди менинг хонамдан тик этган товуш эшитмайсиз. Бундан буён ўзимни тияман.

Кўшни чиқиб кетди.

Шунда Юханнес бирдан эшикни яна ланг очиб, чолнинг орқасидан қичқирди:

— Ахир мен эртага жўнаб кетяпман-ку. Энди сизга ҳеч халақит қилмайман, эртага бу ердан кетаман. Шуни сизга айтиш эсимдан чиқибди.

У жўнаб кетмади. Ҳар хил сабаблар уни шаҳарда қолишга мажбур этди: у баъзи бир ишларини ниҳоясига етказиши, нималарнидир харид қилиши, кимлардандир олган қарзини тўлаши керак эди. Шулар билан овора бўлиб, яна бир кун ўтди. Кеч кирди. У кун бўйи худди оёғи куйган товукдай шаҳарда зир югурди.

Ниҳоят, у камерҳернинг эшиги олдига келиб, кўнғироқ тугмасини босди.

— Фрекен Виктория уйдадилар?

Йўқ, у қаёққадир кетган экан.

Юханнес келиши сабабини тушунтирди: у фрекен Виктория билан ҳамқишлоқ, шунчаки, кўриб ўтай, деб бир дақиқага киришга журъат этган эди. Қолаверса, фрекендан ўз ота-онасига бир парчагина хат бериб юбормоқчи эди. Ҳай, начора, йўқ эканлар, илож қанча?

Шундан кейин у шаҳар кўчаларида тентираб юра бошлади. Шояд уни бирдан учратиб қолса, эҳтимол, уни қаретада кетаётганида кўриб қолар. Юханнес то кечқурун қош қорайгунча шаҳар айланиб юрди. Кутилмаганда, у Викторияни театр олдига кўриб қолди, унга таъзим қилди, жилмайиб туриб таъзим қилди, қиз унинг таъзимига бош эгиб жавоб қайтарди. Юханнес унга яқинроқ бормоқчи бўлди — уларни, бор-йўғи, бир неча қадам келадиган масофа ажратиб турарди, лекин шу пайт у Викториянинг ёлғиз эмаслигини, ёнида камерҳернинг ўғли Отто турганини кўриб қолди. Отто лейтенант формасида эди.

“Ҳозир Виктория бирон ишора қилади, — деб ўйлади Юханнес, — балки ўғринча мен томонга қараб қўяр”. Йўқ, қиз, яноқлари чўгдек қизариб ва бошини ерга эгиб, гўё тезроқ ўзини Юханнесдан олиб қочмоқчи бўлгандай, шошапиша театр эшигидан ичкарига кириб кетди.

У ҳам театрга кирсамикин — Викторияни ўша ерда учратармиди... У чипта сотиб олиб театрга кирди.

Камерҳернинг ложаси қаерда эканлигини у биларди, — дарҳақиқат, бунақа бадавлат одамларнинг театрга ўз шахсий ложалари бўлади. Ложада Виктория — музайяна ва зебо Виктория ўтирарди. У ҳар томонга кўз ташларди-ю аммо Юханнес томонга ҳеч қарамасди. Бир марта ҳам қарамади-я.

Танаффус пайтида у Викторияни фойеда кутди. Бу ерда у Викторияга яна таъзим қилди. Қиз унга ажабланиб қаради, лекин, барибир, бош ирғаб салом берди.

— Муздек ичимликлар у ёқда, — деди Отто қўли билан фойеннинг нариги томонини кўрсатиб.

Улар Юханнеснинг ёнидан ўтиб кетишди.

Юханнес уларнинг орқасидан қараганча, бир ерда туриб қолди. Унинг кўзларини мавҳум бир парда қоплаган эди. Фойеда сайр қилиб юрганлар қаққайиб турган Юханнесга урилиб кетиб тўнғиллашарди, у эса беихтиёр узр сўрар, аммо турган еридан жилмасди. Виктория кетиб қолди.

У яна фойеда пайдо бўлганида, Юханнес эгилиб унга таъзим қилди ва гўлдираб деди:

— Афв этинг, фрекен...

Отто унинг таъзимига жавоб қилди ва кўзларини сузганча тикилиб қолди.

— Бу Юханнес, — деб таништирди Виктория. — Танияпсанми? Сиз, назаримда, ота-онангиз ҳақида бирон янгилик эшитмоқчи бўлсангиз керак, — деб гапини давом эттирди қиз, бу пайт унинг чеҳраси латофатли ва хотиржам эди. — Аниқ бир гап айтолмайман, лекин, менимча, ҳаммалари соғ-саломатлар. Ҳа, ҳа, яхши юришипти. Мен уларга сиздан салом айтиб қўяман.

— Раҳмат. Сиз яқин кунларда қайтасизми уйингизга, фрекен?

— Шу кунларда. Ҳўп, мен саломингизни етказаман.

Қиз бош ирғаб хайрлашиб нари кетди.

Юханнес яна унинг орқасидан то кўздан ғойиб бўлгунча кузатиб қолди, кейин театрдан чиқиб кетди. У нима қиларини билмай, кўчама-кўча гамгин санқиб юрди; вақт ўтказиши керак эди-да. Соат ўн бўлганида у камерҳернинг уйи

олдида турарди. Ҳадемай спектакл тугайди ва Виктория каретада бу ерга келади. Шояд унга карета эшикчасини очиш nasib этса, бошидан шляпасини олсаю Викторияга таъзим қилса, ҳа, қанийди, карета эшикчасини очсаю то ерга-ча эгилиб унга таъзим қилса...

Ниҳоят, ярим соатлардан кейин Виктория етиб келди. Уни шундоққина дарвоза олдида пойлаб туриш ва яна бир марта ўзини унга пеш қилиш одобдан бўлмасов! Юханнес тезгина атрофига аланглаб, шошганча кўчанинг нариги бетига ўтди ва тескари ўгирилиб турди. У камерҳернинг дарвозаси очилганини, карета ичкарига кириб, дарвоза яна ёпилганини эшитди. Шундан кейингина у ўгирилиб қаради.

Юханнес уй олдида яна бир соатча у ёқдан-бу ёққа юриб турди. У ҳеч кимни кутаётгани ҳам йўқ эди, бу ерда туришдан кўзлаган мақсади ҳам йўқ эди. Шу пайт бирдан эшик очилиб, кўчага Виктория чиқиб келди. Унинг бошида шляпаси йўқ, фақат елкасига шолрўмол ташлаб олган эди. Қизнинг чеҳрасида чўчин-қираган хижолатли жилва.

— Сайр қилиб юрибсизми? — деб сўради у ўртада гап бошлаш мақсадида. — Нималарни ўйлаяпсиз?

— Уйлаяпман? Йўқ, — деди Юханнес. — Шунчаки айланиб юрибман.

— Мен сизнинг у ёқдан-бу ёққа юриб турганингизни деразадан кўриб қолдим. Ўйлабманки... Мен ҳозироқ ичкарига қайтиб киришим керак.

— Бу ерга чиққанингиз учун миннатдорман сиздан, Виктория. Бир дақиқа олдин мен ниҳоятда аянчли аҳволда эдим, энди, сизни кўришим билан, ҳамма андуҳларим ўтиб кетди. Сиз билан театрда кўришганим учун мендан ранжиганг. Боя мен ундан ҳам баттар аҳмоқлик қилиб қўйдим: бу хонадонга ташриф буюрдим — сизни кўрмоқчи ва ўтган куни нима демоқчи бўлганингизни, нимани назарда тутганингизни билмоқчи эдим.

— Ахир ўзингиз яхши биласиз-ку, — деб жавоб қилди қиз. — Ўтган куни сизга жуда кўп гапларни айтдим; гапларимни тўғри тушунгансиз, деб умид қиламан.

— Шундай бўлса ҳам, мен ҳеч ишоналмаяпман.

— Келинг, бу ҳақда бошқа гапирмайлик. Мен сизга кўп нарсаларни айтдим, ҳатто керагидан ортиқ гапириб юбордим, лекин ҳозир мен манави уйдагиларга нисбатан яхши иш қилмаяпман. Мен сизни севаман, ўтган куни сизни алдамадим, ҳозир ҳам рост айтяпман, лекин тушунинг, бизни бир-биримизга яқинлаштирайдиган тўсиқлар бениҳоя кўп. Мен сизга жуда қаттиқ боғланиб қолганман, сиз билан дилкашлик қилиш менга ҳузур бағишлайди. Мен ҳеч ким билан бундай самимий суҳбат қуролмайман, лекин... мен бу ерда ортиқ қололмайман, бизни деразадан кўриб қолишлари мумкин. Юханнес сиз билмайдиган сабаблар бор, шунинг учун, энди ҳеч қачон мендан дилимдаги сўзни такрор айтишни илтимос қилманг. Мен бу ҳақда кечаю кундуз ўйладим, мен сизга рост гапирдим. Лекин бунинг иложи йўқ.

— Ниманинг иложи йўқ?

— Ҳаммасининг. Умуман, ҳамма айтганларимизнинг. Юханнес, мени бир-биримизга яқин бўлишдек ғурурдан халос этинг.

— Майли. Халос этаман!.. Бундан чиқди, сиз ўтган куни мени аҳмоқ қилиб лақиллатган экансиз-да? Демак, мени тасодифан кўчада учратиб қолгансизу, кайфиятингиз чоғ бўлгани учун мени шунақа...

Қиз кетмоқчи бўлиб орқасига бурилди.

— Балки мен бирон гуноҳ иш қилиб қўйгандирман? — деб сўради йигит. Унинг юзи худди мурданикидек оқариб кетган эди. — Бирон сабаб бўлмаса, қандай қилиб дабдурустан йўқотишим мумкин сизнинг... Шу ўтган икки кун ичида мен қандайдир ношоист иш қилиб қўйган бўлсам керак.

— Йўқ, гап унда эмас. Шунчаки мен ҳаммасини чуқур ўйлаб кўрдим. Наҳот сиз ҳам ўйламаган бўлсангиз бу тўғрида? Тушунинг ахир. Ҳеч қачон бунинг иложи бўлмаган. Ҳар доим. Менинг бутун меҳрим фақат сизга қаратилган, сизни жуда қадрлайман...

— “Ва ҳурмат қиламан”.

Юханнеснинг истеҳзоли жилмайиши Викториянинг иззат-нафсига теккан бўлса ҳам, қиз яна-да қизишиброқ тушунтира бошлади:

— Вой худойим-е! Наҳотки ўзингиз тушунмаётган бўлсангиз — ахир дадам илтимосингизни рад қилиши муқаррар-ку! Нега энди мени бу ҳақда гапиришга мажбур этяпсиз? Ўзингиз тушунасиз-ку. Кейин нима бўлади? Ё гапим нотўғри-ми?

Сукут.

— Тўғри, — деди йигит.

— Умуман, — деб гапида давом этди Виктория, — сабаблар жуда-жуда кўп. Йўқ, сираси, энди сиз мен билан учрашишга ҳаракат қилмаслигингиз керак, хали театрд мени жудаям чўчитиб юбордингиз. Кераги йўқ.

— Хўп, — деди Юханнес.

Виктория унинг қўлини қўлига олди.

— Эҳтимол, уйингизга борарсиз... бир неча кунга? Мени хурсанд қилардингиз... Қўлингиз жудаям иссиқ экан, мен бўлсам қалтираб кетяпман. Бўлди, уйга киришим керак. Хайрли тун.

— Хайрли тун, — деб жавоб қилди Юханнес.

Совуқ ва шумшук кўча худди аччиқ ичакдек чўзилиб кетган, гўё унинг охири йўқдек эди. Юханнес кўчада бир болани учратди, у эскирган, сўлиган гулларни сотиб юрарди. Юханнес болани чақириб, ундан бир дона атиргулни беш кронлик олтин тангага сотиб олди (бу зўр саховат эди) ва ўз йўлида юриб кетди. Йўлда у дарвоза олдида гурпанглашиб ўйнаётган болаларни кўрди. Ун ёшлар чамасидаги бир бола қимир этмай ўтириб, ўртоқларининг ўйинини томоша қиларди; унинг кўк кўзлари қартайган одамнинг кўзини эслатарди, яноқлари ичига ботган, ияги ялпоқ, бошида эса полотно қалпоқ. Аниқроғи, қалпоқнинг астари; бу астар бола учун парик вазифасини ўтарди. Бошининг қирмоч кал эканлиги болани бадбуруш қилиб юборган. Эҳтимолки, бу дард унинг қалбини ҳам буткул ҳазон қилгандир.

Юханнес беихтиёр шу нарсаларни кўз олдига келтирди, ҳолбуки, у айна пайтда шаҳарнинг қай қисмида юрганлигини ҳам, қаёққа қараб кетаётганини ҳам билмас эди. Бу аснода яна ёмғир ҳам томчилай бошлади, лекин Юханнес буни сезмади, гарчи кун бўйи қўлида шамсия кўтариб юрган бўлса ҳам уни очмади.

У юриб-юриб хиёбонга келиб қолди, бу ерда у бир скамейкага ўтирди. Ёмғир зўрая бошлади, шундагина у беихтиёр шамсиясини очиб бошига тутди. Лекин ўрнидан турмади. Бир оздан сўнг уни бирдан уйку элита бошлади, фикрлари хиралашди, у кўзини юмиб мудраб кетди.

Бир ўткинчи одам қаттиқ ҳайқириб уни уйғотиб юборди. Юханнес ўрнидан туриб яна юриб кетди, энди у юз берган ҳамма воқеани барча икир-чикирларига, гача, ҳаттоки бир дона гул учун беш крон тўлаганини ҳам эслади. У гулчи боланинг гул сотиб топган майда чақалари орасида битта олтин тангани — йиғирма беш эрели мис чақани эмас, беш кронли олтин тангани кўриб қандай қувониб кетганини кўз олдига келтирди. Ё танграм, ўзинг бандам де!

Бояги бир гала болалар энди ёмғирдан қочиб дарвозахонага киришган ва ўша ерда соққа ё чертак ўйнаётган бўлишса керак. Ун ёшли чолсифат бадбуруш бола-ку ҳануз ўтирган ўрнидан жилмагандир. Ким билсин, эҳтимол у бирон аломат нарсани кўриб кўнгли қувонаётгандир, балки ҳовли орқасидаги хужрачада унинг картондан ясалган масхарабоз қўғирчоғи ёки пирилдоқ ўйинчоғи бордир. Эҳтимол, у ҳали бу ҳаётдан бутунлай умидини узмагандир, ким билсин, балки унинг сўлғин қалбида умид учкунлари зоҳир бўлгандир.

Юханнес ўзидан сал нарироқда кетаётган хушбичим, сарвқад бир хонимни кўриб сесканиб кетди ва тўхтаб қолди. Йўқ, у нотаниш аёл эди. У ён кўчадан чиқиб, нарига юриб кетди, унинг шамсияси йўқ эди, ёмғир эса шаррос куярди. Юханнес бу хонимга етиб олди, унинг юзига бир нигоҳ ташлаб ёнидан ўтиб кетди. Жудаям гўзал ва ёшгина экан! Шўрлик ивиб кетибди, ахир шамоллаб қолади-ку! Афсус, Юханнес унга шамсия тавсия этолмайди-да! Бас, шундай экан... у ҳам биргаликда шалаббо бўлади — Юханнес шамсиясини ёпди... У уйига етиб келганида вақт ярим кечадан ошган эди.

Столда хат — таклифнома ётарди: “Муҳтарам жаноб, эртага кечкурун сизни ўз уйимизда кўрсак бағоят бахтиёр бўлури эдик. Бу ерда Сиз ўзингизга таниш

бўлган айрим кишиларни ҳам учратурсиз. Ким ташриф буюришини биласизми? Қаср соҳибининг қизи Виктория. Сизнинг самимий дўстларингиз эр-хотин Сейерлар”.

Юханнес стулда ўтирганча ухлаб қолди. У икки соатлардан кейин уйғонди. Совуқ еб қалтирай бошлаган эди. Кечаги куннинг ҳасрат ва аламларидан силласи қуриган Юханнеснинг ҳали уйқуси бутунлай қочмаган, бунинг устига, совуқдан аъзои бадани дағ-дағ қалтираётган бўлса ҳам, таклифномага жавоб ёзиш учун стол ёнига ўтирди — у таклифни рад этмоқчи эди.

У жавоб хатини ёзиб бўлиб, уни пастга олиб тушиб, почта қутисига ташламоқчи бўлди. Лекин шу пайт бирдан Сейерларникига Виктория ҳам таклиф этилганини эслаб қолди. Ана холос, Виктория бу ҳақда унга лом-мим демадику — у Юханнеснинг ҳам у ерга боришидан қўрққан, бегона одамлар олдида у билан учрашишни истамаган.

Юханнес хатни майда-майда қилиб йиртиб ташлади ва “раҳмат, бораман” деган мазмунда бошқа мактуб ёзди. Ҳаяжонланганидан кўли қалтирар, кўксини гаройиб бир шодмонлик туйғуси тўлдирган эди. Нега энди бормас экан? Нима учун у ўзини панага олиши керак? Бас!

Унинг жамики туйғулари саросимада эди. У календарнинг бир неча варағини бирваракайига йиртиб олиб, зумда бир ҳафта олдинлаб кетди. У гўё жуда ҳам қувончли бир хабар эшитгандай ҳис қила бошлади ўзини, бундай бахтдан боши кўкка етди, у ана шу хушсаодат дамдан ҳузур қилиб фойдаланмоқчи бўлди. Мана, ҳозир у трубкасини тутатади-ю курсига ястаниб ўтириб бир роҳатланади. Лекин буни қарангки, трубкага кул тиқилиб кирланиб қолибди, у трубканинг найини тозалаш учун пичоқми ё бигизми қидира бошлади, лекин тополмади. Шу пайт кўзи бурчакда осилиб турган соатга тушдию дарҳол унинг битта милини синдириб олди. Мили синган соатга қараш жоннинг ҳузури! “Ҳа-ҳа!” — деб кулди у ўзича ва яна нимани синдирсам экан дегандек, ҳамма ёқни кавлаштириб қидира бошлади.

Вақт ўтиб борарди. Ахийри у эгнидаги шалаббо кийими билан ўзини тўшакка отдию зумда ухлаб кетди.

У уйғонганида тонг отган эди. Ёмғир ҳамон тўхтамай ёғарди. Кўчанинг ҳар ер-ҳар ерида кўлмаклар пайдо бўлган. Юханнеснинг мияси ғовлаб, бутун кўрган тушлари билан кечаги хотиротлари айқаш-уйқаш бўлиб кетган эди. Иситма хуруж қилганини у ҳатто сезмади ҳам, аксинча, энди унинг иссиғи тушиб, юзига салқин шаббода урилди: гўё у бутун тун рутубатли ўрмонда кезиб юриб, бирдан сув бўйига келиб қолгандай ҳис қилди ўзини.

Кимдир эшикни тақиллатаётган эди: почтаци хат олиб келибди. У конвертни очиб хатни ўқий бошлади, лекин унинг маънисига жуда қийинчилик билан зўрға тушунди. Бир парча қоғозга ёзилган хат Викториядан эди: “Бугун кечқурун мен Сейерларникига таклиф этилганман. Кеча буни Сизга айтиш ҳаёлимдан кўтарилибди. Истардимки, Сизни ўша ерда кўрсам ва ҳамма гапни ўзингизга бафуржа тушунтирсам, яна — мени ҳеч вақт унутмасангизу бу жудалик зарбасига мардона бардош берсангиз... Ёмон қоғоз учун узр. Сизга садоқат ила Виктория”.

Юханнес уйдан чиқди, қаердадир наридан-бери тамадди қилиб қайтиб келди ва ниҳоят Сейерларга, бугун бора олмаслиги, лекин уларнинг таклифидан фойдаланиб, бошқа куни, чунончи, эртага кечқурун ташриф буюриши мумкинлиги ҳақида жавоб хати ёзди.

Хатни у почтаци орқали бериб юборди.

V

Куз келди. Виктория уйига жўнаб кетди. Торгина ва хилват кўчадаги уйлар ҳамон ўша-ўша, ҳамон ҳаммаёқ тинч, осуда эди. Юханнеснинг хонасида кечаси билан чироқ ўчмасди. Чироқ кечқурун осмонда юлдузлар порлаганда ёниб, эрталаб тонг ёришганда ўчарди. Юханнес тиним билмай ишларди, у катта бир китоб ёзаётган эди.

Орадан ҳафталар, ойлар ўтди, у уйдан эшикка чиқмай, ҳеч ким билан учрашмай мук тушиб ишлади, ҳатто Сейерларникига ҳам бормай қўйди. Юханнеснинг тахайюли кўпинча у билан қалтис ҳазил қилиб, ёзаётган китобига мутлақо мавзуга дахли йўқ ҳар турли бўлар-бўлмас воқеаларни олиб келиб тиқардики, оқибат ана шундай нарсалар ёзилган варақларни чизиб-чизиб, печкага тиқишга тўғри келар эди. Бундай ҳоллар, турган гапки, ишни орқага суларди. Тун сукунатини дабдурустдан бузган қандайдир шовқин, кўчадан югуриб ўтган арава гилдиракларининг қалдир-қулдури унинг хаёлини бошқа томонларга йўналтириб юборарди.

Ана, кўчадан бир карета ўқдай учиб бормоқда.

— Ҳей! Пўшт, йўлдан қоч!

Нега қочсин? Узини каретадан четга олиб нима барака топади? Ана, карета физиллаб ўтиб кетди, чамаси, муволишдан бурилди-ёв. Ўша муволишда эса, эҳтимол, биронта пальтосиз, бошланг одам энгашганча, бошини зарбага қозирлаб кутиб тургандир, эҳтимол, у ўзини карета босиб кетишини хоҳлар, балки унинг нияти мажруҳ бўлиш ё ўлишидир. Одам ўлмоқчи экан, ҳай, нима бўлибди, бу унинг шахсий иши. Мана, у анчадан бери кўйлагининг тутмаларини қадамайди, ботинкасининг ипини боғламай қўйган, озиб, чўп-устухон бўлиб кетган кўкраги ёқавайрон; у ўлишни истайди... Мана бу одам эса, ўлим тўшагида ётибди, у ўз дўстига мактуб, илтимоснома ёзган. Лекин у ўлиб, мактуб жўнатилмай қолиб кетди; мактуб тагига унинг санаси майда ҳарфлар билан ёзилиб, имзо чекилган. У мактубни ёзгану бир соатдан кейин жони узилган. Таажжуб! Бу мактубига ҳам у, ўз одати бўйича, жимжимадор қилиб имзо қўйган, имзо қўйгану бир соатдан кейин жон таслим қилган... Мана, яна бошқа бир одам. У ёлғиз ўзи каталакдек хонасида ётибди. Хонанинг деворлари қўқ бўёқ билан бўялган, деворнинг пастки қисмига тахта қопланган. Ҳай, нима бўпти шунга? Ҳеч нима. Шу бугун, шу тобда бугун дунёда айнан у ўлмоғи керак. У ҳозир фақат шуни ўйлаб ётибди, ўйлагандаям, жидду жаҳд билан ўйлаяпти. Кеч кирди, девордаги соатнинг миллари вақтнинг саккиз бўлганини кўрсатмоқда. Соатдан кўз узмай ётган бу одам, нега у жом чалмаяпти, деб ҳайрон бўлади. Соат жом чалмади. Соат саккиздан бир неча дақиқа ўтиб ҳам кетди, у чиқиллаб юриб турибди-ю ammo жом чалмаяпти. Мана, шўрпешона одам ҳушидан кетди, соат жом чалди, лекин энди у бунга эшитмади. Деворда онасининг суврати осилган, у бир ҳамла билан сувратга бармоқ ниқтаб тешади — рост-да, энди нима кераги бор бу сувратнинг, уни асраб нима қилади... ҳозир ўзи ўладиган бўлгандан кейини? Унинг хиралаша бошлаган нигоҳи стол устидаги гул тувагига тушади, у қўлини чўзади ва пойлаб туриб гултувакни бир уриб ерга тушириб юборади. Тувак чил-чил синади. Гулни асрашдан нима фойда? Кейин у қаҳрабо муштугини деразадан отади. Энди унинг ҳам кераги йўқ! Ахир бу кундай равшан-ку — баски ўзи ҳадемай гўрга кирар экан, муштукнинг бу ерда ётишидан ҳеч қандай маъни йўқ. Бир ҳафтадан кейин у одам ўлди...

Юханнес ўрнидан туриб, хона ичида у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Девор ортидаги қўшни уйғонди — хуррак отиш тўхтади, қўшнининг чуқур хўрсингани ва маҳзун оҳ ургани эшитилди. Юханнес стол томон оёқ учига юриб бориб яна ўтирди. Дераза тагидаги терак шоҳлари орасида шамол гувиллайди; Юханнес сесканиб кетди. Кекса теракларнинг барглари аллақачон тўкилиб бўлган, энди улар шўрпешона, ногирон одамга ўхшаб қолишган; дарахтнинг ғадир-будур шоҳлари уй деворига тинмай тўқ-тўқ уриларкан, худди қовжираб дарз кетган ёғоч тўқмоқ сингари зириллаган овоз чиқаради.

Юханнес ўзи ёзган варақларга кўз ташлаб, уларни қайта ўқийди. Ана холос! Яна тахайюли уни чалғитиб, аллақайларга бошлаб кетибди... У ёзаётган асарга ўлимнинг ва ўқдай учиб ўтган каретанинг нима алоқаси бор? Ахир у боғни, ўзининг ота юртидаги ям-яшил чаманзор боғни, аниқроғи, Қаср олдидаги боғчани тасвирламоқчи эди-ку. У мана шу ҳақда ёзаётган эди. Тўғри, ҳозир у боғча ўлик, қорга бурканган, шунга қарамай, Юханнес ўша боғчани тасвирламоқчи, лекин унинг ҳозирги қишдаги қиёфасини эмас, баҳордаги жамолини, у ердаги муаттар гуллар атрини, саррин елларни тасвирламоқчи. Оқшом. Кўрфаз суви теран ва худди эритилган қўрғошиндек қилт этмайди; настарин хушбўй

ҳид таратмоқда, бутадевор куртаклар ва ям-яшил япроқларга бурканган, ҳаво шу қадар сокинки, кўрфазнинг нариги бетида сайраётган кушнинг овози ҳам аниқ эшитилади. Боғчадаги хиёбонда қордек оппоқ кўйлак кийган Виктория турипти, у ёлғиз, ҳозир у йигирма ёшда. Унинг бўйи боғчадаги ҳамма гул буталаридан ҳам баландроқ, у нигоҳини кўрфазга, ўрмонга ва олис-олисдаги мудроқ қояларга қаратган; уни яшил буталар ичида турган оппоқ руҳга қиёс қилиш мумкин. Пастдан ўтган йўлда кимнингдир оёқ товуши эшитилади, Виктория ям-яшил буталар орасига яширинган шийпончага келиб, панжара-деворга қўлини тираганча пастга қарайди. Йўлдан ўтиб бораётган одам шляпасини ечиб, боши ерга теккудек эгилиб, унга таъзим қилади. Виктория унинг таъзимига бош ирғаб жавоб қилади. Йўловчи атрофига бир-бир кўз ташлайди — йўлда ҳеч зоғ йўқ; шунда у панжара томон бир неча қадам юриб келади. Виктория ўзини орқага ташлаб қўлини силтаганча: “Йўқ-йўқ!” — деб чинқиради. “Виктория, — дейди унга йўловчи, — бир пайтлар сиз менга чин ҳақиқатни айтган экансиз, мен дарҳақиқат, сизни орзу қилмаслигим керак эди, негаки бунинг иложи йўқ эди”. “Тўғри, — деб жавоб қилади қиз. — Бас, буни тушунибсиз, энди мендан нима истайсиз?” Йўловчи яна ҳам яқинроқ келади — энди уларни фақат панжара бир-биридан ажратади, — ва қизнинг саволига жавоб қилади: “Нима истайманми? Мен шу ерда, истиқболнингизда фақат бир дақиқагина туришни истайман. Охирги марта. Мен, имкони борича, сизга яқинлашсам дейман; мана, ёнгинангизда турибман”. Қиз сукутда. Орадан бир дақиқа вақт ўтади. “Хайрли тун”, — дейди йигит ва яна шляпасини ечиб, у билан ерни супиргудек эгилиб таъзим қилади. “Хайрли тун”, — деб жавоб қилади унга қиз. Ва йигит жўнаб кетади... орқасига қайрилиб қарамай...

Бу воқеага ўлимнинг нима дахли бор? Юханнес ёзиб тўлдирилган варақни гижимлаб печга ташлади. Ёнишга маҳкум этилган бошқа варақлар — ўз ўзанидан тошиб чиққан тахайюлидан сачраган томчилар ҳам шу ердан жой олди. Ва у яна йўлдаги ўткинчи ҳақида, бир дақиқалик висол они тутагач, “яқши қолинг”, деб таъзим қилиб хайрлашган йигит ҳақида ёза бошлади. Боғчада эса оппоқ кўйлак кийган навниҳол қиз қолди, у йигирма ёшда эди. У йигитга турмушга чиқишни истамасди, йўқ, йўқ, зинҳор унинг умр йўлдоши бўлмайди. Лекин йигит, барибир, қиз яшайдиган уйнинг панжара девори олдида туришга мушарраф бўлди. Ҳа, чароғон кунларнинг бирида у шундай бахтга эришган эди.

Яна орадан ҳафталар, ойлар ўтиб, ниҳоят, баҳор кириб келди. Қорлар эриб, ҳавони шовуллаган овоз тўлдирди, гўё баҳорий тошқин сувлар куёшу ойгача етиб боргандек эди. Қалдирғочлар учиб келишди, шаҳар ташқарисида, ўрмонда тўрт оёқли жониворлар гимирлаб қолишди, бегона тилда сўзлашувчи қушлар чуғурлаша бошлашди. Эндигина қордан фориг бўлган ернинг ажиб ҳиди димоққа урилди.

Юханнес бутун қиш бошини кўтармай ишлади. Теракларнинг қуриган шохлари кечаю кундуз бир маромда уй деворига тўқ-тўқ урилиб турди, лекин энди, баҳор келиши билан, шамол тиниб, ёғоч тўқмоқнинг ҳам овози ўчган эди.

Юханнес деразани ланг очиб кўчага қаради. Ярим кечага ҳали анча бор; шунга қарамай, ҳамма ёқ сув қуйгандай жимжит, мусаффо осмонда юлдузлар чарақламоқда. Бутун борлиқ эртага ҳавонинг очиқ ва илиқ бўлишидан дарак беради. Юханнес олис ўрмондаги қушларнинг бетиним чуғур-чуғур билан омухта бўлиб кетган шаҳар говур-гувурига қуроқ солиб турди. Бирдан паровознинг чинқироқ хуштаги эшитилди; тунги поездининг бу наъраси сокин кечада қичқирган яккахон хўрознинг овозини эслатарди. Ишга киришиш пайти келди, бутун қиш давомида шу паровоз хуштаги ишга даъват этувчи бонг вазифасини ўтаб турди унга.

Юханнес деразани ёпиб, стол ёнига ўтирди, ўқиётган китобларини четга суриб қўйиб, олдига оқ қоғоз қўйди, қўлига қалам олди.

У ёзаётган катта китоб охирлаб қолган, фақат сўнги бобни — узоқ сафарга жўнаётган кемадан эшитилаётган видолашув каломларини тасвирловчи бобни

ёзиш қолган, холос, лекин бу воқеа ҳам унинг миясида аллақачон пишиб етилган...

Катта йўл ёқасидаги қовоқхонада бир одам ўтирибди, у бу ерга йўл-йўлакай кирган, борадиган манзили ҳали жуда узоқ. Унинг соч-соқоли қордай оппоқ, кечмиш ҳаёти унда ўз асоратини қолдирган: у гарчи хушқомат ва ҳали бақувват бўлса ҳам, ёшига нисбатан анча қари кўринади. Қовоқхона ҳовлисида уни извош кутмоқда, отлар дам олмоқда, извошчининг кайфи чоғ — ҳожаси уни яхшилаб боқди, вино билан сийлади. Бу мусофир қовоқхонага ташриф буюрувчилар рўйхатига ўз исминини ёзганида, қовоқхона хўжайини уни таниб қолади, унга таъзим қилиб эъзоз-эҳтиром ила қутлайди. “Ҳозир Қасрда ким турибди?” — деб сўрайди мусофир. “Капитан, — деб жавоб қилади қовоқхона эгаси, — у жуда бадавлат одам, унинг хотини — Қаср бекаси эса жуда саховатли аёл, ҳаммага бир хилда лутф-марҳамат кўрсатади”. “Ҳаммага, денг? — дейди меҳмон ичида ва галати жилмайиб қўяди. — Ҳали менга ҳам лутф-марҳамат кўрсатар балки?” У ўтириб қоғозга нималарнидир ёзади, кейин ёзганини ўқиб чиқади — бу ёзгани дабдабали ва айни пайтда, сипо бир шеър бўлиб, унда аччиқ-аламли сўзлар ҳам анча-мунча эди. Кейин у ўтирган ерида шу шеър ёзилган варақни майда-майда қилиб йиртади. Шу пайт эшик тақиллаб, хонага сариқ либос кийган бир аёл киради. У юзидаги тўрни кўтаради. Бу — Қаср бекаси фрау Виктория. Унинг андоми қиролчаларни эслатади. Меҳмон сакраб ўрнидан туриб кетади, унинг маънос чехраси гўё бирдан ичидаги шуъла билан мунаввар бўлгандек туюлади. “Сиз ҳаммага лутф-марҳамат кўрсатар экансиз, — аччиқ-алам билан дейди у хонимга, — мана мени кўргани ҳам келибсиз”. Фрау Виктория жавоб қилмайди, у лом-мим демай, меҳмонга тикиларкан, икки юзи чўгдек қизариб кетади. “Нима истайсиз мендан? — деб савол беради мусофир яна боягидек алам билан. — Мабодо, менга яна ўтмишни эслатмоқчи эмасмисиз? Билиб қўйинг, саховатли хоним, биз охириги марта учрашмоқдамиз, зеро, мен бу ерлардан бутунлай бош олиб кетмоқдаман”. Қасрнинг ёш бекаси ҳамон сукутда, лекин унинг лаблари пир-пир учади. “Наҳотки, — деб яна савол беради меҳмон, — бир пайтлар сизга ўз телбалигимни изҳор этганим кифоя қилмаган бўлса? Ҳай, начора, майли, яна бир бор иқдор бўлиб айтаман: мен сизга қалбимни бахшида қилган эдим, афсуски, мен сизга муносиб эмасман. Энди кўнглингиз тўлдими? — У гапирган сари ҳаяжони тобора ортиб боради: — Сиз мени рад этиб бошқа билан турмуш қурдингиз, сабабки, мен бир қишлоқчи, бесўнақай махлуқ, гўрлик қилиб, беҳосдан қирол кўриқхонасига кириб қолган бир ёввойи одам эдим сиз учун”. Шу гапдан кейин меҳмон ўзини стулга ташлаб, хўнг-хўнг йилғай бошлайди ва: “Кетинг, хоним! — дея илтижо қилади. — Мени кечиринг ва ҳоли қўйинг!” Қаср бекасининг ранги қув ўчади ва у ҳар бир сўзни дона-дона қилиб аста-аста дейди: “Мен сизни севаман; тушунсангиз-чи ахир: мен ёлғиз сизни севаман. Алвидо!” Навниҳол жувон шундай деб юзини қафтлари билан қоплаганча хонадан тез-тез юриб чиқиб кетади...

Юханнес қаламни четга суриб қўйиб, курси суянчиғига суянди. Ниҳоят, нуқта қўйилди. Тамом. Мана, унинг олдида янги китоби — ёзилган варақлар, яъни тўққиз ойлик меҳнати самараси ётибди. У энгил тортди, қалби қувончга тўлди — ишини охирига етказган эди. Тонг ғира-шира ёриша бошлаган ушбу пайтда у деразадан кўз узмай ўтираркан, миясида ҳамон турфа фикрлар ғужғон ўйнар, хаёлотли тўхтовсиз ишлаб турарди. У янги-янги таассуротлар, ҳаяжонлар оғушида эди, ҳозир унинг шуури гарқ пишган мевалари ҳамон терилмаган ва еридан қайноқ ҳовур уфуриб турган қаровсиз бир боғга ўхшарди.

Мана, у қандайдир сирли вазиятда хувиллаган бир водийга бориб қолади, бу ерда қилт этган жонзод кўринмайди. Фақат узоқдан орган овози эшитилиб турибди. У органга яқин бориб, унга тикилиб қарайди ва унинг ён томонидан қон тирқираб оқаётганини кўради. У яна нарига кетади ва ўзини бир шумшук майдонда кўради. Бу ерда на бир қилт этган дарахт бор эди, на тик этган товуш эшитиларди — бу ўлик майдон эди. Шу пайт у дафъатан қумда бошмоқ изларини кўриб қолади, ҳавода эса, бу ерда айтилган энг охириги сўзларнинг акссадоси янграрди, демакки, одамлар бу ердан яқингинада жўнаб кетишган. У

Ўзини жуда ғалати ҳис қила бошлайди, бу ерда айтилган сўзларнинг майдон узра ҳавода муаллақ қалқиб турган акс-садолари унга таҳдид қила бошлайдилар, уни қуршаб сиқувга оладилар. Йигит уларни ҳайдайди, аммо улар яна шўрликнинг тепасига гурра ёприлиб келадилар; э-ҳа, булар сўзлар эмас, рақс тушаётган митти чоллар экан, мана энди аниқ кўрина бошлашди. Нега улар рақс тушишяпти, нега рақслари бу қадар ғамгин? Давра қурган чолларнинг рақсидан баданни зирқиратувчи даҳшатли совуқ уфуради; чоллар уни кўришмайди — ҳаммалари сўқир, йигит уларни “ҳай-ҳай” лаб чақиради, лекин улар эшитишмайди — улар ўликлар... Шундан кейин у шарқ томонга, қуёш сари юриб кетади ва юриб-юриб бир тоғ этагига бориб қолади. Шунда кимнингдир: “Тоғ этагида турган сенмисан?” — деган овози эшитилади. “Ҳа, — деб жавоб қилади у, — тоғ этагида турган менман”. Энди бояги овоз: “Сен этагида турган тоғ — менинг оёғим, — дейди. — Мен Ернинг энг чеккасида кишанбанд бўлиб ётибман. Келиб мени кишандан озод қил!” Йигит буни эшитиб, Ернинг чеккаси томон равона бўлади. Кўприкдан ўтаман деганда, бир одам унинг йўлини тўсади. Бу одам кўприкдан ўтмоқчи бўлганларнинг соясини тортиб оларкан. У мушқдан ясалган. Йигит соясини тортиб олмоқчи бўлган бу мушқ одамга кўз ташлаши билан, бутун вужуди даҳшатдан зирқираб кетади. У мушқ одамнинг юзига тупириб унга мушт дўлайтиради, лекин кўприк соқчиси оёғини тираб туриб олади. Шу чоқ кимдир унга: “Бу ёққа юр!” — деб қичқиради. У ўгирилиб, йўлда думалаб кетаётган одам калласини кўради. Калла унга йўл кўрсатиб бораркан, ўқтин-ўқтин товушсиз кулиб қўярди. У ана шу калла орқасидан эргашиб бораверди. Калла кечасию кундузи бир зум тўхтамай кетаверди, йигит ҳам унга эргашиб бораверди; денгиз бўйига борганида калла бирдан ер тагига кириб ғойиб бўлди. Шунда йигит ўзини сувга отиб, денгиз қаърига шўнғийди. Мана, у ўзини маҳобатли бир эшик олдида кўради, бу ерда уни итга ўхшаб акилловчи баҳайбат бир балиқ қарши олади. Балиқнинг худди отниқига ўхшаб ёли бор, лекин ҳамма хатги-ҳаракати итни эслатади. Қараса, бу балиқнинг орқасида Виктория турган экан. Йигит Виктория томон қўлларини чўзади; Викториянинг эғнида ҳеч қандай либоси йўқ, у йигитга жилмайиб боқади, кучли тўфон унинг сочларини тўзғитади. Шунда у овозининг борица бақириб Викторияни чақиради, у ўз овозини ўзи ҳам эшитади ва... уйғониб кетади.

Юханнес ўрнидан туриб дераза олдида борди. Тонг ғира-шира ёриша бошлаган эди. У дераза панжарасига осилган кичкина кўзгуга боқиб, қовоқлари салқиб қизарганини кўрди. У чироқни ўчирди ва тонгнинг хира ёруғида китобининг сўнги саҳифасини яна бир бор ўқиб чиқди-да, улаганини ётди.

Шу кунни кечкурун Юханнес хона учун ижара ҳақини тўлади, кейин қўл-ёзмани ноширга олиб бориб топшириб, шаҳардан жўнаб кетди. У чет элга жўнади, аммо қайси мамлакатга кетганини ҳеч ким билмади.

VI

У ёзган катта китоб босилиб чиқди. Бу — бутун бир салтанат, беқарор кайфиятлар, турфа овозлар ва манзараларнинг кичик бир дунёси эди. Китобни сотиб ола бошладилар, ўқидилар, четга суриб қўйдилар. Орадан яна бир неча ой ўтди. Кузга бориб Юханнес яна бир янги китобини чоп эттирди. Нима бўлди, денг! Энди унинг номи ҳамманинг оғзига тушди, ижоди жамоатчилик томонидан эътироф этилди; унинг бу янги китоби ўзи кўниқиб қолган муҳитдан йироқда, бегона юртда ёзилган эди, китоб шундай ажиб ва ўткир ёзилган эдики, унинг таъсирчанлигини узоқ сақланган майга қиёс қилса бўларди.

“Қимматли китобхон, сен Дидерик ва Изелина ҳақидаги қиссани қўлингга олдинг. Ҳар қандай оғир юк ҳам қушдек енгил туюлган саодатли онларда, ҳиссиётлар жўш уриб, ижод булоқдек қайнаган беғам ва беташвиш дамларда ёзилган бу қисса парвардигорнинг муҳаббат тигидан жароҳат олган Дидерик ҳақидадир”.

Юханнес хорижда яшади, лекин қайси юртда бўлганини ҳеч ким билмади. Унинг чет элда эканлигини билишганда, орадан бир йилдан кўпроқ вақт ўтган эди.

— Эшик тақилладими? — деди кекса тегирмончи бир куни кечкурун.

Эр-хотин икковлари жим қолиб кулоқ солишди.

— Хеч ким йўқ, — деди хотини. — Соат ўн бўлди, қоронғи тўшди — ким ҳам келарди?

Бир неча дақиқа ўтди.

Эшик тақиллади — бу сафар қаттиқроқ ва қатъийроқ тақиллади — келган одам ахийри дангал эшик қоқишга журъат этган эди. Тегирмончи эшикни очди. Остонада Қаср соҳибининг қизи турарди.

— Қўрқманглар, менман, — деди Виктория, ўзи эса қимтинибгина жилмаярди. У ичкари кирди, унга стул таклиф қилишди, лекин у ўтирмади. У елкасига фақат иссиқ рўмол ташлаган, оёғига эса, юзи очиқ туфли кийган эди, ҳолбуки баҳор ҳали бошланмаган, йўллар пилч-пилч лой эди.

— Мен сизларга бир гапни айтиб қўймоқчи бўлиб келувдим: баҳорда бизникига лейтенант келади, — деди қиз. — Лейтенант, бу — менинг қайлигим. Эҳтимол, у лойхўрак овига чиқар. Мана шунинг учун ҳам сизларни, агар ўқ овозини эшитсангиз қўрқманглар, деб олдиндан огоҳлантириб қўймоқчи эдим.

Тегирмончи билан унинг хотини Викторияга ҳайрон бўлиб қарашди, чунки Қаср эгалари, агар уйларига келган меҳмонлар ўрмонда ё ўтлоқда ов қиладиган бўлсалар, бу ҳақда илгари ҳеч кимни бунақа огоҳлантирмас эдилар. Эр-хотин Викторияга тавозе билан миннатдорлик изҳор этдилар: “Бу яхшилигингиз учун раҳмат сизга, фрекен”.

Виктория кетмоқчи бўлиб эшик томон бурилди.

— Мен фақат шуни айтгани келувдим. Ҳар ҳолда, кекса одамларсиз, олдиндан айтиб қўйсам ёмон бўлмас, деб ўйловдим.

— Бизнинг ташвишимизни қилганингиз учун раҳмат, фрекен! — деди тегирмончи. — Фрекеннинг туфлилари ҳўл бўлмадими ишқилиб?

— Йўқ, йўл қуриб қолибди, — деб қисқагина жавоб қилди Виктория. — Ундан кейин, ўзим бир оз оёғимнинг чигилини ёзгим келди. Хайрли тун.

— Хайрли тун, фрекен.

Қиз илгакни кўтариб эшикни очди, кейин дафъатан орқасига ўгирилиб, остонада турганча сўради:

— Дарвоқе, Юханнес қалай? Сизлар ундан хат-хабар олмадингларми?

— Йўқ, хат олмадик. Сўраганингиз учун раҳмат, фрекен. Хат келмади.

— Яқинда ўзи келиб қолса керак. Бу ҳақда сизларни хабардор қилгандир, деб ўйловдим.

— Йўқ, у ўтган баҳордан бери бизга хат ёзмади. Ҳозир чет элда бўлса керак.

— Тўғри. Унинг хорижда эканлигидан хабарим бор. У ёқда турмуши яхши эмиш. Ўзи китобида шундай деб ёзибди, — беғам ва беташвиш ҳаёт даври бошланган унинг учун. Демак, турмуши яхши.

— Илоё, яхши бўлсин! Биз уни кутяпмиз. Фақат бизга хат ёзмаётгани чатоқ. Наинки бизга, ҳеч кимга ёзмапти. Биз бўлсак уни кўзимиз тўрт бўлиб кутиб ётибмиз.

— Баски, ўғлингиз беғам, беташвиш ҳаёт кечираётган экан, ҳозирги яшаб турган жойи унга маъқул бўлган бўлиши керак. Тағин ўзи билади. Мен шунчаки, унинг баҳорда уйига келиш-келмаслигини билмоқчи эдим. Яна бир марта хайрли тун тилайман сизларга.

— Хайрли тун, фрекен.

Тегирмончи билан унинг хотини қизни кўча эшиккача кузатиб чиқиб, орқасидан қараб қолдилар, у бошини адл кўтарганча, юзи очиқ туфлида кўлмакларни четлаб ўтиб, пилч-пилч лой йўлдан Қаср томон кета бошлади.

Икки кундан кейин Юханнесдан хат келиб қолди. У тахминан бир ойлардан кейин, янги китобини ёзиб тугатгани ҳамано келармиш. Шунча вақтдан бери доим иши яхши юришибди, энди янги китобини тугатаркану бу ёққа қайтиб келаркан. Шундан кейин у ўз тахайюлига эрк бериб, ёзиб тугатаётган китоби ҳақида роса оғиз кўпиртириб ёзибди...

Тегирмончи Қасрга жўнади. Йўлда у Викториянинг белгиси тикиб ёзилган бир рўмолча топиб олди, бунга Виктория ўтган куни кечкурун уйига қайтаётганида тушириб қўйган бўлса керак.

Ойимқиз юқори қаватда экан, уй ходимаси:

— Нима гапингиз бор эди, ким келди, деб айтмай? — деб сўради.

Раҳмат, овора бўлмасинлар, у ойимқизни шу ерда кутиб тура қолади.

Ниҳоят, уй соҳибининг қизи пастга тушиб келди.

— Мени кўрмоқчимидингиз? — деб сўради у ва қўшни хона эшигини очиб, тегирмончини ичкарига таклиф қилди.

Тегирмончи ойимқизга яқинроқ бориб, унга рўмолчани узатаркан, деди:

— Биз яна Юханнесдан хат ҳам олдик.

Қизнинг чеҳраси қувончдан бир лаҳзагина яшнаб кетди. Фақат бир лаҳзагина. У деди:

— Раҳмат, дарҳақиқат, бу менинг рўмолчам.

— У яқинда қайтиб келаркан, — деди тегирмончи деярли пичирлаб.

Қиз ўзини бепарво қилиб кўрсатди.

— Қаттиқроқ гапиринг, амаки. Ким қайтиб келаркан? — деб сўради у.

— Юханнес.

— Юханнес? Ҳа, нима бўпти?

— Ҳа, йўқ, мен шунчаки... Биз буни сизга билдириб қўйсақмикин, деб ўйлагандик. Хотиним билан иккаламиз келишиб... У ўйловдики... Ўтган куни ўзингиз, Юханнес баҳорда келмасмикин, деб гап очгандингиз. Мана, маълум бўлди, келаркан.

— Хурсанд бўлгандирсизлар албатта? — деб сўради Қаср соҳибининг қизи. — Қачон келаркан?

— Бир ойдан кейин.

— Ҳа, яхши. Шуми?

— Шу. Биз ўйловдикки, сўраганингиз учун... Вассалом. Бошқа гап йўқ.

Тегирмончи бу гапини яна паст овозда айтди.

Виктория уни эшиккача кузатиб қўйди. Йўлакда улар қизнинг отасига рўпара келишди, шунда Виктория баралла ва лоқайд овоз билан деди:

— Биласизми, дада, тегирмончи айтяпти: Юханнес яқинда уйига қайтиб келармиш. Эсингиздами Юханнес?

Тегирмончи эса Қаср дарвозасидан ташқарига чиққач, худо шоҳид, энди ўлсам ҳам бунақа “аммамнинг бузоғи” бўлмайман. Агар хотиним яна, кимнинг дилида нима нияти борлигини кўзига қараб биламан, деса зиғирча ҳам ишонмайман, деб қасам ичди. У ҳозир уйга бориб, шу аҳдини хотинининг юзига шартта айтади.

VII

Тегирмон тўғони ёнида ўсган бу сарвқад рябина бир вақтлар нозиккина ниҳол эди; Юханнес ўшанда уни кесиб, қармоқ чўпи қилмоқчи ҳам бўлган эди. Орадан йиллар ўтиб, энди унинг танаси Юханнеснинг билагидек йўғонлашибди. Юханнес бу дарахтга ҳайрон бўлиб қараб турди-да, сўнг нари кетди.

Дарёнинг юқори оқимида қирққулоқлар бир вақтлардагидек ғуж-ғуж ўсиб, тўқайга айланган эди. Уларнинг шовул барглари сувлоққа ўтган молларнинг сўқмоқ йўлини ишқом бўлиб беркитиб қўйган. Юханнес болалик чоғида қилганидек, қирққулоқларни қўли билан икки томонга суриб, оёғини тусмоллаб босиб борарди. Ҳашаротлар, калтакесаклар бу баҳайбат паҳлавоннинг оёқ олишидан чўчиб, ҳар томонга тирақайлаб қочардилар.

Юқорида, тош кони харобалари атрофида анемонлар¹, бинафшалар ва ёввойи олхўри бутаси гулга кирган... Юханнес гул узди, гулнинг қадрдон атри унга ўтган кунларини эслатди. Узоқда қўшни қишлоқнинг кўм-кўк адирлари кўринарди, кўрфазнинг нариги томонида какку тинмай сайрарди.

Юханнес бир харсангтош устига бориб ўтирди ва салдан кейин қўшиқ айта бошлади. Пастдаги сўқмоқ йўлдан оёқ товуши эшитилди.

¹ Анемонлар — айиқтовон гуллар оиласига мансуб ўтлар.

Кеч кириб кун ботган бўлса ҳам, кундузги ҳарорат тафти ҳамон ҳавони қизди-
рарди. Ўрмонлар, адирлар ва кўрфаз теран сукунат оғушида. Сўқмоқдан бир
аёл тош кони томон юриб келарди. Бу Виктория эди. У билагига сават илиб
олган эди.

Юханнес ўрнидан турди ва кетмоқчи бўлиб, қизга таъзим қилди.

— Мен сизга халал бермоқчи эмас эдим, — деди қиз. — Мен бу ерга гул
тергани келувдим.

Йигит индамади. Буни қаранг, ахир ўзингизнинг боғингизда гуллар чаман-
дек очилиб ётибди-ку, дейиш Юханнеснинг миясига келмабди-я!

— Мана, сават ҳам олиб олувдим, — деб гапида давом этди қиз. — Лекин бу
атрофдан ҳеч нима тополмайдиганга ўхшайман. Меҳмонларнинг дастурхонига
қўймоқчи эдим. Бизниқига меҳмонлар келадиган.

— Мана, анемонлар, бинафшалар очилиб ётибди, — деди Юханнес. —
Юқорироқда қулмоқ ҳам ўсади. Аммо у ҳали етилганича йўқ.

— Сиз, охирги марта кўрганимдан буён, анча оқариб қолибсиз, — деди
Виктория. — Шунга ҳам икки йил бўлибди. Менга сизнинг хорижга жўнаб кет-
ганингизни айтишувди. Мен китобларингизни ўқидим.

Йигит ҳамон индамай турарди. Унинг кўнглига, ҳеч бўлмаса: “Яхши қолинг,
фрекен”, деб бу ердан кетишим керак, деган хаёл келди. У турган ердан нариги
харсангтошга бир қадам, у тошдан Виктория турган сўқмоқча яна атиги бир
қадам масофа бор эди, — у ердан пастга тушиш оппа-осон. Лекин қиз йигит-
нинг йўлини тўсиб турарди. Виктория эгнига сариқ қўйлак, бошига қизил шляпа
кийган, ҳозир у ғоят ажиб ва гўзал эди; унинг оппоқ бўйни очиқ эди.

— Мен йўлингизни тўсиб қўйдим, — деб гўлдиради Юханнес ва хиёлгина
пастроққа тушди. У ўзини оғир тутишга, ҳаяжонланаётганини сездирмасликка
уринди.

Энди уларнинг орасида фақат бир қадамлик масофа қолган эди. Шунда ҳам
қиз ўзини четга олишни ўйламади. Кўзлар учрашди. Шу чоқ бирдан Виктория
лоладек қизариб кетди, кўзини ерга тикканча, бир қадам четга ўтди; гарчи
жилва қилиб турган бўлса ҳам, юзида саросима аломати зоҳир бўлди.

Юханнес унинг ёнидан ўтди, ўтгач яна тўхтади, у қизнинг жилвасидаги маҳ-
зунликни кўриб, ҳайратда қолган эди, унинг қалби яна Викторияга талпинди
ва у эсига келган биринчи калима билан қизга юзланди:

— Сиз шаҳарга тез-тез бориб тургандирсиз-а? Ушандан кейин ҳам... Дар-
воқе, энди эсимга тушди: илгарилари сизларнинг байроғингиз ўрнатилган те-
паликда гуллар чаман бўлиб очилиб ётарди.

Виктория ялт этиб унга қаради, шунда Юханнес унинг ҳаяжонланаётганини
ва ранги қув ўчганини кўрди.

— Илтимос, бизниқига марҳамат қилинг, — деди Виктория. — Меҳмонлар
келганида албатта боринг. Ҳа, яқинда меҳмонлар ташриф буюришмоқчи, —
деб у гапини давом эттираркан, аста-аста юзига қон қуйила бошлади. — Шу
яқин кунларда... Шаҳардан баъзи танишлар ҳам келишади. Айтинг, борасизми?

Йигит жавоб қилмади. У Викториянинг меҳмонларига мутлақо бегона, улар
билан улфат бўлолмайдди.

— Илтимос қиламан, йўқ деманг. Борсангиз хурсанд бўласиз, мен ҳаммаси-
ни ўйлаб қўйганман, сиз учун сирли совға тайёрлаб қўйганман.

Сукут.

— Энди мени ҳеч қандай совға билан ҳайрон қолдиролмайсиз.

Виктория лабини тишлаб қолди; унинг чеҳрасида яна бир зумлик маҳзун
жилва намоён бўлди.

— Айтинг, нима истайсиз ўзи мендан? — деб сўради қиз эшитилар-эшитил-
мас овоз билан.

— Мен сиздан ҳеч нима истамайман, фрекен Виктория. Мен бу ерда ўзим
дам олиб ўтирган эдим, кетишим мумкин.

— Мен ўрмонни айланиб юрдим. Кун бўйи ўрмон кезиб, дафъатан тентираб
бу ерга келиб қолдим. Мен бошқа йўлдан, дарё ёқалаб юришим ҳам мумкин
эди, унда бу томонга келмаган бўлардим, ана унда...

— Муҳтарама фрекен, бу ўрмон меники эмас, сизники.

— Тўғри, бир вақтлар мен сизнинг дилингишни қаттиқ оғритган эдим, Юханнес, энди сиздан узр сўраб, шу айбимни ювишни истардим. Мен чинданам сиз учун сирли совға ҳозирлаганман, ўйлайманки... умид қиламанки, албатта хурсанд бўласиз. Бундан ортиқ ҳеч нима деёлмайман. Лекин бизникига боришингизни ўтиниб сўрайман.

— Агар таширифим сизни хурсанд қилса, бораман.

— Борасизми?

— Ҳа, илтифотингиз учун раҳмат.

Йигит сўқмоқдан пастга, ўрмон томонга тушди ва шу ерда орқасига ўтирилиб қаради. Виктория саватини ёнига қўйиб, харсанг тош устида ўтирарди. Юханнес уйига кетмади, йўл ёқалаб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Миясида минг хил хаёл ғужғон ўйнарди. Сирли совға? Бу сўзни у бир дақиқа бурун Викториянинг ўз оғзидан эшитди, қиз бу сўзни айтганида овози титраб кетди. Юханнеснинг вужудини ваҳимали қувонч туйғуси қамраб олди, юраги қовургаларига бориб урилаётгандай, қаттиқ-қаттиқ тепа бошлади, гўй елкаларидан қанот ўсиб чиқаётгандай, ўзини хушвақт ва хушбахт ҳис қила бошлади. Балки Викториянинг сариқ қўйлак кийиб келгани бежиз эмасдир? Юханнес унинг қўлига қарашга улгурган эди: ўтган гал бармоғида узук бор эди, бугун йўқ.

Орадан бир соат вақт ўтди. Ўрмондан эсиб келаётган ва тупроқдан чиқаётган буғ Юханнесни оғушига олиб, ўпкаси ва юрагига сингиб кира бошлади. У ерга ўтириб, икки қўлининг бармоқларини энсасида чирмаштирганча ўзини орқага ташлади ва нариги қирғоқдан келаётган каккунинг овозига қўлоқ сола бошлади. Қушларнинг эҳтиросли сайрашлари ҳавони тўлдирган эди.

Мана, яна ҳаммаси бошқатдан бошланмоқда. Виктория тош кони олдига сариқ куйлак ва қондек қип-қизил шляпада келганида, тошдан тошга учиб юрган капалакка ўхшаб кетган эди. У бирдан Юханнеснинг олдига келиб тўхтади-ю: “Мен сизга халал бермоқчи эмас эдим”, — деди ва табассум қилди, унинг табассум қилган лаблари лола мисол қип-қизил, бутун чеҳрасидан нур ёғиларди, кўзларида эса юлдузлар чарақлаётгандай бўлди. Қизнинг оппоқ бўйнида нозик кўкиш томирлар пайдо бўлган, кўзлари остидаги бир неча дона сепкил унинг жамолига нафис илиқлик бахш этганди. Ҳозир у йигирма ёшда эди.

Сирли совға дедими? Бу билан нимани назарда тутди экан? Балки у Юханнесга унинг китобларини кўрсатмоқчидир — йигитнинг олдига унинг икки-уч жилд асарларини қўяди-да, мана, кўриб қўйинг, китобларингизни сотиб олдим, ҳатто варақларини кесдим ҳам, деб Юханнеснинг кўнглини хушламоқчи бўлса керак. Мана сизга менинг жиндаккина илтифотим ва тасаллим. Ушбу камтарона эҳсонимдан юз ўгирманг!

Юханнес шахт ўрнидан туриб кетди ва донг қотиб қолди: Виктория қайтиб тушиб келаётган эди, савати бўм-бўш эди.

— Ие, гул топмадингизми? — деб сўради йигит ўз хаёлидан қутилолмай.

— Ҳа, йўқ. Қидирганим ҳам йўқ. Бир оз харсанг тош устида ўтирдим, холос.

— Дарвоқе, сизга айтмоқчи эдим, — деб гапира бошлади Юханнес. — Сиз менинг дилимни ҳеч ҳам оғритганингиз йўқ, ўтинаман, бу ҳақда ўйламанг. Сиз ҳеч қандай айб қилганингиз йўқ, шунингдек, менга тасалли беришингиз ҳам ҳожати йўқ.

— Гап унда эмас, — деди Виктория бир оз тарадудланиб. Кейин ўзича ниманидир мулоҳаза қилиб кўриб, йигитга ўйчан тикилди ва деди: — Мутлақо гап унда эмас. Менга ўшанда шунчаки туюлган эдики... Хуллас, сизнинг меңдан хафа бўлишингизни истамаган эдим... ўшанда ўртамизда бўлиб ўтган гап туфайли...

— Мен сиздан хафа эмасман.

Қиз яна бир лаҳза ўйга толиб туриб қолди. Кейин кескин равишда қақдини ростлади.

— Ҳай, ундай бўлса, янаям яхши, — деди у. — Бу мен учун ибрат бўлади. Билсам, сиз унчалик қайгурмаган экансиз. Бўлди, бу ҳақда бошқа оғиз очмайлик.

— Сиз нима десангиз шу. Мен чеккан гам-кулфатлар сиз учун илгари ҳам аҳамиятсиз бўлган эди, ҳозир ҳам шундай.

— Хайр, — деди қиз. — Яхши қолинг.

— Хайр, — деди Юханнес.

Кейин улар ажралишиб, ҳар бири ўз уйи томон йўл олди. Юханнес кета туриб тўхтади ва орқасига ўгирилиб қаради. Ана, Виктория кетяпти. Йигит қўлларини чўзганча, ушбу назокатли сўзларни пичирлаб айтди: “Мен сиздан хафа эмасман, йўқ, асло хафа эмасман. Мен сизни илгари қандай севган бўлсам, ҳали ҳам шундай севаман, севаман...” — Сўнг бирдан: “Виктория!” — деб чин-чириб юборди.

Қиз унинг овозини эшитиб сесканиб кетди, орқасига ўгирилди, аммо тўхтамади.

Орадан бир неча кун ўтди. Юханнес мутлақо беором бўлиб қолди, у ишламай қўйди, тунларни бедор ўтказди ва ҳар куни эртадан то кечгача ўрмонда сандироқлаб юрди. Бир марта у ҳамма ёғини азим туп қарағайнинг шохлари буркаган тепаликка кўтарилди (бу ерга Қасрнинг байроқ ходаси ўрнатилган эди): байроқ ҳам кўтарилган эди. Қасрнинг доира минораси устида ҳам байроқ хилпираб турарди.

Юханнеснинг вужудини ғалати бир ҳаяжон қамраб олди. Демак, Қасрга меҳмонлар келишади, у ерда шодиёна базм бўлади.

Кун жуда иссиқ эди, бу жазирама ҳавода сукутга толган тепаликлар оралаб мисоли қон томиридек дарё оқиб ўтарди. Қирғоққа пароход яқинлашмоқда; у орқасида оппоқ кўпиклардан елпиғичсимон из қолдириб келарди. Қаср ҳовлисидан тўртта каласка чиқиб, бандаргоҳ томон тушиб кела бошлади.

Пароход бандаргоҳга келиб тўхтади, жаноблар ва хонимлар соҳилга тушдилар, каласкаларга ўтирдилар. Қаср минорасидан ўқ овози эшитилди. Минора бошида туриб олган икки киши қўлларига ов милтиқларини пайдарпай ўқлаб ота бошладилар. Йигирма биринчи ўқ узилган чоғда извошлар Қаср ҳовлисиغا кириб келдилар, ўқ отиш ҳам тўхтади.

Ҳа, Қасрда базм бўлади, шу боис меҳмонлар шарафига байроқлар кўтарилиб, милтиқлардан салют берилмоқда. Келганлар орасида аллақандай ҳарбийлар ҳам бор эди, улар ичида лейтенант Отто ҳам бўлса керак.

Юханнес тепаликдан тушиб уйига жўнади. Йўлда унга Қаср ходими етиб олди. Ходим қалпоғида мактуб кўтариб келди, мактуб фрекен Викториядан эди, у жавоб кутаётганмиш.

Юханнес мактубни ўқиркан, юраги қаттиқ-қаттиқ тепа бошлади. Виктория бу мактубда ўз таклифини яна қатъий тарзда такрорлаган эди; у Юханнесга ғоят назокатли сўзлар билан мурожаат этиб, ундан Қасрга келишни, айнан шу кунги байрамга ташириб буюришни илтимос қилган эди. Жавобингизни чопар орқали юборишингизни сўрайман, дебди.

Юханнес бундай бахтга мушарраф бўлишини ҳеч кутмаган эди, унинг юзига қон югурди ва чопарга жавоб қилди: “Раҳмат, бораман, ҳозирнинг ўзида етиб бораман!”

— Мана сизга, олинг!

У чопарнинг қўлига бениҳоя саховат билан чой пули тутқазди ва кийимини алмаштиргани уйига шамолдек учди.

VIII

Бугун у умрида биринчи марта Қаср остонасини босиб ичкари кирди ва зинадан иккинчи қаватга кўтарилди. Меҳмонхонадан одамларнинг ғовур-ғувур овозлари эшитиларди, Юханнеснинг юраги талвасаланиб қаттиқ-қаттиқ тепа бошлади, у эшикни тақиллатди ва ичкари кирди.

Қаср бекаси — ҳали анча ёш кўринувчи жувон, Юханнесга пешвоз келиб, очиқ чеҳра билан саломлашди ва қўл узатиб кўришди. “Келганингиздан хурсандман — сизни мана бундайлигингиздан биламан... энди, мана, катта йигит бўлибсиз...” Қаср соҳибаси Юханнеснинг қўлидан ушлаб тўхтатди ва яна бир нима демоқчи бўлгандай, унга синовчан нигоҳ ташлади.

Қаср соҳиби ҳам Юханнес олдига келиб, у билан қўл олиб кўришди. “Хотиним тўғри айтди — энди сиз катта йигит бўлгансиз. Лекин гап фақат ёшда эмас. Энди сиз маълум ва машҳур одамсиз. Фоят хурсандман...”

Юханнесни ҳамма меҳмонларга: кўкраги тўла орден камерҳерга, унинг рафиқасига, Қаср соҳибининг кўшнисини — заминдорга, лейтенант Оттога бир-бир таништириб чиқдилар. Лекин Виктория кўринмади.

У меҳмонхонага бир оздан кейин кириб келди, унинг ранги ўчган, нимадан-дир хижолатда эди; у ёшгина бир қизни қўлидан етаклаб олган эди. Бу икки қиз ҳар битга меҳмон билан сўрашиб, ҳар бир меҳмонга назокатли сўзлар айтиб бутун зални айланиб чиқишди. Ниҳоят, Юханнеснинг олдига келиб тўхташди.

Виктория йигитга жилмайиб туриб деди:

— Мана сизга Камилла. Хўш, сирли совға эмасми бу? Сизлар танишсизлар-ку!

Виктория йигит билан қизга бир оз тикилиб турди-да, сўнг залдан чиқиб кетди.

Бундай учрашув Юханнеснинг етти ухлаб тушига кирмаган эди; шу боис у дастлабки онларда нима деярини билмай, тили лол бўлиб туриб қолди. Ҳали шу экан-да совға дегани? Демак, Виктория унга саховат кўрсатмоқчи — ўз ўрнига бошқа қизни рўпара қилмоқчи бўлибди-да. “Марҳамат, азиз дўстларим. Бахтли бўлинглар, кўшақаринглар! Мана, гуллар фасли — баҳор келди, офтоб чарақлаб нур сочмоқда. Хоҳласангиз, деразаларни очиб юборинг, ҳозир боғ муаттар ҳидларга фарқ бўлган пайт, қайинларнинг қир учига чуғурчуқлар уя қура бошлаганлар. Ҳа, нега индамай туриб қолдинглар? Табассум қилинг бир-бирингизга!”

— Тўғри, биз танишмиз, — деди Камилла очик юз билан. — Шу яқин атрофда эди шекилли, бир вақтлар сиз мени сувдан қутқариб олиб чиққан эдингиз.

Камилла ниҳолдек ёш, дилбар, хушчақчақ қиз, эғнида пуштиранг кўйлак, ёши эндигина ўн еттига тўлган. Ниҳоят, Юханнес ўзини қўлга олди ва кулиб-кулиб, ҳазил-хузул гаплар айта бошлади, қизнинг шўх-шўх гапларини эшитиб, аста-аста тетиклашди, энди икковлари бемалол очилиб чақчақлаша бошлашди, Юханнеснинг юраги бора-бора бир маромда тепа бошлади. Камилланинг гўдакликдаги ёқимтой одати — ҳамсухбатининг гапига бошини бир ёнга эгиб кулоқ солиши ҳали ҳам сақланиб қолган экан. Юханнес уни таниди — “сирли совға” пучга чиқди.

Виктория яна залга кириб келди, у лейтенантни қўлтиқлаб олиб, уни Юханнеснинг истиқболига етаклаб келди ва деди:

— Танидингизми Оттони, менинг қайлиғимни? Унутмагандирсиз уни?

Йигитлар бир-бирини танишди. Улар вазиятга яраша тавозе билан бир-бирларига лутф кўрсатиб, саломлашдилар ва дарров ажралдилар. Юханнес билан Виктория ёлғиз қолишди.

— Шумиди айтган сирли совғангиз? — деб савол берди йигит.

— Ҳа, — деб жавоб қилди Виктория ҳам кўнгилашлик, ҳам ўкинч билан, — кўлимдан келгани шу, бундан ортиғига қурбим етмайди. Кўйинг, қовоғингизни солманг, ундан кўра, менга раҳмат айтинг. Кўрдим: суюниб кетдингиз.

— Миннатдорман. Ҳа, мени суюнтирдингиз.

Юханнес теран умидсизлик гирдобига фарқ бўлган эди, унинг қони қочиб, ранги докадек оқариб кетди. Ҳа, дарҳақиқат, Виктория бир вақтлар унинг дилини қаттиқ оғритган эди, мана энди, шу гуноҳини ювмоқ бўлиб, унга бениҳоя зўр саховат ва мурувват кўрсатмоқда. Ҳа, Юханнес чин қалбдан ташаккур айтади унга.

— Кўзим тушди: бугун узук тақибсиз, — бўғиқ овоз билан деди у. — Ҳеч қачон ечманг энди уни.

Сукут.

— Энди ечмайман, — деди Виктория.

Улар бир-бирларига тикилиб қарадилар. Юханнеснинг лаблари пир-пир учарди, боши билан имо қилиб лейтенантни кўрсатар экан, хирқироқ ва дағал овоз билан деди:

— Дидингизга тасанно, фрекен Виктория. Қайлигингиз хушрўй йигит. Елкадор бўлиб кетибди... эполет таққанидан кейин.

Виктория жуда хотиржамлик билан жавоб қилди:

— Йўқ, у чиройли эмас. Лекин яхши тарбия кўрган. Шу жиҳатининг ўзи катта фазилат.

— Бу кесак бизнинг боққа отиляпти шекилли? Раҳмат! — У қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди ва суллоҳлик билан илова қилди: — Ҳамёни ҳам жарақ-жарақ пул, бу жиҳати энди янаям зўрроқ “фазилат”.

Виктория шу заҳоти тескари бурилиб нари кетди.

Юханнес ўзини қўярга жой тополмай, меҳмонлар орасида айланиб юрди. Камилла унга нималарнидир ҳикоя қилар, ундан нималарнидир сўрарди, лекин Юханнес унинг гапларини эшитмасди ҳам, саволига жавоб ҳам қайтармасди. Мана, қиз унга яна бир нима деб гапирди, ҳатто қўлидан ушлаб саволини такрорлади ҳам, лекин Юханнесдан садо чиқмади.

— Ҳайронман, нималарни ўйляпти ўзи? — деб кулди Камилла. — Нуқул ўйлагани-ўйлаган!

— У ёлғиз қолишни хоҳляпти, — деб жавоб қилди унга Виктория. — Мениям ёнига яқин йўлатмади. — Лекин шу гапдан кейин, ўзи Юханнеснинг биқинига кириб овозини балаңдрок кўтариб деди: — Сиз мендан узр сўрамоқчисиз-у, лекин қандай сўзларни ишлатсам яхшироқ бўларкин, деб бошингиз қотган — шундай эмасми? Қўйинг, ўзингизни уринтирманг. Аксинча, мен сиздан кечирим сўрашим керак... уйимга кечикиб таклиф қилганим учун. Кечирасиз, катта хато ўтди мендан. Қаранг-а, сиз бутунлай хаёлимдан кўтарилибсиз. Аммо бир оз кечикиб бўлса ҳам таклиф қилишга улгурдим. Хуллас, бу гуноҳимдан ўтарсиз, деган умиддаман. Зеро, сизсиз ҳам ташвишим бошимдан ошиб ётган эди.

Юханнес ялт этиб Викторияга қаради. Камилла ҳайрон қолиб, кўзини дам йиғитга, дам мезбон қизга тикарди. Виктория меҳмон йигит қаршисида ранги гезариб, аммо руҳан хотиржам турарди, унинг мамнун эканлиги чехрасидан яққол кўриниб турарди. У Юханнесдан ўчини олган эди.

— Ҳозирги эркаклар мана шунақа, — энди у Камиллага юзланиб гапида давом этди. — Уларга сал ортиқроқ талаб қўйсанг, балога қоласан. Анави ерда менинг қайлигим ўтириб олиб, буғу ови ҳақида гап сотяпти, бу ерда бўлса, шоир ўз хаёллари уммонига фарқ бўлган... Ахир сиз ҳам бирон нима десангизчи, ҳой шоир!

Юханнес сесканиб кетди, чаккаларидаги томирлари бўртиб-бўртиб чиқди.

— Шунақа денг. Сиз мендан бирон нима дейишни илтимос қиляпсизми? Марҳамат.

— Йўқ, йўқ, ўзингизни уринтирманг, — деди Виктория ва кетмоқчи бўлди.

— Агар гапни чўзиб ўтирмасдан, пўскалласини айтадиган бўлсак, — Юханнес, гарчи овози титраб чиқаётган бўлса ҳам, ҳар бир сўзни дона-дона қилиб ва жилмайиб туриб гапирди, — айтинг-чи, фрекен Виктория, сиз, мабодо, шу яқин орада бирон кишига муҳаббат изҳор этмаганмидингиз?

Ўртага бир неча сониялик теран сукунат чўкди, уювлари ҳам бир-бирларининг юрак уришини эшитдилар. Бундай ҳолдан чўчиб кетган Камилла шошапиша луқма ташлади:

— Вой, бўлмасам-чи, Виктория ўз қайлигини яхши кўради. Уларни яқинда унаштириб қўйишди-ку, эшитмабмидингиз?

Зиёфатхона эшиги очилиб, меҳмонлар дастурхонга таклиф этилдилар.

Юханнес ўзига белгиланган жойни топиб, стул ортида турди. Зиёфат столи лорсилларди, Юханнеснинг кўзига қандайдир башаралар кўринди, қулоғига одамларнинг говур-ғувури эшитилди.

— Марҳамат, ўтираверинг, бу сизнинг жойингиз, — деди бека самимият билан. — Энди ҳамма ўтирса бўларди.

— Кечирасиз, — Юханнес ўз орқасида Викториянинг овозини эшитди ва ўзини четга олди.

Виктория Юханнеснинг номи ёзилган чиптани олиб, столнинг охиrhoғига (аниrhoғи, охиридан етти стул бериrhoққа), бир вақтлар Қасрда хонадон муаллими бўлган ва ичкиликка ўчилиги билан танилган кекса одамнинг ёнидаги тақсимчага олиб бориб қўйди. У ердаги чиптани эса, олиб келиб боя Юханнеснинг чиптаси ётган ерга қўйди ва шундан кейингина ўз ўрнига ўтирди.

Юханнес ҳаммасини кўрди. Хижолат бўлган Қаср бекаси йигитнинг кўзига қарашга ийманиб, шошганча столнинг нариги бошига кетди.

Бундай муомаладан кўнгли ғашланиб, эсанкираб қолган Юханнес ўзининг янги жойи томон юрди; унинг аввалги жойини Дитлефнинг шаҳардан келган дўсти, қўйлагига бриллиант илматугма қадалган бир йигит эгаллади. Йигитнинг чап ёнига Виктория, ўнг томонига Камилла ўтирди.

Зиёфат бошланди.

Юханнеснинг болалик йиллари кекса муаллимнинг эсида экан, улар гапга тушиб кетишди. Муаллим, ўзи ҳам бир вақтлар, ёшлигида шеърлар ёзгани ва ўша қўлёзмаларини ҳалигача асраб қўйгани ҳақида сўзлаб, мавриди келганда шеърларини Юханнесга кўрсатажагини айтди. Бугун эса ундан Қасрга ташриф буюриб, Викторияни унаштириш муносабати билан уюштирилган оилавий шодиёнада иштирок этишни илтимос қилишибди. Қаср соҳиблари, эски қадрдонлик ҳурмати, шундай тўхфа тайёрлашибди чолга.

— Мен сизнинг китобларингизни ўқимаганман, — деди қария Юханнесга. —

Мабодо, менда бирон нимани ўқишга мойиллик туғилса, ўзимнинг асарларимни ўқийман. Ҳикоя ва шеърларимни столимнинг ғаладониде сақлайман. Аминманки, ўлганимдан кейин уларни албатта чоп этишади. Ҳа, дунёда қандай ажойиб одам яшаб ўтганини китобхон аҳли билиб қўйсин. Нимасини айтмай, бизларга, яъни кекса авлод адибларига ҳозирги ёшлар тенг келолмайди, биз ўз ижодимизни овоза қилишга шошилмаймиз. Қани, соғ бўлинг!

Зиёфат давом этарди. Қаср соҳиби қўлидаги қадаҳни жингиллатиб ўрнидан турди. Унинг сервиқор, қотма чехрасида ҳаяжон — афтидан, у ўзини беҳад бахтиёр ҳис этаётган эди. Юханнес бошини қуйи эгиб олди. Унинг қадаҳи бўш, ҳеч ким унга май қўймади; у қадаҳини ўзи лиммо-лим қилиб майга тўлдирди ва яна бошини стол устига эгди. Ана шунақа!

Мезбон узоқ ва чиройли сўзлади, унинг нутқини шодиёна нидолар билан қарши олдилар — Викториянинг унаштирилгани овоза қилинди. Ҳар томондан Қаср соҳибининг қизини ва камерҳернинг ўғлини табриклаган овозлар эшитила бошлади.

Юханнес қадаҳидаги майни тагигача сипқорди.

Бир неча дақиқадан сўнг ундаги саросималик йўқолиб, яна ўзини тутиб олди; шампан майи унинг томирларидан ҳузурбахш малҳамдек оқиб ўтди. У камерҳернинг қадаҳ кўтариб нутқ сўзлаганини, кейин “ура”, “офарин” деган ҳайқирикларни, қадаҳлар жарангини эшитди. Бир марта у бошини кўтариб, Виктория томонга қаради — қизнинг ранги қув ўчган, гўё авзойи бузукдек кўринарди, у бошини ҳам қилиб ўтирарди. Лекин Камилла Юханнесга бош ирғаб жилмайиб қўйди, Юханнес ҳам бош ирғаб унга жавоб қилди.

Ёнидаги муаллим чол ҳамон тўхтамай гапирарди:

— Бугун манави икки ёшнинг никоҳ риштаси билан боғланаётгани кўп яхши иш бўлди-да, мен сизга айтсам... Лекин тақдир менинг ҳаётимни бошқа ўзанга буриб юборди. Мен ёшлигимда талаба бўлганман — нодир истеъдод эгаси, келажаги порлоқ йигит эдим... Отам кўп нуфузли оила вакили, турмушимиз фаровон, еганимиз олдимизда, емаганимиз кетимизда, пул — жарақ-жарақ, кемаларимиз беҳисоб... Хуллас, мен сизга айтсам, пешонаси ярқираган, истиқболи порлоқ йигит эдим! Севгилим навниҳол, у ҳам яхши оила фарзанди эди. Кейин нима бўлди, денг! Бир куни маҳбубамнинг олдига бориб юрагимни ёздим. Йўқ, деди у. Сиз тушуна оласизми бунга? Йўқ, хоҳламайман, деди-я. Илож қанча, мен қўлимдан келганча уриниб кўрдим — ўқишни давом эттирдим, оғир зарбага мардона бардош бердим. Бу аснода отамдан омад юз ўтириб, унинг ҳаётида энг оғир кунлар бошланди, кема ҳалокати, векселларнинг чиппакка чиқиши, — қисқаси, отам банкрот бўлди. Хўш, мен нима қилдим? Бу зарбага ҳам мардларча чидадим. Лекин, аксини қарангки, шу пайтга келганда, севгилим ўзини

бутунлай ўзгача тута бошлади. У шахримизга қайтиб келиб, мен билан учрашди. Сиз қандай ўйлайсиз, нима керак эди унга? Мен қашшоқлашган, ўқитувчилик қилиб кун кўраётган бўлсам, порлоқ келажак ҳақидаги барча умидларим пучга чиққан, шеърларим ёзув столининг галадонида тахланиб ётган бўлса — қаранг, шундай пайтда у менинг қошимга келди, энди у мен билан турмуш куришга розимиш. Ҳа, розимиш!

Муаллим Юханнесга тикилиб туриб сўради:

— Унинг бу рафторини сиз қандай тушунасиз?

— Бу гал энди сиз рози бўлмагандирсиз?

— Ўзингиз айтинг, ахир мен қандай рози бўлай? Мен оч ва яланғоч, қашшоқ одам эдим, муаллимлик маошига яшардим, энг арзон тамаки чекардим, — у ҳам фақат яшанба кунлари. Нима қилишим керак эди? Ахир унга ёмонликни раво кўра олмайман-ку! Қани, сиз айтинг, унинг бу рафторини қандай тушунасиз?

— Кейин унга нима бўлди?

— Ё тавба, сиз саволимга жавоб бермадингиз. У бир капитанга турмушга чиқди. Бир йилдан кейин... Артиллерия капитанига. Сизнинг соғлигингизга!

— Айтишларича, шундай аёллар бўларканки, улар доим ўз раҳм-шафқатларига муҳтож одамларни қидирар эканлар. Эркак бахтли-саодатли бўлган пайтда уни ёмон кўрар, ўзларини унга кераксиз деб ҳисоблар, илло эркакнинг бошига бирон мусибат тушса, хонавайрон бўлса, дарҳол югуриб келиб, мен сеникиман, деб айтарканлар.

— Лекин нега ахир у бахтли кунларимда илтимосимни рад этди? Ахир у пайтда истиқболимнинг мунавварлиги ҳатто тахт ворисиникидан ҳам қолишмас эди-ку.

— Ким билсин. Демак, у сизни унинг ўз ҳузурига бош эгиб боришингизни кутган.

— Аммо мен бош эгмадим. Бир марта ҳам. Мен гуруримни топтамадим, уни қабул қилмадим. Хўш, бунга сиз нима дейсиз?

Юханнес индамади.

— Эҳтимол, сиз ҳақдирсиз, — деб гапида давом этди кекса муаллим. — Парвардигори олам ва унинг самовий малоикалари ҳаққи қасамки, сиз ҳақсиз, — деб юборди у бирдан ва яна ичди. — Охир-оқибатда у қари капитанга эрга тегди, энди бўлса, ўша кекса эрини парваришлаб, иссиқ-совуғига қараб, худди гўдак болани боққандек, унга қошиқ билан овқат едириб, уйда бекалик қилмоқда. Артиллерия капитанининг уйда!

Юханнес бошини кўтариб қаради. Виктория қўлидаги қадаҳни маҳкам сиққанча, тўғри унга тикилиб ўтирарди. Кейин у қадаҳни баланд кўтарди. Юханнес бирдан сесканиб кетди ва у ҳам қўлига қадаҳ олди, унинг қўли қалтирарди.

Шунда Виктория кулиб юборди ва баралла овоз билан Юханнеснинг кўшнисига, яъни кекса муаллимга юзланди.

Юханнес изза бўлиб қадаҳни столга қўйди ва ноилож жилмайди. Барча меҳмонларнинг нигоҳи унга қаратилган эди.

Кекса муаллим ўз ўқувчисининг бу илтифотидан таъсирланиб кетди, кўзи ёшланди. У шоша-пиша қадаҳини сипқорди.

— Шундай қилиб, ошимни ошаб, ёшимни яшадим, — деб гапини давом эттирди у, — ва ҳамон ёруғ жаҳонда сўққабош бўлиб тентираб юрибман. Пешонамга ёзилгани шу экан. Кўксимда қандай ниҳоний дард-алам борлигини ҳеч бир кимса билмайди, илло, биронта ҳам жонзот менинг зорланиб нола чекканимни ҳам эшитмаган. Узоққа бориб нима қиламиз — сиз кумри қушининг хатти-ҳаракатини ҳеч кузатганмисиз? Бу буюк ғамзада қуш зилол ва мусаффо сувни ҳамиша олдин лойқалатиб сўнг ичади — сиз шуни биласизми?

— Йўқ, билмас эканман.

— Афсус. Ана шунақа. Мен ҳам ўша қушга ўхшайман. Мен ўзим хоҳлаган қизни хотинликка олмадим; шунга қарамай, ҳаётимнинг қувончли жиҳатлари ҳам бор. Лекин мен уларни атайлаб лойқалатишга уринаман. Ҳамиша уларни лойқалатаман. Шундай қилсам, кейин кўнгили совиш балосига мубтало бўлмайман. Ана, Викторияга қаранг. Ҳозиргина у менинг соғлигимга қадаҳ кўтарди.

Бир пайтлар мен уни ўқитганман, энди у эрга тегяпти; буни кўриб қувоняпман, худди ўз қизим турмушга чиқаётгандай, чин қалбдан қувоняпман. Эҳтимол, бир кун келиб, унинг болаларига ҳам сабоқ берарман. Ҳа, нима бўлганда ҳам, ҳаётда қувончли нарсалар беадад. Дарвоқе, боя сиз бу ерда аёлларнинг раҳм-шафқати ҳақида фикр айтган эдингиз... Мен бу мулоҳазангиз устида қанча кўп ўйлаганим сари, сизнинг ҳақ эканлигингизга шунча кўп иқрор бўляпман... Худо ҳаққи, сиз ҳақсиз... Кечирасиз, мен ҳозир.

У шахт ўрнидан турди, қадаҳини қўлига ушлаб, Виктория томон йўл олди. Энди у бир оз гандираклаб, қадди дол бўлиб юриб борарди.

Кетма-кет қадаҳ сўзлари айтилиб турди, лейтенант нутқ айтди, ундан кейин заминдор қўшни аёллар соғлиғига, уй бекаси шарафига қадаҳ кўтарди. Шундан сўнг, кутилмаганда, кўйлагига бриллиант илматугма таққан йигит ўрнидан турди ва Юханнеснинг номини тилга олди. У нафақат ўз номидан, шунингдек, бошқа бир кимса номидан ҳам нутқ айтишга ижозат олганини айтди. “Мен ёш шоиримизни барча ёш авлод номидан чин дилдан қутламоқчиман. Бу — тенг-қур ёшларнинг самимий миннатдорлиги ҳамда эзгу таҳсинлар, ҳамду санолар билан йўғрилган дил сўзларидир”.

Юханнес қулоқларига ишонмади; у муаллимга пичирлаб деди:

— У мен ҳақимда гапиряптимми?

— Ҳа. У мендан олдинроқ отни қамчилаб қолди. Ўзим сиз учун қадаҳ кўтармоқчи эдим. Бу ҳақда бугун эрталаб Виктория мендан илтимос қилган эди.

— Ким илтимос қилган эди?

Муаллим унга тикилиб қаради.

— Ҳеч ким, — деб жавоб қилди у.

Йигит нутқ сўзлаётган пайтда барча меҳмонларнинг нигоҳи Юханнесга қаратилди, ҳатто Қаср соҳиби унга бош ирғаб қўйди, камерҳернинг хотини эса уни лорнет орқали кузата бошлади. Нутқ тугагач, ҳамма қадаҳ кўтарди.

— Нима қилиб ўтирибсиз, жавоб қилинг, — деди кекса муаллим. — У сизнинг соғлигингизга қадаҳ кўтарди. Аслида-ку, сиз ҳақингизда ўз қаламдошингиз гапирса мақбулроқ бўларди-я... Қолаверса, мен мутлақо қўшилишмайман унинг фикрига. Мутлақо қўшилишмайман.

Юханнес Виктория ўтирган томонга қаради. Бриллиант илматугма таққан йигитдан Юханнеснинг шарафига қадаҳ кўтаришни Виктория илтимос қилган — нега? Бундан олдин, бу илтимос билан у бошқа одамга — кекса муаллимга мурожаат қилган, демак, у эрта тонгдан бу ҳақда бош қотирган — нима сабабдан? Энди бўлса кўзини эрга қадаб ўтирипти, чехрасида мавҳумлик намоён.

Шу пайт бирдан Юханнеснинг кўзларини теран ҳаяжон пардаси қоплади, у бориб Виктория қаршисида тиз чўккиси ва унга қайта-қайта миннатдорлик изҳор этгиси келиб кетди. Ҳа, у шундай қилади... ҳали ҳамма ўрнидан турганида.

Камилланинг чехраси табассумдан гул-гул яшнарди, у ўз ёнидаги меҳмонлар билан бетўхтов чақчақлашиб ўтирарди. У хурсанд эди — бу ўн етти ёшли қизнинг бутун умри фақат хурсандчилик билан ўтган. У Юханнесга бир неча марта кетма-кет, ўрнингиздан турунг, дегандек имо қилди.

Юханнес турди.

У бўғиқ ва тўлқинланган овоз билан қисқагина нутқ сўзлади: “Оила қувончини нишонлаётган ушбу хонадон соҳиблари ўзларининг бу шодиёна байрамларига мени — бегона бир одамни хилватгоҳидан қидириб топиб тақлиф этишди. Каминага бундай лутф-марҳамат кўрсатишни биринчи бўлиб ҳаёлига келтирган инсонга, ундан кейин, мен ҳақимда самимий дил сўзларини айтган дўстимга мен миннатдорчилик изҳор этишни истардим. Шу билан бирга, бу ерга тўпланган барча мўътабар меҳмонларга ҳам, мендек бегона одам ҳақида айтилган мақтов сўзларни лутфан тинглаганлари учун ташаккурлар айтмоқчиман. Ахир менинг бу тантанада қатнашимга бирдан-бир сабаб — мен ушбу Қаср яқинидаги ўрмонда яшовчи қўшнининг ўғли эканлигим, холос...”

— Тўғри! — деб бирдан чинқириб юборди Виктория; унинг кўзларида ўт чақнаб кетди.

Хамма Викторияга қаради, унинг юзи чўгдек қизарган, кўкраги кўпчиб-кўпчиб нафас оларди. Юханнеснинг гапи оғзида қолди. Зиёфатхонага изтиробли сукунат чўкди.

— Виктория! — деди ҳайрон қолган Қаср соҳиби.

— Давом этинг! — деб қичқирди яна Виктория. — Демак, бирдан-бир сабаб шу, денг? Бўлинг, у ёғини ҳам айтаверинг. — Шундай деб туриб бирдан нигоҳлари сўнди, ночорона жилмайди ва бош чайқаб қўйди. Кейин отасига ўгирилиб ўз қилмишини изоҳлай бошлади. — Мен уни жўртгага камситдим... Ахир ўзи ҳам ўзини камситиб гапирди-да. Лекин мен унинг сўзини бўлмоқчи эмас эдим...

Юханнес Викториянинг изоҳини эшитиб, шу заҳоти унга жавоб айтишга шайланди. Унинг юраги гурс-гурс тепарди. Назари Қаср бекасига тушди: у кўзлари филт-филт ёшга тўлиб, қизига аянч билан боқарди.

— Фрекен Виктория тўғри айтди, — деди Юханнес. — Дарҳақиқат, мен ўзимни камситиб яхши қилмадим. Қаср соҳибининг болалари учун нафақат кўшнининг ўғли, балки уларнинг болалиқда бирга ўйнаган ўртоғи ҳам эканлигимни ҳозир фрекен менга лутфан эслатиб қўйди. Мана шу далилнинг ўзи менга бугун бу ердаги тантанада иштирок этиш ҳуқуқини берди. Мен фрекен Викторияга ташаккур айтаман — у ҳақ гапирди. Бу атрофлар — мен туғилиб ўсган юртдир. Бир вақтлар бу Қаср атрофидаги ўрмон — мен учун бутун бир олам эди, ўрмон ортида мен билмаган мамлакатлар, турфа хил саргузаштларга тўла ҳаёт яширинган эди. У пайтларда Виктория билан Дитлеф кўпинча бирон ерга сайр қилишмоқчи ё бирон ўйин ўйнашмоқчи бўлишса, мени таклиф қилишарди, — шуларнинг бари менинг болалик йилларимдан порлоқ хотира бўлиб қолган. Кейинчалик, бу ҳақда ўйлаганимда, ўша болалиқда бирга ўйнаган дамларимиз менинг ҳаётимда, шубҳасиз, жуда муҳим аҳамият касб этганини тушундим. Бинобарин, агар бу ерда мен ҳақимда айтилган сўзлар самимий экан, мен ёзган китобларнинг баъзи саҳифаларида сиз ҳаётнинг айрим учқунларини учратган экансиз, билинги, бу учқунлар менинг хотираларим чақмоқ тошидан вужудга келгандир ва улар болалик чоғимда икки дўстим томонидан менга инъом этилмиш бахтнинг зарраларидир. Бу билан шуни айтмоқчиманки, мен яратган асарларда дўстларимнинг ҳам ҳиссаси оз эмасдир. Мен бу ерда никоҳ фотиҳаси муносабати билан айтилган барча эзгу истакларга кўшилишаман ва яна ўз номимдан Қасрнинг икки навқирон ворисига, бизларни ҳеч бир нарса — на вақт ва на вазият бир-биримиздан жудо қила олмаган саодатли болалик йиллари учун, ҳузурбахш, аммо қисқа ёз кунлари учун чин дилдан миннатдорчилик изҳор этмоқчиман...

Бу айтилган қадаҳ сўзи жуда сермазмун бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда, дурустгина чиқди. Юханнеснинг нутқидан сўнг меҳмонлар қадаҳларидаги шаробни ичдилар, зиёфат давом этди, яна гангир-гунгир гаплар бошланиб кетди. Дитлеф онасига ўгирилиб қуруққина деди:

— Бундан чиқди, унинг китобларини ўзи эмас, мен ёзган эканман-да, қаранг-а, билмабман ҳам. Во ажаб!

Лекин Қаср бекаси ўғлининг бу ҳазилини маъқулламади. У болалари билан қадаҳ уриштирди-да, деди:

— Унга раҳмат айтинглар, албатта раҳмат айтинглар. Унинг дардига тушуниш қийин эмас: болалиги ёлғизликда ўтди... Нима қилиясан, Виктория?

— Ходимамиздан илтимос қилмоқчиман, мана шу настарин новдасини унга олиб бориб берсин. Нима, мумкин эмасми?

— Мумкин эмас! — деб шартга унинг сўзини бўлди лейтенант.

Тушлиқдан кейин меҳмонлар ҳар ёққа: баъзилар хона-хоналарга тарқалишди, баъзилар пешайвонга, яна баъзи кишилар боққа чиқишди. Юханнес пастки қаватга тушиб, деразалари боғга очиладиган меҳмонхонага кирди. Бу ерда бир нечта кашанда ўтирарди; кўшни заминдор қандайдир бир жаноб билан суҳбатлашарди. Жаноб Қаср соҳибининг молиявий аҳволи ҳақида гапирарди: чорбоғ харобага айланган, деворлари қулаб ётибди, ўрмондаги дарактлар кесилган; миш-

мишларга қараганда, Қаср соҳиби кўчмас ва кўчар мулклари учун бениҳоя катта сугурта ҳақи тўлаши лозим эмиш, лекин тўлашга қурби етмаса керак.

— У мулкани қанчага сувурта қилдирган экан?

Заминдор жуда катта пулнинг дарагини айтди.

— Шуни ҳам айтиш керакки, Қаср эгалари шу пайтгача сарф-харажатда ҳеч малоллик сезишмаган пулни пўчоқча кўриб, ҳуда-беҳудага сарфлайверишган. Масалан, бугунги зиёфатни олинг, у қанчага тушди экан? Лекин билишимча, хазина бўшаб қолган кўринади — ҳатто беканинг қимматбаҳо тақинчоқлари сақланадиган қутича ҳам анча хувиллаб қолган-ов; энди улар, бундан бу ёғига аввалги ҳашаматли ҳаётларини куёвнинг ақчалари билан қайтадан тиклаб олсалар ажаб эмас.

— Куёв бой эканми?

— Ў-ў! Пули ачиб ётибди, дейишади.

Юханнес ўрнидан туриб боққа чиқди. Настарин гуллаган, қизилпойча ва ёсуман, нарғиз ва марваридгулларнинг ҳиди димоғига гуп этиб урилди. У шундоққина панжара девор ёнидан бир хилват гўша топиб, ўша ердаги тош устига ўтирди; баланд ўсган буталар уни ўзгалар назаридан пана қилиб турарди. Бугунги кўрган-кечирганлари уни беаёв қийнади, у жуда қаттиқ чарчаган, хаёллари паришон эди; у, уйга кета қолсам бўларди, деб кўнглидан ўтказди, лекин, барибир, ланж кайфиятда серрайиб ўтираверди. Шу пайт боғдаги йўлкадан шу томонга яқинлашиб келаётган одамларнинг гўнғир-гўнғир овози эшитилди. Юханнес Викториянинг овозини таниди ва нафасини ичига ютиб, қулоқ сола бошлади, буга япроқлари орасидан лейтенант мундири ялт этиб кўринди. Ҳа, келин-куёв сайр қилиб юришарди.

— Бунинг тагида бир гап бор, — деди лейтенант. — Сен унинг ҳар битта сўзини жон қулогинг билан эшитдинг, ҳаяжонландинг, ҳатто бирдан чинқириб ҳам юбординг. Қандай тушунса бўлади буни?

Виктория Оттонинг рўпарасида тўхтаб, бошини адл кўтарди.

— Билишни истайсанми? — деб сўради у.

— Ҳа.

Виктория сукутга толди.

— Мабода биронта аҳамиятсиз гап бўлса, унда парвойим фалак, — деб яна гапирди Отто. — Айтмасанг ҳам бўлади.

Виктория бошини ҳам қилди.

— Аҳамиятсиз гап, — деди у.

Улар яна юриб кетишди. Лейтенант эполетларини учириб, баралла овоз билан деди:

— Унда, эҳтиёт бўлсин. Йўқса, зобитнинг шапалоғини татиб кўради.

Улар шийпонча томон йўл олишди.

Юханнес тош устида узоқ ўтириб қолди, у ҳануз ланж ва маҳзун кайфиятда эди. Уни ҳеч нарса қизиқтирмай кўйганди. Лейтенантнинг дилида шубҳа уйғонган, аммо қаллиғи уни шу заҳоти йўққа чиқарди. Виктория бундай ҳолларда айтиш лозим бўлган ҳамма гапни айтиб, зобит қалбига таскин берди ва қайлиғи билан бирга нари юриб кетди. Уларнинг боши узра дарахт шохларига кўнган чуғурчиқлар тинмай чуғурлашарди. Ҳай, майли. Худо умрларини зиёда қилсин... Зиёфат чоғида Юханнес ўзини ерга уриб, Викториянинг шарафига қадаҳ кўтарди; қизнинг ўринсиз қилиқларига парво қилмаслик унга осон бўлмади, ҳолбуки Виктория унга “раҳмат” ҳам демади. Қадаҳини қўлига олди-да, бир кўтаришда уни охиригача сипқорди. Саломат бўлсинлар... Гўё, мана, кўриб кўйинг, мен шунақа зўр ичаман, дегандек... Айтгандай, сиз май ичаётган аёлни, — у хоҳ финжондан, хоҳ стакандан, хоҳ бошқа бирон идишдан ичаётган бўлсин, — шундай аёлни сиз ҳеч ён томонидан кузатганмисиз? Унга ён томондан бир қараб кўринг. Ичаётганида шунақаям нозланадики, кўриб кўнглингиз айниб кетади. У лабларини чўччайтириб, лаб учини идишга зўрга теккизади, бордию шундай лаҳзада, худо кўрсатмасин, сиз унинг қўлларига кўз тиккудек бўлсангиз, у ўзини қўярга жой топа олмай қолади. Умуман, мен сизга аёллар қўлига қарашни маслаҳат бермайман. Улар бундай нигоҳга чидай олмайдилар; бундай пайтда аёл сизнинг раҳм-шафқатингизга муҳтож бўлиб қолади: гоҳ қўлини

кўксига босади, гоҳ уни чиройлироқ кўрсатиш учун бошқачароқ ушлайди, ҳуллас, нима қилсаю қўлидаги ажинларни ё бармоғининг қийшиқ эканлигини ё бўлмаса, биронта тирноғининг хунук ўсанлигини кўрсатмаса... Ниҳоят, у ортиқ чидай олмай, албатта жаҳл билан сизга дейди: “Нимага бунча тикилиб қолдингиз?... “Бир пайтлар, ёз кунларининг бирида у Юханнесни ўпган эди, ўшандан бери орадан анча вақт ўтди — бу ҳақда бас энди... Ўша ўпиш бўлганмиди ўзи? Агар бўлган бўлса, у қандай юз берган эди? Улар бир скамейкада ўтириб узоқ вақт суҳбатлашгандилар шекилли? Кейин икковлари кўча бўйлаб юриб кетишган эди, улар елкама-елка юриб боришаётганидан, Юханнеснинг қўли қизнинг қўлига тегиб кетган эди. Уй олдига боришганида эса, Виктория уни ўпган ва: “Мен сизни севаман”, деган эди. Энди бўлса у бошқа йигит билан Юханнеснинг ёнгинасидан қўл ушлашиб ўтиб кетди; балки улар ҳали ҳам шийпончада ўтиришгандир. Лейтенант унга тарсаки урмоқчи эканлигини айтди. Юханнес ухлаётгани йўқ эди — унинг гапини жуда яхши эшитди, лекин ўрнидан қўзғалмади, лейтенантнинг олдига отилиб чиқмади. “Зобитнинг шапалоғи”, — деб айтди у. А-а, барибир эмасми!..

Ниҳоят, Юханнес ўрнидан туриб, шийпонча томон йўл олди. У ерда ҳеч зор йўқ эди. Пешайвонда турган Камилла уни чақирди: меҳмонларга қаҳва тортилибди. Юханнес Камилла томон борди. Келин билан қуёв меҳмонхонада ўтиришарди, бу ерда яна бошқа меҳмонлар ҳам бор эди. Юханнесга қаҳва қуйилган финжон узатишди, у чеккароқ жойга бориб ўтирди.

Камилла у билан гурунглаша бошлади. Қизнинг чеҳраси гул-гул очилган, кўзлари Юханнесга шундай умид ва ишонч билан боқардики, бундай нигоҳ, турган гапки, Юханнесни суҳбатга илҳомлантирди ва у Камилла билан чақчақлашиб, кулишиб, унинг саволларига жавоб қайтара бошлади. “Қаёққа кетиб қолдингиз? Ростданам боғдамидингиз? Ишонмайман. Мен боғнинг ҳамма ёғини айланиб чиқдим. Бу ерда бир сир бор — мен сизни боғда учратмадим”.

— Виктория, сен Юханнесни боғда кўрувдингми? — деб сўради у.

— Йўқ, кўрмадим, — деб жавоб қилди Виктория.

Лейтенант қалиғига қовоқ остидан қараб қўйди ва уни оғоҳлантириш ниятида заминдор қўшнига атайлаб баралла овоз билан гап қотди:

— Сиз мени ўз мулкингизга, лойхўрак овлашга таклиф этгандингиз-а?

— Ҳа, ҳа, албатта, — деб жавоб қилди заминдор, — хоҳлаган пайтингизда марҳамат қилаверинг.

Лейтенант Виктория томонга назар ташлади. У ўрнида қимир этмай, сукутга толиб ўтирарди, ҳатто қайлиғини овга боришдан қайтаришга ҳам уринмади. Лейтенантнинг қовоқ-тумшуғи бадтар осилиб кетди, у ҳадеб мўйловини асаб билан тортқилар эди.

Камилла Викториядан яна ниманидир сўради.

Лейтенант бирдан ўрнидан туриб кетди ва заминдорга деди:

— Келишдик, мен шу бугун кечқуруноқ сиз билан жўнайман.

Шундай деб, у меҳмонхонадан чиқиб кетди.

Унинг орқасидан заминдор ва яна баъзи меҳмонлар чиқишди.

Меҳмонхона бир оз муддат худди сув қуйгандай жим бўлиб қолди.

Кейин бирдан эшик ланг очилиб, остонада яна лейтенант пайдо бўлди. У ҳаддан ташқари асабийлашган эди.

— Бирон нимангни унутибсанми? — деб сўради Виктория ўрнидан тураркан.

Отто эшик олдиди, гўё рақс тушмоқчи бўлгандай, жуда ғалати бир тарзда ер депсиниб турди-да, кейин тўғри Юханнеснинг олдига қўлларини ўйнатиб кела бошлади ва гўё беҳосдан тегиб кетгандай, унинг юзига урди. Сўнг яна эшик олдига югуриб бориб, яна остонада худди оёғи куйган товукдай типирчилай бошлади.

— Эҳтиёт бўлинг-да, қўлиңгиз кўзимга кириб кетди-ку, — деди Юханнес бўғиқ овоз билан.

— Янглишасиз, — деди лейтенант. — Мен сизга тарсаки урдим. Билдингизми? Тушундингизми?

Юханнес ёнидан рўмолча олиб кўзини артаркан, деди:

— Сиз менга ҳеч қанақа тарсаки урганингиз йўқ. Чунки биласиз, агар мен тарсаки есам, сизни бир қўлим билан икки буклаб киссамга тикиб қўяман.

Шундай деб, у ўрнидан турди.

Лекин лейтенант шоша-пиша эшикни очиб, меҳмонхонадан отилиб чиқиб кетди.

— Мен тарсаки урдим! — деб қичқирди у йўлакдан, эшикни қарс этиб ёпаркан. — Ҳайвон!

Юханнес яна ўтирди.

Виктория бояги ўрнида, хона ўртасида кўзини Юханнесдан узмай донг қотиб турарди. Унинг ранги худди мурданикидек оқариб кетган эди.

— У сизни урдими? — қаттиқ ҳаяжонланиб сўради Камилла.

— Билмасдан қўли кўзимга тегиб кетди. Кўрдингизми?

— Вой худойим, кўзингиз қизариб, қонталашибди. Йўқ, йўқ, ишқаламанг, келинг, мен ювиб, артиб қўяй. Дастрўмолингиз жуда дағал экан, чўнтагингизга солиб қўйинг. Яхшиси, ўзимнинг рўмолчам билан артаман. Шунақаям кўпол бўладими одам! Нақ кўзингизга урибди-я!

Виктория ҳам рўмолчасини Юханнесга узатди. У бир оғиз ҳам сўз демади. Кейин аста-аста юриб, ойнабанд эшик олдига борди ва ўша ерда меҳмонхонага орқа ўтирганча боғ томонга тикилиб туриб қолди. У рўмолчасини ингичка-ингичка қилиб тилимлаб йиртарди. Яна бир неча дақиқадан сўнг у эшикни очди-да, индамай меҳмонхонадан чиқиб кетди.

IX

Тегирмонга Камилла келди, у хушвақт ва хушдил эди. У бир ўзи келибди. Бу мўъжазгина уйга у ҳеч уялиб-нетиб ўтирмай тўғри кириб келди ва табассум қилганча деди:

— Кечиринглар, тақиллатмасдан кирдим. Дарёнинг шовуллашидан барибир эшитмайсизлар, деб ўйладим. — У атрофга бир-бир кўз югуртириб чиқди. — Вой, бу ер жудаям ажойиб экан. Мўъжиза-ку, мўъжиза! Юханнес қаерда? Мен унинг танишиман. Кўзи қалай — яхши бўлиб қолдими?

Камиллага стул қўйишди. У ўтирди.

Юханнесни тегирмондан чақириб келишди. Унинг кўзи шишиб қисилиб қолган эди.

— Бу ерга келишни ҳеч ким буюргани йўқ менга, — Камилланинг Юханнесга айтган биринчи гапи шу бўлди. — Ўзим бир кўргим келди. Сиз тўхтовсиз равишда докани совуқ сувга ҳўллаб кўзингизга босаверинг.

— Шундоқ ҳам тузалиб қолади, — деди Юханнес. — Бу яхшилигингиз учун тангри сизни ўз марҳаматидан бенасиб қилмасин. Келинг, қандай шамол учирди? Тегирмонни томоша қилмоқчи бўлдингизми? Келганингиз учун раҳмат. — У онасининг елкасидан кучиб, Камилланинг олдига олиб келди ва деди: — Танишинг, бу менинг онам.

Улар тегирмонга тушишди. Кекса тегирмончи қизни кўриши билан, бошидан қалпоғини юлиб олиб, эгилиб таъзим қилди ва нимадир деди. Камилла унинг гапини эшитмади, лекин шундай бўлса ҳам, жилмайиб жавоб қилди:

— Раҳмат, раҳмат! Мен тегирмоннинг қанақа бўлишини жудаям кўргим келувди.

Тегирмон тошининг қалдир-қулдири қизни чўчитиб юборди. У Юханнеснинг қўлидан маҳкам ушлаб олди ва кўзларини катта-катта очганча, нима гап ўзи, демоқчи бўлгандай, бир Юханнесга, бир унинг отасига хавотирланиб қарай бошлади. У ўзини гўё қар бўлиб қолгандай ҳис қилди. Кейин у тегирмондаги ғалтаклардан ва ўзга мосламалардан ҳайратга келиб, қотиб-қотиб қулди, завқ-шавққа тўлиб Юханнеснинг қўлидан тортаркан, гоҳ у, гоҳ бу қурилма ҳақида қизиқсиниб сўрарди. Тегирмонни тўхтатишди, сўнг унинг қандай ишлашини Камилла ўз кўзи билан кўрсин учун яна юргизиб юборишди.

Улар тегирмондан чиқиб кетишгандан кейин ҳам, анчагача Камилла, гўё кулоғи остида ҳамон тегирмон тоши қалдираётгандай, бақириб гапириб борди.

Юханнес уни Қасргача кузатиб қўйди.

— Ҳеч ақлим бовар қилмаяпти: ахир қандай ҳадди сизнинг сизни уришга? — дерди қиз ҳайрон бўлиб. — Тавба! Кейин бирдан отландию ов қилгани замиңдор билан жўнаб кетди. Жуда ёмон кўнгилашлик бўлди-да. Виктория кечаси билан миҳжа қоқмай чиқди.

— Ҳечқиси йўқ, кундузи ухлаб олади, — деди Юханнес. — Сиз уйингизга қачон кетмоқчисиз?

— Эртага. Ўзингиз шаҳарга қачон қайтасиз?

— Кузда. Бугун сизни яна бир марта кўрсам бўладими?

Камилла деди:

— Вой, бўлмасам-чи! Сиз менга бу ердаги бир горнинг дарагини айтган эдингиз. Ўшани кўрсатасизми?

— Яхши. Сизни олиб кетгани ўзим келаман, — деди Юханнес.

У уйига қайта туриб, бир харсангтош устида узоқ вақт ўтирди. Унинг қалбида шодиёна умид учқуни аланга ола бошлаган эди.

У туш пайтида Қаср олдига келди, лекин ичкарига кирмади, балки келганини Камиллага хабар қилиш учун одам киритди. У Камиллани кутиб турганида иккинчи қаватдаги деразада Виктория бир зумгина кўринди; у Юханнесга тикилиб қаради-да, сўнг бурилиб кўздан ғойиб бўлди.

Ичкаридан Камилла чиқди, Юханнес уни тош конидаги горга бошлаб кетди. У ҳеч қачон бугунгидай бамайлихотир ва қувноқ кайфиятда бўлмаган эди, бу навниҳол қиз уни гаму ҳасратдан фориг айлади. Камилланинг беғубор ва беозор сўзлари Юханнеснинг боши узра гўё дуои хайрдек парвоз қиларди. Бугун Юханнесни самовий қувватлар муҳофаза қилаётган эдилар...

— Эсингиздами, Камилла, бир пайтлар сиз менга ханжар совға қилган эдингиз. Филофи кумушдан эди. Мен уни ҳар хил безак буюмлари сақланадиган қутига солиб қўйган эдим, чунки уни нимага ишлатишни билмасдим.

— Рост, уни ҳеч нимага ишлатиб бўлмасди. Хўш, кейин нима қилдингиз уни?

— Мен уни йўқотиб қўйдим.

— Вой, эссиз. Қўйинг, куюнманг, эҳтимол, мен яна худди ўшанақасини топиб берарман. Уриниб кўраман.

Улар уй томонга ўгирилиб қарашди.

— Эсингиздами, бир куни сиз менга бир медальон совға қилган эдингиз? У анча салмоқли тилла медальон эди. Унинг ич томонига сиз бир неча дўстона илиқ сўзлар ёздирган эдингиз.

— Ҳа, ҳа, эсимда.

— Ўтган йили мен уни бир дўстимга — рус йигитига эсдалик учун совға қилдим. У қаршимда тиз чўкиб, бу совға учун миннатдорчилик билдирди.

— Наҳотки шунчалик суюниб кетган бўлса? Вой худойим, албатта-де, ҳа, терисига сизмай суюниб кетган, шунинг учун тиз чўкиб ташаккур айтган сизга! Майли, мен сизга бошқасини совға қиламан, унисини энди ҳеч кимга бермайсиз.

Улар Қасрни тегирмонга улайдиган йўлга чиқишди.

Юханнес юришдан тўхтаб деди:

— Худди мана бу бута яқинида мен ғаройиб бир воқеанинг шоҳиди бўлган эдим. У пайтларда мен бу атрофда тез-тез сайр қилиб турардим; сокин ёз оқшоми эди. Мен буталар панасида хаёл суриб ётардим. Шу пайт йўлда иккита одам кўринди — бир эркак ва бир аёл. Хоним шу ерга келганида юришдан тўхтади. Ҳамроҳи ундан сўради: “Нега тўхтаб қолдингиз?” Жавоб бўлмади; шунда йигит яна савол берди: “Нима бўлди сизга?” — “Ҳеч нима, — деб жавоб қилди хоним. — Лекин сиз менга бунақа қараманг”. “Ахир мен ҳеч қандай ноҳўя иш қилмадим — фақат сизга қарадим, холос”, — деб эътироз билдирди ҳамроҳи. “Ҳа, — деди хоним, — сиз мени севасиз, лекин тушунинг, дадам сизга рози бўлмайди, бунинг ҳеч иложи йўқ”. — “Сиз ҳақсиз, — деб пичирлари йигит, — бунинг иложи йўқ”. Ана шунда аёл бирдан деди: “Кафтингиз кенг экан! Вуй,

благингиз йўгон экан”, — хоним шундай деб туриб қўлини йигитнинг благаига қўйди.

Сукут.

— Кейин нима бўлди? — деб сўради Камилла.

— Билмайман, — деб жавоб берди Юханнес. — Лекин, айтинг-чи, нега у хоним йигитнинг благаи ҳақида бундай деди экан?

— Қайдам, эҳтимол, унинг благаи жуда чиройли бўлгандир-у илгари қиз уни, оппоқ қўйлакнинг енги ичида бўлгани учун, кўрмагандир. О, сабабини энди тушунаётгандайман. Менимча, хоним ҳам ўша йигитни севган.

— Камилла, — деди Юханнес, — агар мен сизни жудаям яхши кўрсаму яна бир неча йилгача кутишга ҳам рози бўлсам... Сўраяпман-да энди... Бир сўз билан айтганда, аслида, мен сизга муносиб эмасман-ку, шундай бўлса ҳам, нима дейсиз, менга турмушга чиқишга рози бўлармидингиз, мабодо яна бир-икки йилдан кейин бу тўғрида оғиз очсам?..

Сукут.

Камилланинг яноқлари бирдан лоладек қизарди, у уялиб кетди, бармоқларини маҳкам сиқимлаганча, олди ва орқасига тебраниб турди. Юханнес уни ўзига тортди ва деди:

— Нима дейсиз? Рози бўлармидингиз?

— Ҳа, — деб жавоб қилди Камилла ва ўзини йигитнинг бағрига отди.

Эртаси куни Юханнес Камиллани бандаргоҳга кузатиб қўйгани Қасрга келди. У қизнинг жажжигина, беғубор қўлчаларидан ўпди — унинг қалби қувонч ва шукрона билан лиммо-лим эди.

Виктория кўринмади.

— Нега сени ҳеч ким кузатиб чиқмади?

Камилла нохуш кайфиятда Юханнесга тикиларкан, Қасрда мудҳиш фалокат юз бергани ҳақида сўзлаб берди. Эрталаб телеграмма келибди; Қаср соҳиби уни ўқиб, ранги худди мурданикидек оқариб кетибди, кекса камерҳер билан унинг рафиқаси хўнграб йиғлаб юборишибди: кеча кечқурун ов пайтида Оттони беҳосдан отиб ўлдириб қўйишибди.

Юханнес Камилланинг қўлидан маҳкам ушлади.

— Ўлдириб қўйишибди? Лейтенантни-я?

— Ҳа. Жасадни бу ерга олиб келишаётганмиш. Қандай даҳшат-а!

Улар, ҳар бири ўз хаёли билан банд бўлиб, сукут сақлаганча бандаргоҳ томон юриб кетишди; фақат одамлар билан гавжум бандаргоҳга яқинлашиб, пароходнинг гудогини, денгизчиларнинг ҳайқириқларини эшитганларидагина ушларини йиғиб олдилар. Камилла ийманибгина қўлини Юханнесга узатди, йигит унинг қўлидан ўпди ва деди:

— Камилла, мен сенга муносиб эмасман, ҳар жиҳатдан ҳам мен сенга номуносибман. Лекин, шунга қарамай, агар сен менга турмушга чиқишга рози бўлсанг, сени бахтли қилиш учун жонимни ҳам аямаган бўлардим.

— Мен розиман. Аввалдан рози бўлганман, ҳаммиша, ҳаммиша рози бўлганман.

— Шу яқин кунларда мен шаҳарга қайтаман, — деди Юханнес. — Бир ҳафтадан кейин дийдор кўришамиз.

Камилла кемага чиқди. Кема то кўздан ғойиб бўлгунча, Юханнес қўл силтаб хайрлашиб турди. Кейин уйга қайтиш учун орқасига ўгирилди; ўгирилдию кўзи Викторияга тушди, у ҳам қўлидаги рўмолчасини силкитиб Камилла билан хайрлашаётган эди.

— Мен сал кечикибман, — деди у.

Юханнес индамади. Нима ҳам десин? Бу жудолик муносабати билан кўнгили сўрасинми ё қўлини сиқиб табрикласинми? Викториянинг овози синиқ, чеҳрасида теран андуҳ, — руҳан қаттиқ эзилгани кўзга яққол ташланиб турибди.

Бандаргоҳ хувиллаб қолди.

— Кўзингизнинг қизаргани ҳали ҳам қайтмабди, — деди Виктория ва шу заҳоти нари юриб кетди. Сал юриб бориб, орқасига ўгирилди.

Юханнес ҳамон жойидан жилмай турарди.

Буни кўрган Виктория бурилиб, унинг олдига қайтиб келди.

— Отто ўлди, — деди у дағал овоз билан ва кўзларида ўт чақнаб кетди.

— Сиз индамаяпсиз, чунки ўзингизга бино қўйгансиз. Лекин у юз карра яхшироқ эди сиздан, эшитяпсизми? Унинг қандай ўлганини биласизми? Уни отиб қўйишибди, калласи... муштдаккина, тентаккина калласи тилка-тилка бўлиб кетибди. У юз карра...

Виктория ҳўнграб йиғлаб юборди ва теран ўкинч оғушида шоша-пиша юриб кетди.

Кечкурун алламаҳалда тегирмончининг эшиги тақиллади. Юханнес эшикни очиб ташқарига қаради — бўсағада Виктория турарди, у Юханнесни имлаб чақирди. Юханнес унинг олдига чиқди. Шунда қиз йигитнинг қўлидан маҳкам ушлаб, йўл ёқалаб етаклаб кетди; Викториянинг қўли муздек совуқ эди.

— Бирпас ўтиринг, — деди Юханнес. — Дамингизни олинг. Жудаям толиққан кўринасиз.

Улар ўтиришди.

Виктория пичирлаб деди:

— Сиз мен ҳақимда тўғри фикр юритмоғингиз керак! Мен сизни бир лаҳза ҳам тинч қўймайман.

— Афсус, бахтсиз экансиз, — деб жавоб қилди Юханнес. — Қулоқ солинг, Виктория, ўзингизни босинг. Айтинг, қандай ёрдам қилишим мумкин сизга.

— Жамики азиз-авлиёлар ҳаққи, боя айтган гапларим учун мени кечиринг! — деб илтижо қилди қиз. — Мен чиндан ҳам бахтсизман, кўп йиллардан бери бахтсизман. Боя, у сиздан юз карра яхшироқ, дедим; бу тўғри эмас, мени кечиринг! У ўлди, у бор-йўғи, менинг қайлиғим эди, холос. Сиз, ўзи хоҳлаб унга тегишга рози бўлган, деб ўйларсиз мени? Мана, қаранг, Юханнес, — бу менинг никоҳ узугим, буни таққанамга анча бўлди, энди буни ташлайман, мана! — шундай деб у узугини буталар орасига отиб юборди; узукнинг ерга “дўп” этиб тушганини икковлари ҳам эшитишди. — Бу дадамнинг хоҳиши эди. Дадам қашшоқлашиб, ҳозир сафолатга тушган, Оттога эса, эртами-кечми жуда кўп пул мерос қоларди. “Сен унга турмушга чиқишинг керак”, — деди менга дадам. “Хоҳламайман”, — дедим мен. “Бизларнинг — ота-онангнинг, ҳолимиз не кечинини ўйла! Қасримиз нима бўлади, аждодларимиз мероси — ер-мулкимиз нима бўлади? Ахир мен бадном бўламан-ку! Шуларни ўйла, қизим!” — “Яхши, розиман, — дедим мен шунда отамга. — Розиман, лекин илтимос, яна уч йил кутинг”. Дадам менга миннатдорчилик билдирди ва кутишга рози бўлди, Отто ҳам, бошқалар ҳам кутишди. Лекин мени никоҳ узуги тақишга мажбур қилишди. Вақт ўтиб борарди; тушундимки, мени бу кўнгилсиз никоҳдан ҳеч нима кутқариб қололмайди. “Кутишдан нима фойда? Майли, қайлиғим кела қолсин”, — дедим мен дадамга. “Худо иқболингни баланд қилсин”, — деди дадам ва розилик берганим учун менга қайта-қайта раҳмат айта бошлади. Мана, Отто келди. Мен уни қарши олгани бандаргоҳга бормадим, ўз хонамнинг деразаси олдида туриб, унинг Қасрга етиб келганини кўрдим. Кўрдиму ойимнинг олдига отилиб кириб, унинг қаршисида тиз чўқдим. “Нима бўлди сенга, қизалогим?” — деб сўради ойим. “Хоҳламайман, — дедим мен унга. — Мен у билан турмуш қуролмайман. У келди. Пастда турибди. Ундан кўра, менинг ҳаётимни суғурта қилинглари мен кўрфазда ё тўғонда сувга чўкиб ўлай. Унга текканимдан шу менга осонроқ”. Ойимнинг ранги докадек оқариб кетди ва менга раҳми келиб юм-юм йиғлай бошлади. Хонамизга дадам чиқиб келди. “Ие, нима қилиб ўтирибсан, Виктория? Пастга тушиб қайлиғингни қарши олишинг керак-ку”, — деди у. “Мен уни хоҳламайман, хоҳламайман”, — деб такрорладим ва энди дадамга ҳам, менга раҳмингиз келсин, яхшиси, мени суғурта қилдиринг, деб ёлбора бошладим. Дадам бир оғиз ҳам гап айтмай, курсига ўтирдию теран хаёлга толди, унинг қўллари қалтирарди. Мен дадамнинг бу аянчли аҳволини кўрдим ва ноилж: “Майли, қайлиғимни бошлаб келинг, мен розиман”, — дедим.

Викториянинг овози бирдан узилиб қолди. Унинг бутун вужуди дағ-дағ титрарди. Юханнес унинг қўлини қўлига олиб исита бошлади.

— Раҳмат, — деди қиз. — Илтимос, Юханнес, сиз кўлимни маҳкамроқ сиқинг. Ўтинаман, маҳкам сиқиб ушланг! Тавба, кўлингиз бирам иссиқки! Беҳад миннатдорман сиздан. Фақат, илтимос, боя бандаргоҳда айтган сўзларим учун мени кечиринг.

— Мен уни ўша заҳоти унутиб юборганман. Сизга рўмол олиб чиқиб берайми?

— Йўқ, раҳмат. Тавба, нега қалтираяпман-а? Ҳолбуки бошим чўғдек қизиқ кетяпти. Юханнес, мен сиздан кечирим сўрашим керак кўп қилмишларим учун...

— Йўқ, йўқ, ҳожати йўқ. Мана, ниҳоят, бир оз бўлсаям таскин топди юрагингиз. Сиз қимирламай ўтиринг.

— Сиз зиёфат чоғида менинг соғлигимга қадаҳ кўтариб нутқ сўзладингиз. Сиз ўрнингиздан турган чоғдан то қайтиб жойингизга ўтиргунингизча мен худди телба одамдек, нима деганимни ҳам, нима қилганимни ҳам эслолмайман. Мен сизнинг фақат овозингизнигина эшитдим. Овозингиз худди мусиқадек янгради, мен бўлсам ҳаяжонланганимдан қаттиқ изтироб чекардим. Дадам мендан қаттиқ ранжиб, нега бақирдинг, нега унинг нутқини бўлдинг, деб сўради. Лекин ойим индамади, мени койимади — у тушунган эди. Чунки мен унга аллақачон дил асроримни айтиб бўлган эдим, бундан икки йил бурун эса, шаҳардан қайтиб келганимда, яна у ерда бўлган ҳамма гапни ойимга очиқ айтган эдим... сиз билан шаҳарда учрашганимдан кейин.

— Келинг, бу ҳақда гапирмайлик.

— Яхши, лекин, илтижо қиламан, мени кечиринг! Энди ҳолим нима кечадди? Дадам ҳозир ўз хонасида чуқур ўйга толиб, тинмай у ёқдан-бу ёққа танда кўймоқда — бу фалокат унинг учун энг даҳшатли зарба бўлди. Эртага яқшанба, дадам ҳамма ходимларни жўнатиб юбориш ҳақида фармойиш берди; кун бўйи у бошқа ҳеч қандай буйруқ бермади. Унинг ранги қув ўчиб кетган, нафаси ичига тушиб лол бўлиб ўтирибди, куёвининг ўлими унга ёмон таъсир қилди. Мен ойимга, сизнинг олдингизга келмоқчи бўлганимни айтдим. “Эртага эраталаб, — деди ойим, — иккаламиз камерҳер ва унинг хотини билан бирга шаҳарга жўнашимиз керак”. — “Мен Юханнеснинг олдига бораман”, — дедим яна ойимга. “Дадангнинг пули йўқ, энди учаламиз бу ерда бирга яшай олмаймиз. Қасрда ёлғиз дадангнинг ўзи қолади”, — деди ойим яна гапни чалғитишга уришиб. Мен эшик томон юрдим. Ойим орқамдан қараб қолди. “Унинг олдига бораман”, — дедим мен охири марта. Ойим яқин келиб пешонамдан ўпди ва: “Ҳа, яхши, худо паноҳгоҳ бўлсин сизларга”, — деди.

Юханнес Викториянинг кўлини кўйиб юборди ва деди:

— Мана, анча исидингиз.

— Кўп раҳмат, ҳа, ҳа, анча исидим... “Худо паноҳгоҳ бўлсин сизларга”, — деди ойим. Мен унга ҳамма гапни айтганман, у азалдан билади менинг дил асроримни. “Ўзинг кимни севасан ахир, қизалоғим?” — деб сўради ойим. “Билиб туриб сўрайсиз-а, ойи, — деб жавоб қилдим мен. — Мен Юханнесни севаман, ҳаммаша фақат уни яхши кўрганман, фақат уни... ёлғиз уни...”

Юханнес ўтирган ерида бежо қимирлаб кўйди.

— Вақт алламаҳал бўлиб қолди. Уйингизда сизни безовта бўлиб кутишаётгандир.

— Йўқ, — деб жавоб қилди қиз. — Уйимдагилар сизни севишимни билишадди. Юханнес, ота-онамнинг бу нарсадан воқиф эканлигини ўзингиз ҳам сезган бўлсангиз керак. Ва лекин мен шу ўтган йиллар мобайнида доим сизни шунақа интизор бўлиб кутардимки, бошимдан кечган бу дарду изтиробларни дунёда ҳеч бир кимса ҳатто тасаввур ҳам қила олмайди. Мен ҳар гал мана шу йўлда тентираб юрарканман: “Яхшиси, ўрмон ёқалаб юрай, чунки у ҳам кўпроқ ўрмон кезишни хуш кўради”, — деб ўйлардим. Кейин ўрмон яқинида сайр қилардим. Сизнинг қайтиб келганингизни эшитган куним эса мен ўзимнинг яхши кўрган сариқ кўйлагимни кийдим, ҳаяжонланганимдан, сизни интизор бўлиб кутганимдан ўзимни кўярга жой топа олмай, хонама¹ хона девонаваш сандироқлаб юрдим. “Бугун бирам очилиб кетибсанки!” — деди менга ойим. Мен бўлсам у хонадан бу хонага тинмай танда кўяр эканман: “У қайтиб келди! У шу ерда, у дунёда энг дилбар йигит, азбаройи худо, бу рост!” — дердим. Эртаси кунни мен

ортиқ чидаб туrolмадим, яна сариқ кўйлагимни кийдим-да, тош конига жўнадим... сизни кўриш учун. Эсингиздами? Ҳа, мен сизни ўша ерда учратдим, агар ёдингизда бўлса, гул тергани келдим, деб айтувдим сизга, лекин аслида, мутлақо бошқа мақсадда борувдим... Ўшанда сиз мени кўриб қувонмадингиз, лекин мен сизни кўрдим; шунинг ўзигаям шукур. Ўшанда кўришмаганимизга икки йилдан кўпроқ вақт ўтган эди. Сизни тош конида учратганимда қўлингизда бир навда бор эди, сиз уни силкитиб ўйнаб ўтирар эдингиз; сиз жўнаб кетдингиз, шунда мен ўша навдани олиб яширдим ва уйимга олиб кетдим...

— Виктория, — деди Юханнес титроқ овоз билан. — Энди ҳеч қачон бу ҳақда гапиришимиз керак эмас.

— Тўғри, — деди чўчиб кетган Виктория ва йигитнинг қўлидан маҳкам ушлаб олди. — Гапириш керак эмас. Бу гап сизга ёқмади. — У ҳаяжонланиб Юханнеснинг қўлини силади. — Тавба, ахир бу гап сизга ёқмаслигини билишим керак эди-ку! Мен сизнинг дилингизни кўп оғритдим. Лекин вақт ўтиши билан, шояд мени кечирсангиз.

— Мен сизни аллақачон кечирганман. Гап унда эмас.

— Нимада?

Сукут.

— Менинг қаллигим бор, — деб жавоб қилди Юханнес.

Х

Эртаси куни, якшанбада Қаср соҳибининг шахсан ўзи тегирмончининг уйига келди ва ундан, лейтенант Отгонинг жасадини бандаргоҳга олиб бориб пароходга чиқариш учун туш пайтида Қасрга боришни илтимос қилди. Тегирмончи унга ҳайрон бўлиб тикилиб қолди. Шунда Қаср соҳиби нечун келиб-келиб ундан илтимос қилаётгани сабабини мухтасар изоҳлади:

— Бугун ҳамма хизматкорларни озод қилганман, улар черковга кетишган, ҳозир уйда битта ҳам ходим йўқ.

Қаср соҳиби бугун тунни бедор ўтказгандай кўринарди, ҳозир у гўрдан чиққан арвоҳга ўхшарди — соқол-мўйлови олинмаган... Лекин ҳозир ҳам ҳар доимгидай қаддини адл тутиб, калта ҳассасини қўлида айлантириб ўйнаб турарди.

Тегирмончи кишилиқ костюмини кийиб Қасрга жўнади. Бориб отларни каласкага қўшди. Кейин Қаср соҳибининг ёрдамида жасадни каласкага ётқизди. Бу ишларнинг бари теран сукут сақлаган ҳолда, ҳаттоки сирли бир тарзда, ҳеч қандай гувоҳларсиз амалга оширилди.

Тегирмончи бандаргоҳ сари йўл олди. Каласка орқасидан камерҳер, унинг хотини ҳамда Қаср бекаси билан Виктория — гўртовлари пиёда эргашдилар. Зина бошида турган Қаср соҳиби уларнинг орқасидан узоқ вақт қўл силтаб хайрлашиб қолди. Шамол унинг оппоқ сочларини таталар эди.

Жасадни пароходга кўтаришди, кейин уни кузатиб келганлар ҳам палубага чиқишди. Қаср бекаси, эримга биздан салом айтинг, деб қичқирди, Виктория ҳам дадасига салом айтиб қўйишни илтимос қилди.

Пароход сузиб кетди. Тегирмончи анча вақтгача пароход орқасидан қараб турди. Шамол кучайган, денгиз қаттиқ тўлқинланарди. Чорак соат деганда пароход ороллар ортига ўтиб кўздан ғойиб бўлди. Шундан кейин тегирмончи ҳам жўнаб кетди.

У отларни отхонага олиб кириб, уларга ем берди, сўнг Қасрга кирмоқчи бўлди — соҳибга унинг хотини ва қизидан салом айтмоқчи эди-да. Лекин ошхонага кирадиган эшик ичидан занжирланган эди. Шундан сўнг тегирмончи Қасрнинг асосий эшигидан кирмоқчи бўлиб, уни айланиб чиқди, бироқ бу эшик ҳам танбалаган эди. “Ҳозир айна туш пайти, хўжайин ухлаётган бўлса керак”, деб ўйлади тегирмончи. Ваҳоланки бу одам жуда одамохун эди, шунинг учун, зора-мора биронта ходимни учратсам, деган ниятда у собиқ хизматкорхонага тушди, аммо бу ерда ҳеч зог йўқ эди. У яна ҳовлига чиқди, ҳовлида айланиб юриб, ниҳоят, чўрихонага мўралади. Бу ерда ҳам ҳеч кимни учратмади. Қаср гўё қабристон мисол ҳувиллаб қолган эди.

Тегирмончи эндигина уйига кетмоқчи бўлиб йўлга тушган эди, бирдан кўзи Қасрнинг ертўласида лип-лип этиб ёнаётган нарсага тушди. У тўхтади. Ертўланинг мўъжазгина панжарали дарчасидан мўралаб, зина пиллапояларидан пастга — ертўлага тушаётган бир одамни аниқ кўрди. Одамнинг бир қўлида шам, иккинчи қўлида қизил шойи мато билан сирланган стул бор эди. Бу одам — Қаср соҳиби эди. Унинг соқол-мўйлови олинган, эгнига, худди балга отлангандек, фрак кийган эди. “Мен деразани тақиллатиб, шу ердан унга хотинининг саломини айтиб қўя қоламан”, — деб ўйлади тегирмончи, бироқ турган ерида бирдан серрайиб қолди.

Қаср соҳиби ертўланинг ҳаммаёғини шам билан бир-бир ёритиб, атрофни кўздан кечириб чиқди. Кейин аллақердан ичига пичанми ё похолми солинган бир қопни олиб, уни остонага кўндаланг ётқизиб қўйди. Кейин унинг устига гулчелақдан қандайдир суюқлик қўйди. Сўнг ертўла эшигини бир кучоқ похол, яшиқлар ва йиғма нарвон билан тўсиб, уларнинг устига ҳам бояги суюқликдан сепди; тегирмончининг ҳаммадан ҳам кўпроқ диққатини тортган нарса шу бўлдики, Қаср соҳиби бутун хатти-ҳаракати мобайнида қўлларини ифлос қилмасликка, кийимига гард юқтирмасликка уринди. Ниҳоят, у шам қолдигини қоп устига кўндириб, атрофини похол билан авайлаб ўраб қўйди. Кейин стулга ўтирди.

Тегирмончи Қаср соҳибининг бу рафторини кузатаркан, тобора кўпроқ ҳайратга келарди; у ертўла дарчасидан ҳеч кўзини узолмай қолган эди, сабабки, унинг дилида энг даҳшатли шубҳа уйғона бошлаган эди. Қаср соҳиби аста-аста эриб камаяётган шамга тикилганча стулда қимир этмай ўтирарди; у қўлларини қовуштириб тиззасига қўйган эди. Ана, у эгнидаги қора фракнинг энгига инган гардни чертиб қоқди, сўнг яна қўлларини қовуштириб олди.

Шу пайт бирдан кекса тегирмончининг даҳшат тўла фарёди эшитилди.

Қаср соҳиби бошини ўгириб дереза томон қаради. Кейин ирғиб ўрнидан туриб кетди ва дарча тагига келиб, юзини ойнага қадади. Унинг кўзлари ғайритаъриф изтироб билан йўғрилган, оғзи қийшайиб кетган эди, у ўкрайганча, дўлайтирилган муштларини дарча ойнасига яқинлаштирди, кейин битта мушти билан тегирмончига пўписа қила-қила орқасига тисарила бошлади. У тисарилиб бориб бирдан стулга урилиб кетди, шам ағдарилди. Шу лаҳзанинг ўзида дабдурустан лоп этиб аланга кўтарилди.

Тегирмончи айюҳаннос солиб дарча олдидан қочди. Аввалига у қўрққанидан нима қилишини билмай, ҳовлида у ёқдан бу ёққа зир югура бошлади, кейин физиллаганча уйнинг атрофини айланиб чиқди. Ундан кейин ертўла дарчаси олдига югуриб келиб, унинг ойнасини уриб синдирди ва бақириб Қаср соҳибини чақира бошлади; сўнг энкайиб, жон-жаҳди билан темир панжарани силкита бошлади ва ахири панжара симларини қайириб синдирди.

Худди шу пайт унинг қулоғига ертўладан сўзсиз бир нола, худди гўрдан чиқаётгандай бўлиб эшитилди; бу нола икки марта такрорланди, шунда даҳшатдан ҳуши оға бошлаган тегирмончи ўзини дарчадан четга олди ва физиллаганча, ўз уйига қараб чопди. Чопиб бораркан, орқасига қайрилиб қарашга ҳам юраги дов бермади.

Бир неча дақиқадан сўнг у Юханнес билан яна чорбоғга югуриб келганида Қасрни — каттакон қадимий ёғоч уйни аланга тамоман қамраб олган эди. Бу ерга яна бандаргоҳдан ҳам бир неча киши етиб келди, лекин энди ҳеч ким бу ёнгинни даф қилишга қодир эмас эди. Бутун Қаср куйиб кулга айланди.

Тегирмончи эса бу машъум сирни ичига ютди.

XI

Сиз муҳаббат нималигини биласизми? У атиргул буталари орасидан оҳиста шитирлаб эсиб ўтиб, сўнг мутлақ тин олувчи шаббода. Лекин бошқача муҳаббат ҳам бўлади — у мангу ўчмас гулханга ўхшайди, унинг алангаси умрбод, то инсон қабрга киргунча сўнмайди. У муҳаббатни ҳам, бунисини ҳам худо яратган, боқий муҳаббат ҳам, фоний муҳаббат ҳам доимо халлоқи оламнинг нигоҳида.

Катта йўлдан икки аёл — икки она суҳбатлашиб кетиб бормоқда. Биринчи аёл бежирим ҳаворанг кўйлак кийиб ясаниб олган, чунки унинг суйган ёри узоқ сафардан эсон-омон қайтиб келди. Иккинчи аёл қора кийган — у азадор. Бу аёлнинг учта қизи бўлган, қизларининг иккитаси буғдойранг, биттаси оқбадан, сариқ сочли эди. Ана шу оқбадан қиз вафот этди. Гарчи унинг ўлганига ўн йил бўлган бўлса ҳам, онаизор ҳамон қора кийиб, мархумага аза тутиб келади.

— Вой, бугун кун қандай яхши-я! — дейди ҳаворанг кўйлак кийган аёл баҳри-дили очилиб. — Ҳавонинг илиқ тафти ва меҳру муҳаббат нашъаси мени сармаст қилмоқда; мен бирам бахтиёрманки, ҳозир шу ерда — йўл ўртасида уятни тарк этиб, қип яланғоч бўлиб ечинсам-у қўлларимни қуёшга чўзиб, унинг ҳароратли бўсасидан баҳраманд бўлсам, дейман.

Аммо қора кийган она чурқ ҳам этмайди — на жилмаяди, на жавоб қайтади.

— Токайгача мархума қизингга аза тутасан? — дейди ҳаворанг кўйлак кийган аёл соддадиллик билан. — Ахир унинг ўлганига ўн йил бўлди-ку.

Азадор аёл унга дейди:

— Ҳа. Ўлмаганида ҳозир ўн бешга кирарди.

Ҳаворанг кўйлакли аёл ҳамроҳига таскин бермоқчи бўлиб дейди:

— Лекин бағрингда яна иккита қизинг бор-ку!

— Тўғри. Бу қизларим буғдойранг, — дейди азадор аёл юм-юм йиғлаб. — Аммо ўлган қизим оқ-сариқ сочли, оқбадан эди. Ахир, ўнта бўлса — ўрни, қирқта бўлса — қилиғи бошқа, дейдилар-ку...

Мана, икки она, бири дилида — муҳаббат, иккинчиси — оналик меҳрини сақлаганча, ўзаро суҳбатлашиб ўтиб кетишди...

Лекин азадор аёлнинг буғдойранг қизлари бу пайтга келиб, муҳаббат домига илинган эдилар; қизиғи шундаки, икковлари бир йигитни севиб қолган эдилар.

Мана, ўша севилган йигит қизларнинг каттаси олдига келиб деди:

— Қошингизга маслаҳат сўрагани келдим, билингики, мен синглингни яхши кўраман. Аммо кеча бехосдан унга хиёнат қилиб кўйдим — мен йўлакда уй ходимангни ўлиб турганимда, синглингни устимиздан чиқиб қолди. У бизни кўрдию чинқириб юборди — аниқроғи, бу чинқариқ эмас, афгон эди — ва дарҳол қочиб кетди. Энди мен нима қилай? Мен синглингни севаман, жамики авлиёю анбиёлар ҳаққи, у билан гаплашиб беринг, мендан ёрдамингни аяманг!

Опанинг ранги докадек оқариб кетди, у юрагини маҳкам чангаллади, лекин салдан кейин ўзини тутиб олиб, гўё йигитга дуои хайр йўллаётгандай табассум қилди-да, деди:

— Яхши, мен сизга ёрдам бераман.

Эртаси куни йигит кичик қизнинг ҳузурига келиб, қаршисида тиз чўкди ва унга муҳаббат изҳор этди. Қиз йигитга бошдан-оёқ разм солиб чиқди-да, шундай жавоб қилди:

— Сиз мендан садақа сўраб келибсиз, афсуски, сизга ўн крондан ортиқ беролмайман. Сиз опанинг олдига боринг, у мендан бойроқ.

Қиз шундай деб бошини виқор билан адл кўтарганча хонадан чиқиб кетди.

Лекин у ўз хонасига кирдию ўзини ерга отди: у муҳаббат азобидан надомат чекарди...

Қиш. Кўчалар совуқ, ҳамма ёқда туман, чаңг-тўзон, шамол. Юханнес яна шаҳарга қайтиб келган, у яна ўзи яшаган ўша мўъжазгина хонада истиқомат қилмоқда; терак шохлари шамолда силкиниб, ҳали ҳам бу ёғоч уйнинг деворига тўқ-тўқ урилади; Юханнес бу уйнинг деразасидан жуда кўп марта тонг отишини кузатган. Ҳозир қуёш кўринмаяпти.

У шаҳарга келгандан бери мутгасил иш билан банд бўлди, жуда кўп қоғозни қоралади, қиш пайтида-ку айниқса кўп ёзди. Унинг хаёлотли салтанатида не-не ғаройиб воқеалар содир бўлмади... — қуёш шафағидан чароғон бўлган бошиохир йўқ тун.

У кун бу кунга ўшамасди, яхши кунлар ҳам, ёмон кунлар ҳам бўлиб турарди, баъзан унинг ижоди айни қайнаган пайтда қандайдир фикр, кимнингдир нигоҳи, қачонлардир айтилган бир калима сўз бирдан хаёлига келиб, илҳом

парисини қочириб юбориши мумкин эди. Шундай чоғларда у сакраб ўрнидан туриб кетар ва хонанинг у бурчагидан бу бурчагига тинмай танда қўйиб юра бошлар эди; бундай ҳол тез-тез бўлиб турарди, шу боис, хонанинг икки бурчаги оралигида из ҳосил бўлган эдики, бу из кундан-кун тобора равшанроқ кўзга ташлана бошлаган эди...

Бугун мен ишлай олмаяпман, фикр юрита олмаяпман, хотираларимни фаромуш қилолмаяпман, бас, шундай экан, бир кун кечаси бошимдан кечган бир воқеани ҳикоя қилиб берақолай. Азиз ўқувчим, бугун мен учун ғоятда оғир кун бўлди. Қор ёғмоқда, кўчада биронта ҳам тирик жон кўринмайди, ҳамма ёқда мунг ва қайғу ҳукмдор, менинг қалбимни ҳам бедаво ҳасрат қамраб олган. Мен чиқиб кўчани бир айланиб келдим, кейин кўнглимга бир оз бўлса-да таскин бериш учун, уй ичида соатлаб юрдим; лекин мана, кеч кириб, қош қорая бошлаган бўлса ҳам, ҳануз ўзимни лоҳас ҳис қилмоқдаман. Ҳозир менинг кўксим оташ бўлиб ёниши керак эди, ҳобуки муз бўлиб кетяпман, ранги-рўйим куёши ботган кундек бўзарган. Азиз китобхон, камина мана шундай руҳий кечинма оғушида бўлсам ҳам, сизга чароғон ва лаззатли оқшом ҳақида ҳикоя қилмоқчиман. Иш менга таскин беради, — ким билсин, эҳтимол, орадан бир неча соат вақт ўтиб, қалбим яна қувончга тўлар...

Эшик тақиллади ва хонага унинг навниҳол қаллиғи Камилла Сейер кириб келди; Юханнес у билан пинхона никоҳ ўқитиб қўйган. Мана, у қаламни четга қўйиб ўрнидан турди. Улар жилмайишиб, бир-бирлари билан кўришдилар.

Камилла келиб ўзини стулга таппа ташларкан, гапни тўғри буромадидан бошлади:

— Нега мендан, бал қандай ўтди, деб сўрамаяпсан? Мен битта ҳам рақсни қолдирмадим. Бал кечаси соат учгача давом этди. Мен Ричмонд билан рақсга тушдим.

— Келганинг жуда яхши бўлди, раҳмат, Камилла. Бугун негадир таъбим хира, кўнглим ғаш эди. Мана, сен хушчақчақ кайфиятда кириб келдинг, зора сенинг шарофатинг билан дилимнинг ғашлиги йўқолса. Хуш, балга қайси кўйлагингни кийдинг?

— Албатта қизил кўйлагимни-да. Эй худо, нималар қилганимни ҳеч эслолмайман, назаримда, жудаям кўп гап сотдим, тинмай хандон ташлаб кулдим шекилли. Эгнимда қизил кўйлак, кўлларим елкамгача очиқ. Ричмонд бўлса, Лондондаги элчихонада хизмат қилар экан.

— Шунақа де.

— Унинг отаси ҳам, онаси ҳам — инглиз, лекин ўзи бу ерда туғилган. Кўзингга нима қилди? Жудаям қизариб кетибди. Нима, йиғладингми?

— Йўқ, — деб жавоб қилди Юханнес жилмайганча. — Мен ўзимнинг эртақларимга жуда қаттиқ тикилиб қараган эдим, эртақларимда куёш жуда чароғон. Камилла, ўзинг яхши қизсан-ку, қўй, варақларни йиртма, шундоқ ҳам анчамунчасини йиртиб бўлдинг.

— Вой, ўлмасам, хаёлга берилиб кетибман. Хафа бўлма мендан, Юханнес.

— Йўқ, йўқ, парво қилма, булар, шунчаки, хомаки режалар эди. Ие, шошма: сен сочингга гул таққанмидинг?

— Бўлмасам-чи, қизил гул тақувдим, тўқ қизил атиргул. Биласанми, Юханнес, биз ўзимизнинг асал оймизини Лондонда ўтказишимиз мумкин. У шаҳар, одамлар айтганчалик, ёмон эмас экан. У ерда доим туман бўлади, деганлари бўлмаган гап экан.

— Сен буни қаёқдан билдинг?

— Ричмонд айтди, у менга буни шу бугун кечаси айтди, у билади-ку албатта. Сен у билан танишсан-а?

— Йўқ, таниш эмасман. Бир пайтлар у менинг шарафимга қадаҳ кўтарган эди, эсимда: кўйлагининг энгига бриллиант илматугма қадалган эди. Унинг ҳақида билганим шу холос.

— У жудаям дилбар йигит. Биласанми, у рўпарамга келиб таъзим қилди-да: “Сиз мени эслолмасангиз керак, фрекен!..” — деди. Биласанми, мен унга атиргул совға қилдим.

— Атиргул? Қанақа атиргул?

— Сочимга қадалган атиргул. Ўшани унга совға қилдим.

— Ҳў-хў, сен ўша Ричмондни яхши кўриб қолганга ўхшайсан.

— Ҳечам-да, зигирча ҳам. Агар бирон одам кўнглингга ўтирсаю сен у билан яхши муносабатда бўлсанг, бу ҳеч ҳам... қўй-е, Юханнес, жинни бўлиб қолибсан! Энди мен ўлсам ҳам унинг исмини тилга олмайман.

— Йўқ, ундай дема, Камилла, мен ҳеч ҳам ундай демоқчи... Бу ҳақда ўйлама, илтимос... Аксинча, мен ундан миннатдорман... сени зериктирмай кўнглингни овлагани учун.

— Шу етмай турувди — қани, шама қилиб кўрсин-чи! Мен энди ҳеч қачон унга лом-мим деб оғиз очмайман.

Сукут.

— Ҳа, яхши, бу ҳақда бошқа гаплашмаймиз. Нима, дарров кетмоқчимисан?

— Ҳа, кетишим керак. Ўзингнинг ишинг қалай — яхши юришяптими? Ойим ҳам шу ҳақда сўраб юбордилар.

— Вой, биласанми, мен Викторияни анчадан бери кўрмаган эдим, ҳозир кўчада учратиб қолдим.

— Ҳозир-а?

— Ҳа, бу ёққа келаётганимда кўрдим. У мени кўриб жилмайиб қўйди. Вой тавба, шунақаям озиб чўп бўлиб кетибди!.. Айтгандай, сен уйингга қачон жўнамоқчисан?

— Яқин орада, — деб жавоб қилди Юханнес, бирдан ўрнидан туриб кетиб. Унинг юзи чўғдек қизариб кетди. — Балки бугун-эрта йўлга чиқарман. Фақат олдин баъзи нарсаларни ёзиб тугатишим керак; мен айна шу бугун эртақларимнинг интиҳосини ўйлаб қўйган эдим. О, мен албатта, албатта уни ёзишим керак! Бир тасаввур қилгин-а: сен осмони фалақдан ер юзига назар ташлаяпсан — Ер Рим папасининг ғоят ажиб ва мўъжизаваш ридосига ўхшайди. Ридонинг қатларида одамлар жуфт-жуфт бўлиб сайр қилиб юришибди. Кеч қиряпти, атроф тинч-осуда, бу — муҳаббат они. Мен бу китобимни “Авлоддан авлодга”, деб атайман. Бу ғоятда маҳобатли манзара бўлиши керак: мен бу манзарани кўп марта хаёлан кўз олдимга келтирганман, ҳар сафар бу манзарани тасаввур қилганимда, кўксим чок бўлиб, бутун Заминни ичимга қамраб олаётгандек бўламан. Мана улар — одамлар, даррандаю паррандалар... ҳар бирининг ўз муҳаббат они бор, Камилла. Бутун борлиқ интизорли эҳтирос билан йўғрилган, кўзларда ўт чақнайди. Юраклар безовта дукиллайди. Ер юзига нафис қизиллик, севишган қалбларнинг саодатли қизиллиги ёйилади ва тун ҳам мана шу қирмизи рангга қиради. Фақат қаердадир, жуда-жуда йироқда баҳайбат қоя пинакка кетган, у ҳеч нимани кўрмайдиям, ҳеч нарсани эшитмайдиям. Эрталаб эса, тонг отиши билан парвардигор бутун борлиқни ўзининг қайноқ қуёши шуъласи билан мунаввар қилади. Китобимнинг номи “Авлоддан авлодга” бўлади.

— Шунақа дегин?

— Ҳа. Мен уни ёзиб битирган заҳотим қайтиб келаман. Мени кўргани келибсан — раҳмат сенга, Камилла. Мен айтган боғи гапларни унут. Ҳеч қандай ёмон ният йўқ эди менда.

— Шундоғам унутиб юбордим. Лекин, барибир, мен энди унинг номини ҳеч қачон тилга олмайман. Ҳеч қачон.

Эртаси куни эрталаб Камилла яна келди. Унинг ранги ўчган, нимадандир безовта, руҳи сўниқ эди.

— Сенга нима бўлди? — деб сўради Юханнес.

— Менгами? Ҳеч нима, — шоша-пиша жавоб қилди қиз. — Мен, барибир, сени севаман. Ўтинаман, Камиллага бир нима бўлган, энди у мени севмайди, деган фикр келмасин кўнглингга. Биласанми, мен шундай қарорга келдим: биз Лондонга бормаймиз. Нимаси яхши ўша шаҳарнинг? Анави маҳмадона нима деётганини ўзи ҳам билмайди, у ногўғри айтган экан: у ерда ҳар куни туман тушар экан. Нега менга бунақа қарайсан? Ахир унинг номини тилга олмадим-ку. У фирт ёлгончи экан, оғиз кўпиртириб мени ишонтирмоқчи бўлди-я. Биз ҳеч қанақа Лондон-пондонга бормаймиз.

Юханнес қаллигининг юзига тикилиб қаради.

— Яхши, биз Лондонга бормаймиз, — деди у ўйчан кайфиятда.

— Бу бошқа гап! Демак, келишдик. Сен кечаги китобингни — “Авллодан авлодга” деган китобингни ёзиб бўлдингми? Вой, бирам қизиқарлики! Сен, Юханнес, уни тезроқ ёзиб битир, кейин бизникага бор. Муҳаббат они — сен шундай деб айтувдинг шекилли? Яна сен Папанинг мўъжизали ридоси қатлари ҳақида, қирмизи рангга кирган тун ҳақида гапирувдинг; мана, кўрдингми, ҳамма айтганларинг эсимда турипти. Кейинги пайтларда сеникига кам келадиган бўлиб қолувдим, лекин энди, бундан буён ҳар куни келиб, қачон китобингни ёзиб битирасан, деб суриштириб тураман.

— Мен уни яқинда тугатаман, — деб жавоб қилди Юханнес кўзини қаллигидан узмай.

— Биласанми, бугун мен сенинг китобларингни ўз хонамга олиб кириб кетдим. Мен уларни қайтадан ўқиб чиқмоқчиман, уларни ўқисам, ҳеч зерикмайман, аксинча, ҳузур қиламан. Менга қара, Юханнес, илтимос, мени уйимгача кузатиб қўй, кўчада ёлғиз юрганам яхшимасдир. Ким билсин, эҳтимол, биронтаси кўчада у ёқдан-бу ёққа юриб, мени пойлаётгандир. Бунга имоним қолмай... — Шундай деб туриб, у бирдан йиғлаб юборди ва энтика-энтика пичирлаб деди: — Мен уни, ёлғончи, деб айтдим — яхши иш қилмадим. Шундан бери жудаям дилим ғаш. У менга ёлғон гапирмаган эди, аксинча, у ҳамшиша... Сешанба куни бизникага меҳмонлар келишади, у келмайди, лекин сен боргин, хўпми? Сўз берасанми? Нима бўлгандаям, мен унинг тўғрисида ёмон гапирмаслигим керак эди. Энди билмайман, мен ҳақимда сен нима деб ўйларкинсан...

Юханнес жавоб қилди:

— Сенга нима бўлганини энди тушунаётгандайман.

Камилла унинг бўйнига осилиб, кўксига кўксини қўйди, у қалт-қалт титрар ва саросимада эди.

— Лекин мен сени ҳам севаман! — деб юборди қиз бирдан. — Гапимга ишон. Мен нафақат уни севаман, у даражага етганимиз йўқ ҳали. Ўтган йили бизни унаштиришганда, суюнганимдан теримга сиғмай кетган эдим, энди у пайдо бўлиб қолди. Ҳеч нарсага тушунолмаёпман. Наинки мен шу қадар разил бўлсам-а, Юханнес? Ё тавба, мен уни сендан кўра қиттайгина ортиқроқ севаман шекилли; қўлимдан ҳеч иш келмай қолди — билмайман, қаёқдан бостириб келди бу туйғу... Э худо, уни кўрганимдан бери, кечалари мижджа қоқмай чиқаман, кун ўтган сайин уни тобора кўпроқ сева бошлаёпман. Нима қилай? Ахир сен мендан анча ёш катгасан-у, менга ақл ўргатишинг керак. У мени бу ерга кузатиб келди, ҳозир пастда кутиб турипти: мени уйимга кузатиб қўймоқчи; совуқ қотган бўлса керак. Мендан нафратланыпсанми, Юханнес? Мен уни ҳали ҳеч ҳам ўпмадим, йўқ, йўқ, гапимга ишон; мен унга фақат гул ҳада қилдим, холос. Нега гапирмайсан, Юханнес? Нима қилишим кераклигини сен менга айтишинг лозим, чунки мен бундай мавҳумликка ортиқ чидай олмайман.

Юханнес қизнинг гапини қимир этмай ўтириб эшитди. Ниҳоят, шундай деди:

— Менинг сенга айтадиган гапим йўқ.

— Раҳмат, азизим Юханнес, мендан аччиғланмаётганинг учун раҳмат, — деди Камилла кўз ёшларини артаркан. — Лекин билиб қўй, мен сени ҳам яхши кўраман. Худо ҳаққи, энди одингга тез-тез келиб тураман ва нима иш буюрсанг, ҳаммасини жон-жон деб бажараман. Фақат шуки, уни сал кўпроқ севаман. Аммо бундай бўлишини хоҳламаган эдим. Айб менда эмас.

Юханнес индамай ўрнидан туриб, шляпасини кийди ва деди:

— Кетдикми?

Улар зинадан пастга тушишди.

Кўчада Ричмонд кутиб турарди. Бу қора соч йигитнинг тим қора кўзларида ёшлик гайрати ва ҳаётини қувонч порларди. Унинг икки юзи совуқдан қизариб кетибди.

— Роса совуқ егандирсиз? — деди Камилла йигит олдига ошиқар экан.

Ҳаяжонланганидан овози жаранглаб эшитилди. Кейин у орқасига ўгирилиб, Юханнес олдига югуриб келди-да, уни қўлтиқлаб олиб деди:

— Кечир, мен сендан, совуқ емадингми, деб сўрамадим. Палто киймагансан. Хоҳласанг, чиқиб палтонгни олиб тушай. Хоҳламайсанми? Ҳеч бўлмаса, камзулингни тугмалаб ол.

Шундай деб у Юханнеснинг тугмаларини қадаб кўйди.

Юханнес Ричмондга қўл узатди. Унинг хаёли паришон эди, гўё ҳозир бу ерда бўлаётган воқеанинг унга ҳеч қандай дахли йўқдай эди. У дудмол жилва қилганча гўлдирди:

— Сиз билан яна учрашганимдан хурсандман.

Ричмонднинг чехрасида на хижолат, на риё акс этди. У Юханнесни кўриб, худди эски қадрдонини учратгандай севишиб кетди ва шляпасини олиб, тавозе билан бош эгди.

— Яқинда мен Лондонда китоб дўкони пештахтасида сизнинг китобингизни кўрдим, — деди у. — Китобингиз инглиз тилига таржима қилинибди. Уни кўриб, қувончим ичимга сизга кетди — худди ватандан хушхабар олгандай бўлдим.

Камилла уларнинг ўртасида юриб бораркан, нигоҳини гоҳ у, гоҳ бу йигитга қаратарди. Ниҳоят, у деди:

— Сен, Юханнес, сешанба куни албатта бизникига боргин-а! Вой, кечира-сан: нега нуқул ўзим ҳақимда гапиряпман-а? — деди у қулиб. Лекин шу заҳоти у ўкинч билан Ричмондга ўтирилиб, уни ҳам таклиф этди. — Фақат энг яқин одамларимиз бўлишади. Виктория билан онаси ҳам таклиф этилган; ҳаммаси бўлиб ўнтача одам келади.

Юханнес бирдан тўхтади ва деди:

— Энди мен уйга қайта қолай.

— Демак, сешанбагача, — деди Камила.

Ричмонд Юханнеснинг қўлини дўстона сиқиб хайрлашди.

Шундан кейин икки бахтиёр ёш биргалашиб юриб кетишди.

XII

Ҳаворанг кўйлак кийган жувон ҳаяжонланганидан ўзини қўярга жой тополмайди, ҳозир ҳар дақиқада боғдан шартли хуштак овози эшитилиши керак, аммо ўша хуштак чалган одам уйга киролмайди... то аёлнинг эри уйдан чиқиб кетмагунча. Эҳ эр, гўрсўхта эр, қирқ ёшни урган, бунинг устига, кал бош эр. Тавба, бугун оқшом унинг рангини ўчириб, ўзини стулга худди михлагандек ўтқазиб қўйган қандай ёвуз ният бўлди? Қаранг, у кўзини газетага қадаганча, ҳамон қилт этмай ўтирипти.

Хотин ўзини қўярга жой тополмасди — ана, соат ўн бирга жом чалди. У болаларини аллақачон ухлатгани киритиб юборган, эри бўлса ҳануз кетмаяпти. Э худо, ишқилиб ўша шартли хуштак бемаврид чалинмасин-да, махфий калит уй эшигини бевақт очмасин-да — ана унда худо кўрсатмасин, икки эркак юзмаюз тўқнашади-ю бир-бирининг кўзига тикилиб қарашади! Аёл бундай тўқнашув оқибатини тасаввур қилишга журъат этолмади.

У хонанинг энг қоронғи бурчагида бетоқат бўлиб ўтирарди; охири тоқати тоқ бўлиб эрига деди:

— Соат ўн бир бўлди. Клубга борадиган бўлсанг бормайсанми энди?

Эр сакраб ўрнидан турди, — ранги янаям оқариб кетган эди, — у уйдан таш-қарига чиқди.

У кўчада боғча девори ортида тўхтади; қулоғига оҳиста чалинган хуштак овози эшитилди. Кейин шағал тўкилган йўлқадан кимдир юриб ўтди, боғча эшигининг қулфи калит билан очилди, орадан сал вақт ўтгач, уйнинг меҳмон-хонаси деразасига тортилган пардада иккита соя пайдо бўлди.

Хуштак ҳам, оёқ товуши ҳам, пардадаги соялар ҳам — ҳаммаси эрга кўпдан бери таниш.

У клубга жўнади. Клуб очик, деразалари ёруғ эди; лекин эр клубга кирмади. У қайтиб келиб, ўз боғчаси олдида ярим соатча у ёқдан-бу ёққа юриб турди; бу ярим соат ярим йилдек бўлиб туюлди унга. “Яна бир оз кутаман!” — деди у ўзига ўзи ва яна чорак соат чидади. Ниҳоят, у боғчага кирди, зинадан кўтарилиб, қўнғироқни босди... ўз уйи эшигининг қўнғироғини.

Уй ходимаси эшикни қия очиб мўралади ва:

— Бегойим аллақачон... — дедию эшик олдида турган одамни таниб оғзидаги оғзида қолди.

— ... Ухлаб қолган, биламан, — деб ходиманинг гапини илиб кетди уй соҳиби. — Марҳамат қилиб, бегойингизга, эрлари қайтиб келганини кириб айтинг. Ходима қиз ичкари кириб кетди. У беканинг эшигини тақиллатиб, ёпиқ эшик орқали деди:

— Бегойим, хўжайиннинг уйга қайтиб келганини сизга айтиб қўйишимни илтимос қилишди мендан.

Бека эшик ортидан туриб сўради:

— Нима, хўжайин қайтиб келди, дедингми? Ким сендан илтимос қилди буни айтиб қўйишни?

— Хўжайиннинг ўзи. У эшик олдида турипти.

Беканинг хонасидан аянчли чинқириқ эшитилди; кейин безовта пичир-пичир ва эшикнинг очилиб-ёпилгани эшитилди, сўнг ҳамма ёқ жим бўлиб қолди.

Хўжайин уйга кирди, хотини уни қарши оларкан, қўрққанидан кесакдек қотиб қолган эди.

— Клуб ёпиқ экан, — деб барвақт қайтганини шоша-пиша изоҳлади эр: хотинига раҳми келган эди. — Мен ходима қизни огоҳлантирдим, сени чўчитиб юбормаслик учун.

Хотин ўзини стулга ташлади — унинг кўнгли жойига тушди, у бахтиёр, у маломатдан қутилиб қолди. Бундай масъуд ҳолатдан руҳи кўтарилган хотин, бирдан меҳри товланиб кетиб, эридан кўнгил сўради:

— Рангинг оқариб кетибди. Нима, мазанг йўқми, жоним?

— Мен касал эмасман, — деб жавоб қилди эр.

— Ё бирон кор-ҳол юз бердими? Негадир юзинг жуда ғалати қийшайиб турипти.

Эр жавоб қилди:

— Мен илжаяяпман. Энди шу — менинг табассумим. Бундан буёқ мен шу тахлитда жилмаяман. Бу менинг ўз жилмайиш усулим.

Хотин унинг хирқироқ овоз билан айтган узуқ-юлуқ сўзларини эшитаркан, уларнинг маънисига ҳеч тушуниб етолмасди. Нима демоқчи ўзи у?

Шу пайт эр бирдан хотинини кучоқлади, наинки кучоқлади, худди исканжага олгандек кучининг борича бағрига босиб сиқди ва юзига юзини олиб бориб пичирлади:

— Нима дейсан, агар бир шохдор қилиб қўйсақ... анавини... ҳозир чиқиб кетган махлуқни?.. Иккаламиз би-ир шох чиқариб қўймаймизни унинг ёфуғидан?¹

Хотин чинқириб юборди ва ходима қизни ёрдамга чақирди.

Эр куруққина ҳиринглаб қўйиб, хотинини кучоғидан бўшатди ва оғзини катта очганча сонларига шапатилаб уриб қўйди.

Эртаси кун эрталаб аёл қалбида яна меҳр товланиб, эрига деди:

— Кеча кечкурун юрагинг жуда ғалати хуруж қилди... Шукурки, дардинг арибди, лекин ҳалиям рангинг синиқ.

— Ҳа, — деб жавоб қилди эр. — Менинг ёшимда, оқил бўламан, деб чираниш жуда қимматга тушар экан. Энди ҳеч қачон ақллилик қилмайман.

Роҳиб Венд турфа хил муҳаббат ҳақида сўзлаб берди, пировардида, яна бир севги ҳақида ҳикоя қилиб, ҳикоя охирида шуни илова қилди:

— Дунёда бунчалик лаззатбахш муҳаббат бўлмаган, бўлмайди ҳам!

Янги келин-куёв узоқ давом этган никоҳ саёҳатидан сўнг уйларига қайтишди ва тинч-тотув турмуш кечира бошлашди.

Учар юлдуз уларнинг уйи тепасидан учиб ўтди.

Бу ёш келин-куёв ёзда бир-бирларининг пинжига кириб, сайр қилишар эди. Улар сариқ, қизил ва зангори гулларни териб, бир-бирларига совға қилишар, майсаларнинг шаббодадан тебранишини кузатишар, ўрмондаги қушларнинг сайрашини тинглашар эди; уларнинг ҳар бир сўзи лутфу навозишдан иборат эди. Қишда эса, улар кўнғироқчалар осилган чанада сайр этишарди, осмон

¹ Ёфуғ — бошининг тепаси.

мовий рангда, узоқ-узоқларда, жуда-жуда баландда беҳудуд самода юлдузлар парвоз қиларди.

Шу зайлда орадан йиллар ўтди. Эр-хотин учта фарзанд кўрди, аммо уларнинг қалблари худди биринчи бўса пайтидагидек ҳануз бир-бирларига бахшида эди.

Мана, кунларнинг бирида эр дафъатан касалга чалиниб қолди, дард уни узоқ вақтга тўшакка банд этиб, хотинини сабр-қаноат аталмиш бешафқат синовга рўбарў қилди. Ниҳоят, эр шифо топиб ўрнидан турди, турди-ю лекин ўзини таний олмай қолди: дард уни бадбашара қилиб юборган, бошида бир тола ҳам соч қолмаган эди.

Эрнинг хаёлини аламли фикрлар чулғаб олди. У бир куни хотинига шундай деди:

— Сен энди мени севмасанг керак!

Бироқ хотини бу гапни эшитиб чўғдек қизариб кетди, эрининг бўйнидан маҳкам кучоқлаб, ҳаётларининг баҳори пайтида бўлганидек, зўр эҳтирос билан уни ўпаркан, деди:

— Мен сени севаман, илгари қандай севган бўлсам, ҳозир ҳам шундай севаман. Сен бошқа аёлни эмас, айнан мени ўзинга маҳбуба этиб танладинг ва бу билан мени ғоят хушбахт этдингки, бу яхшилигингни ўла-ўлгунимча унутмайман.

Шундан кейин аёл ўз хонасига кириб, чиройли оқ-малла сочини қайчилаб кесди: у суюкли маҳбубига ўхшаш учун ўзини шу кўйга солди.

Яна орадан кўп йиллар ўтди, бир вақтлар ёш келин-куёв бўлган бу эр-хотин қарили, фарзандлари катта бўлишди. Лекин бу чол-кампир ҳамон бир вақтлардагидек бир-бирларининг оғирини ҳам, энгилини ҳам бирга тортиб, ҳамдард ва ҳамнафас бўлиб яшайвердилар; улар ёз кунлари далаларда сайр қилишар, ўт-ўланларнинг шамолда тебранишини кузатишарди, қишда эса, пўстинларга ўраниб олиб, юлдузли тунларда чанада учишарди. Уларнинг қалблари ҳануз, гўё сеҳрли шароб ичган одамларникидай, навқиронлик ҳарорати ва саодати билан йўғрилган эди.

Лекин, мана, хотин бирдан шол бўлиб ётиб қолди. Кекса аёл энди мутлақо юра олмас, уни фақат ғилдиракка ўрнатилган курсида олиб юриш мумкин эди, буни кекса эри бажарарди. Хотин оғир дардга чалиниб қолганлигидан қаттиқ изтироб чекар, бу изтироб оқибатида унинг юзида чуқур-чуқур ажинлар пайдо бўлган эди.

Бир куни у эрига шундай деди:

— Бу кунимдан ўлганим яхши эди. Мен бадбахтман, бадбурушман, сен чиройлисан. Энди сен мени ўпа олмайсан, илгаригидек севолмайсан.

Аммо эр бу гапдан қаттиқ ҳаяжонланиб кетди ва хотинини бағрига босаркан, деди:

— Йўқ, сен менинг бахтимсан, мен сени жонимдан ҳам ортиқ яхши кўраман, сен менга гул тақдим этган биринчи куннинг биринчи лаҳзасида қандай севган бўлсам, ҳали ҳам ўшандай эҳтирос билан севаман сени. Эсингдами, ўша саодатли кун? Сен чиройли кўзларинг билан юзимга боққанча, қизил гул узатган эдинг менга; гул худди сендек муаттар ҳид таратарди, сен эса, худди гулдек қизариб кетган эдинг, мен бўлсам сенинг латофатинг ва малоҳатингдан сархуш эдим. Лекин билки, ҳозир мен сени янада кўпроқ севаман, сен ҳозир ёшлик чоғимиздагидан ҳам латофатлироқ, малоҳатлироқсан ва мен сендан астойдил миннатдорманки, бизни ҳамнафас қилган ҳар бир кун, ҳар бир лаҳза учун тангрига шукроналар айтаман.

Шундай деб эр ўз хонасига кириб кетди ва ўзини бадбашара қилиш учун юзига сульфат кислотаси сепди, сўнг хотинига юзланиб деди:

— Фалокатни қара, юзимга сульфат кислотаси тўкилиб кетди, яноқларим куйди, энди сен мени ёқтирмай қўйсанг керак.

— Оҳ, менинг қайлигим, менинг маҳбубим! — деб пичирлади кекса аёл эрининг қўлларидан ўпаркан. — Сен дунёдаги барча одамлардан чиройлироқсан, ҳатто ҳозир ҳам сенинг овозингни эшитганимда юрагим орзиқиб тушади; билки, мен сени ўла-ўлгунимча яхши кўраман.

XIII

Юханнес кўчада Камиллани учратиб қолди; у отаси, онаси ва ёш йигит Ричмонд билан каретада кетаётган эди; улар каретани тўхтатиб, Юханнес билан самимий саломлашдилар.

Камилла Юханнеснинг қўлидан ушлаб туриб деди:

— Нега бизни кига бормадинг-а? Биласанми, бал жуда зўр бўлди! Сени охири дақиқагача кутдик. Лекин сен бормадинг.

— Вақтим бўлмади, — деб жавоб қилди Юханнес.

— Мендан хафа бўлма, ўшандан бери сени кўргани бормадим, — деб гапида давом этди қиз. — Шу яқин кунларда албатта ўтаман... мана, Ричмонд жўнаб кетсин... Оҳ, балимиз шунақаям зўр бўлдики! Викториянинг мазаси қочиб қолди, уни уйига олиб кетишди, бу ҳақда эшитувдингми? Эртас-индин уни кўргани бораман. Ҳозир анча яхши бўлиб қолгандир, бутунлай тузалиб кетган бўлса ҳам ажаб эмас. Мен Ричмондга медальон совға қилдим, худди сени кига ўхшаганидан. Менга қара, Юханнес, хонангдаги печкага бефарқ қарамасликка сўз бер менга. Сен ижод қилаётганигда ҳамма нарсани унутиб юборасан, хонанг совуқ — худди ертўлага ўхшайди. Сен ходима қизни тез-тез чақириб туришинг керак.

— Хўп, ходима қизни чақириб тураман, — деди Юханнес.

Фрау Сейер ҳам ундан, иши қандай кетаётгани, “Авлоддан авлодга” асари қандай ёзилаётгани ҳақида сўради. У Юханнеснинг бу янги китобини сабрсизлик билан кутаётганмиш.

Юханнес ҳамма саволларга хушмуомалалик билан жавоб қайтарди ва хайрлашаркан, тавозе билан эгилиб таъзим қилди. Карета жўнаб кетди. Бу каретаю ундаги одамлар билан, бу валдирвақи гаплар билан унинг неча пуллик иши бор?.. Шу пайт бирдан Юханнеснинг қалби худди эгасиз уйдаи хувиллаб, музлаб қолди ва бу ҳиссиёт уни то уйига етиб олгунча тарк этмади. Уйи олдида, кўчада бир одам у ёқдан бу ёққа юриб турарди. Бу Юханнеснинг эски таниши, бир пайтлар Қасрда ўқитувчилик қилган кекса муаллим эди.

Юханнес у билан саломлашди.

Муаллим эгнига яхшилаб чўтқаланган этаги узун ва иссиқ палто кийган, кўриниши мардона ва басавлат эди.

— Камина дўстингиз ва касбдошингизман, — деб танитди у ўзини. — Қани, қўлни чўзинг, яхши йигит. Кейинги пайтларда худо мени ғайритаъсиф йўлларга бошлади — мен оилали бўлдим, энди ўз уйим, кичкинагина боғчам, хотиним бор. Қарангки, ҳалиям дунёда мўъжиза содир бўлиб турар экан. Хўш, сиз бунга қандай эътироз билдира оласиз?

Юханнес муаллимга таажжуб билан боқди.

— Демак, ҳеч қандай эътирозингиз йўқ? Бўлмаса, эшитинг: мен бир аёлнинг ўғлига дарс берар эдим. Ўғли олдинги эридан; лекин маълумингизки, аёл — бева. Хуллас, мен шу бевага уйландим. Бешиқда ётганингизда сизга бунақа хотинни башорат қилишмаган эди-ку, деб айтишингиз мумкин — бундай дейишга ҳаққингиз бор; лекин шунга қарамай, мен бева аёлга уйландим. Бинобарин, зурриётимиз унинг олдинги эридан. Қисқаси шуки, мен беваникига дарс бергани борганимда, уни кўп кузатар, боғчасига қараб-қараб қўяр, сўнг бу борада ўзимча узоқ-узоқ мулоҳаза қилардим. Кейин бирдан шуларнинг барини менга таклиф қилишди — бу инъом худди осмондан тушгандай бўлди. “Ҳм-м, бешиқда ётганингизда сенга буни башорат қилишмаган эди-ку”, — дедим мен ўзимга ўзим. Яна шунга ўхшаган мулоҳазалар миямга келди, лекин, барибир, рози бўлдим, зеро, ким билсин, эҳтимол, пешонамга айнан шу қисмат ёзилгандир. Хуллас, шунақа гаплар...

— Табриклайман, — деди Юханнес.

— Тўхтанг! Бошқа бир оғиз ҳам гапирманг! Ҳозир нима демоқчи эканлингизни биламан. Сиз, хўш, биринчи муҳаббатингиз нима бўлди, наҳотки ёшликнинг боқий муҳаббатини унутдингиз, деб сўрамоқчи бўляпсиз. Ҳа, сиз айнан шундай демоқчисиз. Илло, муҳтарам дўстим, мен ҳам, ижозатингиз билан, ўз навбатида сизга савол бермоқчиман: айтинг-чи, ўша менинг биринчи ва

ягона муҳаббатим нима бўлди? Ахир у артиллерия капитанига турмушга чиқмадимми? Яна бир кичкинагина савол: сиз ўз ҳаётингизда бирон марта бўлсин, бир мартагина бўлсин, эр кишининг ўзи хоҳлаган аёлга уйланганини кўрганмисиз? Мен кўрмаганман. Дарвоқе, мен бир одам ҳақида эшитган эдим: парвардигор шу бандасининг илтижосини инобатга олиб, унинг илк муҳаббати ва ягона маъшуқасини ўзига хотинликка раво кўрибди. Лекин бу никоҳнинг охири хайрли бўлмабди. Нега? — деб сўрашингиз мумкин. Жавоб қиламан: — Негаки, бу келин салдан кейин ўлибди — *салдан кейин*, билдингизми? Ҳа-ҳа-ҳа! Ҳа, доим шунақа бўлади. Ҳеч ким ўзи хоҳлаган қизга уйланолмайди, мабодо, мўъжиза содир бўлиб уйлангудек бўлса, келин кўпга бормай ўлади. Тақдир биз, бандалар билан мана шунақа қалтис ҳазил қилади. Оқибатда, йигит ўзи учун бошқа маҳбуба қидиришга мажбур бўлади; бир марта оғзи куйган эмасми, эндиги сафар панд эмасликка ҳаракат қилади. Ахир севгилисиз ўзгаргани учун ўз жонига қасд қилмайди-ку. Гапимга ишонаверинг, бу табиат қонуни — одамлар бундан ҳам оғирроқ азобларга бардош беради. Мана, масалан, мени олинг.

Юханнес деди:

— Кўряпман, сиз ҳаётингиздан мамнунсиз.

— Ҳа, имкон борича. Эшитинг, кўринг, ҳис этинг! Менинг шахсиятимда оғир ғам-ташвишларнинг беҳудуд уммонида биронта асорат қолибдими? Эгним бут, қорним тўқ, бошимда бошпанам — уйим бор, хотиним, болам — мен хотинимнинг боласини назарда тутяпман, — бор. Мен мана шуларни айтмоқчи эдим сизга. Энди менинг ашъорларим масаласига келсак, сизга очигини айтишим мумкин. Эй менинг навқирон ҳамкасабам, мен сиздан анча ёш каттаман, бинобарин, мен табиат неъматидан кўпроқ баҳраманд бўлганман. Бироқ шунга қарамай, ашъорларим ёзув столининг ғаладонида ётипти. Уларни менинг ўлимидан кейин чоп этгайлар. “Демак, шеърларингиздан сизга ҳеч қандай наф йўқ экан-да?” — деярсиз сиз. Агар шундай десангиз, яна янглишасиз, зеро, ҳозирги пайтда мен шеърларим билан ўз оиламга ҳузур бахш этипман. Мен кечқурунлари столим ғаладонида ашъорларимни оламан-да, чироқ ёруғида уларни хотинимга ва ўғилчага овоз чиқариб ўқиб бераман. Хотиним қирқ ёшда, ўғилча ўн иккида, икковлари мароқ билан тинглашади. Фурсатдан фойдаланиб айтмоқчиманки, агар йўлингиз тушиб, бизникига қадам ранжида қилсангиз, сизни прог¹ билан сийлаб меҳмон қиламиз. Мана, ўзингизни таклиф этилдим, деб ҳисоблайверинг. Сизни худонинг паноҳига топширдим.

У хайрлашмоқ учун Юханнесга қўл узатди. Кейин бирдан сўради:

— Виктория ҳақида эшитдингизми?

— Виктория ҳақида? Йўқ. Ҳа, эшитган эдим, фақат...

— Наҳотки унинг гулдай сўлиб бораётганини пайқамаган бўлсангиз, кўз ости тобора кўпроқ кўкара бошлаганини кўрмаган бўлсангиз?

— Мен уни охириги марта ўтган баҳорда кўрган эдим. У ҳалиям бетобми?

— Ҳа, — деб жавоб қилди муаллим дафъатан қатъий оҳангда ва ер тепиниб кўйди.

— Менга фақат яқинда айтишди... Йўқ, мен унинг сўлиб бораётганини кўрмадим, анчадан бери у билан учрашганим йўқ. Нима, касали оғир эканми?

— Жуда. Эҳтимол, у энди ўлгандир ҳам. Тушуняпсизми?

Юханнес, хаёли паришон бўлиб муаллимга, сўнг, кетсаммикин ё қолсаммикин, дегандек уйининг эшигига, кейин яна муаллимга, унинг этаги узун палтосига, шляпасига қаради; сўнг бошига дабдурустдан оғир савдо тушган одамдек қийналиб, маҳзун тиржайди.

Кекса муаллим эса ҳамон таҳдидона оҳангда гапирарди:

— Бу ҳам бир мисол, инкор этиб бўлмайдиган мисол. Виктория ҳам ўзи хоҳлаган йигитига, деярли болалик чоғидан унаштириб қўйилган навқирон ва хушсуврат лейтенантга турмушга чиқмади. Бир кун кечқурун йигит овга жўнаб кетдию пешонасига келиб теккан дайди ўқ унинг бош чаноғини тилка-тилка қилиб юборди. Ана, у — парвардигор эрмагининг қурбони — жонсиз жасад бўлиб ётибди. Унинг қаллиғи Виктория эса, кун сайин сўлиб бормоқда: машъум ажал

¹ Прог — коньяк ё ромга шакарли қайноқ сув қўшиб тайёрланган ичимлик.

шўрликнинг қонини сўриб, юрагини кемириб ётипти... бизларнинг, дўстларининг кўзи олдида. Бундан бир неча кун олдин эса, у Сейер деган кишиларни-кига меҳмонга борибди. Дарвоқе, у менга айтувди: ўша ерда сизни ҳам кутишган экан, аммо сиз бормабсиз. У ерда бўлган балда Виктория бир зум ҳам жим ўтирмабди, қайлиғи ҳақидаги хотиралар бирдан ёпирилиб келиб, унинг бутун фикру зикрини қамраб олибди, лекин у бу хотираларга зид ўлароқ, тўсатдан гайратга кирибди ва бутун оқшом, худди жазавага тушгандек, бир зум ҳам тўхтамай, рақсга тушаверипти, тушаверипти... Кейин бирдан хушидан кетиб йиқилибди, у йиқилган ер қонга бўялибди, уни кўтариб олиб чиқиб кетишипти, каретага ўтқазиб уйига жўнатишипти. У кўпга бормади...

Муаллим Юханнесга яқин келиб юзма-юз турди ва кескин оҳангда деди:

— Виктория ўлди.

Юханнес худди сўқир одамдай, қўллари билан атрофини пайпаслай бошлади:

— Ўлди? Қачон? Бундай бўлиши мумкин эмас! Виктория ўлди?

— Ўлди, — деб жавоб қилди муаллим. — Бугун эрталаб, йўқ, аниқроғи, чошгоҳда қазо қилди. — У қўлини чўнтагига тиқиб қалин бир конверт чиқарди. — Мана бу мактубни у сизга бериб қўйишни сўраган эди. Олинг. “Фақат ўлганимдан кейин”, — деган эди. У ўлди. Энди мактубни сизга топшираман. Шу билан менинг вазирам тугади.

Муаллим хайрлашмай ҳам, бир оғиз сўз ҳам айтмай орқасига бурилди ва пастга йўналган кўча бўйлаб шошмасдан тушиб кета бошлади, салдан сўнг узоқда кўздан ғойиб бўлди.

Юханнес эса, қўлида хат ушлаганча турган ерида қотиб қолди. Виктория ўлибди... У Викториянинг исмини маънисиз бўғиқ овоз билан қайта ва қайта такрорлай бошлади. У мактубга кўз ташлади — таниш дастхат; йирик ва майда ҳарфлар, текис сатрлар, аммо уни ёзган одам энди йўқ — ўлган!

У йўлакка кириб, зинадан кўтарилди, бир шода калит орасидан керагини топиб, хона эшигини очди. Хона қоронғи ва совуқ эди. У дераза олдида ўтириб, сўниб бораётган куннинг ёруғида Викториянинг мактубини ўқий бошлади.

“Азизим Юханнес, — деб ёзган эди у. — Сиз бу мактубни ўқийганингизда мен оламдан ўтган бўламан! Ажабо, энди сиздан андиша ҳам қилмаяпман ва гўё ўртамизда ҳеч қандай тўсиқ йўқдай яна сизга ёзаяпман ҳам. Илгари, соғ бўлган пайтимда, кечаю кундуз изтироб чекишга рози бўлардим-у аммо сизга мактуб ёзишга журъат этолмасдим; лекин энди жоним жисмимни тарк эта бошлади, ҳамма нарса ўзгарди. Бегона одамларнинг кўзи олдида оғзимдан қон келди, врач мени кўриб, битта ўпкамнинг фақат бир бўлагигина қолганини айтди, — энди нимагаям андиша қиламан?

Мен тўшагимда ётиб, сизга айтганим охирги сўзларим ҳақида ўйлайман. Бу гап оқшом чоғи ўрмонда бўлган эди. Ўшанда мен сиз билан охирги марта гаплашаётганимни билмаган эканман, билганимда, сизга миннатдорчилик изҳор этиб, мангу видолашган бўлардим. Мана энди сизни бошқа кўра олмайман, шу боис, мен ўшанда қаршингизда тиз чўкиб, оёқларингизни, хоки пойингизни ўпмаганимга, сизни беҳад севар эдим, деб айтмаганимга энди аччиқ-аччиқ ўкинмоқданман. Мен тўшагимда михланиб ётарканман, ҳар куни — кеча ҳам, бугун ҳам, — зора-мора озгина кувватга кирсаму уйимга қайтсам, ана унда ўрмонга бориб, сиз билан ёнма-ён ўтирган еримизни, сиз менинг қўлларимни ушлаб ўтирган ерни қидириб топардим, деб орзу қиламан; топсам, ерга ётиб олиб оёқларингиз изини қидириб топиб, худди супургигулдай ўпаверардим, ўпаверардим... Лекин мен, ойим умид қилганидек, сал-пал дармонга кирмагунимча, уйимга қайта олмайман.

Азизим Юханнес! Менинг ёруғ жаҳондаги бутун ҳаётим — туғилиш ва сизни севишдан иборат бўлиб, мана, энди ҳаёт билан видолашмоқданманки, бу машъум фикрга кўникаш мен учун ниҳоятда оғирдир. Бу ерда ётиб, аста-секин яқинлашиб келаётган вақти-соатингни кутишининг ўзи гоёт ажабланарли ҳол. Мен

ҳаётдан, одамлардан, кўчадаги беҳаловат югур-югурлардан қадам-бақадам узоқлашмоқдаман; энди мен баҳорни ҳам ҳеч қачон кўролмаман, лекин бу ердаги уйлари кўчалар, истироҳат боғидаги дарахтлар — ҳамма-ҳаммаси гўё ҳеч нима содир бўлмагандек, яна ўша-ўша ҳолда яшайверадилар. Бугун бир озгина каравотимда ўтиришимга ва деразадан кўчани томоша қилишимга рухсат беришди. Кўча муволишида икки киши учрашиб, саломлашди, бир-бирининг қўлини олиб, ўзаро нималар ҳақидадир суҳбатлашди, кулишди, лекин мен — ўрин-кўрпа қилиб ўлимни кутиб ётган одам, — уларни кўриб ўзимни жуда ноқулай ҳис қила бошладим. “Пастда, кўчада чақчақлашиб турган анави икки киши, — деб ўйладим ўзимча, — бу ерда менинг ўлим тўшагида ётганимни билишмайди, лекин билишганида ҳам, барибир, бир-бирлари билан саломлашган ва кулишиб суҳбатлашган бўлишарди”. Кеча кечаси, зим-зиё қоронғида охири нафасим учиб чиқиб кетгандай бўлди, бирдан юрагим уришдан тўхтади, шунда қулоғимга жуда олис-олисдан боқий дунёнинг оҳиста пичирлаши эшитилгандай бўлди. Лекин бир дақиқадан кейин яна ҳушимга келдим ва яна нафас ола бошладим. Бу ҳиссиётни таърифлашга тилим лол. Ойим, қулоғингга, шунчаки, дарёнинг шовуллагани, уйимиздаги шалоланинг овози эшитилгандир, деб айтяпти.

Эй худойим-е, сизни нақадар севганлигимни билишингиз керак, Юханнес! Мен буни сизга айтолмаган эдим, айтишим учун кўп нарсалар, ҳаммадан ҳам кўпроқ ўзимнинг қайсар табиатим халал берган эди бунга. Дадам ҳам ўзига нисбатан жуда бешафқат эди, ахир мен унинг қизиман-ку. Лекин энди, баски, мен бу оламдан кўз юмаётган эканман ва бунга асло монёлик қилиб бўлмас экан, мен буни сизга ошқора айтишга жазм қилдим. Нега бундай қилаётганимга ўзим ҳам ҳайронман, ахир энди сизга бунинг аҳамияти йўқ-ку... айниқса, мен ўлганимдан кейин; аммо шунга қарамай, мен ҳаётимнинг то сўнгги дақиқасигача сиз билан ёнма-ён бўлишни, ўзимни, ҳеч бўлмаса энди, бир пайтлардагидек, ёлғиз ҳис этмаслигимни хоҳлайман. Мана, мактубимни қандай ўқиётганингизни тасаввур қилаётгандайман, сизнинг ҳар битта ҳаракатингиз, сизнинг елкаларингиз, сизнинг қўлларингиз, мактубимни қандай ушлаб ўқиётганингиз менга намоён бўлмоқда. Хайрият, энди биз бир-биримиздан унчалик узоқ эмасмиз, деб ўйлайман мен. Афсус, сизга одам юбора олмайман, бунга ҳаққим йўқ. Бундан икки кун бурун ойим сизга одам юбормоқчи ҳам бўлди, бироқ мен, яхшиси, хат ёзганим маъқулроқ, деган қарорга келдим. Қолаверса, сиз мени касал бўлмасимдан олдинги қиёфамни ёдингизда сақлаб қолишингизни истардим. Эсимда, сиз... (шундан кейинги бир неча сўз ўчириб ташланган эди)... кўзларим ва қошларимни; аммо улар ҳам энди бир вақтлардагидек эмас. Мана шунинг учун ҳам, сизнинг келишингизни хоҳламадим. Сиздан яна бир нарсани илтимос қиламан — тобутда ётганимда менга қараманг. Эҳтимол унчалик ўзгармасман, фақат рангим бўзарган бўлиши мумкин, ундан кейин, эгнимда сариқ кўйлагим бўлади; ҳар қалай, агар сиз мен билан видолашгани келсангиз, бу сиз учун жуда оғир кечинма бўлади.

Мен бу хатни ёзишга бир неча марта чоғландим, аммо барибир, айтмоқчи бўлганларимнинг мингдан бирини ҳам ёза олмадим. Мен жуда кўрқяпман, ўлишни истамайман, мен ҳали ҳам худодан умид қиламан: шояд дардим озгина енгиллашса-ю, ҳеч бўлмаганда, яна баҳоргача яшасам. Баҳорда кунлар чароғон бўлади, дарахтлар япроқлар билан безанади. Агар соғайиб кетсам, ҳеч қачон дилингизни оғритмасдим, Юханнес. Мен ҳар гал бу ҳақда ўйлаганимда, кўзёшларимни ҳеч тўхта олмайман! Оҳ, ўз оёғим билан юриб кўчага чиқа олсам, мен кўчаларга ётқизилган ҳар битта тошни қўлларим билан силардим, ҳар бир уйнинг эшиги олдида тўхтаб, ҳар битта пиллапоёга таҳсинлар айттардим, ҳаммага фақат яхшилик қилган бўлардим. Ўзимнинг аҳволим ёмон бўлса ҳам, азоб чексам ҳам майли — ишқилиб яшасам бўлгани. Мен ҳеч қачон ҳеч нима деб нола қилмасдим, зорланмасдим, агар биров мени урса, жилмайиб унга, раҳмат, деган бўлардим ва худога шукроналар айттардим, фақат яшасам бўлгани. Ахир мен ҳали зигирча ҳам яшаганим йўқ, ҳали ҳеч кимга ҳеч қандай яхшилик қилолмадим; менинг ана шу ҳали яшамаган умрим тугай-тугай деб турипти. Оҳ, жон таслим қилиш мен учун нақадар оғир эканлигини билсангиз эди, бирон чора топармидингиз, қўлингиздан келган ҳамма ишни қилиб, ҳеч нимани аямай,

менга ёрдам берган бўлармидингиз... Тўғри, сиз ҳеч нима қилолмайсиз, лекин менинг кўнглимга: “Агар сиз ҳам, ер юзидаги ҳамма одамлар ҳам парвардигорга сизгиниб, менинг умримни узайтиришни илтижо қилсалар нима бўларкин?” деган ҳаёл келди. Оҳ, шунда мен бутун башариятдан миннатдор бўлардим, мен ҳеч қачон ҳеч кимга заррача ёмонлик қилмаган ва қисматимга битилган ҳар қандай мушкулликни табассум ила қабул қилган бўлардим, — фақат яшасам бўлгани...

Ойим тепамда йиғлаб ўтирипти. У кечаси билан менинг аччиқ қисматимдан зорланиб йиғлаб чиқди. Бу йиғи озгина бўлса-да менга тасалли беради, фироқ аламини юшатади. Бугун менинг кўнглимга яна шундай фикр ҳам келди: яхши кунларнинг бирида мен ясаниб кўчага чиқсаму сизни кўриб қолсам ва тўғри истиқболингизга юриб бориб (йўқ, йўқ, дилингизни ранжитувчи сўз айтиш ниятида эмас), бундан олдинроқ сотиб олганим қизил гулни сизга узатсам, нима қилган бўлардингиз, деб ўйладим. Лекин шу лаҳзанинг ўзидаёқ, энди ҳеч қачон ўзим хоҳлаган ишни қила олмаслигим, чунки энди ҳеч қачон... то ўлгунимча тузалмаслигим эсимга тушиб йиғлаб юбордим. Мен ҳозир тез-тез йиғлаб тураман, ётган еримда узоқ-узоқ ва бетиним йиғлайман. Агар энтимасдан йиғласам кўрагим оғримайди. Юханнес, азизим, эъозли дўстим, менинг дунёда ягона маҳбубим, қош қорайган чоғда қошимга кел, бирпас мен билан бўл. Келганимда мен йиғламайман, баҳоли қудрат табассум қиламан... келиб мени хушбахт этганинг учун...

Эвоҳ, қайда қолди менинг гурурим, довюраклигим! Ҳа, энди мен отамнинг қизи эмасман — унга ўхшамай қолдим; сабабки унга ўхшаш учун менда ҳолқудрат қолмади. Юханнес, мен кўп изтироб чекдим, изтиробларим анча илгари бошланган эди. Сиз чет элга жўнаб кетганингизда мен қаттиқ азоб чекканман, баҳор пайтида шаҳарга кўчиб келганимдан бери бўлса, худо берган ҳар бир кун менга янги-янги азоб олиб келарди. Илгарилари туннинг бениҳоя узоқ чўзилиши мумкинлигини ҳеч билмаган эдим. Шу ўтган вақт ичида мен сизни икки марта кўчада кўрдим; бир марта сиз кўшиқ хиргойи қилиб ёнимдан ўтиб кетдингиз, лекин мени пайқамадингиз. Мен сизни Сейерларникида кўриш умидида эдим, аммо сиз у ерга бормадингиз. Борганингизда ҳам, мен сизга яқинлашмаган, сизни гапга тутмаган бўлардим, билъакс, сизни узоқдан бўлса ҳам кўриш бахтига мушарраф бўлганим учун беҳад миннатдор эканлигимни гойибона изҳор этардим сизга. Лекин сиз бормадингиз. Шунда мен, эҳтимол, сиз мени кўрмаслик учун у ерга бормагандирсиз, деб ўйладим. Соат ўн бир бўлганда мен рақс туша бошладим, чунки сизни кутишга ортиқ ҳолим қолмаган эди. Ҳа, Юханнес, мен сизни севар эдим, фақат сизни севган эдим... умрбод. Бу мактубни сизга Виктория ёзмоқда ва тангрим тепамда туриб, ёзган сўзларимни бирма-бир ўқимоқда.

Энди сиз билан видолашаман, қоронғи тушиб қолди, ҳеч нима кўрмайман. Алвидо, Юханнес, мен ўзим яшаган ҳар бир кун учун ташаккур айтаман сизга. Мен бу дунёни тарк этарканман, ҳаётимнинг сўнгги сониясигача сизга ташаккур изҳор этгайман ва арши аълога қиладиган узоқ парвозим чоғида тинмай сизнинг исмингизни пичирлаб боргайман. Бахтли бўлинг ва бир вақтлар дилингизни оғритиб қўйганим учун ҳамда қаршингизда тиз чўкиб, сиздан кечирим сўрай олмаганим учун, мени афв этинг. Энди мен сиздан дилимда узр сўрамоқдаман. Бахтли бўлинг, Юханнес, энди мангу видолашайлик. Яна бир марта сизга ҳамма-ҳаммаси учун, ҳар бир яшаган куним, ҳар бир соатим учун раҳмат айтаман. Дармоним қолмади.

Сизнинг Викториянгиз

Чироқ ёқишди, хонам анча ёришди. Мен яна ҳушимдан кетиб, ер юзидан узоқ-узоқларга парвоз этдим. Худога шукрки, бу гал аввалгидек кўрқинчли бўлмади, мен ҳатто сокин мусиқа садосини ҳам эшитдим, энг муҳими — қоронғи эмас эди. Мен беҳад миннатдорман. Қувватим қолмаяпти. Алвидо, менинг суюкли маҳбубим...”

Владимир ВИСОЦКИЙ

Уруғ сепинг ернинг бағрига

ЗАМИН ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Уруғ ташлаб овора бўлманг,
Замин тамом куйди” деган ким?
Ким — Заминни ўлди деб айтган, —
У фақат бир лаҳза қолди жим.

Оналиги — Ернинг туганмас,
Бўлганидек денгизга сув хос.
Ким ишонди Замин куйди деб,
У андуҳдан қорайди холос.

Ўйиқ ўхшар дардбахш ярага,
Бу хандақлар — чавақланган тан,
Замин биздек сезгир жисми-ла,
Дардларни ҳис қилар дафъатан.

Ногиронлар сафига қўшманг
Барчасига мағрур чидар у,
Ер қуйламас дея ким айтди,
Ким айтди: Ер сукутда мангу?

Йўқ, ўлмаган, Она Ер сўзсиз,
Вужудидан артмоқда қонни,
Замин ахир бизнинг жонимиз,
Ахир топтаб бўларми жонни?!

Замин ўлди дея айтар ким?
Бир муддатга қолгандир у жим.

*Рус тилидан
Амиркул
КАРИМ
таржимаси*

Владимир Висоцкий (1938—1980) таниқли рус шоири ва актёри. Москвадаги Таганка драма ва комедия театрининг машҳур артисти. Кўплаб киноларда унутилмас сиймолар яратган. Ўз шеърларига куй басталаб, моҳирона ижро этган. “Асаб” шеърий тўплами ёшларнинг севимли китоби. Шу китобдан айрим шеърларни ўзбек журналхонлари эътиборига ҳавола этаётимиз.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

62

ЧЎҚҚИ САРИ

М. М. Хергиане хотирасига

Музликлар четидан одимлайсан сен,
 Чўққидан нигоҳинг узмайсан бир пас,
 Тоғлар булут ютиб ухлайди эзгин,
 Кўчкилар шаклида чиқарар нафас.
 Бироқ ҳеч нигоҳин узолмас сендан,
 Гуё мангу ором этгандек ваъда,
 Ҳар гал хушёр этар тош кўчки билан
 Гоҳ юҳо ёриқлар иржайиши-ла,
 Тоғлар фалокатни сезишар олдин,
 Довонлар туманда қолди қисиниб,
 Сен ҳали фарқига бормасдинг, лекин
 Ёрилиш нимадир, тоғ кўчкиси не?
 Ёрдамга чақириб ҳайқирсанг, тикка
 Қояларни тутди оҳинг нидоси.
 Шамоллар овозинг ёйди кенгликка
 Радиодаъватдек тоғлар садоси.
 Довон-чун жанг борган ҳар лаҳза, ҳар он,
 Сенга тушмасин деб душман нигоҳи.
 Ҳар бир тош кўксини айлади қалқон,
 Қоялар елкасин тутдилар гоҳи.
 “Оқил тоққа чиқмас” деган гап бекор.
 Измига солмади сени бу гумон,
 Харсанглар юмшади, эриди музлар,
 Оёғинг остида пар бўлди туман.
 Мангу қор бағрида ётсанг абадий
 Энг яқин кишингдек мунғайган таъби —
 Қоялар эгилиб боқар, дунёда
 Энг собит ёдгорлик лавҳаси каби...

* * *

Кўприк ёниб битди, кечувлар тубсиз,
 Тумонат кўринар бош суяк қат-қат.
 Кириш ҳам, чиқиш ҳам беркилган, сўзсиз,
 Йўл битта — оломон ортидан фақат.

Жиловга кўниккан қўш от-ла тез-тез,
 Дунёнинг торлигин айлаб намоён,
 Катта доирада бирор муродсиз
 Одимлаб боради маҳкум оломон.

Ивиган ранглардек ёмғирда уйқаш,
 Олдинга интилар бир маромда, о,
 На ҳид бор ва на гул, на оҳанг, на сас,
 Ҳаттоки ҳавода йўқ зарра ҳаво.

Ҳеч қандай телбалик, шижоат азми
 Маънисиз гардишга бермас интиҳо.
 Бу “мангу ҳаракат” деганимасми?
 Ҳа, ўша, — “доимо олға интилмоқ!”

* * *

Ишониб чопмадим сароблар сари,
 Беҳиштни кўрмадим тушимда ухлаб,
 Ёлгон баҳри ютди муаллимларни,
 Магадан ёнида ташлади туфлаб.

Юксакдан боқдим дуч келса жирканч иш,
 Нопокликдан холи бўлмадим лекин,
 Ларзага солмади мени Будапешт,
 Прага дилимни айламади хун.

Ҳаёту сахнада ҳайқирдик гоҳо:
 — Дўстларим, адашган бандага ёрмиз!
 Ҳадемай сезишар, беришар баҳо.
 Ким қарши? — Жонингдан умидинг борми?

Хавфни ҳис этмоқни билардик ахир,
 Аёзлар келмасдан анча илғари.
 Сурбетлик кетидан кирарди ақл,
 Тақа-тақ ёпарди дил эшикларин.

Алафдек кирмаса ҳамки шум ўқлар,
 Юракни ҳовучлаб кун кечирдик биз.
 Биз ҳам Россиянинг мудҳиш кунлари,
 Ароққа ўргатган болаларимиз.

* * *

Тутунда қиёфанг балқийди элас,
 Ёқсалар ҳар оқшом хотирамга шам,
 “Вақт — малҳам” сўзига ишонгим келмас,
 Барчаси ўткинчи деган гапга ҳам.

Энди ҳаловатдан тушмасман айру,
 Аввал бандаргоҳга, сўнг тайёрада,
 Дилдаги боримни олиб кетди у
 Бағрида қолдириб беомон қадар.

Қалбим биёбондир, бўм-бўш бесурур,
 Нега эзгилайсиз ахир бўшлиқни,
 Кўнглимнинг сахнида ўргимчак тўри,
 Ҳам ёлғиз парчаси — ўтли қўшиқнинг.

Йўлсиз мақсадларнинг эзгин макони —
 Қалбимни титсангиз агар баногоҳ,
 Бўлурсиз бир жуфт сўз, зумлик дийдору,
 Париж, Франгистон меҳридан огоҳ.

Майли, тутун ичра чехранг балқисин,
 Майлига, оқшомлар менга ёқсин шам,
 Вақт — малҳам, сўзига ишонгим келмас,
 Барчаси ўткинчи, деган гапга ҳам.

* * *

Кулранг костюмдаги қоп-қора одам —
 У вазир бўлгандир, бошлиқ, ҳарбий ҳам.
 Масхарабоз янглиғ, турқин юз туслаб,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Ўпкангга туширар, ногоҳ, бесабаб.
 Совуқ табассум-ла қирқар қанотим,
 Ҳайқиригим “дод”га ўшар гоҳ шундан,
 Мен эса азобдан тишлаб лабимни

Оҳиста инграймак: Шукур, тирикман.
 Иримчи эдим мен, изладим таъбир,
 Бир кун тугар дедим, барчаси бекор...
 Ҳатто кабинетга юлқиниб кирдим,

Сўнгра қасам ичдим: Келмайман такрор!
 Мен ҳақимда кимдир гап ёйди гоҳ кез:
 — Парижга қатнайди қўшни қишлоқдай,
 Юртдан ҳайдаш керак бундайларни тез,

Тавба, бошлиқларнинг кўзи қаёқда?
 Ҳовлим, маошимдан сўзладилар сўнг,
 Гўё пул домига кетганмиш муккам,
 Олинглар барчасин, сизларга бердим,

Олинг уч хоналик зиндонимни ҳам.
 Эл-юртга танилган шоир дўстларим
 Оҳиста ғурур-ла қоқиб елкамга
 Менга насиҳатлар бердилар бари:

— Қофия қилмагин “одам”ни “ғам”га.
 Баногоҳ тугади шунда бардошим,
 Сенсираб қошига бордим ўлимнинг.
 Ҳайқирикдан чўчиб, келолмай яқин,
 У кўпдан пойларди менинг йўлимни.

Ҳакам саволидан қочиб юрмасман,
 Жавоб бергум зеро этсалар талаб.
 Умримнинг энг сўнги лаҳзасигача
 Яшадим шу мўъжаз юким орқалаб.

Аммо ёлгон надир, нима муқаддас
 Мен эрта англадим, бўлсам-да ғариб,
 Менинг йўлим битта, шу холос, дўстлар,
 Бахт танлаш имкони этмаган насиб!

* * *

Суяк ташланг итларга ахир,
 Бир-бирларин таласин ғингиб,
 Бадмастларга ароқ берингиз
 Ичгач, улар қолишар тинчиб.

Қарғалар ҳам семирмасин кўп,
 Кўрқитгани нарсалар қўйинг.
 Севишганлар севсин, беринг жой —
 Бурчагидан муаззам уйининг.

Балки берар бир кун нишона,
 Уруғ сепинг бағрига ернинг.

Итоаткор бўламан мен ҳам,
Тезроқ менга Озодлик беринг!

Гўшт беришса қаранг, итларга
Талашмади, — бу қандай одат?
Ароқхўрга ароқ тутсалар
Ичмайман, деб у ҳам этди рад.

Чўчитсалар ҳамки қаргани
У одамдан қўрқмади сира.
Жуфтларга жой беришди, улар,
Ажралишга излайди чора.

Сув қуйишди ерга муттасил,
Дарак йўқдир, ажаб, уруғдан...
Кеча менга Хурлик беришди, —
Энди уни нима қиламан?

‘ ОБ’

‘НО’

* * *

Ҳеч кимса йўқ, қанча хўрсинма,
Қани сен-ла учрашсак шу тоб,
Сен хат ёзгин менга, Марина,
Телефонда қайтаргум жавоб.

Бўлсин икки йил аввалгидек
Учрашайлик кўпга, мангуга.
Бизнинг висол доим тасодиф —
Тушунарсан, кечирарсан ҳам.

Мени бунча эркалаб суйган,
Билмагайман, ўзга бир қўлни.
Бундай қўлни денгизчилар-у,
Соғинади ҳам менинг кўнглим.

Энди қўшиқ айтмам ҳеч кимга,
Хушнуд этмас балки бу хабар.
Турмага ҳам тушгум сени деб,
Мукофот деб тушунсанг агар.

Етказишса, сендан ўзга ҳеч,
Кимса керак эмас деб менга,
Сен ишонма, ҳали ҳижрон-у,
Ишқ захрин кўп ичурмиз бирга!

* * *

Қўшиқларим тақиқ этилган,
Ҳазили йўқ, имоним бутун —
Қирқ кунча оч яшаса бўлар,
Сувсиз — етти, менсиз-чи — беш кун!!.

ТЕПАЛИК

Улар тепаликка ўзиникидек
Ёпишиб олдилар сайрар миномёт.
Вокзал буфетига интилган янглиғ
Биз унга чирмашдик тўп бўлиб бот-бот.

Тепанинг ўт очиш минтақасида
Юксакка югуриб, биз гоҳи ётдик.
Гуё шу тепада ҳаёт йўллари,
Тақдирлар баногоҳ кесишган эди.

“Ура” ҳайқириви қотарди тилда,
Биз ногоҳ ўқ чайнаб ютган маҳали,
Тепа етти карра бизники бўлди,
Етти бор чекиндик ташлаб тепани,

Боз жангга кирмоқни истамас ҳеч ким,
Замин қайнаётган бўтқага монанд.
Саккизинчи гал ҳам олармиз уни,
Нонимиз сингган ер бизники абад.

Айланиб ўтмоқлик лозимдир балки?
Унга шунча ёпишдик, нечун?
Ҳа, энди англадим, ушбу тепада
Тақдирнинг йўллари тўқнашгани чин.

Барча қишлоғимиз, ўрмон, шаҳримиз
Юксалмиш мана шу тепалик бўлиб,
Тақдир тўқнашгани рост эрур, шундан
Музаффар бўлар ким, ким тинар ўлиб.

Улар тепаликка ўзиникидек
Ёпишди, ўқ селин тинмай ёғдириб.
Биз эса муттасил олдга интилдик
Содиқ ўртоқларни мангу қолдириб.



Сидни ШЕЛДОН

Орзиқиб кутаман эртани

Роман¹У Н
У

3

Амстердам поезди Пенсильвания вокзалидан қўзғалгандан кейингина Трейси енгил нафас ола бошлади. Ҳар дақиқада у оғир қўл елкасига тушиб: “Сиз ҳибсга олиндингиз”, деган овозни эшитаман, деган хавотирда эди.

У поездга чиқаётган ҳар бир йўловчини пинҳона кузатарди, бироқ ҳеч ким унга эътибор бермаётган эди. Асабий тангликдан елкалари учиб турарди. Трейси кимдир тезда изимга тушмаган, мабодо тушган бўлса ҳам менга қарши ҳеч қандай далил-исбот кўрсатиша олмайди деб, ўзини-ўзи ишонтирар эди. Конрад Морган йигирма беш минг доллар билан уни Сент-Луисда кутмоқда. Пулинг борми, еганинг олдинда, емаганинг ортинда! Шунча пулни топиш учун банкда бир йил ишлаши лозим бўларди» “Оврупога жўнайман, — деб хаёл сурди Трейси. — Париж. Йўқ. Парижга эмас. Биз Чарльз билан ўша ерга асал ойини ўтказишга бормоқчи эдик. Мен Лондонга бораман.” Қизиғи шундаки, ҳозиргина Трейси ўтган синов, ўзини мутлақо бошқа одам деб ҳис этишга мажбур этди. Худди янги туғилган кимсадек.

У купесини ичидан кулфлаб олди ва чарм халтачани олиб оғзини ечди. Зебзийнатлар ранго-ранг товланиб, унинг кафтига тўкилди. Учта бриллиант узук, зумрад кўзли тўғнағич, ёқут кўзли билагузук, уч жуфт зирак, иккита балдоқ, биттаси — ёқут, иккинчиси — марваридли эди.

“Бу ерда бир миллиондан зиёд долларли зебу зийнат бор экан-ку”, — ҳайратга тушди Трейси. У орқасига ташланиб, кун бўйи хаёл суриб ўтирди.

Ижарага олинган машина... Денгиз Қоясига бориши... Тун сукунати... сигнализацияни ўчириб уйга кириши... сейфни очиши... сигнализациянинг улаиб кетишидан ҳанг-манг бўлиб қолгани ва полициячиларнинг пайдо бўлиши. Улар тунги кўйлакли, юзи ниқобли, жингалак сочи ўралган аёлнинг ўзи қидириляётган ўғри бўлиши мумкинлигини хаёлларига ҳам келтирмадилар.

Трейси ҳозир ўз купесидида ўтириб, мамнун бўлиб жилмаяр эди. Полицияни лақиллатиб кетгани унга ҳузур бағишларди. У ниҳоят хавфли, бошни ҳайратомуз гангитиб қўядиган вазиятдан йўлини топа олди. Трейси ўзини мутлақо енгилмайдигандек ҳис этарди.

Купесининг эшиги тақиллади. Трейси тақинчоқларни шоша-пиша чарм халтага солди-да, халтани чемоданига жойлаб, чиптани қўлига олиб, эшикни очди.

Кулранг костюмли икки киши йўлақда туришарди. Биттаси кўринишдан ёши ўттиздан хиёл ошган, иккинчиси эса ундан чамаси ўн ёшларча каттага ўхшайди. Ёшроқ эркакнинг истараси иссиққина, алп қоматли эди. Мугуз гардишли кўзойнақдан ақлли кўк кўзлар тикилиб турарди. Ёши катта кўринган кимсанинг жигарранг кўзлари совуқ назар ташларди.

¹ Давоми. Боши ўтган сонда.

— Хўш, хизмат?

— Ҳа, мэм, — деб жавоб берди ёши каттароғи. У чўнтагидан гувоҳномани олиб кўрсатди: **Кўшма Штатлар Федерал тергов бюроси, юстиция бўлими.**

— Мен — махсус вакил, Деннис Тревор бўламан. Бу — махсус вакил Томас Боуэрс.

Трейсининг оғзи бир зумда қуриб қолди. У ўзини зўрлаб жилмайди.

— Афсус, тушунмаяпман. Бирон кор-ҳол юз бердимми?

— Ҳа, мэм, — деди ёш вакил. У юмшоқ жанубий талаффузда гапирарди.

— Бир неча дақиқа бурун поезд Нью Жерсига ўтди. Ўғирланган молларни чегарадан олиб ўтиш жиноят ҳисобланади.

Треиси бирдан бўшашиб кетди. Кўз олди қоронғилашди, Деннис Тревор сўзида давом этди:

— Марҳамат қилиб юкларингизни очсангиз. Бу илтимос эмас, балки буй-руқ.

Треиси пўписи қилмоқчи бўлди.

— Йўқ, очмайман! Менинг купемга бундай тарзда киришга қандай журъат этдингиз. — Трейсининг овозида қаҳр-ғазаб оҳанги сезилиб турарди. — Ҳалол одамларни безовта қилишдан бошқа ишингиз йўқми? Мен ҳозир вагон оғасини чақираман.

— Биз у билан гаплашиб бўлдик, — деди Тревор.

Трейсининг пўписаси ўтмади.

— Э-ҳа, ҳибсга олишга ордерингиз борми?

Ёш эркак мулойим деди:

— Бизга ордернинг ҳожати йўқ, мисс Уитней. Биз сизни жиноят устида қўлга оляпмиз.

Улар ҳатто Трейсининг исмини ҳам билишаркан. Қопқонга тушди. Кутулишнинг иложи йўқ. Ҳа, ҳа...

Тревор чемодани очиб, Трейсининг кўзи олдида буюмларни титкилаб, чарм халтачани олди. Тугунчани ечиб, шеригига қараб имлаб қўйди. Оёқлари бирдан ҳолсизланган Трейси ўриндиққа аста ўтириб қолди.

Тревор чўнтагидан бир варақ қоғоз чиқариб, халтачадаги бор нарсани рўйхатга солиштириб кўрди-да, сўнг халтачани чўнтагига солди.

— Ҳаммаси тўғри, Том.

— Қандай... қандай қилиб исботлайсиз буни? — аламноқ оҳангда базўр сўради Трейси.

— Бизга бирон-бир ахборот беришга рухсат этилмаган, — жавоб берди Тревор. — Сиз ҳибсга олиндингиз. Индамасликка ҳаққингиз бор, лекин гапириш олдидан адвокат ёллашингиз мумкин. Ҳозир айтган барча гапларингиз ўзингизга қарши далил сифатида қўлланиши мумкин. Тушундингизми?

— Ҳа, — деди Трейси шивирлаб.

— Афсуски, шундай бўлди. Мен сизнинг ўтмишингизни билишимни назарда тутмоқдаман, чин дилдан ачинаман.

— Худо хайрингни берсин, — деди ёши каттароғи. — Ахир бу дўстона учрашув эмас.

— Биладан, лекин тагин...

Ўрта ёшлардаги киши Трейсига қўлкишан узатди.

— Қўлларингизни олдинга чўзинг, марҳамат қилиб.

Трейсининг юрак-бағри тилка-пора бўлиб кетди. У қўлларига кишан тортилган ҳолатда Янги Орлеан аэропортида турганлигини ва унга тикилиб қараб турган башараларни эслади.

— Илтимос! Наҳот... Ахир бунинг зарурати борми?

— Ҳа, мэм.

Ёшроқ киши деди:

— Деннис, сенда икки оғиз гапим бор...

Деннис Тревор елка қисди: — О'кей.

Улар йўлакка чиқишди. Трейси ҳайратдан донг қотиб қолди. Уларнинг суҳбатлари узуқ-юлуқ эшитиларди.

— Худо хайрингни берсин, Деннис, унга қўлкишан кийгизиш шарт эмаску. У қочишга жазм қилолмайди.

— Қачон сен бунақа содда болагингни ташлайсан. Бюрода менчалик ишлаганингдан кейин...

— Юр. Унга дам олишга рухсат берайлик. У шу даражада ҳаяжонланяптики...

— Унинг нима қилмоқчи бўлаётганига нисбатан бу ҳали ҳолва...

Трейси суҳбатнинг давомини эшита олмади. Истаги ҳам йўқ эди. Бир дақиқадан сўнг улар купега киришди. Ўрта ёшдаги киши жаҳлдордек кўринарди.

— Хўп, — деди у. — Қўлкишан кийдириб ўтирмаймиз. Сизни кейинги бекатда туширамиз. Радио орқали Бюро билан боғланамиз, улар машина юборади. Сизга купедан чиқишга рухсат этилмайди, тушундингизми?

Тили калимага келмаётган Трейси бош ирғади.

Ёш йигит Том Боуэрс раҳми келиб гўёки: “Қўлимдан келганда сиз учун кўпроқ ёрдам қилардим”, — дегандек елкаларини учирди.

Ҳеч кимнинг қўлидан келмайди ҳам. Айниқса ҳозир. Жуда кеч. Трейсини жиноят устида қўлга олишди. Полиция қандайдир йўл билан унинг изига тушиб ФБРга маълум қилган.

Агентлар йўлакда вагон оғаси билан гаплашиб туришарди. Боуэрс Трейсини кўрсатиб бир нималар деди, лекин у тушунмади. Вагон оғаси бош ирғади. Боуэрс купенинг эшигини беркитди. Трейсининг назарида қамоқ эшиги ёпилгандек бўлди.

Трейси дераза ортида ўтиб бораётган қишлоқ манзарасига парво ҳам қилмасди. У ваҳима исканжасида қалт-қалт титрарди. Қулоқлари остида нимадир гумбир-гумбир қиларди-ю, лекин бу шовқиннинг гилдирак тақиллашига ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. Трейси берилган имкониятдан фойдалана олмади. Рецедивист бўлиб қолди. Унга олий жазо беришади, бу сафар қутқариши лозим бўлган қамоқхона бошлигининг қизи бўлмайди. Қандай қилиб ушлаб олишди экан булар? Ўғрилиқдан хабардор бўлган бирдан-бир одам — Конрад Морган, боз устига Трейсини ва қимматбаҳо буюмларни ФБРга топшириш учун унда ҳеч қандай сабаб бўлмаган. Балки унинг дўконидаги қандайдир клерк бундан хабар топиб полицияни огоҳ қилгандир. Бироқ қай йўсинда бўлганининг аҳамияти йўқ. Муҳими шуки, уни қўлга олишди. Трейси кейинги бекатда яна қамоқхонага жўнади. Аввал дастлабки тинглов, кейин суд, ундан кейин эса...

Трейси кейингисини ўйлашдан воз кечиб, кўзларини юмиб олди. Юзларидан иссиқ ёш томчилари оқиб тушди.

Поезд тўхтаб бошлади. Трейси бор кучи билан елпинарди. Унга ҳаво етишмаётганди. ФБРнинг иккита айғоқчиси уни олиб кетиш учун ҳар дақиқада кириб қолишлари мумкин. Салдан кейин, бекат кўринди, бир неча дақиқадан сўнг поезд бир силкиниб, тўхтади. Лаш-лушни йиғиштирадиган вақт келди. У чемоданини йиғиштирди-да, чўккалади. Ҳеч ким келмасди. Улар нима қилишлари мумкин? Трейсининг эсига уларнинг айтганлари тушди: “Сизни кейинги бекатда тушириб юборамиз. Биз радио орқали Бюро билан боғланамиз, улар машина юборишади. Сизга купедан чиқиш ман этилади”.

Вагон оғасининг бақириви эшитилди:

— Ҳамма вагонларга чиқсин.

Трейси саросимага туша бошлади. Балки улар платформада кутиб туришгандир. Шундай бўлса керак. Агар вагонда қолса уни қочишга уринишда айблайдилар, бу эса ишни янада оғирлаштиради. Трейси чемоданини кўтарди-ю, купе эшигини очиб йўлакка чиқди.

Вагон оғаси:

— Ҳа, шу ерда тушмоқчимисиз, мисс? — деб сўради у. — Шошилмаганингиз маъкул эди. Келинг, ёрдамлашиб юбораман. Сизнинг аҳволингиздаги хотин оғир юк кўтариши мумкин эмас.

Трейси унга диққат билан тикилди.

— Қайси аҳволда деяпсиз?

— Уялиб ўтирманг. Акаларингиз менга сизни ҳомиладор дейишди ва қараб туринг, деб илтимос қилишди.

— Акаларим?

— Ажойиб йигитлар экан. Сиз учун қайғуришаётгани шундоқ кўриниб турибди.

Дунё ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Ҳамма нарса остин-устун бўлди.

Вагон оғаси чемоданни олиб чиқиб, Трейсига вагондан тушишга кўмаклашиб юборди. Поезд тезлигини оширди.

— Акаларим қаёққа кетишганини билмайсизми? — бақриб сўради Трейси.

— Йўқ, мэм. Улар поезд тўхташи билан сақраб таксига чиқиб олишди.

Баҳоси бир миллионлик ўғирланган зебу зийнат билан-а?

Трейси аэропортга отилди. Модомики икки киши такси ёллашган экан, борадиган яккаю ягона жойлари ўша ер, уларнинг шахсий машиналари йўқ, бинобарин, иложи борица шаҳардан тезроқ чиқиб кетиш чорасини кўрадилар. У таксининг орқа ўриндиғида уни шу кўйга солишгани учун ич-этини кемираётган газабдан, шу даражада лақиллатиб кетишгани учун номусидан ўзини кўярга жой тополмай кетарди. Иккови ҳам бир-биридан ўтиб тушади-я! Вой ярамаслар-ей! Ўз ролларини аъло даражада бажаришди! У моҳирона ўйналган полициячилар найрангига лақ этиб тушганини ўйлаб, қизариб кетди.

“Худо хайрингни берсин, Деннис, унга қўлқўшдан кийдириш шарт эмас. У қочмоқчи эмас-ку...”

“Шунақа болаларча соддалигинг қачон қолади? Мен каби Бюрода шунча ишласанг...”

Бюро? Иккови ҳам қаллоб, иккови ҳам қонунга чап бериб юришгани аниқ. Шундай экан, Трейси ўша зебу зийнатни қайтариб олиши керак. У иккита муттаҳам лақиллатиб кетиши учун бошидан шунча нарса кечирмаган. У ўз вақтида аэропортга етиб бориши шарт.

Трейси энгашиб ҳайдовчига деди:

— Тезроқ ҳайданг, илтимос, тезроқ.

Трейсини тунаганлар учиш майдонига чиқаверишда туришарди. Трейси уларни дарров таниди. Ўзини Том Боуэрс деган ёшроқ киши энди кўзойнаксиз эди, у мўйловини олиб ташлаганди. Иккинчи эркак, Деннис Тревор қалин қора сочларини тақир қилиб олиб ташлаганди. Шунга қарамасдан Трейси уларни таниди. Кийимларини алмаштиришга вақтлари етмабди. Трейси етиб олганида икки қароқчи деярли учиш йўлига чиқаёзган эдилар.

— Сиз бир нарсани унутибсиз, — деди Трейси уларга тик боқиб.

Икковлон орқаларига ўтирилиб, Трейсига қўрқув назарини ташлашди. Ёшроқ эркакнинг қовоғи солинди.

— Бу ерда нима қилиб юрибсиз? Бюродан сизни олиб кетиш учун бекатга машина келиши керак эди-ку, — унинг тилидаги жанубий талаффуз йўқолганди.

— Ундай бўлса юринг, қайтиб бориб уни топамиз, — таклиф этди Трейси.

— Иложимиз йўқ. Бизда бошқа топшириқ бор, — деди Тревор. — Биз ана шу самолётга улгурмоғимиз лозим.

— Аввал менинг тақинчоқларимни беринг, кейин учасиз, — талаб қилди Трейси.

— Афсус, бундай қилолмаймиз, — деди Боуэрс. — Бу ашёвий далил, тақинчоқларни олганимиз ҳақида сизга тилхат юборамиз.

— Йўқ. Менга тилхат керак эмас. Менга тақинчоқлар керак.

— Кечирасиз, — деди Тревор. — Биз уларни суд қарорисиз ҳеч кимга беролмаймиз.

Улар самолётга чиқиш учун йўлга тушишди. Тревор текширувчига қўлидаги қорозини узатди. Трейси умидсизликка тушиб атрофга аланг-жаланг қаради ва нарироқда турган полициячинини кўриб қолди-ю, қичқираёзди:

— Жаноб офицер! Жаноб офицер!

Трейсини тунаганлар кўрқиб ортларига ўтирилдилар.

— Жин ургур, нима қилаётганингни биласанми? — дўқ қилди Тревор. — Ҳаммамизни ҳибсга олишини истайсанми?

Полициячи улар томон кела бошлади.

— Хўш, мисс? Нима гап?

— О, ҳаммаси жойида, — деди кулиб Трейси. — Манави ажойиб икки киши мен йўқотган бир-иккита қимматбаҳо буюмларимни топиб олишибди, энди менга қайтариб беришяпти. Мен жуда кўрқувдимки, йўқотганим ҳақида ФБРга мурожаат этишимга тўғри келадими деб.

Иккала эркак бир-бирларига ғалати қараб қўйишди.

— Улар мени таксигача кузатиб қўярсиз, деб таклиф қилишмоқда, албатта, йўқ демасангиз.

— Албатта. Бахтиёр бўламан.

Трейси эркакларга ўтирилди.

— Энди хавф бартараф бўлди, тақинчоқларни менга берсангиз бўлаверади. Бу ёқимтой офицер менга ғамхўрлик қилади.

— Лекин кечирасиз, — эътироз билдирди Том Боуэрс. — Яхшиси, ўзимиз.

— О, йўқ, жуда илтимос қиламан, — бўш келмасди Трейси. — Ишончим комилки, шу самолётда кетиш сизга ҳам фойдадан холи бўлмаса керак.

Иккала эркак полициячига ночор нигоҳ ташлаб, сўнгра бир-бирларига қарашди. Улар ҳеч нарса қилолмасдилар. Том Боуэрс истар-истамай чўнтагидан чарм халтачани олди.

— Мана у! — деди Трейси халтачани қўлига оларкан, уни очиб ичига қаради. — Худога шукур! Ҳаммаси жойида.

Том Боуэрс сўнги бор уриниб кўрди.

— Уларни хавфсизроқ жойда биз сақлаб турсак ёмон бўлмасди, деб ўйлайман, токи биз...

— Шарт эмас, — деди Трейси. У сумкасини очиб ичига халтачани солди-да, иккита беш доллар олиб, ҳар бирига беш доллардан улашди.

— Бу миннатдорчилигимнинг арзимас белгиси, менга кўрсатган илтифотингиз учун.

Барча йўловчилар ўтиб бўлишган эди. Текширувчи таклиф қилди:

— Ҳой, йигитлар, самолётга чиқмайсизларми, бортга чиқишингиз керак.

— Яна бир бора сизга қатга раҳмат. — Трейси чиройи очилиб табассум қилди ва полициячининг қўлтиғидан ушлаганча нари кетаркан:

— Бизнинг давримизда ҳалол одамларни учратиш жуда камёб ҳодиса-да, — деди.

4

Том Боуэрс, асли Жеф Стивенс иллюминатор олдида ўтириб, самолётнинг ердан узилишгани томоша қиларди. У юзига дастрўмолини босди, алаmidан йиғлаб, елкалари титрай бошлади. Унинг ёнида ўтирган Денис Тревор — Бриндон Хиггенс деган одам Жефга ҳайрон бўлиб тикилди.

— Ҳой, — деди у, — ахир бу бор-йўғи пул-ку. Шунини деб уввос солишнинг ҳожати йўқ.

Кўзлари ёшга тўлган Жеф Стивенс унга ўтирилди-ю, қиқирлаб кулаётганини кўриб ҳайратга тушди.

— Сенга нима бўлди, жин ургур? — дея сўради Хиггинсдан. — Кулишнинг асло ҳожати йўқ.

Жефнинг бунга важи бор. Улар аэропортда олган панднинг Трейси амалга оширган услуби Жеф қачон бўлмасин ўзи гувоҳ бўлган найранглар ичида энг буюғи эди. Конрад Морган эса бу аёл оддий бир ишқивоз, деб таъриф берганди. “Ё тавба, ҳақиқийсига айланганда бу аёл қандай бўлиб кетар экан?” — деб ўйлади у ўзича. Жеф умрида учратган аёллар ичида Трейси Уитней, шубҳасиз, энг латофатлисиси эди. Ақли доно Жеф қаллобликда ўзига тенг келадигани йўқ деб ғурурланиб юрарди, Трейси эса уни доғда қолдириб кетди. “Бу қиз Вилли амакига ёққан бўларди”, хаёлидан ўтди унинг.

Вилли амаки Жефни тарбия қилди. Жефнинг онаси сепига ер-сувли ферма олиб, фикр-хаёли тез орада бойиб кетиш ниятида юрган исрофгар бир фитна-

чига эрга тегиб кетди. Жефнинг қорачадан келган, қадди-қомати келишган, тили бийрон отаси беш йил турмуш қуриб, хотинининг бутун меросини кўкка совурди. Жефнинг ёшлик хотирасида фақатгина ота-онасининг пул учун ва отасининг суюқоёқлиги туфайли чиқадиган доимий жанжаллари қолган. Ота-онасининг турмуши аччиқ ва омадсиз бўлиб чиқди, натижада болакай: “Мен ҳеч қачон уйланмайман. Ҳеч қачон”, — деб уйланмасликка қарор қилди.

Отасининг укаси Вилли амаки эса ўртамиёна карнавал¹ эгаси эди. Бир куни Марион яқинидаги Стивенслар истиқомат қиладиган Огайо штатига бориб қолганда уларни кўргани кирди. Вилли амаки эртанги фаровон ҳаёт орзуларига тўла неқбин хаёллар оғушида яшарди. У Жефга қизиқ-қизиқ тухфалар олиб келар ва уни фаройиб кўзбўямачиликка ўргатарди, нега деганда Вилли амаки ишни циркда кўз бойлагич бўлиб бошлаганди. Отаси хонавайрон бўлганда Вилли амаки ҳамма ишни ўз қўлига олди.

Жеф ўн тўрт ёшда. Онаси автомобил ҳалокатига учраб, нобуд бўлганидан икки ойдан сўнг отаси барда официантка бўлиб ишлайдиган ўн тўққиз ёшли бир қизга уйланди.

— Эркак киши бир ўзи яшамаслиги керак, — отаси уйланишининг сабабини шундай тушунтирди. Лекин бола қаттиқ ранжиди; ўзини хўрланган деб ҳисоблади.

Отаси гумашта бўлиб ишларди, уйига уч ҳафталаб келмасди. Бир куни тунда Жеф эшикнинг гийқиллаб очилишидан уйғониб кетди. Бир дақиқадан сўнг ёнида юмшоқ, яланғоч ётган гавдани кўрди. Жеф ваҳимадан ўрнидан сапчиб туриб кетди.

— Мени кучоқла, Жефи, — шивирлади ёш ўғай онаси. — Момақалдироқдан кўрқаман.

— Бу... бу момақалдироқ эмас, — дудуқланиб жавоб берди Жеф.

— Бўлмаса ҳозир бўлиши мумкин. Газетада ёмғир ёғади деб хабар беришган. — Ўғай она болани бағрига маҳкамроқ босди. — Ишқ ўйинини қилайлик, болакай.

Бола саросимага тушиб қолди.

— Яхши. Балки бу ишни отамнинг ўрнида бажарармиз?

— О'кей, — дея аёл нозланиб кулди. — Ўйинлар билан, а?

— Ҳозир бораман, — дея ваъда берди Жеф.

Аёл ўрнидан даст туриб, иккинчи хонадаги ётоқхонасига ўтди. Жеф умрида биринчи марта тез кийиниши эди. У деразадан сакраб ошиб тушди-да, орқасига қарамай Вилли амакининг цирки томоша кўрсатаётган Канзас штатидаги Симарронга жўнади.

Вилли амакисининг “нега уйдан қочиб келдинг”, деган саволига, Жеф:

— Ўғай ойим билан келишолмадик, — дея қисқа жавоб берди.

Вилли амаки Жефнинг отасига қўнғироқ қилди ва телефон орқали бўлган узоқ суҳбатдан кейин бола карнавалда қолади, деб қарор қилишди.

— Жеф бу ерда ҳар қандай бошқа мактабдан яхшироқ таълим олади, — деб ваъда берди Вилли амаки.

Карнавал ўзига хос бутун бир дунё эди.

— Биз яқшанба мактабида томоша кўрсатмаймиз. Биз — ҳийла-найранг ус-тасимиз, — деб тушунтирди Вилли амаки. — Лекин ўғлим, шуни ёдингда тут, сен мол-дунё орттириш йўлида муққасидан кетмаган одамларни алдашга ҳаққинг йўқ. Филдс бу қондани ўйлаб топган. Сен ҳалол одамларга фириб бермаслигинг даркор.

Масхарабозлар Жефга дўст бўлиб қолишди. Карнавалда дилбар, гўзал қизлар ҳам қатнашаётган эдики, улар ёш йигитларни ўзларига маҳлиё қилардилар. Жефга онасининг сезгирлиги-ю, отасининг қизил юзли гўзаллиги мерос бўлиб қолганди ва хонимлар Жеф билан биринчи кечани ўтказиш ҳуқуқини олиш борасида бир-бирлари билан тортишиб қолишди. Шу йўсинда Жефнинг иш-қий тажрибаси орта борди...

¹ Ярмарка усулидаги цирк томошалари.

Вилли амаки Жефни карнавалда мавжуд бўлган турли хил ишга жалб этарди.

— Вақти-соати келиб буларнинг ҳаммаси сеники бўлади, — деди Вилли амаки. — Бунга эришишнинг ягона йўли — циркни бошқалардан кўра яхшироқ билиш.

Жеф олтига мушук билан ўйин кўрсата бошлади. Томошабин брезент олдидаги ёғоч пояга ўтказилган олтига мушукни колтоқ билан уриб тушириш учун пул тўларди. Томоша эгаси дастлаб уларни уриб тушириш қанчалик осон эканини намойиш этади, лекин томошабин шундай қилмоқчи бўлса, брезент орқасида турган “нишондор” мушукларни бошланғич вазиятда ушлаб турган яширин чивикни кўтарар эди.

— Ҳой, ахир сен жуда паст отяпсан-ку, — дерди ҳар қандай томошабинга хўжайин. — Бор-йўғи эҳтиёт бўлиб урсанг енгил кўчади.

“Эҳтиёт ва енгил” сўзлари ўзига хос пароль бўлиб, хўжайин шу сўзларни айтганида брезент орқасида турган “нишондор” чивикни туширарди ва хўжайин ёғоч пояда мушукларни уриб туширар эди. Шундан кейин у:

— Нима деганим тушунарлими энди? — деб сўрар ва бу сўзлар “нишондор” учун чивикни яна кўтариш учун ишора вазифасини бажарар эди. Бу томоша учун ҳиринг-ҳиринг “қизи” олдида ўзини кўрсатмоқчи бўлган ношуд қишлоқи йигит доим топилиб туради.

Вилли амаки бир куни Жефга:

— Ишларинг ёмонмас, йигит, — деди, — сен билан мағрурлансам бўлади, жуда устаси фаранг бўлиб кетяпсан.

Устаси фаранглар жамиятнинг эркатойига айланади, қолган қўғирчоқбозлар эса уларга очикдан-очик ҳурмат билан қарашади. Усталар ҳар қандай бошқа циркчига нисбатан кўп пул топишар, энг яхши меҳмонхоналарда кўнишар ва қимматбаҳо лимузинларда юришарди. Қаллобларнинг севимли эрмаклари секторлари рақамларга бўлинган кўрсаткичли ясси рулетка бўларди. Пулини тўлаган мижоз рулеткани айлантиради, кўрсаткич биронта рақамли секторда тўхтади, кейин уни бекитишади. Навбатдаги айлантириш учун қўшимча ҳақ тўлаш лозим. Қаллоб, барча секторлар ёпилгандан кейин мижоз катта пул ютади, деб тушунтирар эди. Корчалон унга имкониятнинг ортяпти, деб далда беради. Қаллоб асабий равишда аланг-жаланг қилиб, шивирлайди:

— Мен бу ўйинни тан олмайман, лекин ютаман деб ўйловдим. Агар сен ютсанг менга озгина чўворасан-да?

Қаллоб мижоздан беш-ўн доллар ундириб олгандан кейин:

— Мен учун кўясанми? Бўлди, энди ютқизмайсан! — деб эълон қиларди.

Бечора содда “шеригим” бор, деб ишонади. Жеф мижозлардан пул “соғиб олиш” бўйича мутахассис бўлиб қолди. Чунки рулеткада очик жой борган сари камаяр, ютмоқчи бўлган тентаклар эса кўпаяр, ўйин қизиқ борар эди.

— Энди нишонга тегасан! — хитоб қиларди Жеф, ўйинга қўрқмай яна пул чиқарарди. Ниҳоят, қолган битта битта кичкина сектор қолганда ўйин авжига чиқади. Қурбон бор пулини қўяди. Аммо мижозлар ҳеч қачон юта олмас эдилар. Бунга ё корчалон, ёки билдирмасдан тирсаги билан столни суриб қўядиган ёрдамчи сабаб бўладими, ҳар ҳолда кўрсаткич керакли жойда тўхтамасди.

Жеф қўғирчоқбозларнинг барча жаргонларини жуда тез ўзлаштириб олди.

“Сўлкавой” — бу ўйин дастгоҳини лақма одамлар ютмайдиган қилиб қўйиш атамаси. Иккинчи даражали шоу олдида туриб маҳмаданагарчилик қиладиганларни “валдирвас” десалар, қўғирчоқбозлар уларни “гапдон”, дейишарди. Гапдон “тўда”, яъни халойиқ йиққани учун тушумнинг ўн фоизини оларди. “Ҳийла” — топширилган соврин; “Почтачи” — улушга кирган айғоқчи.

Карнавалнинг энг даромадли фокусларидан бири — чопаётган сичқон. Тиррик сичқонни столнинг ўртасига қўйиб, устини товоқ билан ёпишади. Стол томонлари бўйлаб ўнта рақамланган тешик қўйилган, товоқ кўтарилганда сичқон истаган тешикка қочиши мумкин. Мижоз бирорта тешикка гаров кўярди. Сичқон қайси тешикка қочса шу одам ютади.

— Бунда сўлкавойни қандай қилиб уддалайсан? — деб сўради Жеф Вилли амакидан. — Ургатилган сичқонларинг борми?

Вилли амаки овози боричча хахолаб юборди.

— Жиннимисан, сичқонларни ўргатишга кимнинг вақти бор? Йўқ, йўқ. Бу оддий нарса: томоша эгаси қайси тешикка гаров қўйилмаганини кўриб, бармоғини сирка билан ҳўллайди ва сичқон қочиши керак бўлган ўша тешикка бармоғини теккизиб қўяди. Сичқон ҳар сафар ўша тешикка чопаверади.

Қорин рақсини ижро этувчи кўҳликкина қиз, Карен Жефни калит ўйини билан таништириб қўйди.

— Шанба кечқурун, — деди унга Карен, — эркакларни битта-биттадан четга чақир ва менинг автошатагимнинг калитини сот.

Калитлар беш доллардан сотилди. Ўн ёки ундан зиёд эркаклар Кареннинг автошатаги атрофида гирдикапалак бўлиб айланишар эди. Бу пайтда Карен шаҳардаги меҳмонхоналаридан бирида тунни Жеф билан ўтказди. Эртасига фириб қурбонлари ўч олиш учун тўхташ жойига келишади, бироқ шоу узоққа кетиб қолган бўлади.

Жеф кейинги тўрт йил ичида инсон табиати ҳақида кўп нарсани билиб олди. У очқўзлик уйғотишнинг қанчалик осонлигини, одамларнинг лақма ва соддалигини тушунди. Улар ёлғон-яшиқ гапларга ишонардилар, чунки очқўзлик шунга мажбур этарди.

Жеф ўн саккиз ёшида ҳайратомиз даражада гуллаган гўзал йигитга айланди. Аёллар унинг маънодор кулранг кўзларига, баланд қомати ва жингалак қора сочларига дарров баҳо берар эдилар. Эркаклар унинг ақлига ва очиқ ҳазил-мutoйибани ҳис этишидан қойил қолишарди. У болалар қалбига дарров йўл топарди. Томошага келган аёллар ўйлаб ўтирмай Жеф олдида гирдикапалак бўлишарди, лекин Вилли амаки огоҳлантирди.

— Шаҳарлик қизлардан нари юр, болажоним. Уларнинг оталари доим шерик бўлиб чиқади.

Жеф карнавални пичоқ отувчи бир қиз деб ташлаб кетди. Карнавал Жоржия штатининг Миледжвил шаҳрига борди. Циркка сицилиялик пичоқ отувчи Буюк Зорбини исмли янги артист ёллашди. Буюк Зорбини асбоб-анжомларини бир ёқлик қилгунча унинг латофатли хотини Жефни меҳмонхонадаги ўз хонасига таклиф этди.

— Зорбини кун бўйи банд бўлади, — деди малла сочли гўзал Жефга. — Кичкина базми-жамшид қилмаймизми?

— Ёмон фикр эмас.

— Менга бир соат муҳлат бер, кейин хонамга чиқавер, — деди аёл.

— Нега бир соат кутиш керак? — сўради Жеф.

Аёл жилмайиб жавоб берди.

— Барча тараддулларимга шунча вақт кетади.

Жеф кутди, унинг синчковлиги ортиб борар ва ниҳоят отель хонасига борганда қиз уни остонада ярим яланғоч ҳолда кутиб олди. Жеф унга интилди, лекин аёл унинг қўлини қайтариб, деди:

— Буёққа юр.

Ванна илиқ сув билан аралаштирилган олти хил зардобга тўла эди.

— Бу нима?

— Бу овқат. Ечинавер, бэби.

Жеф ечинди.

— Энди ваннага туш.

У ваннага тушиб ўтирди ва умрида ҳис этмаган ширин шаҳвоний ҳирсни сезди ўзида. Юмшоқ силлиқ суюқлик баданининг ҳар нуқтасига кириб, силаб-сийпалаётгандек эди. Аёл унга қўшилди.

— Ҳозир бизда ленч¹.

У Жефнинг кўкрагидаги желени ялай бошлади, кейин пастга тушди.

— Ҳмм, бунақа ширини бўлмаган! Мен қулупнайлигини яхши кўраман.

Жувоннинг тили ва ипақдек юмшоқ желенинг суркалиши тасвириб бўлмайдиган шаҳвоний ҳирс уйғотарди, энг авжига чиққан пайтда ванна эшиги ланг

¹ Ленч — таом.

очилиб, остонада Буюк Зорбини пайдо бўлди. Сицилиялик хотинига ва Жефга ўтли қараш қилиб италянча қичқириб деди:

— Оҳ, сен фоҳиша! Икковингни ҳам ўлдираман! Пичоқларим қонсираяпти!

Жеф биронта сўзга тушунмаган бўлса ҳам оёқ ости бўлган эрнинг важоҳатини сезди. Буюк Зорбини пичоқларига югуриб кетди, Жеф эса баданига ёпишиб қолган желе билан ваннадан сакраб чиқди-да, кийимларини олиб деразадан сакради ва хиёбон бўйлаб қочди. У орқасида бўлаётган шовқинни эшитар ва боши узра визиллаб учиб ўтган пичоқни ҳис этди. Бир, икки, шу тариқа бир нечтаси учиб ўтди-ю, бироқ Жеф пичоқ етадиган доирадан узоқда эди. Кейин у кийинди ва автобус бекатига етиб олди.

Олти ойдан кейин Жеф Вьетнамда ҳозир у нозир бўлди. У ғалаба қилиб бўлмайдиган урушда икки йил вақтини ўтказди. Ғоят катта миқдорда йўқотилган маблағ ва одам ҳаётлари уни ларзага солди ва ҳарбий ҳаракатларга, сотқинликка, ўз ўйинлари билан қовун тушираётган генералу сиёсатдонларга нисбатан нафрат сеза бошлади. “Биз ҳеч ким истамаган урушга қўшилдик, — деб ўйлади Жеф. — Бу — товламачилик. Дунёдаги энг катта товламачилик”.

Жеф демобилизациядан икки ҳафта бурун Вилли амаксининг ўлими ҳақида хабар топди. Карнавал ёпилибди. Ўтмиш тамом бўлди. Келажак билан лаззатланиш вақти келди.

Хилма-хил саргузаштлар билан бойиган йиллар ўтди. Жеф учун бутун дунё карнавалга, одамлар эса ўлжага айланди. У фириб йўлларини камолотга етказди. Жеф бир долларни олиб, ўз қурбонига президентнинг сурати акс этган почта маркасини юборарди. Ё бўлмасам, журналларга муштарийларни огоҳлантириб беш долларни юбориш муддатига олтмиш кун қолди, йўқса, кеч бўлади, деб эълонлар юборди. Эълонларда шу беш долларга нима сотилиши айтилмасди, лекин пуллар бинойидек келиб турар эди.

Жеф денгизни яхши кўрарди. Оғайниси Таиландга кетаётган елканли кемада ишга таклиф этганда у матрос бўлиб ишга ёлланди. Узунлиги бир юз олтмиш беш футли оқ кема таранг тортилган елканлари билан офтобда товланар эди. Йигирма ўринли умумий салонга электр плиталар билан жиҳозланган кема ошхонасидан овқат тортилар эди. Экипаж каюталари бурун томонда жойлашган. Капитан, стюарт ва бош ошпаздан ташқари командада яна бешта палуба матрослари бор эди. Жефнинг иши елканларни кўтариш, мис ювиш, елканларни йиғиштиришдан иборат эди. Кемада саккизта одам саёҳатга чиққан.

— Кема эгасининг исми — Холлендер, — деди Жефнинг оғайниси.

Холлендер олтинранг сочли, йигирма беш ёшли гўзал Луиза Холлендер бўлиб чиқди. Отаси Марказий Американинг деярли ярмисига хўжайин эди. Қолган йўловчилар Луиза Холлендернинг дўстлари ҳисобланар, матрослар эса уларни нафрат билан “тасқаралар” деб аташарди.

Жеф палубада қуёш жазирамасида ниманидир артаётган эди. Луиза Холлендер унинг ёнида тўхтади-да:

— Сиз янги одаммисиз? — деб сўради.

Жеф нигоҳини кўтарди.

— Ҳа.

— Исмингиз?

— Жеф Стивенс.

— Чиройли исм экан. Менинг кимлигимни биласизми?

— Йўқ.

— Мен — Луиза Холлендерман. Бу менинг кемам.

— Тушунарли. Демак, мен сизга ишлаётган эканман-да.

Жувон жилмайиб қўйди.

— Тўғри.

— Ундай бўлса, бекорга пул сарфлашни истамай десангиз, ишимни давом эттиришга ижозат беринг. — Жеф шундай дедию ишини давом эттираверди.

Экипаж аъзолари кечқурун ҳазил-мутоиба билан йўловчиларни ҳақорат қилиб ўтиришди. Лекин Жеф уларга ҳаваси келмаётганини ўзича эътироф этди. Улар-

нинг келиб чиқиши, маълумоти, ўзларини эркин тутишларига ҳавас қиларди. Уларнинг ҳаммаси бадавлат оилалардан, энг яхши мактабларда ўқишган. Жефнинг мактаби эса — Вилли амаки ва унинг карнавалидан нари ўтмайди.

Кўғирчоқбозлар орасида қандайдир қимматбаҳо ёдгорликларни ўғирлаб сотиб юборгани учун университетдан ҳайдалган археология профессори ҳам кўшилиб қолган эди. Узоқ суҳбатдан кейин профессор Жефда археологияга қизиқиш уйғотди.

— Сен инсониятнинг келажагини ўтмишдан ўқиб олишинг мумкин, — деди профессор. — Ўғлим, шу ҳақда бир ўйлаб кўр. Минг йиллар бурун ҳам сен ва менга ўхшаган одамлар яшаган, ўзларининг орзу-умидлари бўлган, афсоналар тўқишган, қисқаси, ўз ҳаётларини кечирганлар ва ўз навбатида бизнинг бобокалонларимизга жон беришган, — профессор хаёлчан, уфққа бефарқ боққанча гапида давом этди, — Карфаген — мен қазилмаларни давом эттирмакчи бўлган ерим. Исо туғилишидан анча бурун бу улуғ шаҳар бўлган. Қадимий Африканинг Парижи эди. Унда одамларнинг ўз ўйинлари, ўз ҳаммомлари, жанг аравалари бўлган. Баҳайбат Циркус Максимус кўлами жиҳатидан ҳозирги бешта футбол майдонидан катта бўлган.

У Жефнинг кўзларида қизиқиш уйғонганини сезди.

— Сен Катта Катон Рим сенатида нутқларини қандай якунлашга одатланиб қолганини биласанми? “Карфаген вайрон этилиши даркор”, дер эди у. Охиروقибатда унинг тилаги рўёбга чиқди. Римликлар шаҳарни таг-туги билан вайрон қилдилар, лекин йигирма беш йилдан кейин унинг харобалари ўрнида янги, буюк шаҳар барпо этиш учун қайтиб келдилар. Қани эди, сени ҳам ўша ерга олиб борсам, ўғлим.

Археолог бир йилдан кейин ичкиликвозликдан вафот этди. Жеф ажойиб кунлардан бир куни ўша ерда қазилма ишлари олиб боришга онт ичди. Даставвал ўзининг профессори хотираси учун.

Бир куни кечки пайт Жефни Луиза Холлендер каютасига таклиф этди. Луизанинг бадани шаффоф шойи халатда жилва қилиб турарди.

— Мени кўрмакчи экансизми, мэм?

— Сиз жувонбозмисиз, Жеф?

— Бу сизнинг ишингиз эмас, деб ўйлайман, мисс Холлендер, лекин жавоб бераман — йўқ. Шунчаки мен дидли одамман.

Луиза Холлендер лабини тишлаб қолди.

— Қанақа аёллар сизга ёқади? Қандайдир фоҳишалар бўлса керак-да?

— Ўз вақтида, — рози бўлди Жеф. — Яна нима истайдилар, мисс Холлендер?

— Ҳа, эртага кечкурун кенгроқ даврада тушлик ўтказмоқчиман. Сиз қатнашишни истайсизми?

Жеф жавоб беришдан олдин бекасига узоқ тикилиб қолди.

— Йўқ демасдим.

Шундан бошланди...

Жеф ва Луиза Манхеттеннинг Ист Сайд кўчасидаги хизматкорлари гиж-гиж йигирма беш хонали уйда истиқомат қилишарди. Луизанинг Лонг-Айленд ва Багамада йирик ер-мулки, Сардинияда вилла ҳамда Париждаги Фок-авенюда жуда катта уйи бор эди. Луиза “мазаратти”, “роллс корник”, “ламборжини” ва “даймер” маркали машиналар эгаси.

“Бу гаройиб”, деб ўйлади Жеф.

“Бу ажойиб”, дея ўйлади Жеф.

“Бу зерикарли ва хўрланиш”, деб ўйлади Жеф.

У бир куни эрта билан ўн саккизинчи асрга оид шойи чодирли каравотидан турди-да, елкасига “Салка” фирмасининг халатини ташлаб Луизани ахтариб чиқиб кетди.

Уни ошхонадан топди.

— Мен ишга боришим керак, — деди Жеф.

— Худо хайрингни берсин, жонгинам, нима учун? Бизга пул керакмас.

— Пул учун эмас. Наҳотки мени икки қўлини қовуштириб ўтирадиганлардан деб ўйласанг? Мен ишлашим керак.

Луиза бир зум ўйланиб қолди.

— Жуда яхши, малагим. Мен акам Тумба билан гаплашаман. Унинг фирмаси бор. Сен унинг фирмасида ишлагинг келяптими, азизим?

— Мен стулдан ўзимни узиб олсам бўлгани, — деб гўлдиради Жеф.

Жеф Тумбада ишлай бошлади. У шу вақтгача тўраларча вақти чекланган кун тартибига кўра ишламаган эди. “Менга ёқиб қолади”, деб хаёл сурди Жеф, гарчанд Тумбани ёмон кўрса ҳам. У фақат уйига ойлигини олиб келиш учунгина ишлар эди.

— Қачон ўз боламиз бўлади? — деб сўради у Луизадан кечки якшанба тамаддисидан сўнг.

— Яқинда, азизим. Мен ҳаракат қиляпман.

— Ётдик бўлмаса. Яна ҳаракат қилиб кўраимиз.

Жеф беш-олти саноат магнатлари даврасида қайноғаси учун буюртма қилинган таом столида ўтирар эди.

Тумба эълон қилди:

— Дўстлар, ҳозиргина гўшт-консерва компаниясининг ҳисоботини олдик. Бизнинг даромадимиз деярли қирқ фоизни ташкил этибди.

— Негаям бўлмасин? — стол атрофида ўтирганлардан бири кулиб юборди. — Сен барча қабул қилувчиларни сотиб олгансан. — У бошқаларга юз ўғирди. — Доно қари Тумба сифати ёмон гўшт сотиб олиб, “биринчи” деган муҳрни босади-да, бошқаларга сотади ва ўлгудек катта даромад олади.

Бу хабар Жефни ҳайратга солди.

— Ё тавба! Ахир гўштни одамлар ейди. Болаларига беришади. Шу гап ростми, Тумба?

Тумба ҳингиллади-да:

— Манавинга қаранг, ўргулдим сендек насиҳатгўйдан!

Жеф кейинги уч ой ичида дастурхон атрофидагиларни яхши билиб олди. Эд Зеллер Ливияда фабрика қурилиши учун бир миллион доллар пора берган. Конгломерат бошлиғи Майк Квинси компанияларни сотиб олаётганда доллар курсини сунъий камайтирган ва дўстларига ҳиссадорлик компанияларни қачон сотиш керагу, қачон сотиб олиш кераклиги ҳақида қимматли ахборот етказиб турган. Энг бой ҳисобланган Алан Томпсон ўз компаниясининг сиёсати ҳақида керилиб гапирди.

— Улар аҳмоқона қонунларини ўзгартириб олгунларича биз чолларни нафақага чиқмасларидан бир йил илгари ишдан бўшатиб юбориб, катта маблағни сақлаб қолдик.

Ҳаммалари солиқ тўламаслик учун ҳар хил ҳийла-найранг ўйлаб топишар, суғурта компанияларни гўл қилишар, йирик-йирик пуллар ҳисобини сохташтираб, ҳозирги маъшуқаларининг гўёки котиб ёки ёрдамчи сифатида хизмат қилаётгандек тўлов рўйхатларига жойлаштирар эдилар.

“Вой худойим-ей! — ўйларди Жеф. — Ахир уст-қиёфаларини ўзгартириб олган ҳақиқий кўғирчоқбозлар-ку”.

Хотинлари ҳам эрларига мос экан. Улар хасис, қўлларига нима тушса шунга чанг солишар, эрларига хиёнат қилишарди.

Жеф ичидагини Луизага тўкиб солганда у кулиб юборди.

— Соддалик қилма, Жеф. Кечираётган ҳаётинг ўзингга ёқади, шундай эмасми?

Очигини айтса, унга ёқмас эди. У Луизага керакман, деган ишонч билан ўйланган. Болаларим ҳаммасини ўзгартириб юборар, деб ҳисобларди.

— Ке, ҳеч бўлмаса битта туғиб бер. Турмуш қурганимизга бир йил бўлди.

— Фариштагинам, сабр қилгин. Мен дўхтир олдида бўлувдим, у соппа-соғсан деди. Балки сен ҳам соғлигинг ҳақида ишонч ҳосил қилиш учун текширтириб кўрарсан.

Жеф шундай қилди.

— Соғлом авлод етказишингиз учун шубҳа қилмасангиз ҳам бўлади, — дея ишонтирди уни доктор.

Лекин бояги-боягидек ҳеч нарса ўзгармади.

Ҳосиятсиз душанба куни Жефнинг руҳий дунёси парчаланди. Ҳаммаси эрталаб, Жеф аспириин оламан деб, Луизанинг дори қутисини титкилаганидан бошланди. Қути ҳомилага қарши дорилар билан тўлган. Ҳамлардан бири даярли бўш эди. Унинг ёнида оқ порошокли шишача билан тилла қошиқча ётганди. Лекин бу бошланиши экан.

Жеф туш пайти “Пилигрим” клубидаги чуқур креслода Тумбани кутиб ўтирган эди. Бирдан орқа томонида икки эркакнинг суҳбатини эшитиб қолди.

— Италиялик кўшиқчиники жуда каттароқ деб мақтанаяпти у.

Секин қиқирлаган кулги эшитилди.

— Албатта, Луиза каттароғини яхши кўради-да.

“Улар бошқа Луиза ҳақида гапиришмоқда”, деб ўйлади ўзича Жеф.

— Анави масхарабозга шунинг учун эрга теккан экан-да. Луиза у ҳақда шундай гаройиб воқеаларни айтиб берадики. Яқинда у кўрсатган қилиғини айтиб берсам ишонмайсан ҳам...

Жеф ўрнидан турди-да, рўпарасидаги ҳеч нарсани пайқамай клубдан чиқиб кетди.

Уни ҳали ҳеч қачон ҳис этмаган ғазаб қийнамоқда эди. У қанчалик ташна! У нотаниш италияликни ўлдиради! У Луизани ўлдиради. Кейинги бир йил ичида нечта эркакни кўриб чиқди? Ҳамма Жеф устидан кулмоқда. Тумба, Эд Зеллер, Майк Квинси, Алан Томпсон ва уларнинг хотинлари. Нияти, биринчи навбатда кўч-кўронини йигиб кетиш эди. Бироқ бу ақлли одамнинг иши эмас. Ҳаманинг ўз орқасидан майна қилиб қолишларига йўл қўйиб бўлмади.

Жеф кундузи уйга келганида Луиза йўқ эди.

— Хоним эрта билан чиқиб кетган эдилар, — деди қарол Пикенс. — Бир нечта учрашувлари бор шекилли.

“Гаров ўйнайман, у висол учрашувига кетган, — хаёлидан ўтказди Жеф. — У ўша италиялик билан...”

Луиза уйига қайтиб келганида Жеф ўзини босиб турди.

— Кунни яхши ўтказдингми? — сўради Жеф.

— Одатдагидек диққинафаслик билан, жонгинам. Сартарошхона, дўконлар... Ўзинг қалай, фариштам?

— Ажойиб кун бўлди, — очигини айтди Жеф. — Кўп нарсани билиб олдим.

— Тумбанинг айтишича, ишларинг жуда яхши эмиш.

— Ҳа, шунақа, — тасдиқлади Жеф. — Тез орада бунданам яхши бўлади.

Луиза унинг қўлини силаб қўйди.

— Менинг ажойиб эргинам. Вақтлироқ ўринга ёта қолсак нима дейсан?

— Бутун эмас, — жавоб берди Жеф. — Бошим қаттиқ оғрияпти.

Жеф кечани кейинги ҳафтанинг режасини тузиш билан ўтказди.

Ишни клубда ленч устида бошлади.

— Сизлар компьютерда безорилик қилиш ҳақида эшитганмисиз? — деб сўради Жеф.

— Нимаиди? — қизиқиб сўради Эд Зеллер. — Сенам бир уннаб кўрмоқчимисан?

Хахолаб кулиб юборишди.

— Йўқ, бу жиддий гап, — деди қатъий равишда Жеф. — Бу катта фалокат. Одамлар кодни териб компьютерларга киришади-да, банк, сугурта компаниялари ва бошқаларнинг миллион-миллион долларларини ўмаришади. Бу нарса кундан-кунга авж олмоқда.

— Ўзинг ҳам ўшалардан бирига шерикчилик қилаётгандай гапирасан-а? — гўлдиради Тумба.

— Мен яқинда биттаси билан учрашиб қолдим. У шундай компьютер ўйлаб топибдики, унга кириб бўлмас эмиш.

— Сен уни доғда қолдирмоқчимисан? — жиддий сўради Майк Квенси.

— Гап шундаки, мен унинг пулларини қайтариб бериш тарафдориман. Сиздан сўраётганим, орангизда компьютерни биладиганлар борми?

— Йўқ, — деб ишшайди Тумба. — Лекин ҳамма ихтирочиларни биламиз.

Жеф икки кундан кейин Тумбанинг ёнига бориб:

— Маъзур тутасиз, бугун сизларга қўшила олмайман. Бир меҳмон келиши керак эди, — деди.

Жеф бошқа столга бориб ўтирганда Алан Томпсон кулимсираб деди:

— Нима, у циркдаги соқолли хоним билан тушлик қилмоқчимми?

Букчайган оқсоч бир чол киши кириб келди-да, Жефнинг столи ёнига борди.

— Вой худойим! — ҳайратланди Майк Квинси. — Ахир бу профессор Акерман-ку!

— Профессор Акерман ким ўзи?

— Тумба, унинг иқтисодиёт ҳақида мақолаларини ўқимаганмисан? Ўтган ойда “Таймс” ўз муқовасида Вернон Акерманнинг суратини берди. У президент давлат илмий жамоасининг раиси. У мамлакатимизнинг энг буюк олими.

— Жин урсин, куёвимда қандай иши бор экан?

Жеф ва профессор овқат устида қизгин суҳбатлашиб ўтиришди. Тумба ва унинг дўстлари берган сари бетоқат бўла бошладилар.

Профессор кетганидан кейин Тумба столи олдидан ўтиб кетаётган Жефни тўхтатиб қолди:

— Ҳой, Жеф, ким у?

Жеф айбдорона қараш билан:

— Ҳў-ўш... Вернон ҳақида сўраясанми? — деди.

— Ҳа. У билан нимани гаплашдингиз?

— Биз... ҳалиги... — қолганлар кўзлари билан еб юборгудек Жефга бақрайиб туришарди. — Мен... ҳўп... у ҳақда китоб ёзмоқчиман. У жуда ажойиб шахс.

— Ёзувчи эканингни билмас эканман.

— Ҳаммамиз ҳам қачонлардир ёзишимиз керак, деб ўйлайман.

Уч кундан кейин Жеф бошқа одам билан нонушта қилди, бу сафар Тумба уни таниди.

— Ҳой! Ахир бу халқаро компьютерлар ҳайъатининг раиси Симор Жеррит-ку. Нима бало қилиб юрибди у бу ерда Жеф билан?

Жеф ва унинг меҳмони яна узоқ суҳбат қуришди. Расмий нонушта тугаганидан сўнг Тумба Жефни топиб, деди:

— Жефери, ўғлим, Симор Жерритда нима ишинг бор сени?

— Ҳеч нима, — дарров жавоб берди Жеф. — Шунчаки гап сотишдик.

Жеф кетишга шайланган ҳам эдики, Тумба уни тўхтатди.

— Шошилма, оғайни. Симор Жеррит жуда банд одам. У шунчаки гап сотиб ўтирмайди, — деди жиддий равишда.

— Яхши, Тумба, гап шундаки, Симор марка йиғишга ишқивоз, мен унга топиб бермоқчи бўлган маркам ҳақида айтиб бердим.

“Гап шундаки, мен — эшакман”, деб ўйлади Тумба.

Жеф кейинги ҳафтада дунёда энг йирик тижорат корхоналаридан бири — “Бартлет энд Бартлет”нинг президенти Чарльз Бартлет билан клубда тушлик қилди. Тумба, Эд Зеллер, Алан Томпсон ва Майк Квинси бурнини бурнига теккизиб суҳбатлашиб ўтирган бу икки кишига мафтун бўлиб қараб қолишди.

— Куёвинг кейинги пайтлари баланд парвоз қилмоқда, — деди Зеллер. — Тумба, у зимдан қандай иш қилиб юрганикин?

Тумба аччиғи келиб:

— Ҳозир билмайман, лекин албатта билиб оламан, жин урсин! Жеррит билан Бартлет қизиқиб қолишибдими, демак, бир қоп пулнинг ҳиди келяпти.

Бартлет ўрнидан туриб Жефнинг қўлини ушлаб шавқ билан силкитиб қўйди-да, чиқиб кетди. Жеф уларнинг столи олдидан ўтиб кетаётганида Тумба унинг қўлидан ушлаб қолди.

— Бирпас ўтир-чи, Жеф. Бизнинг сенда бир-икки оғиз гапимиз бор.

— Идорага боришим керак, — эътироз билдирди Жеф.

— Сен менда ишляяпсан, унутдингми? Ўтир! — Жеф ўтирди. — Ким билан тушлик қилдинг?

Жеф иккиланди.

— Шунчаки. Эски дўстим билан.

— Чарли Бартлет эски дўстингми?

— Шунга ўхшашроқ.

— Эски дўстинг Чарли билан нима ҳақда суҳбатлашдинг?

— Умуман... Ҳа... автомобиллар. Қария Чарли антиқа автомобилларни яхши кўради, мени эса ўттиз еттинчи йилда чиққан “Паккерд” ҳақида хабарим бор эди...

— Найрангбозликни қўй, — гапини бўлди Тумба. — Сен марка йиғмайсан, машина сотмайсан, ҳеч қандай китоб ҳам ёзмайсан. Нима бошламоқчисан?

— Ҳеч нима. Мен...

— Сен пул ўмараялсан, шундайми, Жеф? — деб сўради Эд Зеллер.

— Йўқ! — тез жавоб берди Жеф, гўё ўзини оқламоқчидек.

Тумба ўзининг гўштдор қўлини Жефнинг елкасига ташлади.

— Ҳой, оғайни, ахир мен сенинг қайнағангман. Биз бир оиламиз, унутдингми? — у Жефни бесўнақай кучоқлади. — Ҳалиги ўғирликдан ҳимоя қилинган компьютер ҳақида, ўтган ҳафтада гапирувдинг-ку, ўшами?

Улар Жефнинг афтидан қопқонга тушганини пайқашди.

— Ҳа, шу.

Бу тиш суғуришдек гап эди. Бу итвачадан бир нарсани билиб олиш учун нималар қилмайсан!

— Акермен ҳам бу ишга аралашганини бизга нимага айтмадинг?

— Мен, бунинг сизларга қизиғи йўқ, деб ўйловдим.

— Янглишялсан. Сенга капитал керак бўлса дўстларингга мурожаат этишинг керак.

— Мен билан профессорга пул керакмас, — деди Жеф. — Жеррит ва Бартлет...

— Жеррит билан Бартлет — аждарнинг ўзи. Улар сени тириклайин ютиб юборади, — хитоб қилди Ален Томпсон.

Эд Зеллер уни қўлади:

— Жеф, агар сен дўстларинг билан бирга иш қилсанг, зиён кўрмайсан.

— Ҳаммаси тўғри бўлди, — деди Жеф, — Чарли Бартлет...

— Бирон ҳужжатга қўл қўйдингми?

— Йўқ, лекин сўз бердимки...

— Унда ҳеч нарса тўғри бўлмаган. Жин урсин, Жеф, қария, бизнинг одамлар ҳар дақиқа қарорларини ўзгартириб туришади.

— Сизларга бу ҳақда гапирмаслигим лозим эди, — эътироз билдирди Жеф. — Профессор Акерменнинг номи эслатилиши мумкин эмас. У ҳукумат комиссияси билан шартномага имзо чеккан.

— Биз буни биламиз, — деди Томпсон мулойим. — Профессор ўша нарса иш беради, деб ўйламоқда шекилли?

— Унинг компьютер ишлатишдан хабари бор.

— Бу Акерменга қулай ва бизга ҳам тўғри келади, тўғрими, дўстлар?

Бир овоздан маъқуллаган товуш янгради.

— Афсус, мен олим эмасман, — деди Жеф. — Мен ҳеч нарсага кафолат беролмайман. Билишимча, ўша нарсанинг ҳеч қандай қиймати бўлмаслиги мумкин.

— Албатта. Тушунамиз. Лекин айт-чи, қанчага баҳоланмоқда, Жеф. Кўпгами?

— Икки миллион доллар, лекин бизга бор-йўғи икки юз эллик минг доллар нақд керак, холос, Бартлет ваъда...

— Бартлетни унут. Арзимаган пул экан, қария. Биз ўзимиз ўша пулни тўлаймиз. Фақат бу нарсани махфий тут. Тўғрими, дўстлар?

— Тўғри!

Тумба аланглаб бармоқларини қарсиллатди, официант шошиб унинг ҳузурига келди.

— Доминик, мистер Стивенсга бир варақ қоғоз билан ручка келтириб бер.

Официант шу онда топшириқни адо этди.

— Кичкинагина ишимизни шу ернинг ўзидаёқ бажарсак бўлади, — деди Тумба Жефга. — Сен бор-йўқ бир ҳужжат ёзиб, менга ҳуқуқ берасан, иккови-миз имзо чекамиз, эрталаб икки юз эллик мингга чек оласан. Шунга розими-сан?

Жеф пастки лабини тишлади.

— Тумба, мен мистер Бартлетга ваъда...

— Ўргидим, ўша Бартлетингдан, — тўнғиллади Тумба. — Сен унинг синг-лисига уйланганмисан ёки менинг синглимгами? Қани, ёз.

— Менда ҳали патент йўқ, иннайкейин...

— Ёзавер, жин урсин! — Тумба Жефнинг қўлига ручка тутқазди.

Жеф истар-истамас ёза бошлади:

“Ўз ҳуқуқимни, КАБА деб аталувчи электрон-ҳисоблаш машинасига бўлган хусусий ва фоизли даромад ҳуқуқимни харидорлар — Дональд Тумба Холлендер, Эд Зеллер, Алан Томпсон ва Майк Квинсига бўлажак икки миллион долларлик муқобил таъминлаш учун имзоланишда тўланадиган икки юз эллик минг доллар эвазига хусусий ҳуқуқимни топшираман. КАБА ҳар томонлама синовдан ўтган, ишда мустақкам (ишончли), сотувдаги ҳар қандай компьютердан камроқ қувват сарфлайди. КАБА камида ўн йил давомида таъмир ёки бирон-бир қисмини алмаштиришни талаб қилмайди.” Ҳаммаси Жефнинг елкаси оша ёзувга қараб турарди.

— Ё тавба! — деди Эд Зеллер. — Ўн йил-а! Сотувда бунга тенг келадиган биронта ҳам компьютер йўқ!

Жеф ёзишда давом этди: “На менинг, на профессор Акерменнинг қўлида КАБАга патент йўқлигидан харидорлар хабардордирлар...”

— Ўзимиз бунинг чорасини кўрамиз, — бетоқат сўз қотди Алан Томпсон. — Патент бўйича менинг юрист танишим бор.

Жеф аниқ-равшан қилиб қуйидаги сўзларни ёза бошлади: “Мен харидорларга, КАБА ҳеч қандай бозор нархига эга бўлмаслигини, ҳамда на профессор Акермен, на мен КАБА учун юқорида зикр этилганлардан ортиқ ҳеч қандай масъулият ва кафолат бермаймиз”. Жеф имзо чекиб қоғозни узатди.

— Шу етарлими?

— Ўн йилга эканига ишончинг комилми? — сўради Тумба.

— Кафолатланган. Мен фақат ҳужжатдан нусха оламан, — деди Жеф. Унинг нусха олишини ҳамма кузатиб турди. Тумба унинг қўлидан ҳужжатларни тортиб олди-да; имзо чекди. Зеллер, Квинси ва Томпсон ҳам шундай қилишди. Тумба қувончидан яшнара эди.

— Бир нусхаси сенга, бир нусхаси менга. Қария Симор Жеррит билан Чарли Бартлетлар оғир аҳволга тушиб қолсалар керак, а, йигитлар? Ишдан ҳайдалганларини англаганларини билиб қоладиган дамларини кутавериб, кўзларим тўрт бўлади энди.

Тумба эртаси эрталаб Жефга икки юз эллик минг сўмлик чек берди.

— Компьютер қани? — сўради Тумба.

— Мен уни туш пайтида клубга етказинг деб буюрдим. Ҳамма тўпланган маҳал олиб келишгани маъкул деб ўйловдим.

Тумба унинг елкасини қоқиб қўйди.

— Жеф, жуда бамаъни одамсан-да. Тушликда учрашамиз.

Қути кўтарган югурдак соат ўн иккига бонг урганида “Пилигрим” клубининг залида пайдо бўлди. Уни гердаиб ўтиришган Тумба, Зеллер, Томпсон ва Квинсилар столи олдига кузатиб қўйишди.

— Мана, келди! — хитоб қилди Тумба. — Ё тавба! Бу нарса ҳали ихчам ҳам экан-а!

— Жефни кутамизми? — сўради Томпсон.

— Балого гирифтор бўлмайдами у! Манави нарса энди бизники.

Тумба қути устидаги ўралган қоғозни йиртиб ташлади. У похолга ўралган нарсани эҳтиёткорлик билан кўтарди. Эркаклар бақрайиб қараб туришди. Тумба қўлида узунлиги бир футча келадиган, атрофи бир неча қатор сим билан сиқиб ўралган тўртбурчак ромни ушлаб турарди. Ўртага давомли сукунат чўкди.

— Бу нима? — ниҳоят савол берди Квинси.

— Бу — АБАК. Осиё мамлакатларида ҳисоб учун ишлатиладиган ихтиролардан бири, — деди Томпсон ва юз пардаси ўзгариб кетди.

— Вой худо! КАБА — бу тескари ёзилган абак-ку! — У Тумбага ўгирилди. — Бу қанақа ҳазил ўзи?

Зеллер оғзидан кўпиги чиқиб бақирди:

— Сотувдаги бор ҳар қандай компьютердан юз қувват кам сарфлайди. Фойдаланишда мустаҳкам... Лаънати чекни тўловдан тўхтатиш лозим!

Телефон орқали устма-уст кўнғироқ қилиш бошланди.

— Сиз имзолаган чек ҳақида билмоқчимисиз? — деб сўради бош иқтисодчи. — Бундан хавотир олманг. Мистер Стивенс бугун эрта билан ҳаммасини нақд олди. — Карол Пикенс минг бор узр сўради, — лекин мистер Стивенс юқларини жамлаб жўнаб кетди.

— У киши узоқ саёҳат ҳақида гапирган эдилар.

Ғазабдан жинни бўлаёзган Тумба ўша кунгидеки профессор Вернон Акерменга кўнғироқ қилишга муяссар бўлди.

— Ҳа, ўша, Жеф Стивенс. Ажойиб одам. Куёвим деяпсизми?

— Профессор, Жеф билан нима ҳақда гаплашган эдинглар?

— Ўйлайманки, бунинг ҳеч сирли жойи йўқ. Жеф мен ҳақимда китоб ёзиш орзусида. Унинг наздида, дунё олим одам қанақа бўлишини кўпроқ билгиси келармиш...

Симон Жеррит ёрилгиси келмасди.

— Мистер Стивенс билан нима ҳақда суҳатлашганимиз сизни нега қизиқтириб қолди? Нима, сиз, марка ишқивозимисиз?

— Йўқ. Мен...

— Бўлмаса бировнинг ишига бурнингизни суқманг. Ўхшаши йўқ бир марка бор экан, мистер Стивенс ўша маркани топа олса, менга сотаман деб ваъда берди.

Жеррит жаҳл билан гўшагни кўйди.

Тумба Чарли Бартлет нима дейишини олдиндан билар эди.

— Жеф Стивенс дейсизми? Э-ҳа, мен эски автомобил йиғаман. Ўттиз еттинчи йилда чиққан ўша тўрт эшикли “паккард”ни қаердалигини билади...

— Кўп ташвиш чекаверманг, — дўстларига таскин берарди Тумба. — Пулни қайтариб оламиз ва ўша итваччани қамоқхонада чиритиб юборамиз. Қаллобликка қарши қонун бор-ку, ахир!

Унинг кейинги манзили Скотт Фогартининг идораси бўлди.

— У бизни икки юз эллик минг долларга алдаб кетди, — деди Тумба юристга. — Мен уни бутун қолган умрини қамоқда чиритмоқчиман. Ордер ёз...

— Тумба, контракт ёнингиздами?

— Ҳа, мана, — Тумба Жеф ёзиб берган қоғозни узатди. Юрист унга кўз югуртирди, кейин қайтадан диққат билан ўқиб чиқди.

— Сизнинг имзоингизни қалбаки қилганми?

— Йўқ, нимага, — эътироз бирдирди Майк Квинси. — Биз ўзимиз унга имзо чекканмиз.

— Бу ерда нима ёзилганини ўқиб чиққан эдингизми, — деди Эд Зеллер жаҳл билан.

— Албатта, ўқиб чиққанмиз. Бизни тентак деб ўйлапсизми?

— Бу ҳақда ҳукм чиқаришни ўзингизга ҳавола этаман. Сиз икки юз эллик минг долларли нақд пулга ҳеч қандай патенти бўлмаган ва баҳоси йўқ нарсани сотиб олаётганингиз ҳақидаги шартномага имзо чеккансиз. Юридик тилда қари профессор айтганидек, бунинг номини: “Сизни бошлаб тузлашибди”, дегани бўлади.

Жеф ажралиш ҳужжатини Ренода расмийлаштирди. Янги жойга ўрнашаётган тасодифан Конрад Морган билан учрашиб қолди. Морган бир пайтлар Вилли амакининг кўлида ишлаган.

— Жеф, жиндек хизмат чиқиб қолди, ёрдам бериб юбормайсанми? — илтимос қилди Конрад Морган. — Ёшгина бир хоним бир озгина қимматбаҳо буюмлар билан Нью-Йоркдан Сент-Луисга саёҳат қилиб келяпти...

Жеф самолётнинг иллюминаторидан қараб Трейси ҳақида ўйларди. Унинг юзидан энгил табассум қалқиб турарди.

Трейси Нью-Йоркка келганидан кейин биринчи ташрифини Конрад Морганнинг заргарлик дўконига бурди. Морган уни ўзининг кабинетига кузатиб кириб, эшикни бекитди.

У қўлларини ишқаб деди:

— Мен жуда хавотирландим, азизим. Сизни Сент-Луисда кутдим ва...

— Сиз Сент-Луисда йўқ эдингиз.

— Нима? Нима демоқчисиз бу билан? — Унинг чуқур кўзлари ялтираб кетди.

— Айтмоқчиманки, сиз Сент-Луисга бормагансиз. Мени кутиб олишни ҳатто хаёлингизга ҳам келтирмагансиз.

— Йўғ-ей, мен бордим. Қўлингизда қимматбаҳо юк ва мен...

— Сиз иккита йигитни мени тунаш учун юборгансиз.

Морганнинг қиёфасида саросима аломати пайдо бўлди.

— Тушунмадим.

— Дастлаб мен бу иш ҳақида яна кимдир хабар топиб қолган бўлса керак, деб ўйладим. Лекин ҳеч ким билмаган, шундай эмасми? Сиз айтдингизки, шахсан ўзим поездга билет оламан деб, купемнинг рақамини бир ўзингиз билар эдингиз. Мен бировнинг номида, ниқобда эдим, лекин сизнинг одамларингиз мени қаердан топишни аниқ билар эканлар.

Морганнинг фариштадек бокира юзидан ниҳоятда ҳайратланиш аломати пайдо бўлди.

— Сиз айтмоқчисизки, қандайдир одамлар сиздан зеб-зийнатларни ўғирлаб кетишган, шундайми?

Трейси жилмайди.

— Мен айтмоқчиманки, улар ўғирлашолмади. — Морганнинг юзи шу заҳотиёқ самимий тус олди.

— Буюмлар ўзингиздами?

— Ҳа. Дўстларингиз самолётга шошилганларидан уларни унутиб қолдирдилар.

Конрад бир дақиқача Трейсига тикилиб қолди.

— Кечирасиз.

У ички эшикдан чиқди, Трейси эса чигилларини ёзиб кушеткага ястаниб олди.

Конрад Морган ўн беш дақиқача йўқ бўлиб кетди, қайтиб келганида унинг юзидан саросимага тушганлиги кўриниб турарди.

— Қандайдир хатолик ўтибди шекилли. Катта хатолик. Сиз ўзингизнинг йигирма беш минг долларингизни ишлаб олдингиз. — У завқ билан жилмайди. — Зеб-зийнатни беринг ва...

— Элик минг.

— Кечирасиз, тушунмадим.

— Уларни икки марта ўғирлашга мажбур бўлдим. Бу — элик минг доллар дегани, мистер Морган.

— Йўқ, — қатъий эътироз билдирди у. Кўзларидан қувонч йўқолди. — Бунчалик кўп беролмайман деб қўрқаман.

Трейси ўрнидан турди.

— Жуда соз. Лас-Вегасда уларни қимматроққа оладиган биронтасини топаман, — деди-да, эшик томон юрди.

— Элик минг доллар? — такрор сўради Конрад Морган.

Трейси бош силкиди.

— Зеб-зийнатлар қаерда?

— Пени бекатидаги юхонада. Менга нақд пулни беришингиз билан, таксига ўтирамыз ва мен сизга калитни бераман.

Конрад Морган мағлуб бўлганини тан олиб хўрсиниб қўйди.

- Пулни бераман сизга.
- Раҳмат, — тетик жавоб берди Трейси. — Сиз билан ишлаш менга ниҳоят-да ҳузур бағишлади.

5

Даниэл Купернинг Ж. Ж. Рейнолдс ҳузурда гап нима ҳақда боришини кўнгли сезиб турарди, чунки компаниянинг барча терговчиларига бир ҳафта бурун Лойс Беллами уйда содир бўлган ўғирлик ҳақида баённома юборишган эди. Даниэл Купер мажлисларни жини ёқтирмасди. Шу каби тадбирда ўтириб аҳмоқона гапвозликни эшитиш ёмон таъсир қилади.

У Ж. Ж. Рейнолдснинг кабинетига қирқ беш дақиқа кечикди ва кириб борганида Рейнолдс нутқининг ярмисини ирод қилиб бўлганди.

— Кириб, илтифот кўрсатганлигингиз учун раҳмат, заҳархандалик билан деди Рейнолдс. Купер писанд этмади. “Вақтни бекорга ўтказиш”, — қарор қилди Рейнолдс. Купер пичингни тушунмайди. На пичингни ва на Рейнолдсни ташвишга солаётган нарсани. Шунақа ишларда Купер бағоят истеъдод эгаси эканлигига Рейнолдс тан берарди.

Кабинетда компанияларнинг учта энг яхши терговчиси ўтирар эди: Дэвид Свифт, Роберт Скифер ва Жерри Дэвис.

— Ҳаммангиз Беллами уйдаги ўғирлик ҳақидаги ахборотни ўқигансиз, — давом этди Рейнолдс. — Лекин яна баъзи бир янгиликлар кўшилди, Лойс Белламининг амакиваччаси полиция комиссари экан. У шундай жанжал кўтарибдики, шайтонлар ин-инига кириб кетибди.

— Полиция нима қиляпти? — сўради Дэвис.

— Журналистлардан қочиб юрибди. Зеро, бу табиий. Полиция терговчилари ҳатто ўғри аёл билан гаплашишга ҳам улгуришибди, уни уйда ушлашибди ва қочиб кетишига имкон беришибди. Бунақасини атайлаб ўйлаб ҳам тополмайсан!

— Демак, уларда аёл ташқи қиёфасининг тасвири бўлиши керак, — таклиф киритди Свифт.

— Уларда ҳузурларига чиққан аёлнинг тунги кўйлак тасвири бор, — умидни пучга чиқарди Рейнолдс. — Улар унинг қадди-қоматига шундай лол бўлишган эканки, ҳатто аёлнинг сочлари қанақа рангда эканини ҳам билишмасди. Аёлнинг сочларини қандайдир нарса бекитиб олган, юзи эса косметик ниқоб остида бўлган. Улар аёлнинг ёши йигирма бешларда, кетию, кўкраклари гаройиблигини таърифлаб беришган, холос. Ҳеч қандай далил-исбот йўқ. Ҳеч қанақа кўшимча маълумот ҳам йўқ. Ҳеч қанақа.

Даниэл Купер шунча ўтириб, биринчи маротаба сўз қотди:

— Бор.

Ҳаммалари турли хил истеҳзо билан унга юз ўғирдилар.

— Хўш, нима демоқчисиз? — сўради Рейнолдс.

— Унинг кимлигини мен биламан.

Воқеадан хабар топган Купер Белламининг уйини кўриб келишга қарор қилди. Манتيқ Даниэл Купер учун худо берган қобилиятини ишлатиш, ҳар қандай муаммони ечиш учун хизмат этар эди. Купер Белламининг Лонг-Айленддаги мулкига бориб, ҳатто машинадан чиқмай туриб бир назар ташладики, машинани қайтарди ва Манхеттенга жўнади. Ўзига зарур бўлган ҳамма нарсани билиб олди. Бино холи бўлиб, атрофида ҳеч қандай жамоат транспорти қатнамасди, демак, ўғри бу уйга машинада келган.

У ўз далилларини Рейнолдс хонасидаги мажлис қатнашчиларига тушунтирди:

— Модомики, ўғри аёл уни кузатишлари мумкинлигидан қўрқиб шахсий машинасидан фойдаланишни хоҳламаган. Машина ё ўғирланган, ё бўлмасам ижарага олинган. Мен ижара идорасидан маълумот олишга қарор қилдим. Машинани Манхэттенда ижарага олган бўлса керак, у ерда изни йўқотиш жуда осон, — бу далил Жерри Дэвисни ишонтирмади.

— Жуда содда бўлманг, Купер. Манхэттенда бир кунда минглаб машинани ижарага олишади.

Купер унинг бу гапига аҳамият бермади.

— Машиналарни ижарага беришнинг барча жараёни компьютерлаштирилган. Машина оладиган аёллар унчалик кўп бўлмайди. Ҳаммасини текшириб чиқдим. Зикр этилаётган аёл Вест-стрит кўчаси йигирма учдаги Пирс-олтмиш бирда жойлашган Баджет ижара идорасига мурожаат этган. Кеч соат саккизда “Чеви каприк” машинасини ёллаб, идорага кечаси соат иккида қайтарган.

— Айнан шу машина билан ўғрилик содир бўлганини қаердан билдингиз? — шубҳа билан сўради Рейнолдс.

Аҳмоқона саволлар Купернинг чаккасига тегди.

— Мен автомобил неча миль юрганини текширдим. Бу масофа Лойс Белламининг уйигача ўттиз икки милни, қайтиши учун ҳам шунчани ташкил этади. Бу “каприк”нинг йўл кўрсаткичига мос тушади. Машина Эллен Бран номига олинган.

— Сохта, — фаҳмлади Дэвид Свифт.

— Тўғри. Аёлнинг ҳақиқий исми Трейси Уитней.

Ҳамма унга бақрайиб тикилди.

— Қандай қилиб буни билиб олдингиз, жин урсин? — савол берди Скифер.

— У сохта исм ва манзилни айтган-у, лекин шартнома — мажбурият нусхасига қўл қўйишга мажбур бўлган. Мен бу ҳужжатни “Уан полис”га олиб бориб, уларга ҳужжатдаги бармоқизини картотекадаги бармоқ изларига солиштириб кўришларини таклиф этдим. Аёл Жанубий Луизиана аёллар қамоқхонасида жазони ўтаган. Агар ёдингизда бўлса, мен шу аёл билан бир йил бурун Ренуар суратини ўғирланиши ҳақида суҳбатлашган эдим.

— Ҳа, эсимда, — рози бўлди Рейнолдс. — Сиз ўшанда унинг айби йўқ деган эдингиз.

— Ўшанда айтгандим. Энди уни айбсиз деб бўлмайди. У Беллами уйида қиладиган ишини қилган.

Бу пасткаш шу ерда ҳам улгурибди! Боз устига осонликча бажарибди. Рейнолдс ҳасадини билинтирмасликка ҳаракат қиларди.

— Купер, жуда бошлабсиз. Ҳақиқатан ҳам абжирлик бу. Энди уни ҳибсга олайлик. Полиция билан уланамиз-да, айтамыз, улар уни ушлаб...

— Қайси айб билан? — такаббуруна сўради Купер. — Машинани ижарага олгани учунми? Полиция уни танимайди, боз устига унга қарши ҳеч қандай ашёвий далил ҳам йўқ.

— Бўлмаса нима таклиф этасиз? — қаҳр билан сўради Скифер. — Жазога тортилмай кетаверсинми?

— Ҳа, — деди Купер. — Лекин энди мен унинг аслида кимлигини биламан. У шунга ўхшаш жиноятни яна содир этади. Шундай қилганида мен уни қўлга оламан.

Ниҳоят, мажлис тугади. Купер ўлгудек дам олгиси келарди. У кичкина қора дафтарчани чўнтагидан чиқариб аниқ қилиб ёзиб қўйди: **ТРЕЙСИ УИТНЕЙ**.

6

“Янги ҳаёт бошлаш вақти келди, — қарор қилди Трейси. — Лекин қандай ҳаёт? Мен бегуноҳ қурбондан кимга... айландим? Ўғрига — мана, гап нимада” У Жо Романо, Энтони Орзатти, Перри Поуп ва судья Лоуренсларни эслади. “Йўқ. Қасоскор. Мана, кимга айландим. Эҳтимол, авантюрачи ҳамдир”. У полицияни, касб-кори қаллоблик бўлган икки кишини алдаб кетди, заргарга фириб берди. Трейси Эрнестине ва Эми ҳақида хаёл суриб юраги орқасига тортиб кетди. У “Шварц” супермаркетига бориб, етти-саккиз иштирокчиси бўлган кўғирчоқ театрини сотиб олди-да, Эмига юборди. Откриткага ёзди: “Сенга янги дўстлар юбормоқдаман. Сени соғиниб, яхши кўрувчи Трейси”.

У навбатдаги учрашувни Медисон-авенюдаги мўйна магазинига тайин қилди. У ерда Эрнестина учун мўйна шарф сотиб олди ва икки юз доллар пул

билан қўшиб юборди. Откриткада қисқача: **Раҳмат, Эрни, Трейси**, деб ёзилганди.

“Энди ҳамма қарзлардан узилдим”, — ўйлади Трейси. У ўзини енгил ҳис этди. Энди у эркин, истаган томонига бориб, истаган ишини қилиши мумкин.

У ўз эркинлигини осмонўпар “Хелмелей Палос” меҳмонхонасига кўчиш билан нишонлади. Трейси қирқ еттинчи қаватдаги ўз хонасидан туриб пастдаги Авлиё Патрик ибодатхонасини ва узоқдаги Жорж Вашингтон кўпригини томоша қилди. У куни кеча истиқомат қилган чалдевор бу ердан бир неча миль нарида эди. “Энди ҳеч қачон”, — онг ичди Трейси.

У меҳмонхона раҳбарияти юборган шампан шишасини очди ва ҳўплаб ичиб, Манхэттеннинг осмонўпар бинолари ортига ботаётган қуёшни кузатиб ўтирди. Трейси ой чиқиб келгунга қадар бир қарорга келди. У Лондонга жўнайди. У ҳаёт тақдим этиши мумкин бўлган барча ажойиботларга тайёр. “Мен ўз қарзларимдан узилдим, — хаёл сурарди Трейси. — Жиндек бахтга лойиқман”.

Трейси тўшакда ётган ҳолда телевизор орқали сўнги ахборотни кўриб ётарди. Икки эркак суҳбатлашмоқда эди. Бири — ўрта бўйли, миқтидан келган, ўзига мос келмаган костюм-шим кийиб олган рус кишиси Борис Мельников, иккинчиси — оппонент, баланд бўйли, ориқ, олифта Пётр Негулеску.

— Шахмат мусобақаси қаерда ўтказилади? — сўради суҳбатни олиб борувчи.

— Сочида, Қора денгиз бўйида, — жавоб берди Мельников.

— Иккалангиз ҳам халқаро гроссмейстрсиз, бу эса катта қизиқиш уйғотади, жентльменлар. Кейинги учрашувингиз дуранг билан яқунланди. Мистер Негулеску, ҳозир мистер Мельников чемпион. Сиз ундан бу унвонни тортиб олишга кўзингиз етадимми?

— Сўзсиз, — деб жавоб берди суҳбатдоши.

Трейси шахматга ақли етмасди, лекин иккала эркакнинг очиқ-ойдин кўриниб турган такаббуриги унинг гашига теккани учун пулт тугчасини босиб телевизорни ўчирди-да, уйкута кетди.

У эрта билан саёҳатчилар идорасига кириб машҳур “Қиролича Елизавета II” кемасининг Олий даражадаги каютасини буюрди. У чет элга саёҳатга чиқаётганидан гўдаклардек қувонарди ва қолган уч кунини кийим-кечак ва юк сотиб олиш билан ўтказди.

“ҚЕ II” кемаси турган причалга келган Трейси бир тўда сураткаш телерепортёрларни кўриб капалаги учиб кетди. Бир дақиқадан кейин пиллапоя олдида интервью бераётган икки кишини кўриб таниди. Улар халқаро гроссмейстерлар Мельников ва Негулеску эди. Трейси полициячига паспортини кўрсатдида, уларнинг ёнидан лип этиб ўтиб кемага кўтарилди. Палубада стюард Трейсининг билетини кўриб, унинг таърифга сиғмайдиган қимматбаҳо, айвонли каютасини кўрсатди. Трейси каютага кириб, шунча пулга арзийди, деган қарорга келди.

У жомадонларини ўровдан ечиб қўйиб, йўлак бўйлаб айланиб юрди. Деярли ҳар бир каютада кулги, шампан виноси ва шўх суҳбатли хайрлашув кечарди. Трейси ўзини ўкинч билан ёлғиз ҳис этди. Уни ҳеч ким кузатмайди, ҳеч ким унга ғамхўр эмас. “Бу ёлғон, — деди ўз-ўзига Трейси, — катта Берта мени хоҳлайди”. Шунини ўйлаб кулиб юборди.

Трейси ўзига тикилган эркакларнинг мафтункор нигоҳлари-ю, аёлларнинг ҳасад билан кузатиб туришларига эътибор бермай палубага кўтарилди.

Кучсиз гудок ва: “Барча кетувчилар бортга чиқинг” деб бақирган товушлар эшитилди. Кутилмаганда уни ваҳима босди. У мутлақо номаълум келажак сари сузиб кетмоқда. Шатакчи кема торга бошлаганда улкан лайнер силкинди. Трейси палубада, йўловчилар орасида, Озодлик ҳайкалининг узоқлашиб, кўздан ғойиб бўлаётганини кузатиб турди.

“Қиролича Елизавета II” узунлиги тўққиз юз футдан зиёд ва ичида тўрт ресторан, олтига бар, иккита ўйин зали, иккита тунги клуб ва “Денгиз маъданли сувининг олтин девори”, кўплаб дўкончалари, тўртта бассейн ва гимнастика зали, гольф ўйнайдиган майдон, югуриш треки сиғиб кетган бўйи ўн уч қават-

ли уйдек келадиган, ўзига хос шаҳарга ўхшайди. “Менга қолса бу кемани ҳеч қачон тарк этмасдим”, — дея тинмай ҳайратини ифодалар эди Трейси.

Трейси бош овқатланиш залидан нисбатан бежиримроқ кўринган “Малика Гриль”да столча буюрди. Ўтирар-ўтирмас қулоғига:

— Салом! — деган таниш овоз эшитилди.

У нигоҳини кўтарди. Унинг қаршисида ФБРнинг сохта агенти Том Боуэрс турарди. “Оҳ, нима ёмонлик қилувдим”, деб ўйлади Трейси.

— Қандай қутилмаган бахт! Ёнингизда ўтирсам қаршилик қилмайсизми?

— Жудаям-да.

Йигит рўпарага ўтириб Трейсига майин жилмайди.

— Биз дўст бўлиб қолишимиз мумкин эди. Қолаверса, икковимиз ҳам бир сабаб туфайли шу ердамиз, тўғрими?

Трейси унинг нимага шама қилаётганидан беҳабар эди.

— Менга қаранг, мистер Боуэрс...

— Стивенс, — бамайлихотир аниқлик киритди у. — Жеф Стивенс.

— Барибир, — Трейси ўрнидан тура бошлади.

— Тўхтанг. Мен сўнгги учрашувимизни тушунтириб бермоқчи эдим.

— Ҳожати йўқ, — шартга бўлди Трейси. — Бефаҳм гўдак ҳам тушуниши мумкин эди.

— Мен Конрад Морганни хизмагини адо этмоқчи эдим. — Жеф ғамгин илжайди. — Афсус, омадим юришмади.

Унинг оҳангида ўша-ўша мафтункор болаларча табиийлик сезилиб турарди. Бу табиийлик Трейсини илгари ҳам чалғитган. “Худо хайрингни берсин, Деннис, қўлқишан кийгизиш шарт эмас. Ахир у қочиб кетмоқчи эмас-ку...”

Трейси адоват билан деди:

— Афсуски, мен билан ҳам омадингиз юришмади. Бу кемада нима қилиб юрибсиз?

Жеф кулиб юборди:

— Бизни Максимилиан Пьерпонт бортта чиқариб олди.

— Ким?

Жеф унга ҳайрон бўлиб қаради.

— Бундан чиқди, сиз ростанам беҳабар экансиз-да?

— Нималигини билмайман?

— Макс Пьерпонт — дунёда энг бадавлат одамлардан бири. Рақобатдаги компанияларни ишдан четлаш унинг севган машғулоти. У ювош бияларни-ю, енгилтак аёлларни ёқтиради, унисидан ҳам, бунисидан ҳам унда етарли. У уч-чига чиққан маишатпараст одам.

— Сиз эса уни ортиқча пуллардан халос этмоқчисиз, а?

— Дарвоқе, унда ортиқча пуллар жуда кўп, — Жеф синовчан назар ташлади. — Биласизми, икковимиз нима қилишимиз лозим?

— Албатта, биламан, мистер Стивенс. Икковимиз хайрлашимиз даркор.

У ўтирган жойида Трейсининг ўрнидан туриб овқат залидан чиқиб кетаётганини кузатиб қолди.

Трейси ўз каютасида тамадди қиларкан, бу не қисматки, яна унга дуч кеп қолдим, деб ўйларди. Ўшанда поездда бошдан кечирган даҳшатни унуттиси келди. “Лекин унга саёҳатимни бузишига йўл қўймайман. Унга эътибор бермайман, вассалом”.

Овқатдан кейин Трейси палубага чиқди. Ажойиб оқшом, бахмалдек осмонда юлдузлар чарақлайди. У борт ёнида ой нурининг оғушида, тўлқинларнинг майин милтираши-ю, оқшом шабадасининг эсишига мафтун бўлиб турарди. Жеф унинг орқасидан келди.

— Шу ерда туришингизни ўзи қандай гўзаллигини ўзингиз ҳам тасаввур қилолмайсиз. Сиз уммоний ишқ-муҳаббатга ишонасизми?

— Бўлмасам-чи. Ишонмайдиган нарсам битта, у ҳам бўлса — сиз, — Трейси кетмоқчи бўлди.

— Тўхтанг. Менда сиз учун янгилик бор. Ҳозиргина билсам Макс Пьерпонт бу кемада йўқ экан. Сўнгги дақиқада фикридан қайтган.

— О, жуда ёмон бўпти-ку. Сиз йўлқирага чув тушибсиз.

— Жудаям унчалик эмас, — у Трейсига синовчан назар ташлади. — Мана шу сафар давомида жиндек бойлик орттириб олиш ғоясига қандай қарайсиз?

— Бунақасини кўрмаганман! Чўнтагингизда сувости кемаси ёки вертолёт бору биронтасини тунамагунингизча ғойиб бўлмайсиз, шекилли.

— Сизга ким айтди, биронтасини ўмарди деб? Борис Мельников ва Петр Негулеску деган одамларни ҳеч эшитганингиз борми?

— Эшитган бўлсам, нима қипти?

— Мельников билан Негулеску Россияга шахмат чемпионатига кетишмоқда. Агар сизга иккови билан ўйин таклиф этсам-чи, — деди жиддий равишда Жеф. — Бир талай пул ишлаб олардингиз. Бу ишда ҳеч ютқизмайсиз.

Треиси унга шубҳали назар ташлади.

— Агар сиз улар билан ўйин ташкил этсангиз, а? Ютқазмайсиз дейсизми?

— Ҳа-да. Хўш, қалай?

— Менга ёқади. Лекин жуда арзимаган “лекин”и бор-да.

— Қанақа?

— Мен шахмат ўйнашни билмайман.

Жеф дўстона жилмайди.

— Муаммо йўқ. Ўргатиб қўяман.

— Сиз — эсингизни еб қўйибсиз, — деди Треиси. — Сизга битта маслаҳатим бор — сиз ўзингизни яхши руҳий докторга кўрсатишингиз лозим. Хайрли тун.

Эртасига тонгда Треиси палубада бадантарбия қилаётган Мельниковга муболағасиз урилиб кетди. Треиси йиқилди.

— Кўзингга қарасанг бўлмайдим, — гўлдиради Мельников югуришда давом этаркан. Ҳангу манг бўлиб қолган Треиси ўрнидан туриб унинг орқасидан қараб қолди.

— Шунақаям кўрс бўладими, — Треиси кийимини қоқди. Стюард келиб:

— Лат емадингизми, мисс? Мен кўрдим, у...

— Йўқ, ҳаммаси яхши, раҳмат.

Ҳеч ким унинг саёҳатини бузолмайди.

Треиси ўз каютасида Стивенснинг олтита мактубига кўзи тушди. Уларга аҳамият бермади. Кундузи у чўмилди, мутолаа қилди, уқалатди, кечга бориб овқат олдидан коктейл ичиш учун барга кирди, унинг димоғи чоғ эди. Бироқ кўтаринки кайфият тез орада тушди. Пётр Негулеску Трейсини кўриб, ўрнидан турди-да:

— О, нотаниш гўзал хоним, ижозатингиз билан сизни меҳмон қилсам, — деди.

Треиси иккиланиб туриб, кейин рози бўлди.

— Йўқ демайман, раҳмат.

— Нима истайдилар?

— Ароқ, мумкин бўлса.

Негулеску барменга имо қилди ва Трейсига ўтирилди.

— Мен — Пётр Негулеску.

— Биламан.

— Албатта. Ҳамма билади. Мен дунёда энг буюк шахматчиман. Ўз мамлакатимда — миллий қаҳрамонман. — У Треиси томон яқинроқ энгашиб қўлини унинг тиззасига қўйди-да, деди: — Бунинг устига мен гўзаллик шайдосиман.

— Нима?

— Гўзаллик шайдоси.

Треиси унинг юзига ароқни сепиб юборгиси келди-ю, бироқ ўзини ушлади. Лекин унда бошқа фикр пайдо бўлди.

— Кечирасиз, — деди Треиси. — Дўстим билан учрашмоқчи эдим.

У Жеф Стивенсонни ахтариб кетди. Жефни “Малика Грил”дан топди, лекин у оқшом қўйлакли малласоч, қадди-басти ниҳоятда келишган, соҳибжамол жонон билан ўтирган эди. “Шундай бўлиши ҳам керак эди”, деган фикр Трейсининг хаёлидан кечди ва ўтирилди-ю, йўлакка чиқди. Бир дақиқадан сўнг ёнида Жеф турарди.

— Треиси... мени кўрмоқчи эдингизми?

- Иштахангизни бўғмоқчи эмасдим.
- Шунчаки газак учун, — деди Жеф бепарво. — Хизматингизга тайёрман.
- Мельников ва Негулеску ҳақидаги гап жиддий эдими?
- Албатта. Нима эди?
- Назаримда, уларга сабоқ бериб қўйиш керак бўлади.
- Мен ҳам шундай деб ўйлайман. Уларга сабоқ бериш баробарида пул ишлаб оламиз.
- Яхши. Режангиз қанақа?
- Сиз уларни шахматда “таъзирларини” берасиз.
- Жиддий гапиряпсизми?
- Ҳа.
- Сизга айтдим-ку ахир, шахмат ўйнамайман деб. Мен пиёдани қиролдан ажрата олмайман. Мен...
- Хавотир олманг, — ваъда берди Жеф, — мендан бир-икки сабоқ олсангиз икковини ҳам абжағини чиқарасиз.
- Икковини?
- О! Сизга айтган эдим-ку? Улар билан бир пайтнинг ўзида ўйнайсиз деб.

Жеф “Синган пианино” барида Борис Мельников ёнига келиб ўтирди.
— Бир ажойиб шахматчи аёл бор, — деди у Мельниковнинг қулоғига. — Яширин исм билан саёҳатга чиққан.

- Урис гўлдираб деди:
- Аёлларнинг шахматга ақли етмайди. Улар ўйлашга нўноқ.
- Бу аёл — бошқа гап. У сизни бемалол ютаман, деди.
- Борис Мельников хахолаб кулиб юборди.
- Ҳеч ким мени ютолмайди.
- Ўша аёл сиз ва Пётр Негулеску билан бир вақтнинг ўзида ўйнаб, энг камида иккаловингиздан бирингиз билан дуранг ўйнашга гаров ўйнамоқчи.
- Борис Мельников энтикиб қолди:
- Нима? Ахир бу кулгили гап. Иккаламиз билан бир вақтда ўйнаш, а. Ўша хоним шунчаки ишқибозми?
- Ҳа. Ҳар бирингизга ўн мингдан.
- Ундай бўлса ўша бетамиз сурбетнинг таъзирини бериб қўйишим керак бўлади.
- Агар сиз ютсангиз, пулни истаган мамлакатингизга номингизга ўтказишади.

- Уриснинг юзида бойиб кетиш иштиёқи ярқ этиб кетди.
- Ўша одам ҳақида ҳеч эшитганим йўқ. Боз устига биздек **икки** шохмотчи билан ўйнаса. Тавба! Бу аёл эса-хушини йўқотиб қўйган бўлса ажабмас.
- Ўша аёлнинг йигирма минг нақд пули тайёр.
- Миллати қанақа уни?
- Америкалик.
- Ҳа! Шунинг ўзиданоқ ҳаммаси маълум. Ҳамма бойвачча америкаликлар соғ эмас, айниқса аёллари.

- Жеф ўрнидан қўзғалар экан, деди:
- Наздимда, у фақат Пётр Негулеску билан ўйнаши керак бўлади, шекилли.
- Негулеску ўша аёл билан ўйнамоқчимми?
- Ахир, сизга айтмовдимми? Аёл икковингиз билан ўйнамоқчи деб. Модомики қўрқаётган бўлсангиз...
- Қўрқаётган бўлсам? Борис Мельников қўрқадими? — унинг овози ҳайқариш даражасига кўтарилди. — Уни яксон қилиб ташлайман. Қачон бу кулгили ўйин бошланади?
- Унинг режасида, жума куни кечкурун. Етиб бориш арафасидаги сўнгги кеча.

Борис Мельников чуқур ўйга толди.

- Яхшиси, учтадан иккитаси.
- Йўқ. Фақат битта ўйин.
- Ўн минг доллар.
- Шундай.

Ўрис хўрсинди.

— Менда бундай нақд пул йўқ ҳозир.

— Ҳечқиси йўқ, — ишонтирди уни Жеф, — Мисс Уитнейнинг бор-йўқ истаги буюк Борис Мельников билан ўйнаб, ўз гурурини қониқтириш. Агар ютқазсангиз, дастхатли сувратингизни тақдим этасиз. Мабодо ютсангиз ўн минг доллар оласиз.

— Ким тикади? — унинг гап оҳангида аччиқ шубҳа ифодаси янгради.

— Кема интенданти хизматининг бошлиғи.

— Жуда соз, — қарор қилди Мельников. — Демак, жума куни кечқурун. Роппа-роса кеч соат ўнда бошлаймиз.

— Уитней жуда хурсанд бўлади, — уни инонтирди Жеф.

Эртасига эрталаб Жеф иккита эркак машқ қилаётган гимнастика залида Пётр Негулеску билан суҳбатлашди.

— У америкалик аёлми? — аниқлик киритди Пётр Негулеску. — Унда тушунарли. Ҳамма америкаликларнинг ақли жойидамас.

— Бу аёл — буюк шахматчи.

Пётр Негулеску нафратомуз қўл силтади.

— Буюклик — бу кам. Энг яхшиси ҳисобга олинади. Мен эса — энг яхшисиман.

— Худди шунинг учун ҳам сиз билан ўйнаш иштиёқида ёнмоқда. Агар ютқазсангиз, дастхатли сувратингизни унга тақдим этасиз. Мабодо ютсангиз нақд ўн минг доллар оласиз ёки...

— Негулеску ҳаваскорлар билан ўйнамайди.

— ... истаган мамлакатингизга ўтказишлари мумкин.

— Бу ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

— Унда ўйлайманки, у фақат Борис Мельников билан ўйнайди.

— Нима? Айтмоқчисизки, Борис Мельников ўша аёл билан ўйнашга рози бўлдимми?

— Албатта. Лекин ўша аёл икковингиз билан бир йўла ўйнашни орзу қилган эди.

— Мен ҳеч эшитмаганман бу каби... — Негулеску керакли сўз тополмай тутилиб қолди ва ниҳоят, топганидан кейин, деди: — мақтанчоқликни. У ким бўптики, биздек юқори савиядаги, дунёда тенги йўқ уста шахматчиларни мағлуб этаман деб ўйласа? У жиннихонадан қочиб чиққан бўлса керак?

— Бу аёл жиндек ғалати, — рози бўлди Жеф. — Лекин пули бор. Ҳаммаси — нақд.

— У ютқазса ўн минг доллар беради деяпсизми?

— Шундай.

— Борис Мельников ҳам шунча оладими?

— Агар аёлни ютса.

Пётр Негулеску тиржайди.

— О, Борис уни ютади. Мен ҳам.

— Ўзаро, ростини айтсам, мен ҳам ҳеч бунга шубҳа қилаётганим йўқ.

— Ким тикади?

— Кема интенданти хизматининг бошлиғи.

“Нима учун биргина Мельников ўша аёлнинг пулини олиши керак?” — деб ўйлади Негулеску.

— Қўлингни ташла, дўстим. Қачон ва қаерда?

— Жума куни кечқурун соат ўнда. Қирол залида.

Пётр Негулеску бўридек иржайди.

— Мен ўша ерда бўламан.

— Сиз уларни рози бўлишди демоқчимисиз? — бақириб юборди Трейси.

— Шундай.

— Иссиғим чиқяпти.

— Сизга сочиқни ҳўллаб олиб келаман.

Жеф шоша-пиша ваннага кириб кетди ва сочиқни совуқ сувда ҳўллаб олиб келди. Трейси юмшоқ курсига ястаниб олганди. Жеф сочиқни унинг пешонасига қўйди.

- Ўзингизни қандай ҳис этяпсиз?
- Жуда ёмон. Мия оғригим бошланиб қолганга ўхшайди.
- Илгариям шу дард билан оғриганмисиз?
- Йўқ.
- Ундай бўлса, менга кулоқ солинг, Трейси, шунга ўхшаш тадбирлар олдида ўзи шунақа бўлади, бу табиий.
- Трейси сапчиб турди-ю, сочиқни улоқтирди.
- Шунга ўхшашми? Ҳеч қачон бунақаси бўлмаган! Мен сиздан битта сабоқ олиб, иккита халқаро шахмат усталари билан ўйнамоқчиман, ва...
- Бир йўла, — дея тузатди Жеф. — Сизда шахмат ўйнашга туғма қобилият бор.
- Вой худойим, нима учун сизнинг сўзингизга кира қолдим?
- Чунки биз анча-мунча пул ишлаб оламиз.
- Мен пул ишлашни истамайман, — Трейси йиғлаб юборди. — Менинг истагим — ана шу кема сувга ғарқ бўлсин. Нима учун бу “Титаник” эмас?
- Энди тинчланинг, — деди Жеф мулоим. — Йўқса...
- Йўқса, фалокат юз беради! Кемадаги ҳамма ўйинни кузатади.
- Асл моҳият ҳам шунда, тўғри эмасми? — жилмайди Жеф.
- Жеф интендант хизмати бошлиғи билан биргаликда барча тадорикни кўрди. Унга тикиш учун Трейси номига иккита йигирма беш минг долларлик чек берди ва жума кунига иккита шахмат столи тайёрлаб қўйишни илтимос қилди. Овоза кемага тез тарқалди, йўловчилар ҳақиқатан ҳам ўйин бўлишига ишонч ҳосил қилиш учун Жеф ҳузурига келишар эди.
- Албатта, — дея ишонтирарди Жеф барча қизиқувчиларни. — Ақл бовар қилмайди. Бечора мисс Уитней ютаман, деб ўйлапти. У гаров ўйнаб қўйди.
- Қизиқ, — деди бир йўловчи. — Пул тикишимиз мумкинми?
- Бўлмасам-чи. Истаганингизча. Мисс Уитней унга бир имконият бермоқда. Биринчи гаровга тикишдан бошлабоқ дарвоза кенг очилиб кетди. Афтидан бортдаги ҳар бир йўловчи, машина бўлинмаси аъзолари-ю, зобитлар ҳам гаровга пул тикишга тайёр эдилар. Бадал беш доллардан эллик долларгача кўтарилар ва ҳар бир бадални ё ўрисга ёки руминга қўйишар эди.
- Интендант хизматининг бошлиғи шубҳаланиб капитанга ахборот берди.
- Мен ҳеч қачон бунақасини кўрмаган эдим, сэр. Бу бир балонинг ўзи. Йўловчиларнинг деярни ҳаммаси қатнашмоқда. Менда гаровга қўйилган пул тахминан икки юз мингга етиб қолди.
- Капитан унга хаёлчан тикилиб турди.
- Гапингиз бўйича мисс Уитней Мельников ва Негулеску билан бир йўла ўйин кўрсатмоқчимми?
- Ҳа, капитан.
- Сиз анави икки одам — ҳақиқий Пётр Негулеску ва Борис Мельниковлар эканини тасдиқлайсизми?
- Ҳа, албатта, сэр.
- Улар бу ўйиндан воз кечишлари эҳтимоли борми?
- Нафсониятлари бунга йўл қўймайди. Ўйлайманки, ундан кўра ўлимга рози бўлишади. Агар шу аёлга ютқазиб қўйишса борми, уйларига боришлари биланоқ бир ҳодиса рўй беради.
- Капитан сочини силаркан гаранг бўлиб қовоғини солди.
- Хўш, сиз мисс Уитней ёки мистер Стивенс ҳақида ҳеч нарса биласизми?
- Ҳеч вақо, сэр. Билганим шуки, улар алоҳида-алоҳида саёҳатга чиқишган. Капитан бир қарорга келди:
- Умуман олганда бу ишдан фирромликнинг иси келаяпти. Аммо ўзим ҳам шахматга қизиқаман ва шу боис бир нарсага кафил бўла оламанки, шахматда қаллоблик қилиниши мумкин эмас. Ўйин бўлаверсин. — У ўзининг ёзув столига бориб, қора чарм картмонини олди. — Менинг эллик фунтимни ҳам тўлаб қўйинг. Икки шахматчига қўяман.

Жума кун кеч соат тўққизга бориб Қирол зали биринчи тоифа йўловчилар, яширин йўллар билан кириб олган иккинчи ва учинчи тоифадагилар ҳамда

зобитлар, кеманинг вахтадан бўш экипаж аъзолари билан тўлди. Жеф Стивенснинг илтимосига кўра шахмат турнири учун икки бўлма ажратилганди. Битта стол Қирол залида, иккинчи стол қўшни салонда эди. Бир зал билан иккинчисининг ўртасига парда тортилди.

— Ўйинчилар бир-бирларига қараб чалғимасликлари учун, — деб тушунтирди Жеф. — Илтимос қилар эдикки, томошабинлар ўзлари танлаган залда қолаверсинлар.

Оломон бир мунча нари туриши учун столлар атрофини қора бахмал осилган арқон билан ўраб қўйишди. Томошабинлар бундан кейин насиб этмаслиги мумкин бўлган мароқли томошанинг бошланишини бетоқат бўлиб кутишар эди. Ҳеч ким буюк Пётр Негулеску ва Борис Мельников билан бир йўла ўйнашга ҳамда ҳар бири билан дуранг қилишга журъат эта оладиган мана шу америкалик гўзал аёл ҳақида ҳеч нарса билмас эди.

Жеф Трейсини ўйин олдидан икки донгдорга бир йўла таништирди. Трейси оч-кўк рангли шифон кийимда, бир елкаси очиқ Дриада ҳайкалига ўхшаб кетарди. Рангпар юзларида катта-катта кўзлари ажралиб турар эди.

Пётр Негулеску уни бошдан-оёқ кўздан кечириб чиқди.

— Сиз шахмат турнирларида ҳеч ютганмисиз? — сўради у.

— Ҳа, — самимий жавоб берди Трейси.

Негулеску елкаларини қисиб қўйди.

— Сиз ҳақингизда ҳеч эшитмагандим.

Борис Мельников аввалги сафарда қандай кўпол бўлса, шундайлигича қолди.

— Сиз америкаликлар пулларни қаерга қўйишни билмайсиз, — деди у. — Олдиндан сизга раҳмат айтиб қўйишим лозим. Ютуғим оиламни бахтиёр қилади.

Трейсининг кўзларида қаҳр ўти ёнди.

— Мистер Мельников, ҳали ютганингизча йўқ.

Мельниковнинг ич-ичидан чиққан ботиний кулгиси залда ўз аксини топди.

— Қимматли хоним, кимлигингизни билмайман-у, лекин ўзим кимлигимни биламан. Мен — тенги йўқ Борис Мельников бўламан.

Жеф соат ўнда залларга кўз югуртириб чиқди, иккала зал ҳам томошабинлар билан лиқ тўла.

— Ўйинни бошлаш вақти келди.

Трейси Мельниковга рўбарў бўлиб столга ўтирди ва ўз-ўзига, бу ишга нима жин уриб қўл урдим, деган савол берди.

— Ҳечқиси йўқ, — овутиди уни Жеф. — Менга ишонаверинг.

Трейси, жинни бўлмаса, ўшанга ишонармиди. “Эсимни еб қўйган бўлсам керак” — деб ўйлади. У жаҳондаги иккита буюк шахматчи билан беллашмоқда, ўзи эса шахмат ўйинидан мутлақо беҳабар.

Тантанали дам етиб келди. Трейсининг оёқлари қалтирай бошлади. Мельников интизор оломонга ўгирилиб илжайди. У стюардни хуштак чалиб чақирди.

— Менга бир рюмка “Наполён” келтиринг.

— Адолат юзасидан, — деди Жеф Мельниковга, — сиз оқлар билан ўйнаб юришни бошлаб берсангиз, деб таклиф қилмоқчиман, мистер Негулеску билан мисс Уитней оқлар билан ўйнаб, юришни бошлаб беради.

Иккала донгдор рози бўлди.

Борис Мельников халойиқ тинчиб улгурмасданоқ қўлини стол узра чўзиб шоҳ гамбитидан ўйинни бошлади... “Бу хотинни шунчаки ютиб қўймайман, балки яксон қилиб ташлайман”.

У Трейсига қараб қўйди. Трейси тахтадаги вазиятни кўздан кечирди ва биронта сипоҳа қўл урмасдан ўрнидан турди. Стюард унга кутиб ўтирган Пётр Негулеску рўпарасидан жой эгаллаганда залда камида юз нафар одам йиғилган эди.

— Келдингизми, менинг жажжи қушчам. Борисни йиқитиб бўлдингизми? — Пётр Негулеску ўз ҳазилига ўзи хахолаб кулиб юборди.

— Мен ўйинни давом эттиряпман, мистер Негулеску, — шарт бўлди уни Трейси.

У олдига энгашиб ҳозиргина Мельников қилган юришни қайтарди. Негулеску унга қараб мийиғида кулиб қўйди. Унинг уқалатадиган вақтига ҳали бир

соат бор, шу боис ўйинни ўшангача тугатишни режалаб қўйган эди. Негулеску қўлини сипоҳларига чўзиб жавоб юришини қилди. Трейси бир дақиқа тахтага қараб турди-да, ўрнидан қўзғалди. Стюард уни Борис Мельников олдига кузатиб қўйди.

Трейси стол олдига ўтириб, Мельниковга руминнинг юриши билан жавоб қилди. У кўз қири билан Мельников маъқуллаб бош ирғганини сезди.

Борис Мельников иккиланмай оқ филини икки катак илгари сурди. Икки дақиқадан кейин Трейси Негулеску столида ўзининг оқ филини икки катак илгари сурди.

Негулеску шоҳни сурди. Трейси ўрнидан туриб Мельников ўтирган залга борди. У шоҳини сурди.

“Хўш! Бу аёл унчалик гумроҳ эмас-ов, — ўйланди Мельников Трейсини кутиб ўтириб. — Кўрамиз, мана бунга қандай жавоб бераркан”. У отини юрди.

Трейси бу юришни эслаб қолди-да, бошини лиқиллатиб Негулеску олдига бориб Мельниковнинг юришини қайтарди.

Негулеску филни икки катак илгари сурди, Трейси ҳам Мельников хузурига бориб, Негулескунинг юришини қилди.

Иккала донгдор шахматчи қаршиларида жуда зўр рақиб дона сураётганига борган сари ишончлари ортиб борарди. Қанчалик маккор юриш қилмасинлар бу ҳаваскор жавоб беришнинг уддасидан чиқарди.

Борис Мельников ва Пётр Негулеску алоҳида жойларда бўлганликлари сабабли, аслида бир-бирига қарши ўйнаётганлари хаёлларига ҳам келмас эди. Мельниковнинг ҳар бир юришини Трейси Негулескуга, Негулескунинг жавоб юришини Мельниковга қарши ишларди.

Ўйин қизғин борар, энди шахматчилар гердаишни унутишган. Улар ўз обрўлари учун курашмоқдалар. Улар аламларини сигаретдан олиб, залда у ёқдан-бу ёққа юрардилар. Фақат Трейсигина кўринишдан хотиржам ўйинчига ўхшарди.

Мельников ўйинни тезроқ тугатиш мақсадида отини қурбон қилди, бу оқ фил учун шоҳга кишт дейиш имконини яратарди. Трейси бу юришни Негулескуга ишлатди. Негулеску диққат билан ўрганиб қурбонни қабул қилмади.

Трейси ўз ишини давом эттирди. Ўйин тўрт соат давом этаётган бўлса ҳам залдаги биронта томошабин жойидан жилмади.

Ҳар бир чемпионнинг миясида бошқа усталар билан ўйналган юзлаб партиялар акс топиб ўтди. Ўйиннинг охирига бориб Мельников ҳам, Негулеску ҳам бир-бирларининг услубларини билиб қолишди.

“Қанжиқ, Негулескудан ўрганиб олибди. Ўша ўргатган”, — хаёлидан кечди Бориснинг.

Негулеску эса: “Бу хотин — Мельниковнинг шогирди. Бу ҳаромзада ўз ўйинини ўргатибди”, — деб ўйлади.

Кураш қанчалик шиддатли тус олмасин, Трейсини ютишнинг иложи йўқлиги шунчалик равшанлашиб борди. Ўйинлар дуранг натижага борарди. Ҳар бир тахтада учтадан пиёда, от ва шоҳ қолди. Тарафларнинг биронтасида ҳам ютиш имконияти қолмади. Мельников ўйин устида узоқ бош қотириб ўтирди-да, сўнгра чуқур-чуқур нафас олиб деди:

— Дуранг таклиф этаман.

Оломон гала-говурида Трейси рози бўлди:

— Мен қабул этаман.

Халойиқнинг жазаваси қўзий бошлади.

Трейси туриб оломон ўртасидан ўзига йўл очиб, қўшни залга ўтди ва энди столга ўтирмоқчи бўлувдики Негулеску бўғилиб:

— Мен дуранг таклиф қиламан, — деди.

Бу залда ҳам шовқин гувоҳликларида содир бўлган воқеага ишонгилари келмасди. Қаердандир пайдо бўлган номаълум хотин жаҳоннинг иккита улкан шахматчилари билан бир йўла ўйнаб, дуранг натижага эришди!

Трейси ёнида Жеф пайдо бўлди:

— Кетдик, — дея жилмайди у. — Иккаламинг қиттак отишимиз лозим.

Борис Мельников билан Пётр Негулеску эса ўз курсиларига ўрнашиб ўтириб олганча шахмат тахталарига маъносиз тикилар эдилар.

Трейси ва Жеф “Юқори палубада” икки кишилиқ столни эгаллаб ўтиришарди.

— Роса бопладингиз, — кулди Жеф. — Мельниковнинг юз ифодасига эътибор бердингизми? Унинг юраги ёрилиб ўлади деб ўйловдим.

— Менинг эса ўзимнинг юрагим ёрилаёзди, — жавоб берди Трейси. — Қанча ютдик?

— Икки юз минг долларга яқин. Биз эрталаб Саутгемптонда тўхтаганда пулларни интендант хизмати бошлиғидан оламиз. Нонушта вақтида тамадди залида учрашамиз.

— Яхши.

— Энди ухласакми, деб ўйлайман. Ижозатингиз билан сизни каютангизга кузатиб қўйсам.

— Ҳали уйқум келмаяпти. Жеф, қаттиқ ҳаяжонландим. Сиз бораверинг.

— Сиз — чемпионсиз, — Жеф энгашиб Трейсининг юзидан оҳиста ўпиб қўйди. — Яхши ётиб туринг, Трейси.

Трейси кўзи билан уни кузатиб қолди. Ҳозир ухлаш ҳақида гап бўлиши мумкинмас. Бугун Трейси умридаги энг ғаройиб тунни бошидан кечирди. Ўрис ва румин ўзларига ҳаддан зиёд бино қўйишган, кибр-ҳавода эдилар. Жеф эса ўшанда: “Менга ишонаверинг”, — деди ва Трейси унга ишонди. Унинг кимлиги ҳақида Трейси хом хаёлларга бормасди. У муттаҳам. Лекин ниҳоятда некин, ғалати ва доно бўлиб, муомала қилиш осон одам. Бироқ Трейси унга жиддий эътибор бермасди, албатта.

Жеф ўз каютасига кетаётиб кема зобитларидан бирига дуч келиб қолди.

— Ажойиб шоу бўлди, мистер Стивенс. Уйин ҳақида радиодан ахборот берилди. Саутгемптонда матбуот сизларни қандай кутиб олишини кўз олдимга келтираяпман. Сиз мисс Уитнейнинг менежеримисиз?

— Йўқ, биз бор-йўғи кемада танишиб колдик, — осонлик ила жавоб берди Жеф, лекин миясида шубҳа ғужғон эди. Борди-ю, унинг иши Трейси билан боғлиқ бўлса, унда тил бириктиришган деган фикр туғилади. Текширув бошланади. У шубҳа туғилгунга қадар пулларни олиб кетишга қарор қилди.

Жеф Трейсига мактуб ёзди: “Пулни олиб кетдим. “Савой” меҳмонхонасида тантанали нонушта пайтида учрашамиз. Сиз ажойибсиз, ЖЕФ”. У мактубни конвертга солиб муҳрлади ва стюардга топширди.

— Илтимос, хатни эрта билан мисс Уитней қўлига тегиши чорасини кўриб қўйинг.

— Хўп, сэр.

Жеф интендант хизмати бошлиғининг хонасига борди.

— Безовта қилганим учун узр сўрайман, — дея кечирим сўради Жеф. — Хўш, бир неча соатдан сўнг етиб борамиз. Шу боис мени бир нарса безовта қиляпти. Балки ҳисоб-китоб қилиб олганимиз маъқулдир.

— Гап бўлиши мумкинмас, — жилмайди интендант хизмати бошлиғи. — Сизнинг ёш ледийингиз жозибали экан, а?

— Ҳа, албатта.

— Қарши бўлмасангиз, бир нарсани сўрасам, мистер Стивенс, қаерда шахматни бу даражада ўйнашни ўрганган у?

Жеф энгашиб ишончли оҳангда деди:

— Эшитишимча, у Бобби Фишерга шогирд тушган.

Интендант хизмати бошлиғи сейфдан қоғозга ўралган иккита катта конвертни олди.

— Бу ерда ёнингизда кўтариб юриш учун бехатар бўлмаган нақд пул жуда кўп. Истасангиз, шу пул миқдорига тенг келадиган чек бераман?

— Йўқ, хавотир олманг. Нақдиям ёмон эмас, — Жеф уни ишонтирди. — Менга бир илтифотингиз зарур бўлиб қолди, хўп десангиз? Почта катери кема тўхташ жойига бормасдан етиб келди, шундайми?

— Ҳа, сэр? Биз уни эрталаб соат олтида кутмоқдамиз.

— Мени почта катерига ўтқазиб юборишга ёрдам берсангиз, сиздан беҳад миннатдор бўлар эдим. Ойим жуда оғир ётибдилар. Кечикмай етиб борсам дегандим, токи... — унинг овози титраб кетди. — Кеч бўлмаса эди.

— О, минг афсус, мистер Стивенс. Албатта, сиз учун тайёрман. Божхонадагилар билан келишиб қўяман.

Жеф Стивенс олтию ўн бешда иккита конвертни яхшилаб жойлаган чемодани билан арқонли нарвонда почта катерига тушиб борди. У улкан кеманинг тархига сўнгги бор назарини ташлади. Йўловчилар ҳали ширин уйқуда. Жеф причалга “Қиролича Елизавета II” боришидан анча илгари етиб олади.

— Жуда ажойиб сафар бўлди-да, — дея гап қотди Жеф почта катерида матрослардан бирига.

— Ҳа, ажойиб, — деди унга жавобан матрос.

Жеф ўтирилди, Трейси ўралган арқон устида ўтирар, шамол сочларини майин елпир эди.

— Трейси! Бу ерда нима қилиб юрибсиз?

— Сиз нима деб ўйловдингиз?

Жеф унинг юз ифодасини кўрди.

— Тўхтанг, тўхтанг! Наҳотки мени сизни ташлаб қочиб кетади деб ўйлаган бўлсангиз!

— Шундай ўйлаб менга зарур келибдими? — Трейсининг овозида надомат оҳанги сезилиб турар эди.

— Трейси, мен сизга мактуб қолдирган эдим. Сиз билан “Савой”да учрашмоқчи ва...

— Албатта, учрашмоқчи бўлгансиз, — уни бўлди Трейси. — Сиз қочишни хаёлизгаям келтирмагансиз, шундайми?

Жеф унга қараб тураркан, жавоб учун бир нарса дея олмаслигини тушунди.

Трейси “Савой” меҳмонхонасидаги хонасида Жефнинг пулларни бўлишини синчковлик билан кузатиб турди.

— Сизнинг улушингиз бир юз бир минг долларни ташкил этди.

— Раҳмат, — Трейси совуқ оҳангда жавоб берди.

Жеф ичидагини базўр чиқариб деди:

— Биласизми, Трейси, мен тўғримда нотўғри фикрдасиз. Имкон берсангиз, очигини айтиб берсам дейман. Кечкурун бирга овқатланайлик.

Трейси бир дам жим турди-да, кейин рози бўлди:

— Майли.

Жеф кечкурун меҳмонхонага келиб, клеркдан Трейсини сўраганда у:

— Минг афсус, сэр. Мисс Уитней бугун эрталаб ҳисоб-китоб қилди, борар манзилини қолдирмай кетди, — деб жавоб берди.

7

Жеф Стивенс билан пулларни бўлашиб олишганидан кейин Трейси “Савой” билан ҳисоб-китоб қилиб, тинчроқ, хоналари кенг ва хизмати биринчи даражали яримхонаки меҳмонхонага кўчиб ўтди.

Лондонда бўлишининг иккинчи куни Трейсининг хонасига портье каллиграфик услубда ёзилган таклифнома келтириб берди: “Умумий дўстимиз танишиб олишни таклиф этди, зотан, иккимиз учун бу фойдадан ҳоли бўлмаса ажаб эмас. Бугун соат тўртда “Рица”да мен билан бир пиёла чойни баҳам кўришга розимисиз? Сийқаси чиққан жумла учун афу этгайсиз. Мен сизни қизил қалампирмунчоқ гул билан кутиб оламан”. Пастдаги имзо: “Гюнтер Хартог”.

Трейси Гюнтер Хартог ҳақида ҳеч қачон эшитмаганди. Дастлаб у хатга ҳеч қандай эътибор бермоқчи эмасди, бироқ қизиқувчанлиги устун келди ва у соат тўрту ўн бешда “Рица” меҳмонхонасининг муҳташам тамадди зали эшиги олдида пайдо бўлди. У Гюнтерни дарров таний олмади. Гюнтер қомати келишган, орик, ақлли юзли, териси силлиқ, тоза, деярли тиниқ, ёши олтмишлар атрофидаги киши экан. Устидаги қимматбаҳо кулранг костюми жисмига ярашган эди. Ёқасига қалампирмунчоқ гул қадаб олганди.

Трейси стол олдида яқин борди, Хартог ўрнидан туриб, хиёл таъзим қилди.

— Таклифимни қабул қилганингиз учун раҳмат.

У Трейсини эскича такаллуф билан ўтқазди. Трейси буни ёқимли деб топди. Хартог ўзга дунё одамига ўхшаб кетарди. Унинг ўзида нима иши бор эканлиги тагига ўйлаб етолмасди.

— Менга жуда қизиқ туйилгани учун бу ерга келдим, — тан олди Трейси. — Мени бошқа бир Трейси Уитней билан алмаштириб юбормадингизми тагин?

Гюнтер Хартог жилмайди.

— Мен эшитганим Трейси Уитней фақат биттагина.

— Нимани эшитдингиз?

— Дастурхон устида шуни муҳокама қилиб ўтиришнинг ҳожати бормикан?

Дастурхонга қирқилган тухум ва бодрингли сёмга балиғи, шакароб ва жўжали сандвичлар, кремли, шиннили ёпган нон ва юмшоқ пряниклар қўйилганди. Улар гапни дастурхон устида бошлашди;

— Сиз умумий дўстимиз дебсиз, — деди Трейси.

— Конрад Морган. Мен у билан вақти-вақти билан тижорат ишлари бўйича боғланиб тураман.

“Фақат бир марта у билан иш қилдим, — паришон хаёл сурди Трейси. — Шунда ҳам мени алдамоқчи бўлди”.

— У сизнинг катта мухлисингиз.

Трейси унга диққат билан назар ташлади. Ўзини тутиши оқсуякларга хос, бадавлат кишиларга ўхшайди. “Ҳар ҳолда мендан нима истайди?” — ўз-ўзидан сўради Трейси. У ишнинг асл моҳиятини эшитиб олишга қарор қилди, лекин на Конрад Морган, на Хартог билан тил бириктирмоқ ҳақида гап бўлмади.

Трейсига ёққан бу учрашув унда қизиқиш уйғотди. Гюнтер унга ўз келиб чиқиши ҳақида сўзлаб берди:

— Мен Мюнхенда туғилдим, отам бадавлат банкир бўлган, мен, афсус, ўлгудай ахлоқсиз, ажойиб расмлар ва ноёб, қимматбаҳо буюмлар орасида суюлган бола бўлиб ўсдим. Онам яҳудий миллатига мансуб бўлгани боис, Гитлер ҳокимият тепасига келганда отам билан ажралишдан воз кечиб, бор буд-шудидан айрилди. Улар бомбардимон вақтида ҳалок бўлишди. Дўстлари мени Германиядан Швецарияга ўтказиб юборишди, уруш тугагандан кейин эса мен Ватанимга қайтмасликка қарор қилдим. Лондонга келиб Моунт-стритда ўртамиёна ноёб буюмлар дўконини очдим. Кунлардан бир кун қадам ранжида этасиз, деб умид қиламан.

“Э, гап буёқда экан-да, — ўйлади Трейси ҳайрон бўлиб. — У менга бирон буюм сотмоқчи”.

Маълум бўлишича, Трейси адашган экан.

Гюнтер Хартог ҳисоб варағи бўйича пул тўлаётди деди:

— Гемпширда менинг кичкина дала уйим бор. Уч-тўрт дўстларни уик-эндга таклиф этганман, бинобарин, бизга қўшилсангиз бошим осмонга етарди.

Трейси иккиланиб қолди. Ундан нима талаб қилиниши ҳам қоронғи эди. Шунда ҳам, нимани йўқотардим, деган хулосага келди.

Уик-энд, афтидан, жуда яхши бўладиганга ўхшарди, Гюнтер Хартогнинг “кичкина дала уйи” ўттиз акр жойни эгаллаган ўн еттинчи асрга тааллуқли серхашам сарой бўлиб чиқди. Уйда хизматкорлару Гюнтернинг ўзидан бошқа ҳеч ким истиқомат қилмас экан. Уй эгаси Трейсига ўз мулкани айланиб кўриб чиқишни таклиф этди. Дастлаб ўнга яқин от боқувда ётган отхона, сўнгра парранда ва чўчқа кўпайтириладиган мол саройига боришди.

— Бу ҳеч қачон оч-наҳор юрмаслигимиз учун, — деди Гюнтер жиддий оҳангда. — Ижозатингиз билан ҳозир суюкли машғулотимни кўрсатсам.

У Трейсини каптарлар билан тўла оғилхонага бошлаб кирди.

— Бу — уй каптарлари. — Унинг овозида ғурур оҳанги сезилди. — Манави кичкина ажойиб каптарга қаранг. Ҳу анаву кўк каптарни кўраяпсизми, мана бу ерда? Бу — Марго.

У каптарни қўлига олди ва Трейсига ушлаб кўриши учун узатди.

— Бу жуда ёмон мода, ўзи буни билади, лекин қачон қарасанг бошқалар билан уришаваради, барибир бу — энг яхшиси.

Ҳўжайин меҳр билан Маргонинг бошидаги кокилини силаб қўйди ва уни ерга қўйди. Қушларнинг патлари камалак рангларда товланар эди.

— Биронта ҳам оқи йўқ экан, — эътибор берди Трейси.

— Уй каптарлари оқ бўлмайди, — тушунтирди Гюнтер. — Чунки оқ патлар жуда тез тўкилади, уйда яшовчи каптарлар эса ҳар соатига ўртача қирқ милгача учади.

Трейси Гюнтернинг кушларга витаминлар қўшилган махсус хўрак бераётганини кузатиб турди.

— Буларнинг зоти жуда гаройиб, — деди Гюнтер. — Биласизми, улар ўз уйини беш юз мил наридан ҳам топиб келади.

— Ниҳоятда қизиқ-ку!

Меҳмонлар орасида парламент аъзоси ўз хотини билан, граф, генерал қизўртоғи билан ва жуда мулойти дилбар ёш ҳинд аёли ҳам бор эди.

— Илтимос, мени Ви Жей деяверинг, — деди у талаффузни бузмай. У устига олтин ҳалли тўқ-қизил рангли сари ёпиб олганди, Трейси умрида кўрмаган зеб-зийнатлари кўзини қамаштирарди.

— Мен зебу зийнатларимнинг кўпини сейфда сақлайман, — тушунтирди Ви Жей. — Бизда ўғрилар ҳаддан зиёд кўп.

Трейси Лондонга кетишга ҳозирланишидан олдин Гюнтер уни якшанба куни кундузи ўз кабинетига чорлади. У чой қўйилган патнис олдида унга рўпара бўлиб ўтирди. Трейси “Беллик” фирмасининг ниҳоятда нозик чинни идишларига чой қуяр экан:

— Мени бу ерга нима учун таклиф этганингиз сабабини биламан, — деди. — Лекин сабаби қандай бўлмасин вақтимни жуда соз ўтказдим.

— Мен хурсандман, Трейси. — Бир дақиқа сукутдан сўнг гапини давом эттирди. — Мен сизни кўп кузатдим.

— Тушунаман.

— Келажакда биронта режаларингиз борми?

Трейси ўйланиб қолди.

— Йўқ. Нима қилишимни ҳали ҳал қилмадим.

— Уйлайманки, иккимиз бирга ишлашимиз мумкин...

— Ноёб буюмлар дўконингизни назарда тутяпсизми?

Гюнтер кулиб юборди.

— Йўқ, азизим. Сизнинг қобилиятингизни бунга сарф қилиш адолатдан бўлмайди. Гап шундаки, мен сизнинг Конрад Морган билан ўтказган тажрибангиздан хабардорман. Сиз уни бопплагансиз.

— Гюнтер... бу энди ортда қолди.

— Хўш, олдинда нима бор? Гапингизга қараганда ҳеч қандай режангиз йўқ. Сиз ўз келажакингизни ўйлашингиз даркор. Ҳозир сизда мавжуд пуллар қачондир тугайди. Мен сизга ҳамкорликни таклиф этаман. Чунки мен жуда бой халқаро доираларга аралашиб юраман. Хайрия кечаларида, овда, елканли регатларда ҳозир бўлиб тураман.

— Тушунмаяпман, бунга менинг нима алоқаму...

— Мен сизни олтин жамиятга олиб киришим мумкин. Трейси, мен “олтин” дея ҳазиллашаётганим йўқ. Мен сизни афсонавий расмлар, мисли йўқ зебу зийнатлар ҳақидаги маълумотлар билан таъминлаб, уларга хавф-хатарсиз эришиш йўл-йўригини айтиб тураман. Шахсан ўзим харидорини топишим мумкин. Сиз бировларнинг ҳисобига бойиб кетганларнинг ҳисоб-китоблари мувоzanатини тўғрилаб қўйишингиз лозим бўлади. Даромадни иккимиз бўлиб оламиз. Бунга нима дейсиз?

— Йўқ дейман.

Гюнтер хаёлчан унга қараб турди.

— Мен тушунаман. Борди-ю фикрингиздан қайтсангиз, менга қўнғироқ қиларсиз?

— Фикримдан қайтмайман, Гюнтер.

Трейси кечга яқин Лондонга қайтиб келди.

Трейси Лондонга сажда қилгудек эди. У “А-ля Гаврош”, Билл Бентлис ва “Камин ёнида” ресторанида тушлик қилар, театрдан кейин “Дроунс”га ҳақиқий америкача гамбургерлар қўшиб ерди. У Миллий театр ва Қирол те-

атрига кирди, Кристи ҳамда Сотби кимошдиларида ҳозир бўлди. Гарродс, Форт-нум ва Мейсон дўконларидан буюмлар харид қилди, Хэтчард ҳамда Фойлесдаги китобларни кўриб чиқди. Трейси ҳайдовчиси билан машина ёллаб Гемпшир графлигида янги ўрмон ёқасидаги “Чеутон Глен” меҳмонхонасида унутиб бўлмайдиган учрашув ўтказди, бунда маҳобатли муҳит бўлди ва аъло даражада хизмат кўрсатилди.

Бироқ бу ҳузур-ҳаловату, кайфу сафо катта пул турарди. “Ҳозир сизда мавжуд пуллар қачондир тугайди”. Гюнтер ҳақ бўлиб чиқди. Трейсининг пуллари тугаб борарди, бинобарин, у келажак учун режалар тузишга мажбур эди.

Гюнтер уни дала уйига уик-эндларга кетма-кет таклиф этар ва Трейси жон деб ҳар бирида қатнашар, Гюнтернинг даврасида ҳузур қилар эди.

Кунлардан бир куни якшанба оқшомида овқат маҳали парламент аъзоси Трейсига юз ўтириб:

— Мен ҳақиқий тыхасликни ҳеч кўрмаганман, — деди. — Мисс Уитней, улар қанақа ўзи?

Трейси ролга кириб тыхаслик бева аёлни ўйнаб берди, барча меҳмонлар мазза қилиб кулди.

Кейинроқ, Трейси ва Гюнтер холи қолишганда:

— Ана шу каби бошқа шаклга кириб, бир озгина бойлик орттириб олишга қандай қарайсиз? — деб сўради Гюнтер.

— Мен артист эмасман, Гюнтер.

— Сиз ўзингизни камситяпсиз. Лондонда “Паркер энд Паркер” деган битта заргарлик фирмаси бор. У ерда сиз америкаликлар ибораси билан айтганда, миждозларни алдаб бойиш билан ҳузур қиладилар. Уларнинг инсофсизликлари учун жазолаш ғоясини менга сиз бердингиз.

У Трейсига ўз фикрини ўртоқлашди.

— Йўқ, — деб жавоб берди Трейси. Лекин бу ҳақда қанча кўп ўйласа қизиқиш шунча кўп ортиб борар эди.

У Лонг-Айлендда полицияга панд бериб, Борис Мельников, Пётр Негулеску ҳамда Жеф Стивенснни алдаб кетганида қанчалик ҳаяжонланганини эслади. Бу тасвишлаб бўлмайдиган мароқли туйғу эди. Лекин буларнинг бари ўтмиш ҳаётнинг бир бўлаги эди, холос...

— Йўқ, Гюнтер, — такрорлади Трейси, бироқ бу сафар унинг овози унчалик дадил янграмади.

Октябр ойи Лондонда мавсумдан ўлароқ иссиқ келди. Инглизлар ва туристлар серкўёш кунлардан унумли фойдаландилар. Оқ “дайллер” машинаси Оксфорд-стритдан Нью-Бонд-стритга бурилиб, серкатнов кўчалар бўйлаб Рональд Картье, Гейчерс магазинлари ҳамда Шотландиянинг Қирол банки ёнидан ўтиб кетди. Бир неча биноларни босиб ўтди-да, заргарлик дўкони ёнида тўхтади. Ялтиратиб артилган камтарона тахтачага: ПАРКЕР ЭНД ПАРКЕР деб ёзилган. Махсус кийимдаги ҳайдовчи лимузиндан чиқди-да, шошилиб машинани айланиб ўтди. “Сэссун” модасида қирқилган оқ-малла сочли, яхшилаб пардоз-андоз қилиб олган, сувсар пўстин остидан таранг тўқима кўйлак кийиб олган хотин машинадан чаққон тушди.

— Манави кулбага қаердан кирилади, ўғлим? — деб сўради у. Овозида тыхас тилига хос қаттиқ урғу сезилиб турарди.

Ҳайдовчи эшикни кўрсатди.

— Буёққа, хоним.

— О’кей, азизим. Шу ерда туратур. Узоқ чўзилмайди.

— Мен, яхшиси, уйнинг орқасига ўтиб тураман. Бу ерда машиналар туриши ман этилган.

Хотин унинг елкасига қоқиб:

— Сен буюрганларини қилавер, тасқара.

“Тасқара?” Ҳайдовчи сесканиб кетди. Бу ижарага олинган машинани ҳайдашга рози бўлгани эвазигами. У америкаликларни — айниқса тыхасликларни унчалик хуш кўрмасди — булар пулдор бўлса ҳам, жуда ёввойи бўлишади.

Трейси оғзи қулогига етиб илжайди-да, эшик томон одимлади, ливрея либосидаги дарвозабон эшикни очиб:

- Тонгингиз хайрли бўлсин, хоним, — деди.
- Ҳой тасқара. Бу кулбада майда-чуйда ўйинчоқдан ташқари жиддийроқ нарсаям сотиладими? — харидор ўз ҳазилидан хаҳолаб кулди.
- Дарвозабоннинг ранги ўчди. Трейси ҳамма ёққа “Хлоэ” атрининг нафасни бўғадиган ҳидини таратиб, магазинга тантанавор кирди.
- Сотувчи Артур Чилтон унга пешвоз чиқди.
- Бирон-бир ёрдамим керак бўладими, жоним?
- Балки керак бўлар, балки йўқ. Қария Пи Жей кичкина совға буюрганди, шу боис бу ердаман. Ниманглар бор?
- Хонимни бирон жиддийроқ буюм қизиқтирадими?
- Ҳой, йигит, сиз инглизларни қўлларинг чаққон, а? — Трейси баралла кулиб юборди ва унинг елкасига қоқиб қўйди, сотувчи ўзини зўрға босиб тураверди.
- Балки зумрад оламанми? Чол Пи Жей менга зумрад харид қилишни яхши кўради.
- Марҳамат қилиб бу ёққа ўтсангиз, бу ёққа...
- Чилтон хотинни зумрадлар терилган бир нечта патнис қўйилган кўрғазма олдига бошлаб борди.
- Пардозланган малла соч аёл уларга истеҳзо билан назар ташлади.
- Бу — болалари. Оналари ва оталари қани?
- Чилтон ўзини зўрға босиб жавоб берди:
- Бу намуналарнинг баҳоси ўттиз минг доллардан ошади.
- Жин урсин, ахир мен ўз сартарошимга шунча чойчақа бераман, — хотин кўпол кулиб қўйди. — Чол Пи Жей ана шу майда тошлардан бирини олиб борсам хафа бўлади-я.
- Чилтон қари Пи Жейни кўз олдига келтириб кўрди. Семиз ва қориндор, шу хотинга ўхшаб қақилдоқ ҳамда бадфеъл бўлса керак. “Иккови — бир жуфт этик. Нега энди пуллар шунга арзимайдиган одамларга оқиб боради”, — қизиқсиниб сўради ўзидан-ўзи.
- Хоним қанақа нархдаги безаклардан олмоқчилар?
- Қандайдир юз минг кўкидан бошласакми, дейман?
- Чилтон ҳайрон бўлди.
- Юз минг кўкидан?
- Жин урсин, инглиз тилини билмайсизми? Юз минг кўки, юз минг доллар дегани.
- Чилтон тупугини ютди.
- О! Агар ундай бўлса, бизнинг бошқарувчимиз билан гаплашганингиз маъкул.
- Бошқарувчи Грегори Холстон кўпдан бери йирик савдо муомалаларида шахсан ўзи қатнашишни маъкул кўрарди, ўшандан бери “Паркер энд Паркер” хизматчилари восита пулини олмас эдилар. Бундай жирканч харидорни Чилтон жон деб Холстонга рўпара қилди. Чилтон пештахта остидаги тугмачани босди ва бир дақиқадан сўнг орқа хонадан рангпар, хивичдек ориқ киши чиқиб келди. У пала-партиш кийинган малласочга қараб, ишқилиб шу хотин чиқиб кетгунча доимий мижозларидан бири келиб қолмасин-да, деб худога илтижо қилди.
- Чилтон гап бошлади:
- Мистер Хилтон, бу — миссис, э...
У хотинга юз ўгирди.
- Бенек, азизим. Мэри-Лу Бенек. Қария Пи Жей Бенекнинг хотини бўламан. Пи Жей Бенекни эшитган бўлсангиз керак, а?
- Албатта, — Грегори Холстоннинг лабларида табассум пайдо бўлди.
- Миссис Бенекни зумрад қизиқтиряпти, мистер Холстон.
- Грегори Холстон зумрад терилган патнисни кўрсатди.
- Бу ерда ажойиб зумрадлар қўйилган, улар...
- Хонимни тахминан юз минглик тақинчоқ қизиқтирмоқда.
- Грегори Холстоннинг лабидаги табассум жиддий тус олди.
- Кунни шундай бошлаш жуда яхши-да.
- Биласизми, менинг туғилган куним эди, шу боис қария Пи Жей биронта арзигулик буюмни ўзим танлаб олишимни истайди.

— Албатта, — деди Холстон. — Ижозатингиз билан бу ёққа юрсангиз?

— Оббо шумтака-ей, нимани ўйлаб қўйдингиз? — ҳиринглади малласач.

Холстон ва Чилтон бир-бирига аламнок қараб қўйишди. “Жин ургур америкаликлар!”

Холстон хотинни кичкина, равшан ёритилган хонага бошлаб кирди ва эшикни ёпиб қулфлади.

— Биз бу ерда улуғ мижозларимизга аталган молни сақлаймиз, — деб тунтирдди у.

Хонанинг ўртасидаги кўргазмада бир қанча ҳайратомуз олмос, ёқут, зумрадлар ялт-ялт қилиб ётарди.

— Бу бошқа гап, булар мен қидирган нарсага кўпроқ ўхшаб кетади. Қария Пи Жей буларни кўриб эси оғиб қолади.

— Хоним биронтасини танлайдиларми?

— Келинг, олдин нима борлигини кўрайлик. — Трейси зумрадлар терилган кўргазма олдига борди. — Ҳўв анави ўрамни менга олиб кўрсатинг-чи.

Холстон чўнтагидан кичкина қалитча чиқариб қулфни очди, зумрадларни олиб стол устига қўйди. Бахмал қутида ўнта зумрад бор эди. Холстон аёлнинг улар ичидан энг каттасини қўлига олишини кузатиб турди. Бу фавқулодда санъаткорона ясалган платина гардишли тўғнағич эди.

— Пи Жейнинг ибораси билан айтганда, манави ерига менинг исимини ёзиб қўйса бўлади.

— Хонимнинг диди нозик. Бу ўн каратли кўм-кўк “колумбиялик”. Унинг биронтаям нуқсони йўқ.

— Зумрадларда нуқсон бўлмайди.

Холстон бир зум довдираб қолди.

— Хоним ҳақлар, албатта. Менинг назаримда...

У хотинларнинг кўзи мана шу зумрад каби кўк бўлишини биринчи марта кўриб туриши эди.

— Бизда буларнинг ҳар турлари кўп, агар...

— Қийналма, қантдек шириним. Мен шуни оламан.

Олди-сотди уч дақиқадан камроқ вақтни олди.

— Жуда соз, — деди Холстон, кейин одоб билан: — Доллар билан юз минг. Қайси пулда ҳисоб қиладилар?

— Хавотир олманг, Холстон. Лондон банкларидан бирида долларлик ҳисоб рақамим бор. Мен ўз номимдан чек ёзиб бераман. Қария Пи Жей тўлаб қўйиши мумкин.

— Жуда соз. Мен тошни тозалатиб, сизнинг меҳмонхонангизга юборишни буюриб қўяман.

Зумрад тозалашга муҳтож эмасди, лекин Холстон токи чек текширилмагунча уни ўз тасарруфидан чиқаргиси келмасди. Ҳаддан кўп заргарлар қаллобларга алданган. Холстон ўзини ҳеч ким, ҳеч қачон алдаманидан мағрур эди.

— Зумрадни қаерга юборишни буюрадилар?

— Биз “Дорче”да, Оливер Месси хонасига жойлашганмиз.

Холстон “Дорчестер” деб ёзиб қўйди.

— Мен уни Оливер Месси дейман, — аёл кулиб юборди. — Кўпчиликка бу меҳмонхона энди ёқмай қолган, чунки у ерда араблар тўлиб ётибди. Лекин қария Пи Жей улар билан катта ишлар қиляпти. Нефтнинг ўзи бир мамлакат, дейди у. Пи Жей буни қадрига етади.

— Бунга ишончим комил, — жавоб берди Холстон эҳтиром ила.

У аёлнинг чекни очиб, тўлдираётганини кузатиб турди. У чекни Барклайс бэнкка қарашли эканини ўзига қайд этиб қўйди. Ҳисоб рақамининг ҳақиқий эканини текшириб берадиган таниши бор. Холстон чекни олди.

— Мен зумрадни шахсан ўз қўлингизга топширишларини таъминлайман.

— Қария Пи Жейга у ёқиши аниқ, — таъкидлади аёл.

— Ишончим комил, — деди мулоийм Холстон.

У аёлни эшиккача кузатиб чиқди.

— Ролстон...

Холстон аёлнинг хатосини тузатмоқчи бўлди-ю, фикридан қайтди. Энди бу хонимни ҳеч қачон кўрмайди, худога шукр!

— Ҳа, хоним?

— Кундузлари бизнинг хонага бир пиёла чойга кирарсиз деб умид қиламан? Қария Пи Жей сизга ёқиб қолади.

— Ишончим комил. Афсуски, кундузи ишда бўламан.

— Афсус.

У миждозини йўлак четига чиққунча кузатиб турди. Оқ “даймлер” машинаси келиб тўхтади, ҳайдовчиси чиқиб эшикни очди. Малла соч аёл кетаётиб орқасига ўгирилди-да, маъқуллаш маъносида бошмалдоғини кўтарди.

Холстон хонасига қайтиб кириши биланоқ Барклайсдаги ошнасига қўнғироқ қилди.

— Питер, азизим, менинг қўлимда миссис Мэри Лу Бэнк ҳисоб рақамидан юз минг долларга ёзиб берилган чек бор. Шу тўғрими?

— Ҳозир, оғайни.

Холстон кутиб турди. У чек ҳақиқий бўлиб чиқишига умид қиларди, чунки кейинги вақт савдонинг мазаси йўқ эди. Бечора ака-ука Паркерлар талабнинг камайиб кетишида худди у айбдордек доим норозилик билдирар эдилар. Даромад бор эди, лекин олишлари мумкин бўлганидан катта даромад эмасди, зотан “Паркер энд Паркер”нинг заргарлик буюмларини тозалашга ихтисослашган дўконлари мавжуд эдики, эгаларига олиб келинган молларига нисбатан ёмонроқ моллар қайтариларди. Питер симда яна пайдо бўлди.

— Ҳаммаси жойида, Грегори. Ҳисоб рақамида пул ҳаддан зиёд.

Холстон жуда енгил тортди.

— Раҳмат, Питер.

— Арзимаёди.

— Шу ҳафтада таом мендан.

Чек жойида, эртаси эрта билан “колумбиялик” зумрад ишончли югурдак орқали “Дорчестер” меҳмонхонасига миссис Пи Жей Бенек номига етказилди.

Уша куниеқ, ёпилишидан сал илгари котиба Грегори Холстонга хабар берди:

— Қандайдир миссис Бенек сизни кўрмоқчи, мистер Холстон.

Унинг юраги орқасига тортиб кетди. Бу аёл тақинчоқни қайтариб бериш учун келган, йўқ дея олмайди. “Жин урсин бу аёлларни, барча америкалигу техасликларни!” Холстон зўраки табассум билан аёлни кутиб олиш учун чиқди.

— Яхшимисиз, миссис Бенек. Наҳотки тўғнағич эрингизга ёқмаган бўлса?

— Фикрингиз нотўғри, қароқчи. Қария Пи Жей уни кўриб ақдан озаёзди.

Холстоннинг юраги енгил ура бошлади.

— Наҳотки!

— Гап шундаки, эримга тақинчоқ шундай ёқиб қолдики яна битта сотиб олмоқчи, бир жуфт қилиб тақиб юрасан деяпти... Мен сотиб олганга ўхшаганидан яна битта беринг.

Грегори Холстоннинг пешонаси тиришди.

— Жиндек қийинчилик туғиладимиз, деб қўрқаман, миссис Бенек.

— Қандай қийинчилик, азизим!

— Сиздагиси — ягона тош. Унга ўхшаши бошқа йўқ. Бизда бошқа услубдаги ҳар турлиги жуда кўп. Бенек, мен...

— Бошқачаси менга керакмас. Мен ўзим сотиб олганимга айнан ўхшашини хоҳлайман.

— Очигини айтадиган бўлсам, миссис Бенек, ўн қаратли унча кўп “колумбиялик”лар нуқсонсиз бўлмайди. — У аёлнинг юзига қаради. — Тошларда қусур ҳам бўлиши эҳтимол.

— Давом этавер, йигитча. Лекин қаердадир шунақаси бўлиши керак-ку.

— Ростини айтаман, бунақа сифатли тошни жуда камдан-кам учратганман, зеро, бунинг шаклини ва рангини такрор бўлишининг деярли иложи йўқ.

— Бизнинг Техасда айтишадик, иложи йўқ нарсага эришиш учун жиндек кутиб турмоқ даркор. Шанба кунини — туғилган куним. Пи Жей худди шунақа тақинчоқ олишимни истайди, бинобарин, Пи Жей истайдими, Пи Жей олади.

— Улдасидан чиқолмасам кераг-ов...

— Бу тақинчоқ учун қанча тўладим — юз мингми? Мен билан Пи Жей — ҳар бир шунақа тош учун икки юз минг, ҳатто уч юз минг долларидан ажралишга тайёр.

Григори Холстоннинг мияси тез ишлаб кетди. Қаердан бўлмасин шунақа тош топиши лозим, модомики Пи Жей Бенек ортиқча икки юз минг доллар тўламоқчи экан, у ҳолда катта даромад бўлади бу. “Дарҳақиқат, — чамалаб кўрди Холстон. — Бу ишни шундай айлантиришим мумкинки, фойдаси ўзимга қолади”.

— Мен қидириб кўраман, миссис Бенек, — деди у. — Ишончим комилки, Лондондаги биронта ҳам заргарда бунга ўхшаши йўқ, лекин очиқ савдоларда ҳар доим зебу зийнатлар сотилиб туради. Мен эълонлар тарқатиб юбораман, кўрамиз, бирор фойдаси бўлармикин.

— Агар ҳафтанинг охиригача топсангиз, — дея таъкидлади малласоч аёл, — ўзаро гап-ку, лекин қария Пи Жей нархини уч юз эллик минггача ошириб олиши ҳам мумкин.

Шундай деб миссис Бенек чиқиб кетди.

Грегори Холстон ўз кабинетида ширин хаёл оғушида ўтирар эди. Тақдир унинг қўлига шундай одамни юбордики, малла соч қанжиқ уни ўзига шундай ром қилиб олганидан у ҳатто юз минг долларлик зумрад тошга уч юз минг тўлашга тайёр. Соф фойдаси икки юз эллик минг бўлмоқда! Грегори Холстон ака-ука Паркерларни бу битим тафсилотлари билан таништириб ўтиришнинг ҳожати йўқ деб ҳисоблади. Йўли осон — иккинчи зумрадни юз мингга сотилди деб дафтарга қайд этади-ю, қолганини чўнтагига уради. Икки юз эллик минглик устама умрининг охиригача этади. Бор-йўқ қиладиган иши миссис Бенекка сотган зумраднинг эгизагини топиш, холос.

Эгизагини топиш Холстон ўйлаганидан ҳам қийинроқ бўлиб чиқди. У кўнғироқ қилган барча заргарларда бунақаси йўқ экан. Холстон Лондоннинг “Таймс, “Файнэншл таймс” газеталарига эълонлар берди, Кристи ва Сотби ҳамда мол сотадиган ўнлаб агентларга кўнғироқ қилди, бироқ улар таклиф этганлари Холстон ахтарган нарсасига ҳеч ўхшамас эди.

Чоршанба куни миссис Бенек кўнғироқ қилди.

— Қария Пи Жей жиндек безовталанмоқда. Ҳали топмадингизми?

— Йўқ ҳали, миссис Бенек, — иқрор бўлди Холстон. — Хавотир олманг, топамиз.

Жума куни у яна кўнғироқ қилди.

— Эртага туғилган куним, — эслатиб қўйди у Холстонга.

— Биладан, миссис Бенек. Агар яна бир неча кун муҳлат бўлганида, ўзим билардим...

— Ҳечқиси йўқ, йигит. Эртага эрталаб зумраднинг иккинчиси топилмаса, сотиб олганимни сизга қайтиб бераман. Қарол Пи Жей, худо уни ўз паноҳида асрасин, шаҳар четидан катта қаср сотиб олиб бераман деяпти. Суссекс деган жойни эшитган бўлсангиз керак?

Холстонни тер босди.

— Миссис Бенек, — инграб деди у. — Сиз Суссексда жонингиздан тўясиз. Шаҳар четига уйда яшаб қийналиб қоласиз. Уйларининг талай қисми бир пулга қиммат, марказий иситгичи йўқ, ҳам...

— Гап орамизда қолсин-у, — Бенек унинг сўзини бўлди, — менга қолса зумрадни танлаган бўлардим. Қария Пи Жей гап орасида шунақа тошга ҳатто тўрт юз минг тўлашга ҳам тайёрман деди. Қария Пи Жей қандай қайсар одам бўлиши мумкинлигини ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсиз.

Тўрт юз минг! Холстон бармоқлари орасидан пул сочилаётгандек ҳис этди ўзини.

— Менга ишонаверинг, қўлимдан келган барча чораларни кўраман, — зорланди у. — Бир оз вақт керак.

— Бу менга боғлиқ нарса эмас, — валдиради малла соч, — Пи Жейга боғлиқ.

Алоқа шу билан узилди. Холстон ўз тақдирига лаънат ўқирди. Айнан шунга ўхшаш ўн қаратли зумрадни қайдан топади? У ўзининг аламли хаёлларига берилиб, селектори чириллаганини эшитмади, учинчи бор чириллаганида ҳуши ўзига келди. У тугмачани босиб:

— Ким у яна? — дея ўдағайлади.

— Мистер Холстон, виконтесса Марисса қўнғироқ қилипти. У сизнинг зумрад ҳақидаги эълонингиз бўйича қўнғироқ қилипти.

Яна биттаси! Эрталаб унга камида ўн марта қўнғироқ қилишди. Ҳаммаси қуруқ сафсата. У гўшакни олди ва:

— Эшитаман, — деди қўпол равишда.

Мулойим аёл овози италиянча лаҳжада янгради:

— Салом, сеньор. Мен эълон ўқигандим, сиз зумрад сотиб олмоқчисиз шеклилли.

— Менинг таърифимга қараганда шунга ўхшайди. — У бетоқат бўлаётганини овозидан яшира олмади.

— Мен авлодимиздан мерос бўлиб қолган бир зумрад сақлаб келаман. Афсуски, ҳозир жуда қийналиб қолганман, шу боис уни сотишим лозим.

Холстон шу каби воқеаларни илгари ҳам эшитган. “Яна бир марта Крести ёки Сотбига қўнғироқ қилиб кўрсам, балки сўнги дақиқада тўғри келадиган бирортаси топилиб қолса зора...”

— Сиз ўн қаратли зумрад қидиряпсизми?

— Ҳа!

— Менда ўн қаратли яшил “колумбиялик” бор.

Холстон нафаси тикилиб зўрға гапира бошлади:

— Илтимос, нима дедингиз? Қайтаринг, яна қайтаринг.

— Менда ўн қаратли кўм-кўк “колумбиялик” бор. Сизни қизиқтирадими деяпман?

— Бўлиши мумкин, — ўзини босиб олди у. — Қизиқ, ҳузуримга олиб келиб кўрсата оласизми?

— Йўқ! Ҳозир жуда бандман. Биз эримнинг элчихонасидаги учрашувга ҳозирлик кўряпмиз. Эҳтимол, кейинги ҳафтага олиб келишим мумкин...

— Йўқ! Кейинги ҳафта кеч бўлади. Хўп десангиз ўзим бораман. — Холстон бетоқатлигини босиб олишга уринар эди. — Ҳозирроқ етиб боришим мумкин.

— Э, йўқ. Бугун эрталаб мен бандман. Магазинларни айланмоқчи эдим.

— Қаерда тўхтагансиз, виконтесса?

— “Савое”да.

— Ўн беш дақиқадан кейин етиб боришим мумкин. Ўн дақиқа. — Холстон ҳаяжонини яшира олмади.

— Яхши. Исмингиз?..

— Холстон. Грегори Холстон.

— Менинг хонам — йигирма олтинчи.

Таксида юриш чексиздек туюлиб кетди. Холстон гоҳ арши аълога чиқади, гоҳ дўзах азобига тушади. Агарда зумрад сотилганига айнан ўхшаб қолса, у ҳолда унинг фойдаси уч юз минг — ҳеч қутилмаган орзулар рўёбга чиқади. Холстон Ривьерада уй сотиб олади. Эҳтимол яхтага ҳам ортиб қолар. Ўзининг вилласи ва шахсий кемаси ёрдамида ўзи хоҳлаганча ёш йигитларни ўзига жалб этиши мумкин...

Грегори Холстон худога ишонмас эди, лекин “Савой” меҳмонхонасининг йўлакларидан борар экан, беихтиёр худога илтижо қилаётганини сезиб қолди. “Шу зумрад тош ишқилиб, Пи Жей мамнун бўладиган даражада ўхшаш бўлсин-да”.

У виконтесса эшиги олдида ўзини босиб олиш учун чуқур нафас олиб турарди. Эшикни тақиллатди, аммо жавоб бўлмади.

“Эй худо, ўз паноҳингга асра. Бу хотин мени кутмасдан кетиб қолибди. Магазинларни айланиб юрган бўлса керак”.

Эшик очилди, Холстоннинг кўз олдида қора кўзли, юзларини ажин босган, сочларига оқ оралаган, эллик ёшлардаги келишган аёл намоён бўлди.

Аёл гапира бошлаганда унинг тили майин италянча лаҳжада ёқимли жаранглади.

— Хўш?

— Мен — Грегори Холстонман. Сиз қ-қўнғироқ қилган эдингиз. — У нима учундир дудуқлана бошлади.

— Э-ҳа, мен — виконтесса Марисса бўламан. Марҳамат, киринг.

— Раҳмат.

Холстон ичкари кирди, ҳаяжондан қалтираётганини билдирмаслик учун оёғини қаттиқ босди. Сал бўлмаса: “Зумрад қани?” деб юбормоқчи ҳам бўлди. Бироқ ўзини босиши ва иштиёқини яшириб туриши лозимлигини тушунарди. Агар зумрад тош кўнгилдагидек бўлса, унда савдолашиш имконияти туғилади. Қолаверса, у — мутахассис.

Аёл эса — гўл.

— Марҳамат, ўтиринг, — деди виконтесса.

Холстон курсига ўтирди.

— Мен англизча яхши гапира олмайман.

— Майли, майли. Жуда яхши, жуда соз.

— Раҳмат, қаҳва истайдиларми? Ёки чой?

— Ташаккур, виконтесса.

Холстон ичаклари тортиб бораётганини ҳис этарди. Сухбат мавзусини зумрадга ўтказиш вақти келмадимикан? Унинг бир зум ҳам кутишга тоқати йўқ.

— Зумрад...

Аёл сўз қотди:

— Э-ҳа, зумрадни менга бувим тақдим этганди. Қизимга йигирма беш ёшида тақдим этмоқчи эдим, бироқ эрим Миланда янги бир бизнесга қўл урмоқчи, мен эса...

Холстоннинг хаёли бошқа ёқларда дайдиб юрар эди. Уни қаршисида ўтирган бегона аёлнинг тарихи қизиқтирмасди. У зумрадни кўриш иштиёқида куйрди. Кутишга ортиқ иложи қолмади.

— Ўз ишини бошламоқ учун эримга ёрдам жуда зарур. — Виконтесса ғамгин жилмайди. — Балки хато қилаётгандирман...

— Йўқ, йўқ, — шу зумдаёқ жавоб берди Холстон. — Ҳеч ҳам, виконтесса. Хотиннинг бурчи — доимо эрнинг пинжида бўлмоқ. Зумрад қаерда ҳозир?

— Ўзимда, — деди виконтесса.

Ва чўнтагидан кимхобга ўралган зумрад тошни олиб, Холстонга узатди. Холстон зумрадни диққат билан кўздан кечирав экан, базўр нафасини ростлаб олди. Унинг кўз олдида нозик иш маҳсули бўлмиш ўн қаратли кўм-кўк “колумбиялик” зумрад турарди. Унинг наздида миссис Бенек сотиб олган зумрад ҳозир кўз ўнгидаги зумраддан катта-кичиклиги, ранги жиҳатидан жуда ўхшаб кетарди ва уларнинг орасидаги фарқи ажратишнинг ҳеч иложи йўқ эди. “Бу жудаям ўшанақа эмас-ку, — деди ўзи-ўзига Холстон. — Лекин фақат мутахассисгина уларнинг орасидаги фарқни ажрата олади”. Унинг қўллари қалтирай бошлади.

— Ниҳоятда ажойиб тош.

— Ажойиб. Шунча йил уни эъозлаб келдим. Бу тош билан айрилиш мен учун нақадар оғир.

— Сиз тўғри қиялпсиз, — дея уни ишонтирди Холстон. — Эрингизни келажакда шундай омади келадик, бу каби тошларни истаганингизча сотиб олишингиз мумкин бўлади.

— Мен ҳам шундай деб ўйлайман.

— Мен ўз дўстимга жиндек ёрдам бермоқчиман, виконтесса. Бизнинг дўконимизда ундан ҳам яхшироқ тошлар мавжуд, бироқ менинг дўстим хотини сотиб олган зумраднинг айнан ўхшашини олмоқчи. Ўйлашимча, бу тош учун олти миш минг доллар ҳам тўлашга рози бўлади.

Виконтесса хўрсиниб қўйди.

— Бувим гўрида ётиб ҳам менга тинчлик бермайди, агарда уни олти миш минг долларга сотсам.

Холстон лабини тишлади. У бу хотинга нархни ошириш учун имкон бермаслиги лозим.

— Мен сизга бир гапни айтмоқчиман... Дўстимни юз минг долларгача кўндираламан. Бу жуда катта пул, лекин у ушбу тошни олишни сабрсизлик билан кутаётган бўлса керак.

— Бу жуда адолатли гап, — деди виконтесса.

Грегори Холстоннинг юраги гупиллаб ура бошлади.

— Мен чек китобчамни олиб келгандим, шу боис ёзиб берсам-да...

— Афсуски, бу менинг муаммоларимни ечолмайди, — виконтессанинг чеҳраси тундлашди.

Холстон унга диққат билан қаради.

— Сизнинг муаммоларингиз?

— Ҳа, эрим янги иш очмоқчи эканлигини айтган эдим, шекилли. Бунинг учун унга уч юз минг доллар керак. Менда юз минги бор, бироқ яна икки юз минг доллар етмайди. Умид қиламанки, унинг харажатларини зумрад ҳисобига қоплайман.

Холстон бош чайқади.

— Менинг азиб виконтессам, биронта зумрад шунча пул турмайди. Юз минг доллар — бундан ҳам яхшироқ нарх бўлмайди.

— Ҳа, бунга мен ишонаман, мистер Холстон, — деди виконтесса, — у ҳолда мен эримнинг ҳожатини чиқара олмайман, ахир шундай эмасми? — ўрнидан турди. — Қизимга берсам тошни асраб қолган бўламан, — дея нозик кўлини узатди, — келганингиз учун ташаккур.

Холстон довдираб қолди.

— Андек сабр қилинг, — илтимос қилди у. Ундаги пулга бўлган очкўзлик ақл билан курашар, лекин у зумрадни қўлдан бермаслиги лозимлигини идрок этарди. — Илтимос, ўтиринг, виконтесса. Ишончим комилки, биз бир битимга келишамиз. Борди-ю, мен мижозимни бир юз эллик минг долларга кўндира олсам-чи?

— Икки юз эллик минг доллар.

— Ҳўп, айтайлик, икки юз минг...

— Икки юз эллик минг доллар.

Бу аёлнинг иродасини букиб бўлмасди. Холстон бир қарорга келди. Юз эллик минг долларлик даромад — ҳеч нарсадан кўра яхшироқ. Бу ўрта ҳол вилла ва яхта деган гап, ҳар ҳолда қандайдир мулк, ахир. Бундан ташқари бу ака-ука Паркерларга Холстон билан разилона муносабатлари эвазига ўч олиш ҳам бўлади. У уч-тўрт кундан сўнг ариза беради. Келаси ҳафта эса Ложувард соҳилда дам олади.

— Бу жуда катта пул, хоним, — деди у.

— Жуда яхши-да! Мен розиман...

“Сен қанжиқ шунга ҳам рози бўлмаслигинг мумкинми?” — ўйлади Холстон. Ўзиям афсус қиладиган жойи йўқ. У сўнгги бор зумрадга кўз ташлади-да, чўнтагига солди.

— Мен сизга дўкон ҳисобидан чек ёзиб бераман.

— Яхши, синьор.

Холстон аёлга чек ёзиб берди. Аёл ўз чекини тўрт юз минг нақд пулга айлантириши зарур эди. Питер унинг учун чеқдан нақд пул олиб беради, Холстон эса виконтессанинг чекини ака-ука Паркерларнинг чекига алмаштириб беради-ю, қолган фарқини ўз чўнтагига солади. Бу ҳақда Питер билан келишиб олиши мумкин, шу боис ҳар ойда ака-ука Паркерларга бериладиган расмий ҳисоботда икки юз эллик мингли чек кўринмай кетади! Холстон шу дамнинг ўзидаёқ Франциянинг иссиқ куёш нурларидан баҳраманд бўлаётгандек ўзини ҳис эди.

Таксида орқасига қайтар экан, вақт жуда тез ўтгандек туюлди. Холстон миссис Бенекка ажойиб янгилик тўғрисида хабар етказганда унинг қувончини кўз олдига келтирди. Холстон хонимга нафақат қимматбаҳо тошни топиб берди, балки уни қишлоқда кулбаи харобада елвизақда яшашдан ҳам асраб қолди.

Холстон ҳовлиқиб дўконга кирганида, уни Чилтон:

— Сэр, сизни бир харидор кутмоқда, — деб кутиб олди.

Холстон қувончини яширолмай унга қўл силтади.

— Кейин.

Мижозларга унинг вақти йўқ. Ҳозир ҳам, умуман ҳеч қачон. Шу дақиқадан эътиборан одамлар уни кутиб туради.

Холстон ўз кабинетига отилиб кирди-да, зумрадни стол устига қўйиб телефон рақамларини тера бошлади.

— “Дорчестер” меҳмонхонаси, — деб жавоб берди навбатчи.

- Марҳамат қилиб, Оливер Миссининг хонасини улаб берсангиз.
- Ким билан гаплашишни истайдилар?
- Миссис Бенек билан.
- Бир дақиқа.

Холстон навбатчи жавоб бергунга қадар хотиржам ҳуштак чалиб турди.

- Кечирасиз, миссис Бенек меҳмонхонадан чиқиб кетибдилар.
- Унда кўчиб ўтган хонасига кўнғироқ қилинг.
- Бунинг иложи йўқ. Миссис... Мен сизни қабулхона билан улаб бераман.

Эркак кишининг овози эшитилди:

- Қабулхона. Ҳўш, хизмат?
- Миссис Бенек қайси номерга кўчиб ўтди?

— Миссис Бенек бугун эрта билан меҳмонхонадан жўнаб кетган.

Йўғ-е, буни ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайди! Ҳеч кутилмаган, фавқулодда ҳол бу?

— Балки борадиган манзилини қолдириб кетгандирлар? Бу...

— Кечирасиз, хоним ҳеч нарса қолдирмадилар.

— *Албатта қолдирган!* Текшириб кўринг...

— Миссис Бенек билан ўзим ҳисоб-китоб қилганман. У киши ҳеч қандай қоғоз қолдирган эмас.

Холстон гўшакни оҳиста жойига қўйди. У миссис Бенек билан боғланиш йўлини қандай бўлмасин топиши ва ниҳоят зумрад топилганини хабар қилиши даркор! Бу орада виконтесса Мариссага ёзиб берган чекини қайтариб олиши ҳам керак.

У шошилинич “Савой” меҳмонхонасига кўнғироқ қилди.

- Йигирма олтинчини, илтимос.
- Марҳамат, кимга кўнғироқ қилиясиз?
- Виконтесса Мариссага.
- Бир дақиқа.

Лекин навбатчи қайтиб телефонга келгунча Холстоннинг кўнглини қандайдир фалокат бўлиши мумкин деган мудҳиш ваҳима боса бошлади.

— Кечирасиз-у, лекин виконтесса ҳисоб-китоб қилиб кетибдилар.

У гўшакни жойига қўйди. Бармоқлари аянчли қалтирар эди, шу боис банк рақамини зўрға терди:

— Менга бош иқтисодчини тезда улаб беринг! Мен чек тўловини тўхтатмоқчиман.

Бироқ, албатта, кечиккан экан. Холстон ўзи сотган юз минг долларлик зумрадни икки юз эллик минг долларга сотиб олди. У курсига ўзининг оғир гавдасини ташлади-ю, ака-ука Паркерларга нима деб тушунтираганини ўйлаб кетди.

8

Трейси учун янги ҳаёт бошланди. У Итон-сквер 45да қирол Георг услубида қурилган ажойиб кўҳна уй сотиб солди. У уйни шундай таъмирлаб жиҳозладики, оқибатда бу уй Лондоннинг диққатга сазовор биноларига айланди.

Гюнтер Трейсини импорт ва экспорт билан шуғулланиб, катта мол-мулк орттирган кишининг беваси сифатида таништирди. Гўзал, ақли, ҳусни-латофатли бу аёл тезда ҳурмат-эътибор қозонди ва уни кетма-кет таклифлар билан ёғдириб ташлашди.

Трейси вақти-вақти билан Франция, Швейцария, Бельгия, Италияга бориб турар ва ҳар сафар Гюнтер Хартог билан катта мўмай пул орттириб келарди.

Гюнтер Хартог раҳбарлигида у “Готт альманахини”, Дебренинг “Пэрлар китобини” ва қирол оилалари аъзолари, Овруподаги нуфузли шахслар ҳақида батафсил маълумот берилган бошқа мўътабар китобларни ўқиб ўрганди. Трейси буқаламунга, грим ниқоблар, лаҳжалар бўйича ҳақиқий мутахассисга айланди. У беш-олтита паспорт эгаси эди. Ҳар хил мамлакатларда ўзини гоҳ британия герцогиняси, гоҳ фаранг стюардессаси, гоҳ Жанубий америкалик бадавлат меросхўр деб таништиради. Трейси бир йил давомида ўзига керагидан ортиқ

пул тўплади ва жамғарма ташкил этди. Бу жамғарма орқали қамоқда ётиб чиққан аёлларга ёрдам қилувчи ташкилотларга яширин равишда хайр-эҳсон, ҳамда ҳар ойда Отто Шмидтга катта нафақа юбориб турар эди. Бу касбидан воз кечишни у энди хаёлига ҳам келтирмай қўйганди. Зийрак, ақли доно, омадли одамларга қарши чиқишни ёқтириб қолди. Ҳар бир муваффақиятли амалидан кейин вужудида сезган тўлқини унга кўкноридек таъсир этардики, охир-оқибатда у янги-янги йирик беллашувларга чанқоқлик сеза бошлади. Унинг шиори бегуноҳ одамни ҳеч ҳам хафа қилиб қўймаслик учун эҳтиёткорлик билан иш кўриш эди. Зотан унинг қармоғига очкўз ёки ҳаромхўр одамлар тушарди. Лекин баъзан бу иккала сифат бир одамда мужассам бўлиб турарди. Трейси ўзига-ўзи:

“Мен таъзирини берган биронта шундай одам ўз жонига суиқасд қилмайди”, — деб ишонтирган эди.

Газеталар бутун Оврупода содир бўлаётган бу каби дадил ва қалтис амаллар ҳақида хабар бериб турар, ҳамонки Трейси хилма-хил ниқоб кийиб ҳаракат қилгани учун полиция мардонавор ижро этилган қаллоблик ва ўғриликларнинг кўпайиб кетишини гангстерлар тўдасининг иши деб изоҳларди.

Ж. Ж. Рейнолдс Даниэл Куперни чақиртирди.

— Бизда муаммо пайдо бўлди, — деди Рейнолдс. — Оврупонинг бир талай мижозларига афтидан, қандайдир қароқчи аёллар катта зиён етказмоқда. Ҳамма дод демоқда! Тўдани қўлга олиш зарур. Бу сизнинг вазифангиз, Дан. Эрта-лабоқ Парижга учинг.

Трейси Моунстрит кўчасидаги “Скотс” ресторанида Гюнтер билан овқатланиб ўтирарди.

— Трейси, сиз Максимилиан Пьерпонт ҳақида ҳеч эшитганмисиз?

Исм танишдек туюлди. Қаерда эшитган эди бу исми? Жеф Стивенс “Қиролчи Елизавета” кемасида: “Сиз билан биз бу ерда бўлишимизнинг битта сабаби бор — Максимилиан Пьерпонт”, деганди.

— Жуда бадавлат, шундайми?

— Ва бешафқат. У компанияларни сотиб олиш ва уларни хароб қилиш бўйича мутахассис.

“Жо Романо фирмани бошқаришни ўз қўлига олиб ҳаммани ишдан бўшатди ва ишни бошқаришга ўз одамларини қўйди. Кейин у кампания курсини сунъий равишда пасайтира бошлади... Улар ҳаммасини — фирмани, ўша уйни, ҳатто онамининг машинасини тортиб олишди”.

Гюнтер унга ҳайрон бўлиб қаради.

— Трейси, соғлигинг жойидами?

— Ҳа. Жуда яхши. — “Ҳаёт тез-тез адолатсиз бўлиб туради, — деб хаёл сурди у. — Биз эса унинг бевафолигидан ўч олмоғимиз даркор”. Менга Максимилиан Пьерпонт ҳақида батафсил сўзлаб бер.

— Унинг учинчи хотини ажрашиб кетган, ҳозир сўққабош. Агар шу жентельмен билан танишиб олсанг, ўйлайманки, сенга катта фойда келтиради. У Лондондан Истамбулга кетадиган Шарқ экспрессига жума кунига чипта буюриб қўйган.

Трейси жилмайди.

— Мен ҳали Шарқ экспрессида юрмаганман. Бу саёҳатдан жуда мамнун бўлсам, ажабмас.

Гюнтер ҳам унга жавобан жилмайди.

— Яхши. Максимилиан Пьерпонтда қимматбаҳо санъат буюми бор — Фаберже санъатига мансуб тухум, биттаси унда бўлса, иккинчиси Ленинграддаги Эрмитажда. Ўша биттасининг нархи йигирма миллион доллар.

— Борди-ю, сенга бир нечта майда тухум топиб берсам, — деб сўради Трейси. — Уларни нима қиласан, Гюнтер? Ахир улар жудаям шухрат қозонган, сотиб бўлмайди.

— Хусусий коллекционерлар, Трейси. Сен менга майда тухум топиб келсан, мен эса унга уя топаман.

— Қўлимдан келганча ҳаракат қиламан.

— Максимилиан Пьерпонт шундай одамки, унинг ёнига йўл топишнинг ўзи бўлмайди. Лекин жума кунни Шарқ экспрессига Венецияда бўладиган ки-

нофестиваль муносабати билан иккита каптарчаларга ҳам чипта буюрилган. Назаримда, улар мева бериш учун жуда етилган. Сен Силвана Луадини эшитганмисан?

— Италиялик кино юлдузими? Бўлмасам-чи!

— У ўша даҳшатли киноэпопеяларни суратга оладиган Алберто Форнати-нинг хотини. Форнати касб ахлоқини бузаяпти, умуман аблаҳлик қиляпти. Актерларни фильм экранга чиққанидан кейин катта фоиз улуш бераман деб, арзимаган пулга ёллайди-да, ҳамма фойдани ўзида қолдиради. У шунча пул топадики, ҳатто хотинига қимматбаҳо зебу зийнатлар олиб беради. Хотинига қанча кўп хиёнат қилса, шунча кўп қимматбаҳо буюм олиб беради. Силвана ҳозирнинг ўзидаёқ ўз шахсий заргарлик дўконини очса ҳам бўларди. Ишончим комилки, сен уларни ўзингга муносиб топасан.

— Шунини орзиқиб кутаяпман.

“Венеция — Симплон” Шарқий экспресси Лондоннинг Викториа вокзалидан ҳар жума куни эрта билан соат ўн биру қирқ тўртда жўнайдди. У Истамбулга бораётиб Булон, Париж, Милан ва Венецияда тўхтаб ўтади.

Шарқий экспресснинг янги эгалари темир йўлда саёҳат қилишнинг олтин асрини тиклашга ҳаракат қилганлар, чунки бу каби саёҳатлар ўн тўққизинчи аср охирларида мавжуд эди. Шу боис замонавий поездни аслига ўхшатиб, унинг қаторига Британиянинг “кўҳна” пульман вагонлари, ресторону барлари, барча қулайликларга эга бўлган ётоқ вагонлари бўлишига эришганлар.

Олтин уқали, 1920 рақамли денгиз тўлқинлари рангидаги махсус кийимли ҳаммол Трейсининг иккита чемодани ҳамда сумкачасини мўъжазгина купега олиб кириб берди. Купеда майда гулли ангор эчкиси юнги билан қопланган биттагина ўриндик бор эди халос. Гилам ва юқоридаги тоқчага чиқишда фойдаланиладиган нарвон ҳам яшил духоба билан қопланган. Хуллас, купе шоколад қутичасига ўхшаб кетарди.

Треиси кумуш патнисдаги шампан шишасига қадалган ташрифномани ўқиди:
ОЛИВЕР ОБЕРТ, Поезд маъмури.

“Бирон байрам баҳонаси топилмагунча буни сақлаб қўяман”, — қарор қилди Треиси. Жеф Стивенснинг иши ўнгидан келмади. Мистер Стивенсдан устун келганини ҳис этиш — бу ажойиб туйғу. Треиси хаёлидан кечирган бу фикрлардан мамнун илжайиб қўйди.

Треиси тор хонасида чемоданларини бўшатди ва ўзига зарур бўлиши мумкин кийимларини илиб қўйди. У Панамерика реактив самолётларида саёҳат қилишни афзал кўрса ҳам, бу галги сафар одатдан ташқари қизиқ бўладиганга ўхшарди.

Шарқий экспресс белгиланган вақтида жойидан жилди. Треиси бахмал ўриндикда ястаниб ўтириб олиб, орқада қолаётган Лондонга туташ шаҳарчаларни томоша қила кетди.

Поезд соат биру ўн бешда Фолстоун портига етиб келди. У ерда йўловчилар Ла-Маншдан олиб ўтадиган паромга ўтиб олдилар. Булонда улар яна жанубга кетаётган Шарқий экспрессга қайтиб ўтдилар.

Треиси вагонбонлардан бирининг олдига борди.

— Билишимча, Максимилиан Пьерпонт ҳам биз билан саёҳатга чиққанмиш. У қаерда эканини менга кўрсатиб беролмайсизми?

Вагонбон бошини чайқади.

— Жоним билан кўрсатардим, билсам эдим, мэм. У купе буюриб, пулини ҳам тўлаб қўйган, бироқ кўринмади. У шунақа, ҳеч тушуниб бўлмайдиган жентельмен — ҳар ҳолда менга шундай дейиши.

Демак, Силвана Луади билан унинг эри — тез эсдан чиқадиган киноэпопеялар продюссери қолди.

Йўловчиларни Булонда Оврупо куруқлигидаги Шарқий экспрессга кўчиришди. Афсуски, Трейсининг купеси биринчи поезддагисидан фарқ қилмас экан. У кунни ҳаракат режалар тузиш билан ўтказди ва соат роппа-роса йигирмада кийина бошлади.

Қабул қилинган одат бўйича Шарқий экспресда оқшом либоси тавсия этиларди. Трейси ҳам кўкимтир-кулранг кўркам кўйлак билан кулранг пайпоқ ва кўкимтир силик туфли кийиб олди. Яккаю ягона тақинчоғи бир бойлам марварид бўлди. У хонасидан чиқишдан олдин ўзини синчиклаб кўзгуга солиб кўрди. Унинг кўк кўзлари бокираликни ифода этар, чехрасида эса соддадиллик ҳамда заифлик белгиси қотиб қолганди.

“Кўзгу алдаяпти, — ўйлади Трейси. — Мен бунақа аёл эмасман. Мен маскардада қатнашмоқдаман. Аммо, лекин ниҳоятда қизиқ маскарда бу”.

Трейси купедан чиқаётиб қўлидаги сумкачасини тушириб юборди. Уни олиш учун эгилар экан, эшикнинг ташқи кулфларини кўздан кечириб олди. Ўзи ёпиладиган “американинг” универсал кулфи экан. Ишонса бўлади. Трейси қаддини ростлади ва вагон-ресторан томон кетди. Поезд таркибида ўриндиқлари бахмал, деворлари юпқа ёғоч билан қопланган, тўқ-қизил абажур билан ўралган бронза қандилларидан майин нур сочиб турадиган учта вагон-ресторан бор эди.

Метрдотель уни олқишлади.

— Бир кишилик столми, мадемуазель?

Трейси залга кўз югуртириб чиқди.

— Раҳмат, мен дўстларим ёнига бориб ўтираман.

Кейинги вагонда ҳам шу каби бўш ўриндиқлар қолган эди.

— Хайрли кеч, — деб кўришди у билан метрдотель. — Бир ўзингиз овқатланасизми?

— Йўқ, Учрашувим бор. Раҳмат.

Учинчи вагонда бўш жой йўқ экан.

Метрдотель уни тўхтатди.

— Хоним, бу ерда ҳамма столлар банд. Марҳамат, бошқа вагонларга чиқингиз мумкин.

Трейси залга назар ташлаб чиқди ва қидираётган ўзига керакли стол олди борди.

— Афу этасиз, — деди у ўзини айбдордек кўрсатиб. — Ҳамма жой банд. Агар сиз билан ўтирсам, қарши бўлмайсизми?

Хўранда дарров Трейсига маънодор қараб кўйди-да, хитоб қилди:

— Марҳамат, ўтиринг. Хурсанд бўламиз. Мен Альберто Форнати бўламан, бу — менинг хотиним. Силвана Луади.

— Трейси Уитней, — бу гал у ўз исмидан фойдаланди.

— Э-ҳа! Америкаликмисиз? Мен америкача жуда яхши гапираман.

Силвана Луади нима сабабдан бу пакана, кал, бақалоқ Алберто Форнатига турмушга чиққани ва Римда ўн икки йил бирга яшагани Трейси учун жуда муҳим масала бўлиб қолди. Силвана Луади беқиёс даражада гўзал, одамда жуда ширин туйғулар уйғотувчи қоматли, Оскар мукофоти ва Кумуш хурмо бутогининг соҳиби, доимо катта шуҳрат қозониб келган бетақрор, ҳақиқий истейод эгаси эди. Трейси унинг эгнидаги Валентино қиёфасидаги оқшом кўйлагини тахминан беш минг доллар, тақинчоқлари миллион долларга арзийди, деб баҳолади. Трейси Гюнтер Хартогнинг: “Эри қанча унга хиёнат қилса, шунча зебу зийнат олиб беради”, — деган гапини эслади.

— Сиз Шарқий экспресда биринчи маротаба бўлишингизми? — деб гап бошлади Форнати.

— Ҳа, биринчи марта, — деди Трейси.

— Э... Бу жуда ишқий-романтик поезд, бу ҳақда кўп афсоналар тўқилган. — Унинг кўзлари намлашди. — Мана, масалан, сэр Бэзил Захаро эски Шарқий экспресда доимо еттинчи купеда юришни яхши кўрар эди. Бир кун тунда бақирлиқ овозлари эшитилиб, эшигини кимдир қаттиқ тақиллатган. Келишган ёш испаниялик герцогиня унинг купесига отилиб кирган, — Форнати жиндек сукут сақлаб, бурама кулчасига ёғ суртиб, тишлади. — Эри уни ўлдирмоқчи экан. Ота-онаси уни зўрлаб ўшанга узатишган, бечора қиз эрини жинни эканини кейин билибди. Захаро эрни тийиб қўйган ва кўрқиб кетган ёш жувонни тинчитган, ана шу билан улар орасидаги ишқий роман қирқ йил давом этган.

— Фаройиб воқеа, — деди қойил қолиб Трейси. Унинг кўзлари қизиққанидан кенгайиб кетди.

— Ҳа. Ўша воқеадан кейин улар ҳар йили Шарқий экспрессда учрашадиган бўлишган. Сэр Бэзил еттинчи — жувон эса саккизинчи купеда бўлишган. Жувоннинг эри вафот этганидан кейин улар турмуш қуришди ва сэр Бэзил ўз муҳаббати белгиси сифатида хотинига Монте Карлодаги казинони тақдим этган.

— Қандай ажойиб воқеа, мистер Форнати!

Силвана Луади бир оғиз ҳам сўз қотмади.

— Олинг, — дея илтифот қилди Форнати Трейсига.

Таомномада олти хил таом зикр этилган бўлиб, Трейси Алберто Форнати ўзининг ликобчасида ҳам, хотинининг ликобчасида ҳам борини еб битираётганини кузатиб ўтирди. Орада у жаврашини давом эттирар эди.

— Сиз актриса бўлсангиз керак, а? — деб сўради у Трейсидан.

— Э, йўқ. Мен шунчаки туристман.

Алберто Форнати илжайди.

— Сиз актрисага арзигудек гўзал экансиз.

— Ахир, у артист эмасман деди, — қатъий оҳангда деди Силвана.

Алберто Форнати хотинининг гапига эътибор бермади.

— Мен фильмлар оламан, — деди у Трейсига қараб. — Сиз балки эшитган бўлсангиз керак. “Ёввойи тентаклар”, “Найрангбоз хотинга қарши курашган девлар”.

— Мен кинони жуда кам кўраман, — деди Трейси айбдорона оҳангда. У Албертонинг семиз оёғи стол остида ўзининг оёғини босганини сезди.

— Ўзимнинг баъзи киноларимни сизга кўрсатиш имконим бўлар.

Силвана ғазабдан ранги оқариб, тескари ўтирилиб олди.

— Сиз Римда бўласизми? — Унинг оёғи Трейсининг тиззасини ишқалай бошлади.

— Мен Венециядан кейин Римга бормоқчиман.

— Жуда соз! Ўшанда ҳаммамиз бирга овқатланамиз, тўғрими? — У Силванага бир зум назар ташлади-ю, давом этди. — Аппий шоҳ кўчасидан сал нарида ажойиб вилламиз бор. Ўн акр...¹

У қулоч ёман деб шарбат идишни хотинининг тиззасига ағдариб юборди. Трейсининг назарида бу жўртгага қилингандек бўлди. Силвана Луади ўрнидан ирғиб турди, кўйлагига доғ кенгайиб борарди.

— Э, ярама! Фоҳишангни менсиз меҳмон қилавер! — деб бақирди-ю вагондан югуриб чиқиб кетди. Ўтирганлар уни бақрайиб кузатиб қолди.

— Яхши бўлмади-да, — деди Трейси. — Шундай ажойиб кўйлак. — У ўз хотинини камситгани учун бу эркакка тарсаки тортиб юбормоқчи бўлди.

“Бу аёл тақинчоқларидаги барча қаратларга арзийди. Ҳатто ортиғи билан”, — ўйлади Трейси.

Эр хўрсиниб қўйди.

— Форнати унга бошқасини олиб беради. Унинг қилиғига аҳамият берманг. У Форнатини жуда рашк қилади.

— Ишончим комилки, хотинингизда бунга асос бор, — Трейси пичингини мийиғида жилмайиб яширди.

Форнати унинг юзига тикилди.

— Бу — ҳақиқат. Аёллар Форнатини жуда ёқтиришади.

Трейси бу кичкина одамчаниннг мақтанчоқлиги устидан сал бўлмаса хахолаб кулиб юбораёзди.

— Бунга тушунишим мумкин.

Форнати чўзилиб Трейсининг қўлидан ушлади.

— Сиз Форнатига ёқяпсиз, — деди у. — Сиз Форнатига жуда қаттиқ ёқяпсиз. Топиш-тутишингиз қалай?

— Мен судда котиба бўлиб ишлайман. Бутун топган-тутганимни шу саёҳатга бағишладим, чунки Оврупода яхшироқ иш топишга умидим бор.

Форнатининг қосасидан чиқиб кетган кўзлари уни бошдан-оёқ қараб чиқди.

— Сиз учун бунинг муаммоси бўлмайди. Форнати сизга ваъда беради. У яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтарган кишиларга жуда хайрихоҳ.

¹ Бир акр — 0,4047 га тенг келади.

- Илтифотли экансиз жуда, — оҳиста деди Трейси уялинқираб.
- Балки бу масалани кечқурун сизнинг хонангизда ҳал қилиб олармиз?
- Жуда ноқулай-да.
- Нега?
- Сиз машхур одамсиз. Поезддагиларнинг бари кимлигингизни билса керак.
- Табиий.
- Борди-ю, менинг купемга борсангиз, бу воқеага бошқача ургу беришлари мумкин. Сизнинг хонангиз менинг хонам билан девор-дармиён бўлса, бошқа гап бўларди. Купенгиз нечанчи?
- Етмишинчи, — у Трейсига шаҳвоний нигоҳ билан қараб қўйди.
- Трейси хўрсинди.
- Мен бошқа вагондаман. Венецияда учраша қолсак нима дейсиз?
- Форнатининг чехраси ёришди.
- Яхши! Менинг хотиним купеда кўп вақтини ўтказади, негаки унга қуёш нури ёқмайди. Сиз Венецияда ҳеч бўлганмисиз?
- Йўқ.
- О! Сиз билан иккимиз Торселлога борамиз. Бу, кичкина чиройли оролча, Локанд Киприанида ажойиб ресторан бор. Боз устига бу меҳмонхона ҳам. — Унинг кўзлари порлаб кетди.
- Трейси тушунган киши бўлиб жилмайди.
- Эҳтиросли жарангларкан. — Трейси бирон гап қўшишдан ийманиб ерга қаради.
- Форнати энгашиб унинг қўлини маҳкам сиқди, оғзидан кўпигини чиқариб деди:
- Сен ҳали эҳтирос нималигини тушунмайсан, шекилли.
- Трейси ярим соатдан кейин ўз купесида эди.

Шарқий экспресс тун қоронғусида танҳо елиб борарди. Йўловчилар ухлаб ётишганларида Париж, Дижон ва Валарбни босиб ўтди. Барча чегара расмиятчиликларни вагонбонлар ўзлари эплашди.

Трейси соат учу ўттизда секин ўз купесидан чиқди. Поезд Швейцария чегарасидан ўтади ва соат ўн бешга Миланга етиб бориш учун соат бешу йигирма бир дақиқада Лозаннада бўлади.

Пижама, унинг устидан халат кийиб олган Трейси қўлида саквояжи билан йўлақдан кетиб борар эди. Таниш бўлиб қолган ҳаяжон ичида асаблари таранг ва юрагини тез-тез уришига сабаб бўларди. Купеларда ҳожатхоналар йўқ, улар ҳар вагоннинг охирида жойлашган эди. Трейсидан сўраб қолишса аёллар ҳожатхонасини қидиряпман дейди. Вагонбонлар билан ҳаммоллар ҳали чегарага етиб борилгунча бўлган вақтда бу тонгги соатларда ухлаб олиш бахтига муяссар эдилар.

Трейси етмишинчи купега эсон-омон етиб борди. У думалоқ дастакни ушлаб тортди, эшик берк экан. Трейси саквояжини очиб, ичидан темир буюм билан нинали кичкина шишани олиб “ИШЛАЙ” бошлади.

Ўн дақиқадан кейин ўз купесига келди, яна ўттиз минутдан кейин эса янги ювилган юзларида табассум ила ухлаб ётар эди.

Шарқий экспресс Миланга етиб боришига икки соат қолганда эрталаб етида етмишинчи купеда чинқириқ товушлар эшитилиб қолди. Қичқириқ вагондагиларнинг уйқусини бузди. Йўловчилар нима бўлди, деб ўз купеларидан бошларини чиқардилар. Вагонбон йўлақдан югуриб келиб етмишинчи купега кирди.

Силвана Луади жазаваси тутиб ўзини ҳар ёққа урарди.

— Ёрдам беринг! — бақирарди у. — Барча тақинчоқларим ғойиб бўпти! Бу ифлос поездда ўғрилар тикилиб ётибди!

— Илтимос, тинчланинг, хоним, — ёлворди вагонбон.

— Тинчланинг?! — унинг овози янаям кўтарилди. — Менга бундай дейишга қандай журъат этдингиз, аҳмоқ чўчқа. Кимдир менинг миллион доллардан зиёд турадиган тақинчоқларимни ўғирлаб кетибди!

— Қандай содир бўлди бу? — ҳайратдан хитоб қиларди Форнати. — Эшик берк, Форнатининг эса уйқуси зийрак. Агар кимдир кирса, мен дарров уйғонган бўлардим.

Вагонбон хўрсинди. У қандай бўлиши мумкинлигини биледи, чунки илгари ҳам бунақа воқеалар содир бўлган. Кимдир кечаси йўлақдан келиб шприц билан қулф тешиги орқали эфир сепган. Қулфлар — ўғри учун ўйинчоқ. Ўғри ичкари кириб, эшикни беркитиб олгану хонани титкилаб истаган нарсасини олиб ўз купесига қайтган, бу орада ўғирланган мол эгалари қаттиқ уйқуда бўлишган. Бироқ бу ўғрилик бошқаларидан бир жиҳати билан фарқ қилади. Илгари содир этилган ўғриликларда, ўғриларни ушлашнинг иложи бўлмаган, чунки поезд сўнгги бекатига келиб қоларди, шу боис улар ғойиб бўлишар эди. Ҳозирги воқеа бошқача вазиятда содир бўлди: ўғрилик қилингандан кейин ҳеч ким поезддан тушмаган, бинобарин, бу хол тақинчоқлар поездда эканлигини англатади.

— Хавотир олманг, — деди вагонбон Форнатининг ёстиқдошига. — Ўз тақинчоқларингизни қайтариб оласиз. Ўғри ҳали шу ерда, поездда.

У Милан полициясига шошилишч кўнғироқ қилди.

Шарқий экспресс Миланга яқинлашиб борган пайтда биронта ҳам йўловчини ва ҳеч қандай юкни текширувсиз поезддан туширмаслик тўғрисида буйруқ олган йигирмата форма кийган полициячи ҳамда оддий кийимдаги детективлар платформада саф тортиб туришарди.

Катта инспектор Луиджи Ричини тўғри Форнатининг купесига олиб киришди. Силвана Луада арзимаган гапга ҳам жазаваси қўзиб турарди.

— Мендаги бор тақинчоқларнинг ҳаммаси мана шу қутичада эди, — йиғламсираб айтиб берди у. — Биронтаси ҳам, аксига олиб, суғурта қилинмаган!

Инспектор бўм-бўш қутичани кўздан кечирди.

— Ўтган тунда ўз тақинчоқларингизни шу қутичага солганингиз аниқми?

— Албатта, аниқ. Ҳар тунда шу ерга солиб қўяман.

Миллионлаб хушторларини ҳаяжонга соладиган унинг ажойиб кўзларидан йирик-йирик ёш оқар, Ричи ҳам шу жувон учун аждаҳо билан жанг қилишга таяёр эди.

У купе эшиги олдида борди-да, эгилиб қулф тешигини ҳидлади. Эфирнинг ҳали учиб улгурмаган ҳиди сезилиб турибди. Ўғирлик содир бўлган ва у бешафқат ёвузни албатта, тутади.

Инспектор Ричининг ишончига асоси бор эди. У барча юкларни муҳрлаб қўйишни буюрди, энди жиноятчининг қочиб кетишига имкони қолмади.

Изқуварлар ҳар бир йўловчини ўраб олинган кутиш залигача кузатиб борар, у ерда йўловчиларни бошдан-оёқ тинтув қилар эдилар. Жамиятда катта маъкага эга бўлган йўловчилар бунга эътироз билдиришарди.

— Мени афу этасиз, — дея тушунтирди уларнинг ҳар бирига инспектор Ричи. — Лекин бир миллион долларлик ўғирлик ниҳоятда жиддий масала.

Йўловчиларни поезддан чиқарганларидан кейин изқуварлар бўш қолган купеларни остин-устун қилиб текширдилар. Хоналарнинг ҳар бир қаричини тинтув қилишди. Инспектор Ричи жуда қулай имкониятга эга эди ва бу имкониятни қўлдан беришни истамасди. Агар у ўғирланган тақинчоқларни қайтарса, хизмат юзасидан кўтарилиш ва унвонининг оширилишига эришиши мумкин. Бу ўйин унга руҳ бахш этар эди. Силвана Луади ҳам унга миннатдорчилик билдириши, уни таклиф этиши мумкин... У куч-ғайрати ошиб буйруқлар бера бошлади.

Трейси купесининг эшиги тақиллади, сўнгра детектив кириб борди.

— Афу этасиз, синьорина. Ўғрилик содир бўлган. Шу боис барча йўловчиларни тинтув қилишга тўғри келади. Марҳамат, мен билан юрсангиз...

— Ўғрилик? — ҳайрон бўлиб хитоб қилди Трейси. — Шу поездда-я?

— Афсуски, шундай, синьорина.

Трейси ўз купесидан чиқди ва иккита искович кириб унинг барча чемоданларини очиб ичидагиларни синчковлик билан текшира бошлади.

Қидирувнинг тўртинчи соатида бир неча ўрам наша, беш граммча қора дори, пичоқ ва ноқонуний тўппонча топилди. Лекин йўқолган тақинчоқларнинг изи ҳам йўқ эди. Инспектор Ричи бунга ишонгиси келмади.

— Поезднинг ҳамма ёғини тинтиб кўрдингизми? — деб сўради у лейтенантдан.

— Инспектор, биз ҳар бир қарич жойни тинтиб кўрдик. Локомотивни, вагон-ресторанларни, бар, ҳожатхона-ю, купеларни синчиклаб текшириб чиқдик, барча юкларни тинтдик. Мен, тақинчоқларнинг бу поездда йўқолганига қасам ичишга тайёрман. Балки хоним янглишгандир.

Лекин инспектор Ричи официантлар билан суҳбат уюштиргандан сўнг Силвана Луади ҳақиқатан ҳам бир кун олдин кечқурун тақинчоқ билан кўринганини билиб олди.

Шарқий экспресснинг мухтор вакили Миланга етиб келди.

— Сиз ортиқ бу поездни ушлаб тура олмайсиз, — дея талаб қилди у. — Биз шундай ҳам графикдан чиқиб кетдик.

Инспектор Ричи мағлуб бўлди. Поездни ушлаб туриш учун унинг ҳеч қандай далили йўқ эди. У қўлидан келган барча ишни қилди. Тунда содир бўлган воқеани тушунтириш учун якка-ягона асоси сифатида у — ўғри тақинчоқларни ташқарида кутиб турган шеригига ташлаб юборган деб исботлаши мумкин. Шундай бўлиши мумкинми? Ўғри йўлакда бирорта бегона одам ёки вагонбон, йўловчилар ўша атрофда юришлари мумкинлигини, поезд эса кимсасиз келишилган жойдан ўтишини олдиндан билиши мумкин эмас эди. Инспектор бу топишмоқнинг ечимини тополмади ва:

— Поездни жўнатинг! — деб буюрди.

У Шарқий экспресснинг бекатдан секин силжиб жўнаб кетишини ночор аҳволда кузатиб турди. Поезд билан унинг хизматда силжиш, унвонининг оширилиши, Силвана Луади билан сурадиган айшу ишрати тўғрисидаги орзу-умидлари ҳам кетиб борарди.

Эрталабки нонуштадаги ягона суҳбат мавзуси ўғирлик бўлди.

— Ҳаётимда содир бўлган воқеаларнинг энг ҳаяжонлиси шу бўлди, — дея иқрор бўлди қизлар гимназиясининг бошланғич синфлари ўқитувчиси, — у ўзидаги кичкина бриллиантли олтин тақинчоқни пайпаслади. — Буни олиб қўймаганларига ҳам шукур.

— Ҳа, албатта, — Трейси жиддий рози бўлди.

Вагон-ресторанга кириб келган Алберто Трейсини кўриб унинг ёнига учиб келди.

— Бўлган воқеадан хабардор бўлгансиз деб ўйлайман. Лекин сиз Форнати-нинг хотинини тунаб кетишганини билмайсиз, албатта.

— Йўқ!

— Ҳа! Менинг ҳаётим катта хавф остида! Ўғрилар тўдаси менинг купемга кириб мени хлорофос билан маст қилиб қўйибди. Форнати уйқусида ўлдириб қўйишлари мумкин эди!

— Қандай даҳшат!

— Лекин бизни тозалаб кетишибди!

— Энди барча тақинчоқларни Силвананага топиб бериш керак. Бу менга бутун бир мулк пулига тушади.

— Полиция уларни топа олмадимми?

— Йўқ, лекин Форнати ўғрилар тақинчоқлардан қай йўсинда қутулишганини билади.

— Наҳотки, хўш, қандай?

Форнати атрофга аланг-жалаң қилиб:

— Шериги биз тунда ўтиб кетаётган бекатларнинг бирида кутиб турган. Ўғри тақинчоқларни поезддан улоқтирган-у, вассалом.

Трейси ҳайратидан ҳайқириб юборди:

— Қандай зийрак экансиз, а. Яхши фаҳмлабсиз!

— Ҳа, — деб, у қошларини маънодор чимирди. — Сиз бизнинг Венециядаги учрашувимизни унутмадингизми?

— Йўғ-е, қандай қилиб унутай? — жилмайди Трейси.

У Трейсининг қўлини сиқиб қўйди.

— Форнати бу висолни сабрсизлик билан кутади. Ҳозир Силванани тинчитишга боришим керак. Унинг жазаваси қўзиган.

Шарқий экспресс Венециянинг Санта Лучия вокзалига етиб борди. Трейси поезддан тушган йўловчиларнинг биринчиларидан эди. У ўз юкларини тўғри аэропортга юборди ва Силвана Луади тақинчоқлари билан Лондонга энг яқин рейсда учиб кетди. У Гюнтер мамнун бўлишини тушунар эди.

9

Интерпол халқаро жиноят полицияси ташкилоти бўлимининг йигирма етти қаватли биноси Париждан олти миль наридаги Сен Клод тепаликларида Рю-Армето 26 кўчасида жойлашган эди. Бинони баланд яшил тўсиқ ва оқ тошли девор ўраб олганди. Кўча дарвозалари кечаю кундуз 24 соат давомида берк. Келувчиларни телевизион тизимлар ёрдамида синчиклаб текшириб кўрганларидан кейингина ўтказиб юборар эдилар. Бино ичида ҳар бир қават оралигида тунда қулфланадиган оқ рангли темир дарвозалар ўрнатилганди, ҳар бир қават эса алоҳида сигнализация ҳамда туташ канал орқали телевизор назорати билан жиҳозланган эди.

Қўшимча хавфсизлик чоралари мажбурий эди, чунки ушбу бинода икки ярим миллион жиноятчилардан олинган бармоқ излари сақланарди. Интерпол — етмиш саккиз мамлакат учун ахборот муассасаси бўлиб, жаҳоннинг қаллоблар, қалбаки пул ясовчилари, наркотик моддалар савдогарлари, қароқчилар ва қотиллар билан кураш фаолиятини бошқаради.

Интерпол “фармойиш” деб аталувчи сўнги қўшимча ахборот маълумотномасини тарқатади. Париж бўлими яширин полиция ёки Париж префектурасининг собиқ исковчулари билан тўлдирилган.

Интерпол бўлими бошлиғи инспектор Андре Триньяннинг хонасидаги мажлис май ойининг эрта тонгида бошланди. Шинам, оддий жиҳозланган хонанинг деразасидан ажойиб манзара кўринарди. Узоқда осмонўпар Эйфель минораси, ён тарафидаги Монмартда Сакре-Кёр жомесининг гумбази кўриниб турарди. Қирқ беш ёшли инспекторнинг қиёфаси ақлли, қадди-баста салобатли, қора сочли, унинг синчков жигар ранг кўзлари мугуз ойнақдан қараб турарди. Мажлисда Англия, Бельгия, Франция ва Италиядан келган изкуварлар қатнашмоқда эди.

— Жентельменлар, — дея гап бошлади инспектор Триньян. — Мен сизларнинг мамлакатларингиздан кейинги пайтларда Оврупода содир этилган қатор жиноятлар ҳақида ахборотнома тузиш учун шошилиш талабнома олганман. Унга яқин мамлакатларда ёппасига, очиқ-ойдин қаллоблик ва ўғрилиқ содир бўлмоқдаки, буларда бир неча ўхшашлик аломатлари бор. Жабрдийдалар — ёмонотлиқ обрўли одамлар. Бу воқеаларда зўравонлик содир этилмаган. Жиноятчи — одатда аёл киши. Биз халқаро жиноятчи аёллар гуруҳи билан дуч келганмиз деган қарорга келдик. Бизда фоторобот — суратларининг термаси борки, ҳар бир сурат жафо чекканлар ёки тасодифий гувоҳларнинг кўрсатмаларига асосан тузилган. Уларнинг баъзилари — малла сочли, баъзилари қора сочли. Уларга ҳар хил таъриф беришади, гоҳ инглиз, гоҳ фаранг, гоҳ испан, гоҳ италиялик, гоҳ америкалик аёл бўлади.

Инспектор Триньян тугмачани босди ва экранда бир нечта сурат пайдо бўлди.

— Сиз бунда фоторобот ёрдамида тузилган суратларни кўраяпсиз. Калта сочли қора мағиз аёл... — У яна тугмачани босди. — Бу ерда сочлари кўпол ёйилган малласоч аёл... Бунда яна битта сочлари жингалак қилингани... Сочлари “Паж” русумидаги қора мағиз аёл. Бунда эса сочлари турмакланган ёши ўтинқираган аёл... Бўялган кокил сочлиси, ёши ўтинқираган кўрқинчли гажак сочли аёл.

Инспектор аппаратни ўчирди. — Бизда гуруҳ бошлиғи ҳақида, уларнинг тўпланадиган жойи ҳақида ҳеч қандай ахборот йўқ. Улар ўзларидан кейин ҳеч қандай ашёвий далил қолдиришмай, тутундек ғойиб бўлишади. Эртами-кечми улардан бирини ушлаймиз, ўшанда бутун гуруҳни қўлга олиш мумкин бўлади. Шунга қарамай, жентельменлар, токи биронтангиз махсус ахборот топа олмансиз, жойимиздан жилмай тураверамиз...

Даниэль Купер учаётган самолёт Парижга қўнди. Уни “Шарль де Голь” аэропортида инспектор Триньяннинг муовинларидан бири кутиб олди ва “Георг V” дан машхурроқ, унга ёнма-ён жойлашган “Шаҳзода Галль” меҳмонхонасига элтиб қўйди.

— Сизнинг инспектор Триньян билан учрашувингиз эртага тайинланган, — ахборот берди Куперга унга ҳамроҳлик қилувчи ҳамкасби. — Сизни олиб кетиш учун саккизу ўн бешда кираман.

Даниэль Купер Парижга келишидан ҳеч қандай яхшилик кутмасди. У ўзига топширилган ишни иложи борица тезроқ адо этиб, уйига қайтмоқчи эди. У Парижнинг маишатгоҳларини билар ва у ерда бўлишни ихтиёр этмас эди.

Купер меҳмонхонада рўйхатдан ўтди ва хонасига қадам қўйиши биланоқ ваннахонага йўналди. Ваннанинг кенглиги унинг уйидагидан хийла каттароқ эканини кўриб ажабланди. У иссиқ сувни очиб қўйди-ю, чөмоданини бўшатиш учун ётоқхонага кирди. Чөмоданнинг тагида яхши кўрган костюми билан ички кўйлаги орасига мўъжазгина қути қўйилганди. У қутичани қўлига олиб диққат билан кузатганча бир оз ушлаб турди. Унинг бутун умри шу қутида мужассамдек туюлди. Қутичани ваннахонага олиб кириб чаноққа қўйди. Кулфлар терилган кичкина узукдаги жажжигина калитча билан қутини очди. Сарғайиб кетган газета бўлагидаги сўзлар ҳайқириқдек унинг кўзи ўнгида намоён бўлди.

“БОЛА ҚОТИЛЛИК ТЎҒРИСИДА СУДДА ГУВОҲЛИК БЕРМОҚДА”

Ўша куни ўн икки ёшли Даниэль Купер ёш боланинг онасини номусига тегиб, ўлдиргани ҳақида Фред Зиммер устидан ўтказилаётган судда гувоҳлик берди. Боланинг таъкидлашича, мактабдан қайтган бола қўшниси бўлмиш Зиммерни уйдан қонга бўялган ҳолда чиқиб келаётганини кўрган. Бола уйига кирганда ўз онасининг жасадини ваннахонадан топган. Онаси санчилган зарбалардан ҳалок бўлган. Зиммер миссис Купернинг ошиғи эканига иқрор бўлган-у, лекин қотиллик қилганини бўйнига олмаган.

Даниэль Купер қўллари қалтираб қутичани беркитди. У атрофга аланг-жанланг қилди. Ваннахонанинг деворлари, шифтига қон сачрагандек туюлди. У ваннада қонга бўялган сувда онасининг яланғоч жасади ётганини кўрди. У кўнгли беҳузур бўлиб боши айланиб бораётганини ҳис этиб чаноққа таянди. Ич-ичидан чиқаётган фарёд кулқуллаётган инграшга айланди ва у телбалардек устбошини ечиб улоқтирди-да, қондек қизил ваннага ўзини ташлади.

— Сизга шуни маълум қилишим лозимки, мистер Купер, — деди инспектор Триньян, — бу ерда сизнинг вазифангиз одатдагидан бошқачароқ. Сиз полиция вакили эмассиз, зотан сизнинг иштирокингиз норасмий. Шундай бўлса ҳам бир неча Оврупо мамлакатларининг полиция бошқармалари бизнинг сиз билан ҳамкорлигимизни кенгайтириши лозим эканлигини қаттиқ талаб қилишмоқда.

Даниэль Купер ҳеч нарса демади.

— Менинг тушунчамда сиз суғурта ҳамда суғурта компанияларининг концерциумини ҳимоя қилувчи халқаро ассоциациянинг терговчисисиз.

— Яқинда бизнинг бир нечта мижозимиз катта зарар кўрди. Менга хабар қилишларича, ҳеч қандай из қолмаган.

Инспектор Триньян хўрсинди.

— Афсуски, бу ишнинг мураккаблигини фақат яна битта тасдиғи. Жуда ақлли аёллар тўдасига дуч келганимизни биламиз.

— Расмий даракчилардан ҳеч қанақа ахборот йўқми?

— Йўқ. Ҳеч қандай.

— Наҳотки бу сизни ҳайрон қолдирмаса, таажжубли эмасми бу?

— Нимани назарда тутяпсиз, месъё?

Купер учун бу равшан, шу боис у ўз ғазабини яширишга уринмасди.

— Агар тўда аралашган бўлса, қай бири кўп валдирайди, қай бири ҳаддан кўп ичади, қай бири ниҳоятда кўп сарф-харажат қилади. Бир тўда одам сир

сақлаб қололмайди. Ижозатингиз билан шу тўда иши тўпланган папкани бир кўрсам.

Инспектор аввал рози бўлмади. Унинг назарида ўзи учратган одамлари ичида Даниэл энг ёқимлиси эди. Боз устига уччига чиққан такаббур. У “думбага кириб қолган тиканак” бўлади, лекин инспектордан унга тўлақонли ёрдам беришни илтимос қилишган. Инспектор ноилож рози бўлди.

— Сиз учун нухсалар тайёрлаб беришларини сўрайман.

У селектор орқали французча бир нарса деди.

Инспектор суҳбатни давом эттирар экан, гап орасида:

— Мана, ҳозиргина менга келтириб беришди, жуда қизиқ маълумот. Шарқий экспрессда қимматбаҳо тақинчоқлар ўғирланган, қачонки...

— Бу ҳақда кеча ўқидим. Ўғри италиялик полициячиларни лақиллатиб кетган.

— Бу ўғирлик қандай яқун топганини ҳеч қачон билиб бўлмайди.

— Бу жуда оддий, — деди кўпол равишда Даниэль Купер. — Оддий мантиқ керак, холос.

Инспектор Триньян кўзойнаклари устидан унга таажжуб билан тикилди. “Вой худойим, ахир у чўққалик қилмоқда”, совуққонлик билан давом этди.

— Бу воқеага мантиқ ёрдам беролмайди. Поезднинг ҳар бир қаричи тинтиб кўрилган, ҳодимлари-ю йўловчилари ҳам, боз устига барча юкларни тинтувдан ўтказишган.

— Бундай эмас, — эътироз билдирди Купер.

“Бу одамнинг эси жойидамас”, — хулоса қилди Триньян.

— Нима учун?

— Улар барча юкларни тинтув қилишмаган.

— Сизга айтяпман-ку, ҳаммасини деб, — ўзиникини маъқуллади инспектор Триньян. — Мен полиция ҳисоботини кўриб чиқдим.

— Тақинчоқлари ўғирланган аёлнинг исми Силвана Луадими?

— Ҳа.

— У ўз тақинчоқларини кечаси қутичага солиб қўйган, ўша жойдан ўғирлашган.

— Ҳа, шунақа.

— Полиция миссис Луадининг чемоданини тинтиб кўрганми?

— Йўқ, фақат қутини. Бу аёл — жабрдийда. Унинг чемоданини титкилашнинг нима ҳожати бор?

— Шунинг учунки, мантиқан — ўша ўғри тақинчоқларни яшириб қўйиши мумкин бўлган ягона жой — эгасининг чемодани ичи. Эҳтимол, ўша чемоданларнинг иккита туби бўлган, барча юкларни платформага тўплаб қўйишганда ўғрининг битта қиладиган иши — чемоданларни алмаштириб олиб, ғойиб бўлиш эди. — Даниэль Купер ўрнидан турди. — Маълумотлар тайёр бўлган бўлса, мен уларни варақлаб кўраман.

Инспектор Триньян ўттиз дақиқадан сўнг Алберто Форнати билан телефонда гаплашмоқда эди.

— Месьё, — деди инспектор. — Телефон қилаётганим, Венецияга етиб борганингизда хотинингизнинг юклариди чалкашлик рўй бермадими?

— Ҳа, ўша аҳмоқ ҳаммол унинг чемоданларини алмаштириб юборибди, — шикоят қилди Форнати. — Меҳмонхонага келиб, хотиним чемоданини очса, унинг ичида эски журналлардан бошқа ҳеч нарса йўқ экан! Мен Шарқий экспресс раҳбариятига кўнғироқ қилгандим. Нима, улар хотинимнинг чемоданини топишибдими?

— Йўқ, месьё, — деди инспектор. Ўзича эса қўшиб қўйди: “Сенинг ўрнингда бўлсам, ундан умидимни мутлақо узган бўлардим”.

Телефондаги суҳбатини тугатган инспектор ўз креслосига ястаниб олди-да, хаёл сурди: “Бу Даниэль Купер жуда ғалати одамку”. Дарҳақиқат жуда ғалати.

Давоми бор.

Николай КРАСИЛЬНИКОВ

Сирли сўқмоқлар

Ҳикоялар

САККИЗОЁҚ

Бозор куни чўмилиш соҳилида одам ғуж-ғуж — эркаклар, аёллар, болалар. Чўмилиш ашёлари ва кийимларининг ранг-баранглигидан кўзлар қамашади. Болаларни айтмайсизми? Ола-була, бир хилларининг бадани куёшда темирдек қорайган, ялтирайди. Бир хиллари эса энди бугдой рангига кирган.

Қийқиришади. Оёқларини баланд кўтарганча бостириб келаётган тўлқинлар устига сакрайдилар. Булар пихини ёрган чўмилувчилар. Янги келганлар эса аввалига оёқларининг учи билан сувни текшириб кўришади; совуқми, илиқми? Бир шўнғиб олдингми, бас! Денгиздан чиққинг келмайди...

Бундай масъуд туйғулар қайдан келдийкин? Ё раббим! Наҳотки биз ростдан ҳам қачонлардир сувдан чиққан бўлсак?..

Нима бўлганда ҳам денгиз суви бошқача. Мириқиб чўмилишга не етсин!

Бироқ дўстим ва йўлбошловчим Манолис кўпни кўрган “кадиллак”ни кэм-пинг томон бурмайди. Ўнг томонга қараб ҳайдайди. У ерда ҳам денгиз, ажойиб кум ва улкан тош — қоя. Энг муҳими — гаройиб сукунат.

Биз худди шу ерда тўхтаيمиз. Юқларимизни тушираимиз. Балиқ овлаш анжомлари — қармоқ, тўр, дамлама резина қайиқ, сув ости ови учун сузгич, ниқоб ва бало-баттар...

Бу жойни Маналис кўпдан бери ёқтириб қолган. Бу ерга ойига камида икки бор келиб туради. Маза қилиб чўмилади, офтобда тобланади, балиқ овлайди. Овлаганда ҳам спиннинг¹ билан овлайди. “Балиқ ови — жон-дилим” дейди Манолис.

¹ Спиннинг — ўрама қармоқ.

Русчадан
Файзи
ШОҲИСМОИЛ
таржимаси

Николай Красильников 1948 йилда Тошкентда туғилди. Ҳарбий хизматдан кейин Тошкент Педагогика институтини тамомлади. Йигирмадан зиёд шеърӣ ва насрий тўпламлар муаллифи. “Терак-терака”, “Зардоли гули”, “Зангори бурилиш ортида”, “Сирли сўқмоқ”, “Овчи уйининг сири”, “Лайлак қор”, “Али Бобо ҳузурида” сингари кўплаб ҳикоя ва қиссалари билан китобхонлар эътиборини қозонган.

Адибнинг кўплаб асарлари Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари халқлари, шунингдек, поляк, инглиз ва немис тилларига таржима қилинган. Николай Красильников ўзбек адиблари асарларининг русчага таржимони сифатида ҳам яхши таниш.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

118

Манолис қайиққа дам уриб шиширади, спиннингни, қармоққа иладиган ҳўрак тўлдирилган идишни олади ва тош оролчага қараб суза бошлайди. Денгиз тўлқинлари орасидан қизғиш-қўнғир “елкаси” аранг кўриниб турган бу оролча қирғоқдан юз метрларча келади. Биринчи кўришимда у менга денгиз махлуқига ўхшаб кўринди. Худди динозаврга ўхшайди-я. Ана, катта гавдаси, узун бўйни, худди калласини сувдан чиқариб бизга қараб тургандай. Диққат билан қарасам, махлуқнинг боши бўлиб кўринган нарса зайтун дарахти экан. Қизик, тошлар устида у қандай ўсди экан. Шундай офтобнинг тиғи остида-я?

Уст-бошимни ечдим узимни сув бағрига отдим. Қулочлаб анча жойгача сузиб бордим. Кейин сув юзасида чалқанча ётиб олдим. Тўлқинлар мени чайқай бошлади. Маза! Худди икки дарахтга осиб боғлаган тўр тўшакда ётгандай чайқаламан. Куёш кўзни қамаштирса ҳам илиқ сув жонга ором бағишлайди.

Тўхта-чи! Бундай ҳол мен билан аввал ҳам юз берганди. Лекин қачон, қаерда? Ҳа, болаликда эди у. Ўшанда мен олмурут дарахтига осилган тўр беланчада ётгандим. Чайқалиб ётганча олис денгизлар, оқ елканлар ҳақида хаёл сургандим. “Зангори мавж остида жўшар, кўкдан сочар куёш олтин нур...” сатрларини ҳаяжон билан ўқиганим ёдимда.

Тавба, наҳотки ўша орзуларим ушалган бўлса... Юрагим ҳовриқиб кетди. Қандай яхши-я! Тушимми, ўнгимми?

...Сувда чалқанча ётганча, қалбимга қадрдон кишиларни эсладим. Уларнинг кўплари ошини ошаб, ёшини яшаган, оламдан ўтиб кетишган. Лекин уларнинг меҳри ҳанузгача қалбимни иситади. Мен ҳамиша дилимни ғам босганда, дардимни айтгани, юрагимни бўшатгани ўшалар олдига чопиб борардим. Улардан қалбга малҳам, белга мадад олардим. Мен ҳам дўстларимга шундай муносабатда бўла олдимми? Уларнинг қайғусига ҳамдард, қувончига шерик бўла олдимми?

Э, яхшиси, эсламаган маъқул. Зеро, эслаган сайин таъбим тирриқ бўлаверади.

И-е, айтганча, Манолис қани? Ҳа-а, ана, оролчада — спиннинг ғалтагини айлантираётибди. Афтидан, зерикишга вақти йўққа ўхшайди...

Негадир шу пайт тайёрада учганим, поездда ва автобусда кўплаб туннеллардан ўтганим, узоқ ва зерикарли йўл босганим эсимга тушиб кетди. Эҳ-ҳе, денгиз йўли бирам олис экан-ки...

Лекин учрашувдан кейин дўстимнинг кўзларидаги севинчни кўрсангиз эди. Бўлмаса-чи, йигирма йил кўришмагандик-да! Бутун бир умр-а!

Энди денгизнинг ўйноқи тўлқинларидаги ҳузурни айтинг. Узоқ йўл азоби денгизнинг мангу гўзаллиги олдида нима деган гап. Уларни тенглаштириб бўларканми?

Йўқ, асло.

Мен денгиз тўлқинлари узра қулоч ёзиб қирғоққа қараб сузаман.

Баланд тик қоядан денгиз қафтдагидек кўриниб турибди. Кўзимни қисиб узоқ-узоқларга тикиламан. Келажак тўғрисида негадир ўйлагим келмайди У хира ва ташвишли кўринади. Қолбуки, бутун умр бизга ёрқин келажак ваъда қилиб келишганди. Бундай келажакни кутиш жуда узоқ чўзилади. Бизни алдашаётганига ҳеч ким ишонмасди. Халқ доҳийлари ҳам алдашадими! Бундай ўйлашнинг ўзи гуноҳи азимдек туюларди.

Лекин алдашган экан.

Шу яқин атрофда, қачонлардир қадим замонларда Сиракуз остоналарида римликларнинг кемалари турарди. Кемаларнинг елканларини енгил шамол тортқилар, аскарлар қилич-қалқонларини жаранглатишарди. Ўшанда Архимед ердаги кумга доира шаклини туширганди. Бу ҳалокатидан ва афсонавий мангуликка юз тутишидан атиги бир неча соат олдин юз берган эди.

Бу тупроққа қадам қўйишнинг, унинг ҳавосидан нафас олишнинг ўзи буюк ҳидоят-ку, ахир! Шундай ёрқин ўйлар билан кўзим пинакка кетибди...

— Тур, турсанг-чи, қоғоз қораловчи, — деган овози эшитилди Манолиснинг. Қарасам тепамда турибди. — Нима, ухлагани келдингми, денгизни томоша қилганими?

Уйқум ўчди. Пастга сакрадим. Қайиқ қирғоқда турибди. Манолис анчагина балиқ тутиб ипга тизибди. Тангалари майдаланган шиша парчаларидай ялтирайди.

— Меланкуръя, — дейди Манолис ўлжасига ишора қилиб. — Роса мазали.

— Жуда соз, — дейман қўлларимни бир-бирига ишқаб ва сувга шўнғишга шайланаман.

— Тўхта, — дея тўхтатади мени Манолис, — ниқобни кийиб ол!

Ҳа, мен денгизга ўрганмаганимни юнон яхши билади. Сув остида сузиш осон эмаслигидан огоҳлантиради. Начора. Кийишга тўғри келади. Манолис бекорга жон куйдираётгани йўқ, ахир.

— Сув ости оламини ҳам бир кўргин, қойил қоласан. Фақат ўпкангни ҳавога тўлдириб ол. Мен ҳам ёнингда бўламан.

Шундан кейин сувга тушамиз. Денгизга шунғийман. Во ажаб! Кўз ўнгимда бутунлай бошқа бир олам пайдо бўлади. Теварак-атрофим сеҳрли бир олам. Қандайдир жингалак сув ўтлари, совуқ донатор кум, чиганоқлар, балиқлар. Мунча кўп булар, мунча ранг-баранг. Кенг ва ингичка думли, қўнғир ва қизғиш, йўл-йўл чизиқли. Бир хилининг кўзи умуман йўққа ўхшайди. Менинг ёнимдан бепарво сузиб ўтишмоқда. Улар ўз ҳаётлари билан банд. Сенга парво ҳам қилишмайди. Балиқлар орасида ўзинг ҳам балиққа ўхшаб кетаркансан. Катта ва қўпол балиқ. Манзара шу қадар ажойиб эдики, ҳавони алмаштириш кераклигини ҳам унута ёзибман. Сўнги қултум ҳаво тугагач, ниқоб қиса бошлади. Ўқдек отилиб сув юзасига чиқдим. Юзимдан ниқобни ечиб, тўйиб-тўйиб нафас олдим.

— Қалай, тўғри айтибманми? — сўради Манолис. — Зўр-а!

Кувончимни ичимга сиғдирилмай, бошмолдоғимни кўрсатдим. Кулишиб, соҳилга чиқдик. Машинамиз ёнида нотаниш қизга кўзимиз тушди. Куёшда роса қорайган. Қаердан келиб қолдийкин? Эркаклар сафида аёллар ҳам бўлиши ёмонмас ҳар ҳолда. “Шундаймасми?” — дегандай Манолис билан бир-биримизга маъноли қараб қўйдик. Бунинг устига нотаниш гўзал қип-яланғоч эди. Бўлиқ кўкраклари ҳаво ва офтобдан яйраётгандек туюларди. Белининг пастки қисмига эса япроққа ўхшаш алламбалони ёпиштириб олибди.

— Зўрми? — сўради яна Манолис. Лекин у денгиз қаъри ҳақидами ёки қаердандир пайдо бўлган қиз ҳақида сўрадим, тушуна олмадим.

— Сувости дунёсими ёки аёл? — дедим. — Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Иккаласи ҳам гўзал!

— Мен ҳам шундай фикрдаман, — деди Манолис.

Биз кум устига чўзилдик. Офтоб қадимий Пирея узра чарақлаб турар, унинг оташ нурлари бизнинг осий танларимизни ёндирмас, балки кўринмас нафаси билан эркалаб, силаб ўтар, жонимизга ҳузур бағишларди.

Ҳалиги қиз оҳиста ўрнидан турди. Кунботар томонга кўз югуртирди-да, бошини бир силкитиб қўйди. Шунда сочлари, бўлиқ қоп-қора сочлари елкаларига тушди. Бунга кўрса шарқ шоирлари: “Сарвқомат!” — деб ҳайқариши ва илҳомлари жўшиб ғазаллар битишга киришишлари турган гап эди... Кейин у сувга тушди ва ғойиб бўлди.

Орадан ўн дақиқалар ўтгач, мен уни оролчада кўрдим. Ҳолбуки, Манолис қайиқчада оролчага боргунча анча тер тўкканди. Менинг ҳалиги нотаниш қизни қизиқчи билан кузатиб турганимни кўриб Манолис кулимсиради.

— Маёқ назоратчиси — соқовнинг қизи. Исми Валенса. Ҳамиша шу ерда чўмилади. Дарвоқе, эрга тегмаган.

Мен йиллар юки остида пажмурда бўлган баданимга қараб хўрсиниб қўйдим.

— Топган гапингни қара-ю, — дедим минғирлаб. — Бу гўзаллик-ку, қараб кўз кувонади...

Кумда чўзилиб ётавериш жонга тегди, иссиқ ўта бошлади. Қўлларим беихтиёр ниқобга чўзилди. Сувости дунёсини яна кўргим келиб қолди. Худди кашандани хумор тутгандай. Шаҳд ўрнимдан турдим-да, денгизга чопдим. Манолис орқамдан тиржайганча қараб қолди.

Ёрқин сув остига шунғийман. Кўз ўнгимда менга бутунлай нотаниш дунё пайдо бўлади. Расмларда, кино экранларида кўрганимдан ҳам гўзал бир дунё. Улкан сув ўтлари майин тебранади, майда балиқчаларнинг кумуш томчиларига ўхшаш тўдаси сассиз сузиб ўтади ён-веримдан. Эртакнамо балиқларнинг жим-жимадор тангалари камалақдай товланади.

Сузаман, сузаман, сув сатхига бирпас қалқиб чиқаману нафасни ростлаб яна шўнғийман. Бирам мароқлики...

Бир маҳал қарасам Манолис чақиряпти.

— Бугунча етар, — деди у. — Эртага яна келамиз. Саққизоёқ овлаймиз.

— Қандай қилиб? — сўрадим ҳайратланиб.

— Кўрасан...

“Кадиллак” ўкириб ўрнидан қўзғалди ва кўчадан физиллаб ўтиб турган машиналар сафига кўшилди. Офтоб уфққа туташиб кетган сувга шўнғиди. Номозшомда денгиз феруза тусини олди. Ундан салқин эпкин уфурди.

Мен ҳалиги нотаниш қизни яна кўриш илинжида орқага ўтирилдим. Бироқ у на оролчада, на соҳилда кўринмасди.

— Эрталаб кўрасан, — деди менинг безовталигимни сезиб Манолис.

Мен ташқарида, йиғма ўриндиқда чўзилганча, қўлларимни бошим остига қўйиб, юлдузли осмонга тикилиб ётардим. Осмон худди менинг юртим — Россиядагидек эди. Ё тавба, деб ўйладим ғамгин, агар ракетада бор-йўғи олтмиш дақиқа ичида айланиб чиқиш мумкин бўлса, бу курраи заминимиз жуда кичкина экан-да. Қандайдир юлдузлар уруши ўйлаб чиқарганларнинг қилиқлари тел-балик эмасми? Ахир, ер юзида инсон зотининг қуриб битиши учун бир неча Чернобил кифоя эмасми? Бунақанги даҳшатлар олдида шунчалар ожизмизки...

Кейин мен эртага бўладиган ов ҳақида ўйлаб кетдим. Айнан ов, чунки саккизоёқни овлашни оддий балиқ тутиш билан тенглаштириб бўлмасди. Баданим увишгандай бўлди.

Эсимга эски бир воқеа тушиб кетди. Поезд буюк Транссибир темир йўли бўйлаб учиб борарди. Купеда икки киши эдик. Мен ҳали ёш йигит ва бир вақтлар савдо флотига денгизчи бўлиб хизмат қилган ўрта ёшлардаги эркак. Эрталаб ювингач, сочиқ билан артинганча купега кириб келди. Белигача ечинган, мушаклари бўртиб турибди. Бирдан ўнг елкасидаги расмга кўзим тушди — чандир баданига даҳшатли саккизоёқ ўйиб ишланибди.

У менинг ҳайрат билан қараб турганимни сезиб қолди.

— Нима, қўрқинчлими? — сўради кулиб.

Мен бошимни лиқиллатиб, илжайдим.

— Бу бадий ижоднинг тарихини билишни истайсанми?

Эшикни тақиллатишди. Хушрўйгина қиз чой олиб кирди.

Шундай қилиб, вагон ғилдираklarининг бир маромдаги “тақа-туқи”ига ҳамоҳанг тарзда стандадаги чойни аралаштирарканман, юз берган воқеанинг гувоҳига айлангандек бўлдим.

Дмитрий, ҳалиги денгизчини шундай аташарди, таътил вақти ота-онасиникига келган эди. Улар Тинч океан соҳилида яшашарди. Йўлдан чарчаб келгани учун ярим кун дам олди-да, чўмилгани борди. Қирғоққа урилиб турган сувда маза қилиб чўмилди. Аъзойи бадани яйрагач, соҳилга яқинроқ турган сирпанчиқ тош устига чиқди. Оёқларини сувга тикиб, гоҳ беғубор осмонни, гоҳ мўъжазгина қишлоғини кузатганча хаёлга чўмди.

Кун оғиб, қоронғу туша бошлади. Сувнинг қайтиш пайти бўлганди. У пасая бошлади. Кўпчилик чўмилувчилар, асосан болалар ва ёшлар уй-уйига тарқалишди. Энг сўнгги йигитча ҳам тепалик орқасига ўтиб кетгач, Дмитрий оёқларига кимдир ёпишганини ҳис қилди. У оёқларини сувдан чиқариб олмоқчи бўлди, қаёқда дейсиз... Ўша кўринмас “кимса” Дмитрийнинг иккала оёғини маҳкам арқон билан ўраб олгандай уни пастга, сув ичига торта бошлади.

“Саққизоёқ!” — деган фикр ялт этди миясида.

Дмитрий сирпанчиқ тошга ёпишди, яхшиям унинг гадир-будир жойлари бор экан, зўр бериб оёқларини тортиб олишга урина бошлади. Лекин саккизоёқ кучлироқ эди. Йигитнинг мадори қурий бошлади.

“Чўкиб кетсам-а” — ўйлади Дмитрий ва жон ҳолатда қичқира бошлади. Лекин атрофда ҳеч ким йўқ эди.

Бирдан, Дмитрий бутунлай умидини узган пайтда, кимнингдир кучли қўллари уни тортиб олди. Колхоз балиқчиси набираси билан қишлоққа қайтишаётган экан. Дмитрийнинг чинқирганини эшитиб ёрдамга етиб келишибди. Яхшиям балиқчининг набираси — бақувват Христофорнинг ёнида пичоғи бор эди. Қа-

роқчи саккизоёқни бир ёқли қилди. Учовлашиб уни соҳилга олиб чиқишди. Кейин қишлоқ дўконида тортиб кўришди. “Кўпқўлли” бу йиртқичнинг оғирлиги қарийб уч пуд келди.

— Омадинг бор экан, йигитча, — деди Христофор ҳали ҳам ўзига келолмаган Дмитрийга.

Ўшанда у елкасига бу даҳшатли денгиз махлуқининг расмини туширишни ният қилган экан.

...Кўзим илиниб қолган экан, тушимда яна ўша кўрқинчли манзара пайдо бўлди. Алаҳсираб нималардир дедим, шекилли, Манолис мени силтаб уйғота бошлади.

— Турақол, ошна! Турақол...

Кўзимни очдим. Қуёш, атрофга тўр ёйган эди. Манолис афтимга қараб, кўрқинчли туш кўрганимни сездим, лекин ҳеч нарса демади. Ўзим гапиришга уялдим, кўрқоқ экан, деб юришмасин тагин.

Бир финжондан қаҳва ичиб, яна денгизга йўл олдик.

Мен саккизоёқни бор-йўғи бир мартагина, тасодифан бозорда кўрган эдим. У ҳам тирик эмасди. Ёғоч пештахта устида, қандайдир шакли-шамойили бетаини бир нарса ётарди. Ҳамир уюми дейсизми-ей, фақат ёнларида панжалари, ҳаммаси нуқта-нуқта тугмачалар билан қопланган.

Кейин менга тушунтиришди, бу сўргичлари экан... Кечқурун эса биз Манолис билан соҳилдаги қаҳвахонада ўтириб, муздек пиво ичардик. Бизга газак учун чинни ликопчаларда қанақадир маринадланган каржлар беришди. Чангалга илиб, оғизга солдим, бирам хушхўр, тишларим орасида қасир-қусур қилиб кетди.

— Нима бу, топ-чи? — тиржайди Манолис.

— Билмайман, — ростини айта қолдим. — Кўзиқоринга ўхшайди.

— Саккизоёқ.

Яна салобатли қоя тош ёнида тўхтадик. Халталардаги буюмларни олиб кум устига ёйдик. Шунда мен яна “саккизоёқни қандай овлашаркан?” — деб ўйладим. Ахир уни қуруқ қўл билан тутиб бўлмайди-ку! Оддий балиқ эмас, йиртқич махлуқ бўлса... Яна очик денгизда, ўткир қиррали тош қоялар ёнида.

— Ушла, — деб, Манолис менга матрапни тутқазди.

— Нимага? — сўрадим ҳайрон бўлиб, атрофга қарадим, қумлоқ соҳилда капалак деган нарса кўринмасди.

— Катталарнинг айтганини қил, — деди кулиб Манолис. Ўзи қўлига капрон ипни олди. Унга пўлат қармоқ уланган бўлиб, учига кеча овланиб музхонада яхлатилган балиқча илинган эди.

Биз ов пайти бошга ва оёққа кийиладиган жиҳозларни олиб қайиққа ўтирдик-да, оролчага қараб сузиб кетдик.

— Билсанг, дўстим, саккизоёқни балиқ билан овлайдилар, — тушунтира кетди Манолис зўр бериб эшкак эшаркан. — Лекин шунақанги чаққонлар ҳам борки, кумуш фалгани қармоққа илиб, бу жониворни инидан алдаб чиқарадилар. Аслида саккизоёқ жуда эҳтиёткор махлуқ, ўта айёр. Шунга қарамай, баъзан мана шундай ҳийлага ҳам лаққа тушади... Биз эса ҳалол йўл тутамиз, балиқни қизганмаймиз.

Оролча мўъжазгина, нуқул тошдан иборат экан. Ҳаёт учун шу тошларга ёпишиб ўсаётган зайтунларга ҳайратландим.

Қайиқни сувдан олиб чиқиб, катта ҳарсанг устига қўйдик. Ўзимиз эса оёқларимизга сузгичларни, бошимизга ниқобларни кийиб сувга шўнғидик. Бу ғаройиб овда Манолис менга фахрий кузатувчи ролини берди. Айни чоғда, агар омад кулиб боқадиган бўлса, дарҳол соҳилга чиқиб матрап билан (ҳа, бу нарса шунинг учун керак экан-да) илиб олишни тайинлади.

Сув ости дунёси жуда гўзал, бетакрор. Ҳар шўнғганимизда янги бир оламга дуч келамиз. Ранг-баранг, айниқса сувости маржон қоялар, медузалар, юлдузлар, денгиз кирпилари, бақакўз балиқлар сафи ёнидан сузиб ўтамиз. Лекин сув тагидаги қоялар панасидан, камарлардан, ҳандақ ва ёриқлардан кўз узмаймиз.

Манолис қўлига боғланган ип учидаги қармоққа илинган балиқни қоя кавакларининг ўнқир-чўнқир ва қоронғу жойларидан суздириб борарди. Чунки кўпоёқли махлуқ ана шундай жойларда пойлаб ётиши эҳтимолдан ҳоли эмасди. Тез орада бизга омад кулиб боқди. Мен буни Манолисининг ниқоб остидаги кўзларининг чақнаб кетганидан сездим.

Майин ўсимлик яшириб турган чуқурчадан аввал ингичка кўкимтир панжалар кўринди. Кейин қорамтир гавдаси пайдо бўлди. Саккизоёқ! Уни кўриб, болалардай қувониб кетдим. Ҳалиги узоқ шарқлик денгизчига ўхшаб даҳшатга ҳам тушганим йўқ. Балки ёнимда, топқир ва эпчил Манолиседек дўстим борлигидандир.

У балиқни аста-секин ўзига қараб торта бошлади. Саккизоёқ балиққа эргашиб келаверди. Каттакон “кўпоёқли”. Эҳтимол менга шундай туюлгандир? Ахир, денгиз суви ҳамма нарсани каттартириб кўрсатади-ку!

Бирдан мактабда ўқиётганимизда юз берган бир воқеа эсимга тушиб кетди. Кўшнимизнинг Муска деган мушуги бор эди. Нуқул жўжамизни ўмариб кетарди. Унинг адабини бериб қўйиш керак эди. Лекин қандай қилиб? Муска жуда эҳтиёткор, бунинг устига ўта айёр эди.

Бир куни ипга бир парча колбасани боғладим-да, Мускани алдаб қўлга туширмақчи бўлдим. У аввалига алдовга учиб, югуриб келди. Лекин энди ёлидан ушлайман деганимда, ура қочди. Тажрибали Муска менинг ҳийламни тушуниб қолиб, кейин текин томоққа сира учмай қўйди.

Ҳозир ҳам худди шундай бўлди. Манолис саккизоёқни алдаб инидан чиқишга мажбур қилди. У балиқ кетидан эргашиб сув юзасига чиқди. Манолис бўш қўли билан ишора қилиб менинг қирғоққа чиқишимни ва матрап билан шай бўлиб туришимни билдирди. Мен овчи ва унинг ўлжасининг қирғоққа яқинлашишини пойлаб турдим. Бу ерда сув жуда ҳам тиниқ эди. Сув остидаги ранг-баранг тош ва чиганоқлар шундоқ кўзга ташланиб турарди. Ёрқин-яшил сув ўтларини айтмайсизми?

Ана Монолис сувдан бошини кўтарди, саккизоёқ шундоққина ёнимда сузиб борарди. Негадир у сув тагида кўрингандай катта эмасди.

— Секин, матрапни секин олиб бор, — шивирлаб кўрсатма берди Манолис.

Ниҳоят у ипни қаттиқ тортди, саккизоёқ сув юзида кўринди, мен бўлсам худди шу пайт, мувозанатни йўқотиб, сувга ағдарилиб тушдим.

Йиртқич ўша заҳоти маҳкам ушлаб турган балиқни қўйиб юборди-да, шалоп этиб сувга тушди. У тушган жой бир пасда сафсар рангга бўялди. Худди биров сиёҳ тўкиб юборгандек эди.

— Лапашанг! — деди зарда билан Манолис, оғзидан шўр сувни туфларкан. Лекин менинг шалаббо бўлганимча сув ичида турганимни кўриб, ҳамдардлик билан қўл силтаб қўя қолди.

Ўз лапашанглигимни, дўстимнинг таънасини ичимга ютдим. Лекин бошқа нарса жуда алам қилди: қайиққа ўтириб, соҳилга, машинамиз томон сузмақчи бўлганимизда тантанавор кулги янгради. Ёввойи қиз бизни мазах қилиб кулаётган эди.

Биз иккаламиз бирдек ўтирилиб орқага қарадик, тепада, яланг қоя устида тиржайганча Валенса турарди. Сочлари елкасига тушган, тишлари дурдек ялтирарди. У бизнинг овимизни бошидан охиригача кузатиб турган бўлса керак. Биргина шу қиз эркакнинг шармандали мағлубиятига гувоҳ бўлиб турганди.

Лекин, бахтга қарши, ғалати бўлди. Қизнинг нигоҳи билан нигоҳларимиз тўқнашгач, бехосдан ҳаммамиз бараварига хохолаб кулиб юбордик. Шунда аламлар ҳам унутилди. Мен жаҳд билан эшкакни эшишга тушдим. Кутилмаганда кучимга куч қўшилгандек эди.

...Хўш, аслида нима бўлган эди? — Осмон узилиб ерга тушгани йўқ. Саккизоёқни қўлдан чиқариб юбордик... Шунга ҳам ота гўри, қозихонами? Борди-ю тутганимизда нима қилардик? Томоша қилардик, уёқ-буёғини ушлаб кўрардик кейин бу жониворни яна денгизга қўйиб юборардик. Сувостни йиртқичини қандай овлашларини кўриш учун шунинг ўзи кифоя эди. Менга эса бундан бошқа ҳеч нарсанинг кераги йўқ эди.

Умуман, агар жиддий йўқотишлар ҳақида гапирадиган бўлсак, бундай воқеалар менинг ҳаётимда жуда кўп бўлган! Масалан, Балхаш сайхонларида тўнғиз овлаганимни ола қолайлик. Каттакон, нақд икки ботмон келадиган қобон бирданига менга ташланиб қолса бўладими?! Бараварига бир неча киши ўқ узди, бирортаси ҳам теккизолмаса денг! Қўрқув ва ҳаяжондан бўлса керак. Баҳайбат тўнғиз қочиб қолди. Яхшиям тезда кета қолди. Бирорта ўқ тегиб яраланиб қолганида борми? Худо кўрсатмасин! Ҳаммамизни янчиб ташларди-я! Жимир-таккина саккизоёқ унинг олдида нима деган гап.

Лекин гап ўлжадами? Бу овчиликда омадсизликнинг ҳам ўзига яраша гашти бор. Бу ҳис-туйғуни фақат ҳар қандай ситамларга қарамай юрагига йўл топилмаган аёлга бўлган муҳаббат билан қиёслаш мумкин. Агар барча аёллар ром қилинаверса, унда нима бўлади? Хувиллаб турган, бирорта ёрқин хотира билан илимаган бўшлиқ...

Манолис саккизоёқни эслагани ҳам йўқ. Бу омадсизлик, афтидан уни ҳам ранжитмаганга ўхшайди. Мен ҳам бу мавзуда умуман гапирмадим.

Биз чўмилдик, куёшда тобландик. Қайта-қайта денгизга тушиб, тўлқинлар билан қувлашдик. Қувончимизнинг чеки йўқ. Рўзғор ташвишлари ҳам анча унутилди. Баъзан бундай хордиқ жуда ҳам керак, айниқса оилалиларга.

— Биласанми нима, — деди Манолис, — эртага маёққа борамиз. Маёқ назоратчисиникида меҳмон бўламиз. Ана ўша ердан денгизни томоша қилса бўлади, ҳад-худудини кўз илғамайди.

Ҳали кеч киришига анча вақт бор эди. Биз нарсаларимизни машинага ордик. Ҳамма нарсани йиғиштириб бўлганимизда, оролчада яна Валенса пайдо бўлди. У бояги қояда турар, узоқдан Афинанинг эски шаҳар қисмида совға сифатда кўплаб сотилаётган шамшоддан йўниб ясалган кўғирчоқ қиёфасини эслатарди.

Лекин Валенса жуда гўзал ва тенгсиз, оламда ягона эди. У боши узра саккизоёқни баланд кўтариб турарди (ушлашга қачон улгурди экан). У Манолисга нимадир деб қичқирди.

— Нима деяпти? Таржима қил, — дедим мен.

— Кесатаяпти. Аёл яхши тилак тиласагина ҳар қандай ов бароридан келади, деяпти, — кулди Манолис бошини лиқиллатиб. — Бизда шундай тилак бўлмагани учун овимиз бароридан келмапти...

Нимадир деб минғирладим... Ўзимча негадир: бу қизнинг домига тушган йигитнинг шўри қурийди, деб ўйладим... Кейин иккиланиб қолдим: балки бахтли бўлади?

НИМРУД¹ ИСКАНЖАСИДА

Йилқичи Сайёрнинг кигиз ўтови кекса, қурий бошлаган ёнғоқ ёнида оқариб турарди. Бу ердан фақат шамол ялаб ўтган харсанг тошлар ва қояларгина кўзга ташланарди. Пастда, водийда эса йилқилар уюри ўтлаб юрарди. Баъзи-баъзида уларнинг сарбаст кишнашлари қулоққа чалинарди. Йилқилар ўтлаб юраркан, Сайёр ўтови олдидаги шолчада чордона қуриб ўтириб оларди-да, дўмбирасини кўлга олиб, куйлашга тушарди. Унинг кўшиғи узундан-узоқ, бир маромда, атроф манзарасига ўхшаш бир хил эди.

Бир сафар Никандров сўраб қолди.

— Нима ҳақда куйлаяпсан, Сайёр?

Йилқичи дўмбирасини бир чеккага қўйди. Пиёлага қумғондан чой қуйиб олди-да, шошмасдан хўплади. Қийиқ кўзларини янада қисиб:

— Нима ҳақда деяпсанми? — деди. — Ҳамма нарсга тўғрисида, учкур аргу-моқлар, ойчеҳра парилар... Чақмоқдай тез, қисқа ва ёрқин ҳаёт ҳақида... Э-э, сен буни қаердан ҳам тушунардинг, ҳали гўрсан.

Шу сўзлардан кейин Никандров беихтиёр Сайёр кўшиқларига жиддий эътибор берадиган бўлди. Мундоқ астойдил тингласангиз, жуда ҳам бир хил эмас

¹ Нимруд — овчилар илоҳи.

Сайёрнинг қўшиқлари. Бу ерда, айниқса тоғда улар осмонга, демак худога яқинроқ бўлади. Тангри таоло олдида сохта куйлаш эса сира мумкин эмас.

Эрталаблари Никандров қотган нон билан айрон ичиб оларди-да йўлга тушарди. Тоғлар жуда хомуш кўринади, на бирор бута, на ирмоқ бор. Қанақадир ибтидоий бўшлиқ, қуруқ харсанглар ва қоялар йиғиндиси. Бошпана бўлгувчи бирор соя, чанқоғингни босишга бир қултум сув йўқ. Мана шу тарзда бир неча кун эркин яшаб кўрган Никандров, ҳар нарсанинг, ҳатто айроннинг ҳам меъёрда бўлгани яхши эканини ҳис қилди. Нисбатан ёш, иқтидорли меъмор, якка ўзи саёҳат ва ов қилиш шайдоси бўлган Никандров учун бу ерларнинг сайру томошаси негадир қониқтирмагандек бўларди. Чунки қалби зерикиб, яна ўша диққинафас ва тор шаҳар кўчалари ўзига тортарди. Зеро у ерда қайноқ ҳаёт, кўнглили иш ва дўстлари кутарди уни. Афтидан, эркинликни севиш учун ўзингни бешиқдан эркин инсон деб ҳис қилиш керакка ўхшайди.

“Нима жин урди мени, — дея ғижинарди Никандров, — кимсасиз бу гўшаларга қайдан ҳам келдим”. Кўнглида ҳамкасби Глебични ҳам сўкиб қўйди. Ўзига ўхшаб дайдиб юрадиган бу одам: “Бор, бориб кўргин, афсусланмайсан, — деган эди. — Тоғлар, айрон... Эҳ, ҳавосини айтмайсанми? Шикори-чи! Какликлар қўлингга ўзи келиб қўнади, милтиқнинг ҳам кераги йўқ”.

Бир жиҳатдан Глебич алдамаган эди. Бу ерда каклик ростдан ҳам кўп экан. Жониворлар одамни кўрганда учиб кетмас, балки тошдан-тошга сакраб ўтишарди. Яна денг, чиройли сайраб қўйишарди. Уларнинг лаъланг тумшуклари, олачипор тўшларию йўл-йўл қанотлари мафтункор эди. Одамга ишонганидан олдингизда пилдираб юраверишарди. Шунинг учун ҳам Никандров уларни отишга кўзи қиймасди. Бунинг устига кеча, гулхан узра суҳбатда донишманд Сайёр айтганидек, бу ажойиб тоғ товукларида ўлган гўдакларнинг руҳи яшайди. Шу боис улар сайраганда тошларга ҳам жон киради.

“Гўдаклар руҳи борасида билмайман-у, ўйлади ўшанда Никандров, ушбу ажойиб қушларнинг сайрашисиз бу тоғлар ўликдек кўриниши турган гап эди”.

Бир сафар ўтовга қайтаётиб Никандров ботинкасининг ечилиб кетган ипини боғлаш учун қуриган булоқ ёнидаги тошга ўтирди. Ўрнидан тураётиб бир зумга қотиб қолди. У кимдир ўзини диққат билан кузатиб турганини ҳис этди. Ўзига келиб, у ёқ-бу ёққа аланглади. Лекин ҳеч зот йўқ. Тавба...

Кутилмаганда, шундоққина кўз ўнгида бир шарпа чарх ургандай бўлди. Харсанг ортига ўтиб кўздан йўқолди. Шағал тош шитирлаб кетди, холос.

У беихтиёр ерда ётган милтиғига қўл чўзди. Милтиқни шай тутиб харсанг ортига юрди. Атрофни кўздан кечирди, тепага, пастга қаради. Ҳеч нарса йўқ. Кўзга кўринди, шекилли?

Кечқурун овқатланаётганда Никандров ўз шубҳаларини йилқибоқарга гапириб берди.

— Қўйсанг-чи, — қовоғини уйди Сайёр, — шаҳарлик одам кўзига овлоқ жойда нималар кўринмайди, дейсан. Яхшиси овқатингни е. Тўйиб олсанг — дадил бўласан.

Кечаси билан Никандровнинг уйқуси келмади. Ҳар хил хаёлга борди. Сайёр гапларидаги галати оҳанг уни ҳушёр торттирганди.

Никандров ҳақ бўлиб чиқди. Эрта тонгда кечаги қуриган булоқ ёнида яна ҳалиги шарпани сизди. Енгилгина шарпа бир кўринди-да, харсанг ортига яширинди.

Арвоҳми? Никандров ғайритабиий кучларга ишонмасди. Бунинг устига у шағал тошларнинг шитирлаганини аниқ эшитди. Бу қандайдир жонли махлуқ эди. Тунги қув-қувлардан асар ҳам қолмади. Тирик жондан кўрқадими, киши?

Никандров харсанг ортига ташланди. Бор кучи билан югурди. Барибир улгурмади. Қияликда илдам югуриб бораётган нозик жониворни аранг илғаб қолди. Жайрон!

Сайёр кўзларини юмганча дўмбирасини тинғирлатиб ўтирарди. Никандровнинг яқинлашганини кўриб, дўмбирасини бир четга қўйди. Ҳайрон бўлиб Никандровга қаради:

— И-е! Мунча эрта турдинг? Қаёққа бординг?

— Сайёр! — деди ҳаяжонланиб Никандров. — Мен уни кўрдим. Жайрон экан! Сочма ўқли патрондан олиш керак. Йирикроғидан. Жуда зўр шўрва бўлади-да! — У тоза куз ҳавосидан тўйиб ютинди. Гўё бугланиб турган барра гўштдан татиб кўргандек ҳис қилди ўзини. Йилқибоқар ўтирган шолчага чўккалади-да, пиёлага чой куйди. Унга бир бўлак новвот ташлаб мириқиб-мириқиб хўплади.

Шу маҳал ўтов тепасига сассиқпопушак келиб қўнди. Бошидаги чипор та-роғи — тожини хурпайтириб, уч марта “ҳўп-ҳўп пш” деб қўйди. Кейин бирдан пастда ўтирган одамларга кўзи тушиб “прр” этиб, учиб кетди.

— Эҳ! — бошини чайқади Сайёр. — Нега жониворлар одамдан кўрқади? — Бир оз жим қолди-да, ўзи қатъий жавоб берди: — Одам очкўз ва хавфли, худди йиртқич...

— Хўш, нима қилиш керак? — ҳайрат билан сўради Никандров.

— Ҳеч нарса, — ўйчан жавоб берди йилқичи.

— Шунақами? — яна ҳайратланди Никандров. У ишонқирамай атрофга кўз югуртирди: — Унда, сизнингча мен бу ерларга нимага келдим? Какликлар сай-рашини тинглашгами?

— Нимага? — Сайёр дўмбирасини қўлга олмоқчи бўлди, кейин шаштидан қайтди. Сўнг қатъий қилиб: — Никандр! — деди. — Сен, эҳтимол кат-та одам-дирсан. Ақлидирсан. Глебич айтганди, сенинг лойиҳаларинг бўйича уйлар-саройлар қуришаётганмиш... Лекин менга, кичкина одамга қулоқ сол. Баъзан кичкина одамлар ҳам катта фикр айтадилар...

— Қанақа фикр? — ҳайрон бўлди Никандров.

— Жайронни отишга борма.

— Нега энди? — шошиб қолди Никандров. — Бу гапингизни қандай тушу-ниш керак, Сайёр?

— Билганингча тушунавер... — Йилқичи узоқ жим қолди. Кейин:

— Бир ривоят айтиб берайми? — деб сўради.

— Қани, қани! Эшитайлик-чи, — Никандров яна пиёлага чой қуйиб, оҳиста хўплади.

Сайёр дўмбирасини қўлига олиб, оҳиста чертди. Қўшиқ оҳангида гапира кетди:

— Бир вақтлар тоғларда овчи йигит яшаган экан. Унинг маъшуқаси бўлган экан. Сарвқомаг, ойчехра. Қирқ кокил қилиб ўрган сочлари товонига ураркан. Йигит қизга “менга турмушга чиқ” депти. Шунда паризод қизариб: “Мен сизга тегишга розиман, лекин камон ва ўқларингизни ташлайсиз, — деб жавоб берипти. — Бирорта жониворни, бирорта қушни овламайсиз. Агар борди-ю би-рорта жайронга ўқ узиб ярадор қилсангиз, мени йўқотасиз. Ўзингиз бўрига айланиб, қопқонга тушасиз, очлик ва ташналикда ўлиб кетасиз”, — депти. Шунда овчи йигит унга сўз берипти. Лекин ваъдасининг устидан чиқмапти. Тўйга бир кун қолганда жайронга ўқ узиб уни ярадор қилибди. Сочма ўқ унинг кўзига теккан экан, жайрон кўр бўлиб қолипти. Қизни ҳам босибди. У қайлиғининг кўз ўнгида эрий бошлабди. Ниҳоят тонг отар пайти — Зухро юлдузи сўнган чоғи, у ҳам кўздан ғойиб бўлибди. У кўзи кўр жайронга айланиб қолибди. Ўшан-дан бери у тоғу тошларда кезиб юрармиш. Йигит бўлса бўрига айланиб, қоп-қонга тушибди-да, ҳалок бўлибди. Менинг қўшиғим ҳам агар овчи йигит жай-ронни ярадор қилмаганида карвон йўлидан узунроқ ва ёз қуёшидан ёрқинроқ бўлар эди. Э воҳ!

Сайёр жим қолди. Дўмбирани тиззасига қўйди. Атрофга сукунат чўкди. Унинг оёқлари ёнида ўрмалаб бораётган чумолининг кумни шитирлатиши ҳам эши-тиладиган даражада жимлик ҳукмрон эди.

— Ҳа-а, — деда бош чайқаб Никандров. — Фольклор — ажойиб нарса. Аф-суски, мен шоир эмасман, бўлмасам дарҳол ёзиб олардим... Лекин бунинг мен-га нима дахли бор? Жайронга нима дахли бор? Нима десангиз, денг-у, Сай-ёр, — мен эртакка ишонмайман. — У ўрнидан турди, керишди. — Бориб бироз мизғиб олай. Офтоб ҳу анави чўққига ёнбошлаганда уйғотиб қўйинг. У кул-ди. — Қани, ширин шўрвадан татиб кўргач нима деркансиз?

— Э-э, билганингни қилмайсанми, — қўл силтади йилқичи.

Тонг ёриша бошлаганда Никандров ҳалиги харсанг тош ёнида эди. Чакмонини тошлар устига тўшаб, яхшилаб ўрнашиб олди. Хушёр туриб кута бошлади. Лекин қутилмаганда ухлаб қолса бўладими...

...Офтоб улкан тилла тошбақа мисол тоғ чўққисига тирмаша бошлади. Анамана сирпаниб, қулаб тушадигандек эди. У чўққига кўтарилганда Никандровнинг ҳафсаласи бутунлай пир бўлди. Энди омадни умид қилмаса ҳам бўлади. Тонготарни ўтказиб юборди-я!

Нафис жонивор ердан ўсиб чиққандай пайдо бўлди. Бошини уёқ-буёққа буриб, ҳавони ҳидлаб кўрди. Никандров қотиб қолганди.

Жайрон жуда чиройли эди. Унинг тик ўсиб, икки ёнга қайрилган шохлари орасида нур ўйнардди. Қулоқларини дамба-дам лиқиллатар, ғамгин кўзларини олис-олисларга тиккан эди. Табиатнинг мукамал ихтироси. Меъмор Никандров жуда яхши ҳис қиларди. Лекин ҳозир унинг қалбида овчилар илоҳи — қонхўр Нимруд ҳукмрон эди. “Яқинроқ келсин! — деб шивирларди у Никандровга. Яна бир оз, яна...”

Жайрон ҳамон ўз жойида турарди. Худди биринчи ҳайкал дейсиз.

Никандров милтиқнинг совуқ қўндоғини иссиқ чеккасига босди.

“Тўхта, — шивирлади яна Нимруд. — Ҳали ўқ узишга эрта”.

Бирдан ҳайкал ҳаракатга келди. У жон асровчи қоялар томон бурилди. Никандровнинг юраги гупиллаб ура бошлади. “Пистирмани барибир сезди-я!” — алам билан пичирлади Нимруд. Сўнг қистай бошлади: “Кетиб қолади! Ҳозир гойиб бўлади! От!”

Никандров тепкини босди.

Лекин ўқ гумбирламади, худди йўталдай бўлиб эшитилди. Ўқ овозининг акс садоси қояларга урилиб қайтаркан, Никандров ҳалигина жайрон турган жойга югурди.

“Теккизолмадин!” — зарда билан шивирлади Нимруд, ҳатто алам билан туфлагани ҳам эшитилгандай бўлди. Никандров харсангни диққат билан кўздан кечирди. Тошга теккан сочма ўқ излари шундоққина кўриниб турарди. И-е, мана бу нима? Қон! Демак, ўқим нишонга тегибди-да. “Тегди! Тегди! — Қутқулади қалбида Нимруд. — Энди изидан бор. Ярадор жайрон узоққа кетолмайди. Кечгача, албатта, етиб оласан!”

Никандровнинг ўткир овчилик сезгиси узоқлашиб бораётган оху оёқлари остида шитирлаётган шағаллар товушини илғади. Жонивор қуриган сой ўзани бўйлаб тепага чиқиб борарди.

Офтоб — тилла тошбақа шовилмай чўққини ошиб ўтди. Тиканли буталар ва баҳайбат харсанг тошларнинг соялари қисқара бошлади. Чўққиларга ёпишган музликлардан ёқимли шабада эсди.

Никандров чақир тошлар бўйлаб бир неча чақирим юрди. Лекин ҳеч нарса кўринмасди. У тош устига ўтириб бир оз нафас ростлади. Қуюқ ўсган наъматак орқасида сой тугар, у тош деворга бориб тақаларди. Сал чапроқдан илон изидай сўқмоқ кўзга ташланарди. Сўқмоқ учтишли паншахани эслатувчи қояни айланиб ўтиб музликлар томон ўрмаларди. У томон қуюқлашиб бораётган ғираширада сирли ва совуқ кўринарди. Никандров бор-е деб қўл силтаб, энди ўтовга қайтмоқчи бўлиб турганида, ҳу қоя ёнида нимадир липиллагандай бўлди. Никандров милтиғига ёпишди...

Орадан бутун бир аср ўтди-ёв. Музликлар устида биринчи юлдуз чарақлади, қаердадир тунги қуш — бойўғли сайрагандай бўлди.

Жайрондан эса дарак йўқ.

“Наҳотки яна кўзимга кўрингандай бўлди? — алам билан ўйлади Никандров. — Йўқ, бунақаси кетмайди. Бир қараб кўрай-чи”.

У тиканли бутага осилиб, бир амаллаб ҳалиги қоя ёнига ўтиб олди. Атрофни диққат билан кўздан кечирди.

Ҳа! Мана жун қолдиқлари... Лекин жониворнинг ўзи қани: Ер қаърига тушиб кетмагандир, ахир... Бу нима бўлди?

Паншахасимон қоядан бир қадамлар чамаси масофада чуқур “қудуқ” кўзга ташланди. Унинг устида каттакон япалоқ тош осилиб турарди. Никандров унга яқинроқ борди. Тошга оёғини теккизиб кўрди... Шундай чинқириб юбордики,

овозининг қояларга урилган акс садоси майда ва йирик тошларнинг юмалаб гулдурашига қўшилиб кетди.

Ўзига келганда тун яримдан оған эди. Қуриб қолган лабларини қимирлатиб кўрди. Қўли билан зирқираётган қобирғасини пайпаслади. Ўрнидан туришга уриниб кўрди. Лекин оғриқнинг зўридан ҳушидан кетаёзди. Яна ўзига келгач, атрофга кўз югуртирди. Зимистон... Боши айланиб, кўзи тинди, бурнига қон ҳиди урилгандай бўлди. Кўнгли айниб, қусгиси келди. Ўзини зўрға тутиб, қаттиқ оғриққа қарамай ёнбошидан чалқанчасига ағдарилди. Баланд тепада оқаринқираб кўринаётган “туйнукка” тикилди. У ердан олис-олис майда ва йирик юлдузлар милтираб кўзга ташланарди. Ўтган қуни Сайёр гапириб берган ривоятни эслади ва инграб юборди. Ўзига жуда ҳам раҳми келиб кетди. Умрида биринчи бор ўзига бунчалик ачиниши эди. Чунки ҳаёт жуда қисқа эканини тушуниб етганди. Ҳозиргина “туйнук” орқали кўринган учиб ўтган юлдуз умридай қисқа... Ахир ҳали ўйлаб қўйган кўп нарсасини қилиб улгургани йўқ-ку. Шундай истеъдодини нималарга сарфлади? Иккита кинотеатр, битта спорт мажмуи ва сабзаёт дўкони...

Тиззасидан букилган ўнг оёғи увишди. Минглаб қумирсқалар ўрмалаётгандай бўлди. У оёғини узатмоқчи эди — аъзои бадани зирқираб кетди. Яна инграб юборди. Кейин йиғлашга тушди. Ўз овозидан ўзи кўрқиб кетди. Яна Сайёрнинг ривоятини эслади. Тилини оғзида айлантириб кўрди. Томоғи бутунлай қуриб қолганди. Музхонада сақланаётган “Ркацители” ёдига тушди — Светка уни Янги йилга асарди... Хотини эсига тушгач, қалбида қандайдир шубҳа туғилди — негадир тоққа жўнаб кетаётганидан жуда... севинганди... Нима бало, Глебич билан дон олишаётганмикин?

Никандров беихтиёр ўрнидан кўзгалган эди, кўз олди қоронғилашиб яна ҳушидан кетди. Энди тепада ёруғ “туйнук” ҳам, милтираётган юлдузлар ҳам зимистон қаърига сингиб кетганди.

У кўзини очганда “туйнук” оқариб кўринди. Юлдузларни шамол учуриб кетгандай эди.

Яна туришга уриниб кўрди. Қўли нимадир юмшоқ нарсага тегиб кетди, бурнига кўнгилни айнатувчи чириган ҳид урилди. У зўрға қаддини ростлаб, қўли билан қоронғуликни пайпаслади. Оғриқни енгиб, ўзининг “муваққат бошпанаси”га кўз югуртирди. Ўнг томонда нимадир оқариб кўринди. Қўлини теккизган эди, шақирлаб, уқаланиб тушди.

Суяк?! Лекин ниманики, ҳайвонними ёки... У маҳкум бир тарзда чап томонга қаради ва тош қотди.

Ғира-шира қоронғилик ичидан унга бўри кўзлари қилт этмай қараб турарди.

Худди овчининг устидан кулгандай тепадаги “туйнук”да тилла тошбақа — офтоб кўринди. Никандров бошини кўтариб тепага қаради.

Жайрон! “Қудуқ”қа бошини тикиб искай бошлади. Никандровни бирдан ваҳима босди. У милтиғини қидира бошлади. Милтиқ ёнида йўқ эди. Нима қилиш керак? У ночоргина атрофига аланглади. Тош қопқоннинг текис деворлари ғира-шира кўзга ташланар, минглаб бўри кўзларидек унга қараб турарди.

Мовий “туйнук”да яна жайроннинг калласи кўринди. У болаларча қизиқувчанлик билан пастга қараб турарди.

Нимруднинг ёввойи қаҳри бирдан яна хуруж қилиб, ҳушини учирди.

— Йўқол, шайтони лаин, — ғазаб билан қичқирди Никандров ва қўлига илинган нарсани ота бошлади...

Жайрон енгил булут мисоли қудуқ устидан учиб ўтди. Ва бирдан гўзал парига айланди. Ложувард осмонда аста-секин эриб, ғойиб бўлди. Никандров бада-нида яна қаттиқ оғриқ сездди. Уни яна ваҳима босди, пешонасини муздек тер қоплади. У қўлини кўтариб пешонасидаги терини артмоқчи бўлди — юраги орқасига тортиб кетди. Қўллари қалин жун билан қопланган эди. Бармоқлари эса ўткир тирноққа айланганди. Никандров қаттиқ чинқариб юборди-ю, яна ҳушидан кетди.

— Никандр! — йилқичи Сайёрнинг таниш овози уни ҳушёр торттирди. — Никандр! Шу ердამисан? — У йиғлаб юборди, овоз чиқармай, алам билан йиғлади. У сўнгги марта беш ёшдалигида йиғлаганди. Безорилар велосипедини

тортиб олишгани учун йиғлаганди ўшанда. Шундан кейин у ўзини ҳимоя қилишга ўрганганди. Ҳозир эса худди болалардай йиғлаётганди. Бироз ўзини босиб, тепага қараб қичқирди:

— Шу ердман!

— Худога шукур-ей, — энгил нафас олди Сайёр. — Арқонни ушла!

Никандров ёнғоқ соясиди, икки кўрпача устида қаттиқ уйқуга кетганди. Мана икки кундирки, уйқудан бош кўтаргани йўқ. Бирор туш ҳам кўргани йўқ. Ҳатто кичкинагина эшагини миниб маҳаллий табиб келиб кетганини ҳам билмади. Кўрпаси устига сассиқпопушак қўниб, уч марта сайраганини ҳам эшитмади. Ниҳоят ўтов ёнида жайрон пайдо бўлганини ҳам сезмай қолди. Жонивор бир неча дақиқа қараб турди-да, ғойиб бўлди. Чоллар унинг орқасидан узоқ қараб қолдилар. Бошларини сарак-сарак қилиб Тангри таолонинг бу мўъжизасига шукроналар айтдилар. Чунки айнан шу кўр жайрон, тўғрироғи, пари бўри ўрасига тушиб қолган омадсиз овчини ўлимдан сақлаб қолганди. Сахар пайти ўтов ёнига келиб, Сайёрни ҳалокат юз берган жойга бошлаб борганди.

Бир неча кундан кейин Никандров анча тузалиб қолди. Албатта, табибнинг саъий ҳаракатлари туфайли. У Сайёр ёрдамида шўрлик овчининг чиққан оёғини солиб қўйди, жароҳатларига турли доривор ўсимликлардан тайёрланган малҳам сурди. Итоаткор эшагига ўтираркан, қониқиш билан таъкидлади:

— Хўш. Энди ҳаммаси яхши бўлади. Бироз ухлаб ол. Қимиздан ичиб тур. Эртага сал-пал юриб кўр.

Эртаси куни Никандров Сайёр яхшилаб йўниб берган ҳасса ёрдамида бир неча қадам босиб кўрди. Тушга бориб бироз айланиб ҳам келди. Куриб қолган булоқ ёнигача борди. Ўша ердаги катта харсанг тош олдида илк бор жайронни сезиб қолган эди, уни виждон азоби қийнай бошлади. Чунки Сайёр айтганидай унинг ҳаётини ўша жайрон асраб қолган эди... Бунинг устига у мантиқ қонунларидан ташқарида бўлган, оддий инсон тасаввури билан яратилган ақл бовар қилмас нарсаларга ишона бошлаганди.

Олис-олисларда, минг йил бурунгидай музликлар ярқираб кўринарди. Боши узра кенг қанот ёйиб бургут айланарди.

Кутилмаганда қуёш нурлари узра жайрон пайдо бўлади. У қотиб турарди. Унинг энгил парда қоплаган сўқир кўзлари Никандровнинг боши оша олисларга қараб турарди. Ложувард олисликда нимани кўрдийкин? Эҳтимол оддий одамлар илғамайдиган нарсанидир. Балки Тангрини кўргандир? Жайрон бир неча сония қимир этмай турди-да, бошини кўтариб осмонда айланиб учаётган бургутга тикилди. Никандровнинг назарида жайроннинг сўқир кўзларидан икки ёруғ нур чиқиб парвоздаги йиртқичга туташди. Ўша заҳоти бургут ғойиб бўлди, гўё эриб кетгандай.

Кейин жайрон ҳам ғойиб бўлди.

Никандровнинг чеккасини яна кўз ёшлари ювди. Бу ғалати кўз ёшлари эди — унинг қалбига чўккан оғир дардини олиб кетгандай бўлди. Никандров энгил тортди.

Никандров бошини кўтарганида тепасида энгашиб турган Сайёрни кўрди.

— Сенга нима бўлди, Никандр?

— Ҳеч... Шундай... Асабларим бўшашди, шекилли? — бўғиқ жавоб берди Никандров, ўрнидан тураркан.

...Тонг ғира-ширасида Никандров милтиқни олиб йўлга тушди. Энди ҳассани ташлаганди. У бўри уясига йўл олди. У ерда нима қилганини йилқичи билмади. Фақат меҳмонни қишлоққа олиб борувчи илон изи сўқмоқдан кузатиб кўяркан тўсатдан сўраб қолди:

— И-е! Никандр! Милтиғинг қани?

Никандров тиржайди.

— Милтиғимни синдирдим, Сайёр. Майда-майда қилиб ташладим. Шундай қилиш керак. Сизга катта раҳмат... Биласизми? Менга яна битта қўшиқ айтиб беринг...

Йўл-йўлакай, йўловчи автобус бекатига етгунча Сайёр куйлаб борди. Унинг қўшиғи учкур аргумоқлар, ойчеҳра пари, юлдуз учганчалик ёрқин ва қисқа ҳаёт ҳақида эди...

Муҳими — гапирмоқ юракдагини

Ҳозирги замон Япон шеърияти

Таникава СЮНТАРО

СОНЕТЛАР

I

Тун. Булутли осмон. Оқиб кетмоқда вақт,
Қимирласанг — шохлардан сочилар қор.
Ҳали совуб улгурмаган томирда қон,
Аммо юрак совуб, қотиб бўлган.

Боя яшнаб турган нарсаларда жон йўқ.
Энди улар йўқолган. Қидирманг. Фойдасиз.
Йилларча бошимда йиғилган гапларни
Ёқиб юбораман. Ишингиз бўлмасин.

Хотиралар ёнар.
Кул бўлар сезганларим.
Фақат бугунги кун соғ қолар тунги ёнгинда.
Лекин ҳаётотга таваккул қилиб бўлмас.
Мен тушлар эвазига оламан келажакни.
Мазали нонушта иси келяпти. Бас! Уйғонай...

II

Марҳаматсиз ва ғазаб билан
Дунё мени севгани боис
(Аммо баъзан севади алқаб...) —
Ёзмишимга тушди ёлғизлик.

*Русчадан
Миразиз
АЪЗАМ
таржимаси*

Япон шеърияти жуда қадимий ва бой аънаналарга эга. Юз йил бурун Япон шеърияти Оврўпо ва Америкага кириб борди. Америка ва Оврўпо шоирлари оммавий равишда танка ва хайкулар ёза бошладилар. Бу ҳол — юксак ижодий самаралар берди — XX аср шеърияти тарихида ўчмас из қолдирди. Янги япон шеърияти — замон ва макон, ижодкорнинг азал-абад вазифаси ҳақида чуқур фожеъ ўйлар мажмуидир.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин бу шеъриятда яна-да янги оқим пайдо бўлди. Ҳаётга муносабат янги талқинларда акс эта бошлади. Ана шундай янги оқим вакиллари —авангард шоирлар Т.Сюнтаро (1931), К. Румико (1932), Т.Юкио (1939) шеърларидан намуналар ўзбек тилида илк бор эълон қилинаётир.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

130

Ўзни танҳо кўргач, тингладим
Нарсаларнинг овозларини.
Билдим недир қувонч ва қайғу,
Чунки коинотга оидман мен ҳам.

Дарахтлар, одамлар, кўклар, ерларга
Ўзимни бераман батамом.
Ошираман Олам маъмурлигини.

Одамларни чақирдим, жаҳон
Ўгирилиб қаради менга.
Йўқ бўлиб кетаман лекин мен.

III

Кун нурлари кўкка тақди пистонлар,
Мислсиз чиройли Фано ранглари.
Оҳиста сўрайди замон ненидир —
Мен жавоб бермайман.

О, қайтариб беринг кечаги тонгни!
Йўқотиб қўйилган тонг манзарасин
Яна бир кўрмасам, ақлдан озиб,
Қўлим ишга бормаи тутаман мотам.

Эрта умид аро яшайди бугун,
Зориқтирган эрта келганда, аммо
Умид ўтган кунда йўқ бўлиб кетар.

Бегард иссиқ кунда кўклар тип-тиниқ.
Ёшликда кимларни севдим? Бугун-чи?
Теграмда жонланар нотинч соялар...

IV

Булутлар, тўлиб кетиб, ерга нам тўкарлар.
Нечун буни ёмғир дейишаркин?
Инсон, тўлиб кетиб, кўнглин тўкиб солар.
Нечун буни қўшиб дейишаркин?

Ҳамма нарсаларга ном берарлар дунёда,
Барини номлашар руҳан қашшоқлар.
Иш билан банд дарахтлар жавоб бермас, аммо —
Дарахтларнинг ўзи яратар дунё.

Жаҳоннинг, жамоанинг бир қисмидир инсон,
Буни сезгач, ўз кучин кўрсатгиси келар,
“Дарахтлардан бир мунча яхшиман!” деб шивирлар.

Дарахтлар эшитмасин деб жуда секин шивирлар.
Ҳаётда муҳими қўшиқлар эмас,
Муҳими — гапирмоқ юракдагини...

ЖИРКАНЧ САҲРО

Декабрь. Кўчалар, йўллар сирпанчиқ...
 Қатновни тартибга солувчи одам
 Машинлар оқимин йўлга сололмас.
 Изғириқда юпун, дўкончи аёл
 Молларин сотолмай ўлар ҳолатда.
 Йиғлоқи қозилар дорга, ўлимга
 Йиғлоқи қотилни юборолмайди.
 Маънан энг юксалган XX аср
 Ярим асрнинг ҳам гуноҳларини
 Оқлаш, кечиришга ҳақли эмас, йўқ.
 Нима, вақт нотинчми? Инсон тақдирин
 Ҳал қилишга чоғи етмас инсоннинг.
 Жирканч, заифликнинг жирканч саҳроси!

МЕН ҲАМ...

Мен телетомоша кўриб ётаркан
 Бир хомуш тортардим умидсизланиб,
 Бирда бўғилардим ғазабим қайнаб,
 Бирда эса сокин шодланар эдим.
 Бас, эътибор бермай майда-чуйдага!
 Томошабинликни тўхтатай бир оз!
 Серғалва ва чучмал ўйинни кўриб,
 Тинглаб куруқ нутқин қаҳрамонларнинг,
 Қалламни ғовлатмай ажал фикридан!
 Мен тарихда борман — бунга шубҳа йўқ.
 Ё бу — ширин орзу, хомхаёлмикин?..

ЎЛДИРМОҚДАЛАР

Ўлдирмоқдалар.
 Вабо макруҳларин ўлдирдилар.
 Самосвал ўлдирар. Электричка ўлдирар.
 Иш ўлдирар. Хотин ўлдирар. Пул ўлдирар.
 Ота-она ўлдирар. Бола ўлдирар.
 Ўлдирмоқдалар.
 Бахтсизлик ўлдирар.
 Бахт ҳам ўлдирар.
 Олтмиш йил ўлдирар, лекин ҳарқалай,
 Кутилмаган пайтда ўлдирар бир кун.
 Сен ўлдирасан.
 Сени ўлдирарлар.

...P'

У КУН...

Мен учун нимадир бошланган куни,
 Мен учун нимадир тугаган куни —
 Ўша куни ҳамма сақларди сукут.
 Терак баргларида чақнарди қуёш,
 Фаришталар эснаб ўтирар эди.
 Худди ўтган кунга ўхшаган у кун,
 Худди бу кунга ҳам ўхшаган у кун
 Ҳеч ким учун ҳеч не бошлангани йўқ,

Ҳеч ким учун ҳеч не тугагани йўқ.
 Кесишма йўллардан ўтдим мен ёлғиз.
 Кейин қайтдим.
 Кейин қайтадан ўтдим.
 Темир йўли аро тўхтадим.
 Олис кунботарга боқдим зориқиб.
 У куним ўхшарди худди бугунга,
 У куним ўхшарди худди кечага.
 У кун йиғламадим, сукут сақладим.
 У кун кимдир ўлди, кимдир туғилди.
 Нимадир бошланди мен учун у кун,
 Нимадир тугади мен учун у кун.

ҲАР КИМ

Ҳар кимнинг қандайдир бир ташвиши бор,
 Ва у яширади буни ҳар кимдан.
 Ваҳ-ҳаҳ-ҳа!
 Мамну неъматидан бор ҳар кимнинг шаксиз,
 Ундан лаззат олар ҳеч ким йўғида.
 Ваҳ-ҳаҳ-ҳа!
 Кечаси, уйқуга кетишдан олдин
 Ҳар ким зулумотга боқади маъюс,
 Кўзлари қуёнқўз ёки илонқўз.
 Ваҳ-ҳаҳ-ҳа!
 Ҳар кимнинг кўнглида бир асрори бор —
 Ифодалай олмас уни сўз билан.
 Ва ҳар ким ўз сирин асрар авайлаб.
 Ваҳ-ҳаҳ-ҳа! Ваҳ-ҳаҳ-ҳа! Ваҳ-ҳаҳ-ҳа!
 Шунинг учун гоҳо ҳар қандай одам
 Шошилинич ўпгиси келар бир қизни,
 Лабни лабга босиб ўлгиси келар.
 Сўнг аста айрилиб, кўзларин очиб —
 Атрофга аёвсиз боққиси келар, —
 Тоғларни, кўкларни кўргиси келар.

Кора РУМИКО

ГЎДАК

Чап қўлимда гўдак бирданига
 вазнсиз бўлиб қолди бутунлай —
 энди оғирлигин қайтариб бўлмас.
 Чап қўлимга боқиб, кафгимда кўраман
 бир шаклсиз қопчиқ вужуд рангида —
 бутун чизгилари ўчиб кетган.
 Тиббий қарорсиз ҳам билиб турибман —
 болагина оламдан ўтган.

Кеча бир фотосуврат кўргандим:
 яланг ерда икки тўп, икки уюм,
 уларнинг кичиги — ўлик бола.
 Мен дарҳол англамадим буни.
 Вьетнамда напалмли бомба билан
 ўлдирилган она-бола эди бу.

БИЗНИНГ ЮРТИМИЗДА

Кемалардан учган сўнги учоқларга қўл силкиб қолишди
 бизнинг юртимизда,
 Сўнгра бу учоқлар қўналға топмасин деб кемаларни чўктиришди
 бизнинг юртимизда.

Байроқча кўтартириб кичик болаларни кўчиришди олис-олис
 туманларга,
 Сўнг ота-онаси қолган шаҳарларни ёқиб юборишди
 бизнинг юртимизда.

Ўсмир йигитларнинг қўлларини сиқиб табриклашди олдин
 ҳарбий ёш билан,
 Сувости снарядин бошқарув рулига ўтқазишди кейин
 бизнинг юртимизда.

Фабрик- заводларда янги ишчиларни қарши оладилар
 ширинсўз билан,
 Сўнгра аста-аста итоаткор роботга дўндирашлар уларни
 бизнинг юртимизда.

Навқирон жангчини қондаси билан қурол топширишга
 кўндирашлар аввал,
 Қондаси билан сўнгра орқасидан шу қуролда отарлар
 бизнинг юртимизда.

Илиқ табассумлар, ёниқ сўзлар билан сиқишар қўлларни
 бизнинг юртимизда,
 Сўнгра шу қўлларга оддий воқеадўй табассумлар билан
 тутқазишар қуроллар.

ОҚШОМ НАМОЙИШИ

Оқшом.

Қийма тахтадаги олабуға бошини
 куёш иссиқ кўз билан қиздирашган вақт.

Июлнинг, қон ёйилди қизил осмонига.

Илк ёз оқшомини ҳеч не тўлдирмаган —
 вентилятор шовқини, қадамлар шарпаси, олис овозлар.
 Қалқиб ухлаб қолган олтин балиқчанинг
 сарғайган қорнига ўшар илк оқшом.

Оқшом.

КО'

Шамол акация баргларига урилиб,
 фонарларнинг панелдаги нурун ечган пайт.

Хаёл боғларида одамлар чарчоқларин ечиб ташлаётирлар.

Гуллар шокосаси — қаҳва финжони.
 Шохлар шилдири —бу қировлар занги.
 Дастурхон атрофида —
 тўрт рақамли чинни одамлар.

Оқшом.
Узун бўйинли сариқ итлар кезадиган вақт.
Бошларининг сояси сиртларида чўзилиб ётар.

Одамлар, қўлларида топганларин гижимлаб
Ишдан уйларига қайтаётирлар.

Ним қоронғиликда авточироқ нурлари
светофорнинг қизил милт-милтига қоришар.
Лаппакдан ёшларнинг “севсайдим...” қўшиғи
сувдай таралар ҳарёққа, метроларни тўлатиб.

ҚИРҒОҚДА

Фазонинг ичида
чайқалиб ётар
бошқа бир фазо.

Дарёнинг ичида
бўлакча оқимлар бор,
у ҳам дарё.

Сув бўйида қармоқ тутган
о, балиқчи,
ўзлинг мудраб ётгандир, балки,
ўз ичингда?..

ЕНГИЛ ҚОР

Қор учқуни тушаётир,
Ёмғир томчисидан тушар секинроқ.
Гўзаллик шуқуҳи бор унинг учишида.
Олтита бурчакли нозиккина жисми,
яйраб учишлари шундай чиройли,
тобора инжалашиб шундай учарки, —
охири заминнинг киприкларида
индамай жон берар.

КЎКЛАМ ШОВҚИНИ

Бир маромда гижирлар
боғдаги дарахтлар ва томларнинг туңука тарновлари.
Эшикларнинг тағларида илиқ шамол ғўриллар
бўйраларни пуф-пуфлаб.

Шамол билан уйга кирган бу ҳид менга таниш —
сал ҳушни олувчи, сал ачимсиқ —
адаштириб бўлмас ҳеч нима билан
кўкларнинг антиқа бўйини.

Кечаси, боламни бағримга босиб,
шамол шовқинига қулоқ соламан эҳтиёт бўлиб,
эслайман ненидир, тошойнага қараб.

Ойнада пайдо бўлар ўзгача акслар:
 Ҳари таранг ёшгина жувон, ёнида уч боласи.
 Бошга тушажак кунларни ҳали билмас улар —
 норозилик уйғонар менда шу боис.
 Яна етакчисиз кетамиз аммо
 ҳаммамиз номаълум келажак сари.
 Балки қизларимиз ва ё неваралар
 бир кун бизга бу учун қилишар таъна.

Ёввойи ҳайвондай бирдан ҳушёр тортиб,
 шамоллар, кўкларнинг исларин ҳидлайман.

Тсудзи ЮКИО

ТУШЛИК ПАЙТИ

Тушлигим — бифштекс,
 Кўшни қассобдан
 Бўғи чиқиб турган янги гўшт олдим.
 Сал бурун сугир эди бу бечора.
 Яйловда ўт ерди куртиллатиб.
 Мазкур сугир кеч соат олтида
 Хаёл экранимда жонланди бирдан
 (Воқеа гўшт дўкон олдида бўлди,
 йўлкада)
 Сугир деди:
 “Юкио Цудзи, кулоқ сол!
 Мана мени ейсан,
 Лекин гинам йўқ.
 Чунки сенмас, кушхона жаллодлари жирканч,
 Мени атай сўқимга боққан
 гўшт-сут фермасининг ишчилари жирканч,
 мана кўр, сотишяпти мени гўшт қилиб...”
 Модоймки ундай — виждоним тинч.
 Жон деб еб кўраман бифштексни.
 Бўлакча тушлик учун
 Раҳмат сенга, сугир!

СЕН У ЁҚДАН КЕЛДИНГ...

Сен у ёқдан келдинг,
 Менса бу ёқдан..
 “Бўпти!” дедик икков
 Ажрашув чоғи.
 Йўқ, бу ажрашувмас,
 Учрашув эди!
 Қишлоққа борайлик кўпга бўлмаса-да.
 Ҳозир у ёқларда гуркираб жўяклар
 Қулупнай қизарган,
 Сабзавот пишган.
 Деҳқоннинг дўсти бор дунёда ёп-ёлғиз.
 Мен бўламан ўша дўст —
 афсус, ўзим деҳқон эмасман.
 Куйманиб юрамиз
 югур-югур билан,
 қий-чув тўполонда ўтар умримиз.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Йигирмадан ошдик, ўтгиздан ҳам ошиб,
 Қирққа ҳам борамиз эрта-индин...
 Қайбир олис юртда исён қилмиш халқ.
 Кеча юз кишини ўлдиришди.
 Бугун ҳам ўлдиришар ўшанчани.
 Кимдир биров отар, кимдир йиқилар...
 Қайтиб бориб меҳмонхонага,
 тинч ухламоқ учун сув ичиб ёлғиз,
 қўлни қовуштириб, бошни ёнга эгиб,
 тикилиб қарайман деразадан йўлга,
 йўл қоронғи бўлар, ҳеч ким кўринмас.
 Кўзларни юмаман — билмайман —
 тирикманми ва ё ўликман?..

СОВУҚ СУВ

Совуқ сув.

Қайноқ сув.

Эсингдами, яқингинада
 бир пиёла чойга қўлингни тикдинг,
 додлаб алам қилиб йиғладинг кейин?!

Пиёлада қайноқ сув бор эди, билдингми?

Жуда-жуда қайноқ —
 тушундингми?

Дераза ортидаги анови эса

“ёмғир” дейилади.

Ёмғир ҳам сув, албатта, гап йўқ.

Сув бўлса ҳам ваннага ярамайди лекин,
 кир ювиш ҳам мумкинмас, шекилли...

Қара, ёмғир билан косадаги сув —

улар бир-бирига ўхшамайди ҳеч.

Дарёлар ва қўллар ҳақида эса
 икки йилдан кейин суҳбатлашамиз.

У ёқда-қушчалар, кўряпсанми,

бу ёқда — мушук.

Учиш бу осмонда силжиш дегани,
 ҳеч қандай тиргаксиз, тушуняпсанми?

Мушук эса...

Мушук қуш эмас,

иккинчи қаватдан осмонга қараб

учиб кетолмайди, иложи йўқ...

БУ — ШҶРВА

“Шўр” бу “шўр” — “тузли”, дегани,^и

“ва”сини билмадим, нима дегани.

“Ва” ўзи, сўз билан сўзни боғлайди,
 бу ерда боғламас, оддийгина “ва”.

Кўпроқ ич, кўпроқ е — бўккунча ема,
 чунки қорнинг оғриб қолиши мумкин.

Неча марта айтдик — стол устига
 мумкин эмас оёқни қўйиш, хунук — бу!
 Кўрпани еб кўрма, бекорга —
 жуда бемаза у...

Уйқу келганида — ухлайди одам.
Қайта уйғонасан — уйқуга тўйсанг.
“ухлаш” не дегани?
Одам ёнбошлаб
кўз юмиб, жимгина ётар дегани.
Ҳа, шундай.
Аллаё, аллаё, болам...
Қани ухлаб кўр-чи,
кўрқма, кўзни юм...
Ана, бўларканми?..

ТУШЛАР

Тушга ўхшаб қолди
бутун ҳаётим.
Ўзим эса кўп бўлди
туш кўрмайман.
ухлайман —
бамисоли ухламагандай,
тунлари умидсиз,
оғир-оғир,
гоҳ уён, гоҳ буён
ағдариламан.

ДАРЁЛАР

Сенинг даданг, ушоққинам,
Сумида бўйларида туғилган.
Ойинг эса — Исикара бўйларида.
Ажойиб кунларнинг бирида, кўз олдинга келтир,
(Қиш эди, жуда ҳам совуқ)
ниҳоят сен келдинг дунёга.
Қоп-қоронғи тунда иккита дарё
битта дарё бўлиб қўшилгандан сўнг
келгансан оламга.
(Ўттиздан ошгандим ўшанда мен)
Лекин, билсанг, мактаб харитасидан
юрак жўғрофиясин ўрганиш қийин.

ТЎХТАШ

Севаман
баъзида бирдан тўхташни.

Шунчаки
қайдадир тўхтаб туришни,
кўзғолма³⁰⁹ турганча тураверишни.

Эҳтимол,
кўллар ҳам эрта билан,
ўнта кам тўққизда,
шундайин ҳис қилар бутун дунёни.

Кўзларни юмаман —
кўринмас юлдузлар
ва олис Зуҳал
тобора яқинроқ, яна яқинроқ...

Л. Н. ТОЛСТОЙ

Шекспир ва драма тўғрисида

(Танқидий очерк)

I

Жаноб Э. Кросбининг Шекспирнинг ишчи халқига муносабати ҳақидаги мақоласи менда ҳам унинг тўғрисидаги фикримни айтишга хоҳиш уйғотди. Менинг Шекспир асарлари ҳақидаги қарашим кўпдан буён бир тўхтамга келган ва бу қараш бутун Оврўпа дунёсида Шекспир тўғрисида юрадиган фикрга бутунлай зиддир. Маълумки, деярлик ҳамма Шекспир қаршисида бош эгиб таъзим қилади, лекин мен бунга бутунлай қаршиман. Шу фикрга келгунча мен жуда кўп иккиландим, шубҳаларга бордим, ўзимни унинг мухлиси қилиб кўрсатмоқчи ҳам бўлдим, ўзимни мажбурлаб, кайфиятимни созлаб ҳам кўрдим. Бошимдан кечган кураш онларини эслаб ва бошқалар ҳам мен кечирган савдоларни бошидан кечирган бўлса керак деб тахмин қилиб, бир тўхтамга келдим. Ўйлайманки, кўпчиликнинг фикрига қўшилмаслигимни қатъий тарзда ошқора айтсам, фойдадан холи бўлмас. Шуниси ҳам борки, мен кўпчиликнинг аллақачон қарор топиб бўлган қарашларига қўшилмага-

Озод
ШАРОФИДДИНОВ
таржимаси

Л. Н. Толстой мазкур мақоласини аввал америкалик адабиётшунос Эрнест Кросбининг “Шекспир ва ишчилар синфи” деган асарига сўзбоши тарзида ёзган. Аммо иш жараёнида сўзбоши кенгайиб, йирик мақолага айланган. Бу мақолани Толстой 75 ёшида ёзган ва унда камида 50 йил мобайнида Шекспир ҳақида ўйлаб юрган гапларини тўкиб солган. Мақолани ўқиган одам амин бўладикки, бу гаплар чиндан ҳам дунёда Шекспир ҳақида бир неча аср мобайнида айтилиб келинган мулоҳазалардан кескин фарқ қилади. Толстой Шекспирни бачкана, майда, саёз ёзувчи деб баҳолайди ва уни улуглаб бошига кўтариб келган халқни шу хатодан халос этмоқчи бўлади.

Мақола биринчи марта 1906 йилда “Русское слово” газетасида эълон қилинди. Табиийки, ўша пайтдан бошлаб ҳозирга қадар бу мақола адабиётшунослар ва файласуфлар ўртасида кизғин баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда. Толстой мақоласини қабул қилганлар ҳам бор, аммо уни кескин рад этганлар ҳам анчагина. Лекин қандай бўлмасин, шу пайтга қадар дунёда ҳали бирон киши Толстой мақоласини чуқур далиллар билан, асосли равишда ишонадиган қилиб рад этгани йўқ. Табиийки, бундан Толстой мақолаларида олдинга сурилган фикрлар мутлақо тўғри деган хулоса келиб чиқмайди. Мазкур изоҳда биз Толстой мақоласини атрофлича таҳлил қилиш имконига

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

139

ним сабабларини таҳлил қилиб, анча қизиқарли ва муҳим хулосаларга келдим деб ўйлайман.

Шекспир ҳақида қарор топган қарашга қўшилмаслигим ўткинчи бир кайфиятнинг оқибати ёхуд Шекспирга елгил-елпи муносабатнинг натижаси эмас. Аксинча, кўп йиллар мобайнида бир неча марта лаб бутун насроний дунёсидаги жаъмики маърифатли одамларнинг Шекспир ҳақидаги қарор топган қарашларга ўз қарашларини мувофиқлаштиришга қайта-қайта уриндим.

Эсимда, Шекспирни биринчи марта ўқиб чиққанимда жуда каттиқ таажжубда қолган эдим. Мен уни ўқиб, жуда катта эстетик завқ оламан деб ўйлагандим. Аммо унинг энг яхши деб ҳисобланадиган асарларини — “Қирол Лир”, “Ромео ва Жульетта”, “Ҳамлет”, “Макбет”ларни бирин-кетин ўқиб чиқиб, завқ олиш бир ёқда турсин, кутулиб бўлмайдиган бир ижирғаниш ҳис қилдим; ўқиб чиққунча сиқилиб кетдим ва ҳанг-манг бўлиб қолдим: бутун маърифатли дунё бенуқсон, мукамал деб ҳисобласа-ю, мен бу асарларни тўғридан-тўғри бемаза ва арзимас деб ўтирсам? Нима бало, мен ақлдан озган эмасмиканман? Ёхуд шу маърифатли дунё Шекспир асарларига хос деб ҳисоблайдиган тасниф маънисизмикан? Менинг таажжубим яна шу сабабдан кучайдики, мен шеърият гўзалликларини унинг ҳар қандай шаклларида жуда жонли тарзда ҳис қилар эдим. Нега энди бутун дунё томонидан доҳиёна бадий асарлар деб тан олинган Шекспир асарлари менга маъқул бўлиш бир ёқда турсин, менинг нафратимни кўзгаб ўтирипти? Узоқ вақт мобайнида мен ўзимга ишонмадим. Эллик йил давомида қайта-қайта ўзимни синовдан ўтказиб, бир неча марта лаб Шекспирни имкони бор ҳамма шаклларда ўқишга тутиндим. Мен уларни рус тилида ҳам, инглиз тилида ҳам ўқидим, ҳатто менга берган маслаҳатларига амал қилиб, Шлегель таржимасида немис тилида ҳам ўқидим; мен унинг драмаларини ҳам, комедияларини ҳам, солномаларини ҳам ўқидим, лекин натижа ҳар гал бехато равишда ўша-ўша бўлди — улар нафратимни кўзгади, уларни ўқиб сиқилдим, таажжубим ошди. Ҳозир етмиш бешга кирган бир кекса одамман — бу мақолани ёзишга киришиш олдиан яна бир марта ўз-ўзимни текшириб кўриш мақсадида Шекспирнинг ҳамма асарларини — “Қирол Лир”, “Ҳамлет”, “Отелло”дан тортиб “Генрихлар солномаси”гача, “Троил ва Крессида”сигача, “Бўрон” ва “Цимбелин”гача қайтадан ўқиб чиқдим. Ва яна ўша-ўша туйғуларни бошдан кечирдим. Лекин бу гал ортиқ таажжуб йўқ эди, бу гал жуда қатъий, шубҳа туғдирмайдиган, мустақкам бир эътиқод бор эди. Бу эътиқодга кўра Шекспирнинг ҳозирги кунларгача давом этиб

эга эмасмиз. Уни эълон қилишдан мақсад эса битта: ўзбек китобхони шу пайтга қадар Толстойни фақат гениал санъаткор сифатида таниб келди. Ҳолбуки, у жуда йирик мутафаккир ҳам эди ва мутафаккир бўлганда ҳам ҳеч нарсага шунчаки ишониб кетавермайдиган, ҳамма нарсани ўзи билан ушлаб кўришга интилувчи, ҳар қандай ҳақиқатни ўз ақл тарозусида таҳлилдан ўтказгандан кейингина қабул қилувчи шаккок мутафаккир эди. Шу йўллар билан бирон фикрнинг ҳақиқат эканига ишонч ҳосил қилса, бу фикр умум томонидан қабул қилинган фикрларга ҳар қанча зид бўлмасин, Толстой учун ғоятда ардоқли бўларди. Шу сабабдан унинг мақолаларида парадокслар кўп бўларди ва айна шу парадокслар китобхонни ҳам ўйлашга, фикр юритишга ундарди.

Мазкур таржима Толстой шахсиятининг кўп қиррали эканини, у изланувчан ва адашувчан бир инсон бўлганини тўла-роқ тасаввур қилишга ёрдам беради деб ўйлаймиз.

Толстойнинг фикрларига қўшилиш ё қўшилмаслик китобхонларнинг ўзига ҳавола. Фақат шуни инобатга олингки, Толстой мақоласидаги мулоҳазалар кўп ўринларда рад этиб бўлмайдиган даражада тўғри кўрингани билан Шекспир ҳам ҳамон яшашда давом этипти...

Адабиёт деганлари шунақа бир ғаройиб олам экан...

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

келган улуғ дохий ёзувчи сифатидаги шуҳрати ҳар қандай ёлгон каби жуда ёмон бир нарсадир. Яна шунинг учун ҳам ёмонки, бу ёлгон шуҳрат бизнинг давримиздаги ёзувчиларни унга тақлид қилишга мажбур этади. Китобхонлар ва тамошабинларни эса ўзларининг эстетик ҳамда этик қарашларини расво қилиб, унда йўқ фазилатларни излаб топишга ундайди.

Биламан — кўпчилик одам Шекспирнинг улуғлигига шу қадар ишонадики, менинг бу мулоҳазаларимни ўқиб чиқиб, уларнинг тўғри бўлиши мумкинлигини ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар ва бу мулоҳазаларга мутлақо эътибор бермай қўяқоладилар. Шундоқ бўлса-да, мен уқувим етгунча ҳаракат қилиб, нега менинг тахминимча, Шекспирни нафақат улуғ дохий ёзувчи деб, балки энг жўн, ўртамиёна ижодкор деб ҳам тан олиб бўлмаслигини кўрсатишга интиламан.

Бунинг учун Шекспирнинг энг мақталган драмаларидан бири — “Қирол Лир”-ни оламан. Кўпгина мунаққидлар бу асарни офизларидан бол томиб, кўкларга кўтардилар.

“Лир фожиаси Шекспир драмалари орасида ҳақли равишда кўкларга кўтарилди, — дейди доктор Жонсон. — Эҳтимолки, шу драмачалик эътиборимизни ўзига жалб қилиб оладиган, эҳтиросларимизни жунбушга келтириб, биздаги қизиқиш туйғусини кўзгайдиган бошқа биронта драма йўқдир”.

“Биз бу драмани четда қолдириб, унинг тўғрисида офиз очмасликни хоҳлар эдик, — дейди Газлит, — негаки бу драма ҳақида айтадиган ҳамма гапимиз нафақат етарли бўлмайди, балки унинг тўғрисида ҳосил қилган тасаввурларимиздан анча тубан бўлади. Драманинг ўзини ёки унинг қалбларда қолдирадиган таассуротини тасвирлашга уриниш — чинакамига шаккокликдир, лекин шундоқ бўлса ҳам биз драма ҳақида бирон нарса демоғимиз керак. Шундай қилиб, биз айтамызки, бу Шекспирнинг асарлари ичида энг яхшисидир, у бошқа асарларига қараганда шу асарини юрагига яқинроқ олар эди”.

“Бадийий ниятнинг оригиналиги Шекспирнинг ҳамма пьесаларига хос бўлган хусусиятдир, — дейди Галаан, — бунинг оқибатида унинг бирон асарини бошқаларига қараганда оригиналроқ деб тан олиш бошқа асарларини камситиш бўлади. Агар шундоқ бўлмаганда биз Шекспир даҳосининг энг олий қирралари “Лир”да ҳамма асарларидан ҳам кўра ёрқинроқ намоён бўлган деб айтишимиз мумкин бўларди. “Макбет”, “Отелло” ва ҳатто “Ҳамлет”га қараганда “Лир” трагедиянинг тўғри намунасида кўпроқ чекинган, аммо унинг тугуни пишиқроқ қурилган ва бу асарда худди бошқалардаги каби фавқулодда юксак илҳомнинг муҳри сезилиб туради”.

“Қирол Лир” бутун жаҳон драматик санъатининг энг мукамал намунаси деб тан олиниши мумкин”, — дейди Шелли.

“Мен Шекспирнинг “Артур”и тўғрисида гапирмоқни хоҳламас эдим, — дейди Свинбурн. — Шекспир асарлари дунёсида биттами-иккита шундай шахслар борки, улар тўғрисида ҳар қандай сўзлар ҳам камлик қилади. Шундай шахс — Корделия-дир. Бундай шахслар бизнинг қалбимизда ва бизнинг ҳаётимизда қандай ўрин тутишини сўз билан ифодалаб бериб бўлмайди. Бизнинг қалбимиздаги унга аталган энг хуфия тўхтамларга кундалик ҳаётнинг нури ва шовқин-сурони ёриб кира олмайди. Олий инсоний санъат жомеларида ҳам худди унинг ички дунёсида бўлгани каби шундай ҳужралар борки, уларни кўз билан кўриб бўлмайди, уларга яланг оёқ кириб бўлмайди. Севги, ўлим, сукут ҳақидаги хотиралар баъзи бир сеvimли номларни биз учун асраб келади. Агар қалбимизда ардоқлаб келинаётган ана шу хотиралар қаторига яна поэтик асарларнинг номлари битилар экан, бу чиндан ҳам мўъжиза ва шеърятнинг олий армуғонидир, бу — даҳонинг энг юксак шон-шуҳратидир”.

“Лир Корделияни яратмоқ учун бир баҳона, ҳалос, — дейди Виктор Гюго. — Қизнинг отага оналарча муҳаббати — жуда теран мавъзудир. Бу жуда юксак туйғу. У зиндонда отасига кўкрак сути берган римлик аёл ҳақидаги ривоятда жуда яхши ифодаланган эди. Оқ соқоллик қарияни озиклантираётган норасида кўкрак — бундан ҳам муқаддасроқ манзара бўлиши мумкин эмас. Корделия — ана шундай қиз кўксининг тажассуми.

Шекспир шундай образ яратишни орзу қилиши биланоқ уни топди ва у ўз драмасини яратди. Бу образни кўнглида пишира-пишира у фожиасини яратди. Гўё худо тонг отадиган жой бўлсин дея атайин ерни яратгандай”¹.

¹ Л. Толстой мақоласида бу парча тўлалигича француз тилида келтирилган.

“Лирда Шекспир даҳшатлар жаҳаннамнинг туб-тубларигача нигоҳи билан қамраб ола билди, аммо ана шу мудҳиш манзара қаршисида унинг қалби саросимага тушмади, унинг на боши айланди, на заифлик ҳис қилди, — дейди Брандес. — Бу фожаи оstonасида сизнинг вужудингизни эҳтиромга ўхшаш бир туйғу чулғаб олади — бунақа туйғуни сиз, одатда, Микель-Анжелонинг шипга ишланган Сикстин капелласини кўрганда ҳис қиласиз. Фарқи шундаки, Шекспир асарида туйғунинг изтироби зўроқ, алам садолари баландроқ янграйди ва гўзаллик уйғунлиги тез-тез ночорлик оқи-зорлари билан бузилиб туради”.

Бу драма ҳақида мунаққидларнинг мулоҳазалари ана шундай. Бинобарин, мен “Қирол Лир”ни Шекспир драмаларининг энг яхши намунаси деб ажратиб олар эканман, бу билан хато қилмадим деб ўйлайман. Драма мазмунини имкони борича холисанилло баён қилиб беришга уринаман, сўнгра эса нима сабабдан бу драма ҳамма олим мунаққидлар таърифлагандек, камолат намунаси эмас, балки мутлақо бошқа бир нарса эканини кўрсатиб беришга ҳаракат қиламан.

II

Лир драмаси иккита сарой аъёни — Кент билан Глостернинг ўзаро суҳбати билан бошланади. Кент шу ерда ҳозир бўлган йигитни кўрсатиб, Глостердан ўғлингиз эмасми деб сўрайди. Глостер бу йигитни, ўғлим деб кўп марталаб хижолатга қолганман, энди “ўғлим” демай қўйдим, деб жавоб беради. Кент Глостерга қараб, гапларингизни тушунмадим дейди. Шунда Глостер ўғлининг ҳузурда унга шундай дейди: “Сиз тушунмайман дейсиз, ҳолбуки бу ўғилнинг онаси яхши тушунган. У эри билан бир ёстиққа бош қўйишдан илгари ҳомиладор бўлиб, қорнини юмалоқ қилиб юрган. Менинг бошқа қонуний ўғлим бор, — дея давом этади Глостер, — бироқ бу вақтидан бурун сакраб чиққан бўлса-да, онаси кўп соз аёл эди... Шунинг учун мен бу ҳаромини ҳам ўғлим деб тан оламан”.

Муқаддима шунақа. Кўриниб турибдики, Глостернинг бу гаплари жуда бачкана. Бундан ташқари, олижаноб бир одам бўлмоғи керак бўлгани учун бу гаплар Глостерга ярашмайди. Баъзи бир мунаққидларнинг фикрича, Глостернинг бу сўзлари атайин айтилган эмиш. Гўёки уларда одамларнинг нафрати ифодаланган-у, гайри қонуний туғилган Эдмунд бу нафратдан изтироб чекармиш. Бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Мабодо шундоқ бўлганда, биринчидан, отани одамларнинг нафратини гапиришга мажбур қилмаслик керак эди, иккинчидан эса, Эдмунд унинг гайри қонуний туғилганидан одамларнинг нафратланишида адолатсизлик борлиги ҳақидаги монолоғида отасининг шу сўзларини эслатиб ўтмоғи лозим эди. Бироқ пьесада бу йўқ. Шунинг учун Глостернинг пьесанинг бошланишида айтган бу гаплари, афтидан, тамошабинга унинг қонуний ва гайри қонуний ўғиллари борлигини гаройиб бир тарзда маълум қилишга хизмат қилади, холос.

Бундан кейин бургилар чалинади ва қирол Лир қизлари ва куёвлари билан бирга саҳнага кириб келиб, кексалиги боис ишлардан четлашмоқчи экани ва қиролликни қизларига бўлиб бермоқчи экани тўғрисида нутқ ирод қилади. Қайси қизига қиролликнинг қай қисмини беришни билиш учун эса, қизларидан қайси бири уни бошқаларидан кўпроқ яхши кўришини айтса, шунга қиролликнинг кўпроқ қисмини беражагини эълон қилади. Гонерила деган катта қизи ўз муҳаббатини ифодалаш учун сўзлар етишмаслигини айтади. У отасини ўз кўзларининг нуридан ҳам ортиқроқ, фазолардан ортиқроқ, эркинликдан ортиқроқ яхши кўрар экан. У отасини шунчалик қаттиқ яхши кўрар эканки, бу ҳатто унинг бемалол нафас олишига ҳам ҳалақит берар экан. Қирол Лир шу заҳотиёқ харитага қараб, қизига тегишли дала-лар, ўрмонлар, дарёлар, ўтлоқларни ажратиб беради-да, иккинчи қизидан сўрайди. Регина деган иккинчи қизи опам туйғуларимизни тўғри ифодалаб берди-ю, лекин бу етарли эмас, дейди. У, яъни Регина, отасини шу қадар яхши кўрадики, унинг севгисидан бошқа ҳамма нарса қизга ёмон кўринади. Қирол бу қизини ҳам тақдирлаб, кенжасига юз ўгиради. Қирол уни жуда яхши кўради. Қиролнинг сўзи билан айтганда, бу қизига Франция шароби билан Бургундия сути қизиқаётган экан, яъни Франция қироли ва Бургундия герцоги бу қизига оғиз солиб туришган экан. Қирол Лир Корделиядан “мени яхши кўрасанми?” дея сўрайди. Жаммики фазилатларни

ўзида тажассум этувчи Корделия жаъмики иллатларни ўзида тажассум этувчи опалари каби мутлақо ноўрин бир гарзда, гўё отасининг аччигини чиқариш учун атайин қилаётгандай дейдики, у отасини яхши кўради, ҳурмат қилади, отасидан миннатдор, лекин у турмушга чиқадиган бўлса, севгисининг ҳаммасини тўлалигича, таг-туғи билан отасига бағишламайди, балки у эрини ҳам яхши кўради. Бу сўзларни эшитиш, қиролнинг ғазаби жўшади ва у шу заҳотиёқ севимли қизининг устига энг даҳшатли ва ғаройиб қарғишларни ёғдириб, уни лаънатлайди. Масалан, қирол бундай дейди: бир замонлар унга қиз бўлган махлуқни қандай яхши кўрган бўлса, бундан буён ўз болаларини тановул қилиб, иштаҳасини қондирадиганларни шундай яхши кўради.

Сарой аъёни Кент Корделиянинг ёнини олади ва қиролни тўғри йўлга солиш ниятида унга “адолатсизлик қиляпсиз” деб таъна қилади ва хушомаднинг зарари тўғрисида оқил гаплар айтади. Лир унинг гапига қулоқ солмайди, уни “ўлимга буюраман” дея қўрқитиб, ҳайдаб солади ва Корделиянинг иккала қаллиғига — Франция қироли ва Бургунд герцогига бирин-кетин Корделияни сепсиз хотинликка олишликни таклиф қилади. Бургунд герцоги Корделияни сепсиз олмаслигини рўйрост айтиб қўя қолади. Франция қироли эса қизни сепсиз олишга рози бўлади ва Корделияни бирга олиб чиқиб кетади. Шундан сўнг, тўнғич опа-сингиллар шу ернинг ўзида ўзаро гаплашиб, уларга қиролликни инъом этган оталарини қай йўсинда ранжитишга тайёрлик кўра бошлайдилар. Шу билан биринчи саҳна тамом бўлади.

Қирол Лир ҳам Шекспирнинг ҳамма қироллари каби жуда дабдабали, баландпарвоз ва туссиз бир тилда гапирди. Бунисини айтмаганда ҳам, тамошабин ёхуд китобхон қиролнинг гапларига ишонмайди. Ахир, қирол ҳар қанча кекса ва фаросатсиз бўлмасин, бутун умр бўйи бирга яшаган ярамас қизларининг гапига ишона олмайди-ку! Ёхуд нечук у суюкли қизнинг гапларига ишонмай, унинг бошига лаънатлар ёғдириб, салтанатдан қувиб чиқарсин?! Шунинг учун ҳам тамошабин ёхуд китобхон бу ғайри табиий саҳнада қатнашувчи шахсларнинг туйғуларига ишона олмайди ва улардан таъсирланмайди.

“Лир”нинг иккинчи саҳнаси бундай бошланади: Глостернинг ғайри қонуний ўғли Эдмунд одамларнинг адолатсизлиги тўғрисида ўзи билан ўзи мулоҳаза юритади. Бу адолатсизлик натижасида қонуний туғилганга ҳамма ҳуқуқ ва ҳурмат берилди-ю, ғайри қонуний туғилган ҳар қандай ҳуқуқ ва эҳтиромдан маҳрум қилинади. Эдмунд Эдгарни ўлдириб, унинг ўрнини эгалламоқчи бўлади. Бунинг учун у Эдгарнинг ўзига, яъни Эдмундга ёзган мактубини қалбакилаштиради — унга гўё Эдгар отасини ўлдирмоқчи эканини қўшиб ёзиб қўяди. Отаси келишини кутиб турган Эдмунд гўё ўзининг ихтиёрига қарши ўлароқ отасига бу мактубни кўрсатади ва отаси дарҳол суюкли ўғли Эдгар уни ўлдирмоқчи эканига чиппа-чин ишонади. Отаси кетади, Эдгар келади. Эдмунд унга ҳам отанг нима учундир сени ўлдирмоқчи деб шипшитади. Эдгар ҳам дарҳол бу гапга ишонади-да, отасидан қочади.

Глостер билан унинг ўғиллари ўртасидаги муносабатлар ва уларнинг туйғулари ҳам худди Лирнинг қизларига бўлган муносабатлари каби ёхуд ундан-да бешбаттар даражада сунъийдир, шунинг учун тамошабин Лирга ёхуд унинг қизларига нисбатан бўлганига қараганда янада камроқ даражада Глостер ва унинг ўғилларининг руҳий ҳолатларини идрок эта олади ҳамда уларга хайрихоҳлик билан қарайди.

Тўртинчи саҳнага келиб қирол Лир Гонериланинг уйига жойлашган бўлади. Унинг хузурига қирол томонидан ҳайдаб юборилган Кент келади. Кийимини ўзгартириб олгани учун қирол уни танимайди. Лир ундан “Кимсан?” деб сўрайди. Бу саволга Кент нима учундир масхарабозлик билан, аҳволига сира тўғри келмайдиган оҳангда жавоб беради: “Мен ҳалол инсонман ва қиролдан фақирман”. — “Агар сен қарол қирол учун бўлганидай фуқаро учун шунчалик фақир бўлсанг, унда жуда ҳам қашшоқ экансан...”, дейди Лир. “Ёшинг нечада?” деб сўрайди қирол. “Аёлларга ишқибозлик қилар даражада ёш эмасман, аммо аёлларга тобеъ бўлиш даражасида қариб қолганим ҳам йўқ!” Бунга жавобан қирол агар тушлиқдан кейин кўнглимни ранжитмасанг, хизматимни қилмоғингга ижозат бергайман, дейди.

Бу гаплар на Лирнинг аҳволидан, на унинг Кентга муносабатидан келиб чиқади; муаллиф бу гапларни Лир билан Кентнинг тилидан берар экан, афтидан, бунинг боиси шундаки, уларни жуда доҳий ва ғаройиб деб ҳисоблаган бўлса керак.

Гонериланинг эшик оғаси келади, Лирга дағаллик қилади, бунинг учун Кент уни уриб йиқитади. Ҳали ҳам уни таниёлмаган Қирол бунинг учун Кентга пул

беради-да, уни ўзининг хизматкори қилиб қолдиради. Шундан сўнг масхарабоз келади ва масхарабоз билан қиролнинг ўртасида вазиятга мутлақо мос келмайдиган, ҳеч қандай мақсадга қаратилмаган, узундан-узоқ, кулгили бўлиши керак бўлган мусоҳаба бошланади. Масалан, масхарабоз бундай дейди: “Менга битта тухум бер, мен сенга иккита нарса бераман”. Қирол сўрайди: “Бу иккита нарсанг нима экан?” — “Нима бўларди, тухумни икки бўлак қилиб бераман-да! Тухумни ўртасидан бўламан, — дейди масхарабоз, — саригини ўзим ейман. Сен тожингни иккита бўлиб, ҳар икки қисмини ҳам бериб юбординг, — дейди масхарабоз. — Шундан кейин эшагингни елкангга ортиб, лойдан уни ўзинг олиб ўтдинг. Сен олтин тожингни берганингда, сенинг кал бошингда ақл деган нарса йўқ эди. Агар мен шундоқ деб ўзимни гапимни айтаётган бўлсам, майли, шундоқ деб ўйлайдиган одамни дарра-лашсин”.

Узундан-узоқ гап-сўзлар шу тарзда давом этаверади. Тамошабин билан китобхон эса бундан зерикарли ҳазил-мутойибаларни эшитганда пайдо бўладиган хижолатга тушади.

Гонериланинг кириб келиши бу гап-сўзларга хотима қўяди. Гонерила отасидан аъёнлари сонини камайтиришни талаб қилади — юзта сарой аҳли ўрнига элликта билан қаноатланиш кераклигини айтади. Бу таклифни эшитиб, Лир алланечук гаройиб, сунъий бир ғазабни туяди ва “менинг кимлигимни биласанми?” деб сўрайди: “Бу Лир эмас, — дейди у. — Ахир, Лир шунақа юрармиди? Шунақа гапирармиди? Қани унинг кўзлари? Ухляпманми мен ёки уйғоқманми? Ким айтади менга мен кимман? Мен Лирнинг соясиман” ва ҳ. к.

Бу гаплар орасига масхарабоз ўзининг кулгили бўлмаган ҳазилларини қистириб туришдан тўхтамайди. Гонериланинг эри келади, у Лирни тинчлантирмоқчи бўлади, бироқ Лир Гонерилани лаънатлайди — ё уни тирноққа зор бўлиб ўтгин дея қаргайди ё бола кўрсани ҳам, шунақа бир бадбашара майиб бола бўлсинки, у сенинг оналик меҳрибонликларингга мазах ва нафрат билан жавоб берсин, шунда боланинг ўзбошимчалиги ва ношукурлиги қандай мудҳиш тус олишини, қанақа изтироблар келтиришини кўриб, куйиб ўлгин!

Бу сўзлар чиндан ҳам ҳисга йўғрилган, улар таъсирчан бўлиши мумкин эди. Агар шу сўзларнинг ўзигина айтилган бўлганида... Ҳолбуки, улар узундан-узоқ бандларпарвоз гаплар ичига кўмилиб кетган. Лир уларни мутлақо ножоиз бир тарзда сира тўхтамай гапирaveraди, гапирaveraди. Гоҳ у нима учундир қизининг бошига туманлар ва бўронлар ёпирилишини истайди, гоҳ унинг ҳамма туйғулари қарғишга учраб карахт бўлиб қолишини хоҳлайди, гоҳ ўзининг кўзларига мурожаат қилиб, агар йиғласанглр, сенларни ўйиб оламан, токи сенларнинг шўр томчиларинг лойларни сугорсин дейди.

Шундан сўнг ҳали ҳам таний олмагани Кентни мактуб билан бошқа қизининг ёнига юборади, ҳозиргина жуда қаттиқ аламли изтироб чекканига қарамай, масхарабоз билан гаплашади ва уни ҳазиллашишга чорлайди. Ҳазил-мутойибалар ҳамон кулгили эмаслигича қолаверади. Улар бесўнақай аскияларни эшитганингда кўнглингда ҳосил бўлган ёқимсиз уят туйғусидан ташқари ўзининг охир-кети йўқлиги билан кишини диққинафас қилиб юборади, холос. Шу ўринда масхарабоз қиролдан сўрайди: “Биласанми, нима учун одамнинг бурни юзининг ўртасига қўққайтириб қўйилган?” Лир билмайман деб жавоб беради. “Шунинг учунки, — дейди масхарабоз, у унинг икки томонида иккита кўз бўлсин, токи бурун билан ҳидлаб билмаган нарсани одам кўз билан кўриб билсин!”

— Шиллиқ қурт чиганоғини қандай яшашини айтиб бера оласанми? — деб яна сўрайди масхарабоз.

— Йўқ.

— Мен ҳам билмайман. Лекин мен шиллиқ қуртта уйнинг нега кераклигини биламан.

— Нега керак?

— Унинг ичига бошини тикиб олади. Албатта, ўз уйини қизларига бериб, ўзи бошпанасиз қолиш учун эмас.

— Отлар тайёرمи? — дейди Лир.

— Сенинг эшакларинг уларни олиб келгани кетди. Нима учун Етти оғайни фақат етти юлдуздан иборат?

— Негаки, улар саккизта эмас-да, — дейди Лир.

— Сендан зўр масхарабоз чиқар эди-да, — дейди масхарабоз ва ҳ. к.

Узоқ давом этадиган шу саҳнадан кейин бир жаноб келади-да, отлар тайёр эканини айтади. Масхарабоз дейди:

— Менинг кетишимдан қулаётган бокира қиз кўп ҳам қизлигича қолиб кетмайди. Бирон нарса ўзгариб қолмаса, албатта. — Шундай деб масхарабоз кетади.

Иккинчи парданинг иккинчи саҳнаси шу билан бошланадики, бадният Эдмунд укасини авраб, отаси кириб келганда икковлари қиличбозлик қилишаётгандай бўлиб кўринишга кўндирмоқчи бўлади. Эдгар кўнади, лекин нима учун шундай қилмоғи кераклигини сира тушуна олмайди. Ота ўғилларининг жанги устидан чиқади. Эдгар қочиб кетади, Эдмунд эса қўлини тирнаб қонатади, кейин отасини ишонтириб айтадики, Эдгар отасини ўлдирмоқчи бўлиб қасам ичди, Эдмундни унга ёрдам беришга чорлади, лекин Эдмунд бунга кўнмади, шундан кейин Эдгар уни ташланиб, қилич билан қўлини яралади. Глостер ҳаммасига ишонади, Эдгарни қарғайди ва унинг ҳамма ҳақ-ҳуқуқларини ғайри қонуний ўғли Эдмундга беради. Буни эшитган герцог ҳам ўз навбатида Эдмундни тақдирлайди.

Иккинчи саҳнада Глостернинг қасри олдида Лирнинг янги хизматкори Кент (ҳали ҳам Лир уни таниб олгани йўқ) ҳеч қандай баҳона-ю сабабсиз Гонериланинг эшик оғаси Освальдни сўка бошлайди. Кент унга бундай дейди: “Сен қулбачча, маккор, ялоқхўр, паст, мутакаббир, пакана, гадоё, уч кетинлик, юз фунтлик, чириган, жун пайпоқли малай, ириган қанжиқнинг ўғли ва ҳ. к.” Шундан кейин қиличчини яланғочлаб, Освальднинг ўзи билан жанг қилишга чақиради. Чақирар экан, “қийма гўшт думбалик қайла билан” дейди. Бу сўзларни ҳеч қандай шарҳловчи тушунтириб беролгани йўқ. Унинг гапини бўлиб тўхтатишса ҳам у гапирaveraди ва жуда гаройиб сўхишлар билан сўкади. Масалан, уни, яъни Освальдни кийим тикувчи шунақа бадбашара қилиб яратган, негаки, тошйўнар ёхуд рассом унинг устида лоақал икки соат ишлаганларида ҳам уни бу даражада бадбашара қила олмас эдилар. Яна гапиришда давом этиб, агарда ихтиёрни менга бериб қўйишса мен бу ярамас Освальдни янчиб талқон қилардим-да, қоришмага кўшиб юборардим ва уни ҳожатхонанинг деворларига суриб ташлардим, дейди.

Шундай қилиб Кент қиролнинг янги хизматкори сифатида тўполон қилиб, ҳамма ёқни бошига кўтаради. Ниҳоят, уни ушлашиб, оёқ-қўлига кунда урганларидан кейингина у тинчийди. Қизиги шундаки, уни ҳали ҳам ҳеч ким танимайди, ҳолбуки қирол ҳам, герцог Корнвальский ҳам, шу ерда ҳозир бўлган Глостер ҳам уни яхши танимоқлари керак эди.

Учинчи саҳна ўрмонда содир бўлади. Отасининг таъқибидан қочиб ўрмонда яшириниб юрган Эдгар тамошабинларга жиннилар, девоналар қанақа бўлишини гапириб беради. Улар яланғоч юришар экан, баданларига тикан санчар эканлар, ваҳшиёна овозда бақириб, садақа сўрар эканлар. У ўзининг ҳам шунақа жинни қиёфасига кирмоқчи эканини ва шу йўл билан таъқибдан қутулиб қолмоқчи эканини айтади. Халойиққа буни айтиб бўлгач, у чиқиб кетади.

Тўртинчи саҳна яна Глостер қасрининг рўпарасида. Лир билан масхарабоз кириб келади. Лир Кентни кишанбанд ҳолда кўради ва ҳамон уни танимай туриб, бирдан тутақиб кетади, менинг чопаримни ким бу даражада ҳақорат қилди деб, уларга газабини сочади ва герцог билан Реганани ҳузурига чақириб келишларини талаб қилади. Масхарабоз саннашдан тўхтамайди. Лир бир амаллаб газабини тизгинлайди. Герцог билан Регана келади. Лир Гонерилдан шикоят қилади, Регана опасининг ёнини олади, Лир Гонерилани қарғайди. Регана унга орқангизга қайтиб, опамнинг ҳузурига борсангиз яхшироқ бўларди, деганини эшитиб, Лир яна даргазаб бўлади ва “Бир камим — бориб ундан кечирим сўраш қолибди” дейди. Шундай деб тиз чўқади ва шу алфозда қизидан садақа сўрагандай егани овқат, кийгани кийим сўраса жуда хунук бўлишини намоён этгандек бўлади. Кейин Гонериланинг шаънига кўп ғалати қарғишлар ёғдириб, юборган чопарини ким кишанбанд қилишга журъат этганини сўрайди. Регина жавоб беришга улгурмай Гонерила кириб келади. Лир яна кучлироқ даргазаб бўлади за Гонерилани яна қарғайди. Лирга Кентни кишанбанд қилишни герцог буюрганини айтишади, лекин у ҳеч нарса демайди, чунки шу заҳоти Регина гап бошлаб, уни ҳозир қабул қилолмаслигини, отаси Гонериланинг ҳузурига қайтиши кераклигини, бир ойдан кейин уни қабул қилиши мумкинлигини, лекин юзта эмас, элликта мулозим билан қабул қилажagini айтади. Аммо Лир яна Гонерилани қарғайди ва унинг ҳузурига боришни

истамайди. У умид қиладики, Регина уни юзта мулозими билан бирга қабул қилади. Регина эса уни фақат йигирма бешта мулозим билан бирга қабул қилишини айтади. Шундан кейин Лир қайтиб Гонериланинг хузурига боришга жазм қилади, чунки Гонерила элликта мулозимини қабул қилмоқчи бўлган эди. Бироқ Гонерила элликта эмас, йигирма бешта мулозим ҳам кўплик қилишини айтади. Шундан сўнг Лир етарли ва ортиқча тушунчалар шартли тушунчалар экани ҳақида узундан-узоқ мулоҳаза юритади ва одамга зарур нарсанинг ўзинигина қолдирса, унинг ҳайвондан фарқи қолмаслигини айтади. Бу сўзларни айтар экан, Лир, тўғрироғи — Лир ролини ўйнаётган актёр тамошабинлар орасидан яسانيб олган бир аёлга мурожаат қилиб, сизга ясан-тусанининг ҳожати йўқ, негаки ясан-тусанингиз сизни иситмайди, дейди. Бундан кейин янада дарғазаб бўлади-да, қизларимдан ўч олиш учун жуда ёмон бир иш қиламан-у, лекин кўзимдан бир томчи ёш тўкмайман, деб чиқиб кетади. Бўрон кўтарилаётгани эшитилади.

Иккинчи парда — ана шундай. У ғайритабиий воқеаларга тўла. Шахсларнинг вазиятидан келиб чиқмайдиган ғайритабиий нутқлар яна ҳам кўпроқ. Бу парда Лир билан қизлари ўртасидаги можаро саҳнаси билан тамом бўлади. Бу саҳна кучли бўлмоғи мумкин эди, лекин унда ўта даражада бесўнақай, баландпарвоз, ғайритабиий ва бундан ташқари, мутлақо ножоиз нутқлар кўп. Уларни Лир оғзидан эшитасиз. Лирнинг гурур, ғазаб ва қизларининг мурувватига умид ўртасидаги иккиланишлари жуда ҳам таъсирчан бўлиши мумкин эди. Лекин Лирнинг эзмалик билан айтган бемаъни гаплари бу саҳнани бузиб туради. Лир агар Регинанинг мени кўргани кўзи бўлмаса унинг ўлиб кетган онасидан ажралишган бўлардим дейди. Ёки у қизининг бошига захарли туманлар ёғилишини тилайди. Ёхуд у айтадики, модомики само кучлари кекса экан, улар кексаларга ҳомийлик қилмоқлари керак. У шунга ўхшаш бемаъни гапларни жуда кўп гапиради.

Учинчи парда момақалдироқ, чақмоқ ва бўрон билан бошланади. Бўрон ҳам алланечук бошқача. Иштирок этувчи шахсларнинг гапига қараганда, бунақа бўрон ҳеч қачон бўлган эмас. Чўлда бир одам Кентга Лир тўғрисида гапириб беради. Қизлари томонидан турар жойидан қувиб юборилган Лир якка-ю ёлғиз чўлда сарсари югуриб юрганмиш, сочларини юлиб, уларни шамолга учираётган эмиш. Ёнида масхарабоздан бошқа ҳеч ким йўқ эмиш. Буни эшитган Кент эса у одамга герцоглар ўзаро низолашиб қолганини, французлар Дуврга қўшин туширганини айтади ва буларни гапириб бўлиб, ўша одамни Дуврга — Корделиянинг хузурига юборади.

Учинчи парданинг иккинчи саҳнасидаги воқеа ҳам чўлда кечади, фақат Кент билан бояги одам учрашган жойда эмас, бошқа жойда. Лир чўл бўйлаб изғиб юрибди. Унинг оғзидан чиқаётган гаплар Лирнинг аламзадалигини ва ночор аҳволини кўрсатмоғи керак: унинг истаги шундай: шамоллар шундай эссинки, зўриқишидан уларнинг (шамолларнинг) икки бети ёрилиб кетсин, ёмғирлар бутун ер юзини боссин, чақалоқлар унинг оқ сочли бошларини куйдириб кулга айлантирсин, момақалдироқ ерни пачақлаб ясси қилсин ва ношукур инсонни яратадиган ҳамма уруғларни кириб ташласин. Масхарабоз ҳам унинг ёнига кириб, булардан ҳам бемаънироқ сўзларни айтади. Кент келади. Лир айтадики, негадир бу бўронда ҳамма жиноятчиларни топиб фош қилишади. Ҳамон Лир таниёлмаган Кент уни чайлага яширинишга кўндиради. Масхарабоз бу ерда вазиятга мутлақо тўғри келадиган башорат қилади. Кейин ҳаммалари чиқиб кетади.

Учинчи саҳна яна Глостер қасрига кўчади. Глостер Эдмундга француз қироли қўшини билан аллақачон соҳилга тушиб бўлганини ва уларга ёрдам бермоқчи эканини айтади. Буни билиб, Эдмунд отасини хоинликда айблашга қарор қилади. Бундан мақсад — отасидан қоладиган меросга эгалик қилиш эди.

Тўртинчи саҳна яна чўлда, чайла ёнида, Кент уни чайлага киришга чорлайди. Лир унамайди. Бўрондан яширинмоғимга ҳожат йўқ, дейди у. Негаки, мен бўронни сезмаяпман. Бўроннинг каттаси юрагимда содир бўляпти. Қизларимнинг ношукурлиги туфайли қўпган бу бўрон ҳамма нарсани босиб кетмоқда. Ҳаққоний туйғу бу. Лекин у оддий сўзлар билан ифодаланганда эди, ҳамдардлик уйғотиши мумкин эди. Аммо тўхтовсиз давом этувчи баландпарвоз валдираш орасида уни пайқаб олишнинг ўзи қийин ва у ўзининг аҳамиятини йўқотади.

Лирни олиб киришган чайла Эдгар жиннилик либосига бурканиб, яъни яланғоч ҳолда кирган чайланинг ўзи экан. Эдгар чайладан чиқади. Гарчи уни ҳамма билса ҳам худди Кентни танимагандай уни ҳам ҳеч ким танймайди. Эдгар, Лир ва масха-

рабоз яна маънисиз нутқлар сўзлай бошлашади. Бу жиндай-жиндай танаффуслар билан олти соат давом этади. Бу сахнанинг ўртасида Глостер кириб келади ва у ҳам на Кентни, на ўгли Эдгарни танийди. Глостер уларга ўгли Эдгар уни ўлдирмоқчи бўлганини айтиб беради.

Бу сахна яна Глостер қасридаги сахна билан бўлинади. Бу сахна давомида Эдгар отасининг сирларини фош қилади ва герцог Глостердан ўч олишга ваъда беради. Ҳаракат яна Лирга кўчади. Кент, Эдгар, Глостер, Лир ва масхарабоз фермага бориб, ўша ерда гаплашишади. Эдгар дейди: “Мени Фратерето чақиряпти. У дейдики, зимзиё кўлда Нерон балиқ овлаб ўтирган эмиш...” Масхарабоз дейди: “Менга айт-чи, амаки, ким жинни? Аслзодами ёхуд деҳқонми?” Ақлдан озган Лир “Жинни — қирол” дейди. Масхарабоз дейди: “Йўқ, жинни — деҳқон. У ўглининг аслзода бўлишига йўл қўйиб ўтирипти”. Лир қичқиради: “Лағча чўғ бўлган минглаб найзалар уларнинг баданига санчилсин!” Эдгар бўлса, ёвуз руҳ орқамни тишлаяпти деб қичқиради. Бунга масхарабоз бўрининг эл бўлишига, отининг саломатлигига, боланинг муҳаббатига ва бузуқ хотиннинг тавбасига ишониб бўлмаслиги ҳақидаги матални айтади. Кейин Лир қизларини суд қиляпман деб хаёл қилади: “Ҳой ҳуқуқшунос олим! — дейди у яланғоч Эдгарга мурожаат қилиб. — Бу ёққа ўтир. Сен эса, эй муҳтарам зот, мана бу ерга ўтир. Қани, бўлақолинглар, қанжиқ тулкилар!” Бунга Эдгар шундай дейди: “Ана, турипти у. Кўзлари чарақляпти. Хоним, бу ерда — судда сизга кўзларингиз камлик қиляптими? Кел олдимга сузиб, соҳибжамолим Бесси!” Масхарабоз эса қўшиқ айтади: “Соҳибжамол Бессининг қайиғи тешилган. Нечун сузиб келолмаслигин айтолмайди у”. Эдгар яна ўзининг гапини такрорлайди. Кент Лирдан бирпас ёнбошлаб дам олишни сўрайди, бироқ Лир хаёлан қизларини суд қилишда давом этади.

— Гўвоҳлар чақирилсин! — қичқиради у. — Бу ёнга ўтир, — дейди у Эдгарга. — Устингга судья либосини кийиб олгансан. Шунга яраша жойингни билиб ўтир... Сен ҳам (масхарабозга)... Унинг ҳам, сенинг ҳам бўйнингда битта адолат буйинтуруги. Шундоқ экан, у билан ёнма-ён судья курсисига ўтир. Сен ҳам судьялар қаторидасан — сен ҳам ўтир, — деб Кентга мурожаат қилади у.

— Қаранг, мушук тарғил-ку! — деб қичқиради Эдгар.

— Аввал уни, аввал уни суд қилинг. Бу — Гонерила! — дея ёлборади Лир. — Бу ерда — олий зотлар мажлиси қаршисида қасам ичиб айтаманки, у отасини, шўрлик қиролни калтаклади.

— Бериоқ келинг, мистрис, сизнинг исмингиз Гонерилами? — дейди масхарабоз курсига қараб.

— Мана яна бирови, — деб қичқиради Лир. — Тўхтатинг уни! Қилични суғуринг! Чироқ тутинг! Қурол! Хиёнат бу! Судга муғомбирлик қилди. Нега уни қўлдан чиқариб юборди?” ва ҳ.к.

Бу алаҳсираш шу билан тугайдики, Лир жўнаб кетади ва Глостер Кентдан (ҳамон уни танимасликда давом этиб) Лирни Дуврга олиб кетишни илтимос қилади. Кент масхарабоз билан бирга Лирни кўтариб чиқиб кетади.

Сахна Глостернинг қасрига кўчади. Глостернинг ўзини хоинликда айбламоқчи бўладилар, уни бошлаб келиб, қўл-оёғини боғлайдилар. Регина унинг соқолидан тортқилайди. Герцог Корнвальский унинг бир кўзини ўйиб олиб, ўзини тепкилайди. Регана унинг яна бир кўзи соғ қолди ва бу бутун кўз нариги кўзнинг устидан куляпти дейди. “Уни ҳам мажақла” — деб буюради у. Герцог унинг айтганини бажармоқчи бўлади, лекин тўсатдан аллақандай бир мулозим Глостернинг ёнини олади ва уни яралайди. Регина мулозимни ўлдиради. Мулозим жон бераётиб, Глостерга “Ҳали бир кўзинг соғ, шу кўзинг билан бу ярамас золим қандай таъзирини еганини кўриб ол” дейди. Герцог дейди: “Йўқ, у буни кўрмасин учун, бу кўзини ҳам ўйиб оламин”. Шундай деб у иккинчи кўзни ҳам ўйиб олади-да, ерга улоқтиради. Шу ишлар асосида Регина Эдмунд отасининг сирини фош қилганини айтади. Шунда Глостер дарҳол тушунадики, у алданипти, Эдгар уни ўлдирмоқчи эмас экан.

Шу билан учинчи парда тамом бўлади.

Тўртинчи парда воқеаси яна чўлга кўчади. Ҳали ҳам девона қиёфасида юрган Эдгар сунъий тил билан тақдир қийинчиликлари тўғрисида, камсуқуму камтар бўлмоқнинг фойдалари ҳақида гапирди. Кейин чўлга унинг отаси Глостер келади. Икки кўзи ўйиб олингани Глостер бошқа бир қариянинг етовида айни Эдгар турган жойга келади. Глостер ҳам ўша ўзига хос шекспирона тилда гапирди. Бу тил-

нинг бош хусусияти шундаки, унда фикрлар ё сўзларнинг оҳангдошликдан ёки яна ўша тақдир машмашалари ҳақидаги гапларнинг зиддиятидан туғилади. Глостер қарияга, энди мени қолдириб кетавер, дейди. Унга қария жавоб бериб, “одам кўзсиз ёлғиз ўзи юролмайди” дейди. Глостер дейдики, ортиқ унинг йўли йўқ, шунинг учун унга кўз керак эмас. Шундан кейин у кўзим борида қоқилдим, кўпинча кусурларимиз бизнинг халоскоримиз бўлади деб мулоҳаза юритади. “О, азизим Эдгар, — деб илова қилади у, — алданган отанг газабининг озуқасисан. Агар қўлларим билан пайпаслаб сени кўра олганимда эди, менинг яна кўзим бор деб айтган бўлардим”. Девона қиёфасидаги яланғоч Эдгар бу гапларни эшитади, лекин ўзини отасига танитмайди, балки Глостерни етаклаб юрган қариянинг ўрнини эгаллаб, отаси билан гаплашади. Отаси эса уни овозидан танимайди ва уни девона деб ҳисоблайди. Глостер вазиятдан фойдаланиб, эндиликда сўқирларни девоналар етаклаб юрипти деб бир закий гап айтади ва ҳафсала билан қарияни ҳайдаб сонади. Унинг бундай қилишига сабаб шу дақиқада Глостернинг кўнглидан кечиши мумкин бўлган кайфиятлар бўлмаса керак. Эҳтимол, у Эдгар билан ёлғиз қолиб, хаёлидан кечган қоядан ўзини ташлаш саҳнасини кўрсатмоқчи бўлгандир. Эдгар кўзлари ўйилган отасини ҳозиргини кўрган бўлишига ва ўғлини ҳайдаб солгани учун отаси пушмон еяётганини билиб олганига қарамай, мутлақо лузумсиз сафсаталарни айтади. Бу сафсаталарни Шекспир Гарнетнинг китобида ўқиб билиб олган бўлиши мумкин, лекин Эдгар уларни била олмас эди. Энг муҳими эса, унинг ҳолатида бу гапларни гапиришнинг сира ҳам ўрни йўқ эди. У дейди:

— Шўрлик Томнинг ичида бараварига бешта руҳ ўтирипти: шаҳват руҳи Обидикут, зулмат сардори — Гоббидирэнц, ўғирлик пешвоси Магу, қотиллик руҳи — Модо ва қийшанглаш ҳамда бужмайиш руҳи Флиббертид Жиббет. Эндиликда уларнинг бари оқсочлар ва турли-туман хизматкор аёлларнинг ичига кириб олган.

Бу сўзларни эшитиб Глостер Эдгарга ҳамёнини беради ва дейдики, унинг, яъни Глостернинг бахтсизлиги бу гадонинг бахти учун замин бўлди. “Осмонлар ҳамиша шундай қилишади, — дейди у. — Агар ошиқ ва бадавлат одам ҳисларидан маҳрум бўлиб, кўрмишни истамаса, майли, у шу заҳотиёқ осмонлар ҳукмини ҳис қилсин. Ана шунақа — тақсимот ортиқча нарсани маҳв этади ва шунинг учун ҳар бир одам бориға қаноат қилмоғи керак”.

Шу сўзларни айтган экан, сўқир Глостер Эдгардан уни денгиз бўйидаги унга маълум бўлган қояга бошлаб боришни талаб қилади. Улар чиқиб кетишади.

Тўртинчи парданинг иккинчи саҳнаси Албан герцогининг қасри олдида бўлиб ўтади. Гонерила ёвуз аёлгина эмас, у айни чокда бузуқ ҳам. У эрини ёмон кўради ва отаси Глостернинг унвонига ворис бўлган ёвуз Эдмундга юрагини очиб, муҳаббат изҳор қилади. Эдмунд чиқиб кетади, Гонерила билан эри ўртасида мусоҳаба бўлиб ўтади. Албан герцог инсоний туйғуларга эга бўлган ягона шахсдир. У хотинининг отасига муомаласидан авваллари ҳам кўп ранжиган, энди эса қатъий равишда Лирни ҳимоя қилишга киришади. Бироқ ўз туйғуларини шундай сўзлар билан ифодалайдики, уларни эшитиб, унинг туйғуларига ишонгинг келмай қолади. У дейдики, айиқ Лирнинг эҳтиромлигини ялаяжак, агар осмонлар кўзга кўринадиган руҳларни жўнатмаса ва улар келиб бу қабиҳ аламларни жиловлаб олмаса, одамлар худди денгиздаги ғаройиб махлуқлар каби бир-бирининг гўштини ейишга тушади ва ҳ.к.

Гонерила унинг гапига кулоқ солмайди, шунда герцог уни сўка бошлайди. “Ўзингга бир назар сол, алвасти! — дейди у. — Хотин киши қиёфасидаги шайтон жуда хунук бўлади-да!” “Мияси йўқ, аҳмоқ!” — дейди Гонерила. “Агар сен ўзинг шайтон бўлмоқчи бўлсанг, — дея давом этади герцог, — лоақал башарангни алвастиникидай хунук қилмасдан жиддий ўйлагин. О, кошки эди қўлларимга тўла эрк бермоқни мен одобдан деб ҳисобласам, кошки эди томирларимда жўш ураётган исёнкор қоним ундаётган ишни қилолсам... Бутун гавдангни майда-майда қилиб қиймалаб ташлаган бўлардим, ҳамма суякларингни қасирлатиб синдираддим. Аммо шайтон бўлсанг ҳамки, тусингга қараса аёлсан!”

Шу пайт чопар кириб келади ва Глостернинг кўзини ўйиб олаётганда хизматкори томонидан ярадор қилинган Корнваль герцоги ўлганини хабар қилади. Гонерила хурсанд бўлади, аммо ҳозирданоқ хавотир ола бошлайдики, энди бева бўлиб қолган Регина Эдмунднинг ундан тортиб олиб қўяди. Шу билан иккинчи саҳна тамом бўлади.

Тўртинчи парданинг учинчи саҳнаси французларнинг қароргоҳидир. Кентнинг бир жаноб билан суҳбатидан тамошабин ёхуд китобхон билиб оладики, ҳозир қарор-

гоҳда француз қироли йўқ, Корделия эса Кентнинг мактубини олиб, отаси ҳақидаги ҳақиқатни билиб қаттиқ хафа бўлган. Жаноб дейдики, Корделиянинг чеҳраси ёмғир ва қуёшни эслатарди. “Унинг кўз ёшлари ва табассуми қуёш чарақлаган кунни эслатарди. Унинг лабларида ўйнаган масрур табассум унинг кўзларида қандай меҳмонлар борлигидан беҳабардай кўринарди. Бу меҳмонлар эса олмосдан тўкилган дурлардек кўзларни тарк этдилар”. Жаноб дейдики, Корделия отасини кўрмоқчи, лекин Кент Лир қизини шунчалик хафа қилиб қўйгани учун уни кўришга хи-жолат бўляпти.

Тўртинчи саҳнада Корделия табиб билан гаплашиб туриб, унга одамлар Лирни кўришганини айтиб беради. Лир бутунлай ақлдан озипти, нима учундир бошига турли-туман сассиқ алафлардан тўкилган гулчамбарни кўндириб олипти, тўғри келган жойда тентираб юрган эмиш. Корделия уни излаб топгани аскарларини юборипти. Шу гапларни айтиш асносида у яна дейди: “ер юзидаги жазмики яширин тиббий кучлар унинг кўз ёшлари бўлиб устига ёғилсин”.

Корделияга герцоглар кўшин тортиб келишаётганини айтишади, бироқ фақат отасини ўйлаётган Корделия бунга эшитмайди ва чиқиб кетади.

Тўртинчи парданинг бешинчи саҳнасида Глостер қасрининг олдида Регина Гонериланинг эшик оғаси Освальд билан гаплашарди. Освальд Гонериладан Эдмундга мактуб олиб кетаётган бўлади. Регина унга ўзи ҳам Эдмунднинг яхши кўришини айтади. Ва яна айтадики, у бева бўлгани учун Гонериладан кўра Эдмундга ўзи теккани яхшироқ. Регина Освальддан бу гапни опасининг қулоғига қўйишини сўрайди. Бундан ташқари у яна Глостернинг икки кўзини ўйиб олиб, ўзини соғ қолдириш сира ҳам ақлдан эмас, дейди ва шунинг учун Освальдга Глостерни учратиб, уни ўлдиришни маслаҳат беради, бунинг учун унга катта мукофот ваъда қилади.

Олтинчи саҳнада яна Глостер ўғли билан бирга саҳнада пайдо бўлади. Эдгар деҳқонча кийиниб олган. У ҳали ҳам отасини таниб олгани йўқ. У сўқир отасини стаглаб қоя томон олиб кетяпти. Глостер равон йўлдан кетиб боряпти, лекин Эдгар уни ишонтирмоқчи бўладикки, улар машаққат билан баланд тоққа ўрлаб бормоқдалар. Глостер ишонади. Эдгар отасига денгизнинг шовуллаши эшитиляпти дейди. Глостер бунга ҳам ишонади. Эдгар теп-текис жойда тўхтайтиди-да, отасига баланд қоя устида турибман, оёғим остида тубсиз жарлик ётипти деб уқтиради. Шундан сўнг отасини ёлғиз қолдириб, чиқиб кетади. Глостер худоларга мурожаат қилиб, бутун вужудимдан ғам-ғуссамни сидириб ташламоқдаман, худоларни қораламай туриб, ортиқ уларни кўтариб юролмайман, дейди-да, теп-текис жойдан сакрайди ва қоядан сакрадим деб ўйлаб йиқилади. Шу аснода Эдгар ўзига-ўзи янада чалкашроқ бир иборани айтади: билмадим, маккорлик қандай қилиб ҳаёт хазинасини таламоғи мумкин — ахир, ҳаётнинг ўзи бу талончиликка рози-ку! Агар у ўзи ўйлаган жойида бўлганида, эндиликда у ортиқ ўйлай олмас эди”. Шундай деб Эдгар ҳамон бошқа одамнинг қиёфасида Глостернинг олдига келади ва шундай баланд жойдан йиқилиб, нечук тирик қолганига таажжуб қилади. Глостер баланд қоядан йиқилганига ишонади ва жон таслим қилмоқчи бўлади, аммо тириклигини ҳис қилади ва баланд қоядан йиқилганига шубҳа қила бошлайди. Шунда Эдгар унинг чиндан ҳам баланд қоядан йиқилганига ишонтирмоқчи бўлади ва унга дейдики, қоянинг устида сен билан шайтон ёнма-ён турган эди, сабабки унинг иккала кўзи икки тўлин ойга ўхшарди, юзта бурни бор эди, шохлари тўлқин урган каби бурама шохлар эди. Глостер бунга ишонади ва шайтоннинг васвасига учиб, умидсизликка дучор бўлганига ишонч ҳосил қилади. Шунинг учун бундан буён умидсизликка берилмасликка ва хотиржам кайфиятда ўлимни кутишга аҳд қилади. Шу пайтда Лир кириб келади. Қандайдир мақсадда у ёввойи гуллар билан қопланган. У жинни бўлиб қолган ва аввалгига қараганда янада бемаънироқ гапларни гапирди. У пул зарб қилиш ҳақида, ой тўғрисида гапирди, кимгадир аршинни беради, кейин сичқонни кўраюпман деб қичқиради, уни бир бурда пишлоқ билан алдаб, тутмоқчи бўлади, сўнгра тўсатдан ўтиб кетаётган Эдгардан парол сўрайди. Эдгар ҳам шу заҳотиёқ унга “Хушбўй райҳон” деб жавоб беради. Лир “ўтавер” дейди. Шунда қарабсизки, на ўғлини, на Кентни танимаган Глостер қиролнинг овозини таниб қолади.

Қирол эса ўзининг тутуриқсиз гапларидан кейин тўсатдан кинояли нутқлар сўзлай бошлайди. Аввалига у хушомадгўйлар ҳақида гапирди. Хушомадгўйлар худди художўйлар сингари қиролнинг ҳамма гапига ҳам “ҳа”, ҳам “йўқ” дейишган ва уни

“Кудратингиз чексиз, ҳамма нарсага қурбингиз этади” деб ишонтиришган. Бироқ у бўрон чоғида бошпанасиз қолганида билдики, бу гапларнинг ҳаммаси ёлгон экан. Сўнгра қирол дейдики, ҳамма махлуқлар фосихлик қилади, Глостернинг ҳароми ўғли отасига жуда яхши муомала қилди (биноқ драманинг боришига қараганда Лир Эдмунднинг Глостерга қандай муомала қилганидан хабардор бўлиши мумкин эмас), Лирнинг қизлари эса унга жуда ёмон муомалада бўлишди. Модомики шундоқ экан, майли, фосихлик гуллаб-яшнасин, майли, зино кўпайсин. Унга, яъни қиролга аскара ҳам керак-ку! Шу гаплар асносида Лир хаёлидаги хушомадгўйлар бетавфиқ аёлга мурожаат қилади, у эса ўзини совуққон қилиб кўрсатади ва шу билан бирга илиққан жонивор каби шаҳватга берилади. Жаъмики аёллар фақат белларигача илоҳийдир, белларидан пастда эса шайтондирлар. Бу гапни айтар экан Лир қичқиради ва даҳшатга тушиб оғзидан кўпик сачратади. Афтидан, бу монолог билан актер тамошабинларга мурожаат қилмоғи лозим ва афтидан, у саҳнада таъсирчан кўринса керак. Аммо бу монологни Лирнинг айтиши учун ҳеч қандай сабаб йўқ. Худди шунингдек, Глостер Лирнинг қўлини ўпишни ихтиёр этганда, Лир “ундан ўлик ҳиди келяпти” деган сўзлар билан қўлини артадики, буни ҳам ҳеч нима билан изоҳлаб бўлмайди. Шундан сўнг Глостернинг сўқирлиги ҳақида гап кетади, бу эса ўз навбатида кўз тўғрисида, сўқир Купидон ҳақида сўз ўйини қилишга имкон беради. Шу муносабат билан Лир дейдики, унинг бошида кўзи, ҳамёнида пули йўқ, бинобарин, кўзи оғир аҳволда, ҳамёни эса энгил. Шундан сўнг Лир судларнинг ноҳақликлари тўғрисидаги монологни айтадики, ақдан озган Лирнинг оғзидан бундай гаплар мутлақо ножоиздир. Шундан кейин Корделия олдида аскарлари билан бир одам келади. Корделия уни отасини олиб келишга юборган. Лекин Лир жиннилик қилишда давом этади ва қочиб кетади. Лирни олиб кетишга юборилган одам Лирнинг кетидан югурмайди, бунинг ўрнига Эдгарга француз ва британ қўшинларининг аҳволи тўғрисида узундан-узоқ ҳикоя қилади.

Освальд келади ва Глостерни кўради-да, уни ўлдирмоғи учун Регина ваъда қилган мукофотни кўлга киритиш мақсадида Глостерга хужум қилади, лекин Эдгар Освальдни тўқмоғи билан уриб ўлдиради. Освальд ўлаётиб, ўзининг қотилига мукофот олсин учун Гонериланинг Эдмундга йўллаган мактубини беради. Мактубда Гонерила эрини ўлдириб, Эдмундга тегишга ваъда берган. Эдгар Освальднинг жасадини оёғидан судраб олиб чиқади, кейин қайтиб келиб, отасини олиб кетади.

Тўртинчи парданинг еттинчи саҳнаси француз қароргоҳидаги чодирда содир бўлади. Лир тўшақда уқлаб ётипти, Корделия билан ҳали ҳам бошқа кийим кийиб олган Кент киради. Лирни музика билан уйғотадилар. Лир уйғонади, Корделияни кўриб, унинг тирик одам эканига ишонмайди, арвоҳни кўряпман деб ўйлайди. У ўзининг тириклигига ҳам ишонмайди. Корделия “мен қизингизман” деб ишонтирмоқчи бўлади, отасидан оқ фотиҳа сўрайди. Лир қизининг қаршисида тиз чўкади, ундан кечирим сўрайди, ўзининг қариб қолганини тан олади, ақли ҳам анча ноқис бўлиб қолган, ҳойнаҳой қизи отаси учун заҳар тайёрлаб қўйган бўлса керак. Агар шундоқ бўлса, Лир заҳар ичишга тайёр. Лир аминки, Корделия отасини жуда ёмон кўради. “Ахир, опаларингга яхшилик қилган эдим, улар мени ёмон кўришди, — дейди у. — Сенга эса ёмонлик қилган эдим. Шундоқ бўлгач, сен нечук мени яхши кўра оласан?” Шундан кейин унинг секин-аста хуши жойига кела бошлайди ва у алаҳсирашдан тўхтади. Қизи унга бирга жиндай сайр қилишни таклиф қилади. У рози бўлади ва қизига дейди: “Раҳмдил бўл, унут, кечир. Мен қариб, тентак бўлиб қолганман”. Улар чиқиб кетишади. Саҳнада қолган жаноб билан Кент ўзаро гаплашади. Бундан мақсад — Эдмунднинг қўшинларга бош бўлганидан ва ҳадемай Лирнинг ҳимоячилари билан душманлари ўртасида жанг бошланиши кераклигидан тамошабинни оғоҳ қилиб қўйишдир. Шу билан тўртинчи парда тугайди.

Тўртинчи пардадаги Лирнинг қизи билан учрашув саҳнаси анча таъсирчан чиқмоғи мумкин эди. Аммо ундан аввалги уч парда давомида Лирнинг бир хилдаги зерикарли алжираши бу таъсирчанликни йўққа чиқарган. Бундан ташқари бу саҳна таъсирчан бўлмоғи учун унинг туйғулари ифодаланган сўнги саҳна бўлмоғи керак эди. Аммо бу саҳна сўнги саҳна эмас.

Бешинчи пардада яна Лирнинг аввалги баландпарвоз совуқ, сунъий алжираши такрорланади ва бу аввалги саҳна кўрсатиши мумкин бўлган таъсирни йўққа чиқаради.

Бешинчи парданинг биринчи саҳнасида аввал Эдмунд билан Регана пайдо бўлади. Регана Эдмундни опасидан қизғанади ва унинг ўрнига ўзини таклиф қилади.

Сўнг Гонерила эри ва аскарлар билан кириб келади. Альбан герцоги гарчи Лирга раҳми келса-да, унинг ватанига дахл қилган французларга қарши жанг қилмоқни ўзининг бурчи деб билади ва жангга тайёргарлик кўради. Ҳамон кийимини ўзгартириб юрган Эдгар келади ва Альбан герцогига мактубни бериб, агар герцог галаба қозонса, бурғи чалинсин дейди. Шунда рицар пайдо бўлади-да (Исо алайҳиссалом туғилмасдан 800 йил аввал), мактубнинг мазмуни тўғри эканини исбот қилади.

Иккинчи саҳнада Эдгар отаси билан келади, отасини дарахт остига ўтқазиб қўйиб, ўзи чиқиб кетади. Жанг сурони эшитилади. Эдгар югуриб кириб, муҳорабани бой беришганини айтади. Лир билан Корделия асир тушишган. Глостер яна умидсизликка берилади. Ҳамон ўзини отасига танитмаган Эдгар унга ноумид бўлмаслик кераклигини айтади ва Глостер шу заҳотиёқ унинг гапига қўшилади.

Учинчи саҳна голиб Эдмунднинг тантанали юриши билан очилади. Лир билан Корделия асир тушган. Лир ортиқ жинни эмас, лекин шундай бўлса-да, ҳамон тел-баларча гаплар гапиреди. Уларнинг ишга сира дахли йўқ. Масалан, у турмада Корделия билан қўшиқ айтаман, у мендан оқ фотиҳа сўрайди, мен бўлсам тиз чўкаман (тиз чўкиш учинчи марта такрорланапти) ва кечирим сўрайман, дейди. У яна дейдики, қизи билан икковлари турмада ўтиришган чоғларида, уларнинг ёнларидан бу дунё зўрларининг фитналари, мазҳаблари ва ҳаяжонлари ўтади, Лир билан қизи иккови — бегуноҳ қурбон, худолар улардан марҳаматини дариф тутмайди, эндиликда санолар ёнғини ўрмонлардан тулкини қувиб чиқаргандек уни ҳам қовжиратиб дарбадар қилса-да, у йиғламайди, уни йиғлашга мажбур қилишдан кўра кўзи маҳв бўлиб, тери-ю, гўштига қўшилиб оқиб тушмоғи осон.

Эдмунд Лирни қизи билан турмага олиб кетишни буюради ва капитанга уларга нисбатан алақандай ёмон бир иш қилишни топширади, топшириб бўлиб, “бажарасанми?” дея сўрайди. Капитан жавоб бериб, мен арава тортолмайман, қуруқ сули ея олмайман, лекин одамлар нимаки иш қилса, ҳаммасини қила оламан дейди. Альбан герцоги, Гонерила ва Регина кириб келади. Альбан герцоги Лирнинг ёнини олмоқчи бўлади, лекин Эдмунд бунга йўл қўймайди. Опа-сингиллари можарога аралашдилар ва Эдмундни бир-бирларидан қизганиб сўкиша бошлайдилар. Ҳамма нарса шунақа чалкашиб кетадики, воқеанинг боришини кузатиш қийин бўлиб қолади. Альбан герцоги Эдмундни қамоққа олмоқчи бўлади ва Регинага Эдмунд анчадан бери ўзининг хотини билан дон олишиб юрганини, шунинг учун Регина Эдмундга бўлган ниятларидан кечмоғи кераклигини, мабодо эрга тегмоқчи бўлса, унга, яъни Альбан герцогига теккани маъқул эканини айтади.

Бунга айтиб, Альбан герцоги Эдмундни чақиради ва бурғи чалишни буюради, агар ҳеч ким келмаса, Эдмунд билан ўзи олишмоқчи бўлади.

Бу орада Регина оғриқдан ғужанак бўлиб ётади, афтидан уни Гонерила заҳарлаб қўйган. Бурғи чалинади, юзида ниқоб билан Эдгар кириб келади ва ўзининг кимлигини айтмай, Эдмундни чақиради. Эдгар Эдмундни сўкади, Эдмунд Эдгарнинг бошига ҳамма сўкишларни ёғдиради. Улар қиличбозлик қилишади. Эдмунд йиқилади, Гонерила ночор аҳволда.

Альбан герцоги Гонерилага унинг мактубини кўрсатади. Гонерила чиқиб кетади.

Эдмунд жон бераётиб, душмани Эдгар эканини билиб олади. Эдгар юзидаги ниқобни кўтариб, ҳароми ўғли Эдмунд учун отаси сўқир бўлиб қолганини айтиб ақл ўргатади. Шундан кейин Эдгар Альбан герцогига бошидан кечганларнинг ҳаммасини айтиб беради. У фақат ҳозирга келиб, яъни жангга кетиш олдида отасини воқиф қилганини ва отаси бу гапларга чидаёлмай, ҳаяжондан вафот қилганини ҳам айтади. Эдмунд ҳали узилмаган. У ётган жойида яна нима бўлганини сўрайди.

Шунда Эдгар яна ҳикоя қилади: у отасининг жасади ёнида ўтирар экан, бир одам келиб, уни қаттиқ кучоқлапти-да, шундай ўкириб йиғлаптики, осмон ёрилиб кетай депти. Шундан кейин у отасининг жасадига ташланипти-да, Лир ва ўзи тўғрисида гоёта ачинарли воқеаларни гапириб беришти. Буларни ҳикоя қилар экан, унинг ҳаёт торлари жуда ҳам таранглашиб кетади. Шу пайт иккинчи марта бурғи чалинади ва Эдгар уни қолдириб чиқиб кетади. Бу — Кент эди. Эдгар бу ҳикояни айтиб бериб улгурмасдан, пичоғи қонга беланган бир одам югуриб келади-да, “Ёрдам беринглар” деб қичқиради. “Ким ўлдирилди?” деган саволга, келган одам: “Гонерила ўлдирилди”, деб жавоб беради — синглисини заҳарлаб қўйипти. Бунга ўзи тан олди. Кент кириб келади. Шу чоқ Гонерила билан Регинанинг жасадини олиб

киришади. Шу аснода Эдмунд “опа-сингиллар мени ҳаддан зиёд яхши кўришар экан, мана, битгалари мени деб заҳар ичипти, иккинчиси ўзини-ўзи ўлдирипти, дейди. Шу гапларни айтар экан, Эдмунд турмада Лирни ўлдиришни ва Корделияни осийни буюрганини тан олади. У Корделия ўзини ўлдирган деб гап тарқатишни ҳам буюрган экан, лекин энди — ўзи жон таслим қилаётган аснода бу ишни тўхтатмоқчи эканини айтади. Буни айтади-ю, узилади. Унинг жасадини олиб чиқишади.

Шундан кейин Лир киради. У саксондан ошиб кетганига ва хасталигига қарамай, Корделиянинг жасадини қўлида кўтариб олган. Яна Лирнинг даҳшатли алжираши бошланади. Бу гапларни эшитиб хижолатга тушмасликнинг иложи йўқ. Лир ҳамманинг улушини талаб қилади ва гоҳ Корделияни ўлди деб, гоҳ тирик деб ўйлайди. “Агарда менда, — дейди у, — сизларнинг ҳамма тилларингиз ва кўзларингиз бўлганида эди, мен улардан шундай истифода қилар эдимки, бутун осмон чок-чокидан сўкилиб кетган бўларди”. Шундан кейин Корделияни осган қулни ўлдирганини айтиб беради ва яна “кўзларим ёмон кўради” дейди ҳамда шу пайтга қадар танимай келгани Кентни бир зумда таниб олади.

Альбан герцоги токи Лир тирик экан, ҳокимиятдан воз кечишини айтади ва Эдгар билан Кентни ҳамда ўзига содиқ одамларнинг ҳаммасини мукофотлашини маълум қилади. Шу чоқда Эдгарнинг ўлгани тўғрисида хабар келиб қолади. Лир телбаланишда давом этиб, тугмасини ечиб қўйишни илтимос қилади ва бунинг учун миннатдорчилик билдириб ҳаммадан қай бир томонга қараб туришни илтимос қилади ҳамда шу сўзларни айта туриб жон беради. Альбан герцоги тирик қолади. Асар хотимасида у шундай дейди: “Биз ғуссали замон юкига бўйин эгмоғимиз керак ва айтишимиз лозим бўлган нарсани эмас, ҳис қилаётган нарсаларни айтмоғимиз лозим. Энг кексамиз ҳаммамиздан кўпроқ уқубатларни кечирди. Биз ёшлар унинг кўрганларини кўрмаймиз ва унингчалик узоқ яшамаймиз”. Мотам куйи остида ҳамма чиқади. Бешинчи парда тугайди ва шу билан бирга драма ҳам тамом бўлади.

III

Донғи кетган драманинг аҳволи шунақа. Мен имкони борича ҳолисона баён қилишга интилдим. Шунга қарамай, менинг ҳикоямда асар анча бемаъни чиқди. Лекин ҳеч иккиланмай шуни айтаманки, асар аслида бундан ҳам бемаънироқдир. Бизнинг давримиздаги ҳар қандай инсон агар у “драма энг юксак даражадаги баркамол асардир” деган таассурот таъсирида бўлмаса, бардоши етиб асарни охиригача ўқиб чиқса бас, бу асар баркамоллик намунаси эмас, аксинча, жуда ёмон асар эканига, ҳаддан ташқари эътиборсизлик билан ёзилганига амин бўлади. Бунақа асар ўз даврида муайян тамошабинлар орасида бирон-бир эътиборга сазовор бўлган бўлса-да, бизнинг орамызда зеркиш ва нафратдан бошқа ҳеч нарса кўзгай олмайди. Бизнинг давримизда зўрлаб сингдирилган таъсирлардан ҳоли бўлган ҳар қандай китобхон Шекспирнинг бошқа мақталган драмаларининг ҳаммасидан ҳам худди шундай таассурот ҳосил қилади. “Перикл”, “Ўн иккинчи кеча”, “Бўрон”, “Цимбелина”, “Троил ва Крессида” каби бемаънидан бемаъни эртак-драмаларини айтмаёқ кўйса бўлади.

Аммо Шекспирга қуллуқ қилиш кайфиятида бўлмаган мустақил фикрли одамлар бизнинг давримизда бизнинг насроний жамиятимизда ортиқ йўқ. Бизнинг жамиятимиздаги ва бизнинг давримиздаги ҳар қандай одамга эсини таниши биланок Шекспирнинг даҳо шоирлиги ва драматурглиги, унинг ҳамма асарлари баркамоллик намунаси экани ҳақидаги гап сингдирилади. Шунинг учун ҳам менга ҳар қанча ортиқча туюлмасин, мен ўзим танлаб олган “Қирол Лир” драмаси мисолида Шекспирнинг бошқа ҳамма драмалари ва комедияларига ҳам хос бўлган жазмики нуқсонларни кўрсатишга ҳаракат қиламан. Айни шу нуқсонлар туфайли бу асарлар нафақат драматик санъатнинг юксак намуналари бўла олади, балки санъатнинг энг бирламчи, ҳамма томонидан тан олинган талабларига ҳам жавоб беролмайдилар.

Шекспирни кўкларга кўтариб мақтайдиган танқидчиларнинг ўзлари томонидан белгилаб қўйилган қонунларга кўра ҳар қандай драманинг бирламчи шарти шундаки, унда иштирак этувчи шахслар уларнинг характерларига мос келадиган хатти-ҳаракатлари ва ҳодисаларнинг табиий оқими оқибатида улар шундай ҳолатга кўйил-

моқлари жоизки, бу ҳолатда улар атрофларини қуршаб олган дунё билан зиддиятга киришиб, унга қарши кураш олиб борсинлар ва бу курашда ўзларига хос бўлган сифатларни намойён этсинлар.

“Қирол Лир” драмасида иштирок этувчи шахслар зохиран чиндан ҳам теваракларини қуршаб олган дунё билан зиддиятга киришадилар ва унга қарши кураш олиб борадилар. Аммо уларнинг кураши воқеаларнинг табиий оқимидан ва иштирокчи шахслар характеридан келиб чиқмайди, балки мутлақо муаллифнинг ихтиёри билан белгиланади, шунинг учун ҳам китобхон ҳаётида худди чиндай таассурот қолдиролмайди. Ҳолбуки, бу санъатнинг асосий шартини ташкил қилади. Ҳокимиятдан воз кечмоқ учун Лирнинг ҳеч қандай асоси ҳам, баҳонаси ҳам йўқ. Худди шунингдек, бир умр қизлари билан бирга яшаб келиб, катта қизларининг гапига ишонмоқ ва кенжасининг ростгўй гапига ишонмаслик учун унинг ҳеч қандай асоси йўқ. Ҳолбуки, унинг бошига тушадиган ҳамма фожиаси ана шунга қурилган.

Шунингдек, иккинчи даражали тугун ҳам худди биринчисидек, ғайритабиий хусусиятга эга: гап Глостер билан ўғиллари ўртасидаги муносабатлар ҳақида боряпти. Глостер билан Эдгарнинг аҳволи шунга асосланганми, Глостер ҳам худди Лирга ўхшаб, бир зумдаёқ дагал бир ёлғонга ишонади-қўяди ва ҳатто алданган ўғлидан сенга тўнкалаётган гаплар ростми-ёлғонми деб сўрашга уриниб ҳам кўрмайди-да, уни лаънатлаб, қувиб солади.

Лирнинг қизларига ва Глостернинг ўғилларига муносабати мутлақо бир хил экани ҳар иккала муносабат ҳам атайин тўқиб чиқарилганини ва ҳодисаларнинг табиий оқимидан келиб чиқмаганини янада кучлироқ ҳис этишимизга имкон беради. Асарнинг бошидан охиригача Лир кекса хизматкори Кентни таниёлмайди. Бу ҳам ғайри-табиий. Унинг ҳам атайин тўқилгани ўз-ўзидан кўриниб турипти. Шунинг учун Лирнинг Кентга муносабатлари китобхон ёхуд тамошабиннинг хайрихоҳлигини кўзгата олмайди. Худди шу гаплар янада ортиқроқ даражада ҳеч ким таниёлмайдиган Эдгарнинг аҳволига тааллуқлидир. У сўқир отасини етаклаб юради-да, Глостер текис ерда сакраганда, унга қоядан сакрадинг деб уқтиради.

Иштирокчи шахслар бунақа ҳолатларга мутлақо ўзбошимчалик билан солиб қўйилган. Улар шу даражада ғайритабиийки, китобхон ёхуд тамошабин уларнинг изтиробларига хайрихоҳ бўлиши бир ёқда турсин, ҳатто ўқиётгани ва кўраётгани нима эканига қизиқа олмайди. Бу — биринчидан.

Иккинчиси шуки, Шекспирнинг бу драмасидаги каби бошқа ҳамма драмаларидаги жаъмики шахслар замон ва маконга мутлақо номувофик тарзда яшайдилар, ўйлайдилар, гапирадилар ва ҳаракат қиладилар. “Қирол Лир”нинг воқеалари Исо таваллудидан 800 йил аввал содир бўлган, ҳолбуки драма иштирокчилари фақат ўрта асрлардагина бўлиши мумкин бўлган шароитга солиб қўйилган: драмада қироллар, герцоглар, аскарлар, ҳарамилар, жаноблар, сарой аъёнлари, докторлар, фермерлар, зобитлар, аскарлар, юзига ниқоб тутган рицарлар ва бошқалар ҳаракат қиладилар.

Шекспирнинг ҳамма драмаларида замон шунақа чалкаш берилади. Эҳтимол, бунақа чалкашлик XVI асрда ва XVII аср бошларида замонни тасаввур қилишга ҳалақит бермагандир, бизнинг давримизда кўриб турган воқеаларнинг муаллиф батафсил тасвирлаб берган шароитларда рўй бериши мумкин эмаслигини тушуниб турсанг, уларнинг ривожини ортиқ қизиқиш билан кузата олмайсан.

Воқеаларнинг табиий оқимидан ва характерларнинг хусусиятларидан келиб чиқмайдиган вазиятларнинг сунъийлиги ва уларнинг замон ҳамда маконга номувофиқлиги яна шу билан зўрайдики, Шекспир асарнинг фожиавий руҳи, айниқса, кучаядиган жойларда доимий равишда қўпол муболагалардан фойдаланади. Лирни чўли биёбон бўйлаб сарсари югуришга мажбур қилган ғаройиб бўрон, Лирнинг худди “Ҳамлет”даги Офелияси каби сассиқ алафларни бошига кийиб юриши, ёки Эдгарнинг либоси, масхарабознинг гаплари, бошқа тусга кириб олган чавандоз Эдгарнинг чиқиб келиши — буларнинг ҳаммаси асарнинг таъсир кучини ошириш бир ёқда турсин, аксинча, бутунлай тескари таассурот қолдиради. Гёте айтганидай, “сунъийликни кўрсанг, кайфиятинг бузилади”. Кўпинча шундай бўладики, ана шу ошқора сунъийликларга дуч келганда, масалан, Шекспирнинг ҳамма драмалари хотирасида бўладигани каби ўнлаб ўлдирилганларнинг оёғидан судраб чиқишларини кўрганнингда, ваҳимага тушиш, раҳмдиллик қилиш ўрнига, кулнинг қистайди.

IV

Шекспир пьесаларида қатнашувчи шахслар воқеалар ривожидан келиб чиқмайдиган, бўлиши мумкин бўлмаган, замон ва маконга мос келмайдиган вазиятларга солиб қўйилгани камлик қилгандай, бу шахслар ўзларининг муайян характерларига тўғри келадиган тарзда эмас, балки мутлақо ўзбошимчалик билан ҳаракат қиладилар. Одатда айтадиларки, Шекспир драмаларида, айниқса, характерлар яхши тасвирилади, Шекспир яратган характерлар ўзларининг ёрқинлигига қарамай, кўпқирралидир, бу жиҳатдан улар жонли одамларнинг характерига ўхшайди, бундан ташқари улар маълум бир одамнинг сифатларини ифодалар экан, айтиш чоқда, умуман, инсон сифатларини ҳам ифодалайди. Шекспир характерлари бениҳоя баркамолдир дейиш ҳам одат тусига кирган. Бу фикр жуда катта ишонч билан айтилади ва ҳамма уни шубҳа туғдирмайдиган ҳақиқат тарзида такрорлаб юради. Аммо мен шуни тасдиқлайдиган далиллар топишга ҳарчанд уринмай, Шекспир драмаларида ҳаммаша бунинг тескариларини топдим.

Ҳар гал Шекспирнинг исталган бирон драмасини ўқий бошлашим биланоқ шу заҳоти бир нарсага ишонч ҳосил қилардим: Шекспирда характерлар тасвирининг асосий, балки ягона воситаси бўлмас эди, “тил” йўқ бўларди, яъни ҳеч қайси шахс ўзининг тили билан, фақат шу шахснинг характеригагина мос келадиган тил билан сўзламас эди. Шекспирда бу йўқ. Шекспирда ҳеч қайси шахс ўзининг тилида гапирмайди, балки ҳамма вақт жимжимадор, ғайритабиий тил билан, ҳеч қачон ўзгармайдиган, бир шекспирона тил билан гапиради. Бунақа тилда тасвирланган шахсларнинг ҳеч қайсиси гапира олмас эдигина эмас, балки ҳеч қачон ҳеч қандай жонли одам гапириши мумкин ҳам эмасди.

Ҳеч қандай жонли одам Лирга ўхшаб агар Регина мени қабул қилмаса, гўримда ётган жойимда хотинимни қўйиб юборар эдим, ҳайқирғидан осмон чок-чокидан сўкилиб кетарди, ёки шамол ерни супуриб, денгизга учуриб юбормоқчи дейиши, ёхуд жаноб бўронни тасвириб, қўнғироқ соч сувлар соҳилни қоплаб олмоқчи девоғи ва яна Эдгарга ўхшаб ўз гамингни кўтариб юриш осонроқ, гамингни бўлишадиган дўст бўлса, юрагинг қанча-қанча изтироблар устидан сакраб ўтади ва гамга чидаш осон кечади. Лирнинг фарзандлари ғойиб бўлди, мен эса отадан ажралдим дейиши мутлақо мумкин эмас эди. Буларнинг ҳаммаси ғайритабиий иборалардир. Шекспирнинг ҳамма драмаларида иштирок этувчиларнинг нутқи ана шунақа ибораларга тўлиб-тошган.

Яна бунинг устига драмалардаги ҳамма шакллар тирик одамлар ҳеч қачон гапирмаган ва гапириши мумкин бўлмаган бир тилда гапирганлари етмагандек, ҳаммалари эзмалик дардига ҳам чалинишган.

Нариги дунёга рихлат қилишга ҳозирланаётган ошиқ-маъшуклар, жанг қилаётганлар, жонлари узилаётганлар ҳаддан ташқари кўп гапиришади, гапирганда ҳам асосий ишга дахли йўқ гапларни айтишади, уларнинг гапида фикрдан кўра суҳандонлик, эзмалик кўпроқ бўлади.

Гапирганда ҳаммалари мутлақо бир хил гапиришади. Эдгар ўзини жиннига солиб қандай алжираса, Лир ҳам шундай алжирайди. Кент билан масхарабоз ҳам худди шундай гапиради. Бир одамнинг нутқини бемалол бошқа одамга олиб берса ҳам бўлаверади. Нутқига қараб, гапираётган одамнинг ким эканини сира ҳам билиб бўлмайди. Шекспирдаги шахслар гапирадиган тилда мабодо фарқ бўлса, бу шахслар ўртасидаги фарқ эмас, балки улар учун гапирувчи Шекспир нутқидаги фарқдир.

Масалан, Шекспир қироллар учун ҳаммаша пуфакдек шиширилган, қуруқ тил билан гапиради, Шекспирда Юлия, Дездемона, Корделия, Имоджена, Марина каби аёллар бор. Шекспир уларни ғоятда латофатли қилиб кўрсатмоқчи бўлади, аммо бунинг ўрнига улар ҳам шекспирона сохта маъюслаштирилган бир тилда гапиришади. Ричард, Эдмунд, Яго, Макбет каби ёвуз табиатли қаҳрамонлари учун ҳам Шекспир мутлақо бир хил тилда гапиради. Шекспир улар учун шунақа ёвуз туйғуларни ифодалайдики, ҳаётда улар ҳеч қачон бунақа туйғуларни намоён этмайдилар. Телбаларнинг нутқлари эса бундан ҳам ортиқ даражада бир хил. Уларнинг бари кўрқинчли сўзларни айтади, масхарабозларнинг аскиялари эса сира-сира кулгили эмас.

Шундай қилиб, драмада тил характер яратишининг асосий воситасидир, аммо Шекспирда айтиш ана шу жонли шахсларнинг тили йўқ. (Мабодо балетдаги каби

қўл ҳаракати ёхуд тана ҳаракати характерли ифодалаш воситаси бўлса, бу — ёрдамчи восита бўлади). Шекспирда шундай бўладики, унинг асарларидаги ҳамма шахслар оғзига келган гапни қайтармай тўғри келган тарзда бир хил тилда гапиравердилар, бунинг оқибатида ҳатто хатти-ҳаракатлар таъсири ҳам йўқолади. Шунинг учун ҳам Шекспирнинг сўқир маддоҳлари ҳар нима демасин, Шекспирда характерлар тасвири йўқ.

Характери билан ажралиб турадиган қаҳрамонлари эса, унинг драмалари учун асос бўлиб хизмат қилган аввалги асарлардан ўзлаштириб олинган характерлардир. Улар кўпинча драматик усул билан тасвирланмайди, яъни ҳар қайси шахс ўз тили билан гапиртирилмайди, балки эпик усул билан яратилган, яъни бирон шахс бошқалар тўғрисида ҳикоя қилиб беради.

Шекспир баркамол характерлар яратади деган гап кўпроқ Лир, Корделия, Отелло, Дездемона, Фальстаф, Ҳамлет характерларига асосланиб айтилади. Аммо бу характерларнинг ҳаммаси ҳам бошқа жаъмики характерлар сингари Шекспирники эмас. Шекспир уларни ўзидан аввал яратилган драмалар, солинмалар ва ҳикоялардан ўзлаштириб олган. Ўзлаштириб олганда эса Шекспир бу характерларни кучайтирган эмас, балки аксинча — кўп ҳолларда уларни сусайтирган ва бузган. Бу ҳол кишини лол қолдирадиган даражада биз таҳлил қилган “Қирол Лир” драмасида намойиш бўлган. Шекспир уни номальум муаллифнинг драмасидан олган. Бу драмадаги Лирнинг ҳам айниқса, Корделиянинг характерини Шекспир яратмадигина эмас, балки эски драмадагига қараганда ҳалдан ташқари заифлаштирган. Улар бениҳоя ғариб бўлиб қолган.

Эски драмада Лир шунинг учун ҳокимиятдан воз кечадики, хотини ўлгандан кейин у энди фақат охират тўғрисида ўйлайди ва тавба-тазарру билан яшамоқни ихтиёр этади. Қизларидан мени яхши кўрасизларми-йўқми деб сўрар экан, бундан шу мақсадни кўзлайдики, ўзи ўйлаб топган маккорлик ёрдамида у севимли кенжа қизини ўзининг оролида олиб қолмоқчи бўлади. Иккита катта қизи унаштирилган, кенжаси эса Лир тақлиф қилаётган йигитларнинг биронтасига кўнгил қўймасдан, муҳаббатсиз тегишни истамайди. Лир эса қизининг олисдаги биронта қиролга тегиб-негиб кетмасин деб кўрқади.

Ўзи ўйлаб топган маккорлик Лир сарой аъёни Периллуста (Шекспирда Кент) айтганидек, шундан иборат: Корделия отасини ҳаммадан ортиқроқ ёки жилла бўлмаса опаларидек яхши кўришини айтганда, Лир ундан севгисининг далили сифатида отаси кўрсатган шахзодага турмушга чиқишини талаб қилмоқчи бўлади.

Лир хатти-ҳаракатининг ана шундай далиллари Шекспирда йўқ. Кейинчалик Лир қизларидан ўзига бўлган муҳаббат тўғрисида сўраганда, Шекспир драмасида Корделия ғоят нотабийий бир тарзда, агар эрга тегсам ҳамма севгимни отамга бахш этолмайман, балки эримни ҳам яхши кўраман деб жавоб беради. Эски драмада эса бундай эмас. Унда Корделия севгимни сўз билан ифода этиб беролмайман, лекин умид қиламанки, ишларим севгимни аён кўрсатар дейди. Бунга Гонерила билан Регина заҳархандалик билан дейишадик, Корделиянинг жавоби жавоб эмас, отамиз бунақа бефарқликка индамай чидаб тура олмайди. Шунақа — эски драмада Шекспир драмасидаги йўқ нарса бор — яъни улуш тақсимлашда Корделиянинг камситилишига сабаб бўлган Лирнинг газаби изоҳлаб берилган. Лир ўзининг маккорлиги панд бериб қўйганига ғашланади, бунинг устига катта қизларининг заҳарли сўзлари уни баттар ғазаблантиради. Эски драмада қироллик иккита катта қиз ўртасида тақсимлангандан кейин Корделия билан Галл қиролининг саҳнаси бор. Бу саҳнада Шекспирнинг қиёфасиз Корделияси ўрнида жуда аниқ, жозибадор характер берилган. У ҳаққоний, латофатли, фидокор қиз.

Корделия мероснинг ўзига тегадиган қисмидан маҳрум бўлгани учун қайғурмайди, балки отасининг муҳаббатидан айрилиб қолгани учун қайғуриб, ўз меҳнати билан кун кечириб йўлларини ўйлаб ўтирар экан, Галл қироли кириб келади. У сайёҳ қиёфасига кириб, Лир қизларидан бирини қаллиқликка танлаш иштиёқида юрипти. У Корделиядан нима учун қайғули эканини сўрайди. Қиз унга ўз гуссасини тўқиб солади. Сайёҳ қиёфасидаги Галл қироли унга ошиқ бўлиб қолади ва қизни Галл қироли учун сўрайди. Аммо Корделия фақат севган одамигагина тегишини айтади. Шунда сайёҳ қиёфасидаги қирол Корделияга ўзига тегишни тақлиф қиладди. Корделия уни севиб қолганини эътироф этади ва уни қашшоқлик ҳамда муҳ-

тожликлар кутиб турган бўлиши мумкинлигига қарамай, унга тегишга рози бўлади. Шунда сайёҳ ўзининг Галл қироли эканини ошкор этади ва Корделия унга тегади.

Бу саҳна ўрнига Шекспирда иккита куёвга Корделияга сепсиз уйланиш таклиф қилинади. Уларнинг бири қўпол тарзда рад этади, иккинчиси эса ҳеч қандай сабабсиз унга уйланади.

Шундан кейин худди Шекспирдаги каби эски драмада Гонерила хонадонига келиб ўрнашган Лир қизининг ҳақоратларига учрайди, лекин у бу ҳақоратларга Шекспирда тасвирланганидан батамом бошқача дош беради: Лир Корделияга нисбатан қилган қилғилиғим учун ҳақли жазоландим деб ҳисоблайди ва мутълик билан тақдирга тан беради.

Худди Шекспирдаги каби эски драмада ҳам Корделиянинг ёнини олган ва бунинг учун қувғин қилинган сарой аёни Периллус-Кент қиролнинг ҳузурига келади. Лекин бошқа либосга бурканиб, қиёфасини ўзгартириб эмас, оддий бир садоқатли мулозим тарзида, ўз қиролининг бошига иш тушганда ундан юз ўгирмайдиган одам сифатида келади ва унга садоқатини изҳор этади. Лир унга жавобан дейдики, менинг яхшилигимдан баҳраманд бўлган қизларим мени ёмон кўришар экан, менадан яхшилиқ кўрмаган одам мени суя олмайди. Фақат Шекспирда Лир бу гапини сўнгги саҳнада Корделияга гапирди. Бироқ Периллус-Кент қиролни севишига Лирни ишонтиради. Лир хотиржам бўлиб, Регинанинг ҳузурига кетади. Эски драмада ҳеч қандай бўрон йўқ, ҳеч ким оқарган сочларини юлмайди ҳам, ғам-ғуссадан куйиб-ёнган, ҳолдан тойган, тақдирга тан берган кекса Лир бор. Иккинчи қизи ҳам уни қувиб солади ва ҳатто уни ўлдиртирмоқчи ҳам бўлади. Тунгич қизлари томонидан қувилган Лир эски драмада энг сўнгги нажот чораси сифатида Периллус билан бирга Корделиянинг ҳузурига боради. Лир ғайритабиий бир тарзда яна қувғинга учраш ва чўли-биебонда телбаларча югуриб юриш ўрнига эски драмада у Периллус билан бирга Франция бўйлаб сафар қилиб юрганида муҳтожликнинг сўнгги чегарасига этади, денгиздан ўтқазиб қўйишлари учун кийимларини сотишга мажбур бўлади ва балиқчи кийимида совуқдан ва очликдан толиққан ҳолда Корделиянинг уйига яқинлашиб келишади.

Бу ўринда Шекспирда Лир, масхарабоз ва Эдгар биргаликда ғайритабиий бир тарзда алаҳсирашга тушишади. Эски драмада эса отанинг қизи билан табиий учрашув саҳнаси берилади. Турмуши бахтиёр бўлганига қарамай, доимо отасини ўйлаб ғам чекиб юргувчи ва отасига зулм қилган опаларининг гуноҳини худодан тилаб қолгувчи Корделия муҳтожликдан адои тамом бўлган отасини қарши олади ва дарҳол юрагида борини унга тўкиб солмоқчи бўлади, аммо эри бундай қилмасликни маслаҳат беради, бундай қилсанг, заиф қарияни ҳаддан зиёд ҳаяжонлантириб қўйиш мумкин дейди. Корделия бунга кўнади ва ўзини танитмай отасини уйига олиб кетади. Ота ҳам уни танимади. Шу аҳволда қизи отасининг хизматини қила бошлайди. Аста-секин Лирга жон киради. Шунда қизи ундан ким эканини ва илгари қандай яшаганини сўрайди.

“Агар мен бошидан бошлаб айтиб берсам, — дейди Лир, — юраги тошдан бўлган одам ҳам йиғлаб юборар эди. Сен шўрлик шунақа кўнглинг бўш эканки, мен бошламасданоқ кўзингга ёш олдинг”.

“Йўқ, худо ҳаққи, гапиринг, — дейди Корделия, — гапингиз тамом бўлгач, нима учун ҳикоянгизни эшитиб бўлмай кўзимга ёш олганим сабабини айтиб бераман”.

Шундан кейин Лир катта қизидан кўрган хўрликларини айтиб беради ва энди кенжа қизининг марҳаматига сиғиниб бормоқчи эканини, лекин кенжа қизи уни ўлимга ҳукм қилса ҳам ҳақи борлигини айтади. “Агар қизим, — дейди у, — мени меҳр кўрсатиб қарши олса, бу менинг хизматим эмас, балки худонинг буюргани ва қизимнинг хоҳиши бўлади”. Бунга жавобан Корделия дейди: “О, мен аниқ биламан, қизингиз сизни меҳр билан қарши олади”. — “Унинг ўзини билмай туриб, сен буни қаёқдан биласан?” — деб сўрайди Лир. “Шунинг учун биламанки, — дейди Корделия, — бу ердан олисда менинг ҳам отам бор эди. Сиз қизингизга қандай муомала қилган бўлсангиз, у ҳам менга нисбатан шундай номаъқул иш қилганди. Лекин шундай бўлса ҳам, мен лоақал унинг оқ сочли бошини кўрсам бас — тиз чўкиб, унинг истиқболига пешвоз чиқардим”.

“Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, — дейди Лир, — негаки, дунёда менинг фарзандларимдан кўра бемехрроқ болалар йўқ”. “Биттасининг гуноҳи учун ҳаммасини қораламанг-да, — дейди Корделия ва тиз чўкади. — Мана, менга қаранг, қар-

шингизда сизни яхши кўрадиган қизингиз!” Отаси уни танийди ва дейди: “Сен эмас, мен тиз чўкиб, сендан ҳамма гуноҳларим учун кечирим сўрамоғим керак”.

Ана шу гўзал саҳнага ўхшаган бирор нарса Шекспир драмасида борми?

Шекспир мухлисларига бу фикр ҳар қанча ғалати кўринмасин, шу эски драма ана шу туришида ҳар қандай таққосларсиз Шекспир асаридан ҳар жиҳатдан юқори туради. Шунинг учун юқорини, биринчидан, унда ёвуз Эдмунд ва жонсиз Глостер ҳамда Эдгарга ўхшаган батамом ортиқча ва диққатни чалгитувчи шахслар йўқ; иккинчидан, унда Лирнинг чўли-биёбонда югуриб юриши, масхарабознинг гап-сўзлари, кийим-кечакларни алмаштириб олиш, бир-бирини таниёлмаслик, сон-саноксиз ўлишларга ўхшаш мутлақо сохта, ясама саҳналар йўқ. Энг муҳими эса шунинг учун юқорик, бу драмада Лирнинг характери содда, табиий, жуда таъсирчан, Корделиянинг характери бўлса янада таъсирчанроқ, аниқроқ ва янада жозибалироқ. Шекспирда эса буларнинг ҳеч қайсиси йўқ. Яна шунинг учун юқорик, эски драмада Шекспирдаги Корделия билан Лирнинг учрашув саҳнаси, ундаги Корделиянинг ўринсиз ўлдирилиши ўрнига Лир билан Корделиянинг жуда латиф, ярашиш саҳнаси бор. Шекспирнинг ҳамма драмаларини олганда улардан биронтасида ҳам бунақа жозибали саҳна йўқ.

Эски драма шунингдек, Шекспирникига қараганда табиийроқ тамом бўлади ва унинг хотимаси ҳам тамошабиннинг маънавий талабига кўпроқ мос келади. Бу мослик шунда кўринадики, франсуз кироли катта қизларининг эрлари устидан ғалаба қозонади ва Корделия ўлиб кетмайди, балки Лирни аввалги ҳолатига қайтаради.

Шекспирнинг биз таҳлил қилаётган драмасига асос қилиб олинган нусхада шундай.

Итальян воқелигидан олинган Отеллода ҳам, машҳур Ҳамлетда ҳам шу аҳволни кўрамыз. Антоний, Брут, Клеопатра, Шейлок Ричард ва Шекспирнинг бошқа ҳамма характерларида ҳам аҳвол шу. Шекспир уларнинг ҳаммасини ўзидан аввал яратилган биронта асардан олган. Ўзидан олдинги драмалар, ҳикоялар, солномалар ёхуд Плутархнинг ҳаётномаларида тасвирланган характерлардан фойдаланар экан, Шекспир бирон марта ҳам унинг маддоҳлари таъкидлаганидек ҳеч бир характерни ҳаққонийроқ ёхуд ёрқинроқ қилган эмас, балки, аксинча, ҳаммиша уларни заифлаштирган ёки “Лир”даги каби драмаларнинг иштирокчи шахсларини уларга хос бўлмаган ҳаракатлар қилишга мажбурлаб, энг муҳими эса уларни на ўзларига ва на биронта одамга мос келмайдиган тилда гапиртириб, характерларни маҳв этган. Масалан, “Отелло”ни олайлик. Бу драмани Шекспир драмалари ичида энг яхшиси деса бўлади. Унда баландпарвоз эзма гаплар анча кам. Шундай бўлса-да, Шекспирда Отелло, Яго, Эмилия итальян ҳикоясидагига қараганда камроқ даражада табиий ва жонли чиққан. Шекспирда Отелло тутқаноқ дардига чалинган. Бунинг оқибатида саҳнада тутқаноғи тутиб қолади. Кейин Шекспирда Дездемонанинг ўлдирилишидан олдин Отелло билан Яго тиз чўкишиб, ғалати қасам ичишади. Бундан ташқари, Шекспирда Отелло занжи, қора араб эмас. Буларнинг бари ҳаддан ташқари баландпарвоз, ғайритабиий, характернинг яхлитлигини бузади. Ҳикояда буларнинг ҳеч қайсиси йўқ. Шунингдек, Отелло рашкни туғдирадиган сабаблар ҳикояда Шекспирдагига қараганда табиийроқ чиққан. Ҳикояда рўмолча кимники эканини билган Кассио уни қайтариб бериш учун Дездемонанинг ҳузурига келади, аммо Дездемона уйининг орқа томонидаги эшигига яқинлашар экан, яқинлашаётган Отеллони кўриб қолиб, қочиб кетади. Отелло қочиб кетаётган Кассиони кўриб қолади ва бу унда кучли шубҳа туғдиради. Шекспирда бу йўқ, ҳолбуки ана шу тасодиф Отеллодаги рашкнинг сабабини ҳаммадан ортиқроқ очиб беради. Шекспирда бу рашк Ягонинг ҳаммиша амалга ошадиган найрангларига ва Отелло кўр-кўрона ишонадиган маккорона гапларига асосланган. Отелло уйқудаги Дездемонанинг тепасида монолог айтиб, ўлганингда ҳам тиригингдай қолишингни истайман, ўлганингдан кейин ҳам сени севишда давом этаман, кел энди, сенинг муаттар ҳидларингга бир тўйиб олай дейдики, бу мутлақо мумкин бўлмаган бир гап. Яхши кўрган одамини ўлдиришга тайёрланаётган одам бунақа гапларни гапира олмайди, қотиллик қилиб бўлганидан кейин эса “энди қуёш билан ой юзини қора босиб, ер ёрилмоғи керак” деган гапни ҳам сира айта олмайди. Шунингдек, у ҳар қанча занжи бўлганида ҳам иблисга мурожаат қилиб, ўзини ёниб турган олтингурут аланғасида куйдиришга чақира олмайди. Ниҳоят, унинг ўз-ўзини ўлдириши ҳар қанча таъсирчан бўлмасин (бу ҳикояда йўқ), муайян характер ҳақидаги тасаввурни бутунлай йўққа чиқаради.

Агар у чиндан ҳам гам чекиб ёнаётган бўлса, пушаймон тортиб азобланаётган бўлса, жонига қасд қилмоқчи бўлганидан кейин ўзининг хизматлари, дур ҳақида, Араби-стон дарахтларидан оққан ширалар каби кўзларидан оқаётган ёшлар тўғрисидаги ибораларни айта олмайди. Турк битта итальянни сўкаётгани ва уни мана бундай қилиб жазолагани ҳақидаги гапни-ку, умуман, айта олмайди. Шундоқ бўлгач, Ягонинг шаъмалари таъсирида Отеллонинг рашки жунбушга келганда унда туйғулар қаттиқ ҳаракатга келишига қарамай, сўнгра у Дездемона билан учрашган саҳналарда сохта лафос туфайли ва ўзига мос келмайдиган гапларни кўп гапириши оқибатида Отеллонинг характери ҳақидаги тасаввур муттасил бузилиб боради.

Бу — бош қаҳрамон Отелло масаласига тааллуқли. Ҳикоядан олинган шахсга қараганда Шекспирда Отелло характери анча-мунча ўзгартириб юборилганига қарамай, бу шахс ҳар қалай характер даражасига кўтарилган. Қолган шахсларнинг ҳаммаси эса Шекспирда узил-кесил бузилган.

Шекспирда Яго бутунлай ярамас, ёвуз, ёлғончи, ўғри, Родригони шиладиган муттаҳам, ўзининг энг ашаддий қора ниятларида ҳам ҳамиша муваффақият қозондиган одам. Шунинг учун ҳам уни мутлақо жонли деб бўлмайди. Шекспирнинг тасвирлашича, унинг ёвузлиги сабаби, биринчидан, шундаки, у лейтенантлик амалини истагану, Отелло бермаган, шунинг учун ундан хафа. Иккинчидан, унинг Отеллодан гумони бор — хотини билан дон олишиб юрмасмикин деб ўйлайди. Учунчидан, унинг ўз тили билан айтганда, Дездемонага алланечук галати бир муҳаббати бордек... Сабаблар кўп, лекин уларнинг ҳеч қайсиси аниқ эмас. Ҳикояда эса битта сабаб бор — жуда содда, аниқ сабаб — у Дездемонани жонидан ортиқ яхши кўради, бироқ Дездемона қатъий равишда унинг севгисини рад этиб, ундан кўра қора арабни афзал кўргандан кейин унинг севгиси Дездемонага ҳам, Отеллога ҳам нисбатан нафратга айланган. Родриго янада ғайритабиийдир. Бу шахснинг драмада, умуман, кераги йўқ. Яго уни лақиллатади, пулини олади, бунинг эвазига Дездемонанинг висолини ваъда қилади ва уни ўзи буюрган ҳамма ишни бажаришга мажбур қилади — у Кассиони ичириб маст қилмоғи керак, кейин ғашига тегиб, жажлини чиқармоғи, сўнг ўлдирмоғи керак. Эмилия бўлса муаллифнинг хаёлига келган ҳар қандай гапни гапираверади ва шунинг учун сира ҳам тирик шахс деб аташга ярайдиган сифати йўқ.

“Шошманг, Фальстаф-чи? Кишини лол қолдирадиган Фальстаф тўғрисида нима дейсиз? — дейишлари мумкин Шекспирни мақтовчилар. — Фальстаф тўғрисида бу жонли шахс эмас деган гапни айтиб бўлмайди. Шунингдек, у номаълум муаллифнинг комедиясидан олинган бўлиб, анча заиф тарзда кўринади дейиш ҳам бўлмайди”.

Фальстаф Шекспирдаги бошқа ҳамма шахслар каби номаълум муаллифнинг комедияси ёхуд драмасидан олинган. Бу асар ҳаётда чиндан ҳам яшаб ўтган сэр Олдкестль ҳақида ёзилган. Олдкестль аллақайси герцогнинг собиқ дўсти бўлган экан. Уни бир марта диндан қайтганликда айблашган экан. Шунда унинг герцог ошнаси жонига ора кириб қутқариб қолган экан. Иккинчи марта эса католикликка тўғри келмайдиган диний эътиқодлари учун уни суд қилиб, гулханда ёқишган экан. Ана шу Олдкестель ҳақида номаълум муаллиф католик тамошабинларнинг кўнглини олиш учун драмада ё комедия ёзиб, дин учун жон фидо қилган одамнинг устидан кулган ва уни ярамас одам қилиб, герцогнинг ҳамтовоғи қилиб тасвирлаган. Шекспир бу асардан Фальстаф шахсиятини олиш билан қаноатланмай, унга нисбатан таҳқирли муносабатни ҳам олган. Шекспирнинг бу шахс иштирок этадиган дастлабки пьесаларида у Олдкестль деб аталган эди. Кейин эса Елисавета замонасига келиб протестантизм яна тантана қилгандан сўнг католикларга қарши курашган фидокорни истеҳзо билан тасвирлаш ноқулай бўлиб қолди. Бундан ташқари Олдкестльнинг қариндошлари ҳам норози бўлишди. Шунинг учун Шекспир Олдкестль номини Фальстаф деб ўзгартирди. Фальстаф ҳам тарихий шахс бўлиб, Азинкур яқинида жанг майдонини ташлаб қочгани билан машҳур.

Фальстаф ҳақиқатан ҳам батамом табиий ва ўз характерига эга бўлган шахс. Лекин шуниси ҳам борки, у Шекспир томонидан тасвирланган ягона табиий ва характерли шахс. Бу шахс шунинг учун ҳам табиий ва характерлики, у Шекспир яратган ҳамма шахслар орасида бир ўзигина характерига мос келадиган тилда гапиради. У ўзининг характерига мос тилда гапирганига сабаб шуки, у Шекспирнинг тилида гапиради. Бу тил эса кулгидан маҳрум ҳазилларга ва қизиқ туюлмайдиган

сўз ўйинларига тўла. Бу тил Шекспирдаги бошқа ҳамма шахсларга мос бўлмагани ҳолда бадмаст Фальстафнинг мақтанчоқ, синиқ ва бузуқ характерига мутлақо тўғри келади. Фақат шу туфайлигина бу шахсни ҳақиқатан ҳам муайян характер эгаси деб аташ мумкин. Афсуски, бу характернинг бадиийлигига пугур етказадиган омил ҳам бор. Бу шахснинг еб тўймаслиги, пиёнисталиги, бузуқлиги, муттахамлиги, ёлгончилиги, қўрқоқлиги шу даражада одамнинг нафратини кўзгайдики, унга нисбатан Шекспир кўрсатган қувноқ комизми баҳам кўришнинг сира иложи йўқ. Фальстаф масаласидаги гаплар ана шунақа.

Шекспир ўз шахсларига бетакрор характер ато қилишни билмайди деб айтолмайман, лекин у бу ишга буткул лоқайд қарайди. Бу нарса Шекспир яратган шахслар ичида, айниқса, Ҳамлетда ҳайрон қоладиган даражада аниқ кўринади. Яна шуниси ажабланарлики, Шекспирга кўр-кўрона топиниш унинг бошқа бирон пьеса-сида “Ҳамлет”чалик теран кўринмайди. Гўё бу пьеса ҳаммани сеҳрлаб олган. Бунинг натижасида Шекспирнинг бирон асари дохиёна бўлмаслиги мумкин ёки унинг драмаларидаги биронга асосий шахс тасвирида янги ва ҳаммага тушунарли характер ифодаланмаган бўлиши мумкин деган фикрнинг ўзига йўл қўйилмайди.

Шекспир танлаб олган қадимий воқеа унча чакки эмас: бу воқеада Ҳамлет қандай ҳийлалар ишлатиб, кейинчалик Дания қироли бўлиб олгани, амакиси Фенгон томонидан ўлдирилган отаси Хорвендиллнинг ўлими учун қандай қасос олгани ҳикоя қилинган. Бу мавзуда Шекспирдан ўн беш йил аввал ҳам бир драма ёзилган эди. Шекспир шу сюжет асосида ўзининг драмасини ёзар экан, ҳар гал қилгани каби мутлақо лузумсиз бир тарзда асосий иштирокчи шахсига ўзининг жаъмики эътиборга лойиқ деб ҳисоблаган фикрларини гапиртиради. Ўз қахрамонининг тилидан умрнинг бебақолиги (гўрков), ўлим (ё ўлиш, ё қолиш) ҳақидаги фикрларини (бу фикрлар театр тўғрисидаги, аёллар тўғрисидаги бб-сонетда ҳам ифодаланган эди) айтдиран экан, Шекспир бу гаплар қандай шароитда айтилаётганини хаёлига ҳам келтирмайди ва бунинг оқибатида бу фикрларни айтаётган шахс охир-оқибатда Шекспирнинг карнайи бўлиб чиқади, ҳар қандай ўзига хосликдан маҳрум бўлади ва унинг қилиқлари, хатти-ҳаракатлари билан нутқлари бир-бирига мос келмай қолади.

Ривоятда Ҳамлетнинг шахсияти мутлақо равшан: у амакиси билан онасининг ишидан қаттиқ ғазабланган, улардан қасос олиш ниятида, аммо кўрқади, амаким мени отамга ўхшаб ўлдириб қўймасин дейди, шунинг учун ўзини жинниликка солади ва шу йўл билан фурсатдан ютмоқчи ва саройда бўлаётган воқеаларнинг ҳаммасини билиб олмоқчи бўлади. Амакиси билан онаси эса чиндан ҳам жинними ёхуд ўзини жинниликка солиб юриптими эканини билмоқчи бўлишади ва у яхши кўрган қизни унинг ҳузурига юборишади. У бу синовдан яхши ўтади, кейин онаси билан яккама-якка учрашади, бир чеккада пусиб, уларнинг гапини эшитиб турган аённи ўлдиради ва онасини фош қилади. Сўнгра уни Англияга жўнатадилар. Йўлда у мактубларни алмаштириб қўяди, кейин Англиядан қайтиб келиб, душманларининг ҳаммасидан қасос олади — уларни ёқиб юборади.

Буларнинг бари тушунарли, Ҳамлетнинг ҳолати ва характеридан келиб чиқади. Аммо Шекспир Ҳамлетга ўзи хоҳлаган гапларни гапиртиради ва уни муаллифга тамошабоп саҳналарни тайёрлаш учун зарур бўлган ҳаракатларни қилишга мажбур этади. Шу билан ривоятдаги Ҳамлетнинг характерини ташкил қилувчи ҳамма нарса маҳв қилинади. Ҳамлет драманинг бошидан охиригача ўзи хоҳлаб қолиши мумкин бўлган ишларни эмас, муаллифга керак бўлган ишларни бажаради — гоҳ отасининг арвоҳи олдида даҳшатга тушади, гоҳ бу арвоҳни мазах қила бошлайди, уни кўрсичқон деб атайди, гоҳ Офелияни яхши кўради, гоҳ унинг жиғига тегади ва ҳ.к. Ҳамлетнинг хатти-ҳаракати ва нутқларига бирон-бир изоҳ топиб беришнинг иложи йўқ, шунинг учун унинг бирон-бир муайян характерини белгилаш ҳам жуда қийин.

Аммо дохиёна Шекспир ўлақолса биронта бемаза асар ёза олмайди деб тан олингани учун олимлар бутун тафаккур кучини йўналтириб, асарнинг энг ажиб гўзалликларини топишга ҳаракат қилишади. Ҳолбуки, шу “гўзал” деганлари яққол кўзга ташланиб турадиган нуқсондир. Бу нуқсон, айниқса, Ҳамлетда жуда кескин ифодаланган. Бу нуқсон шундаки, асарнинг бош қахрамони ҳеч қандай характерга эга эмас. Теран фикрли мунаққидларнинг уқтиришича, бу драмада Ҳамлет шахсиятида жуда катта куч билан мутлақо янги ва теран характер ифодаланган. Бу аини шунда

қўринадики, бу шахсда ана шу характернинг ўзи йўқ ва ана шу характернинг йўқлигида теран характер яратишдаги доҳиёна қудрат намоён бўлган. Шу тўхтамага келган аллома мунаққидлар бу тўғридаги китобларни тоғ-тоғ қалаштириб ташлашган. Шу тарзда характерга эга бўлмаган одамнинг характерини тасвирлаш нақадар муҳим ва улуғвор иш эканини тушунирган ва мақтаб кўқларга кўтарган асарлар беҳисоб йиғилиб қолган. Рост, баъзан айрим мунаққидлар иймана-иймана бир фикрни айтиб қолишади: бу шахсда алпанечук ғалати бир жиҳат бор. Ҳамлет турган-битгани ечиб бўлмас бир жумбоқ. Лекин ҳеч ким юрак ютиб, “қирол яланғоч-ку!” демайди. Ахир, қундай равшан кўриниб турипти — Шекспир Ҳамлетни характерга эга қилиб кўрсата олмаган ва балки буни хоҳламаган ҳам бўлиши мумкин. Қолаверса, бунинг кераклигини тушунмаган ҳам. Аллома мунаққидлар бўлса бу жумбоқларни тадқиқ қилишни ва мақташни давом эттиришган. Ўзининг жумбоқлиги билан бу асар фермернинг уйи ёнидан Пиквик топиб олган уйида ёзувли тошни эслатади. Эсингизда бўлса, бу тош олимларни бир-бирига душман икки тоифага ажратиб юборган эди.

Шундай қилиб, на Лир, на Отелло, на Фальстаф характерлари ва, айниқса, Ҳамлет характери Шекспирнинг қудрати характерларни тасвирлашда деган фикрни сира ҳам тасдиқламайди. Мабодо Шекспир драмаларида баъзи бир характерли белгиларга эга бўлган одамлар учраса, булар кўп ҳолларда “Ҳамлет”даги Полоний ёки “Венециялик савдогар”даги Порция каби иккинчи даражали шахслардир. Аммо ана шу бир нечта жонли характер 500 ва балки ундан ортиқроқ иккинчи даражали шахс ўртасида ҳамда бутунлай характердан маҳрум бўлган асосий шахслар орасида Шекспир драмаларининг фазилати характерлар тасвирида деган фикрни мутлақо исбот қилмайди.

Характер тасвирида Шекспирни зўр маҳорат эгаси деб ҳисоблашнинг сабаби шундаки, Шекспирда ҳақиқатан ҳам бир жиҳат бор — агар ролларни яхши актёрлар ижро этса ва уларнинг моҳиятига унча чуқур кирилмаса, Шекспир характерларни тасвирлашга уста бўлиб кўриниши мумкин. Бу жиҳат Шекспирнинг туйғулар ҳаракатини ифодалаган саҳналарни яхши тасвирлай билишида кўринади. Шекспир ўз қаҳрамонларини ҳар қанча ғайритабиий вазиятларга солиб қўймасин, уларни ҳар қанча ўзларига мос келмайдиган тилда гапиришга мажбур қилмасин, бу қаҳрамонлар ҳар қанча туссиз бўлмасин туйғулар ҳаракати — уларнинг катталашуви, ўзгариши, кўпгина зиддиятли туйғуларнинг бир-бирига қўшилиб кетиши баъзи бир саҳналарда кўпинча тўғри ва кучли ифодаланган ва ролларни моҳир актёрлар ижро этганда улар қисқа муддатга бўлса-да иштирокчи шахсларга хайрихоҳлик туғдира олади.

Ўзи актёр ва заковатли одам бўлган Шекспир на фақат нутқ билан, балки хитоблар, хатти-ҳаракатлар, сўзларни такрорлаш билан ҳам иштирокчи шахслар қалбидаги туйғулар ҳолатини ва ўзгаришини ифодалай билган. Масалан, жуда кўп ўринларда Шекспир қаҳрамонлари сўзлар ўрнига хитоблар билан чекланади ёки йиғлашади, ёки монологининг ўртасида биронта ҳаракат, имо-ишора билан ҳолатининг оғирлигини намоён қилади (масалан, Лир тугмасини ечиб қўйишни илтимос қилади) ёки жуда қаттиқ ҳаяжонланган пайтларида уларни лол қолдирган сўзни бир неча марталаб қайтариб сўрайдилар ёки такрорлашга мажбур қиладилар (масалан, Отелло, Маодуф, Клеопатралар шундай қилишади). Туйғулар ҳаракатини тасвирлашдаги бунақа оқилона усуллар яхши актёрларга ўз кучини намоён этишга имкон беради. Шунинг учун ҳам мунаққидлар кўпинча уларни характер тасвиридаги маҳорат ўрнида қабул қилиб келишган ва ҳозир ҳам шундай қабул қилишади. Аммо битта саҳнада туйғулар ҳаракати ҳар қанча кучли ифодаланган бўлмасин, битта саҳнада бир шахснинг характерини бериб бўлмайди, чунки бу шахс бир марта тўғри хитоб қилгандан кейин ёки тўғри қилиқдан сўнг ўзига мос келмайдиган тилда муаллифнинг мажбур қилиши орқасида узундан-узоқ гапира бошлайди. Шунингдек, сира ҳам лузуми йўқ ва ўзининг табиатига мос келмайдиган гапларни гапиради.

Давоми бор.

Боймирза ХАЙИТ

Ёруғ кунлар орзусида

Фарғона водийси Туркистоннинг — инжуси. Тақрибан 80000 квадрат километр катталиқда, шарқдан ғарбга деярли 300 км узунлиқда ва денгиздан баландлиғи ўртача 900 метрдир. Бу водий, шимолда Чотқол ва Қурама, шарқда Фарғона, жанубда Туркистон ва Олой тоғлари билан ўралган. Ғарб тарафи тоғлик эмас ва бу томондан очлик Бўзқири (Мирзачўл)га йўл бор. Олой, Чотқол ва Кетмонтепа томонлардан Фарғона водийсига тўғри

йўл ўтган. Ундан ташқари Фарғона водийсидан Тангритоғ ва Помир тоғларига ҳам тўғри йўл бор.

Фарғона Туркистоннинг боғи, гуллар водийси сифатида ҳам танилган ва Туркистондаги энг бой деҳқончилик учун қулай бўлган минтақади. Амударёдан кейин иккинчи узун дарё ҳисобланган, қадимги юнон адабиётида Яксарт деб юритилган Сирдарё (2529 км) Фарғона водийсидан бошланади. Фарғона водийсида бир-бирига қўш-

Президентимиз Ислом Каримов зиёлилар билан бўлган учрашувда тарих фанимиз олдида турган вазифаларни батафсил кўрсатиб бердилар. Шўролар замонида ўзбек халқининг жамики тарихи ҳукмрон мафкурага бўйсундирилган ҳолда сохталаштирилган эди.

Ўзбек тарихининг шундай чигал масалаларидан бири "босмачилик" ҳаракати деб қалбаки ном билан юритилган. Ислом Каримов Фарғона сафари чоғида бу масалани илмий асосда ҳалол ва тўғри ёритиб бериш ғоятда муҳим эканини таъкидладилар. Ҳақиқатан ҳам, шўролар даврида қўлида қурол билан большевиклар ҳукмронлиғига қарши курашган ҳар бир инсонга "босмачи" деб аталмиш тавқи лаънат ёпиштирилган ва бу ҳаракатни бошдан-оёқ қораловчи юзлаб сохта илмий ва бадий асарлар яратилган эди. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг бу ҳаракат миллий озодлик ҳаракати сифатида ўзининг ҳаққоний баҳосини олди. Бу тўғрида бир қатор мақолалар ҳамда тадқиқотлар яратилди, лекин ҳали теран ва асосли асарлар майдонга келганича йўқ. Бу масалада хорижлик олимлар ҳам қалам тебратганлар. Жумладан, ўтган йили, яъни 1997 йилда Анқарада турк тилида "Босмачилар" деб аталган монография босилиб чиқди. Китоб "Туркистонда миллий мужодала тарихи — 1917—1934 йиллар" деган сарлавҳага эга бўлиб, 367 саҳифадан иборатдир. Унда 17 йил мобайнида Туркистонда давом этган миллий озодлик кураши манзарасини ёритишга ҳаракат қилинган. Китобдаги фикр-мулоҳазалар бу масалага бағишланган ўзбек, инглиз, немис, француз, турк, тожик, рус ва бошқа тиллардаги юзлаб илмий мақолаларга, илмий-оммабоп асарларга таяниб олдинга сурилади. Албатта, ҳар қандай катта ишда бўладигани каби бу асарда ҳам айрим нуқсонлар бор, албатта. Ёки баъзи тарихий ҳодисалар ва тарихий шахсларга муносабат баҳслар туғдириши мумкин. Лекин шу билан бирга ушбу мавзу бўйича чет элларда олиб борилаётган тадқиқотлар, хорижлик олимларнинг қарашларидан хабардор бўлиш фойдадан холи эмас. Зеро, уларни ҳам танқидий ўрганиш имкони туғилади. Шунинг учун ҳам бу асар Ўзбекистоннинг тарихидаги жуда катта бир соҳани чуқур ва мукамал ёритиб беради деб қатъий айта олмаيمиз.

Баъзи қисқартиришлар билан диққатингизга ҳавола қилинаётган парча шу китобдан олинди. Бу китоб доктор Боймирза Ҳайитнинг қаламига мансубдир. Келгусида журнал "Босмачилар" китобига мутахассис олимларнинг тақризини беришни ҳам режалаштиромоқда.

Тахририят

ганда 2800 километрдан ошадиган 600 дан ортиқ катта-кичик дарёлар, сойлар бор.

Фарғона водийси иқтисодий жиҳатдан Туркистоннинг энг бой минтақаларидандир. У кўмир, турли маъданлар, нефт, симоб, олтингугурт, уран каби табиий бойликларга эга. Водийда ундан ташқари пахта, ипак, гуруч ва ҳ. к. етишади. Фарғона водийси ўтмишда ҳам Туркистонда пахта етиштириш маркази эди, ҳозир ҳам шундай. Россия водийдаги пахтанинг қимматини тез пайқаганди. Фарғона водийсида 1888 йили 34669 десятина (десятина — бир гектарга яқин) майдонда пахта экилар эди. Пахта майдони 1916 йилга келиб 378873 десятинага чиқди. 1919 йили Туркистон пахтасининг 80 фоизини водий таъмин қилган эди. Пахта ишлаб чиқариш орттирилгани сари, дон етиштириш кескин радикал тарзда камайтирилди. Шу тариқа водий ташқаридан олиб келинадиган нон маҳсулотларига қарам ҳолга келтирилди. Устига-устак, рус ҳокимияти водийнинг 607000 десятиналик ҳосилдор ерларини 2399 мустамлакачи оиллага бўлиб берди. Бу ҳам водийдаги экин майдонларининг тахминан 50 фоизини ташкил этарди. Пахта ишлабчиқариш деҳқоннинг рус банкларига қарамлигини оширди. Пахта ишлабчиқарувчи деҳқонларнинг рус банкларидан қарзлари 1915—16 йилларда ўрта ҳисобда 16 млн. сўм эди. Агар деҳқонлар йил охирида йиғган ҳосиллари билан банкдан қарзларини узолмасалар, банклар экин майдонларини тортиб олиш ҳуқуқига эга эди. Бундай ҳол натижасида ерсиз қолган деҳқонларнинг сони кундан-кунга ортиб борди. Ўрта ҳисобда 700000 деҳқон шу тарзда мардикор ҳолига тушган эди. Айниқса, Фарғона водийсида 1917 йил бошларида ерли аҳолининг 95 фоизи малакасиз ишчи бўлганлиги натижасида, водийдаги иқтисодий аҳвол боши берк кўчага кириб қолган эди. Шавқатсиз мустамлакачилик сиёсати билан водийни танг ҳолга солган Русия эса, минтақага узлуксиз дон етказиб берадиган аҳволда эмас эди. Шу тўғрисида ўлкада очлик ва қашшоқлик оддий воқеага айланган эди. Шу йили водийда ишсизлар сони тақрибан 750000 кишига етиб қолганди.

Фарғона водийси Туркистоннинг энг қадимий маданият масканларидан биридир. Хитойлик сайёҳлар, Довон (Фарғона водийсининг антик даврдаги хитойча номи) халқининг миллоддан 200 йил олдин гуруч, дон, сабзавот ва беда (йўнғичқа) экканлари тўғрисида баҳс этадилар. Водий I асрдан IV асргача Кушон салтанати таркибида бўлган. Фарғона водийсининг у вақтлардаги пойтахти миллоддан аввалги II асрда Довон ерига қурилган Косон шаҳридир. Бир аср давомида (V асрда) водий бутунлай мустақил давлат бўлган. Кейинроқ — VI асрдан VII асргача — Кўктурклар таркибига кирган. Бу даврларда Ахсикент, Кува ҳамда Новкент шаҳарлари қурилган. Ахсикент VIII асрда Фарғона водийсининг пойтахти бўлган. Водий VIII ва IX асрларда араб истилосига дучор бўлган ва арабларнинг шарқий минтақаси ўлароқ уларнинг тасарруфига ўтган. Водий, X асрдан XIII асргача Сомонийлар (X ва XI асрда) ва Қорахонийлар (X ва XIII асрлар) ҳукмронлиги остида бўлган. Бу даврда Фарғона водийсидаги Ўзкент (Ўзган) шаҳри Қорахон салтанати фарбий қисмининг пойтахти бўлган. XIII асрнинг биринчи чорагидан XIV асрнинг ўрталаригача водий мўғулларга ва XIV асрнинг охири — XV аср бошларигача Темур салтанатига қараган. 1405 йили Темур ўлиmidан сўнг унинг ворисларининг кўлига ўтди.

Темурийлар хонадонидан чиққан, кейинча Ҳиндистонда Бобурийлар деб ном олган салтанатга асос солган Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Фарғона водийси ва Еттисув ўлкасининг ҳукмдори эди. У Ахсикент ўрнига ўз туғилган шаҳри Андижонни пойтахт қилган. Бу шаҳар миллоддан олдин Андижон номи билан танилган ва Буюк Ипак Йўлидаги муҳим марказлардан бири эди.

Фарғона водийсида XVI асрда Шайбонийхон ҳукмдорлиги қарор топди. XVII асрда Шайбонийлар сулоласи йиқилгандан сўнг водийда Қўқон (Хўқанд) хонлиги қурилди. Олдинлари Фарғона водийсида қурилиб, сўнгроқ XIX аср бошларигача шимолда Помир ва Тиёншон (Тангритоғ) тоғларидан, жанубда Орол денгизи ва Болқош кўлларига қадар бўлган ҳудудни ўз ичига олган бу давлат, X асрдан бери

жўгрофий манбаларда ўтроқ жой сифатида қайд этилган Ҳавокент (Ҳавоқанд, Ҳоканд, Кўк-канд, Хўқанд, Кўқон) шаҳрининг пойтахт бўлиши муносабати билан, Кўқон хонлиги бўлиб тарихга киргандир. XIII асрда мўғуллар томонидан ер билан яксон қилинган шаҳар кейинроқ XVIII асрда бир қалъа кенти қилиб қайта қурилди.

Чор аскарлари 1852 йили Хўқанд хонлигига қарашли Оқмачит шаҳрига бостириб кирдилар. Бу босқин Хўқанд Хонлиги билан Русия орасидаги урушнинг бошланиши бўлди. 24 йил давом этган уруш натижасида 1876 йили Русия хонлигининг пойтахтини қўлга киритишга ва шу йили хонликни фатх этишга муваффақ бўлди. Хўқанд шаҳри ишғол этилгандан кейин Олой водийсидан Помир тоғларига қадар бўлган минтақани ҳам ичига олган Фарғона вилояти ташкил қилинади. Руслар янги Марғилон (эски оти Сим) шаҳрини Фарғона вилоятининг пойтахти қиладилар. Асрлар бўйи “Ғарбий ва Шарқий Туркистон” орасида энг қулай алоқа маркази бўлган¹ ва Буюк Ипак Йўлида катта мавқе эгаллаган Хўқанд шаҳри эса савдо марказига айлантирилади. Шу тариқа Янги Марғилон шаҳри чор Ғарбийлари учун маишат ва майхўрлик марказига айланган бўлса, Хўқанд ўлканинг иқтисодий жиҳатдан сўрилишига имкон яратувчи жойи бўлиб қолади.

Фарғона водийсининг халқи 1917 йилгача тожик, қирғиз ва кўпчиликни ташкил этувчи ўзбеклардан иборат эди. Фарғона водийсининг аҳолиси 1916 йил охирларида 2137491 киши эди. Водийда яшаган халқ жамоалари бир-бирлари билан апоқ-чапоқ эди. Водийнинг иқлими ёзда иссиқ, қишда совуқ, аммо қуруқ; суғориш тармоқларига боғлиқ зироатчилиги; чорва боқиб кун кўрувчи кўчманчи аҳолининг тоғ ва қирларда яшаши; ўтроқ ҳаёт кечирувчи аҳолининг деҳқончилик билан бандлиги ва ҳаммаларининг бир-бирлари билан аҳил яшаб, табиий офатларни биргаликда бартараф этишлари уларнинг тирикликларини давом эттиришларида муҳим омил бўлган. Одамларнинг бир-бирига ёрдам бериш учун кўплашиб ишлашга интилиши — ҳашир — водийликларнинг аҳиллигини

кўрсатувчи ёрқин хислатларидан бири эди.

Водий халқи ўз хатти-ҳаракатлари, фикр ва ҳаёт тарзларига кўра ўзига ишонган, жуда одобли, хушфёъл инсонлар эди. Бир-бирлари билан назокатли муомалалари кундалик ҳаётнинг оддий манзараси эди. Айни чоғда жасурлик ҳам халқнинг характерини (табиатини) кўрсатувчи сифатлардан эди. Фарғона халқи русларнинг ҳарбий кучига итоат этишга мажбур қилинган эди. Албаттаки, уларнинг чор мустамлакачиларига тирноқча ҳам майли бўлмаган. 1898 йили Андижонда юз берган халқ кўзғолонлари ҳам, миллатнинг озодликка муҳаббати ва асл ислагининг бир кўрсаткичи ва чор ҳукмдорлигини очикчасига рад этиш учун қилинган бир ташаббус эди.

1890 йилдан кейин илк мустамлакачи Руслар Фарғона водийсига келадилар. Шундан кейин 1893 йили Ўш атрофида биринчи рус қасабаси қурилади. Русларнинг жойлашиши 1900 йилда беш барабар ортади (2800 кишига етади) ва 1911 йилда тагин деярли беш марта кўпаяди (10000 кишига етади), Фарғона водийсидаги 1916 йил кўзғолонига қадар 50 тага рус қасабаси ташкил этилади. Рус қасабаларининг кўпайиши ерли халқда чор Россияси сиёсатига нисбатан душманлик ҳиссининг туғилишига сабаб бўлаётганди.

Фарғона халқи ислом динига эътиқод қўйган эди. Улар ислом қонуни бўлган шариат асосида яшовчи имони мустаҳкам мусулмонлар эди. Ўша пайтлардаги нашрларнинг қайд этишича, рус мақомлари ва рус насроний черкови вакиллари ўлкада исломий тарбияни йўқ қилиш, ўзгартириш ва диндорларга нисбатан шубҳа уйғотиш учун кўп тарафлама фаолият кўрсатганлар. Мисол тариқасида уларнинг татарбошқирдлар орасидан ёлланган одамларни мусулмонлар орасига юбориб турганликларини кўрсатиш мумкин, бу кишилар масжид ва жомеъларда ваъз ўқиб, муслимларни рус ҳукмдорларига итоаткор бўлишга чақирар эдилар.

1909 йили Фарғона водийсида олдин иккита ароқ сотиш маркази қурилади. Бу рақам 1911 йилда 148 тага етади. Чор аъёнлари ерли халқнинг маъ-

¹ Бабушкин Л. Н. “Советский Союз. Узбекистан”. Москва, 1967, 166-бет.

навий кадриятларини заифлаштириш учун ароқ ва шаробга ўргатиб, майхўрликни мусулмонлар орасига ёйишга интиладилар.

Фарғона халқи мустамлакачилар бошга келган бало эканлигини билар ва шу туйғули тadbир билан етти ўлчаб бир қадам босар эди. Чор Россияси вакиллари, водий халқининг назарида, очкўз, золим ҳукмдорлар эди. Мана шу ночорлик ҳолати¹ ва большевикларнинг 1917 йилдан кейин шўро мафкурасини ҳам бир ниқоб сифатида қўлланиб, аслида ваҳшатли ишлар қилганликлари “босмачилик” (миллий-озодлик) ҳаракатининг юзага чиқишига сабаб бўлаётган эди. Тошкентдаги шўроларнинг пахта сиёсати ҳам Фарғона халқини қора жарлик сари ҳайдаётган эди. Тошкентдаги шўро Комиссарлиги Хўқанд шаҳри ишғол қилинганининг еттинчи куни — 28 феврал 1918 йилда қуйидаги қўлланма бўйича иш олиб боришни тайинлаганди:

“Туркистондаги ҳамма пахта, қандай ҳолда ва қаерда бўлишидан қатъий назар, бундан буён Туркистон ўлкаси ишчи ва деҳқон ҳукуматининг моли саналиб, тортиб олинади. Бугун Советлар ва Инқилобий Темирйўл Кўмитаси шу ондан эътиборан бу қўлланмани амалга ошириш вазифасига қўйилган ҳисобланиб, минтақадаги пахталарнинг темир йўл қўналғаларига ташилиши ва бекатлардан Тошкентга юборилиши учун жавобгардирлар. Бу қўлланма ижроси учун номи айтилган ташкилот бошлиғи жавоб беради.

Пахта эгалари қаршилиқ қилсалар, ўша ердаёқ дарҳол отиб ташланиши ёки бошқа тadbирлар ишлатилиши ҳам мумкин.

Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлиги шўроси бошлиғи: Фёдор Колесов. Кенгаш котиби: Павел Чегадаев².

Бу қўлланма асосида Совет мустамлакачилари Туркистоннинг ҳар бурчидан айниқса, Фарғона водийсидан, халқнинг кўрпаю кўрпачасидаги пахта сизига қадар — ҳамма пахтани тортиб олдилар. Натижага қараладиган бўлса, маъмурларнинг бундай қадам олиши миллий озодлик ҳаракатининг Туркис-

тонда тезроқ авж олиши ва кенг тарқалишини таъминлаган муҳим унсур бўлганди.

МИЛЛИЙ-ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИДАГИ ИЛК БОСҚИЧЛАР

Полиция бошлиғи Эргашнинг қўмондонлиги остида Хўқанд шаҳрини ҳимоя қилаётган кишилар болшавойлар ғолиб келганидан сўнг шаҳарни тарқ этишга мажбур бўлдилар. Шаҳарни қўриқлашга қўйилган қуролли ва қуролсиз озодлик жангчисида фақат 60—65 нафари жанг қилишга ярарди. Хўқанддан қочган туркистонликлар тўрт кун ўтгач — 1918 йил 21—25 февраль — шаҳардан 20 км узоқликда бўлган Бачқир қишлоғига етиб бордилар. Совет аскарлари, қочганларни қишлоққача таъқиб этадилар, лекин Бачқир ва қўшни қишлоқларнинг мусулмон халқи, қишлоқнинг ҳар тарафига яшил байроқлар осиб, қишлоқларини ҳимоя қиладилар ва большевиклар муваффақиятга эришолмайдилар. Совет аскарлари бу ер бир қалъа бўлса керак, деб ўйлайдилар. Хўқанд шаҳар мудофаачиларининг Бачқирга бошпана излаб боришларига икки киши сабаб бўлганди. Бу икки кишининг ҳам оти Эргаш эди. Бири баланд бўйли, иккинчиси ушоқроқ бўлгани учун Катта Эргаш ва Кичик Эргаш номи билан танилдилар.

Кичик Эргаш 1917 йилдан олдин ўттиз йигити билан биргаликда рус ҳокимиятига қарши чиқиб, етти йил бир қасоскор ҳолида яшайди. Улфатлари билан тирикчилигини давом эттириш учун, рус идораларига ва савдо дўконларига ҳужумлар қилиб юрарди. Ўз халқига заррача ҳам зарар етказмаган эди. Рус полицияси уни узлуксиз таъқиб этарди. Эргаш 1913 йилда бир ушланади ва 20 йил қамоқ жазосига маҳкум этилади. 1915 йилда Андижондаги рус қамоқхонасидан қочган кичик Эргаш 1916 йил кўзғолонига қўшилади ва 1917 йилнинг найсон (апрель)

¹ Зуев Д. Д. “Ферганское басмачество (1918—1922)” Серия: “Гражданская война”. 3-том. Москва, 1924. 26-бетда шундай деб ёзилган: “Ерли халқ билан чор маъмурлари орасидаги ўзаро алоқа гоят таранг ва ерли халқ уларни истилочи деб билади”.

² Зуев Д. Д. Юқоридаги китоб, 30-бет.

ойида ўзи туғилган Бачқирга қайтиб боради. На ўзида, на дўстларида пул бор эди. Шу боисдан рус полициячилари қуролларини ўғирлайдилар. 1917 йил ноябр ойида Хўқанд шаҳар мажлиси Эргашга миллий полиция бошлиғи номини беришга қарор қилади. Айни замонда 1917 йил декабр ойида Туркистон Мухтор Ҳукумати томонидан ҳам шу вазифага тасдиқланади. Шу тариқа унга анъанавий кўрбошилик¹ унвони берилади. Эргаш Русиянинг ашаддий душманларидан эди. У сафдошлари билан бирга қаттиқ зарбага учраганига қарамай, умидсизликка тушмади. Бачқирда ҳарбий қисмларини янгитдан тартибга солиб олган Эргаш, совет аскарларига қарши жангларида давом эттиради. Бошқалар ҳам армани ва шўро аскарларига қарши жангчи гуруҳлар ташкил қилади. 26 февралда большевиклар Бачқирга ҳужум қилади, Эргаш ва унинг тарафдорлари мудофаага ўтадилар. 27 февралда Эргаш Бачқирда қизил гвардиячилар билан отишмада шаҳид бўлади.

Узун Эргаш ёки Катта Эргаш деб аталувчи иккинчи Эргаш ҳам асли таги Бачқирдан бўлиб, диндор киши эди. Унинг Хўқандда айтган ваъзларига 20.000 дан ортиқ одам қатнашарди. Бу Эргаш ўз диндошларини рус босқинчиларига қарши мужодалага чақирарди. У, Чор Русиясининг барҳам топишига, Туркистон ҳам бошқа мамлакатлардай озод бўлажигига ишонарди ва мустақиллик ғоясини ҳимоя қиларди. Хўқанд халқининг қонга ботирилганини, шаҳар талон-тарож қилинганини кўрган инсон сифатида, эндиликда мустамлакачилик терисининг рангини ўзгартирган ва манглайига “Совет” ёки “большевик” номини ёзганлар, ўша ўша талончилар бўлиб қолганини мушоҳада этарди. Эргашнинг ўзи эса, Хўқанд қатлиомидан олдин ҳам мустақил Туркистон ғоясининг оташин ҳимоячиларидан эди.

20 февралда (1918) большевиклар билан туркистонликлар орасида жанг давом этаркан, икки рус зобити тинчлик шартномаси учун замин яратиш мақсадида тўрт соат урушни тўхтатиб туришни талаб қиладилар. Бир қатор дин олимлари, бу талабга розилик бериш майлида бўлади. Мулла Эргаш бунга қарши чиқади ва шундай дейди: “Душманларимиз мағлубийат эшигидалар. Агар ўт очишни тўхтатмай, ҳужумни кучайтирсак, зафар бизникидир. Уларга 4 соатлик имкон берсак, қалъадан жабҳага қурол-аслаҳа ташиб оладилар ва ундан кейин бизга омонлик бермайдилар. Ҳаммамиз қирилиб битгунча шиддатни кўрбаштирмайдилар, кейин сизлар бу кирғин учун жавобгар ҳам бўласизлар. Сизлардан ўтиниб сўрайман, бизларни маҳв қилишлари учун уларга бундай имкон берманглар!”² Шунга қарамай ўт очишни тўхтатиш ҳақидаги шартномага розилик берилади. Руслар икки соат ичида қалъадан олиб келган қурол-яроғ ва ўқ-дорилари билан шаҳар ичидаги қароргоҳларини кучлантириб олишга эришадилар. Ҳужум, Хўқанд тамоман хароб қилингунча, халқнинг бир қисми қирилиб, қолган қисми қочиб кетгунгача давом эттирилади. Эргашнинг воқеаларни олдиндан тахмин этгани, халқни огоҳлантиргани унинг закоси ва тажрибакорлигини кўрсатиб берган эди.

Хўқандни большевиклар ишғол этгандан кейин Катта Эргаш ҳам Бачқирга чекинган ва Кичик Эргаш билан бирга уларга қарши жангда фаол қатнашарди. Кичик Эргаш шаҳид бўлгач, кўмондонликни Катта Эргаш ўз зиммасига олади ва шу боис Кўрбоши унвонининг соҳиби бўлади. Шундай қилиб, шўро босқинчиларига қарши урушни уюштириш вазифаси Эргашнинг зиммасида қолади. Эргаш 1918 йил март ойи охирларигача олиб борган фаолияти билан Фарғона хал-

¹ “Кўрбоши” сўзининг маъноси, бошқарувчи, кўриқланиши лозим бўлган жойнинг бошлиғини билдиради. Кўрғон (қолға, қолинадиган жой) ва кўр (кўриладиган жой), бош (бошловчи, бошлиқ), яъни кўриладиган жойнинг бошлиғи, қолға кўмондони — шаҳар ё қалъани кўриқлаш вазифаси юкланган полиция комиссари. Миллий озодлик ҳаракатининг йўлбошчилари бу атамани катта аскарый бирликларнинг кўмондони, Оврупоча айтганда, генерал маъносида ишлатардилар. Хўқанд хонлигида бу калима шаҳар ёки ўлка полицияси бошлиғининг унвони эди. Яна қаранг: В. Радлов. “Опыт словаря тюркских наречий”. Санкт-Петербург, 1911 йил, II жилд, 963-бет.

² *Муҳаммад Мусо Туркистоний*. “Йўқолган ватан Туркистон фожияси”. Истанбул, 1981. 152-бет.

қининг аксарияти томонидан йўлбошчи сифатида тан олинади.

Айни шу даврларда Фарғона водийсида шўро истилочиларига қарши жанг қилаётган тахминан қирқтача “босмачи” гуруҳлари бор эди. Уларнинг раҳбарларидан қуйидагилар энг танилганларидир: Муҳаммад Амин Бек (халқ тилида ҳам, бир қанча совет манбаларида ҳам Мадаминбек дейилади); Шер Муҳаммад Бек (Шерматбек); Омон Полвон; Сотиболди Қози; Намангандан Раҳмонкул, Холхўжа; Андижон тарафлардан Охунжон; Хўқандга туташ Бувайда қишлоғидан Исмат Қўрбоши; Хўқандга боғлиқ Урганчдан Умар Чўли; Найманча қишлоғидан Ойболи; Ўзгантдан Жонбек Қози; Андижон шаҳри теварагидан Парпи Қўрбоши; Новқатдан Муҳиддин Бек¹. Бу гуруҳларнинг йўлбошчилари бир-бирлари билан ҳеч қандай алоқага киришмай ва умумий бир режа ишлаб чиқмай, ҳар бири ўз бошига қизил гвардиячиларга қарши операциялар ўтказмоқда эди. “Шўройи Исло” ва “Уламо” жамияти” озодлик курашини уюшган бир шаклда юритиш ва ўз бошига ҳаракат қилаётган муҳоҳид йўлбошчиларни бириктиришни истар эди.

1918 йили март ойи охирларида Бачқирда “ўз бошига ҳаракат қилаётган ёки озодлик кураши ташкилотининг қаноти остида урушаётган тахминан 40 қўрбоши йиғилиб, миллий курашнинг келажакда қўлланадиган усуллари ва бошқарув йўллари борасида баҳслашдилар. Йиғинга келган қўрбошилар, қўрбоши Эргашни Амирул Муслимин қилиб сайлайдилар ва шу тариқа Эргаш Қўрбоши бош қўмондон ҳисобла-

нади. Ёрдамчиликка эса Мадаминбек ва Шерматбек қўйилади². Бу йиғинда миллий курашнинг дастурлари муҳокама қилинади. Қўрбошилар Туркистонни рус ҳукмронлигидан тамоман қутқаришни, миллий ва исломий анъаналарга асосланган бир давлат тизими қуришни мақсад қилиб қўядилар. Маълумки, Хўқандда Мухтор ҳукуматининг большевиклар томонидан йўқ қилиниши миллий курашнинг, аввало, Хўқандни мудофаа қилиш шаклида вужудга келишига сабаб бўлгандир³. Лекин Туркистон Мухтор ҳукумати, на миллий курашнинг вужудга келишида ва на ундан кейин бир феолиқ кўрсатди⁴. Шу туфайли ҳам қўрбошиларнинг инқилобий мухтор ҳукуматни ҳимоя қилиш ёки янгитдан Туркистон Мухтор Ҳукуматини қуриш борасида режалари бўлмаганлиги учун айбламаслик, уларни тушунишга ҳаракат қилиш керак. Туркистон Мухтор Ҳукуматининг омон қолган аъзолари, миллий-озодлик курашчилари билан қандай бўлмасин бир алоқа ўрната олмадилар.

Совет ҳукуматининг арбобларидан, келиб чиқиши туркистонлик бўлган Турар Рисқулов “босмачи” (миллий-озодлик) ҳаракатининг пайдо бўлиши ва кенг ёйилиши ҳақида шундай фикрларни илгари суради:

“Хўқанддаги босқин излари ҳали ўчмай туриб, дастлабки тўққиз кун ичида турли одамларни тутиб кетиш ҳодисалари уюштирилган. Манфаатпараст дашноқлар ҳамон мол-дунё, пул дардида шаҳарни шипшийдам қилишга аҳд қиладилар. Бизнинг давримизда мўъжизалар бўлмайди. Лекин ҳар кун инқилоб билан бирга яшаб, бу

¹ З. В. Тўгон. “Бугунги турк эли (Туркистон) ва яқин тарихи”, 2-нашри. Истанбул, 1981, 388-б. Мухтор Шомағдиев. “Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине”. Тошкент, 1961, 60-бет.

² А. И. Кунин. “Южная Киргизия в годы гражданской войны. 1918—20”. Фрунзе, 1981. 24-б. Шомағдиев М. Юқоридаги китоб. 62-бет.

³ Георгий Сафаров, “Колониальная революция. Опыт Туркестана”. Петербург, 1921. 80-бет. “Қўқонда мухториятга барҳам берилганди, аммо бу билан босмачиликнинг ҳам тамойили қўйилганди”. 90—91-бет: “Босмачилик бир томондан “Хўқанд мухториятининг” йўқ қилинишининг ва мустамаккачи донолар ташкил қилган фитналарнинг ва иккинчи томондан иқтисодий бўҳроннинг залворларидан эзилишнинг табиий натижаси ўлароқ ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тарзида бора-бора камол топган эди”. С. Муравейский (В. Лопухин). “Урта Осиёдаги инқилобий ҳаракат тўғрисида тарихий парчалар”. Самарқанд — Тошкент, 1926. 41-бет: “Хўқандда мухторият йўқ қилинганди. Бунинг натижасида совет ҳукуматиға қарши уруш замини вужудга келганди. Шу тариқа босмачи ҳаракати ташкил топа бошлади. “Большая Советская Энциклопедия”. II нашри. 1950. 4-жилд, 286-бет: “Инқилобга қарши Хўқанд мухториятчилари босмачи ҳаракатининг тамойилини ташкил этгандилар”. Темирўғли. “Туркистонда инқилоб даври”. “Ёш Туркистон” (журнал). 1931. 25-сон, 26-бет: “Хўқанд зўрлик билан йўқ қилингандан кейин руслар томонидан “босмачи” деб номланган миллий қўзғалиш бошланган эди”.

⁴ Темирўғли. Юқоридаги китоб. 11-бет.

фикрга ишончим ўзгарди. Шундай мисоллардан бири шуки, Хўқандга дашноқлар кириши биланоқ барча армани дўкондорлари, майфурушлари, сартарошлари, қассоблари ва бошқа касбдаги тўдалари бирваракай “инқилобчи” бўлавердилар ва дашноқ ҳарбий қисмлари шаҳарга келақолдилару, шу заҳоти шаҳарни ер билан битта қилишни бошлаб юбордилар. Барча ишхоналар, дўконлар талон-тарож қилинди, витрина ва омборлардаги ашёлар олинди ва қолган-қутганлари ёқиб юборилди. Одамларни бир жойга тўплаб ўлдиришлар, ўққа тутишлар авж олди. Бу ҳодисалардан кейин халқ, ҳақиқат мухториятчилар томонида эканига, болшавойлар ва советлар Оллоҳни танимаслиги, ислом душманлари эканлигига қаноат ҳосил қилди. Бошқа томондан, босмачилар мағлуб бўлганликларини қабул этмадилар ва Андижонга бир ҳужум уюштириб, 70 қурол ва мингларча ўқ қутилари қўлга киритдилар. Гарнизонда бўлган дашноқлар эса, бунинг учун эски шаҳарнинг қуролсиз халқини жавобгар қилдилар. Гарнизонда қолганлар тўпланиб, эски шаҳарни тинтув қилмоқчи бўлдилар. Бекордан-бекорга тутиб ўлдириш ва тажовуз ҳодисалари билан тўла бу тинтув бир ҳафта давом этди. Бунинг натижасида Андижоннинг эски шаҳар қисмидан мингларча киши босмачи сафларига қўшилди. “Босмачилар” ерли халқнинг ёрдами билан, 170 аскардан ташкил топган дашноқлар гуруҳини қуршовга олиб, юқоридаги воқеанинг интиқоми сифатида дашноқларни битта қўймай қириб ташладилар. Бу ҳодисадан кейин ҳам қуролсиз ерли халқ айбланди ва 170 кишилик дашноқлар гуруҳининг интиқомини олиш учун 250 кишилик қизил гвардиячилар қўшилмаси ташкил этилди. Мазкур қўшилма Советларнинг Ўлка Қўмитаси бошлиғи Салаев қўмондонлиги остида Хўқандқишлоққа ҳужум қилиб, қишлоқни ер билан битта қилди. Қочган халқ 20 чақирим (1 чақирим — 800 метр) ергача қувиб борилди ва ҳаммаси ўлдирилди. Бошқа бир ҳарбий қўшилма босмачилар билан Сузоқ қишлоғи атрофида тўқнашди. Қишлоқ халқи босмачиларни дарё бандаргоҳига яширади, шу туфайли қишлоқликлар бирваракай ўққа тутиб ўлдирилади ва жасадлари бир ой давомида итларга

қолдирилади. Коновалов (кейинроқ у Фарғона водийсида қизилгвардиячи қўшинларнинг қўмондони бўлади) командирлиги остида Қизил Армиянинг Учинчи аскарый қўшилмаси Бозорқўрғонга босмачиларни таъқиб этиб кириб боради. Бу қўшилма олдинга бостириб бораркан, шаҳардаги раҳбар идораларнинг диққатини жалб этмаслик учун, яширинча ҳаракатда бўлишни афзал кўради. Бозорқўрғонга борганларида у ерда босмачилар билан тўқнашадилар. 24 соат давом этган жанг натижасида “босмачилар” жанг майдонидан билдирмай ортга чекинадилар. Коновалов, Бозорқўрғонни тарк этишида, чор мустамлакачиси Никольскийни бу ерни “босмачилар”дан тозалаш вазифасига тайинлайди. Қулоқлар (яъни бу ерларга эга чиққан руслар, тупроқ оғалари) Бозорқўрғонни 22 кун бўйи “тозалайдилар”. Олдин одам тутиб келиш, кейин ўлдириш ва охири ҳеч нарчасини қолдирмай талон-тарож қилиш қабиллида қўлларидан келган барча номаъқулчиликни қиладилар. Эрлар “босмачилар”га ёрдам берган кишилар сифатида, болалари бир кун улғайиб босмачи бўлиши мумкин, деган фикр асосида ўққа тутилади.

Мустамлакачилар маҳаллий халқ билан уч марта сулҳ шартномасини имзолайдилар. Бундай шартномани имзолашдан қўрққан ва бош тортган кишиларни бир ерга тўплаб, устларига яна рус деҳқонларини ҳужумга ташлайдилар ва халқни ўлдириб йўқ қилиш учун нимаики керак бўлса ўшани қилардилар. Охирида халққа, ўликларни йиғиб олиб кўминглар, деб буюришарди. Халқ жасадларни тўплаб, мазорларнинг бошларида дуолар ўқиб, ўз диний бурчларини адо этаркан, рус деҳқонлари янгидан ҳужум қилиб, қўлларига берилган кучли қуроллар билан жаноза ўқиётган инсонларни шафқатсизларча тутдай тўкишарди. Бозорқўрғондаги бу ҳодиса, рус мустамлакачиларининг қизилгвардиячи қўмондонлар олдида обрўйини оширгани инкор этиб бўлмас бир ҳақиқатдир. Бу ҳодисалардан илҳомланган қўмондонлар ўлкадаги барча рус деҳқонларини қуроллар билан таъминлайдилар. Жалолобда деҳқонлар армиясининг қароргоҳи (штаби) тузилади ва Фарғона водийсида 1916 йили Еттисув ўлкасида тузилганидай, айнан

ўша тоифада ишлай бошлайди. Дашноқларнинг ва қулоқларнинг бу хил хатти-ҳаракатлари ҳақида кўпдан-кўп маълумот ва манбаларни келтиришимиз мумкинки, бу — рус ҳокимият вакилларининг мазкур масалада ўзларига асос қилиб олган кўр-кўрона ва ноқобил ишлари, минтақада босмачилар сафининг ортишига сабаб бўларди”¹.

Рискулов, ўз даврида бу фожией воқеаларни нисбатан тўғри далиллар билан тасвир этган, аммо у, советларнинг ва дашноқларнинг кўрсатган ваҳшийликлари аслида шўро ҳарбий раҳбариятининг озодлик курашчиларига нисбатан олиб борган стратегиянинг бир парчаси бўлганини айта олмас эди.

Озодлик жангчилари одим-одим Фарғона водийсининг ҳар ерида жойлашиб, жангчи қисмларни ташкил этишаркан, Тошкентдаги Совет комиссарлиги миллий мухторият ҳукуматини қурол билан йўқ қила олганидан кайфи чоғ ва маст-аласт ҳолда “зафар нашидасини” суришарди². Энди улар ўз ҳокимиятларини мустақамлаш учун, Туркистоннинг бошқа минтақаларида Совет Русияси гегемониясини ўрнатиш тўғрисида ўйлаб ўтиришарди. Мана шу фикрлар, 1918 йили март ойида Совет Русиясининг Бухоро шаҳрига илк ҳарбий ҳужумлари, тажовузларини бошлаб юборишига олиб бораётган эди.

БУХОРО АМИРЛИГИГА ҚАРШИ ИЛК СОВЕТ ТАЖОВУЗИ

1917 йил феврал инқилобидан кейинги вақтларда Бухоро Амирлигида икки бир-биридан фарқли оқим мавжуд эди. Бири — Совет Русиясига боғлиқлиги ҳақида баёнот бериб, ўз ҳукмдорлигини оёқда тутишга ҳаракат қиляётган Амир Саид Олимхон ҳокимияти. У юз берган феврал инқилобидан кей-

ин 10 мартда (1917) Русия Ташқи Ишлар Вазирига телеграмма йўллаб, Бухоро халқи ва шахсан ўзи Амирликнинг оёққа туриб олишида Русияни ҳимоячи ва самимий дўст деб билишини баён этади. Телеграммада яна шулар маълум қилинади: “Бугун, 1917 йил 10 мартда Бухоронинг барча жомеъларида рус аскарларининг ғолибиятини қутловчи дуо ва ибодатлар қилинишини амр эдим”.

Ўзларини Ёш бухороликлар деб танитаётган реформистлар (жадидчилар, янгилик тарафдорлари) ҳам Русиянинг ёрдами билан Бухоро Амирлигида таълим-тарбияни ва иқтисодиётни янгиламоқчи эдилар. Шунингдек, улар Амирнинг ёрдами билан давлат идора органларида ҳам ислохотлар қилишни истардилар. Жадидчилар феврал инқилобидан кейин ўз ижро қўмиталарини қурадилар³.

Қўмитанинг мақсади асосан советларнинг ёрдами ва мададини олиб, Амирга Бухорода тинч йўл билан ислохотлар қилдириш эди. Лекин буни амалга оширишга кучи етмаган Жадид қўмитаси ислохот дастурларини инқилоб йўли билан амалга оширишга қарор қилади.

Бухородаги жадидчи бошлиқлар, Русиянинг Бухородаги сиёсий ваколатхонаси (1917 йил апрел ойигача Русиянинг Бухородаги идораси Сиёсий Ваколатхона деб номланарди, кейинчалик Русиянинг Бухородаги Элчихонаси деб ўзгартирилди) билан биргаликда ишлаб, Амирни ислохотлар қилиш учун тазйиқ остида тутишга уринадилар. Рус сиёсий ваколатхонаси эса, жадидчиларнинг учрашувлари тўғрисида Амирга хабар бериб туриш мажбуриятини олган эди. Амир ҳам, афтидан, тазйиқларга чидаёлмай, ислохот қилишга кўнаётган эди. Лекин Амир билан жадидчилар битим тузолмай ажралишган бўлсалар-да, 1917 йилнинг 17 март куни Амир бир қатор ислохотларни ўз ичига олган бир Манифест

¹ “Революция в Средней Азии глазами мусульманских большевиков” Оксфорд, 1985. 53—56-бетлар. (Published by the Society For Central Asian studies Reprint Series Nr.3).

² *Файзулла Ходжаев*. “К истории революции в Бухаре”. Тошкент, 1926. 43-бет: “Колесов Хўқанда қўлга киритган ғолибликдан маст бўлиб ўтираркан, айна шаклда осонлик билан Бухоро Амирлигининг ҳам ҳокимияти остига ола билишини хаёлидан ўтказарди”.

³ Қўмита аъзолари: Абдулвоҳид Курбон (раис), Фитрат (котиб), Усмон Хўжа (муҳосиб), Муҳиддин Рафоат, Мусо Саиджон, Ота Хўжа, Аҳмаджон Абдулсаид, Файзулла Хўжа, Ҳамид Хўжа. Қаранг: Ф. Ходжаев. Юқоридаги китоб, 18-бет.

эълон қилади. Шу асно вақтни йўқотмай ҳаракатга ўтган жадидчилар 1917 йил 18 март куни, яъни бир кун кейин, Бухоро шаҳрида тахминан 5—7 минг киши иштирокида, қизил байроқлар кўтариб юриш ташкил қилдилар. “Муқаддас шаҳар” Бухоронинг катта кўчаларида қизил байроқлар кўтариб қоқ марказда тўпланиш ҳеч ким кутмаган бир хатти-ҳаракат эди. Амир тақрибан 500 аскардан иборат отлиқлар пиёдаларни жадидчилар йиғилган жойга юборади. Намойишчилар ҳарбийларни кўрганда майдондан тезда қочадилар. Шу тариқа воқеа ўт очилмасдан барҳам топади. Амирлик Ҳукумати 30 га яқин жадидчини қамоққа олади. Илғор жадидчилар Бухородан қочиб, рус инқилобчиларининг диққат-этибори ва ёрдамига эришиш умидида Янги Бухородаги (Когон) Ишчи ва Аскар советларининг паноҳига кирадилар. Жадидчилар ҳам ўзaro иккига бўлингандилар. Бир қисми ислохотларни тинч йўл билан амалга оширишга уринса, иккинчи қисми фақат қўзғолон йўли билан амалга оширилиши ғоясини ҳимоя қиларди. Жадидчилар Марказий Қўмитасининг раиси Муҳиддин Мансур¹ ислохотларнинг зўрлик билан амалга оширилишига қарши эди. Шунингдек, у Тошкентдаги Совет Комиссарлигининг Бухородаги жадидчиларнинг ишларига аралашуви ҳам қарши чиққанлиги туфайли 1917 йили май ойида ўз вазифасидан ажралади. Когонда сиёсий қочқин мақомида бўлган жадидчилар, Бухоро амирлигига қарши курашда қурол ишлатиш кераклигини ҳимоя қилувчи янги бир Марказий Қўмитани сайладилар². Лекин ўзларича Бухорода қўзғолон ташкил эта оладиган кучга эри-

шолмайдилар. Шу туфайли ҳам Бухородаги шўро кучларига қарам бўлиб қоладилар. Амирнинг қарорларини, рус ҳукуматини ишга солиб, ўзгартиришга ҳаракат қиладилар. Чунончи, Амир 1917 йили апрел ойида эски бош вазирини ишдан олиб, ўрнига Низомиддин Хўжани қўйганда, жадидчилар — Ёш бухороликлар Қўмитаси — Русия Ташқи Ишлар Вазирига 25 апрелда (1917) телеграмма бериб, бу шахсни бундай олий мансабга қўймаслик учун керакли тадбирни қўллашни илтимос қиладилар, чунки улар Низомиддин Хўжани ислохотлар душмани деб билардилар³.

Совет ҳукуматининг ислохотчиларга тарафдор эканлиги билиниб турарди, аммо ҳукумат Амирга қарши фаолроқ ва катта куч билан тадбирлар кўришга ҳам журъат этолмас эди. Амирликдаги рус сиёсий ваколатхонаси ўзи аслида фаол иш олиб борар ва Бухорода бўлаётган сиёсий ва маданий ишлар ва тўқнашувлар ҳақида Русиянинг ташқи ишлар вазирлигига хабар бериб турар эди. Шу маънода Русиянинг ўша пайтда жадидчилардан фойдаланиб, Амирликни тамоман рус салтанатига қўшиб олиш фикри бўлган ё бўлмагани ҳали далиллар билан аниқлангани йўқ. Аммо Русиянинг сиёсий агенти Миллер, 1918 йил 18 мартда Петербургдан келган 1176-сонли телеграммага жавобан 128-сонли махфий бир телеграмма юборгани ва унда “Бухоролик яҳудийлар орасидан, тараққийчи тужжорлардан ва шиалардан Бухоронинг тамоман Русияга қўшиб олинишини истаганлар бор”⁴ деб ёзгани маълум. Бундай хабарлар, Русиянинг Совет Ҳукумати ва Тошкентдаги Совет Комиссарлиги учун келажакда Бухоро

¹ Бухоро Амирлигида энг бой савдогарлардан бири бўлмиш Муҳиддин Мансур ўзи билан яна тужжор карвонбоши Азиз орасидаги рақобат туфайли Бухородан Когонга қочади. 1920 йилгача, гарчи ўзи Бухоро жадидчилари орасида етакчи рол ўйнамаса ҳам, ҳар қалай уларни маблағ билан таъминлаб туради. 1920—21 йилларда Бухоро Халқ Жумҳуриятининг тижорат ва Саноат Вазир бўлади. 1922 йили август ойида Марказ Ижро Қўмитаси аъзоси бўлади. 1930 йилдан кейинги ҳаёти ҳақида ҳозиргача бирон-бир маълумот топилгани йўқ.

² Янги тузилган қўмилада қуйидаги жадидчи раҳбарлар бор эди: Абдулвоҳид Бурҳон (раис), Раҳмат Рафиқ, Фатхулла Хўжа, Фитрат, Файзулла Хўжа, Тагиев, Фазмиддин Махсум, Мусо Саиджон, Оғдор, Усмон Хўжа, Ота Хўжа, Ҳожи Мирбобо.

³ И. И. Тоболин. (Тўпловчи). “Бухара в 1917 году”. “Красный архив”. 1927. № 20, 105-бет: Бу мақолада Русиянинг Бухородаги сиёсий ваколатхонаси томонидан Русия Ташқи Ишлар Вазирлигига юборилган бир қанча телеграммалар эълон қилинган бўлса-да, Москва ва Тошкентдаги Совет Марказларидан Бухородаги рус сиёсий ваколатхонасига юборилган ҳеч бир телеграмма эълон қилинмаган.

⁴ И. И. Тоболин. Юқоридаги асар, 81-бет.

Амирлиги борасида чиқарилиши мумкин бўлган қарорларига асос бўладиган муҳим ҳужжатлар сифатида қабул этилмоқда эди.

Русиянинг Совет Ҳукумати Афғонистонга, Эронга, Хевага, Туркияга ва Кавказ ўлкаларига нисбатан қандай ҳаракат қилган бўлса, Бухоро амирлигига нисбатан ҳам шундай ҳаракат қилаётган эди. Рус ҳукумати Бухородаги ва Хевадаги ваколатхонасини “Совет Социалистик Республикаси Мухтор Ваколатхонаси” тарзида ўзгартирди.

Русиянинг Совет Ҳукумати 12 декабрда (1917) Туркистон Совет Халқ Комиссарлигига юборган бир телеграммасида Бухоронинг тўла мустақиллиги қабул этилганини билдирди¹. Бу ифоданинг чинлигига шубҳамиз йўқ, чунки бу ҳужжат аслида Тошкент Давлат Архивидан олинган. Масаланинг яна бир муҳим томони шуки, Англиянинг фаолиятини ўлкада чекламак учун Петербургдаги Советлар шарқ халқларини қўлга олишга катта аҳамият бераётган эди. Бошқа тарафдан Тошкентдаги Совет режимига қарши бир марказ бўлажагини кўз олдига келтириб, Бухоро амирлигининг мустақиллигидан қўрқаётган эди. Шу туфайли Советлар Бухоро амирлиги ва унинг атрофларидан Тошкентдаги фаолиятларига ёрдам берадиган кишилар қидиришга киришади. Тошкентдаги Совет идораси ва кишиларнинг ёрдами билан Русия Совет Ҳукумати ўзларига керакли кишиларни топадилар. Булар ислохотчи сиёсий муҳожирлар эди. Тошкентдаги Совет Комиссарлиги Когон (Янги Бухоро)даги рус ишчи, деҳқон ва аскарлар кенгаши орқали бухоролик жадидчи қочоқлар билан алоқа боғлайдилар. Когонда Полторацкий, Преображенский ва Уткин каби рус инқилобчилари бу воқеани амалга оширишда жуда муҳим рол ўйнадилар. Изчил жадидчилар Амирлик режимини йиқитишга қаратилган режаларини совет йўлбошчилари билан муҳокама қилиб пишитдилар. Преображенский Ёш бухороликлар Марказий Қўмитасига бир ҳайъат тузишни таклиф қилади, унинг

фикрича, бу ҳайъат Тошкентда Халқ Комиссарлиги Шўросининг раиси Колесов билан Бухоро Амирлигига қарши қуролли чиқиш уюштириш борасида гаплашиб олиши керак... Шунда Файзулла Хўжа билан Преображенскийга 1917 йил декабрь ойида Тошкентга бориб келиш топширилади. Ислохотчиларнинг Марказий Қўмитаси ила Когондаги совет йўлбошчилари Бухоро амирлигига қарши қуролли кураш режаларини тузиб оладилар. Бухорода жуда қисқа вақт ичида қўзғолон уюштиришга қарор қиладилар. Режага кўра, Марказий Қўмита Бухоро ва Карки шаҳарларида иккита алоҳида-алоҳида қўзғолон уюштириши керак эди ва Бухородаги қўзғолон ярим кечаси тўсатдан бошланмоғи, кун бўйи ҳукумат бинолари бирма-бир ишғол этилмоғи, амир ва вазирлар қўлга олинмоғи лозим эди. Агар жадидчиларнинг кучлари етмай келса, “ўртоқ” Колесов билан алоқа боғланиши ва темир йўл бўйлаб қизилгвардиячилар томонидан мадад уюштирилиши лозим эди. Тошкент ҳам ёрдам бериши керак эди. Файзулла Хўжа билан Преображенский бу режани Колесовга тақдим қилганларида, Колесов айтилганларнинг ҳаммасига рози бўлганди. Файзулла Хўжа кейинчалик бу мавзуга қайтиб, қуйидагиларни ёзган эди:

“Колесов принципда бизнинг режаларимизни маъқуллаган эди, лекин бизга ҳеч шошилмай, ҳар нарсани аста-аста тайёрлашимиз лозимлигини уқтирганди. Бизга Хўқанд мухтор ҳукуматининг босган қадамларини хотирлатиб, мухториятчилар мустақил буржуазия Туркистони деб йўлга чиқдилар-у, аслида миллатчи ва инқилобга қарши бир Туркистон учун бирлашдилар, деган танбиҳ билан уларни намуна қилиб кўрсатди. Натижа эътибори ила Тошкентдаги Совет ҳукуматининг назарида, бевосита Тошкент Советларига қарши уюшган Хўқанд ҳукумати, бевосита Советларга таҳдид солмаётган Бухоро амирлигидан ёмонроқ эди. Узлуксиз алоқада бўлиб туришига қарор қилинди. Колесов, Ёш бухороликларга ҳар турли ёрдам қилишга сўз

¹ Андрей Артёмович Гордиенко. “Творческая роль Советского государства и права в социалистическом преобразовании Туркестана”, Ташкент — 1959, 79-бет.

берганди. Унинг ҳисоб-китобича, икки ойдан сўнг Хўқанд таҳликаси батамом битиши керак эди, ўшанда у Бухорода сўнгги операцияларга киришаверар эди”¹.

Совет қўшинларининг Хўқанддаги муваффақиятлари совет Комиссарлигининг иштаҳасини очиб юборди. Тошкентдаги руслар, Бухородаги жадидчиларнинг ёрдами билан, ортиқча талофатларсиз қисқа вақт ичида Бухорода Совет ҳокимиятининг таъсис этилажагига қаттиқ ишонган эдилар. Шу мақсад йўналишида хизмат қилаётган ислохотчилар, Когондаги Русия Совет ҳукумати вакиллари ва Тошкентдаги Совет Комиссарлиги “Бухоро халқи Бухорода рус қизил гвардиячиларни ва жадидчиларнинг қўшинларини кўрсалар мамнун бўлардилар” мазмунидаги қалбаки хатлар, хабарларни йиға бошладилар. Ислохотчиларнинг Марказий Қўмитаси ва Колесов Бухоро Амирлигига қарши қуролли ҳужумни 1918 йилнинг мартда бошлашга қарор қилдилар. Жадидчилар Бухородаги кўзғолонни бошқаришга етти кишилик² бир қўмита тuzдилар. Колесов 28 февралда (1918) йилда тақрибан 600 кишилик қизил гвардиячи қўшилмалари билан Когонга келди. Колесов жадидчиларнинг Қўмитасига “Қизил Армия қўшинлари Амир қўшинларига қарши жанг бошлашга тайёр”лигини хабар қилди. Бу воқеа бўлганида ҳужум бошланишига 5 кун қолган эди. Икки “қаҳрамон” — Туркистон Халқ Комиссарлиги шўроси Фёдор Колесов ва Ёш бухороликлар ижро қўмитаси раиси Файзулла Хўжа 1 мартда (1918) Бухоро Амирига Колесов айтиб турган бир ултиматумни юбордилар. Ултиматум шундай эди:

“Бухоро Амирига!

1 — Бу мактубимиз билан Ёш бухороликларнинг³ талабларини сизга етказаетирмиз ва бу талабларнинг 24 соат ичида сўзсиз адо этилишини талаб қиламиз.

2 — ҳукумагингизни бекор қилингиз ва унинг ўрнига шу ондан эътиборан ҳокимият Ёш бухороликлар Ижро Қўмитасининг қўлига ўтадиган тарзда уларни вазифага тайинлангиз, янги қуриладиган ҳукуматни — Сиз билан келишилган ҳолда — ижро қўмитаси тайинлайди.

3 — қон тўкилишининг олдини олмақчи бўлсангиз бу талабларни табиий тарзда қабул этингиз. Агар бу шартларни қабул этмасангиз, тўкилажак қонлар учун жавобгарлик сизга юкланади. Айтилган ҳолда қилинадиган барча ҳаракатлар бизнинг томонимиздан маъқулланади. Жавобингиз бизнинг шартларимизга мувофиқ бўлмоғи шарт. Ундай бўлмаган тақдирда буни талабларимизнинг рад этилиши деб баҳолаймиз.

Туркистон Халқ Комиссарлиги Раиси — Фёдор Колесов.

Ёш бухороликлар Ижро Қўмитаси Раиси — Файзулла Хўжаев”⁴.

Амир жавоб қайтаради, аммо талабларни қабул қилмайди. Шунда — 2 мартда (1918) темир йўл бўйлаб жойлаштирилган 2000 Совет аскарлари билан бирга Ёш бухороликларнинг уюштирган 200 кишилик қўшини Бухорога ўт оча бошлайди. Советлар, “Бухоро Амири 1918 йил мартда Туркистон Халқ Комиссарлиги Шўроси ҳайъатини ўлдириш тўғрисида амр берганлиги ва шу тариқа Советларга қарши уруш бошлаганлиги”⁵ни иддао қиларди. Бу иддаолар тамоман алдамчилик эди, чунки Совет Комиссарлиги, ҳужумдан олдин, ҳеч қандай ҳайъатни Амирга юбормаган эди. Ҳеч қандай Совет вакили Амирнинг фармони билан ўлдирилмаган, Совет маъмуриятининг ўзи уруш бошлаб, айбни Амирга тўнкаётган эди. Совет аскарлари Амирнинг қўшинлари билан Бухорога яқин Фотиҳободда тўқнашадилар. Жанг деярли ўн кун давом этади. Қизил қўшинларда бир зирҳли поезд (бронепоезд)га ўтказилган 12 пулемёт, 250 аскар (1 жаҳон урушида асирга олинган ав-

¹ Файзулла Ходжаев. Избранные труды. 1 том. Тошкент, 1970. 134—135-бетлар.

² Бу кишилар шулар эди: Файзулла Хўжа, Ота Хўжа, Абдурауф Фитрат, Бурҳонзода, Оғдор, Қори Йулдош Пулат.

³ Ёш бухороликлар ила Советларнинг талаблари, аслида, Амирнинг ҳукумат кучини ислохотчиларга топшириб, жадидчиларнинг ислохот қилишларига имкон яратишдан иборат эди.

⁴ Ф. Ходжаев. Юқоридаги китоб. 143-бет.

⁵ Гордиенко. Юқоридаги китоб. 126-бет.

стриялик жангчилар) бор эди¹. Советлар ва уларнинг иттифоқчиси бўлган реформистлар Бухоро амирлиги тупроқларида узил-кесил ва қатъий мағлубиятга учрагандилар. Жадидчилар Совет раҳбариятига, Бухоро халқи Ёш бухороликларнинг ҳужуми чоғида, албатта, кўзғолади деб сўз бергандилар. Лекин бундай бўлмади. Шунда Совет маъмурияти Колесов қўшинларини кучлантириш учун яна ҳарбий қисмлар юборишга қарор қилади².

Шахсан Колесовнинг ўзи ҳужум бошлашга, кейин Когонга чекиниб, у ерда мудофаага ўтишни буюрган эди. Тошкентдаги Совет маъмурияти, Домогацкийнинг ва Колузаевнинг қўмондонлиги остида ташкил этилган икки бўлак ҳарбий қисмларни (уларнинг саноғи аниқланмаган) ёрдам учун шаҳарга жўнатиб, Бухорога ҳужумда қатнашган Совет қўшинларининг тамоман йўқ бўлишидан қутқарганди. Туркистон қўшинларининг бош қўмондони 14 мартда (1918) ўтни тўхтатиб, амирлик тупроқларидан чиқиб кетишни буюрган эди³.

Энди Совет қўшинларига суянган жадидчилар билан Бухорода кўзғолон бўлишини кутиб ҳаракат қилган Совет маъмурияти орасида келишмовчиликлар бошланаётган эди. Совет армиясининг шармандаларча енгилгани ва бунинг натижалари узлуксиз муҳокамаларга тушди. Ҳар икки тараф айбни бир-бирига юклаётган эди.

Бухоро амирлиги ва Совет қисмлари тинчлик шартномаси тузадилар. Икки тарафнинг ҳайъатлари⁴ рус манбаъларида “Рус ва Бухоро вакиллари-нинг 25 мартда (1918) Қизилтепадаги Шартнома Протоколи” сифатида танилган тинчлик шартномасига кўра 25 мартда (1918) Қизилтепа бекагида (поезд станциясида) бир битимга келадилар. Шундай қилиб, Совет ҳукумати ИККИНЧИ МАРТА Бухоро Амирлигининг мустақиллик ҳуқуқларини танийди⁵.

Сал кейинроқ Совет тарғиботчилиги томонидан “Колесов можароси” сифатида таърифланган ва ҳар икки тарафдан ҳам саноқсиз фалокатга сабаб бўлган. Совет Русиясининг Бухоро

¹ Rudolf Kostenberger, Mit der Roten Armee durch Russisch-Zentralasien, Gras 1925, s.15. Балки, Бухоро жангида ишга солинган германия ва австриялик уруш асирларининг сони бундан ҳам ортиқроқ бўлган. Бу тўғрида маълумот берувчи манбааларга қаранг: Political Intelligence Department, Foreign Office; Memorandum on political development in russian Central Asia since the revolution (june 27, 1918), India Office Library, C/Pand S/10/721 p/8: “The same informant also states that the German and Austrian prisoners of war again fought on the Bolshevik Side, especially in the Bukhara campaign. He estimates them at 8000 Germans and 30000 Austrians and regards them though this seems an exaggeration, as a menace to India. Бухорога қарши Советларнинг уруши ҳақида яна қаранг: Helene Carrere D enause, Reforme et Revolution ches les Muselmans de L'empire Russe, Bukhara, Paris 1966, s. 223—238. Айна муаллиф: Islam and Russian Empire. Reform and Revolution in Central Asia (Юқоридagi асар таржимаси), London 1998, s. 154—59. Султон Б. Жонмуратов Гражданская война в Киргизии. Фрунзе, 1963, 125-б. 118-изох: “1918 й. баҳорида Совет Ҳарбий Қўшинларининг Бухоро ва Хивани Туркистон Совет Жумҳуриятига қўшиш учун олиб борган урушлари муваффақиятсизлик билан якунланган эди”.

² Иноят (муҳаррир) “Хроника событий Великой Октябрьской социалистической революции в Узбекистане”, Тошкент, 1975. 123-бет. “Дарҳол Самарқанд, Чоржўй, Ашхобод, Марв, Қизил Ровотдан қизилгвардиячилар қўшимча ёрдамга юборилган эди”.

³ Тошкентдан келган комиссар П. А. Домогацкийнинг Бухорода жанг қилган Қизил Армия қўшинларига берган амри шундай эди: “Бу буйруқни олар-олмас уруш ҳолатига барҳам бериб, ўтни тўхтатиш чоғи мудофаа жабҳасини олиб, тинчлик учрашувларига ўтилсин. Бухоро мақомлари билан Бухорода асирлар алмашишга тайёргарлик кўрилсин. Мусулмон аҳолининг тинчлик фаолиятларига ишгиरोқини таъминлаш мақсадида тинч-тотув алоқалар ўрнатилиш чоралари кўрилсин. “Қаранг: Иноят. “Победа Октябрьской революции в Узбекистане “ 2-ж. Тошкент, 1972, 179-бет. Асарда Бухорога ҳужум қилиш буйруғи билдирилмаган.

⁴ Учрашув ва музокараларни олиб борган ҳайъат қуйидагилардан иборат эди: Совет томонидан — В. М. Копилов: сулҳ музокарачиси А. Ф. Солкин: Совет Туркистонининг алоқа комиссари: А. Ж. Балперин: Янги Бухоро (Когон) шаҳри раиси: П. П. Введенский: Туркистон Совет Халқ Комиссарлигининг ишончли вакили; Хўжа Ҳайдар Мирбадалов. Бухоро томонидан Мирза Салим Парвоначи, Бий Хўжа Абдурауф, Карвонбоши Азиз, Мирбобо Мирохур. Қаранг: “Бюллетень Средне-Азиатского унив. вып. 16, Т. 1927 йил, 96-бет.

⁵ Gerhard von Mende. Der nationale Kampf der Russi and Turken. Berlin, 1936, 148-бет; Fredrich Marshman Bailey, Mission to Tashkent, London. 1946, 299-бет: “The Bolshevik, leader had required quite a wrong idea of the strength of Young Bokhara Party and the was eventually obliged retire and to sign a treaty in Mart 1918”. Eugin Youkoff Xenia and North Carver Robert, Soviet Russia and the East. 1920—1927 Standford Universty Press 1957, 30-бет. “The Turkestan Soviet obliged to sign an agreement with the Emir pleading to refrain from interference in the internal affairs of Bukhara”.

Амирлигидаги ҳарбий қароқчилигига Қизилтепадаги тинчлик шартномаси билан чек қўйилганди¹. Жадидчи раҳбарлардан бири бўлмиш Садриддин Айний “Совет Қўшинлари ортага қайтиб кетаркан поезд бекатларига яқин ерлардаги туманларни талон-тарож ва хароб қилганликларини”² ёзади. Шунда улар “Ёш бухороликларни ҳам қамоққа олаверишгани ва ҳеч аяб ўтирмай отиб ташлашгани”ни маълум қилади.

Советларнинг ва жадидчиларнинг тажовузи ва охир-оқибатда бу тажовузнинг мағлубиятга учрагани Амир ҳукуматининг ғазабини ошириб юборганди. Ҳукумат 1918 йил мартдан кейин ислоҳот тарафдорларини хоинликда айблаб, қатл қилдира бошлади. Улардан ташқари Совет қўшинларининг босқини пайтида улар билан алоқага киришган юқори лавозимли тўққиз амалдор ҳам қатл қилинганди. Советларнинг Бухорога ҳужуми ва ҳарбий жиҳатдан мағлубияти Амирликда Советларга қарши норозилик юзага келишига сабаб бўлганди. Маълумки, Амир ва унинг ҳукумати февраль ва октябрь тўнтаришларидан кейинги рус ҳукумат-

ларига садоқатини ўзгартирмаганди. Амир, Совет қўшинларининг февралдаги (1918) Хўқанд қирғинбаротларни қоралаб чиқмади, 13 декабрь 1917 йилда Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон Мухтор ҳукуматини қўллаб-қувватлаш митингини ҳам ёқламади. Лекин 1818 йилнинг мартада “бир сесканди”, шунда ҳам яна совет ҳокимиятининг кучига суянди. Амир, Совет ҳукумати Бухоро Амирлигининг мустақиллигини ҳимоя қилажагига ишонарди. Шу туфайли ҳам 1920 йил сентябригача Туркистон миллий мужодаласига на қўшилган ва на қўллаганди. Барибир Совет қўшинларининг Бухородаги мағлубияти Фарғона водийсидаги миллий-озодлик кураши олиб бораётган кучларнинг ғайрат-шижоатини орттирганди.

Советлар мағлубиятни ҳеч ҳазм қиллолмаётган эдилар. Улар қандай бўлмасин Амирликни босиб олишни истардилар. Лекин бунга тайёргарлик учун вақт керак эди³. Москва ва Тошкентдаги Совет маъмуриятлари Бухоро жадидчиларининг Амирликка қарши мужодаласидан ҳар тарафлама фойдаланиш ниятида эдилар.

Туркчадан
МИРАЗИЗ АЪЗАМ
таржимаси



¹ Бюллетен Средне-Азиатского Государственного университета. Выпуск I., Ташкент, 1927, 95-бет.

² Садриддин Айний. Бухоро инқилобига оид материаллар. Москва, 1926. 33-бет. Беш минг австриялик жангчи асирлардан ташкил топган ҳарбий батальон кўмондони Степнов Бухородан 25000 сўмлик олтин маблағни талаб кетганди, у ва унинг ҳарбий қисмлари 1918 йил май ойида Оренбург жабҳасига юборилганди. Пулни урушга сарфлашдан бош тортганда отилган. Қаранг. Костенбергер.

II нашри. 1925, 43-бет. Бухородан чекинишда Совет қўшинлари уч вагон тўла олтин ва жавоҳирот олиб кетганди. Қаранг: Баилей. Юқоридаги китоб. 299-бет. Совет аскарлари Амирликнинг ярадор аскарларини ҳам отиб кетишарди. Қаранг: Костенбергер. 23-бет.

³ Б. Ҳайит. “Бухоро ва Хева мустақиллигининг битирилиши тарихига доир баъзи эскартмалар”. “Миллий Туркистон” 1967, 120-сон. 14-бет.

Фаробийнинг издошлари

Бундан бир неча йил муқаддам таниқли ўзбек шарқшуноси Неъматилла Иброҳимовнинг “Ўрта аср араб халқ романлари” номли йирик тадқиқоти ўзбек ва рус тилларида босилиб чиққан эди. Илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилган бу қимматли асар бошқа тилларга ҳам таржима қилина бошлади. Жумладан, у “Ар-ривоятуш-шаъбиятул-арабия” (Араб халқлари романлари) номи билан 1994 йилда Ливан пойтахти Байрут шаҳрида “Шарикатул-матбуоти Литтавзиъи ваннашр” номли муассаса томонидан катта ҳажм, чиройли ҳарфлар билан олий навли қоғозда нашр этилди.

Биз ҳурматли ўқувчиларни мазкур арабча нашр билан таништириб ўтмоқчимиз.

Китоб сўзбоши, уч боб, ҳошиялар (изоҳлар) ва адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 301 бетни ўз ичига олади. Биринчи боб халқ романлари мавзуини ўрганиш тарихига, иккинчи боб араб халқ романлари тузилишига, учинчи боб эса араб халқ романлари қаҳрамонларига бағишланади.

Муаллиф китоб сўзбошисини ҳозирги давр адабиётшунослигида халқ романи ёки кенг кўламдаги халқ қиссасидан иборат бўлмиш араб халқ адабиётининг ниҳоятда кенг тарқалган жанрларидан бири, яъни Сийра (Сийрат)га илмий таъриф бериш билан бошлайди.

Сийра жанри ўрта асрларда арабларнинг турли табақалари, айниқса кичик савдогарлар ва оддий кишилар орасида кенг кўламда ёйилган “оммабоп адабиёт”дан иборат. Яқин кунларгача бундай асарлар махсус қиссахонлар томонидан баланд овоз билан бозорлар ва чойхоналарда айтилиб, мухлислар диққатини ўзига тортиб келарди. Лекин кейинчалик оммавий

ўқувчиларга мўлжалланган арзон нашрларнинг кўпайгани туфайли ушбу “бир актёр театри” назардан тушиб қолди.

Муаллиф ёзишича, сийра халқ адабиёти жанри сифатида мавқеини йўқотмади, у ҳозир ҳам кундан-кунга оммавийлашиб бормоқда, бугунги кунгача нашр қилинмоқда, сийралар асосидаги фильмлар зангори экранларда кўрсатилмоқда.

Муаллиф ўз тадқиқотида таъкидлашича, халқ романи жанри ҳозирги давр араб адабиёти билан ўрта аср адабиёти муштараклигини таъминловчи кўп-рик вазифасини ўтамоқда. Сийра илдизлари мавжуд ғайри ҳодисалар ва асотирий (мифологик) хусусиятлар билан узоқ-узоқ замонларга бориб тақалади.

Муаллиф сийра таркиби ва тузилиши нуктаи назаридан мураккаб шаклда эканлигини таъкидлаб, унда замон ва макон унсурлари бир-бирига кўшилиб, омукталаниб, Миср қадимий эртақларидан тортиб ўрта асрлар тарихий ҳодисалари ва бадий адабиёти анъаналари хусусиятларигача мужассамлашган ҳолда талқин этилишини намойиш этади. Мазкур унсурлар сийранинг умумий яхлитлигини ташкил этади.

Муаллиф сийранинг моҳияти, тадрижий механизми, ундаги образларнинг турли хусусиятлари, тарихий шахслар билан алоқдорлиги, ижод аҳлининг латиф тахайюл ва тасаввурлари, арвоҳи ҳабиса (ажиналар) ва руҳларнинг сийрада тутган роли ва аҳамияти ҳақида кенг кўламли илмий кузатишлар олиб бориб, салмоқли фикрлар билдиради. Олим изланишлар ва кузатишлари учун Дамашқ ва Қоҳирада чоп этилган халқ адабиётига оид сийра нашрларини кўздан кечириб, улардаги айрим камчиликлар, матнга хос хато-

лар мавжудлиги, шунингдек, муқадди-ма ва изоҳлар йўқлигини кўрсатади.

Китобнинг иккинчи боби “Халқ романлари мавзуларини ўрганиш тарихидан” деб аталган. Муаллифнинг ёзишча, сияр (сийралар, сийратлар) ва қисас (қиссалар) ўрта аср араб бадиий насрида ўзига хос ўрин тутаяди.

Муаллиф сийралар ўз моҳияти нуқтаи назаридан баъзи бир умумий ва муштарак жиҳатларига қарамай, араб адабиётининг мустақил бир тармоғини ташкил этиши ва ўрта аср бадиий адабиётининг тўлақонли бир намунаси эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Олим адабиётнинг ушбу жанрини тарих ёки муайян бир замон доирасида текшириш ниҳоятда мушкул, ҳатто имконсиз эканлигини тўғри белгилайди. Негаки, бу адабиёт араб халқи ва бошқа халқлар фольклори билан тўғридан-тўғри алоқа ва тўқнашувда бўлиб, бир томондан, ислом маданиятидан таъсирланган бўлса, иккинчи томондан, араб мумтоз адабиёти анъаналарига боғланган.

Араб адабиётининг ушбу жанри, унинг ўзига хос бадиий хусусиятлари, саҳлу соддалиги жиддий ўрганилмаган эди. Бунинг сабаби, биринчидан шу давр араб адабиёти бўйича мунаққидларнинг қисса ёки сийрага нисбатан тутган салбий мавқеи бўлса керак. Улар мазкур жанрни “жиддий эмаслик” ва “оммавийлик” айблари асосида камситиб келардилар. Ҳатто ҳозирги давр адабиётшуносларида ҳам шундай баҳолаш ҳукм суради. Бундай қарашлар фақат кейинги даврларда ўзгарди. Ҳозир араб адабиётшунослари халқ сийралари ҳақида ёзилган тадқиқот ишларини нашр эта бошладилар.

Неъматулла Иброҳимов араб халқ қиссаларини ўрганиш ишлари биринчи бор араб мамлакатларида эмас, балки XVIII асрда Оврүпода бошлангани ҳақида қисқача маълумот бериб ўтади. Бу соҳада илмий ишлар олиб борган бир қатор шарқшунос ва адабиётшунос олимлар ишларини кўрсатиб, уларнинг меҳнати муносиб баҳолайди. Тадқиқотчи А. Галлан томонидан қилинган “Минг бир кеча” таржимасига таяниб, Оврүпода ўрта аср “араб насрини ўрганиш XVII асрданоқ бошланган эди” деб тўғри таъкидлайди. Муаллиф айниқса романтизм оқими Оврүпо адабиёти саҳнасига кириб келиши билан ушбу соҳани ўрганиш янада авж олиб кетгани ҳақида маълумот беради.

Тадқиқотчи “Зоҳир Байбарс”, “Сайфулмулк”, “Баниҳилол”, “Зотулҳимма”, “Азиз-зийбақ” сийралари ва бошқа бир қатор асарлар ҳақида овруполик олимлар, жумладан Хамилтон, Ламартин, Гулдзиҳир, Хаммер Пургаштал, Фанглин, Крачковский, Кримский, Шидфар, А. Б. Куделин ва бошқалар ёзган илмий асарлар устида муфассал тўхталади. Бу асарларнинг қатта илмий аҳамияти, шунингдек, уларда йўл қўйилган хатоларни кўрсатади, мазкур хатоларга сабаб бўлган омилларни зикр этади. Шундан сўнг у бу соҳада араб адабиётшунос олимлари томонидан ёзилган илмий асарлар ва мақолаларни кенг кўламда кўздан кечириб ўтиб, уларга нисбатан танқидий ёндашади, ижобий томонлар билан бирга, айрим камчиликларни ёритиб беради. Араб тадқиқотчиларидан Форук Хуршид ва бошқа бир гуруҳ олимларнинг ишларини юксак баҳолайди.

Китоб муаллифи турли илмий адабиётлардаги хилма-хил фикрларни таҳлилдан ўтказгач, араб халқ романлари билан бугунги романлар орасидаги муштарак томонлар ва фарқларни аниқлаб, сийранинг энг муҳим ва қадимий тузилиши асоси ҳисобланган қаҳрамоннинг “Муҳолафатул-ҳазар”, яъни табу ёки таъқиқларни бузиб юбориш хусусиятини кўриб чиқади. Анъанага кўра, таъқиқни бузиш қаҳрамонни оғир аҳволга солиб қўяди, аста-секинлик билан куч-қувватининг йўқолиши ёки ўз севгилиси гўзал аёлдан ажралишига сабаб бўлади. Табуни (таъқиқни) бузганлиги учун қаҳрамоннинг яқин одамларидан ёки буюмларидан ажралиб қолиши энг қадимий дostonлар ва эртақлар учун ҳам хос хусусиятдир.

Муаллиф таъқиқни бузиш натижасида қаҳрамоннинг оғир оқибатларга учраши хусусиятини, “Сайф ибн Зиязан”, “Антара ибн Шаддод”, “Ҳамза паҳлавон” сийралари ва бошқа халқ асарлари воситасида муфассал текширади. Масалан, Малик Зиязаннинг Каъбани бузмоқчи бўлгани, ҳасад юзасидан ўз ўғлини ўлдиришга қасд этиши, дарахтлар ичида яшовчи бир жин (ажина)ни ўлдириши (Исломдан олдин арабларда дарахтларга сиғиниш кенг кўламда тарқалган эди) ва шу кабиларни изоҳлайди. Улардан келиб чиққан фожиали оқибатларни таҳлил қилади.

Сийранинг тузилишида қадимий илдизларга эга бўлган “Ал-издиво-жия”, яъни қўшалоклик ёки бир-бирига ўхшаш унсурларнинг такрорлиниши

катта аҳамият касб этади. Муаллиф ушбу хусусиятни қизиқарли мисоллар билан ёритиб ўтади. Масалан, “Антара” сийрасида қаҳрамонни бир-бирига ўхшашмаган турли сахналарда кўриш мумкин. Бундан мақсад, қаҳрамоннинг ўсиб бораётган куч-қудратини кўрсатишдир. Масалан, Антара болалик чоғидаёқ бир кучукни ўлдириб, унинг суякларини ажратиб олади. Қўй боқаетган пайтида бўрини тилка-пора қилиб ташлайди, оёқларини қирқиб, бошини кесади. Йигитлигида арслонни бўғиб ўлдиради. Сийралар таркибида Машоҳидул-ахлому (туш кўриш) ҳодисалари ҳам кўпинча учрайди.

Араб сийраларида илоҳий қудрат бир зарурий шарт сифатида зоҳир бўлади. Шунингдек, сийра таркибида Хўжаи Хизр сиймоси ҳам катта рол ўйнайди. У доимо оғир аҳволда қолган қаҳрамонга мадад бериш учун етиб келади. Баъзан эса жин ё жодугар унинг вазифасини бажаради.

Синчков олим Неъматулла Иброҳимов араб халқ сийраси ҳали роман босқичига етмаганлиги, қаҳрамонлик эпоси ҳамда сеҳрли эртақларга хос хусусиятларни ўзида сақлаб қолган “ўтиш даври”га хос адабий тур эканлигини алоҳида таъкидлайди. У турли манбалар, жумладан ал-Балхий, ал-Маккий ва ас-Саолибий асарларида берилган маълумотларга асосланиб, араб қиссахонлиги ва қиссахонлари ҳақида, сийраларни бир даврдан бошқа даврларга ўтиши борасида ҳам сўз юритади.

Сийра қаҳрамонларида қаҳрамонлик дostonи ва эртақларга хос фазилатлар устун туради. Шу билан бирга эртақ ва сийра орасида жиддий фарқлар мавжуд. Муаллиф таъкидлашича, сийранинг ҳажми уни эртақдан ажратиб туради. Бундан ташқари эртақ қаҳрамони ўз хатти-ҳаракатларининг сабабларини изоҳлаб ўтирмайди, аммо сийра қаҳрамони нега айнан шундай иш қилаётганини тушунтиради, кейин эса амалга оширилган ҳаракатларининг сабабини яна бир карра изоҳлаб беради.

Муаллиф араб халқ сийрасида бош қаҳрамоннинг мумтозлиги ва ёлғизлигини қайд этади. У Антара ҳақидаги сийрани таҳлил қилар экан, ундаги қаҳрамоннинг ўлими маълум бир қабилянинг инқирози сифатида англади, деган фикрни илгари суради.

Неъматулла Иброҳимов араб халқ ривоятларида барча асосий қаҳрамонлардан устун турадиган бошқа бир идеал қаҳрамон, яъни Муҳаммад Расулulloҳ сиймоси борлигини, барча асосий қаҳрамонлар қандайдир бир восита билан унга бориб боғланишини ҳам тўғри асослаб беради.

Олим ўз асарида фойдаланган турли тиллардаги кўп сонли манбаларни кўздан кечирсак, бажарилган ишнинг кўлами, кузатиш услубининг илмийлиги, муаллиф матонати ҳамда машаққатли меҳнати яна ҳам ёрқинроқ намоён бўлади. Ҳақиқатан ҳам турли тилларда ёзилган уч юзга яқин илмий-адабий ва тарихий адабиётларни синчиклаб ўрганиб, тўпланган маълумотларни солиштириб, бирлаштириб, улардан илмий хулосалар чиқариш муаллифнинг кўп йиллик изчил меҳнати самарасидир.

Олим араб халқ романининг тадрижий ривожланиш жараёнини илмий кузатар экан, айрим тадқиқотчилар томонидан билдирилган фикрларга танқидий ёндашиб, илмий услуб ва тарихий фактларга асосланган ҳолда мунозарали баҳсларни ўртага ташлайди, ўз мулоҳазаларини изчил исботлаб беради.

Муаллиф текшириш ишларида “Ал-Ағоний”, “Таърих-ур русули вал-мулук”, “Ал-Иқдулфарид” каби араб классик адабий-тарихий асарлари, “Бани хилолнинг ғарбга сафари”, “Ҳамза паҳлавон”, “Сайр ибн зи-Язан”, “Ал-Малик Зоҳир Байбарс”, “Зотун ҳимма”, “Али-з-зибақ”, “Антара ибн Шаддод” сийралари, “Минг бир кеча”, шунингдек Форук Хуршид, Сухайрул Қаламовий, Аббос Эҳсон, Абдулҳаким Шавқий ва Фуод Ҳасаний каби машҳур араб адабиётшунос ва фольклоршунос олимлари асарларига мурожаат қилиб, уларнинг фикрини ижодий ривожлантиради.

Яна бир хулоса шуки, мазкур китоб, шарқу ғарб адабиётшунослари, муаррихлари ва фольклоршунос олимлари назарияларини бирлаштириб ёзилган туфайли араб мамлакатлари учун ҳам янгилик ҳисобланади.

У араб тили ва адабиёти мутахассислари, адабиётшунос ва фольклоршунос олимлар учун етук назарий илмий қўлланма сифатида ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Абдулҳаким ШАРЪИЙ ЖУЗЖОНИЙ

Коле ОМОТОСО

Фелла танлаган йўл

Қисса

I

19... йил, 22 июлнинг чоршанба куни Лондон марказидаги Викториан услубида қурилган бинонинг таг қаватида “Босс Интернейшнл” бошқарувининг дастлабки мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис эрталаб соат 11 да бошланди. Хос кийимдаги хизматкор аёл танобий эшигини ланг очгач, бошқарувнинг етти аъзоси ичкарига бирин-кетин кира бошлади.

Танобий кенг, одмигина жиҳозланган, деворлари яланг эди. Унинг ўртасида, чилчироқли қандилнинг нақ тагида қалин чанг босган қора ёғочдан ишланган катта стол, атрофига еттита — икки ёнбошига учтадан, тўрға битта стул қўйилган эди. Стол устида, ҳар бир стул қаршисида бошқарув аъзолари ҳар бирининг номаи аъмоли битилган қайдлар учун тоза қоғоз солинган жигаранг папка ётар эди. Қаторасига

*Русчадан
Асрор
САМАД
таржимаси*

Нигерия (нигер — қора дегани) Федератив Республикаси неча ўн йилликлар давомида Буюк Британиянинг мустақиллиги бўлиб келган ва 1960 йилда мустақилликка эришган эди. Мустақиллик қўлга киритилгандан бошлаб Нигериянинг нафақат иқтисоди, балки ижтимоий соҳалари ҳам, шу жумладан, адабиёти ҳам гуллаб-яшнади.

Нигерияда турли тилларда сўзлашувчи 200 дан зиёдроқ халқ бор, шунинг учун ҳам бу мамлакатда давлат тили — инглиз тилидир. Унинг адабиёти ҳам шу тилда яратилган.

Аммо йорубо, ибо, хаус, ульбе, ибибно каби маҳаллий тилларда ҳам адабиёт бор, бу адабиёт кўпроқ халқ оғзаки ижодидир. Нигериянинг Лагос ва Ибадан шаҳарларига тўпланган ҳозирги замон ёзувчилари инглиз тилида ёзадилар. Амос Тутола, Сиприан Эквензи, Чинуа Ачебе, Онуора Нзекву, Габриел Окара, Воле Шойники, Икем Иванкво сингари ижодкорлар қатори мазкур қисса муаллифи Коле Омотосо ҳам ҳозирда самарали ижод қилаётган адиблардан. 1943 йилда туғилган бу ёзувчи Лагосдаги университетлардан бирида драматик санъат факультетининг декани, санъатшунослик профессори, бир қанча пьесаларнинг муаллифи, шунингдек, ҳозирча бизга унинг “Яқиндаги бозор ҳақида хотира” романи ва ушбу қисса-си маълум.

“Фелла танлаган йўл” қиссаси Нигерия Федератив Республикасида жуда биринчи бўлмаса-да, дастлабки сиёсий детективлардан биридир.

Коле Омотосо Нигерия мустақилликини қўлга киритганда 17 ёшли ўсмир эди, унинг онги, тафаккури, олим ва ёзувчи сифатидаги иқтидори мустақиллик тараққиёти билан биргаликда шаклланди. Шундан бўлса керак, унинг барча асарлари мустақиллик мафқурасига хизмат қилади.

терилган папкалар 1 дан 6 гача рақамланган, тўрдаги папкага эса 7 рақами қўйилган эди.

Танобий деворлари, Африка харитаси осилган деворни истисно қилганда, буткул яланг. Харита, мажлис аҳли уни ўтирган жойидан бемалол кузата олиши учун столнинг стул қўйилмаган қирраси томонига осилган эди. Аммо харита ҳам ғоятда ўзига хос. Унда Араб мамлакатлари — Марокаш, Жазоир, Тунис, Ливан, Миср, Судан жойлашган Африканинг бутун шимолий қисми йўқ. Қитъанинг шу қисмини гўё ер ютгандай. Қолган қисмининг иккала томони кескир жанговар ойболтани эслатади. Бундан ташқари, харитада давлатлараро чегара деб аталиши лозим бўлган ажратувчи чизиқлар (қачонлардир ўзбилармонлик билан тортилган чизиқлар) ўчирилган, инчунун, “Босс Интернейшнл” ташкилоти Африкада мавжуд бўлган ҳар қанақа чегарани тан олмасди. Харитада иккита жуғрофий ном Жанубий Африка ва Родезия қалин қизил ҳарфлар билан кўрсатиб қўйилган эди, холос.

Жойи стол тўрида бўлган жанобдан ташқари, танобийга кириб келганлар жойларига ўтириб олишга ошиқмай, ийманиб турардилар. Аммо танобийнинг оппоқ яланг деворларидан биттасинигина безаб турган Африканинг думи юлинган товуқдек харитасига нигоҳлари тушгачгина хушлари жойига келди. Стол тўрида тик турган жаноб йиғилганларга ўз жойларини эгаллашни ишора қилди. Улар жойларига қяқнлашгач, ул жаноб стулга чўкди, бошқалар ҳам унга эргашилдилар.

— Жаноблар, мажлисимизни бошлаймиз, — деди у. — Дастлабки ярим соат ичида олдимизда турган материалларни ўрганиб чиқишимиз керак. Бу материаллар етти варақдан иборат бўлиб, мажлис аҳлининг таржимаи ҳолларини ифода этган. Ҳар бир жаноб ўз номаи аъмолини қўйиб, бошқарувнинг бошқа аъзолариники билан танишишдан бошлагани маъқул, деб ўйлайман.

У сўздан тўхтаб, йиғилганларни бирма-бир кўздан кечирди. Унинг юпқа лаблари хийла табассумга мойил титради. Бир зум сукут сақлагач, гапида давом этди:

— Албаттаки, ҳар биримиз ўз-ўзимиз билан яхши таниш бўлсак.

Раислик қилувчи шундай деб кулиб юборди, аммо унинг ҳазилига ҳеч ким аксадо бермади. Бу ҳазил мажлис иштирокчиларидан бирига — папкасида “3” рақами белгиланган жанобга маъқул тушди-ю, аммо кулишимни раислик қилувчи тўғри тушунармикин деган ўй билан у ҳам жилмаймади. Стол тўридаги жаноб бирдан жиддий тортди: ҳозиргина ҳазил қилмагандай эди гўё. У олдидаги қоғозлар солинган папкани очди, бошқалар ҳам унга тақлид қилдилар. Аммо у мажлис аҳлининг жунгина номаи аъмолини ижтиҳоб ўтирмақчи эмас, чунки, мажлис аҳлининг ҳар бирини, қилмиш-қидирмишларини биларди. Унинг папкасида еттита номаи аъмолдан ташқари мажлиснинг кун тартиби белгиланган қоғоз ҳам бор эди. Бошқалар бир-бирларининг таржимаи ҳоллари билан танишаётганларида у кун тартиби битилган қоғозга тикилди. Ярим соат давомида бу олтовлон қоғозларни шитирлатишди, бошларини кўтариб, бир-бирларига қараб: “Эй, сиз экансиз-да!” — дегандек бўлишди.

1-рақамли стулда 1927 йилда туғилган, чўзинчоқ бадбашара, калбош, жиккакки-на Уильям Геддес ўтирарди. У ўзининг меҳнат фаолиятини 12 ёшидан Американинг “Интерармз оф Америка” компаниясининг Британиядаги “Хью Кавер энд санз” (қурол олди-сотдиси) бўлим фирмасида югурдакликдан бошлади. Йиллар ўтди, Уильям Геддес хизмат пиллапояларидан тармашиб юқорига интилди, “Хью Кавер энд санз” фирмаси директорлар кенгаши аъзоси бўлди ва “Интерармз оф Америка” компаниясининг асосчиси, президенти ва ягона хўжайини Сэмюэл Коммингснинг алоҳида ишончли кишиларидан бирига айланди.

2-рақамли стулни 1918 йилда туғилган журналист Жеймс Линд эгаллаганди. Линд ўз вақтида Африкани хўп кезган ва унинг шов-шувга сабаб бўлган репортажлари Англиянинг машҳур газеталаридан бирида босилган эди. Англияга қайтгач, унга империя олдидаги хизматлари учун, ўзи такрорлашни хуш кўрган рицарлик унвони берилди. Бўйи пастаккина, сиртини силаб, олифтагарчиликка зеб берадиган одамга ўхшарди. Жеймс Линд жанобларининг халқаро журналистикадаги муваффақиятлари ҳамкасблари ва дўстларини сўзсиз ҳайратда қолдирган эди.

3-рақамли жой иқтисодиёт доктори Жон Мортга ажратилган эди. Жон Мортнинг “Африканинг мустақиллик давридан аввалги ва кейинги иқтисодиёти” китоби Америка ва Фарбий Европанинг Қора Африкага берган пуллари бу мамлакатларда гўё ҳокимият жиловини ушлаб турган “пасткаш-нўноқ ҳокимлар” томонидан

қандай тарзда талон-тарож қилинаётганлигини яхшироқ билишни истаган одамлар учун қимматли қўлланма эди. Жон Морт 1935 йилда туғилган ва кўп йиллар мобайнида Жанубий Африкада яшаган. Раислик қилувчининг ҳазилига жилмаймоқчи бўлиб, аммо ўзини тўхтатиб қолган шу жаноб доктор Жон Морт эди. Бу одам баланд бўйли (6 футу 4 дюйм) ва бақувват гавдали одам эди. У “Босс Интернейшнл”-да иқтисодийёт бўлимини бошқаради.

4-рақамли стулда 1931 йилда туғилган доктор Фредерик Стюарт ўтирарди. У Англияда машҳур врачлар оиласида туғилган. Бу одам нозик қад, деярли кал, думалоқ юзининг ягона безаги мугузли ойнаги эди. У “Босс Интернейшнл”да тиббийёт бўлимини бошқаради.

5-рақамли жойни 1921 йилда туғилган майор Хью Стрейн эгаллаган. Унинг шамолда қорайган юзи доимо саёҳатда юрадиган одам эканлигидан далолат берарди. Унинг қоп-қора қуюқ сочлари бот-бот пешонасига тушар, сочларини қўллари билан тез-тез тараб турарди. Хью Стрейн ёшлигидан боксга ишқибоз бўлиб, иккинчи жаҳон уруши даврида Шимолий Африка ва Арабистонда хизмат қилган пайтида армия бригадаси чемпиони бўлган.

Унга жуда ўхшайдиган, ўрта бўй, тўладан келган, оқ соч жаноб — 1911 йилда туғилган Алекс Брантон 6-рақамли жойни эгаллаган эди. Алекс Брантон 30-йиллар иқтисодий танглигининг оғир вақтларида ота-онаси билан она юрти Глазгодан Австралияга қўчиб кетган эди. Кейинчалик Фарбий Африкага миссионер бўлиб жўнади. Шу кўча у антропология билан шуғулланди. Туб аҳолининг муқаддас қурбонлик маросимини ўрганишга киришди ва натижада “Африканинг маҳаллий аҳолиси ўртасида муқаддас қурбонлик маросими” деган китобини чоп этди. Алекс Брантон барча африкаликлар бир хил ва оқ танли одамнинг ўзига қиёсан ва ўтмишига асосланиб уларни тушунишга ҳаракат қилиши бекорчи нарса, деган ақидада устивор эди. Унинг назарида, африкаликлар — кап-катта бола.

Ўрта бўйли гирдигум полковник Питер Блеклог 1901 йилда туғилган. У ўз ёшига нисбатан анча навқирон кўринади. Бу ҳақда гап қўзғалса, мақтаниб: “Ёшлигимда кучимни беҳуда сарф қилмаганман”, деб қўяди. Афтидан, полковник ҳазил-хузулга мойилроқ эди. Шунингдек, у ўзига бино қўйган, зид фикр айтадиганларни ёқтирмасди. Полковник гарчи бошқаларга ҳам ўз фикрини айтишга имконият берса-да, аммо табиийки, ўз фикрини ниқталаб ўтказишни биларди. Питр Блеклог ёшлигиданоқ ота-онаси билан Жанубий Африкага келиб қолган. Африка истилочилари ҳокимиятни тортиб олиб, мамлакатда ирқий тартибларни ўрнатаётганларида Питернинг ота-онаси ягона ўғил билан Англияга қайтишди. Ун саккиз яшар Питер 1919 йилда яна Жанубий Африкага келди. У Жанубий Африка армиясига кириб, полковник унвонини олгунча хизмат қилди. Жанубий Африка полицияси 1961 йил март ойида осойишта намойишчиларни Шарпевиль ва Ланг қасабаларида ўққа тутганда, полковник бу мамлакат туб аҳолисининг ҳаммасини, намойишда қатнашганини ҳам, қатнашмаганини ҳам, концентрацион лагерларга ташлаш ҳақида таклиф киритди. Блеклогнинг таклифи мудофаа ва ички ишлар вазирлари томонидан қўллаб-қувватланмади. Модомики, полковник ўз сўзини ўтказа олмадим, бас, Жанубий Африкадан кетишга қарор қилди. Англияга даф бўлган полковник ўшандан буён Лондонда яшайди.

Полковник Питер Блеклог калта ялтироқ сочларини узлуксиз силаб туришни одат қилган, бинобарин, у бутун Африкани оқ танлилар ишғол қилиши керак, деган ғоясини қандоқ ардоқласа, сочларини ҳам шундоқ иштиёқ билан ардоқлар эди. Полковник Блеклогнинг стули 7-рақам бўлиб, мажлисга раислик қиларди.

Соат 11 дан 29 дақиқа ўтганда полковник папкани ёпиб, мажлис аҳлини кўздан кечирди. Баъзилар олдидаги қоғозларни ўқиб бўлган, баъзилар ҳали ўқиб улгуришмаганди. Блеклог ўзининг калтабақай бармоқларини кўздан кечириш бошлади ва пўст ташлаган жойларини тиши билан узди. Кейин соат миллиларини кузата бошлади. Бирдан бармоқ бўғинларининг орқаси билан столни тарақлата бошлади. Мажлис аҳлининг нигоҳи унга қадалди. Полковник сўзлай бошлаганда, унинг нутқи бўлиниб қолишидан чўчигандек йўталишмади ҳам.

— Сизларнинг ҳар бирингиз билан алоқа боғлаганимга ҳам, мана, бир йил бўлди. Мен таклифларингизни олдим ва ўрганиб чиқдим. Назаримда, энди ҳаммамиз бир бўлиб аввалги режамизни амалга ошириш вақти етди. Бу ерга нима учун йиғилганимизни ҳаммангиз биласиз. Ўзимизнинг умумий тутган ўрнимизни қисқача сўзлаб

берай. Одамлар учун тирикчилик ҳамиша муаммо бўлиб келган. Аммо бу муаммо бугунги кунда ҳар қачонгидан кескинроқ. Азал-азалдан бу муаммо оддийгина ҳал қилиб келинган: кучли кучсизни эзади ва эзиб туриб ўз тирикчилиги учун ўлжа олишга йўл топади. Бу — олам янглиғ эски ҳақиқат ва ҳатто энг ибтидоий ёввойи одамга ҳам тушунарли. Аммо қайсидир вақтда биз кўнгилчанлик қилдик. Тирикчиликнинг ягона йўли — бу зўравонлик эканлигини унутиб қўйдик. Биз кечириб бўлмас олижанобликка берилиб, биринчи навбатда тирикчиликни ўйлашимиз лозимлигини унутдик. Акс ҳолда Бирлашган Миллатлар Ташкилотида қандайдир аянчли Дагомея¹ Хитойдек қудратли бир мамлакат билан бир қаторда овоз беришдек фактга дуч келмас эдик.

Полковник тин олиб, мажлис аҳлини кузатди. Мажлис аҳли бу фикрга қўшила-дими? Ҳа, қўшилади.

У гапида давом этди:

— Бугунги яшаш шароити олдингидек эмас. Бизнинг мамлакатларимизда аҳоли зич. Экинзор бўлмаган жой қолмади ва саноат корхоналари билан тўлиб-тошиб кетди. Аммо ҳаёт тўхтамаслиги керак. Ҳар ҳолда, оқ танли одамнинг ҳаёти ва тараққиёти тўхтамаслиги лозим. Фазога учишлар шуни кўрсатдики, бошқа сайёра-ларда инсоният ҳаётини барпо этишнинг, тўғриси, иложи йўқ. Бинобарин, биз чўкаётган кемамизни ташлаб ўзга сайёраларга кўча олмаймиз. Бизга шу ерда, Ер юзида яшаш тақдир қилинган.

Полковник яна бир зум жим қолди. Жон Морт стул суянчигига ўзини ташлаб, оёқларини стол тагига узатди. Мажлис аҳлининг йўталишлари танобий деворлари-га урилиб акс-садо берди. Полковник Блеклог тинчлик чўккунча кутиб турди. У қаршисида осиглиқ харитани бармоғи билан кўрсатиб, гапида давом этди:

— Ҳар ҳолда, жаноблар, бундай олиб қараганда, аҳволимиз жуда ҳам инқирозда эмас. Кўз олдингиздаги харитада миллион ва миллион акр ҳосилдор ерлар кўрса-тилган, бу ерларда аҳоли сийрак, ерга яхши ишлов берилмаган, дуруст фойдала-нилмаган. Яқин келажакда биз бу ерларда яшаётган ёввойи ҳайвонларни забт эти-шимиз, тобе қилишимиз, керак бўлса, қириб ташлашимиз лозим. Бизнинг ҳало-катдан қутулишимизнинг ҳамда болаларимиз ва авлодларимизни қутқаришнинг йўли мана шу!

Полковник тагин жим қолди. Уильям Геддес полковникнинг “ҳайвонлар” деган сўзига эътироз билдиришига сал қолди. Ер юзида яшаб турган ҳар бир тирик жон муқаррар равишда ўққа нишондир ва бундан фақат оқ танли одамгина истисно қилиниши керак. Жеймс Линд жанобларини бу ҳақорат ранжитаёзди. “Ёввойи” деган атама африкаликларга мос тушади, бунга унда ҳеч қанақа шак-шубҳа йўқ. Полковник Блеклогнинг Жеймс Линдга у бир пайтлар иштиёқ билан ёзган махлу-қот ҳақида бундай жирканиб гапириши ёқмади. Доктор Морт эса, бу сўз полков-ник Блеклогнинг эски ақидадаги одам эканлигидан, ҳозирги жўшқин Африкадаги ишлардан беҳабар одамлигидан далолат, деб ўйлади. Акс ҳолда, иқтисодиёт докто-ри Жон Морт бу ерда керак бўлмас ҳам эди. Алекс Брантон полковник талаффуз этган ифоданинг на мазмунига, на шаклига эътироз билдирди. Мажлис аҳлининг нигоҳи яна полковник томонга қадалди. Полковник овозини пасайтириб, гапида давом этди:

— Улуғ ва унутилмас Жон Хокинс жанобларини эсланг. Жон Хокинс одамлар маълум маънода ҳозирги муаммоларга ўхшаш муаммоларга дуч келган даврда яша-ган эди. Ҳўш, у қандай чора кўрди? У кемаларни созлаб денгизга чиқди-да, Эркисиз қирғоққа қараб йўл олди... — Полковник Блеклог харитадан Фарбий Африка со-ҳилларидаги кичик бир бўлак худуд борасида кўрсатма берди — У қирғоққа чиққач, ўша ерлик одамларни ушлаб, кеманинг тагхонасига қанча сиғдиролса, шунчасини тикиштирди-да, Америкадаги янги очилган мустамлакаларимизга сузиб кетди. Кўрсатган ботирлиги ва қароқчиликдаги шижоати учун унга рицарлик унвони бе-рилди. Афсуски, тушунарли сабабларга кўра, биз бугун ўша усуллар билан ҳаракат қила олмаймиз.

Блеклог жим қолди ва саёхати натижасида у ерлардан сиёҳ ва қоғоз олиб кел-ганлиги учунгина шундай унвон олган Жеймс Линд жанобларига қараб қўйди. Шундан сўнг, полковник Алекс Брантонга қаради. Алекс Брантон полковникнинг

¹ 1975 йилдан буён — Бенин.

синовчан истехзоли қарашидан ўзини ноқулай сезди. Бирон нарса дейиш учунгина йўталиб олди-да, сўз қотди:

— Ғарбий Африка тубжой аҳолиси ўртасида шундай мақол тарқалган: одамлар беҳато нишонга олишни ўрганган пайтдан бошлаб, қушлар тинмай учишни ўрганганлар.

Маҳаллий донишмандликнинг бу намунаси Жон Мортга ҳам маъқул келиб, жилмайиб қўйишга журят этди. Полковник унинг бу луқмасини маъқуллагандек бош қимирлатиб қўйди. Аслида у гапини давом эттириш учун фикрларини бир жойга жамлар эди.

— Бизнинг давримизда қитъаларни забт этиш учун кескин чораларни кўришга ҳожат йўқ, бунинг учун нозик омиллар бор. Биз ана шу мақсадда ишга киришмоқчимиз.

Шу пайт танобийнинг ёғочдан ишланган оғир эшигини кимдир аста тикирлатди, полковник соатига қаради. Тушлик бўлибди.

— Жаноблар, — деб эълон қилди у, — мажлисимизни бир соатга тўхтатамиз. Қўшни хонада бизни нонушта кутяпти.

Кундузи соат бирда мажлис яна давом этди. Танаффус пайтида мажлис иштирокчиларининг папкаларига “Босс Интернетшнл” ташкилотининг ҳаракат режасини акс эттирувчи янги қоғозлар солинган бўлиб, бошқарув аъзолари бу режаларни муҳокама қилишлари ва тасдиқлашлари керак эди. Яна полковник Блеклог сўз олди:

— Биз забт этишни тинч ва секин-асталик билан амалга оширишни режалаштирганмиз. Бугун қабул қиладиган ҳаракат режамиз, эҳтимол, ҳаммамиз бу оламдан ўтиб кетганимиздан кейин ўз самарасини берар.

Полковник: “Ҳа-ҳа, сен ҳам бўлмайсан, азизим, ҳали жуда ёшман, деб хомтама бўлмай қўя қол”, дегандек Жон Мортга диққат билан қараб қўйди.

— Эҳтимол, набираларимиз даврида ҳам самара тўла бўлмас. Лекин самара бўлади, албатта бўлади. Асрлар ўтар ва бутун сайёра оқ танлилар, фақат оқ танлилар — бизнинг авлодларимиз томонидан ишғол этилар. Қора танлилар ва инсоният наслини бузадиган бошқа рангдаги авлод ер юзидан йўқолади! — Полковник нафасини ростлаш учун бир сония жим қолди. — Биринчи операциямиз режасини тўла баён этиш учун доктор Мортга сўз беришдан олдин, умумий тарзда баъзи нарсаларни айтиб ўтмоқчиман. Биз шуғулланадиган операция жуда хавфли ва бу хавф масъулияти ҳукуратимиз зиммасига тушмаслиги керак, чунки, ҳозирги ҳукуратимизнинг қўллари халқаро муносабатлар ва турли дипломатик қалтисликлар билан ипсиз боғланган. МРБ ва шунга ўхшаш ташкилотлар ҳукурат назорати остида самарали ҳаракат қила олмасликлари сабабли бир неча марта чув тушишди. Шунинг учун ҳам биз “Босс Интернетшнл”ни ташкил этдик. Ҳукурат томонидан моддий мадад таъминланган. Бундан ташқари, Африканинг ўзида ўзини ихтиёримизга топширган дўстона бир ташкилотни ҳам топишга муваффақ бўлдик. Ташкилотда ишлайдиган одамлар африкаликлар, ташкилотнинг номи “Мулоқот”. Бир йил давомида у билан алоқадан. Африкада бир қанча заиф жойлар борки, биз бугун ана ўшанақа жойларга зарба беришимиз мумкин. Барча имкониятлар орасидан биз операция учун ана шундай заиф жойлардан бирини танладик, бу операция ҳақида доктор Морт батафсил гапириб беради. Берадиган зарбамиз Африка мамлакатларини олдимизга эмаклаб келишга ва моддий ёрдам сўрашга мажбур қилади. Биз ҳисобга олишимиз керак бўлган хавфли тенденция шундаки, қора танлилар бошқарувидаги баъзи мамлакатлар бизнинг манфаатларимизга қарши тура оладиган даражада қудратга эга бўлишлари ва биз осонгина забт эта оладиган Африка мамлакатларининг ҳимоячилари ролида кўтарилишлари мумкин. “Босс Интернетшнл” бундай хавфга қарши барча омилларни ишга солиди, бинобарин, бу ўринда омилларимиз гўзал. Ҳозирги кунда Африкада шунга ўхшаш хавфни туғдириши мумкин бўлган биргина мамлакат бор холос. Бу Нигериядир. У ерда яқиндагина уруш бораётган эди. Уруш бугунгача давом этганда эди, Нигерия, эҳтимол, яқсон бўларди. Биз энди бирон нарса ўйлашимиз керакки, бу мамлакат тамомила сафдан чиқсин. Нигерия кейинги йилларда Африкани ўз ортидан эргаштириш учун табиийки, катта куч тўплаб бошлади. Биз Нигериянинг кучайган пайларини ёғ бостириб, уни хавфсиз қилишимиз керак. Бу мамлакатнинг бор куч-қуввати аҳолиси ва моддий захираларининг кўплигидадир. Доктор Морт айнан шу ҳақда гапиради. Марҳамат, доктор Морт.

— Ташаккур, полковник, — дея гап бошлади доктор Морт. — Нигерия Африкадаги барча мамлакатлар орасида, ҳозиргина полковник Блеклог таъкидлаганларидек, икки жиҳати билан ажралиб туради. Бу мамлакат беҳисоб ишчи кучи заҳирасига эга, бундан ташқари, иқтисодий қуввати ҳам жуда салмоқли. “Босс Интернейшнл”нинг тиббий бўлими Нигерияга ўхшаган мамлакатларнинг ишчи кучларини емириш бўйича операция режасини ишлаб чиқаётганлигини биламан. Бизнинг бўлимимизга келсак, биз масаланинг иқтисодий томони билан шуғулланаямиз. Полковник Блеклог бир йил аввал мен билан суҳбатлашганда, мен Нигерия иқтисодиётини емиришнинг энг содда усули бу Нигерия валютасига зарба бериш, деб айтган эдим. Унинг қадрини тушириш учун қалбаки Нигерия банкнотларини мамлакатга киритиш керак. Бу йўлда бир мунча ишлар қилинган, деб тахмин қилишга асосим бор.

Жон Морт папкасини ёпиб, мажлис аҳлига қараб қўйди. Яна полковник Блеклог сўз олди:

— Биз икки миллион найра чоп этдик. Бу юк ўн икки кун олдин Ливерпулдан денгиз орқали жўнатилади. Эртага у Фил Суяги Қирғоғининг пойтахти Абижанга етиб келади. Абижанда юк кичик-кичик тойлар қилиниб, машиналарда Нигерияга жўнатилади. Биз юкнинг Абижанга омон-эсон етиб келиши ва Гана, Того ҳамда Дагомея худудларидан хатарсиз ўтиб, ниҳоят Нигерияга етиб олиши ҳақида ўйлашимиз керак. Бу операцияни амалга ошириш учун учта одам керак бўлади. Майор Стрейн эртага Абижанга учади. У юкни қабул қилиб олиб, пуллар “Мулоқот” ташкилотининг идорасига пухта яшириб қўйилишини назорат қилади. Уильям Геддес ҳам эртага Гана пойтахти Аккрага учади. У юкнинг Фил Суяги Қирғоғидан Нигерияга қандай жўнатилишини кузатади. Мен эса, операциянинг хотимасини кузатиш ва назорат қилиш учун эртага Лагосга учаман. Номлари зикр этилган жанобларнинг мажлисдан кейин қолишларини илтимос қиламан: эртанги сафарларнинг иқир-чиқирларини гаплашиб олишимиз керак. Бошқарувнинг бошқа аъзолари билан мен қайтиб келгач алоқа боғлайман. Мажлисимизни ёпиқ, деб эълон қиламан. Кўришгунча, жаноблар, ҳаммангизга ташаккур.

II

Фелла Дандого 20 июль, душанба куни Полиция Бош бошқармасига етиб келди. У ёшгина зобитга ўзининг келганлигини билдирди. Зобит “ҳозир” деди-да, узун йўлакнинг охиридаги хонага кириб ғойиб бўлди. Беш дақиқа ўтиб қайтиб чиқди-да, Феллага ортидан юришни таклиф қилди. Зобит эшикларнинг бири олдида тўхтаб Феллага киришни имо қилди. Фелла Дандого хонага киргач, зобит ташқаридан эшикни беркитди. Киргувчи ўзини ҳажми саккиз квадрат футча келадиган, шифти пастаккина, чоғроқ хонада кўрди. Хонанинг бир чеккасида одамнинг акси кўринадиган ялтироқ стол ва унинг ёнида чарм қопланган стул турарди. Стол устида кичкина микрофон, тўғридаги деворда овоз етказиб берувчи ускуна — овозпарда. Хона зангорига бўялган, шероза (плинтус)лар қора рангда эди. Фелла атрофни кузатиб улгурмасданоқ қатъий ва ёқимли овозни эшитди:

— Ўтиринг, мистер Дандого.

Фелла довдираб ҳозиргина овоз келган девордаги сим тўрға қараб стулни суриб ўтирди.

— Саломларим бўлсин сизга, мистер Дандого, — яна овоз келди ўша ёқдан.

— Яхшимисиз, — жавобланди Фелла ва бир зум ўйланиб қўшиб қўйди: — ...сэр.

— Мистер Дандого, мен билан гаплашганда айнан шундай — “сэр” деб мурожаат қилинг.

— Хўп бўлади, сэр! — деб жавоб берди Фелла ҳайронлиги баттар ошиб.

— Шундай қилиб, — давом этди овоз, — сиз бугундан бошлаб Тўртинчи бошқарманинг зобитисиз.

— Эшитаман, сэр!

Шу пайт эшик очилиб, зангори хонага қўлида патнис кўтарган ўта одми қиз кириб келди. Патнис устидаги чашкада буғи чиқиб турган қаҳва. Қиз патнисни стол устига қўйиб, эшикни орқасидан секингина ёпиб, ғойиб бўлди. Фелла қайноқ ичимликдан бир хўплаб, чашкани патнисга қўйди.

— Суҳбатимиздан кейин сизга бир-иккита қоғоз беришади. Бу қоғозлар билан диққат қилиб танишиб чиқишингиз керак. Уларни ўқиб чиққанингиздан кейин биринчи топшириқ нимадан иборатлигини маълум қиламан. Хайр, мистер Дандо-го. Кейинги учрашувимиз соат 16 да.

Фелла зангори хонадан чиқиши биланоқ, ўша, патнисда қаҳва олиб кирган қиз эшик олдида машинкада чоп этилиб бир жилд қилиб муқоваланган қоғозларни кўлига тутқазди.

“Бир-иккита қоғоз эмиш-а”, — хаёлидан ўтказди Фелла вазмин жилдни кўлига олар экан. Қиз уни чоғроққина кабинетга киритиб қўйди. У жилдни ўқишга тутинди. Фелла бирон зерикарли нарсани, масалан, “умумий иш тартиби қоидалари”га ўхшаш бирон битикни ўқисам керак, деб ўйлаган эди. Аммо биринчи хатбошиёқ уни ҳайратда қолдирди, бунақасини хаёлига ҳам келтирмаганди. Биринчи саҳифа йирик-йирик ҳарфлар билан босилган матндан бошланарди:

Оқ Танли Одам олами ҳалокатга маҳкум. Бу олам дардга чалинган ва ҳалок бўлгусидир. У кириб қолган боши берк кўчадан чиқишнинг биттагина йўли бор: сайёрадаги майда халқларни ҳалокатга маҳкум этиш. Шундай халқларнинг йирикроғи қора танли халқдир. Заҳарланган муҳитдаги Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британия мамлакатлари Оқ Танли Одамнинг концентрацион лагеридир. Оқ Танли Одам омон қолиш учун у ерлардан кўчиб кетиши керак. У қаерга ҳам боради? Ё жаҳаннамга, ё худ Африканинг кўкаламзор далаларига. Мазкур ҳайъат шундай фикрдаки, Оқ Танли Одам ҳар ҳолда жаҳаннамга боришни истамаса керак. Шунинг учун Африканинг кўкаламзор далалари хавф остида: таҳдид Оқ Танли Одамнинг ҳалокатга маҳкум бўлган, чириган оламидан келяпти. Мана, масалан, оқ танли журналист яқиндагина бундай деб ёзган эди:

“Африка минерал қазилмаларга бой, табиат унга кенг ҳосилдор ерлар инъом этган. Ҳозирги пайтда Африкада аҳоли сийрак жойлашган ва ундаги заҳиралар яхши ишлаб чиқилмаган. Бундай шароитда у бутун дунёнинг омборхонасига айланиши мумкин”.

(“Таймс” газетасининг Найробидаги мухбири).

Ниҳоят кимдир очикчасига гапириб кўя қолибди, деб кўнглидан ўтказди Фелла. Бирдан чақмоқ чақиб, ҳаммаёқ ёришгандек бўлди. Нигерияда ҳам ниҳоят ақлли қора бошлар топилибди-да. Фелла ўқиганларини мушоҳада қилар экан, ўша сатрларни яна бир бор кўздан кечириб чикди. Кейин стул суянчигига ўзини ташлаб ўқишда давом этди. Тушлик вақтигача жилдни ўқиб тугатаёзди. Соат икки бўлмасданоқ ўқиб бўлишга аҳд қилиб, белгилаган муддатидан бир неча дақиқа олдин тугатди. Ўқиб бўлиб, бир қанча вақт хаёлга чўмиб ўтирди. Бошида фикрлар тугён урарди. Аслида муаммо қуйидагича қўйилган эди: агар қора танлилар бепарволикка йўл қўйсалар, Австралиянинг тубжой аҳолиси ёки қачонлардир ерларини оқлар тортиб олган Шимолий Америка ҳиндуларининг бошига тушган ҳодиса рўй беради. Бир пайтлар улуг давлатлар орасида 70-йиллар ғоявий адоват даври бўлиб қолади, деган тасаввур ҳосил бўлган эди. Бу нарсанинг бўлиши эҳтимолдан йироқ, чунки, тўғриси, ғоялар ўз аҳамиятини йўқотиб қўйяпти. Асосий масала тирикчилик — катта ҳарфлар билан ёзиладиган Тирикчилик муаммоси кўндаланг бўлмоқда. Ирқчиликнинг уяси бўлган Жанубий Африка аллақачон қора одамларни қиришга киришган: бутунги кунда энг вақшийлар Жанубий Африка жаллодларидир. Родезия ҳам Жанубий Африка изидан бормоқда. Кунни кеча Африканинг мустақил давлатларидан бирига Португалиянинг ёлланма каллакесарлари бостириб киришди. Шундоқ, куппа-кундуз кунни! Кўпгина мамлакатларда оқ танли болаларга қора танли одамлар ҳақида бир-бирдан даҳшатли маълумотлар сингдирилиб, онглари кундан-кун заҳарланмоқда. Ёш авлодни шу усулда тарбиялаш фақатгина Африкада ҳали хаёлларига келмай турибди. Бу ишга қанча тез киришсак, шунча яхши. Жилнинг сўнгги саҳифасидаги сўзлар барча Африка мамлакатларини ҳаракатга чорловчи оддий ва аниқ гаплар билан ифодаланган эҳтиросли чақириқ билан тугалланган эди: “Биз кўл қовуштириб ўтирмаслигимиз керак”

Фелла овқатлангани кетди. У ерэнгоқ ёғида қовурилган янги балиқ, унинг устига гурунч ва қовурилган банан буюриб, шошилмай маза қилиб еди. “Раф райдер” сигаретидан иккитасини чекди. Чоракам тўртдаёқ ўша зангори хонада ҳозир бўлди.

Стол устида унга аталган қопчиқ ётарди. Унга илова қилинган руқъада (мактубчада) керакли йўл-йўриқлар қопчиқнинг ичида эканлиги маълум қилинибди. Фелла ўтириб жигарранг қопчиқни очди. Унда йўл чеки, Абижангача ва у ердан қайтиш учун самолётга чипта, устига “Мутлақо махфий” деб қизил тамга босилган конверт ҳам бор эди.

Фелла конвертни очиб, гербли юпка қоғозга чоп этилган куйидаги мазмунли маттни ўқиди:

“Куйида санаб ўтилган мамлакатлар “Мулоқот” тўдасига тааллуқли (бу мамлакатларнинг ҳукуматлари Жанубий Африка мамлакатлари билан мулоқот олиб боришга тайёр бўлганлари учун шундай деб аталган ва улар “Мулоқот” мансуб бўлган ирқчилик ҳукуматининг қўғирчоқларидирлар): Фил Суяги Қирғоғи, Малави, Гана, Габон, Свазиленд, Лесото, Ботсвана, Малагасий Республикаси¹, Дагомея.

“Мулоқот” мамлакатлари Қора Африка халқларига қарши бузғунчилик ва кўпоровчиликнинг яширин режаларини ишлаб чиқаётган оқ танли ирқчилар билан шерикчилик қилмоқдалар. Сиз бажаришингиз лозим бўлган топшириқнинг мақсади шундай ёвуз яширин операциялардан бирини йўққа чиқаришдир. “Мулоқот” фаолиятининг бош маркази — Абижан шаҳри.

23 ва 25 июль ўртасида соат 17.00 дан 23.00 гача кемаларнинг бири канорасидан Абижан бандаргоҳига заҳарли кимёвий моддалардан қайиқларда бир той жўнатиш таъмин қилинмоқда. Кейинчалик бу юкни махфий равишда Нигерияга етказишни мўлжаллашяпти. Сизнинг вазифангиз ўша юкни тўхтатиб, чўктириб юбориш, шунингдек кимёвий моддалардан намуна келтиришдир. Ёрдам керак бўлса, Абижандаги куйидаги телефонга мурожаат қилинг... 27 июль, душанба кунни келиб ахборот беринг. Хатни йўқотинг”.

Фелла хатни яна бир марта ўқиб чиқиб, телефон рақамини эслаб қолди, сўнг хатни майда-майда қилиб йиртди-да холижойнинг ичига олиб бориб ташлади.

Зангори хонага қайтиб яна бир бор жигарранг қопчиққа нигоҳ ташлади. Ичида унинг номига бутун Ғарбий Африка мамлакатларини кезиб чиқиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома бор эди. Аммо Фил Суяги Қирғоғига қачон учиши керак? Бу ҳақда ҳеч қанақа кўрсатма йўқ. У авиачипталарни олиб, учиш вақтини қидира бошлади. Ана холос, эртага эрталаб! Фелла ҳужжатларни ва чипталарни қопчиққа жойлаб кўчага чиқди ва ўзининг “лендроверу”си томон йўналди. Қопчиқни ғаладон тагидаги махфий кутига жойлаштирди.

У Лагосайленд²нинг машиналар оқими тиқилинч кўчасидан борар, шу қадар хаёлга чўмган эдики, Белоген-стритда олдинда тормоз бериб қолган қандайдир “фольксваген”га урилишига сал қолди.

“Ў, йигит, ўзингни қўлга ол! Бу ҳали бошланиши. Наҳотки, қўрқаётган бўлсанг? Ўзинг бошингни суқдинг-ку бу ишга. Доим айна мана шунақа ишни истаيمان, дер эдинг. Шу иш деб диссертациянгни ҳам ташладинг. Ҳозир Нигерияда қўзиқориндек кўпайиб кетаётган университетларнинг қай биридадир тинчгина ўқитувчилик қилишдан ҳам воз кечдинг.”

Атан-роудга³ чиққанда машиналар оқими сийраклашди, Фелла ҳали тезликни оширди. У “Эф-Эф” фабрикасига етмасдан чапдаги тор кўчага бурилди-да, беш дақиқадан кейин ўз уйи олдида машинасига тормоз берди. Аввало йўлга ҳозирлик кўриш керак. Фелла у-бу кийимларини, ички аъмолларини, совун-повунларини

¹ 1975 йилдан эътиборан Мадагаскар Демократик Республикаси.

² Ҳозирги Лагоснинг эски кўчаларидан бири, шунингдек, маъмурий ва ишбилармонлар маркази.

³ Сурулурдаги кўча — Лагосдаги баҳаво туманлардан бири.

тахлади, уларнинг ёнига сақич ҳам солди (мисвоққа тоқати йўқ эди), бундан ташқари цейс дурбинини, кичкина электр фонарини, катта буклама пичоғини ва “по-кит-позитив” тўппончасини ҳам қўшиб жойлади.

Фелла нарсаларини йиғиштириб бўлгач, жавондан қалинроқ китоб олди, станга оғогоро¹дан тўлатиброқ қуйиб, лабига сигарета қистирди.

Қотиб ухлади. Эрталаб соат еттида уйғонди. Тўшакдан туриб, радиодан сўнгги ахборотни тинглади, кейин бадантарбия қилиб, ванна қабул қилди, тўйиб нонушта қилиб олди. У тухумни патинжон, пиёз, элегед² ва қуритилган балиқни майда-майда қилиб эгузи³ ёғида қовурди, сўнг буларни қизил пальма ёғида қовурилган ямс ва банан билан аралаштирди, шундай қилиб, ўзига хос қуймоқ ҳосил бўлди. Қуймоқни еб, устидан таъми яхшироқ бўлсин учун озгина оғогоро қўшиб, бир кружка кофе ичди.

Нонушта қилиб бўлганда соат 8 дан ўтган эди. Самолёт Икеж аэропортидан соат 10 да учди. Фелла у ёққа боришдан олдин Лагос-айленд кўчасига кириб у-бу нарсаларни олиши керак эди. У апил-тапил кийиниб машинасига чиқди. Кўчада ёмғир ёғарди, Фелла ёнбошдаги брезентни тушириб олди. У жомадончасини олддаги ўнг томон ўриндиққа ташлаб, шоҳкўчага чиқиб олгач, Лагос-айлендга бораётган эрталабки эринчоқ машиналар оқимиغا қўшилиб кетди.

У ниҳоят Лагосдан ташқарига чиқиб олганда соат тўққиз ярим эди, Икеж аэропортига йўл олди. Самолёт учишига бир неча дақиқа қолганда етиб келди. Фелла “ландроверу”сини машиналар тўхтамига қўйиб, аэровокзал томон жадал йўналди. Абижанга учадиган самолёт гувилаётган эди. Самолётга йўловчиларни ташийдиган автобус алакочон кетиб бўлган, афсуски, Фелла ҳаёт қайнаётган аэропортни, одатдагидек, кузатиб бориш лаззатидан маҳрум бўлган эди. Яна бир бемаза иш — қуйиб турган июль ёмғири остида юз ярдча келадиган катта майдондан югургилаб ўтиш керак. У фикрларини жамламоқчи бўлиб аэровокзал олдида бир-икки дақиқа туриб қолди. Ҳамма иш бажоми? Ҳаммаси. Фелла чуқур хўрсиниб, ёмғир тагига отилиб чиқди. Баланд бўйли одамнинг югуриб келаётганини кўриб, ҳамиша кечикиб юрадиган одамлардан бири, деб ўйлаб, самолётдан трапни кўзга тишга ҳаракатланишди. Стюардесса юқорида, эшик табақасида депсиниб турарди. Фелла самолёт олдига югуриб келди-да, нарвон зиналаридан сакраб чиқа бошлади. Нафаси оғзига тикилиб, ниҳоят тепага чиқиб олди. Стюардесса калтабақай бармоқли катта қўлини чўзди-да:

— Чипта! — деб қичқирди.

Ў ЭТ

— Кейин, кейин, илтимос, — деди Фелла тўхтамай ва стюардессани туртиб-суртиб ўзини ичкарига олди.

У жиққа ҳўл бўлиб кетган эди. Аммо ҳали ҳамма ташвишлардан қутилмаганди. Жиққа ҳўл бўлиб кетган кийимларини эсламасликка уриниб, бир зум туриб қолди (кийимлардан қутулишнинг иложи бўлмагандан кейин нима ҳам қилсин), сўнг атрофга аланглаб, бўш жой қидира кетди. Самолёт двигателлари гувиллаб, титрай бошлади. Агар Фелланинг ихтиёри ўзида бўлганида “Эф-27”да мутлақо учмас эди. “Эф-27”да учиш — Нигерияда 50-йилларда ўнқир-чўнқир йўллардан ҳаққалаб юрадиган пачағи чиқиб кетган автобусда юришдек жоннинг азоби эди. Самолёт ҳаракати йўловчиларга учиш олдидан сўнгги белгиларни билдиргандагина, Фелла бўш жой топди. Ёнидаги ўриндиқда йиғирма ёшлардаги, ҳатто ундан ҳам ёшроқ қиз ўтирарди. У ёнбошдаги ойнадан ташқарини қизиқиб томоша қиларди. “Умрида биринчи марта учиши бўлса керак”, деб ўйлади Фелла. Ўзининг ҳам ойна олдида ўтириб, ўркак-ўркак булутларга қараб кетишга иштиёқи йўқ эмас эди. Бу гал бори-га шукур қилишга мажбур бўлди. Ҳа, иш ҳақида ўйлаши керак, булутлар устида вақт тез ўтади. Фелла жомадончасини ўриндиқ тагига жойлаштириб, ўзи қулайроқ жойлашиб олди-да, камарни белига боғлади. Фелла одатда самолётда учганда камар боғламасди, аммо бу гал, деб ўйлади у, ўша афсонавий автобусдагидек ушлаб қоладиган жойи йўқ. Лекин қутилмаганда самолёт текисроқ учарди. Фелла камарни бўшатиб, стюардессани чақирадиган тугмачани босди. Қора танли, адл қоматли қиз пайдо бўлди:

¹ Оғогоро — пальма виносидан тайёрланган ароқ.

² Элегед — банан дарахтининг баргидан тайёрланган ширин овқат.

³ Эгузи — қовун уруғи ва ерёнғоқдан тайёрланган ёғ.

— Хизмат? — сўради у.

— Бир шиша оғогоро берсангиз, илтимос.

Стюардесса чақирув тугмачасини ўчирганда, Фелла унинг қўлига қаради ва шундай сарвқомат қизнинг қўллари бунақа катта, хунук эканлигига ажабланди. Бир неча дақиқа ўтиб, стюардесса оғогоро олиб келди ва Фелла унинг хунуқлигини ҳам кечирди, ҳатто жилмайиб қўйди. (У бўлар-бўлмаста жилмаймас эди). Жала тагидан югуриб келганидан кейин бир шиша оғогородан яхшиси борми, боз ус-тига олдинда машаққатли кунлар бўлса! У жимирлаб турган ичимликни стаканга қўйиб ичди.

— Шуниси яхши, — деди у ўз-ўзига секингина.

Ёнидаги қиз энди унга қараб ўтирарди.

Оғогоронинг тоза, ҳеч нарса аралаштирилмаган таъмини на виски, на бренди, на бошқа қаланғи-қасанғи ичимликлар билан тенглаштириб бўлади, деган хулосага келди Фелла. У чўнтагидан “Раф рейдер” сигаретини чиқариб қўшнисига илтифот қилди. Қиз чекмаслигини айтди. Фелла чекиб ўриндиққа ясланди-да, ҳамроҳлари-ни кўздан кечира бошлади.

III

Фил Суяги Қирғоғи — Фарбий Африкадаги собиқ француз худуди. Бу мамлакат шарқ томондан Гана билан, ғарбдан Гвинея ва Либерия билан, шимолдан Мали ва Юқори Вольга билан чегарадош, жанубда эса Гвинея кўрфази қирғоғидан сув ичади. Фил Суяги Қирғоғининг майдони 322000 квадрат километр, аҳолиси 3 миллиондан иборат¹, булар орасида 25000 оқ танли бўлиб, француз наслдан. Мустақиллик эълон қилингандан бошлаб мамлакатда оқ танли аҳолининг сони икки баробар ошди. 315 миль узунликдаги қирғоқ йўналишида эгри-бугрилик йўқ, шунинг учун ҳам бу ерда биронта табиий бандаргоҳ учрамайди. Ҳар ҳолда, Фил Суяги Қирғоғи бутун Фарбий Африкадаги яхши бандаргоҳларни ўз ичига олади. Мамлакат пойтахти Абижан ярим оролида жойлашган бўлиб, океандан қумлоқ билан ажралган кўрфазага чиқади. Сунгий бандаргоҳлар қурилиши ишлари Абижанда 1937 йили бошланди, шу мақсадда қумлоқда Абижанни океан билан боғловчи Вриди канали қазилди. Бу иш 1951 йили тугалланди.

Пляждан тахминан эллик ярдуберидаги ўн бир қаватли улкан қути — “Отель де ла Мер” меҳмонхонаси деразасидан Абижан бандаргоҳидаги ажойиб манзара кўзга ташланади. Меҳмонхона биноси билан пляж оралиғида боғ барпо қилинган, бу зўр ҳафсала билан парвариш қилинган боғда папайя²лар, ҳали ҳосил бермаган апельсин дарахтларининг ниҳоллари, бошқа ҳосилдор иқлимий ўсимликлар, шунингдек, деярли дарахтдек келадиган улкан гибискуслар (Фарбий Африканинг барча қирғоқларида учрайдиган бу ёввойи гуллар африкаликларни, ҳали афсуски, барқарор бўлмаган бирликка чорлаб) ўсиб ётадилар. Океан томондан ва боғнинг ён томонларидан тиконли сим ўтказилган. Унинг тўртинчи чегараси меҳмонхонанинг девори хизматини ўтайди. Боғдан меҳмонхонанинг орқа қанотига олиб борадиган йул тушган. Меҳмонхона олд томонида, шунингдек, ўнг ва чап қанотларида хизматчи тўралар (асосан оқ танлилар) ва хорижий дипломатлар яшайдиган кварталлар чўзилган. Бу ердаги тинчликни фақат икки томонлама ҳаракатга мўлжалланган шаҳарга олиб борувчи шоҳ кўчадаги автомашиналарнинг гуриллаши ва аҳён-аҳёнда бандаргоҳдан эшитиладиган кемаларнинг овозлари бузади холос.

IV

Самолёт бир соатга яқин туриши лозим бўлган оралиқдаги масофа — Аккрага кўнди. Фелла ёнидаги қиз билан сўзлашиб, ичимлигини симириб ўтирарди. У Ибадандаги университетда ўқишини ва ёзги таътилда Дакарга, Нигерия элчихонасида ишлайдиган ота-онасини кўришга кетаётганлигини айтди. Исми Жокко экан.

¹ 1979 йилдан 7,9 миллион.

² Папайя — испанча ном, иқлимий ўсимлик, қовун дарахтидек бўйи 4—6 метрга етади, шохламай ўсади (тарж.).

- Сизнинг исмингиз нима? — сўради қиз.
- Дандого. Фелла Дандого.
- Ажойиб исм экан! Сизни Фелла деб чақирсам майлими?
- Бемалол!
- Сиз қаерга учяпсиз? — сўради Жоко.

“Қизи тушмагур, ҳамма нарсани билгиси келяпти-ку, ҳаддан ташқари синчков, — деб ўйлади Фелла. — Эҳтиёт бўл, йигит!”

- Саволимга жавоб бермадингиз-ку, — эслатди Жоко бироз сукутдан кейин...

Фелла бунақа саволга жавоб бериш керакми, йўқлиги ҳақида ҳали бир фикрга келмаган эди. У қизга ўгирилиб олиб, унинг чўзинчоқроқ юзига синчиклаб тикилди. Бадбашара эмас, аммо гўзал ҳам эмасди. Кўзи қаттиқ экан, деган фикр ўтди бир зумда Фелланинг хаёлидан. Фелла қизнинг пардоз-андоздан холи эканлигини билиб, унинг қўлларига қаради. Ингичка нозик бармоқларнинг тирноқларига ёмғир сувидек рангсиз лак суртган. (Бу вақт мобайнида қиз Фелладан кўзини узмади.) Жоконинг кийинишида ясан-тусан ҳам, айни пайтда одмилик ҳам бор эди. У оқ-кўк ингичка йўлли матодан ўзида иро ва бубуни мужассамлаштирган эди.

— Қалай, имтиҳон топширолдимми? — сўради Жоко ниҳоят Фелла ундан нигоҳини узгач.

Фелла жавоб бермади. “Мактаб ўқувчисининг гапи, — деб ўйлади. — Имтиҳон топшириш, имтиҳондан йиқилиш — ҳамма нарсани шу нарса билан ўлчашади”.

— Сиз агар ўзингизнинг талабалик тафаккурингиз билан масалани шундай қўяр экансиз, на илож, сизни хотиржам қилишим мумкин — имтиҳондан ўтдингиз.

Жоко хурсанд бўлиб очилиб кетди. Фелла уни бироз ҳовуридан тушириш учун:

— Фақат олтмиш фойиз холос, — деб қўшиб қўйди.

— Бор-йўғи-я! — ажабланди Жоко тушкун оҳангда.

Фелла кулиб юборди. Аэровокзал шовқин-сурони орасида дикторнинг Абижан рейси билан учадиган йўловчиларнинг ўз самолётларига чиқишларига даъват этувчи овози эшитилди.

— Қолган баҳолар фақат амалий машғулотлардан кейин бўлиши мумкин, — қўшиб қўйди Фелла жойидан кўзгалиб.

Жоко жилмайди ва у ҳам ўрнидан турди. Самолётга кета туриб у яна сўради:

— Қаерга учяпсиз, Фелла?

— Абижанга.

— Яна учрашсак керак, деб ўйлайман, — деди у.

— Худо хоҳласа.

Жоко Адейеми хоним Фелла билан танишаётганда ёлғон гапирди. У ҳозир Ибадан университетда ўқимас ва таътил қилиб Дакардаги ота-онасининг олдига ҳам учмаётган эди. Инглиз ва француз тилларига ихтисослашган бу университетни аллақачон ўз вақтида тугатган эди. Жоко Адейеми эндиликда Фелла Дандогони топшириқ билан жўнатган тўртинчи бошқармада ишларди.

Жоко Лагосдан шимолга томон икки юз мил узоқликда жойлашган Акур шаҳрида туғилди. Жоконинг отасида шу қадар хотин кўп эдики, кўплигидан улардан баъзиларини ҳатто ўзи танимай қоларди. Болалари ундан ҳам кўп, уларнинг ҳисобини олгандан кўра денгиздаги қумни битталаб санаб чиқиш осонроқ кўчарди. (Қора Африка оқ танлиларнинг Африкада одам тикилиб кетади, деган тарғиботига қулоқ солмаган бундай кишиларни миннатдорлик билан эъозлаши керак). Жоко онасининг бешинчи фарзанди эди. У беш ёшга тўлганда акалари изидан мактабга бормоқчи бўлди. Онаси эри барибир унга қулоқ солмаслигини оддидан билса ҳам, ҳар ҳолда Жоко ҳақида гаплашишга қарор қилди. Бир кун кечкурун бутун оила яшайдиган каттагон уйнинг айвонида эридан пойгакда ўтириб, ийманибгина:

— Жоко мактабга борармиш, — деди.

Эр стул суянчиғига суяниб трубкасини сўрди. У ўзи истиқомат қиладиган мавзеда жуда бой одам ҳисобланарди. Шаҳардаги одамларнинг аксарияти унинг ҳотамтойлиги узоқ Лагосдаги Да Роча¹дан ёки Ажаодан қолишмайди, дер эди. Агар у бутун Акур аҳолисининг мактабда ўқиши учун маблағни ўзининг зикна ҳамёнидан тўлаб юборса ҳам бойлигига бало урмасди. Аммо гап шундаки, аслида у қизларини мактабга бергиси келмасди.

¹ Шаҳарга сув қувири келгунга қадар Лагосда сув сотадиган машҳур бой.

— Жеймснинг қизига нима бўлганини биласанми? — сўради эр. — Отаси қизининг маълумот олиши учун қанча пул сарф қилганидан кейин у нима иш қилганини ҳам биларсан?

Жоконинг онаси нима ҳам десин! У Жеймснинг қизи — исми Абеби эди — битирув имтиҳонлари арафасида ҳомиладор эканлиги билиниб қолганидан хабари бор. Мактаб мудираси Абебини уйига жўнатиб, отасига ёзган хатида мактаб — қизлар даргоҳи, ҳомиладор аёлларни эмас, дея узиб олганди. Оила иснодга ботди.

— Нега жавоб бермайсан? Нима, тилингни ютиб юбордингми? — зуғум қиларди эр ўзини жаҳли чиққандек кўрсатиб.

— Биламан... — деди хотин секин. — Лекин...

— Нима лекин?

У жим қолди. Сўнг эшитилар-эшитилмас бир нарса деб минғирлади.

— Нима деётганингни тушунганим йўқ.

— Мен айтаяпманки, — деди хотин юрак ютиб, — Жоко Абеби қилган ишни қилмайди.

— Энди эшитяпман, — деди эр ва кулимсираб қўйди. Трубкасини тутатиб, ту-
тунни ичига ютди. Кейин трубкасини оғзидан олиб, учинчи хотинига ачиниш на-
зари билан қаради: бу хотин соддадилми ёки шунчаки лақмами?

— Нима, бошқа қизларда бор нарса унда йўқ, демоқчимисан?

Хотини жавоб бермади. Эр студан туриб, уни ўзидан астагина четлаштирди.

— Хоҳласанг, мактабга уни ўзинг юбор. У сенинг ҳам боланг. Менга қараганда, кўпроқ у сенга яқин. Аммо ўқиш ҳақини ўзинг тўлайсан. Уқдингми?

— Уқдим, отаси. Раҳмат, сенга.

Жоко эртасидан мактабга қатнай бошлади.

У аъло ўқиди. Йилдан йил ўтиб олд талабага айланди. Бошланғич мактабни тугатгач, ўрта мактабда ўқиш ҳуқуқини берувчи нафақа олди.

Кейинчалик отаси унинг маълумот олиши учун барча харажатларни ўз зиммасига олишга тайёр бўлиб қолган, чунки, Жоко мактабда ўзининг намунали хулқи билан танилган эди. Жоко ўрта мактабда беш йил ўқигач, Ибадан университетига кириш имтиҳонларини топширди. Имтиҳонларни шундай яхши топширдик, натижада давлат нафақаси мукофотига эришди. Жоко университетда тиллар ўрганишга қарор қилди. Унинг мўлжалича, бу ижтимоий соҳада энг яхши ихтисос, бинобарин, ҳар қанақа жамиятшунослик маълумоти шароит тақозосига кўра амалда қўлланиб турилмаса, бир неча йилдан кейин эсдан чиқиб кетади. Жоко университетни тугатгач, Нигерия Ташқи Ишлар вазирлигига ишга жойлашиш учун ариза берди, аризаси навбат кутиб, давлат хизматчиларининг иши бўйича Федераль хайъат томонидан кўриб чиқилгунча, маълум муддат ўқитувчи бўлиб ишлаб турди.

Жоко талабалик йилларидаёқ сиёсат ва бу соҳанинг истиқболдаги имкониятлари билан қизиқиб қолган эди. Унинг кўнглида ҳокимият тепасидаги арбобларга нисбатан кудурат бор: уларнинг ўз ваколатларидан қандай тарзда фойдаланаётганликлари унга ёқмасди. Айни чоқда ҳукуматни танқид қилаётган мухолифатчилар ҳам улардан беҳроқ эмас эдилар: пировардида ҳокимият тепасига келгач, улар бирон нарсани яхши томонга ўзгартирмасдилар. Жоко агар шу сиёсатчиларнинг ўрнида бўлиб қолсам, наҳотки мен ҳам шунақа бўлардим, деб бошини қотирарди! У ўзини лоақал талабалик ҳаётида синаб кўрмоқчи бўлиб, Талабалар уюшмасига кирди. Унинг орттирган тажрибаси ибратли эди. Жоконинг шу нарсага имони комил бўлдики, унинг юксак орзулари Уюшма раҳбариятини қилча бўлсин қизиқтирмади ва у ўз вазифасини ташлаб кетишига тўғри келди. У университетдан чиқиб, собиқ “Нигерия ёшлари ҳаракати”¹ ўрнига таъсис қилинган ташкилотга кирди, аммо мамлакат сиёсий ҳаётига ҳарбийларнинг аралашуви билан ҳаммаси патарат топди. Жоконинг сиёсатдан кўнгли совида.

Жоко хизматга қабул қилинган Ташқи Ишлар Вазирлигида иш кам эди ва тез орада уни эндигина таъсис этилган Тўртинчи бошқармага ишга ўтишга таклиф қилишди. Кейин уни Тўртинчи бошқармадан олти ой муддат билан Мисрдаги махсус мактабга жўнатишди, у ерда унга ўқ отиш ва ўз-ўзини ҳимоя қилиш усулларини ўргатишди. Бошқарма раҳбарлари Жокога эндиликда масъул ишлар топшириш мумкин, деб ҳисоблашди.

¹ 80-йилларда пайдо бўлиб, мустамлакачиликка қарши курашда фаол иштирок этган ижтимоий-сиёсий ташкилот.

Феллага Абижанга учиш буюрилган вақтда, Жокога Феллани хуфия кузатиш, зарурат туғилган жойда унга ёрдам бериш топширилган эди. Шунингдек, унга Феллани кузатиб юриш ва кейин унинг ишга яроқли ёки яроқсизлиги ҳақида ахборот бериш ҳам юклатилди.

Жоко Фелладан “баҳолар” ва “амалий машғулотлар” ҳақида эшитгач, унинг юзидаги маҳзун жилмайиш йўқолди.

У дафъатан бу одамга нисбатан кучли майл сезди. Фелланинг қўл ва оёқлари шу қадар катта эдики... У Жокони бошдан-оёқ кузатганда унинг нигоҳи қизни эркалаб ечинтираётгандек туюлди ва одатдан ташқари ниманидир кутиб энтикди. Аммо энди у безовта бўлиб қолди. Жоко “амалий машғулотлар”да уқувсизроқ, шунинг учун ҳам унинг барча ишқий кечинмалари самарасиз тугаган эди. У жинсий яқинликдан қувонч туймаган. Бунда унга нимадир халақит берарди. Бу нимадир на лоқайдлик, на қўрқинч эди. Ҳатто гуноҳкорликдан чўчиш ҳам эмас (мактабда олган католик руҳидаги тарбия унга бу ишда халал бермасди). Гап шунда эдики, муҳаббат эрмаклари Жокони бир зумда чарчатар ва маҳбуби олган ҳузурни ололмай қоларди. Жоко бир неча вақтлардан бери ўзини эркаклардан олиб қочадиган бўлиб қолди.

Жоко ўқиб юрган чоғларида онаси қизининг хира эркакларни яқинига йўлатмаслигидан хурсанд эди, албатта, бу нарса унинг фикрини бир жойга қўйиб ўқишига ёрдан беради. Жоко университетни тугатгач, онаси безовта бўлиб қолди. Қизи нега эрга чиқмаяпти? Ҳамма дугоналари аллақачон оилали бўлишган. Ота-онасига ҳануз қаллиғини — бирон йигитни нега жилақурса кўрсатмади? Жоко бу мавзуда гаплашишдан ўзини олиб қочарди. У боши билан ишга шўнғиб кетган ва қачондир биронта эркак учраб қолишига ва у билан ўзини ҳақиқий аёл деб ҳис қилишига ишонарди.

Тўртинчи бошқармага ишга ўтиш ва олти ойга Мисрга кетиш имконияти туғилганда, Жоко бажонидил розилик билдирди. Модомики, эр қилиш пешонамга ёзилмаган экан, деб фикр қилди Жоко, лоақал ҳаётим мароқли кечади-ку.

Соат 12 дан беш дақиқа ўтганда “Эф-27” самолётининг филдираклари Абижан аэродромининг қўниш майдонига тегди. Самолёт ичи ҳаммом бўлиб кетди. Зина ўз вақтида берилмади, самолёт қўнгандан кейин ўн дақиқа мобайнида йўловчиларнинг ундан чиқишлари мумкин бўлмади. Иссиқ ва димлик ортиб борар, чунки самолётнинг совутгичлари ўчирилганди. Йўловчилар юзларини рўмолчалари билан артиб вовайло қилишарди. Шу топда кимнингдир:

— Африканинг бемазагарчиликларидан ўлиб бўлдик-да! — деган товуши аниқ эшитилди.

Фелла луқма ташлаган одамни кўриш учун ўгирилди. Луқма ташлаган одамни африкалик, деб ўйлаган эди. Фикри хато чиқмади. Фелла хуштак чалиб, Жокога гап қотди:

— Бунақа нарсалар ҳамма жойда учраши мумкин. Ҳатто дунёдаги энг яхши аэропортларда ҳам.

У бу гапни овозини баланд қўйиб айтди, шунинг учун ҳамма у томонга қаради. У жим қолди-да, кейин африкаликка ғазаб билан қараб кўшиб қўйди:

— Ҳатто Хитроу¹ аэропортида ҳам!

Гапим томон дегандек яна бир марта хуштак чалиб қўйди. Жоко ўзини ноқулай сезди: Фелланинг гапларини эшитмасликка олсинми, ёки анави шўрлик африкаликни ёқлаш учун бир нарса десинми? У сукут сақлашни маъқул кўрди.

Ниҳоят самолёт эшиги очилиб, йўловчилар туша бошлашди. Фелла ҳамманинг чиқиб бўлишини кутди. Охирида чиқмоқчи эди. У юқорида туриб шуни сездикки, анови нусха транзит чипта олмади. Демак, абижанга учиб келган экан. Фелла кузатув билан овора бўлиб Жоконинг ҳам стюардессадан транзит чиптаси олмаганини сезмай қолди.

Фелла катта аэропортлардаги ғала-ғовурни қанчалик ёмон кўрса ҳам, ҳозирда унинг бу билан иши йўқ. У боши чўзинчоқ ва елкаси пачоқ оғир гавдали африкаликни кузатиш билан овора эди. У одам ола-була байроқли қора машинага ўтирди. Негадир Феллада шу одам билан яна қачондир учрашиш истаги туғилди. У автомашинанинг орқа томонидаги рақам ёпиштириладиган жойига кўз ташлади. Машинанинг номери йўқ эди.

¹ Лондондаги йирик халқаро аэропорт.

Фелла паспорт назоратидан ўтиб, аэровокзал биносидан чиқди. У “Отель де ла Мер” меҳмонхонасигача такси ёллади. Ярим соат ўтгач, шу меҳмонхона биноси олдида бошқа такси ҳам келиб тўхтади.

— C’est /“Hotel de la Mer”, за?¹ — сўради Жоко.

— Ovi, mademoiselle², — деб жавоб берди таксичи аниқ сезилиб турган Абижан талаффузи билан.

— Merci³.

Жоко ҳайдовчига ҳақини тўлаб машинадан тушди. Холдаги тўсиқ ортида баланд бўйли француз портъе турарди. У Жокога таъзим қилди, у эса бир-икки кунга 720-хонада яшаш истагини айтди. У портъенинг нима учун айнан шу хона керак бўлиб қолганлиги билан қизиқиб қолишидан чўчиган эди (бу хона Фелла турган 820-хонанинг шундоққина тагида эди), аммо портъе савол бериб ўтирмади. Жоко калитни олиб, лифтда еттинчи қаватга кўтарилди.

V

Полковник Питер Блеклог Лагоснинг Икеж аэропортига учиб кела туриб янги ва ўзи учун бирмунча қутилмаган ролга тайёргарлик кўрарди: Лагосга у Европа ва Африка маданий алоқалари ассоциациясининг президенти мистер Питер Блеклог сифатида келаётган эди.

Лондондан Лагосга учаётган самолёт аранг баландликка чиқиб олди, салондаги кучайтма ускунадан аёлнинг нозик овози самолёт бортида мистер Блеклог борлигини, у Лагосга Европа ва Африка ўртасида мустаҳкам дўстликни ўрнатиш учун кетаётганлигини аллақачон эълон қилиб бўлган эди. Аммо Тўртинчи бошқармани бу ниқоб адаштира олмади. Икеж аэропортида фуқаро кийимидаги хизматчилар кутиб туришарди. Бу одамлар кутиб олишнинг расмий тантанасида иштирок этишмади. Ушлаб Нигерия ва хорижий газеталарнинг мухбирлари аэровокзалнинг маҳсус танобийсига ййгилиб меҳмонни кутардилар. Нигерия маданият ва миллий йўналиш вазирининг топшириғига биноан унинг доимий котиби ҳам шу ерда бўлиб, у вазир номидан Питер Блеклогни Нигерия заминида расмий кутиб олиш ва қабул қилиш ҳақида топшириқ олган эди, бинобарин, вазирнинг ўзи аэропортга чиқишга, афсуски, имконият тополмаганди.

“Ви-Си-10” самолёти тўхташ жойига бурилганда Маданият ва миллий йўналиш вазиригининг доимий котиби ўтирган машина унга яқинлашди. Машина тўхтади ва унинг ичидан ҳайдовчи чиқди. У орқа эшикни очди. Доимий котиб унинг ичидан чиқишга уринди. Чиқаётганда абада⁴си эшик бандига илакишиб қолди. Бироз ишқал бўлиб, доимий котибга ёрдам бериш учун югуриб келишди. Шу пайтда самолётга зина беришиб, самолёт эшиги ўймасида Питер Блеклог кўринди. У доимий котибни ва унинг ҳамроҳларини муборакбод этиб ўнг қўлини кўтарди. Газета репортёрлари фотоаппаратларини чиқиллатишди. Питер Блеклог оғзининг таноби қочиб зинадан туша бошлади. Доимий котиб меҳмон томонга бир неча одим отди. Блеклог қўлини чўзди ва доимий котиб унинг қўлини олиб қисди, кейин меҳмонни ўзига тортиб кучоқлаб олди. Блеклог шу лаҳзада жирканиб титраб кетди: у аввал қора танли маҳаллий кишига бунақа ҳолатда мутлақо яқин келмаган эди. Уни Жанубий Африкадаги қилмиш-қидирмишини яхши билган одамлар бу фототасвирларни кўрсалар ҳам ажабланидилар, ҳам газабланидилар, деган фикр ўтди хаёлидан. Бу расмлар ўша одамларнинг кўзига тушмасин-да ишқилиб, деб умидланди у.

Блеклогнинг бахтига кучоқлашув узоқ давом этмади. Бу тарихий онларни келажак авлодга қолдириш қанчалик зарур бўлса, шунча вақт давом этди холос. Ҳайдовчи орқа эшикни очди ва доимий котиб меҳмон билан бирга ичкарига кирди. Автомобиль расмий кишиларни кутиб олиш ва кузатиш учун мўлжалланган танобий эшигига бориб тўхтади. Блеклогни катта стол ортига ўтқизишди ва доимий

¹ “Отель де ла Мер” мана шуми? (французча).

² Ҳа, ойимқиз (французча).

³ Раҳмат (французча).

⁴ Африкалик мансабдорларнинг хос устки кийими, бизда камзул устидан кийиладиган янги калта мурсакка ўхшаган, аммо одатда елкага ташлаб юрилади (тарж.).

котиб ҳам унинг ёнига ўтирди. Репортёрларнинг стол атрофида югур-югур қилиб фотоаппаратларини чиқиллатишлари ва чироқларини ёндириб-ўчиришлари Блеклогни эсанкиратиб қўйди.

Биринчи бўлиб доимий котиб сўз олди. У вазирнинг зарур давлат ишлари билан банд бўлиб олий даражадаги меҳмонни кутиб олиш учун аэропортга шахсан ўзи келолмаганидан жуда қаттиқ афсусланганини билдирди. Нигерия мистер Блеклогга ёқишига, чунки у ўз дўстлари орасида эканлигига умид билдирди. Маданият ва миллий йўналиш вазирлиги унга ҳар томонлама ёрдам беришига меҳмонни ишонтирди. “Буюк давлатимизга хуш келибсиз”, — деди у охирида.

Блеклог жавоб нутқи сўзламоқчи бўлиб ўрнидан турди. Тантаналардагидек ўрнидан туриб гапириш шарт эмас, дейишди унга. Меҳмон ўзини бу ерда ўз уйидагидек ҳис қилиши керак экан. Ўтириб гапираверишини илтимос қилишди. Блеклог ўтирди. У ўзини ноқулай аҳволда ҳис қилди. Бунинг устига жуда иссиқ ва дим эди. Атрофда қора танлилар жуда кўп йиғилиб, уни қизиқсиниб томоша қилаётганлари учун ҳам димиқиш кучайди. Блеклог чап қўлини бўйнига чўзиб, сиқиб турган галстук тугунини бўшатмоқчи бўлди. Эгнида ёзги костюм, аммо шу ёзги костюмда ҳам чидаб бўлмас даражада исиб кетаётганди. У вентиляторнинг катта парраклари айланаётган шифтга қаради. Доимий котиб меҳмон иссиқдан қийналаётганини сездди. Стол устида турадиган шамол паррак олиб келишни буюрди. Вентиляторни олиб келиб Блеклогнинг олдига қўйишди ва у бир қадар ўзини енгил ҳис қилди. “Бу дўзахда уч кун қандай қилиб яшаркинман?” деб ўйлади у. Бу ерга янги хўжайин келгандан кейин оқ танлилар иссиққа қарши бирон нарса ўйлаб топишлари керак, деб ҳам фикридан ўтказди. Эҳтимол ўша вақтгача фан бирон нарса ўйлаб топар, оқ танли одамлар фан ўйлаб топган нарса ёрдамида бутун шаҳар, эҳтимолки, бутун мамлакат миқёсида ҳавони муътадиллаштирувчи ускуна ишлаб чиқарлар.

Блеклог оммага мурожаат қилар экан, салмоқлаб гапирар ва юзидан жилмайиш аримасди. Унга кўрсатилган одатдан ташқари илиқ муносабат кўнглини тоғдек кўтариб юборганлигини изҳор қилди. Шу муносабат билан у Нигерия маданият ва миллий йўналиш вазирига, шунингдек, вақтини аямай аэродромга келган ва меҳмонни шу қадар хуш кутиб олган вазирнинг доимий котибига миннатдорчилик билдирди. Блеклог стол устида шитоб билан чирпирак бўлаётганига қарамай, димликни тарқата олмаётган вентиляторга қараб туриб, Европа ва Африка маданий алоқалари бўйича ассоциациясининг бошлаган ишига кўмак беришга тайёр турган Нигериянинг дўст халқига ҳам раҳмат айтди. Бу халқнинг маданияти билан жиндек таниш бўлган одам, деди у, унинг бу шарафга сазовор эканлигини инкор этмайди. Нотиқнинг ўзи Лондонда очилган Нигерия санъати кўрғазмасига бир неча марта бориб, бу халқнинг санъати билан ошно бўлган. У ишонадики, Англия халқи билан Нигерия халқи ўзаро муваффақиятли ҳамкорлик қила олади. Бизнинг давримизда, сиёсий келишмовчиликлар даврида, деди нотик, маданий алоқа халқлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг энг яхши омилдир. Блеклог охирида илиқ қабул қилганлари учун мезбонларга яна бир бор ташаккур изҳор қилиб, гулдурос қарсақлар остида бошидан тер қуйилиб жойига ўтирди. “Бу бемаънилик тезроқ тугай қолсайди, — деб ўйлади у. — Мен учрашишни мўлжаллаган одамлар нега бу ерда йўқ? Нигерия ҳукумати нега бунақа майнавозчилик қилляпти?”

Доимий котиб меҳмоннинг қулоғига журналистлар Нигерияга ташрифнинг асосий мақсади — янги маданий иншоот қурилиши ҳақида бир неча савол билан мурожаат қилмоқчи эканликларини шипшиди. Блеклог журналистлар сафарнинг ҳақиқий сабабига тегишли “кўнгилсиз” саволлар бермасмикинлар, деб хавотирланиб қолди. Аммо Блеклог бекорга хавотирланган эди. Тантанали кутиб олиш маросимида иштирок этаётган журналистлардан деярли ҳеч ким Питер Блеклогнинг ўтмиши ҳақида аввалдан маълумот тўплашга ҳаракат қилмаган эди. Саволларнинг ҳаммаси жўнгина бўлиб, фақат қурилишнинг режалари ҳақида эди. Аслида қайси иншоот ҳақида сўз боряпти? Блеклог жилмайиб, пешонасидан терни артди. У ўзи бошқараётган Ассоциациянинг Лагосдан ер сотиб олиб, у ерда конференциялар ўтказиш, театр томошалари кўрсатиш, кинофильмлар намойиш этиш, Европа ва Африканинг йирик мусаввирлари иштирокида кўрғазмалар очиш мақсадида катта бино қуришни мўлжаллаётганини айтди. Бино қаерда қурилмоқчи? Бу масала ҳали ҳал этилгани йўқ. Блеклог Нигерияга айнан шу масалани муҳокама қилгани келган. Шаҳарликлар учун яхши, қулай жойни излаб топши керак. Блеклог олди-сот-

ди ҳақида эслатиши биланоқ доимий котибнинг калласида фикрлар қуюндек айлана бошлади. Албатта бу ишда унга ҳам у-бу нарса тегиб қолади! Журналистлар тинмай савол ёвдиришарди, Блеклог фақат иссиқдан қийналиб саволларга осонгина ва бемалол жавоб берарди. Ниҳоят сукут чўкди.

Шу топда бирдан савол тушди, бу саволдан меҳмоннинг кўз олди қоронғулашиб кетди.

Доимий котиб матбуот конференциясининг тугаганлигини эълон қилиш учун ўрнидан турмоқчи ҳам эдики, орқа қатордан кимдир қўлини кўтарди. Қориндор кичкина бир одам стулни тарақлатиб ортга суриб ўрнидан турди. Йўталиб олиб, савол берди:

— Мистер Блеклогнинг бизнинг диёримизга келишига сабаб бўлган лойиҳани МРБ маблағ билан таъминлайдими?

Блеклог оқариб кетди. Тердан ҳўл бўлиб кетган рўмолчаси билан юзини шошапиша артди. Журналистлар ноҳўя савол берган ҳамкасбларидан очиқ-ойдин ижирганиб, ўзаро шивирлашиб қолдилар. Ажаб, Америка унинг арпасини хом ўрганми, нуқул америкаликларга ёпишади? Кимдир, агар йигитга америкаликлар жиндек муллажирингми ёки Штатларга бориш учун текин чиптами берса, ўйламай-нетмай унисини ҳам, бунисини ҳам оларди, деб кесатди. У ўзини “ҳурфикрли” қилиб кўрсатишни яхши кўради. Доимий котиб Блеклогнинг қулоғига бунақа саволга жавоб бериш шарт эмас, деб шипшиди. Блеклог энгил тин олди. Доимий котиб берилган сўнгги савол аҳамиятсиз бўлганлиги учун мистер Блеклог унга жавоб бермайди, деб эълон қилгач, оғзининг таноби қочди. Омма бу доно қарорни қарсақлар билан кутиб олди. Доимий котиб вазир номидан ва ҳукумат номидан яна бир неча оғиз сўз айтмоқчи эканлигини ҳисобга олиб, Нигерия ҳукумати Лагосдан бир неча чақирим узоқда бўлган жойдан бепул ер ажратишини айтди. Йиғилганлар, Блеклогни истисно қилганда, бу ахборотни қувонч билан олқишладилар. Блеклог бундай кутилмаган ўзгариш унинг режаларига қандай таъсир қилишини ҳали калласига сингдира олмаган эди. МРБ ҳақида савол берган журналист эса “мен қаршиман! Қаршиман!” деб қичқирди. Доимий котибнинг чапақай жаҳли чиқди ва ёнида турган полициячилардан бирига ғаламусни олиб чиқиб ташлашни буюрди. Журналистни ҳайдаб чиқаришгач, Блеклогнинг яна сўз олишига тўғри келди.

У бунақа валломатликни рад қила олмаслигини тушунар —бундай қилиш одобсизлик бўлар эди. Аммо у бундай янги ҳолат унинг режаларига қандай таъсир кўрсатишига ҳануз ақли етмасди. Нафсиламбирини айтганда, ҳукумат ерни нима учун текинга бермоқчи? Нима бўлса ҳам Блеклог таклифни қабул қилиб, Нигерия ҳукуматига миннатдорчилик билдирди.

Доимий котибга келсак, у ишни айлантириб юборганидан хурсанд эди. Ахир у ўзи айтганидек, Лагосдан бир неча чақирим нарида бўлган она қишлоғининг аҳолиси фойдаси учун мавқеидан энди фойдаланди. Аслида у ергача юз чақирим келарди. Доимий котиб бу таклифни киритиб, нимани мўлжаллади, бунга айтиш қийин эди. У европалашган омманинг диди ва манфаатларига мос тушадиган маданий марказ биносини узоқ қишлоқда қуришни таклиф этди, бинобарин, у ерда йилда бир кўринадиган дайди кўзбойлогичнинг қишлоқ бошланғич мактаби биносидан кўрсатадиган томошалари қишлоқ аҳлининг ягона кўнгилочар овуноғи эди. Бунақа иккичирлар доимий котибнинг ташвиш қилишига арзийдиган ишмиди? Унинг таклифини вазир албатта маъқуллайди, эҳтимол, бу ишдан ҳар икковига бир неча минг фунтдан тегиб қолса ажаб эмас. Албатта пайти келди дегунча мистер Блеклогга бундай совға учун йўталиш кераклигини шипшитиб қўяди. Доимий котиб кўз олдида Стратфорддаги Қирол театри саҳналаштирган Шекспирнинг “Шу сизга маъқулми?” (у Шекспирнинг ҳамма асарларидан шу пьесасининг номини биларди холос) асарини кўриш учун бутун Лагос одамлари унинг она қишлоғига бориш тарадудида тўда-тўда бўлиб автобус бекатига ёпирилаётганлари жонланиб кетди.

Блеклог билан доимий котиб аэропортдан меҳмонхонагача дарров етиб келишди, чунки машина йўлини олдиндаги полициянинг сиреналик автобуси ва икки мотоциклчи тозалаб келишарди. Доимий котиб ва Блеклог эртасига 24 июлда учрашишга келишишди, шундан кейин Блеклог “Федерал-пэлис” меҳмонхонасидаги ўз хонасига жойлашди.

Блеклог бир ўзи қолгач, дарҳол радио орқали Абижандаги майор Хью Стрейн билан боғланди. Стрейн ишлари жойида эканлигини айтди. Бу алоқадан бир неча соат аввал юкли кема бандаргоҳда елкан ташлаган эди. Блеклог ўз томонидан Лагосдаги аҳволни қисқа, икир-чикир ҳақида эзмаланмай баён қилиб берди. Сўнг шошилинич топшириқларга ўтди. “Мол”ни қирғоққа жўнатиш лозим ва у ерда тай-ёр туриши шарт бўлган юк машинасига ортиш керак. Сўнг юк Гана орқали Лагосга жўнатилади. У, Блеклог, “мол”нинг Лагосга якшанба кuni етиб келишини мўлжал-ляпти, ўшанда уни жойлаштиришга улгуради ва якшанба кuni кечқурун Лондонга учиб кетади. Агар иш ўшандоқ бўлса, яъни уни аэропортда илиқ кутиб олишгандек кечса, ташвишланишга ҳожат йўқ. Улар Лондондан туриб хавф ҳақида ваҳима қилиш-ган экан. Умуман олганда, ўша нарса — учинчими, ё тўртинчими бошқарма дегани аслида борми? Ҳарҳолда, у бу ерда, Лагосда бунақа нарсанинг шарпасини ҳам сез-гани йўқ. Ҳамма нарса улар ўйлагандан кўра ҳам жўнроқ чиқиб қолди.

Стрейн гапираётган Блеклогнинг сўзини бирдан бўлди. У полковникдан алоқа-ни узишни илтимос қилди, чунки кемада чақирилмаган меҳмон пайдо бўлиб қо-липти.

— Чақирилмаган меҳмон? — қайта сўради чатоқроқ эшитдимми деб ўйлаб.

— Ҳа, чақирилмаган, — тез жавоб берди Стрейн.

Блеклог ўчиб қолган рацияга эсанкираб қараб қолди. Стрейн билан нима воқеа бўлди экан? Блеклог бекорга фол очиб ўтиргиси келмади-да, радио орқали Уильям Геддес билан алоқа боғлашга уринди — у шу топда Аккрага етиб келган бўлиши керак эди. Маълум бўлишича, Геддес ўз жойида ва юк машинасини шанба кuni эрталаб кутаётган экан. У юкни Того ва Дагомея орқали ўтказиб юбориш учун барча зарур божхона ҳужжатларини тўғрилабди. Блеклог алоқани тугатиб, рацияни сумкасига солиб қўйди. Оғир кун ортда қолди. Хонада совутгич ишлаб тургани соз бўлибди! Блеклог телефон орқали тушликни хонасига буюрди ва овқатланди-да, уйкуга ётди.

VI

Кўрсатмага биноан воқеалар 23 июль, чоршанба кундан аввал бошланмаса-да, Фелла Абижанга келиши биланоқ, сешанба кuni бандаргоҳни кузатиш учун меҳ-монхона номери деразаси олдида жойлашиб ўтириб олди. У дераза олдида ўтириб, Чинуа Ачебенинг “Нотинч ҳаёт” романини қайта ўқир эди. Ачебенинг ҳамма китоб-ларидан Феллага мана шуниси ёқарди ва унга Европа танқидчилари ёзувчининг бошқа асари — “Емириш вақти келди” китобини афзал кўришларини тушуна ол-масди. “Нотинч ҳаёт”да унга таниш бўлган муаммолар ва дунё тасвирлангани учун ҳам кўпроқ ёқтирса эҳтимол, бинобарин, “Емириш”да Фелла учун ҳам, Европа танқидчилари учун ҳам бегона ва узоқ бўлган дунё ҳақида гап боради. Шуниси ҳам борки, Фелла учун у дунё унчалик даражада узоқ ва ёт ҳам эмас ва бироқ у дунё афсонавий, ҳақиқий эмас эди. Аммо танқидчилик “Майхўр”¹га ўхшаган нарсани шавқ билан кутиб олгандан кейин Фелла Европанинг Қора Африка адабиёти ҳақида-ги фикрини икки пулга олмай қўйди. У “Нотинч ҳаёт” асарини биринчи марта қайта ўқиши эмас ва ҳар гал ундан нимадир янги ва ҳайратомуз фазилатлар топар эди.

Фелла вақти-вақти билан цейс дала дурбинидан кўрфазга қараб кўяр эди. У ҳозирча жиддийроқ бирон нарса сезгани йўқ. Оқшом чўкиб, осмон қоронғилаша бошлади. Ёмғир шариллаб ёғарди. Фелла дурбиндан осмон билан денгиз оралиғида чўзилиб оқаётган шаффоф ёмғир томчиларини томоша қила бошлади. У ёмғир том-чиларининг денгиз устини қоплаган ўртикка сингиб кетишини илғашга ҳаракат қиларди. Тез орада ёмғир тинди, ўтаётган кунга сўнгги нурларини сочиб қуёш мўра-лади.

Фелла ресторанга тушиб овқатланди. Ресторанда одам кам эди. У ичимликни ўз хонасига буюриб, юқорига кўтарилди-да, дурбиндан бандаргоҳни кузатишни унут-маган ҳолда яна ўқишга тутинди. Ниҳоят, у китобни ўқиб бўлиб ёпди. Узоқда ке-

¹ Нигерия адиби Амос Тутуоланинг қиссаси.

маларнинг чироқлари чарақлаб, сув юзида аксланди. Тунги булутсиз осмонда тўлин ой нур сочарди. Фелла ярим кечада уйкуга ётди.

Соат олтида ўрнидан туриб кийинди. Фелла исиб кетмаслик учун ҳамиша пижамасиз ухларди. Агар хонадан бирон жойга чиқиш керак бўлиб қолса, деган маънода пижамасини каравот ёнидаги стулга тахлаб қўярди. Ҳар доимгидек бадантарбия билан шуғулланди: жойида туриб беш дақиқа лўкиллаш, беш дақиқа олдинга эгилиб букилиб туриш, сўнг ерга ётиб икки қўлини тираган ҳолда ётиб-туриш, бу ҳам беш дақиқа. Бироз терлагач, шу машқларни яна бир марта такрорлади. Ҳарсиллаб, чўмилгани ваннахонага кириб кетди. У вишиллаб тушаётган совуқ сув тагида ода-тидан ташқари кўпроқ турди. Кейин қалин сочиқ билан пайлари бўртган баданини тез-тез артди. Кўйлаги ва жинсисини кийди. Чўнтак тўппончасини олмасликка қарор қилиб, уни ёстиқ тагига қўйди. Ўзи билан фақат буклама пичоғини олди.

Фелла соат саккизда нонушта қилгани ресторанга тушди. Ноннинг суви қочган эди, аммо Фелла катта чашкадаги кофени маза қилиб ичди. Сўнг у меҳмонхона тақваотидаги янги газеталарни кўришга кетди. Газеталарда айтарлик қизиқ нарса йўқ эди. Фелла ўз хонасига қайтди.

Бир неча вақт ўтгач, у кўрсатмада қайд этилган телефонга қўнғироқ қилди. Инглизча гапирадиган бир аёл гўшакни кўтарди. Фелла паролни айтди:

— Ва-со-бия¹.

Симнинг у ёғидан унга қандай ёрдам кераклигини сўрашди. Фелла моторли қайиқ кераклигини айтди. У қайиқни бугун кечкурун соат саккизда қирғоқнинг маълум бир жойидан олиб кетади. Яна нима керак, деб сўрашди гўшакдан. “Ҳозирча ҳеч нарса”, — деди Фелла ва гапни тугатди. Дераза олдига ўрнашиб олиб бандаргоҳни кузатишда давом этди.

Пешиндан кейин кузатишни яна давом эттирди. Аср вақтида, соат бешга яқин уфқ томонда кема пайдо бўлди.

Фелла аввалига бу қандай кемалигини кўролмай қолди: масофа жуда узоқ эди. Кечкурун соат еттига яқин кема қирғоққа шу қадар яқинлашдики, Фелла уни кўришга муваффақ бўлди, афтидан, кўрсатмада айтилган кеманинг худди ўзи эди. Фелла дурбинни стулга қўйди. (Фелла ўрнидан турмай қўли етадиган даражада каравот ёнига қўядиган хонадаги ягона стул шу эди). Кўйлаги ва жинсисини ечиб, юпка, баданига ёпишиб турадиган ғаввослик кастюмини кийди. Сўнг унинг устидан кўйлаги ва жинсисини ҳам кийиб олди. Пичоғи жойида эканлигини текширди. Пичоқ жойида экан. Сувда бўлгандан кейин, деб ўйлади Фелла, тўппончани олишдан маъно йўқ. У қўл чироғини ҳам олди. Отланиб бўлгач, бирон нарса эрдан чиқмадимикин, деб у ёқ-бу ёққа аланглади. Фелланинг режаси бундай эди: моторни ўчиради-да, кутади. Кемадан қирғоққа жўнатиладиган юк ортилган қайиқлар сувга туширилиши керак. Бу қайиқлар сузиб кетгач, Фелла моторни ёқиб, катта тезлик билан улар ёнидан ўтиб кетади. Мотордан ҳосил бўлган тўлқинлар кўтарилиб келиб қайиқни босиб кетади ва улар тўнтарилиб кетса ҳам ажаб эмас. Агар шундоқ бўлмаса ҳам юк нам тагида қолади.

Фелла хонани қулфлаб лифтда биринчи қаватга тушди. Портъёга калитни топшириб, кўчага чиқди. Қоронғулик чўккан. Денгиздан ёқимли шабада эсади. Ғаввослик кийими юришига халақит берарди. Фелла осмонга қаради. Унда-бунда юлдузлар пайдо бўлибди. Ой юзини эса булутлар тўсган. “Ёмғир ёғмаса яхши бўларди”, хаёлидан ўтказди у.

Фелла хилват йўлдан юрди. Атрофда зоғ учмас эди. Фақат бир марта қаршидан машина чиқди. У йўл четига ўтиб, машинанинг ўтиб кетишини кутди, машина фараларини ёқиб унинг кўзларини қамаштириб ўтиб кетди. Фелла ниҳоят қайиқ турган жойга етиб келди. У қайиқда кимдир бўлишини мўлжал қилган эди. Ҳақиқатан ҳам моторли қайиқ келишилган жойда, қирғоқ бўйида турар, штурвалда бошини осилтирганча бир одам ўтирарди. У ухлайётганга ўхшарди. Фелла яқинроққа бориб, овоз берди:

— Ва-со-бия.

¹ Нигериядаги уч йирик халқнинг номларидан ташкил топган сўз — йоруба, хауса, ибо — учала сўз ҳам бир хил маънода: “кел”. 50-йиллардаги машҳур қўшиқнинг номи ҳам шундай аталарди.

Штурвалдаги одам бошини кўтарди, қоронғуликда унинг оппоқ тишлари ярқираб кетди. У ҳам жавобан паролни қайтарди. Фелла ёндорни ушлаб қайиққа чиқиб олди. Бу куйруқ томонига мотор ўрнатилган оғир эшакли қайиқ эди. Фелла ундаги осма мотор ҳаддан зиёд зил эканлигини сездди, бундай қайиқларга ихчамроқ мотор қўйилгувчи эди. Штурвалдаги одам Фелланинг нигоҳидаги бу шубҳани сездди.

— Бу қуввати икки баробар оширилган алоҳида серия, — Фелланинг ҳайронлигини тарқатди у. — Босинқи ҳам икки томонлама. Мотор эмас, нақ томошақовоқнинг ўзи. Мана эшитиб кўринг. — Ва у двигателни ёқди, мотор шовқинсиз, босинқи ишлаб кетди.

— Сиз мен билан кетасизми? — сўради Фелла ҳамроҳи қайиқдан чиқмоқчи эмаслигини сезиб. Штурвалдаги одам ўтказгични ёқа туриб:

— Бизнинг одамлар бундай сайрга бандаргоҳни яхши биладиган биронтаси билан чиқишни маъқул кўрадилар, — деб жавоб қилди.

Майли, мен қарши эмасман, ўзлари билишади, деди Фелла ўзига.

— Бизга ҳов ана у кема керак, — деди у уфқда қотиб қолган қора нуқтани кўли билан кўрсатиб.

Унинг ҳамроҳи бошини кимирлатиб қўйди ва қайиқ олдинга сапчиди. У сувни ёриб, мўлжалга шовқинсиз борарди. Ўн дақиқалардан сўнг кема аниқ кўринди, улар полубада юрган бир-иккита шарпани ҳам кўришди. Фелла ҳайдовчига қайиқни тўхтатишни буюрди.

У двигателни ўчирди, қайиқ тўлқинлар устида енгил тебрланди. Тебранишни камайтириш учун ҳайдовчи қайиқнинг тумшугини тўлқинга тўғрилаб қўйди. Фелла икки юз ярдча узоқликда бўлган кемани кузата бошлади. Агар кемадан юкни чиқариш ҳаракати бўлганда полубада гимир-гимир бўлиб қоларди. Аммо ҳеч нарса сезилмади. Эҳтиёт қайиқлари жойида осиглик эди. Бортда команда ташлаб кетган чўкаётган кемадагидек ўлик сукунат ҳукмрон эди. Милг этган ёруғлик йўқ. Майли энди, соат ҳозир 20.30 ни кўрсатаяпти — кутиш керак, деган фикрга келди Фелла. Штурвалга эгилиб олган ҳамроҳи мудраётганга ўхшарди. У вақти-вақти билан “жонланиб”, тўлқин суриб юборган қайиқни жойига қайтариб кўярди. Соат 21.00 бўлди, кемада эса боягидек зим-зиёлик ва сукунат. Фелла кемани адаштирдиммикин, деб ўйлаб қолди. У яна ярим соат кутишга, агар шунда ҳам ҳеч нарса ўзгармаса, кемагача сузиб бориб бортга чиқишга ва бу қандай кема эканлигини аниқлашга қарор қилди. Агар у оддий савдо кемаси бўлса, қайиғи бузилиб қолганини айтиб, ёрдам беришларини илтимос қилмоқчи бўлди. Хўш, агар у кимёвий моддалар ортган ўша кема бўлиб чиқса-чи? У ҳолда нима қилишини билмасди. Агар шунақа бўлса, у ёғи қанақа кутиб олишларига боғлиқ. Йўл-йўлакай бирон тадбир ўйлашга тўғри келарди.

Фелла 21.30 да ёрдамчисига кемага юз ярдгача яқинроқ сузиб боришни буюрди. Кейин кўйлаги билан жинсисини ечиб, агар бир соатда қайтиб келмаса, қирғоққа қайтишни ва керакли жойга унинг дом-дораксиз йўқолганини маълум қилишни айтди.

Фелла пичоқ билан фонарни тишлаб сувга шўнғиди. Сув у кутгандан кўра ҳам совуқроқ эди. У имкон борича товуш чиқармасликка ҳаракат қилиб, кема томон секин-аста сузиб борди. Уни қанча вақт сезишмаса шунча яхши. Агар бортгача пусибгина етиб бора олса, эҳтимол кемани тадқиқ қила олар. Фелла ҳайбати уммондаги йўловчи кемадан қолишмайдиган улкан қора нуқтага сузиб келди. Кема, чамаси узунасига 130—140, энига 15—20 ярд келарди.

Фелла қайиқ олдидан сузиб кетгач, ҳайдовчи қайиқлар турадиган жойдан уч ярд нарига сузиб бориб, ўша ерда Фелланинг ишорасини кутиб туриш учун моторни ёқди. Фелла ишора бергач, ҳайдовчи яна яқинга келиб уни олиб кетмоқчи бўлди.

Фелла кемага яқинлашиб келгач, сув юзига сузиб чиқди ва шу ондаёқ ёруғ нур унинг кўзларини қамаштирди. Фелла кўзларини қисди. Тепадан кўпол бир овоз эшитилди:

— Qvi va la?¹

Фелла шўнғиб, икки дақиқача сув ичида турди. Қайта сузиб чиққанда тагин нурга дуч келди. Овоз таҳдид билан такрорланди:

— Qvi va la?

¹ Ким у? (Франц.)

Фелла бу овозни қаердадир эшитгандек эди. У бошқа шўнғимасликка қарор қилди. Аммо саволга жавоб бермади, шошилмади. Бироқ ўша савол учинчи марта такрорланди — энди овозда очиқ таҳдид бор эди. Фелла қисқа жавоб қилди:

— Moi!

— Qvi? — сўради овоз ғазаб билан.

Фелла жавоб бермади. У гапираётган одамнинг башарасини кўришга интилди. Аммо кучли ёруғлик ҳалақит берарди. Бунинг устига гаплашадиган бўлса, тишлари орасидаги пичоқ билан фонарни сувга тушириб юбориши мумкин. Тепадаги овоз “Attender”³ деди ва кеманинг ичидаги хоналардан кимнидир чақирди. Худди шу пайт майор Хью Стрейн радио орқали Питер Блеклог билан гаплашаётган эди. Стрейн рацияни ўчириб, зиналардан ҳатлаб палубага югуриб чиқди.

— Нима бўлди? — сўради у Лагос билан алоқасини узиб қўйишганидан норози бўлиб.

Феллага мурожаат қилган овоз энди англизчага ўтди:

— Канақадир бир одам, сув ичида турипти.

Фелла шу топда бу овозни қаерда эшитганини эслаб қолди. Бу овозни яқиндагина Абижан аэропортига қўнаётган самолётда эшитганди. Фелла оғзидан пичоқ билан фонарни олиб ғаввослик кийимининг ичига беркитди. Иккинчи овоз нима деганини эшитиб қолди:

— Менса, менга револьвер беринг. — Сўнг бироз сукутдан кейин қўшиб қўйди: — Ким у? Жавоб бер, бўлмаса отаман.

— Нега тепага чиқиб олишимга ёрдамлашмайсиз? — деди алҳол Фелла. — Мен музлаб кетяпман.

— У французча гапирмаяпти, — деди биринчи овоз ва Фелла шу ерда қовун туширганини тушунди — у французча гапиришда давом этиши керак эди.

— Ушла арқонни. Кўрамиз, ким экансан.

Фелла тепага чиқиб олди. У тиришиб-тирмашиб чиқиб, бортдан ошиб ўтгунча икки киши ундан кўз узмади: бири оқ танли, бошқаси самолётдаги қора танли. Икковининг қўлида отишга шай револьвер.

— Қўллар бошга олинсин! — буюрди оқ танли.

Фелла бўйсунди. У борда эгнидан томган сувдан ҳосил бўлган қўлмак устида турарди. Кийим ичидаги тушиб кетиши хавфи бўлган пичоғи ва фонарини беркитиш учун қўли беихтиёр пастга тушди.

Стрейн револьвер дастаси билан унинг қўлига урди.

— Сенга айтдим-ку қўлингни бошингга ол, деб!

Фелла ўнг қўлини бошига қапиштирди, қўлим лат емадимикин, деб хавотир олиб қўйди.

У рўпарасидаги одамларга қаради, улар ҳам ўз навбатида ким бу, нима қилиб юрибди, деган гумонда Феллани кузатишарди. Полвон келбатли қора танли — Абижан аэропортида номерсиз автомобилга ўтириб кетган ўша одамни Кофи Менса дейишар экан. Доктор Менса “Мулоқот” ташкилотига (Фил Суяги Қирғоғида штаб-квартираси билан) Гананинг вакили эди. Феллани Менса ҳам таниб қолди — унинг гапига нафрат билан жавоб қилган одамни эслади. Менсанинг қалин лаблари истеҳзоли иржайди.

Стрейн Менсага ўгирилиб сўради:

— Ким бу одам? Сиз уни биласизми?

Аммо Менса оғиз очишга улгурмаёқ Фелла бидирлаб кетди:

— Тушунинг, ахир, менга сизнинг ёрдамингиз керак. Менинг қайи...

Менса унинг сўзини бўлди:

— Ҳа, мен бу одамни биламан. Ўйлашимча, у жуда хавфли, — деди у Стрейнга ва сўнг Феллага ўгирилиб қўшиб қўйди: — Азизим, сен тўғриси гапириб беришингга тўғри келади, гапиришдан олдин яхшилаб ўйлаб ол.

Фелла Стрейннинг бот-бот пешонасига тушиб кетадиган сочини тўғрилашини кузатиб турарди.

— Бу йигит — нигериялик, — деди Менса Стрейнга.

¹ Мен (франц.).

² Ким? (Франц.)

³ Тўхтаб туринг (французча).

Бу хабар Стрейнга қандай таъсир қилганини кўриб, Фелла кемадан адашмаганлигини тушунди. Кема худди ўша эди.

— Нигериялик эмасман дерсан ҳали? — сўради Менса.

Фелла бу саволга жилақурса ҳозирча жавоб бермасликка қарор қилди.

— Мен, тўғриси айтсам, — деб бошлади Фелла ўзини иложи борица гўлликка солиб, — мен билан нега бунақа муомала қилаётганингизга тушунмаяпман. Сизларга айтдим-ку, ишқал бўлиб қолди деб. Менинг...

— Йигит, — деди Стрейн, — гапингни ўйлаб гапир. Ҳақиқатан ҳам ишқалинг чиқди.

— Сиз ахир тушунмаяпсиз, — ўзиникини маъқуллади яна Фелла, ёрдам сўраётган, аммо гапини тушунтира олмаётган одамга ўхшашни давом эттиришга уринарди у.

— Мен сени кеча самолётда кўрган эдим, — деди Менса энди чалғитиш бефойда эканлигини англатиш учун.

— Ортимиздан юр-чи, йигит. Биз сени бир зумда гапиртирамиз, — деди Стрейн ва зинадан тез туша бошлади. Менсанинг ниқтовиди Фелла ҳам унинг ортидан юрди.

Зинапоя устидаёқ Фелланинг димоғига машина ёғининг ҳиди урилди. Кема анча эскириб қолгани сезиларди. Яқиндагина бўяшганига қарамай бўёқ тагидан унинг занг босганлиги яққол кўриниб турарди. Уччаси йўлак бўйлаб оғзиларига талқон солиб олгандек изма-из боришарди. Стрейн капитан каютасининг эшигини очиб кирди-да, каравотга ўтирди. Менса иллюминаторга орқа ўтириб жойлашди. Фелла ёпиқ эшик олдида уларга қарама-қарши тик турди. Қўллари аввалгидек бошида эди.

— Ҳўш, энди бизга нима дея оласан? — деб гап бошлади Стрейн револьверини ёнига қўйиб. — Бахтсиз ҳодиса ҳақидаги чўпчагингни ичингда сақлаб тур. Бу билан бизни лақиллата олмайсан.

— Мен нигерияликман, — деди Фелла.

Стрейн билан Менса бу иқрордан кейин яна нима дейишини кутишди, аммо Фелла миқ этмади. Менса сабри чидамай:

— Буни биз сенсиз ҳам биламиз, — деди ва Стрейнга ўтирилди: — Биз бекорга вақт ўтказаяпмиз, деб ўйлайман.

Менса ўрнидан туриб, Феллани четлатди-да, каюта эшигини очди. Йўлақдан кимнидир чақирди. Сўнг қайтиб ўз жойига ўтирди. Гавана сигарасининг қутисини очиб, битгасини Стрейнга таклиф қилди, у рад қилди.

— Раҳмат, мен чекмайман, — деди Фелла бирдан.

Менса билан Стрейн унга қарашди. Менса хуштак чалиб, сигарасини тутатди. Стрейн нигоҳини олди.

— Сен ўзингни жуда ақлли деб ўйлайсан, шекилли, — деди Менса тутун бурқситиб.

Каюта эшиги тикиллади.

— Кир, — деди Стрейн ва каютага узун бўйли одам — росмана паҳлавон бостириб кирди. У милтиқ ушлаб олган, бу нарса улкан қўлларида ўйинчоқдек кўринарди. Гўё милтиқ эмас, таёқча ушлаб олгандек. Паҳлавон қоматини тиклади.

— Бу одамни пастки каюталардан бирига олиб бор, — буюрди Менса. — Ечинтириб боғлаб қўй ва менга хабар қил. Питирлагудек бўлса, отиб ташла.

Паҳлавон Феллани эшик ортига итарди. Улар зинапоядан узун йўлакка тушишди, паҳлавон йўлакнинг охиридаги эшиклардан бирини очиб, Феллани туртиб ичкарига киритди. Бу қачонлардир қўшқават каравотли иккинчи даражали каюта бўлган чоғи. Иллюминатор олдида стол, унинг ёнида стул турарди. Паҳлавон уларни олиб чиқиб қўйди. Жой кенгайди. Кейин қоровул Феллага милтиқни ўқталиб бақирди:

— Ечин!

Фелла нима қилиш кераклиги ҳақида зўр бериб бош қотирарди. Бу нусхалар унга берадиган азобларга индамай туриб бериш мумкин эмас. Аммо у нари борганда уч кишига қарши нима қила олади, эҳтимол бир тўда бўлиб кетса-чи? Айтайлик, сал ўнг келса мана бу газандани даф қилиб, милтиғини эгаллаб олади. Айтайлик, бу ерда ҳаммага буйруқбозлик қилиб юрган анави икковини “тинчитади” ва “сайрашга” мажбур қилади. Агар шунақа бўлса...

— Сени қанча кутишим керак? — бақирди қоровул ва гурзидек қўли билан Фелланинг башарасига солди. Фелла оғриқ ва кутилмаган зарбдан чайқалиб кетди, кўзларини пирпиратиб, буйруқни бажармоқчи бўлгандек эгилди. У кейинги дақиқада мушти билан қоровулнинг чотига солиб қолди. Бундай зарбни мушт билан эмас, оёқ ёки тизза билан бериш кераклигини Фелла яхши биларди, албатта. Аммо ҳозир шунақа ҳолат эди. Хужумни кутмаган қоровул бир неча лаҳза қотиб қолди. У ўзига келгунча, Фелла қаддини ростлашга, милтиқни бир четга улоқтириб, уч букилиб қолган қоровулнинг бошига тиззаси билан зарб беришга улгурди. Бироқ у ўзини тез ўнглаб олди ва Фелла ягона имтиёзи — тасодифий ҳужум қилишдан маҳрум бўлди. Жисмоний кувватига ишонган паҳлавон қаддини ростлаб, девор олдида турган Фелла томон кела бошлади. Рақиб, ҳақиқатан ҳам қудратли эди. Аммо Фелланинг сезишича, у улкан гавдасини ўхшовсиз бошқарарди: у шундоқ оёғининг тагида ётган милтиқни олиш учун ирғимади. Унда қоровул ташаббусни қўлга оларди. Эҳтимолки, ғазаб алангасида уни эсидан чиқаргандир. У қўлларини мушт қилиб ўнганга, чапга айлантирар, аммо Фелла зарбдан ўзини олиб қочарди. Рақиб қўл етгулик масофада унга яқин келгач, Фелла бигиздек бармоқларини унинг кўзига тикиб олди. Қоровул даҳшат билан бўкириб, қўллари билан юзини тўсди. Фелла милтиққа ташланди. Аммо кечиккан эди. Стрейн қўндоқни оёғи билан босиб, револьвер дастаси билан Фелланинг гарданига туширди. Фелланинг кўз олди қоронғулашиб, хушини йўқотди.

Фелла ўзига келгач, қип-яланғочлигини сизди. Қимирламай, бир неча дақиқа куч тўплашга ҳаракат қилди. Ниҳоят кўзини очиб, атрофга аланглай бошлади.

Энди у қора танли қоровул билан яккама-якка олишган каютада эмас, йўловчилар ташийдиган кеманинг қачонлардир кинофильмлар намойиш қилинган, концертлар уюштирилган, йўловчилар рақс тушган танобийсида, яхши кунларда оркестр жойлашган супанинг зинасида ётарди. Қўллари орқасига боғланган, оёқлари ҳам боғланипти, аммо сезишича, унчалик чандиб боғланмаган.

Илгари танобийда, одатдагидек, қатор стуллар қўйилар, ҳозир эса бўм-бўш эди. Полдаги ленолиум эскириб, ранги ўчиб кетганди. Кўп йиллар мобайнида пойабзал пошналари ишқаланаверганидан рангининг қанақалигини билиб бўлмасди. Эшик олдида паҳлавон қоровул қўлида милтиқ билан турар, Феллага еб қўйгудек бўлиб хўмрарди. Фелла берган азобни унутмаган қоровул танобийнинг ўртасида бир-бирига рўпара ўтирган иккала хўжайиннинг шубҳаларига битта ўқ билан чек қўйишни жуда-жуда истар, анавилар ҳаракат қилиш ўрнига гаплашиб ўтирганига ҳеч ақли бовар қилмасди. Бу одам хавфли душман эканлигини ҳатто бу ҳам билди-ку. Ихтиёр унда бўлганда душманининг нафасини чиқармай отиб ташларди.

Менса билан Стрейн Фелланинг ғимирлаб қолганини сезиб олдига келишди. Уларнинг қўлларида револьвер йўқ эди.

— Жуда ўлигингни ташлаб олдинг, — деди Стрейн.

Фелла гарданини сийпалаб кўргиси келди, назарида, шишган эди. У бошини бурмоқчи бўлди. Кутилмаганда бу нарса қийин кўчмади, фақат дастлаб қаттиқ оғриқ сезди-ю, сўнг бу оғриқ ўтиб кетди.

Танобий шифтдаги илгакка осилган 200 ваттли очиқ лампа билан ёритилган эди. Менса билан Стрейн ўтирган жой айнан ўшанинг тагида эди. Фелла аввал биттасига, кейин иккинчисига қаради. Уларни нима бирлаштириши мумкин, деб ўйлади ҳайронликда. Қанақасига қора танли одам оқ танли одамга шерик бўлиб қолган?

— Хўш, бизга жавоб беришга тайёрмисан? Агар йўқ десанг, унда... — Стрейн жўрттага чайналди.

Соат неча бўлди экан, деб ўйлади Фелла. Вақтни чўзиш керак, иложи борича узоқроқ чўзиш керак. Агар у ўз одамлари келгунча чидай олса, (Фелла уларнинг келишига шубҳа қилмасди), унда, эҳтимол, ҳаммаси яхши бўлиб кетар. Ёрдамга юборилган одамлар билан у кемани ичидаги ашқол-дашқолларини қўшиб портлатиб юбориши мумкин эди. Ҳамма нарсанинг осонлигини қаранг-а, жуда ҳам осон кўчмаяптими? Бирон жойда ишқал чиқса, деб ўйлади Фелла, унда ҳаммаси жаҳаннамга равона бўлади. Фелла даҳшатга тушди. Душманлар ғалабаси ҳақидаги фикрга тоқат қилиб бўлмасди, ундан кўра қийноққа, ҳатто ўлимга ҳам рози бўлган яхши. У сўроқни ҳамфикрлар ўртасида тасодифан чиқиб қолган тушунмовчиликларни аниқлашга айлантириб юборишга ҳаракат қилади. Фелла томоғини қириб:

— Сизни ўзи нима қизиқтиради? — деб сўради.
— Исм-шарифинг? — сўради Стрейн худди унинг қаршисида ҳарбий асир тургандай.

— Фелла Дандого, — жавоб берди Фелла ва қўшиб ҳам қўйди: — Яна нима?
— Шошилма. Сенинг ишинг жавоб бериш, савол бериш эмас! — унинг оғзига урди Стрейн.

У ўрнидан туриб асирнинг олдига келди. Аввалига у бу яланғоч қора баданга тушириб қолишни ўйлади, аммо фикридан қайтди. Стрейн Фелланинг устига энгашиб қичқирди:

— Кемада нима керак эди сенга?! — Бир зум жим қолиб: — Билиб қўй, сенинг ёнингдан пичоқ ва фонар топдик. Шунинг учун айлантирма, — деб қўйди.

— Менга кемадан ҳеч нарса керак эмас. Ҳатто бортга ҳам чиққаним йўқ. Ўзларингиз мени кўриб қолдингиз. Бахтсиз ҳодисага дуч келдим ва сизлардан ёрдам сўрамоқчи эдим. Мана шу...

Стрейн Феллани юзига қулочкашлаб уриб юборди:

— Мен сенга айтдим-ку айлантирма деб!

Фелла тишини тишига босди, кейин пастки лабини тишлади. Булар билан ҳазиллашиб бўлмайди, деб ўйлади у.

— Менга кийим беринг, илтимос, — илтижо қилди у.

— Агар жавоб бермасанг, мен сени ўлдирганимдан кейин умуман кийим керак бўлмай қолади.

— Ахир мен исмимни айтдим-ку.

— Мен эса сендан кемада нима керак эди деб сўраяпман. — Стрейн саволини унинг қовурғасига уриш билан тасдиқлади, Фелла икки букилиб стулдан ағдарилиб тушди. У энди ҳамма нарса мўлжалидан ҳам анча тезроқ ҳал бўлишини аниқ билди. Воқеалар ечимини чўзиш учун у мана бу икковига аслида ўзининг ким эканлигини ва уларнинг операцияси ҳақида унча-мунча нарсани билишини айтишига тўғри келади. У кучини сақлаши керак. Яланғоч бўлиши уни кўпда ташвишлангирмайди, бунга у кўникаб ҳам қолди. Аммо арқон билаklarини қичиштириб юборди. Чап биқини ҳам кўкариб кетган бўлиши керак. Фелла оғриқдан башараси буришиб ўрнидан турди-да, стулга ўтирди.

— Сиз эҳтимол, Тўртинчи бошқарма ҳақида ҳақ қачон эшитмагансиз-да, а? — сўради Фелла Стрейнга қараб.

— Албатта, эшитганман, — деди Стрейн пешонасига тушган сочини тўғрилаб. — Бу болаларнинг разведкачилик ўйин командаси, сизнинг қандайдир Африка бирлиги ташкилотингиз томонидан яқинда ташкил этилган. Хўш-хўш, нима бўлибди? Ўша ерданман демоқчисан, шекилли?

Оқ танли одамнинг Тўртинчи бошқарма ҳақида унча-мунча нарса билишини эшитиш Фелланинг дилига хуш ёқди. Аммо бу нусха уни “болалар командаси” деб атагани ғазаблангирди. “Улар бизни писанд қилишмас экан, майли, эҳтимол, бу яхшиликкадир”, — ўйлади у.

— Сиз учун менда бир янгилик бор, — деди Фелла. — Мен худди шу команданинг Нигерия бўлимиданман. Сизларнинг операциянгиз ҳақида бизга маълум. Болалар ҳам ишнинг кўзини билиши мумкин-ку, тўғримами?

Стрейн ўз жойига қайтиб, стулга оғир чўқди.

— Қанақадир операция ҳақида сизларга нима маълум бўла қолибди?

Фелла жилмайди, оний лаҳзага оғриқни ҳам унутди.

— Наҳотки, бу ерга шунчаки, сайрга келганмиз, деб мени ишонтирмоқчи бўласиз?

— Жим бўл, разил! Бу ерда саволни мен бераман, сенинг ишинг — жавоб бериш!

— Иложи бўлса сўкинмасангиз! — Фелланинг оғзидан шу гап чиқиб кетди, аммо шу ондаёқ пушаймон бўлди. Стрейн стулдан сапчиб туриб, Фелланинг олдига учиб келди-да, биқинига туширди — яна чап биқинига. Фелла бу гал пайларини таранг қилиб олишга улгурганлиги учун зарб унча билинмади.

Эшик олдида турган қоровул бу ишларга очиқ-ойдин норози бўлиб қараб турарди. Уриш-сўкиш билан иш битмайди, деб ўйларди у. Бу йигитни отиб ташлаб, балиқларга ем қилиш керак.

— Хўш, Фелла, аллақандай операция ҳақида тагин нималарни биласан? — қистади Стрейн.

Вақтдан ютиш учун, деб ўйлади Фелла, уларнинг эътиборини бошқа нарсага чалғитиш керак. Қизиқ, оқ танли одам қора танлига ишонадими? Айтайлик, Фелла қора танли унинг томонидан ва демакки у оқ танлига хиёнат қилмоқчилигига ишора қилади — унда нима бўларкин?

— Бу ҳақда ўз дўстингиздан сўрай қолсангиз бўлмайдими? — Фелла лабларини чўччайтириб Менса томонга имлади.

— Нима қилишим кераклигини менга ўргатмай қўя қол, саволга жавоб бер, — деди Стрейн, яна стулга ясланиб ўтириб... — Операциямиз ҳақида сенга нима маълум?

— Мана, қандайдир операциялар ҳар ҳолда бор! — деди Фелла яна ўша қўпол оҳанг билан. Стрейн бу гал уни урмаганига ҳайрон бўлди. Калтакка ўрганиб қоляпман, шекилли, шу фикр Фелланинг хаёлидан ярқ этиб ўтди.

— Албатта, бор, бўлмаса сен разил бу ерга келмасдинг.

— Шундай қилиб, бизнинг болалар командамиз сизларнинг операциянгиз ҳақида у-бу нарса билибди ва сизлар Нигерияга бирон фалокат келтирмасликларингиз олдини олиш учун бизни юборишди. Кўриб турганингиздек, биз шу ердამиз.

— Неча кишисизлар?

— Сешанба, мен учиб келган куним, — деб аралашди Менса, — фақат унинг ўзини кўрдим. Ёнида ҳеч ким йўқ эди.

— Аммо биз билолмасак керак, — деди Стрейн ва Феллага ўтирилди. — Хўш, бу ерда неча кишисизлар? Бир ўзингми?

— Дўстингиз бизнинг режаларимиз ҳақида мендан ҳам яхши хабардор, шекилли. Ундан сўраб қўя қолсангиз бўлмайдими?

— Ишда неча киши қатнашяпсизлар? — сўради Стрейн Фелланинг киноясига эътибор бермай.

— Нега энди мен сизнинг саволингизга жавоб беришим керак?

— Шунинг учунки, агар жавоб бермасанг, сени ўлдирадим.

— Агар жавоб берсам, унда нима бўлади?

— Бу ёғи энди сенга боғлиқ. Масалан, биз сен билан ҳамкорлик қилишимиз мумкин.

— Раҳмат. Бунақа таклиф ўзингизга сийлов.

— Нишонга олинсин! — буйруқ берди Стрейн қоровулга.

Униси милтиқни елкасига ташлаб, оғирлигини бақувватроқ ўнг оёғига ташлаб, Фелланинг калласини нишонга олди. Фелла қоровулга қаради. Бу даҳшатли бало занжири бошлангандан буён биринчи марта унинг қалбини ўлимгача бир баҳя қолибди, деган ҳис тешиб ўтди. Автомашинада соатига 90 миля тезликда кетяпсан, ҳозир етиб оламан, деган хаёлда ҳамроҳларинг билан ҳангомалашиб боряпсан ва бирдан фалокат оёқ остидан чиқиб қолади! Қаршингда девор. Бир лаҳзада автомашинанг ўз тобутингга айланади. “Вой” дейишга ҳам улгурмайсан.

Стрейн билагидан соатини ечди. Унинг юзида бир томчи тер маржони ялтирарди. У соатини чап қўлига олиб, Феллага диққат билан қаради. Сўнг қоровулга тикилди. У узоқ кутилган ечимдан ҳузур қилиб, тантанавор ишшайди. Стрейн Феллага мурожаат қилиб, салмоқлабгина гапирди:

— Сенга ўйлаб кўриш учун олтмиш секунд бераман. Сен мана бу саволга жавоб беришинг керак: шу ҳафтада мамлакатга қандайдир ашёлар кириб келиши Нигерия чегарачиларига маълумми? — Стрейн соат милларига тикилди. — Агар жавоб бермасанг, отишга буюраман.

Соатнинг секунд мили тўхтаб қолишдан қўрққандек телбавор ҳовлиқиб олдинга югура бошлади. Фелла жавобни ўйлаб қолди. Агар ҳақиқатга тўғри келмаса ҳам чегарачиларга бу операция маълум деса, бу нусхалар Нигерияга суқилиб кириш учун уни гаров тариқасида ушлаб қолишмайдими? Наҳотки, уни кутқариш учун ҳеч ким келмаса? Агар чегарачилар ҳеч нарса билишмайди, деса-чи, у ҳолда булар бу гапга ишонишмайди. Агар жавоб бермаса, уни ўлим кутади — энди буниси аниқ. Уни отиб ташлашади. Фелла жавоб бермасликка қарор қилди.

— Ўттиз секунд ўтди.

Баъзан бир дақиқа жуда узоқ чўзилади! Айниқса, ўлим олдидан сукут сақлаб турганинда. Эшик олдидаги қоровул отишга қачон буйруқ берилишини бетоқатлик билан кутарди. Аммо бундай буйруқ берилиши nasib қилмади.

— Қирқ секунд ўтди! — Стрейнинг овози янгради, худди шу маҳал уни чақириб қолишти. Чақирган Аккрадаги Геддес эди. Блеклог алоқа пайтида Геддесга Стрейн билан боғланишни ва унга нималар бўлаётганини аниқлашни топширган эди. Бошқа вақт қуриб кетганмиди, деб ўйлади Стрейн ижирганиб. У соатини чўнтагига солиб, ўрнидан турди. — Уни гапиришга мажбур қилинг, — деб мурожаат қилди у Менсага. — Мен тезда қайтаман.

— Уни отиб ташлай қолайлик?

— Уни гапиришга мажбур қилинг, дедим. Қачон лозим топсам, ўзим қиламан бу ишни.

Стрейн чиқиб кетди. Паҳлавон қоровулнинг ҳафсаласи пир бўлгани шундоқ кўриниб турарди. У милтигини туширди ва бўлаётган ишларга қўл силтади.

Фелла енгил нафас олди. Менса стулдан туриб унга яқин келди:

— Жавоб бермоқчимидинг?

— Йўқ.

— Нега?

— Чунки, у мени отмайди, деб ўйладим.

— Бунақа ишонч қаердан пайдо бўлди?

— Менда-ку ишонч йўқ эди. Мен таваккал қилдим. У йўғида сен нима иш қилмоқчисан?

— Ўз фойданг учун жавоб беришинг керак. Биз ҳазиллашиб ўтирмаймиз.

— Сизлар бу ерда кўпчиликми?

Фелланинг нигоҳи Менсанинг елкасидан ўтиб, на Менса, на қоровул кўра олиши мумкин бўлган нарсага қадалди. “Буларни икки дақиқагина чалғитиб туролсам эди”, — ўйлади Фелла. У эшикда, қоровул орқасида уни моторли қайиқда олиб келган одамни кўрди. Қайиқчи товуш чиқармай паҳлавоннинг гарданига тўппончанинг дастасини қўйиб, бор кучи билан унинг бошига урди. Қоровул хушидан кетиб, ерга гуп этиб тушди. Қайиқчи қоровулнинг қўлидан тушаёзган милтиқни юлқиб олиб, хонага қадам қўйди.

— Қўлингни кўтар, эшак, — буюрди у Менсага. Менса ўтирилди, ҳайратдан оғзи очилиб, икки қўлини боши тепасига кўтарди. Кириб келган қайиқчи уни тинта бошлади.

— Куроли бўлмаса керак, — деди Фелла ўзини енгил ҳис қилиб.

У Фелланинг арқондан халос бўлишига ёрдам қилгунча эшик ортидаги йўлакда кетма-кет икки марта ўқ овози қарсиллади.

— Яшавор! Бизга кимдир халақит беришга уринган кўринади, — деди қайиқчи.

Майор Стрейн кўкрагидан ўқ еб зинапоядан думалаб тушди. У Жоко отган ўқлардан яраланган эди.

Давоми бор.



Илм нуридан бахрамандлик

Кўхна тарих сабоқлари илм ва маърифатни кенг тарқатишга имкон яратган мамлакатлар иқтисодий тараққиётда ҳам катта ютуқларни қўлга киритганини кўрсатади. Сабаби, бу ерда маънавият ва илм аҳоли орасидаги дўстлик ва бирдамликни чуқурлаштириб, ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаган. Фуқароларга тўла етиб борадиган, тушунарли тилда ёзилган китоб ва ахборотлар ўз-ўзини камолотга етаклашининг бебаҳо воситасидир. Янгиликни уққан ҳар бир киши ўз оиласида, иш жойида бошқалар билан турли илмлар борасида суҳбат қуради. Турли китобларни, илмий манбаларни ўрганган кишилар қанчалик кўп бўлса, жамиятга шунча кўп манфаат етади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин халқимизнинг ўтмишдаги анъаналарига мустаҳкам таянган ҳолда илгарилаб бормоқда. Ҳозирги замон илмий ютуқлари мамлакатимизга кенг кириб келмоқда. Чет мамлакатларнинг замонавий илмий-техникаси мамлакатимиздаги илмий тадқиқот муассасаларига, ўқув юртларига, ишлаб чиқариш ташкилотларига ўз вақтида етиб бориши учун катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Қисқа муддат ичида амалга оширилган барча жабҳалардаги ютуқларимиз кўнглимизни шод этади.

Мустақиллик шарофати билан халқимизнинг иймон ва эътиқодига, тарихий анъаналарига мос келадиган қимматли китоблар ёзилди ва нашр этилди.

Халқимизнинг бой маънавиятни кенг тарғиб қилишда “Тафаккур” ва бошқа журналлар катта ишларни амалга оширмоқда. Дунё адабиётининг дурдоналарини она тилида ўқиш имкониятини яратиб берган “Жаҳон адабиёти” жур-

нали қисқа муддат ичида ўқувчиларнинг ҳурматига сазовор бўлди.

Журналда эълон қилинаётган ҳорижий ёзувчиларнинг роман, қисса, драма ва шеърый асарлари ўзбек китобхонларининг маънавий бойлигини юксалтиради. Айни замонда улар Навоий, Бобур, Чўлпон, Абдулла Қодирийларни етиштирган ўзбек халқининг бой адабиётига катта муҳаббат уйғотади.

Журнал фаолияти кўзгусида чет эл ёзувчилари асарлари билан ватан адабиётини таққослаш имконияти юзага келди. Бундай таққослашнинг аҳамияти шундаки, у тафаккурни ўтқирлаштиради, чархлайди.

Аммо бу соҳада айрим муаммолар ҳам мавжуд. Масалан, чоп этилаётган китоблар ва салмоқли журналлар кўпчилик умумтаълим мактаблари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ва кутубхоналар жавонига етиб бормаяпти. Китоб ва журналлар нашр этиладию, уларни ўқувчига етказиш, тарғиб қилиш соҳасидаги узилишларга барҳам берилмаган.

Гарчи бу борада маълум чора-тадбирлар амалга оширилганига қарамай, мазкур нашрларнинг халқ маънавий руҳига сингиб кетиши учун етарли шароит йўқ. Чунки улар ўқувчи — китобхонлар қўлига ҳамма ерда бирдек етиб бормаётир. Улар бир жойда тахланиб ётади, иккинчи жойда эса топиб бўлмайди.

Маданият ишлари вазирлигининг мутасадди ходимлари ушбу ҳолатни афсусланиб қайд этадилар. Нашриётлар китоб нашр қилиш йиллик режаларига эга. Чоп этиладиган ҳар бир китобнинг қўлэмаси билимдон муҳаррирлар таҳриридан ўтади. Ушбу китоб кимга, қайси тоифадаги аҳолига мўлжалланганлиги олдиндан аниқ белгиланган. Савол туғилади: нашр этилган китобни ўз ўқувчиси-

га етказиш билан шуғулланувчи мутахассислар давр тақоза қилаётган бозор иқтисодийети ва буюк мустақил Ўзбекистон фуқароларини тарбиялаш мақсадларини бирга қўшиб олиб борса бўлмайдими? Бунинг учун ҳокимликлар, тегишли ташкилотлар маълум ташкिलий ва оммавий ишларни олиб боришлари зарур эмасми? Китобни сотувга чиқаришда истеъмолчи талаби, давлат ва халқ манфаати нуқтаи назаридан кузатилмаётир. Ҳокимликларда маҳаллий бюджет ҳисобидан китоб сотиб олишга ажратиладиган сармоялар кўпинча паллартиши сарфланмоқда. Халқимиз маънавиятини юксалтирадиган китоб ва журналлар бир неча нусхада ҳар бир кутубхонада, мактаб ва олий ўқув юртлари кутубхоналари жавонидан жой олишига эришиш ҳокимиятдаги бу соҳага жавоб берувчи масъул кишиларнинг бевосита вазифасидир. Янги журналларга обунани ташкил қилиш жойларда эътибордан четда қолиб кетмоқда. Ҳар бир туман ва шаҳарда, мактаб ва болалар боғчалари жойлашган маҳаллаларда ўз фарзандлари учун, ёш авлод тарбияси учун кутубхоналарига етарли даражада китоб ва журналлар олиб беришга қодир тадбиркорлар етишиб чиққан. Фақат бу ишни ташкил қилиш ва амалга оширишни бошлаб юбориш лозим. Халқимиз маданияти ва маънавиятини юксак босқичга кўтариш учун қўйилган ҳар бир қадам мамлакат тараққиётини тезлаштирувчи кучдир.

Хуллас, бир қатор ташкиллий масалалар давр талабидан келиб чиқиб, шароитга мослаштирилиши ва мавжуд қийинчиликлар бартараф этилиши зарур. Ана шу қийинчиликлар туфайли китоблар ва оммавий ахборот воситалари ўқувчиларга етиб бормайди, борлари магазинлар пештоқида сотилмасдан туриб қолади. Мамлакатимиз Президентини озуқа маҳсулотлари билан аҳолини таъминлаш масаласида тартиб ўрнатгани энг хайрли ишлардан бўлди. Натижада сотувда нон, ун, шакар, ёғ, туз ва совун тахчиллиги тугатилди. Бу соҳада шароит тубдан ўзгарди. Бизнингча, китоб ва маҳаллий ахборот воситаларини ўз ўқувчисига етказиш ва уларнинг эҳтиёжларини тўла таъминлаш ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари жумласига кириши керак.

Болалар боғчалари, умумтаълим мактаблари, олий, ўрта махсус ўқув юрт-

лари ва барча кутубхоналарда махсус китоб фондларини ташкил этиш қийин иш эмас. Бугунги кунда неча миллион умумтаълим, ўрта ва олий ўқув юртлари ёшларини дарсликлар, қўлланмалар билан таъминлаш амалга оширилмоқда. Нега бу тажриба кенг ёйилмайди? Мамлакатимиз раҳбарияти орзу қилган давлатманд, бағри кенг, кўнгли очиқ, ишбилармонлар ҳамма жойда топилди. Китоблар ва маҳаллий ахборот воситаларига сарфланадиган ҳаражат ўз фарзандларимизни тарбиялашга хизмат қилажгаи тушунтирилса етарли. Шуниси ачинарлики, баъзи жойларда китоб магазинларида бир неча йил олдин чиқарилган китоблар билан пештахталар банд қилиб қўйилган.

Масаланинг бошқа томони ҳам ўйлаб кўришга лойиқ. Кейинги вақтларда китобхонлар меҳрини қозонган айрим китобларнинг тиражи оз нусхада босилмоқда. Масалан, “Меҳр қолаур”, “Ватан туйғуси”, “Тасаввуф”, “Ўзбек халқ эртаклари”нинг 2-жилди ва бошқа кўпгина асарлар бир неча бор ортиқ баҳода қўлда сотилмоқда. Дўконлар асосан бошқа мамлакатларда босилган олди-қочди китоблар билан тўлиб кетди. Ёшлар тарбиясига хизмат қилувчи, уларга илм-маърифат берувчи асарлар эса жуда кам нашр этилмоқда.

Оммавий ахборот воситалари ҳамда китобларни тарқатиш ва тарғиб қилишда қийинчиликлар бор, лекин уларнинг ечимини топса бўлади. Мен 1941—1945 йилларда уруш пайтларида Тошкент Давлат педагогика институтининг талабаси эдим. Талабаларга нафақа тўланмасди. Ўқишдан бўш вақтларда иш топишга мажбур эдик. Ўқитувчининг ойлик маоши 600 сўм, унга бозордан икки буханка қора нон олиш мумкин. Ишловчилар, уларнинг оила аъзолари, оталари урушга кетганлар, нон талони билан арзон баҳода киши бошига 400 грамм қора нон олинарди. Бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари талонга берилганини эсламайман. Муҳтожлик туфайли дам олиш ва байрам кунлари бозорга бориб, мардикорликка ёлланамиз, ёғингарчилик кунлари, қиш фаслида вокзалга бориб йўловчиларнинг чемоданлари, юklarини ташиб берамиз. Шу йўл билан у ҳафтадан бу ҳафтагача тирикчилик ҳаражатларини учма-уч қоплар эдик. Шундай шароитда ҳам ўқитувчиларимиз китоблар, керакли журналларни сотиб олишга

буюрар эдилар. Кўпинча трамвайга тушиш учун пул йўғу, китоб ва ўқув қуролларини ярим оч яшасак ҳам сотиб олар эдик. Эсимда, ҳурматли устозим Ходи Зариф (халқ оғзаки ижодидан дарс берар эдилар) “Алпомиш” достонини топиб ўқиб чиқишни, В.Жирмунскийнинг фольклор ҳақидаги ўқув қўлланмасини таҳлил қилишни топширдилар. Кутубхонада бу китоблар кам, юқори курс талабалари олиб, уларни қайтармаганлар, имтиҳонлар яқинлашмоқда. Начора, ўра қазиб, мардикорчиликдан топган пулга шу китобларни сотиб олдим. Бундай ҳолат бошқа фанларда ҳам такрорланган. Турар жойи — уй билан институт ва иш жойларим ораси 5—8 чақирим, пулсизлик туфайли пиёда йўл юрамиз. Айниқса, қиш кунлари, ёғингарчиликда жуда қийин. Ҳозирги кунлар билан ўша даврни таққослаб бўладими? Давлат миқёсида амалга оширилаётган ижти-

мойий ҳимоялаш тадбирлари минг бора шукроналар айтиб яшашга тўла имкон яратган. Ҳозир шароитдан нолиган киши Оллоҳни норизо қилади, ёшлар тарбиясига путур етказилади. Биз катта ёшлилар, турмуш машаққатларини бошдан кечирганлар, ҳалол ва тежамкор бўлайлик, ёшларни шунга ўргатайлик. Иродали, меҳнатсевар мўминлар бахту иқболга, давлатмандликка эришадилар. Маҳалла, мактаб болалари 5—10—20 киши бирга пул жамғариб китоб сотиб олишни, навбатма-навбат ундан фойдаланишни жорий қилишганига Самарқанд вилоятининг Ургут, Қашқадарё вилоятининг Қарши туманларида гувоҳ бўлдик.

Ўз Ватани ва халқига фидойи фаол, тадбиркор кишиларни тарбиялаб вояга етказишда китоблар, маҳаллий ахборот воситалари катта рол ўйнайди. Мутасадди ташкилотлар бу масалага эътиборни қаратадилар деган умиддамиз.

*Фатхиддин НАСРИДДИНОВ,
Ўзбекистон Давлат жисмоний
тарбия институтининг
профессори.*

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Беандиша одамлар одатда гапга чечан бўладурлар.

Демокрит

Иш-амал “мана мен” деб турган жойда ортиқча гап-сўзга ўрин йўқдир.

Цицерон

Арзимас ишларга зўр аҳамият берган киши муҳим ишларда ўзи арзимас бўлиб чиқадур.

Катон

Оғиздан чиққан биронта ҳам сўз айтилмай қолган кўпгина сўзларчалик фойда келтирмагандур.

Плутарх

Нимани ҳис этсак, шуни сўзлайлик, қандай сўзласак, шундай яшайлик!

Сенека

Катта-катта ваъдалар бериш ишончининг кучини қирқадур.

Хораций

Туркманистонда маданий ҳаёт

Мамлакат Президенти Сапармурат Туркманбоши Тошхөвүз шаҳрида Ёшуллар Мажлиси ва мамлакат халқ Маслаҳатининг VIII Кўшма йиғилишини ўтказди. Йиғилишда мамлакат раҳбари туркман халқининг XXI асрда маънавий тараққиёти бўйича режаларини гапириб берди ва бу ҳақда лойиҳа ишлаб чиқишни таклиф қилди.

* * *

Шотландиянинг Эдинбург шаҳрида ҳар йили “Кино — ёш авлодга” шоири остида фестивал ўтказилади. Бу халқаро кинофестивалда болалар фильмлари намойиш қилинади. Фестивалга бу йил туркманистонлик таниқли режиссёр Ўсман Сапаров ҳам таклиф қилинди. Фестивал танлов комиссиясининг раиси Камилла Эдвардс хонинининг туркман режиссёрига йўллаган мактуби ва таклифномасида худди шу ҳақда хабар қилинади. Ўсман Сапаровнинг “Шодлик келтир, фариштача” фильми айнан бугунги ёшлар тарбияси мавзусига бағишланган бўлиб, бу фильм кейинги йилларда бир неча халқаро кинофестивалларда намойиш этилган ҳамда 17 та совринга муносиб кўрилган. Шулардан олтитаси Гран-При совринлари.

* * *

Мари вилоятидаги Сакарчага замини ўз бағрида ўнлаб адиб ва шоирларни, бахши ва созандаларни камолга етказган табаррук ўлка ҳисобланади. Яқинда бу ерда таниқли туркман адиби, киносценариячи Анна Пайтиг таваллудининг 70 йиллиги кенг нишонланди. Адибнинг қаламкаш дўстлари — профессор Назар Гуллаев, Туркмани-

стон халқ ёзувчилари Говшут Шамиев, Отамурод Отабоев, хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Сўна Язова, ёзувчи ва журналист Қурбонназар Ўроқулиев тўй эгасини табаррук 70 ёши билан қутладилар. Юбилей тантанасига йиғилган каттаю кичик адабиёт мухлислари кўнглида “Умрингизга умр қўшилсин! Илҳомингиз жўшаверсин! Эл-халқ бахти учун, келажак учун қилаётган шарафли ишда асло чарчаш билманг, устоз!” деган ҳаяжонли тилақлар жўшиб турди.

* * *

Шу йил 20—21 август кунлари Ашгабатда “Аёл қалби” мавзуида халқаро хотин-қизлар конференцияси бўлди. Конференцияни Қурбон султон она номидаги Туркманистон хотин-қизлар Уюшмаси ташкил этди. Бу анжуман Туркманистон Президенти Сапармурод Туркманбошининг БМТнинг инсон ҳуқуқлари Умумий декларациясини қабул қилганлигининг 50 йиллигига бағишлаб тасдиқлаган Миллий режаси тадбирлари доирасида ўтказилди. Конференция иштирокчиларига мамлакат Президенти Сапармурод Туркманбоши табрик хати йўллади. Конференция ишида мамлакатнинг барча вилоятларидан вакиллар, турли муассасалар ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, элчихоналар ва чет эл ваколатхоналарининг вакиллари қатнашдилар.

* * *

Туркманистон халқ ёзувчиси Қиличмурод Какабоев драмалари асосида яратилган “Қалъа” ва “Туркманнома” спектакллари театр санъати мухлисла-

рининг эътиборини тортди, оғизга тушди, қатор-қатор совринларга сазовор бўлди. Иккала спектакл ҳам Мулланафас номидаги Туркман давлат академик драма театрида сахнага қўйилди. “Қалъа” спектакли Махтумқули номидаги Халқаро мукофотга сазовор бўлган бўлса, “Туркманнома” спектакли халқаро “Камалак — 98” фестивалида Бош мукофот — Гран-Прига муносиб деб топилди. Спектакллар ҳақида театрнинг бош режиссёри Тожмаммед Мамедвалиев шундай ҳикоя қилади:

— Иккала спектаклда ҳам туркман халқи тарихидаги унутилмас воқеалар ҳақида баҳс юритилади, бири иккинчисини тўлдиради. Шу маънода, бу асарларни туркман халқи ҳаётининг сахнадаги бадийий солномаси дейиш мумкин. Уларда қадимий Қўрқут ота даври, султон Санжар, салжуқийлар даври, Озодий ва Махтумқули яшаган замон, асримизнинг 30-йилларидаги манзаралар, шунингдек яқин йиллардаги мустабид мустахлакачилик йиллари воқеалари акс эттирилади. Спектаклларда халқимизнинг сеvimли санъаткорлари А.Муродов (Иблис ролида), А.Бердиев (султон Санжар), Ч.Эшонқулиев (вазир Малик Динор), К.Караева (Туркон Хотун), Н.Аннамуродов (Салир Қозон), Р.Ҳожимуродов (Қўрқут Ота), О.Ниёзбердиева (Қурбонсултон она), Алихон Текаев (ёш Сапармурот)лар ўз маҳоратларини намойиш қилади. Спектаклларга халқ артисти, профессор Ражаб Оллоёров мусиқа басталади.

Театр жамоаси ҳозирги кунда ушбу трилогия асарнинг учинчи —яқунловчи қисми устида иш олиб бормоқда. Учинчи қисмда озод ва мустақил Туркменистон давлатининг вужудга келиши, туркман халқининг ўз давлатини мустақамлаш борасидаги курашлари бадийий акс эттирилади.

* * *

Туркменистон киночилари яратган “Тавба” фильми (режиссёр Холмамед Какабоев) кейинги йиллар киносанъатида муҳим асарлардан бўлди. Долзарб маънавий муаммоларга бағишланган бу фильм бир-икки йил ичида Киев, Кишинев, Ереван, Минск, Ашгабат, Алмати, Баку, Санкт-Петербург, Анапа, Техрон, Карлови-Вари шаҳар-

ларида бўлиб ўтган халқаро кинофестивалларда намойиш қилинди. Фильмни томоша қилган мухлислар мазкур асарни юқори баҳолаб, “Шукур бахши”, “Дадил қадам”, “Жамолнинг дарахти”, “Шодлик келтир, фариштача” каби машҳур фильмлар билан бир қаторга қўймоқдалар.

* * *

Туркменистон халқ артисти Ражаб Ражабовнинг ижоди туркман мусиқа ва кўшиқ санъати ихлосмандларига яхши таниш. Яқинда бастакорнинг 58 та машҳур кўшиғини ўз ичига олган янги тўплами нашрдан чиқди. Бастакор кўшиқларга шеър танлашда М.Бобоназаров, Б.Худойназаров, Б.Жумдиев, Т.Шоқулиева, Г.Какабоев, А.Аннабердиева, С.Ўраев, А.Чуриев каби таниқли туркман шоирлари ижодига суянган. Шунингдек, мазкур бастакор Эрон, Туркия, Канада, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон шоирлари ижодидан ҳам шеър танлаб, уларга мусиқа басталаган. Кўшиқ ноталари ва матнлари тўплами — туркман мусиқаси мухлислари учун ажойиб совғадир.

* * *

“Рух” нашриётида атоқли туркман шоири, Халқ ёзувчиси Отамурод Отабоевнинг “Бошга тож этайлик Туркменистонни!” деб аталган янги шеърлар тўплами чоп этилди. Отамурод Отабоев — бугунги кунда туркман халқи севиб ўқийдиган кўплаб шеърлий тўпламлар муаллифи, Туркменистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси. Унинг қатор-қатор шеърлари кўшиқ бўлиб куйланиб, туркман халқининг маънавий мулкига айланиб кетган. Шоирнинг янги тўпламига асосан кейинги йиллар ижоди жамланган бўлиб, унда Туркменистон мустақиллиги, янги озод даврон, туркман халқининг Президент Сапармурод Туркманбоши раҳбарлигида янги турмуш учун олиб бораётган курашлари юксак шоирона руҳда куйланади.

* * *

Андалиб номидаги Тошҳовуз мусиқали драма театрига Жамма Мередов директор бўлиб келганидан буён, театр жамоаси бир неча янги спектакл-

ларни саҳнага олиб чиқди. Шулар ичида “Ошиқ Ойдин пир” спектакли (муаллифи Жамма Мередов) халқ ичида, айниқса ёшлар орасида кенг шухрат қозонди.

Ошиқ Ойдин пир замонасида ҳозирги пайтдагидай конкурслар ўтказилмасди, лауреатлик унвонлари берилмасди, — деб ҳикоя қилади театр директори, адиб ва драматург Ж. Мередов. — Лекин бирон-бир ёш созанда ёки бахшига Ошиқ Ойдиндай устоз фотиҳа берса, бу жуда улкан воқеага айланиб кетарди. Мана шундай улғистеъдодлар, созандалар ҳақида халқимизда гўзал ривоятлар ниҳоятда кўп, дostonлар ҳам кўп. Бугунги ёш авлод бу дoston ва ривоятларга қизиқиб қараётгани, ўрганаётгани бизни севинтиради, ахир мана шундай қизиқиш, фидойилик туфайлигина биз оғзаки

ижод орқали етиб келган тарихимизни, халқимизнинг қадимий урф-одатларини тикляпмиз.

Вилоят театрида яқинда саҳнага қўйилган яна бир асарнинг номи “Оқ қўзиқорин” деб аталади. Асар муаллифи — Жамма Мередов. Спектаклни режиссёр Гочмурод Бекиев саҳналаштирган. Бу саҳна асари болаларга мўлжалланган бўлиб, мавзуси — табиатни асраб-авайлаш ҳақида.

Табиат барча тирик мавжудотнинг онаси, — деб суҳбатни давом эттиради Жамма Мередов. — Табиатни севиш — Ватанни севиш демак. Кимки табиатга зарар етказса, у аввало ўзига зарар етказган бўлади. Табиат муҳофазаси инсон маънавияти билан, тарбия билан боғланиб кетсагина ёшларни ҳақиқий ватанпарвар қилиб етиштириш мумкин...

*Туркменистон Республикаси
вақтли матбуот хабарлари,
шунингдек, Туркменистон
Республикасининг Ўзбекистондаги
элчихонаси чиқарган “Туркменистон
янгиликлари” ахборотномалари
асосида Музаффар АҲМЕДОВ
тайёрлади*



КЕЛГУСИ СОНДА:

АНДРЕ МОРУА. **Чоршанба учун бинафшалар.** *Ҳикоялар.*
С.ШЕЛДОН. **Орзиқиб кутаман эртани.** *Роман. Охири.*
ТОМАС ЭЛИОТ. **Шаффоф ўлим салтанатида.** *Шеърлар.*
ФЁДОР ТЮТЧЕВ. **Шеърлар.**
К.ОМОТОСО. **Фелла танлаган йўл.** *Қисса. Давоми.*

Шунингдек, хориж ва республикамиз адабий жараёни, маданий ва ижтимоий ҳаётига оид тадқиқотлар ва мақолалар билан танишасиз.

Жаҳон адабиёти 11. 1998

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида
руйхатга олинган, № 172

Таҳририят манзили:
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Телефонлар: 144-41-60, 144-41-61, 144-41-62.

Навбатчи муҳаррир Бахтиёр АҲМЕДОВ

Рассом М.КАРПУЗАС
Техник муҳаррир В.БАРСУКОВА
Мусаҳҳиҳ Т.ОРИПОВА

Теришга берилди 15.10.1998 й. Босишга рухсат этилди 24.11.1998 й. Бичими
70×108¹/₁₆. Офсет қоғози. Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2.
Нашриёт босма табоғи 20,0. Жами 300 нусха. К-6560 рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасининг “Ўзбекистон”
нашриётида компьютерда теришиб, ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида
босилди. Тошкент — 700129. Навоий кўчаси, 30.